



# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Эркин Воҳидов	Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов	Хайриддин Султонов
Наим Каримов	Сироҷиддин Саййид
Тўра Мирзаев	Тўра Саидов
Иқбол Мирзо	Энахон Сиддиқова
Минҳожиддин Мирзо	Йўлдош Солижонов
Абдуваҳоб Нурматов	Шухрат Маткаримов
Баҳамдулло Нурабуллаев	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам  
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод  
Наср бўлими мудири — Орзикул Эргаш  
Масъул котиб — Саъдулло Қуроноф  
Адабиётшунослик бўлими мудири в.б. — Раъно Ҳакимжонова



## УШБУ СОНДА:

НАСР

### ТЎҚҚИЗ ХОҚОН САЛТАНАТИ

*Романдан боблар*

Эгнидаги олтин совути, бошидаги мовутдан тайёрланган гулдор чўққи қалпоғи, қалпоқ учидаги тирқишдан чиқарилиб, ранг-баранг пилик аралаш ўрилган қалин сочлари унинг хуснига хусн, виқорига виқор қўшарди. Малика шоҳни бежиз тахтдан тушишга даъват этмагани ана шунда аён бўлди. Чунки ҳозирги ҳолатида у рақибидан салобатлироқ кўринарди.

Шавкат НИЗОМ



Салим АШУР

НАЪМ

### ПОЁЗД КЕЛАР ЎЗОҚЛАРДАН

*Шеърлар*

*Эй шиқ, даргоҳингга чопиб бораман,  
Йўқотган ўзимни топиб бораман.*

*Ўртада денгиз бор, юрак денгизи,  
Ундан қандай кечиб ўтай, тенгсизим?*



САНЪАТШУНОСЛИК

Ҳамидулла АКБАРОВ

### АДИБ ТАФАККУРИ, АКТЁР ТАЛҚИНИ

Раҳим аканинг хонадонларида, томошабинлар хузурида, студияда бирга бўлиб, баъзан қизгин суҳбат қуриб, баъзан кундалик ташвишлари билан танишиб, айниқса, жўшқин фаолиятнинг янги қирраларини кашф қилиб бир фикрга келардим: у кишида кинодаги ижодни адабиёт билан боғлаган санъаткор эволюцияси кўзга ташланар экан.



Замира ИБРОҲИМОВА

АДАБИЁТИМИЗНИНГ УМУМИЙ  
МАНЗАРАСИ – 2013

### 2013 ЙИЛ БОЛАЛАР НАСРИ ҲАҚИДА

Бугун жангари кинолар, мультфильмлар, телефон, интернет, плестейшн ўйинлари кўпайиб кетган бир пайтда эзгулик юксак санъаткорлик билан улуғланган асарларга эҳтиёж катта.



“МУАЛЛИФ ЎЛИМИ” ГА СИЗ ХАМ  
ОВОЗ БЕРАСИЗМИ?

Маҳкам МАҲМУД

### ТАҚЛИД, ТАСВИР, ИЛҲОМ ВА ИСТЕЪДОД

Р.Бартнинг матнда “муаллифнинг ўлими” ҳақидаги фикрлари асосида поэтик санъат табиатини тушунмаслик ётади. У илоҳий илҳом нималигини ҳам тушунмайди. Суқрот ҳаким, Афлотун ва Арасту ижодкорларни Тангри илҳом берган зотлар, деб қадрлайди. Суқрот дoston айтувчи рапсод Ионга: “Сенинг Ҳомерни яхши куйлашинг бу касбни яхши билганинг учун эмас, балки илоҳий илҳом ҳолатида айтганинг учундир”, дейди.



ҲУМОЮН

НАЗМ



### ЁЁШИШ

(Сонетлар гулдастаси)

Сўқмоқларнинг бағри тўла сир,  
Уфқларга туташиб кетган,

Балки осмон кўксига етган.  
Кафтда чизиқ эмасдир тақдир.



МУЛОҲАЗА. МУҲОКАМА.  
МУНОЗАРА

Нусратилло ЖУМАХЎЖА

### ХАЛҚ ТИЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ НАСР

Халқчил тилда ёзишга ҳаракат қилиш – адабиёт тилини жўнлаштириш ёки жонли сўзлашув тилида ёзиш, дегани эмас. Бадий тил ҳам адабий тилга асосланади. Адабий тилнинг нафислик хусусиятларидан озиқлангани учун ҳам бадий адабиёт нафис санъат турига айланган.



Малика ФАЗИЛОВА

АДАБИЁТШУНОСЛИК



### Усмон Азим драматургиясида аёл образи талқинлари

Адибнинг сўнги драматик асари “Тонг отган тарафларда”ги Тонгёруғ образи Усмон Азим драматургиясида яратилган комила аёллар образлари галереясини тўлдиради. Ушбу асарни муболағасиз Усмон Азим драматургиясининг квинт-эссенцияси, дейиш мумкин.



## МУНДАРИЖА

### НАСР

Шавкат Низом. Тўққиз хоқон салтанати. Роман. ....	5
Чингиз Айтматов. Биринчи муаллим. Қисса. ....	29
Тоҳир Малик. Хазонрезги. Қисса. Охири. ....	44
Абдунаби Бойқўзи. Тешикмозор ҳангомалари. Ҳажвий қисса. ...	73
Саъдулла Сиёев. Кулгидан ясалган гулдаста. ....	82
Исажон Султон. Онаизорим. Қисса. Охири. ....	86
Нортўхта Қилич. Рухият мусаввири. Эссе. ....	133

### НАЗМ

Салим Ашур. Поезд келар узоқлардан. Шеърлар. ....	27
Ҳумоюн. Бешгул. Сонетлар гулдастаси. ....	41
Шермурод Субҳон. Қалбда қудратсан севги. Шеърлар. ....	68
Фарида Ҳусайнова. Нурга тўлар бу она ватан. Шеърлар. ....	71
Бобур Элмуродов. Бир кўнгил ўстирсанг ичингда. Шеърлар. ....	83

### БАРҲАЁТ МЕРОС

Гегель. Эстетика. Давоми. ....	148
--------------------------------	-----

### БАҲС

Маҳкам Маҳмуд. "Муаллиф ўлими"га сиз ҳам овоз берасизми? Тақлид, тасвир, илҳом ва истеъдод. ....	160
---	-----

### АДАБИЁТИМИЗНИНГ УМУМИЙ МАНЗАРАСИ – 2013

Машҳура Шералиева. 2013 йил қиссалари ҳақида айрим мулоҳазалар. ....	104
Гулноза Сатторов. Адабиёт ва маънавий эҳтиёж. ....	107
Нурбой Жабборов. Янги замон шеърляти тамойиллари. ....	110
Абдулла Улуғов. Рухнинг ширин озиғи. ....	118
Замира Иброҳимова. 2013 йил болалар насри ҳақида. ....	121
Ислом Ёқубов. Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл топади. ....	123
Ҳаким Сатторий. Самимий сўз эҳтиёжи. ....	127
Абдулла Шер. Шеърлий таржима – юксак санъат. ....	129

### МУЛОҲАЗА. МУҲОКАМА. МУНОЗАРА

Нусратулло Жумаҳўжа. Халқ тили ва замонавий наср. ....	184
--	-----

### САНЪАТШУНОСЛИК

Ҳамидулла Акбаров. Адиб тафаккури, актёр талқини. ....	191
Дилмурод Исломов. Мусиқа санъати муаммолари. ....	199

### БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Наманган ёшлари ижодидан. Шеърлар. ....	140
---	-----

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Малика Фазилова. Усмон Азим драматургиясида аёл образи талқинлари. ....	177
--	-----

Зокиржон Раҳимов. Муборак Талабоева. Миллий детективнинг шаклланиш омиллари. ....	181
--	-----

### БУ БЎСТОН САҲНИДА

Исмоил Маҳмуд Марғилоний. Икки оламда азиздир яхшилар. Ғазаллар. ....	171
--	-----

### ЁДНОМА

Абдуғафур Расулов. Бошқаларга ўхшамас олим эди. ....	174
--	-----

### БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Жиянбой Избосканов. Сен тонг янглиғ келарсан. Шеърлар. ....	189
---	-----

### УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Ҳабиб Саъдулла. Тилаклар бир бўлсин. Шеърлар. ....	202
--	-----

### ГУЛҚАЙЧИ

Анвар Намозов. Ота, қаердасиз? Ҳажвия. ....	204
---	-----

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2014

3-сон

Муассис:  
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ**

\* Муаллифлар фикри  
тахририят фикри деб қабул  
қилинмасин.

Тахририятга юборилган  
материаллар муаллифларга  
кайтарилмайд.

\* Обунага монелик  
кўрсатилса,  
Тошкент – 100000,  
“Амир Темури” тор  
кўчаси, 2. Республика  
“Матбуот таркатувчи”  
акциядорлик  
компаниясига мурожаат  
қилинсин.  
**Обуна индекси – 911**

### Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,  
“Ўзбекистон” кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди  
12.06.2013 йил.

Қоғоз бичими 70x108 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>,  
Офсет босма усулида тип.  
№ 1-қоғозга босилди.  
Босма тобоғи 11.  
Шартли босма тобоғи 15,4.  
Наشريёт ҳисоб тобоғи 17,2.  
Адади 3600 нусха.  
Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 0562–рақам  
билан рўйхатга олинган.  
“Ўқитувчи” НМИУ босмаҳонасида  
чоп этилди.

### Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта  
чоп этилади.

Саҳифаловчи ва янгиланган  
мукаво дизайнери:  
*Хуришд Иброҳимов*

Мусахҳих:

*Дилфуза Маҳмудова*

Copyright © “Шарқ юлдузи”



# ҶАСР

## Шавкат НИЗОМ

1961 йилда туғилган. Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олган. Бир қатор шеърлари, ҳикоялари, маданий ҳаётга бағишланган мақолалари вилоят ва республика газеталарида чоп этилган. “Хонадон”, “Сўнги қурбон”, “Осмонсиз уй”, “Қўлдош билан Ражабгул”, “Афандизода”, “Илондара” номли пьесалари республикада театрларида саҳналаштирилган.



## ТЎҶҚИЗ ХОҶОН САЛТАНАТИ

Романдан боблар

### ЎН УЧИНЧИ БОБ

Унинг исми Тўмарис...

Ҳали зарғалдоқ тусли биёбонни иккига ажратган карвон сўқмоғи четида чўзилган кимса тепасида осилган кафтдек булут соясида на тириги, на ўлигини билмай донг қотганда, ҳали Мидён шаҳаншоҳи Иштувоқ Форс шаҳзодаси – Кир Аҳамоннинг келгуси режаларидан беҳабар даврон сураётганда Туроннинг улуғ дарёси – Ўқузнинг қўйи оқимида макон тутган масйоғут<sup>1</sup> қабиласида бир чақалоқ дунёга келди. Одатда саҳройиларда қиз туғиладими, ўғил туғиладими, ҳаммаси тўю тантаналарга сабаб бўлади. Шу боис уруғ сардори Гўйлихон ўқсинмади. Аксинча, яйловдан тўққиз от ва тўқсонга қўй келтириб сўйишни, тўққиз кун ўтгач, халққа дабдабали тўй бериб, фарзандига муносиб исм қўйишини эълон қилди. Соҳилдаги овулларга чопар жўнатилади.

Эртаси тонгдан қабила йигитлари дарёга чиқишди. Улар текис ходалар маташтириб боғланган солларда сузиб, қамиш чамбаракларда балиқ овлашга тушдилар. Ов унумли бўлди, балиқлар тезда сараланиб, чавоқ балиқлар шўрвага, катталари қовуриш учун ажратилди. Индини сўйилган отларнинг гўшти катта мис қозонларга ташланди. Қўй гўшлари эса тузланиб, даланинг хушбўй ва доривор кўкатлари сепилгач, ивитилган каттон<sup>2</sup> парчаларига тугиб, ўтов керагаларига осилди.

Эртага маросим деган куни хотин-халаж тонггача ўчоқ ёнидан аримади. Қизқирқинларнинг аксари (мидёнлар) от ва қўй гўшти истеъмол этмаганлари боис масйоғутлар уларни қозон-товоққа йўлатмай, супур-сидир, чорвачилик ишларини бажариш, энг асосийси, марҳум жангчиларга қўшиб кўмиш учун сақланар, пишир-қуйдир эса бекаларнинг ўзидан ортмасди.

<sup>1</sup> Масйоғут – массагет (масйо – балиқ, ғут – киши), балиқчи маъносини билдиради.

<sup>2</sup> Каттон – зиғир поясидан тўқилган мато.

Тун ярмидан оққанда от гўшtidан мўлжалланган таомлар пишириб бўлинди ҳисоб. Шундан кейин суви сиздирилган қазии-қарталарни тапчанларга ёйиб, устидан қамиш чамбаракларни тўнқаришди.

...Қуёш уясидан мўраламай, биёбон узра буғ чалиндию, овулда ҳаёт қайнай кетди. Кеча ярим тунда етиб келган жировлар барбат<sup>3</sup> чалиб, бобокалонлари ҳақидаги термаларни куйлашга тушишди, атрофда давра ясаган ёш-яланглар қалбларида аллатовур қахрамонлик ҳиссиётларини туйиб, хаёлга чўмдилар.

Хуллала, хуллала, хуллала<sup>4</sup>...  
Буғро элнинг боласи Ўғизхон,  
Турқутларнинг лоласи Ўғизхон,  
Қилич тортар бўлганда, сермалаб,  
Келсин, душман сараси, Ўғизхон!..

Пайконни жойлаб камонга,  
Ўқ отар тўрт томонга,  
Ёғий босиб келганда,  
Билдиринг, Ўғизхонга, хуллала!..

Бўзбўриси алдинда ҳакиллаб,  
Остидаги тулпори гурсиллаб,  
Билагида лочини потирлаб,  
Юлдузларга от қўяр Ўғизхон!..

Чериклари ўн туман, Ўғизхон,  
Узоқларни кўзлаган, Ўғизхон,  
Қайтиш учун отланинг, Турқутлар,  
Бошингизда алп хоқон – Ўғизхон!..

Сал нарироқда эса бир тўп йигитлар кўкка сапчиган тулпорларини совутиб, улоққа тайёрлана бошлашди.

Қабила қизларининг уч-тўрт нафари алоҳида тайёргарлик кўрган, аллақачон эркакча кенг шалвар ва эчки терисидан тикилган чориқ кийиб, белини сириб боғлаганча, йигитлар билан беллашишга шай турган баланд бўйли қотма қиз атрофида куймаланардилар.

Қуёш найза бўйи кўтарилганда, илк меҳмонлар пайдо бўлишди. Улар овул атрофида бир қур айланиб секинлашгач, кўриниш берган Гўйлихон кўлларини кўкрагида чалиштирди. Аввал йигитлар, сўнг ёши улуглар отдан тушишди.

Дастлаб эгарни тарк этганлар қарама-қарши томонга ажралиб, ўртада уч-тўрт кишига лойиқ йўлак ясашди. Ана шу йўлак бўйлаб бир томондан мезбон, иккинчи томондан меҳмонлар олға юришди. Утовларга таклиф этилгач, меҳмонлар хом теридан тайёрланган камарларини қиличлари билан остонада қолдиришиб, қурга киришди.

Худди шундай илтифоту мулозамат ила орқа даштдаги яна икки сак қабиласи ва дарёнинг нариги бетидан ташриф буюрган қўшни уруғ кутиб олинди.

Тантана қатнашчилари жой-жойларини эгаллашгач, сопол косаларга муздек хаома<sup>5</sup> куйилди. Изидан ўтган тун тайёрланган қазии-қарта ва тонгда суйилган кўй гўшtidан қовурдоқ тортилди. Меҳмонлар дастурхонга андармон эканлар, кеча зиравор сепиб тузланган этнинг ярми ўт ёқиб қиздирилган товасимон тошларга ёйилди. Қолган бурдалар ҳўл саксовул буталарига осилиб, тагидан ўт қаланган махсус тандирларга босилди. Ўралар устига шох-шабба тўшалиб, устидан лой шувалди.

Қоринлари тўйиб, хушбўй хаома таъсирида ширакайф бўлган меҳмонлар ташқарига шамоллашга чиқдилар. Катталар тўдаларга бўлиниб паст овозда нималарнидир гурунглашаркан, ёшлар чор-атрофдаги тўй юмушларига овора бўй қизларнинг хумор нигоҳларини излай бошлашди.

Қариялар ўтовидан чиқиб келган Гўйлихон энди мусобақалар бошланишини эълон қилгач, меҳмонлар орасидан ёрғучилар сайланди. Ёш-яланглар рўпарадаги сайҳонликнинг олис бурчагига, тахминан юз-юз эллик қадам нарига одам бўйи баробар ходаларни тиклаб, учига кечаги қўйларнинг калла суюқларини қўндириб келишди.

Елкаларига ўқ-ёй солинган садоқ билан меҳмонлардан тўрт йигит, мезбонлардан эса бояги хилчабел қиз олдинга чиқди.

...Гўйлихоннинг учар отлари доврўғи нафақат яқин атрофда, балки узоқ Суғд ва

<sup>3</sup> Барбат – кўбизсимон мусиқа асбоби.

<sup>4</sup> Хуллала – сакларнинг жанговар хитоби.

<sup>5</sup> Хаома – эфидра шарбатига хушбўй усимлик аралаштириб тайёрланадиган муқаддас ичимлик.

Бақтриягача ёйилган бўлиб, зотдор тулпорлар ишқибозлари дунёнинг тўрт томонидан бу қақроқ биёбонларга тез-тез ташриф буюришарди. Аини тантаналар шу масъулиятни бирмунча енгиллаштирганди. Негаки, бояги тўрт нафар йигиту сарвқомат қиз ялангликка чиқишлари билан дашт томондан сайислар етовиди гижинлаган бешта яйдоқ той пайдо бўлди. Сўнгра ижозат берилди. Чопағонлар бурнидан ўт пуркаб, кўкка сапчиётган ғунонларга отилишди. Жиловлари бўшатишган тулпорлар чавандозлар залворидан беллари бир майишиб, жон ҳолатда олға интилишди. Шамолдек елиб жўнаган арғумоқлар, йўл-йўлакай канадай ёпишган эгаларини итқитишга ҳарчанд уринмасин, йигитлар ҳам, қизгина ҳам бўй бермасди. Қайтанга отларининг турна бўйинларига энгашганча, йироқларда сарғайган қумтепалар ортида ғойиб бўлишди. Халойиқ энди ҳаяжон ила ўша барханларга тикилди. Чорак соатлар ўтиб, узун сочлари яловдек ҳилпираган чавандоз – Гўйлихоннинг кўкалдоши Хулугнинг қизи Дубчароқ кўринди. Унинг қадди-қоматини ғоз тутиб, боз устига, отни ўз ҳолига қўйиб, кўлидаги ёйни яланглик этагидаги ходаларга тўғрилаб елишига қараганда, асов той жиловланган. Томошабинлар ёнидан ўтаётганда гирик бўшатишди. Шувуллаб учган ўқ чаноққа санчилди.

Қизга изма-из елаётган йигит ҳам оломонга тенглашиш баробарида мўлжалга беҳато урди. Сўнгра яна икки ва ниҳоят охириги отлиқ кўриндию, ўзга чаноқлар ҳам кетма-кет зарбалардан дириллаб, силкиनावерди.

Ёрдамчилар борасолиб нишонларни келтиришгач, натижа эълон қилинди. Ўқларнинг ҳаммаси мўлжалга аниқ санчилганидан мусобақанинг биринчи тури олий даражада ўтди деб ҳисобланди. Бироқ ўйин тугашига ҳали эрта эди. Энди елкасига баҳайбат жатан (камон) илиб, яккама-якка куч синашиш ниятида олдинга интилган икки ғойиб қумтепалар бағрига сингиб кетди. Нафас олмай кутаётган халойиқ, ниҳоят, барханлар ортидан бир-варакайига отилиб чиққан чавандозларни кўриб, бўрондек гувуллади.

Суворийлар олдин-кетин от суришаркан, оралиқ масофа жўрттага қилгандек, беш юз қадамда бир қаричга ҳам ўзгармас, анча вақтдан буён бундай мурасасиз томошани кўрмаган оломон ҳай-ҳайлаб, гувуллаб қахрамонларни олқишлар, мерганлар эса қўллари қуролда, нишондан нигоҳ узмай, шамолдек елишарди. Мана, мўлжалга бараварлашгач, чириллаган даҳшатли садо янгради ва икки қулочлик ўқлар зарбасидан титилган чаноқлар парча-парча бўлиб тўрт томонга сачради. Оломон баттар гувуллади. “Хуллала, хуллала!..”

Чавандозларга ўзлари жиловланган тулпорлари муқофот тариқасида берилди. Боз устига, сўнги икки қахрамонга тўрттадан совлиқ ҳам тухфа этилди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас, халойиқ тинчигач, Гўйлихон олдинга чикди. У бояги қизни ёнига чорлаб, хитоб қилди:

– Эй, Хулугнинг зурриёди! Сен ўзингни улуғ момоларимизга муносиб эканингни исботладинг. Масйоғутнинг зўр жангчиси Хулуг қизалоғи билан фахрланса арзийди. Энди сенда ҳеч кимнинг ҳақи қолмади, истасанг, шу йигитлардан бирига қўшилиб кетишинг, истасанг, овулда қолиб, отанг танлаган кимсанинг рўзғорида Табиту ғут<sup>6</sup> хизматида бўлишинг мумкин!..

Қиз ёнидаги ўтинчли термилаётган йигитга беписанд қараб олди-да, мағрур нигоҳини Гўйлихонга қадади:

– Эй, қабилисини эзгу йўлларга етакловчи башған!.. Эй, чорвасини майсалари хазонга айланмаган яйловларга етказувчи чўпон, элати рўзғори учун қўллар ва қиз-қирқинларни асир этгувчи улуғ жангчи, рухсат эт, истагимни сўйлай!.. – У халқига чуқур таъзим бажо айлаб, давом этди. – Мени онам ўзга юрт учун тугмаган. Аёзларда кўшни қабилянинг мақтанчоқ жангчисини оғушига олсин, деб улғайтирмаган. Ёт элнинг момосига айлансин, деб тилак тиламаган. Мени отам юртининг ғамхўри бўлсин деб, элининг ҳимоячиси бўлсин, деб ўстирган. Қаватимдаги баҳодир қанчалик паҳлавон бўлмасин, масйоғутнинг ботирларини унга алишмайман! Рухсат эт, овулда қолай!..

Унинг тантанали нутқини диққат билан эшитган оломон бирдан гувуллади:

– О, Тўмарис! Исмига монанд қиз!<sup>7</sup>

Гўйлихон қизил йўрғакли чақалоқни қўшқўллаб баланд кўтарганча, хитоб қилди:

– Хулугнинг қизи!.. Хоҳишинг билан менинг фарзандим Тўмарис аталди. Қўйган исминга рози бўл!..

Дубчароқ чақалоқни авайлаб бағрига олди-да, эрка оҳангда шивирлади.

– Менинг жажжи синглим, Тўмарис!.. Исминг жисминга муносиб бўлиб ўс! Ўз халқининг меҳрибони бўл! Ўз халқининг ғамхўри бўл! Ўз халқининг қўли бўл!..

Шу билан чақалоққа исм қўйиш маросими тугади. Энди оломон баландроқ жойдан қабилялар ўртасидаги улоққа кўз тикди. Гоҳ у, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келган кўпқари чошгоҳгача давом этди. Шундан кейин меҳмонларни қайтадан қўналғаларига чорлашди. Дастурхонга мешлардан қимиз, эрталаб тандирга осилган, ясси тошга бо-

<sup>6</sup> Табиту ғут – сакларнинг рўзғор маъбудиди.

<sup>7</sup> Тўмарис – “тиморис” сўздан олинган бўлиб, “ғамхўр” деган маънони билдиради.

силган эт, изидан чавоқ шўрва ва қовурилган балиқ тортилди. Базм тонгга яқинлашиб соғинч алёрларига уланди:

Хуллала, хуллала, хуллала!..  
 Биёбонлар бағридан урсиллаб,  
 Карвон келар отлари гурсиллаб.  
 Яхши хабар бор бўлсин, от қўйсин,  
 Кутиб олинг, хуллала, хуллала...

Йўл соқчиси, кимдир ўша мусофир?  
 Липоқсой<sup>8</sup>нинг авлоди, хуллала.  
 Арпоқсой<sup>9</sup>нинг авлоди, хуллала.  
 Қолоқсой<sup>10</sup>нинг авлоди, хуллала...

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

### Дубчароқ

Дубчароқ Хулугнинг яккаю ягона фарзанди эди. Шу сабабли қизи бегона йигитни рад этиб, овулда қолиш истагини билдиргач, ота арзандасини алқай кетди. Бу пайтга келиб, унинг деярли барча орзулари ушалган, энди бемалол қариллик гаштини сураверса ҳам бўлар, негаки, эркатойи ақлли чиқиб, эл ичида катта обрў-эътибор қозонганди.

Нафсиламри, Дубчароқ ўша ўғлонни танлаган тақдирда ҳам ҳеч ким монелик қилмас, очиккўнгиллик билан узатган бўлишарди. Аммо у ҳолда қиз нақадар жасур ва зийраклигига қарамасдан, бор-йўғи оддий бекага айланарди. Энди эса қабиллага йўлбошчилик қилиш каби шон-шуҳратлардан-да умид узмайди. Фақат ботир жангчига турмушга чиқса, бас.

Шундай бўлди ҳам. Кечаги ёяндозлик мусобақасида қиз билан баб-баравар беллашган Догон Дубчароқ овулида ўз ўтовини тикишини айтди. Бундан боши кўкка етган Гўйлихон четроқдан шамолгоҳ жой кўрсатди. Орадан ун-ун беш дақиқа ўтар-ўтмас, масйоғут кампирлари Хулугнинг қуллари келтирган янги ўтовни тиклашга киришдилар...

Гўйлихон ва Хулуг келин-куёвга ўзлари мусобақада эришган совринларидан ташқари олтиадан қўй, иккитадан қул ва иккитадан жория ҳадя этишди. Айни пайтда, Догоннинг йўлдошлари ҳам қараб туришмади. Ўнови уловларини совға сифатида қолдириб, шерикларига мингашиб кетишди. Маросимнинг ўзга иштирокчи қабилалари ҳам иккитадан йилқи, тўрттадан совлиқ бағишладилар. Шу тариқа мусобақа учун берилган ёй ва жатанларни қўшганда, оиланинг бор бисоти қурол-аслаҳаларигача тайёр бўлгач, маросим қатнашчилари уларни буғ ва ноғора садолари остида кузатиб қўйишди.

Йил ўтиб, туғилган фарзандларига от қўйиш маросимида яна бурунги базму зиёфатлар, қизғин ўйинлар такрорланди. Бу гал чақалоққа исм бериш ҳуқуқи қабиланинг бўз йигити Шуменга насиб этди. У Догоннинг синглиси Қарлиғоҳ билан беллашиб, тенг курашдан сўнг меҳмон қизга қўшилиб кетишни маъқул кўрди. Унинг хатти-ҳаракатдан келиб чиқиб, меҳмоннавоз бўлсин, деган ниятда чақалоқни Қўнуқтоз, деб аташди.

Тўмарис ва Қўнуқтоз бирга улғайди. Улар совут кийиб, қурол кўтарадиган ёшга етгандан бошлаб, маросим ва тўйлардаги беллашувларда фақат ғалабага эришавердилар. Тезда чор-теграга Гўйлихоннинг гўзал ва жасур қизи ҳақидаги овозалар ёйилди. Дарёнинг нариги бетидеги масйоғут ва теварақдаги ўзга уруғ йигитлари ҳам энди бўлжар<sup>11</sup>ларга Тўмариснинг назарига тушиш учун ташриф буюрардилар. Бироқ қизнинг ишончли шериги анчайин ўсмирлигига қарамай, нордай-нордай йигитларга имкон қолдирмас, устига устак, унинг ўзи ҳам ҳар қандай жангчидан моҳир ва кучлироқ эди.

Қиз ўн бешга, йигит ўн тўртга қадам босганда Дубчароқ қабиланинг урағут<sup>12</sup> йўлбошчилигига сайланди. Энди у барча ишларда Гўйлихон билан тенг овозга эга эди. Келгуси йили эса Тўмарис ва Қўнуқтознинг тўйи бўлди. Мазкур никоҳ натижасида икки башған қариндошга айланганлиги туфайли бирови истеъфога чиқишига тўғри келди, саҳройилларда уруғ улғулари овоз бериш йўли билан сайланса-да, қариндошларнинг биргаликда юрт сўрашларига рухсат этилмасди.

Анча қариб, кучдан қолган Гўйлихон ўз ўрнига Эртуз ўғлини таклиф қилди. Оқсоқоллар кенгашида Тамиртош бошчиликка сайланди. Янаги йил Қўнуқтоз ва Тўмарис фарзанд кўриб, янги меҳмонни Сипрангиз, деб аташди. Сипрангиз ўн тўртга кирганда уруғ бека-

<sup>8</sup> Липоқсой – сакларнинг афсонавий бобокалони Тарғитойнинг катта ўғли.

<sup>9</sup> Арпоқсой – Тарғитойнинг ўртанча ўғли.

<sup>10</sup> Қолоқсой – Тарғитойнинг кенжа ўғли.

<sup>11</sup> Бўлжар – қўшин кўриқдан ўтадиган майдон.

<sup>12</sup> Урағут – аёл.



лиги Тўмарисга ўтди. Худди шу кунларнинг бирида Эрон шоҳи Кир иккинчи Аҳамон катта қўшин тўплаб, йўлга чиққани ҳақидаги ташвишли хабар тарқалди. Совуқ хабар етказган суғд савдогарлари орқага қайтишлари билан мидёний қуллар ғимирлаб қолишди.

Вақтида чораси кўрилмаса, пинҳоний норозиликлар қўзғолонга айланишини ҳис этган Тамиртош ҳар қайси оиладан бир эркак қул, бир жорияни, умумий ҳисобда мингта қулни овулга туташ барханлар ортига элиб, қурбон қилишни буюрди. Эрталабдан қумтепалар нарёғида кечадиган даҳшатли қатли омни ўтовлар керагасига суяниб кутаётган аҳли масёғут йироқ-йироқлардан юзлаб бўриларнинг бирваракайига ув тортгани эшитилгач, хотиржам тарқалди.

Азалий анъаналарни қонуний санагувчи Тўмарис бу жазони одатдаги ҳолдек қабул қилди. Сўнг уни Эрон фотиҳининг дарё ортига назари тушиши сабабларига боғлаб, бирдан бошига таёқ теккандек бўлди. Негаки, аёл тонгда қатл этилганлар ўрнига ўз қабиладошларини қўйиб кўрганди. Бекорга султон суягини хўрламас, дейишмас экан, ич-ичидан исёнкор ғалаён уйғонди. Кўзлари қизариб, бетига алам изтироби кўпчиди. Бироқ охири дамда фарларнинг атиги, нохуш хаёл эканини эслаб ҳушини йиғди-да, индамай ортига бурилди.

Тўмариснинг фикрича, ҳали ҳеч ким кўчманчиларни бўйсундирган эмас, боз устига, бу қақроқ даштларда бегона халқларни ўзига тортадиган на бойлигу, на серунум ерлар, на боқий шаҳарлар бор. Шундай экан, ярим дунёни эгаллаган шоҳ не мақсадда ғоратга отланди?..

Уйлаб ўйига етмади. Охири отасига маслаҳатга жўнади. Гўйлихон мушкул саволга жавоб беришдан олдин тарқоқ хаёлларини йиғмоқ ниятида чуқур тин олиб, гапни узокдан – Ўғизхондан бошлади. Сўнг Таргитойга, Алп Эр Тўнгага алоҳида-алоҳида тўхталди. Ниҳоят, муддаога яқинлашиб, форслар ўтмишдаги мағлубиятлари учун ўч олмоқчилигини айтди. Отасининг гаплари ўзининг сал бурунроқ ўйлаганларига мос келса-да, Тўмарис ҳайрон, наҳотки, Қурушдай тажрибали саркарда олис ва бемаъни сафарларга бобоси замонидаги босқинлар сабаблигина отланса? Қолаверса, бундай масалаларни энг қаттиққўл мустабид ҳам ёлғиз ҳал этмайди. Шундай экан, туман-туман қўшинни номаълум элларга йўллагувчи бошқа баҳоналар ҳам бўлиши керак-ку!

Бу сафар Гўйлихон уч юз йил илгари саҳро этагида пайдо бўлган даъватлар китоби,<sup>13</sup> ўша китобни тарғиб этган Зардушт ҳақида гапирди. Сўнг Ҳиндиқуш орқасидаги мидёнлар бу таълимотни ўзгача ўқиб, элатларини жипслаштириш ниятида шимоллик кўчманчилар келтирадиган шафқатсиз оқибатларни ўйлаб топганларини, уйдирмаларини муқаддас Авесто воқеликларига мослаштириб, хабарчининг сўзлари сифатида тарғиб эта бошлаганларини сўйлади. Шундан бери китоб воқеалари икки халқ ўртасидаги урушлар манбаига айланган экан. Қўшинни эндиги сафарга ҳам қоҳинлар руҳлантирган бўлса, ажабмас.

Тўмарис, модомики, қоҳинлар аралашибдими, жанг муқаррарлигини яхши биларди. Шу сабаб отаси ҳузуридан қайтгач, Тамиртош иккиси бош-адоқ жанг анжомларида отларига минишди-да, олис қумтепалар сари йўртиб кетишди.

Улус таҳликали дамлар етганини тушунди. Негаки, йўлбошчилар муқаррар жанг арафасидагина биёрон бағрига чекинардилар.

Улар маслаҳатлашиб, аяқ қарорга келгунларича офтоб ботишга яқинлашди. Чўл бағридан оқиноқларини яланғочлаб чиқиб келган қўмондонларини кўрган жамоа уруш ҳолатига кирганини сизди. Зудликда келаси ой қўшон қабиалар қурултойини ўтказишга келишилиб, бепоён саҳронинг тўрт томонига элчилар жўнатилди. Кенгаш ўтказиладиган кун арафасида қардош вакилларни кутишга тайёргарлик бошланди, ялангликка тирандозлик нишонлари қоқилди. Қабила уюрларидан тўпчоқ тойлар танлаб, совутилди. Қариялар эфидра шарбатига қимиз аралаштириб, хумларда хаома тайёрлашди. Жонлиқлар сўйилиб, қозонлар қайнади. Гарчанд, осуда ҳаётга бемаҳал таҳлика оралаган эса-да, хотин-халаж сир бермай, меҳмоннавозлик тадоригини кўрди.

Дастлаб дарёнинг чап соҳилидаги, изларидан эса аввал яқин ўртадаги, кейин нарироқдаги, охирида олис манзиллардаги кўчманчи қабила улуғлари етиб келишди. Уларнинг орасида буюқ Турон пасттекислигини макон тутган ўнлаб улус ва аймоқ вакиллари бор эди. Деярли барчалари келиб чиқиши жиҳатидан ягона халқнинг турфа уруғлари эканликлари, қолаверса, узок йиллар давомида борди-келди қилавериш ўрганганликлари сабаб, бир-бирларининг лаҳжаларига бемалол тушунишар, тил ўгирувчига ҳожат йўқ эди ҳисоб.

Биринчи бўлиб Гўйлихон сўзга чиқди. У ёши улуғ мезбон сифатида ҳаммани ҳордиқ олишга, еб-ичишга чорлади. Кенгашга қўйилган масалалар ҳал этилгач, тирандозлик ва чавандозлик мусобақалари ўтказилишини, совринга энг зотдор тойлар тикилажагини билдириб, меҳмонларни руҳлантирди. Аммо Тамиртош тановулдан сўнг, туғилган хавф-хатар умумий муаммо эканини айтиши билан, сирли сукунат чўқди.

<sup>13</sup> Даъватлар китоби – Авесто.

Зудликда олди олинмаса, айна сукунат бебошликка айланишини Тўмарис дарҳол англади. Меҳмонларнинг иккиланаётганликлари юз-кўзларидан яққол сезилиб турарди. Шу сабаб шартта ўрндан турдию, аҳли мажлисдан асосий масалага ўтишдан олдин бошқа муаммони ҳал этишда ёрдам сўради.

Кутилмаган илтимосдан барча сергак тортди. Қабила бошлиқлари бу бўйдор, хипчабел, қора сочи белига чулғанган, қийиқ кўзлари мудом чақнаб турувчи жасур аёлни иззат-хурмат қилар, ҳатто кўпчилиги ўз вақтида унга совчи ҳам қўйганди. Энди ўша армонларига юзма-юз келгач, эҳтиром ила сукут сақлаб, доврўғи аллақачонлар Турон ортигача ёйилган маълуми машҳур маликага жон қулоқларини тутишди.

Тўмарис эшик олдидаги Сипрангизга ишора қилди.

Хонўтовга оёқ-қўли боғланган бешта бандини судраб киришди. Тўмарис уларни кенгашчиларга ҳавола этиб, гуноҳларига яраша жазо тайинлашларини сўради. Қабила йўлбошчилари бажону дил розилик бергач, мезбонлар ўтовни тарк этиб, ёрғучи ва жиноятчиларни ёлғиз қолдиришди.

Орадан чорак соатлар ўтгач, машваратгоҳ қаршисидаги майдонда тўпланган издиҳом олдига чиққан Моден Гул ўзига топширилган жиноятчининг жазоси ўлим эканлигини эълон қилди. Оломон жунбишга келди, чунки масйоғутларда ҳам элига хиёнаткор кимса ўлимга маҳқум эди. Қабила ақтачиси Эсермаснинг мидён жориясидан бўлган ўғли Говургон икки ҳафта бурун форс қўшинларига саклар ҳақида ахборот элтаётганда қўлга олинган ва бугун хунлар томонидан муносиб жазога мустаҳиқ этилганди.

Навбат Тўмарисга етди. У ихтиёридаги банди, қоҳин Будуркеннинг невараси Бўлдуз табақаланиш қоидасига<sup>14</sup> мувофиқ қабила бошчилигига сайланолмагач, мидёний қулларни кўзғолонга чорлагани учун қатл этилишини эълон қилди. Издиҳом такрор гувулади.

Тўмарис оломоннинг тинчишини кутиб, сабр қилди. Ниҳоят, ўртага пашша учса билингудек сукунат чўккач, ажиб сирни очаётгандек паст, аммо вазмин оҳангда давом этди:

– Эй, Ўғизхон авлоди! Кўрдикки, барчамизнинг турмуш тарзимиздан тортиб яшаш шароитимизгача, давлат тутиш қонунларимизу тўю томошаларимизгача ўхшаш экан. Сўзлашимиз, жанжалимиз, қуйлайдиган алёру қўшиқларимиз, от чопишимиз, жанг қилишимиз, ҳатто жиноятчига берадиган жазоларимиз бир-биридан фарқ қилмаскан, нега бугун айри-айри йўллари танлашимиз керак?... Агар шундай қилсак, минг йиллардан буён нола чекаётган Эрлик хоҳон бизни тинч қўядими?..

– Йўқ!.. – ҳайқирди халойиқ яқдил овозда.

– Унда, келинг, бугун масйоғутни, эртага жузжону сакни, индин дах ва хунни маҳв этишни истаган Қурушга қарши бирлашайлик!

– Ҳуллала!.. – маъқуллади оломон.

– Буюк аждодларимизни ёд этайлик. Қайтиш учун йўлга чиқмоқ керак! Ҳаёт-мамот жангига отланинг!..

– Ҳуллала!..

Мақсадига етган Тўмарис чор-атрофга мағрур назар ташлаб, ҳануз денгиздек гувуллаётган издиҳомни тарк этди. Изидан ўзга улуғлар эргашди. Барчалари кенгаш ўтовиди қайтадан жой-жойларини эгаллашгач, ўртага чўккан беш-олти лаҳзалик сукунатдан сўнг чехрасида олдинги иккиланишдан асар ҳам қолмаган Моғур ўрндан турди ва:

– Дахлар умумий душманга қарши бирлашишга тайёр!.. – деди.

Даврага жон кирди. Жузжон, сак ва хун дахга қўшилди. Фақат суғд ва бохтарларнинг жавоби номаълум. Рости, Тўмарис бу масаладаям ўз фикрига эга. Йигирма йил бурун Эрон эндигина Мидияни забт этиб, уфқ ортига назар ташлаган дамларда Бақтрия ва Суғдиёна ихтиёран форс қарамлигини олганди. Ушанда ўтроқ қўшниларининг қўрқоқлигини кўпчилик қоралаган, ҳатто ушбу мамлакатларни босиб олишга отланишган, бироқ Гўйлихоннинг ўринли эътирози туфайлигина юриш тўхтатилганди. Ҳанузгача айна масала хусусида бош қотириб юрган Тўмарис, ниҳоят, уларни қоралашга ўзида асос йўқлигини сезди. Чунки Балх ва Маракент Кирга қарши чиққан тақдирда обод кентлар култепага айланарди-ю, охир-оқибатда барибир бўйсунитарди.

Маракент, аслида, ўтроқлашган сакларнинг ватани, уни бир-неча замон бурун Эр Тўнга барпо этган. Суғдлар эса кейинчалик Ҳиндиқуш ортидан келишган, бора-бора, бу ерга мустаҳкам ўрнашиб, ўз уйларига айлантиришган.

Энди қўхна шаҳристоннинг саклар жамоасигина ватанни вассалликдан халос этиш вақти етганини айтиб, наъра тортди. Илқис, икки халқ ўртасида тафовут кўкарди. Чунки уруш бошланса, касофати биринчи навбатда, савдо-сотик ва тижоратга машғул суғдларга уради...

– Эй, Ўғизхон авлоди!.. – томонларни муросага чақирди Тўмарис, – биз бугун ўта

<sup>14</sup> Табақаланиш қоидаси – кўчманчилар учта табақага бўлинган: жангчилар, қоҳинлар ва оддий халқ. Фақат жангчиларгина йўлбошчи этиб сайланган. Бу ерда шунга ишора бор.

мушкул аҳволдамиз, олдимизда икки йўл бор. Биринчиси, алоҳида-алоҳида тўқнашиб, тинка-мадори куриган душманни саҳрода адаштириш. Иккинчиси, буғро ажодларимиз сингари муҳорабалар олдидан бирлашиб, қўшон черикла душманни маҳв этиш! Учинчи йўл йўқ ва буни ўзингиз ҳам яхши биласиз!

– Хунлар ҳеч қачон қулликда яшамаган! – ҳайқирди Моден Гул узил-кесил.

– Жузжонлар сен билан, Тўмарис! – қўшилди Бадлуқ.

Сўнг дах ва сакларнинг маъқулловчи хитоблари янгради. Тўмарис, оташин нутқи ҳаммининг қалбида ғурур алангасини ёққанини кўргач, бохтарлар ва суғдларга зимдан назар ташлаб, мақсадга келди:

– Мен Дамнун ва Перғозни мажбур этолмайман, илло, обод ватаннинг улкан қултепага айланиши катта фожиа. Бироқ Маракентни, аслида, шавкатли катта бобомиз қурганини ҳисобга олсак, – Шемоққа юзланиб давом этди у, – сиз ҳам инжудай товланган шаҳарнинг вайрон бўлишини истамасангиз керак. Ана шу сабаб, бу икки қўшнимизнинг ортиқча хижолатсиз, кенгашни тарк этишларига рухсат берайлик.

Рости, Тўмарис воқеаларни айни тус олишини олдидан сезгани боис ҳалиги жазо тайинлаш жараёнига мазкур йўлбошчиларини аралаштирмаганди.

...Ҳар иккала саркарда ўринларидан кўзғалиб, қурултой аҳли ила хайрлашди-да, кетмоққа чоғланди.

Маракент саклари бошлиғи маъноли шивирлади:

– Шемоқ Дамнун ва Перғозни қўкалдош ҳисоблайди...

– Кўнглинг тўқ бўлсин, Шемоқ, бизнинг дўстлигимизга уч юз йил бўлди, Эрон шаҳаншоҳининг қаҳр-ғазаби эса уч кунлик...

Улар ўтовни тарк этишгач, Моден гул Шемоққа синовчан тикилди.

Гапнинг индаллосини сезган Тўмарис уларга юзланди:

– Мабодо, Шемоқнинг улуси Маракентни тарк этишни истаб қолса, масйоғут овуллари ёнбағрида ўтов тикишга арзийдиган хушхаво яйловлар етарли. – Сўнг бошқаларга юзланиб, фикрини яқунлади. – Модомики, бўлак чорамиз йўқ экан, икки йўлдан маъқулини танламоқ учун бир-икки пасил ўйлаб олишимиз керак. Эртагача танаффус, марҳамат, еб-ичинг, тушдан кейин томошалар бошланади...

Барча қабила вакиллари ўзларига ажратилган маслаҳат ўтовларига жўнашди. Улар жойларини эгаллашлари билан дастурхонга хушбўй хаома ва қази-қарта, изидан қайноқ қовурдоқ тортилди. Икки соатлардан сўнг қоринлари тўйиб, юз-кўзлари ёришган меҳмонлар рўпарадаги сайҳонликка тўпланишди.

Томоша бошланди.

От устида гоҳ ёнбош қайрилиб, гоҳ орқага бурилиб нишонни беҳато ураётган йигит-қизларнинг маҳоратини олқишлаган ширакайф меҳмонлар чапак чалиб, ҳайҳайлашаётган маҳал олдига Қўнуқтознинг онаси – ўша машҳур Дубчароқ чиқди. Елка баравар сочлари оқариб, қомати хиёл букчайган эса-да, кайфияти ёшлигидагидай ўктам ва мағрур...

Гўйлихоннинг ишораси билан ёрдамчилар борасолиб, четдаги қозикни беш юз қадамлар нарига суриб келишди. Узоқдан элас-элас кўринаётган мўлжал рўпарасида қад ростлаган аёл масофани чамалаётганда, томошабинлар орасида мунозара бошланди. Баъзилар у мерганлик палласидан аллақачон ўтганлигини айтса, кимдир ўқ ярим йўлгача ҳам етиб боролмаслигини башорат қилди.

Бутун диққат-эътибори нишонга қадалган Дубчароқ қулоғига етаётган узук-юлуқ гапларни писанд илмай, совуққонлик-ла оғир жатанни салмоқлади-да, шошилмай икки газлик пайконни жойлаштирди. Сўнг мўлжалга чап қайрилиб, қулочини бор бўйича тортди. Теваракка сув сепгандек сукунат чўкиб, халойиқ нафас ютди. Ниҳоят, ширтиллаган сас чириллаган пайконга уланди. Оний лаҳза ўтар-ўтмас, олислардан аллатовур қарсиллаган садо янгради.

“Хуллала, хуллала!...” қичқирди, меҳмонлар.

“Хуллала, хуллала!...” қичқирди, мезбонлар.

“Хуллала, хуллала!...” қичқирди, ёшу қари бараварига.

Дубчароқ ортига ўрилиб, чуқур таъзим қилди-да, баланд овозда ҳайқирди:

– Эй, Турон фарзандлари! Масйоғутнинг улуғ момосига қулоқ тутинг!..

Барча хушёр тортди. Кампир халойиқнинг диққати ўзига қадалганини кўриб, олдинга қадам ташлади.

– Эрон биз тарафга отланибдими, билингки, кураш оғир кечади. Чунки уларга қақроқ даштларимиз эмас, шу даштларда гурсиллаган саноксиз йилқимиз керак. Биз эса учар тулпорларимизни ҳеч кимга бермаймиз!

– Бермаймиз!.. – қичқирди кенгаш аҳли.

– Эй, Турон фарзандлари!.. – давом этди Дубчароқ, – душман саҳролар томон йўлга чиқибдими, билингки, уларга қумтепани ватан билган кўчманчи элимиз керак. Биз эса элимизни ҳеч кимга бермаймиз!

– Бермаймиз!.. – такрор гуриллади халойиқ.  
 – Агар душман фақат биёбонларимизни эгаллашни истаб бизга интиланган эса, уларга шуни-да бермаймиз. Ҳар туп янтоғу юлғун учун жондан кечамиз!..  
 – Жондан кечамиз!..  
 – Қасамёд қилинг! Токи душман ер билан яксон этилмагунча, оқиноқларни қинига солмаймиз!..  
 – Онт ичамиз!..  
 – Қонхўр Қурушни ҳалок этмагунча, отдан тушмаймиз..  
 – Онт ичамиз!..  
 – Қурмонларда отишга тир қолмаса, тишларимиз, тирноқларимиз билан ёв бўғзига ёпишамиз!..  
 – Онт ичамиз!..

Тўмариснинг тўрт соат бурунги тадбиркорлиги, устига-устига, Дубчароқнинг тантанавор нутқи натижасида оммавий қасамёдга айланган томошалар тугагач, меҳмонлар яна қурларига қайтиб, масйоғут марҳаматидан баҳраманд бўлишди.

Кенгашнинг иккинчи куни душманга қарши курашнинг жами йўл-йўриқлари келишилди. Аввало, барча улуслар ўз овуллари чўл тўрига кўчирадиган, сўнг қурол кўтаришга яроқли одам ортга қайтиб, икки-уч кунлик манзилда рақибни кутадиган бўлди. Черикни бошқариш кечаги тадбиркорлиги билан кўпчиликни ягона мақсадга йўналтира олган Гўйлихоннинг эркиси Тўмарисга топширилди. Шундан кейин вакиллар маликага садоқатли бўлишга аҳдлашиб, юртларига қайтишди. Орадан бир ой ўтиб, барча қабила кўшинлари икки дарё бир-бирига яқинлашадиган манзилда тўпланди.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

### Элчи

...Бирлашган Турон қабилалари жанг режаларини муҳокама этишаётганда, Ўқузнинг чап соҳилида чодир тиккан Кир, ниҳоят аниқ қарорга келиб, ҳиндлик мусофирни элчиликка жўнатишга аҳд қилди. Мусофир ҳукмдор ўзини не мақсадда душман қошига жўнатаётганидан беҳабарлиги майлику-я, эрлик аёлга совчилик қилиш саҳрода муқаррар ўлим билан тугашини-да, ҳис этмаётганди.

Ҳаммаси Бўзқурт қўлга тушганининг тўртинчи куни яна ўша Гаумат<sup>15</sup> пайдо бўлиб, унга маъноли тикилганча, сендан яхши элчи чиқади, деганидан кейин бошланди. Ўша кун Бўзқурт хаёли паришон уйғонди. Гарчанд, соқчилар қоровуллигида яшаётган эса-да, энди оёқ-қўли кишанланмас, ҳатто аҳён-аҳён қароргоҳда айланиши ҳам мумкин эди. Шунга қарамай, бўрон олдидан осмонни қора булут қоплаганидек, бугун кайфиятини аллақандай хижиллик эгаллаган.

Хижиллик боис қалбига безовталиқ инган Бўзқурт соқчилар келгач, охирги теровга бораётгандек шаҳдам одимлаб жўнади. Саройда Гаумат қоҳинни кўрганда эса эти жимирлаб, аъзойи-баданига гўё чумоли ўрмалади. Сабаби ўзига қоронғи-ю, дафъатан мана шу кимса қаршисида анча йиллар муқаддам Мара қошидаги совуқ ҳиссиётлари уйғонди. Бу ўшанинг ўзи, деган фикргаям борди. Аммо ундаги сиполикни ишратпараст рожага таққослагач, адашганини сезди. Гаумат ўзини хотиржам тутар, вазим сўзлаб, фикрларини аниқ ифодаларди. Боз устига, Мара асирни саройда қолдиришга, зинҳор ватанга жўнатмасликка уринганди. Қоҳин элчиликка йўллаш тарафдори. Шундай экан, уларнинг ўзаро ўхшашлиги оддий тасодифдан бўлак нарсамас.

Эртасига сафарга отланди. Унинг бажонидил розилик берганининг сабаби шундаки, элчилик озодликка чиқишнинг осон йўли, соғ-омон етса, зиммадаги вазифасини адо этадим-йўқми, ватанида қолиши мумкин.

Аммо бежиз хом сут эмган банда, дейишмас экан. Кир гўё унинг ичидагини сезгандек, буюмлари ҳозирча ўзида туришини, эгасига сафар интиҳосида топширишини айтди. Мусофирнинг олти тиллолик ҳўкиз териси учун нариги дунёдан-да, қайтиб келишини яхши биларди у.

Бўзқурт йўлга тушди. Уни саркарда Теушпа бошчилигида йигирма нафар сараланган жангчи кузатиб борди.

Ўқуз дарёсидан Тарамит<sup>16</sup> яқинида кечишгач, даставвал тоғлар оша Нахшаб воҳасига, у ердан Рамтан<sup>17</sup>га йўл олишди. Кейинги куни тушга яқин қадимий шаҳристон четида дафн этилган Сиёвуш қабрини зиёрат қилишди. Зиёрат маҳали шерикларининг нафрат аралаш тикилганларини илғаб қолган Бўзқурт Эрон ва Турон ўртасидаги адо-

<sup>15</sup> Гаумат– қоҳин, Кир ўлгач, Форсда давлат тўнтариллиши қилган тарихий шахс.

<sup>16</sup> Тарамит – Термиз.

<sup>17</sup> Рамтан – Ромитан.

ват сабабчиларидан бири шу мақбарада макон тутган кимсага тақалишини сезди.

Йўл юрган сари обод кентлар тобора камайиб, чор-теграни чексиз саҳролару, қумтепалар ўрайверди. Аҳён-аҳёнда барханлар ортидан кўриниб қоладиган чўл кийикларини демаса, атрофда илону чаёндан бўлак жонли йўқ.

Қум сарҳади бошлангач, уч кундан сўнг йўловчиларнинг егуликлари ҳам, сувлари ҳам тугади. Яна тўрт-беш соат ўтгач, мадорлари қуриб, лаблари иссиқ шамолдан тарс-тарс ёрилаверди. Ўша куни амал-тақал чидашди. Эртаси қуёш тик кўтарилганда саҳрода ўлишларига буткул ишониб, тўғри келган ерга гуппа-гуппа ағанашди.

Бўзқурт бу алфоз ётаверишдан фойда йўқлигини англаб, боши қотган маҳал қайдантур мудҳиш увуллаш эшитилди. У сакраб ўрнидан туриб, беш-ўн қадам нарида таниш кўланкани кўрди. Сўнг лўкиллаб жўнаган эски қадрдони изидан боқиб, узоқларда элас-элас ялтираётган айланасимон иншоотга кўзи тушгач, қувваи ҳофизасида яна узуқ-юлуқ хотиротлари жонландию, туясини етаклаб, олға кетди. Изига қайтаркан, шериклари қийқириб юборишди, чунки уларнинг қақроқ нигоҳи олисдан туяга юкланган мешларни илғаб олганди.

Боя Бўзқуртга кўринган сароб, аслида, чўл қудуғи – мужанлиқ бўлиб, Кирнинг Тўмарисга жўнатган совчилари унинг тош айвонида дам олмоққа келишишди.

\* \* \*

Кўнуктоз йигитлари билан барханма-бархан ошиб, унумли ов қилгач, ниҳоят қароргоҳга йўл бурди. Улар шикор давомида отилган кийикларни ичак-чавоқлардан то-залаб, тузли урсукларга солганча ортга қайтишаётиб, шу ўртадаги қудуқда дам олишни режалаштиришди. Аммо манзилга яқинлашгач, айвон остидаги бегона отларни кўриб, хавотирга тушишди.

Кўчманчилар саҳродаги жами йилқи зотларини беш қўлдек билишар, ҳатто ҳар бир отнинг наслигача бехато айтиб беришарди. Ҳозир кўриб турганлари на сакнинг, на масйоғутнинг ва на хуну дахларнинг уловларига ўхшамасди. Шундай экан, охирги тахмин қолади, эронликлар...

Кўнуктоз ўнг кўлини юқорига кўтаргач, ҳаммалари эҳтиёткорлик билан яқин ўртадаги бархан ортига паналашди. Шу ерда икки дақиқалик маслаҳатдан сўнг келгиндиларни ўраб олишга келишилди. Мужанлиқ ичига, нари борса, битта карвон одами сиғади. Шунга қараганда, душман кўп эмас.

Улар дастлаб яширинган барханларидан икки томонга доира ясаб жўнашди. Сардобани ўртага олиб туташгач, эҳтиёткорлик ила ҳалқани тобора қисқартира боришди. Айлана-айлана маррага эллик қадамча яқинлашгач, бирданига наъра тортишдию, қий-чувлашиб от чоптираверишди. Ваҳимали садолардан уйғониб кетган элчилар чор-теграда шамолдек елаётган суворийларни кўриб, бир четда сочилган яроғларига интилишди. Ташқари чиқишганда чавандозлар аллақачон айланани қисқартириб, ўқ етарлик масофага етган, устига-устак, қуролларини ҳам отишга шайлаб улгуришганди. Рақибларнинг эгар узра гоҳ ёнбошга, гоҳ ортга бурилиб камон тутишларини кўргач, улар курашиб бефойдалигини сезишди, қиличларини ташлаб, қўлларини кўкракка қовуштиришди. Навкарлар гуруҳни тамом қуршагач, тўхташди.

Баногоҳ қулоғига чалинган чала таниш сўзлардан Бўзқурт сесканиб олди. Сўнг бошқа ҳеч ким кўчманчилар лаҳжасига тушунмаслигини эслаб, вазмин одимлаганча олдинга чиқди. Ўртага оғир сукунат чўқди. Ҳатто жангарилиги билан ном қозонган Кўнуктоз ҳам сипо мусофир қаршисида тек қотди. Элчи салмоқлай-салмоқлай гапира кетди:

– Эй, саҳро фарзандлари, қулоқ тутинг, биз юртингизга элчиликка келдик!..

Атайин совчиликка демади. Зеро, узоқ йиллик тажрибалари туфайли ҳар бир жумласини обдан ўйлаб, шошмасдан сўйлашга одатланган Бўзқурт карвонни асир айлаганлар кимлигини билмай туриб, дабдурустдан гап очолмасди. Унинг айна сермулоҳазалиги барчаларини ўлимдан сақлаб қолди. Элчилик деган сўзни эшитиб, Кўнуктоз ўшқирди.

– Сўйла, мусофир, сўйла. Кимдан элчиликка келдинг, кимга борурсан?..

– Эрон шоҳи Кир Аҳамондан масйоғутлар маликаси Тўмарисга борурмен.

Кўчманчилар бирдан ҳайқириб юборишди ва уларни, оёқ-қўлларини боғлаб, номаълум тарафга олиб кетишди. От устида хуржундек шалвираган Бўзқурт назаридан ўтаётган яккам-дуккам буталардан бўлак ҳеч вақони илғамас, ора-сирада дам олиш мақсадида тўхташгандагина чор-атрофга назар ташлаб, йўлни эслаб қолишга уринарди.

Тинмай от сурган карвон кечалаб саноксиз тулпорлар кишнаётган жизар<sup>18</sup>га етиб келди. Уфқ ортигача чўзилган қароргоҳ улкан черик йиғилганидан дарак берса-да, айна маконда Тўмарисга учрашишни Бўзқурт хаёлига келтиролмасди. Адашмаган экан, тонгда асирларни кишандан бўшатиб, бадар кетишди. Юра-юра, олти ёғоч чамаси йўл

<sup>18</sup> Жизар – қўшиннинг илғор қисми.

босиб, навбатдаги қароргоҳдан чиқишди. Бўзқурт сафари поёнлашганини англади.

Гуруҳ бошлиғи отдан тушиб, марказдаги оқ ўтовга жўнади. Бироздан кейин асирларни ҳам ўша тарафга судрашди. Бўсағада андак нафас ростлаган элчи кўмондон қаршисида гапни нимадан бошлашни ўйлаётганда ўтовнинг пардаси кўтарилиб, аллақачон кенг шалвар ва каттон камзул кийиб олган Қўнуқтоз кўринди. Бўзқурт аввалига тушунмади, наҳотки? Демак, шаҳаншоҳ алдаган. Саҳройи аёлни эса назарга илмаган, чақирсам бас, кучоғимга отилади, деган...

Шуларни ўйлай-ўйлай, қапага бош суққан йигит ичкарида ўзгача манзарага дуч келди. Ташқаридан одатдагидай кўринса-да, ўтов хийла кенг экан. Гулдор кигизлар устига яккам-дуккам ташланган қоллон ва йўлбарс терилари хонага жанговар руҳ бағишлайди. Тўрда оқ пўстак қопланган икки курси қўйилган. Курсилар орқасида узун найзага илинган байроқ қадалган. Байроққа эса зарҳал рангда қозиқ тишини кўрсатиб ириллаётган бўрининг калла сурати чизилган.

Курсиларнинг бирида табиий ҳусни малоҳати қатъиятли чеҳрасига бениҳоя ярашиқли аёл ўтирипти. Унинг белигача чулганган тим қора сочлари, чакноқ кўзлари ҳар қандай кимсани шошириб қўйишга қодир. Бўзқурт бир қарашдаёқ, аёлнинг кимлигини англади. Эрон шоҳи бежиз ошиқ бўлмаган кўринади.

У ичкарига киргач, Қўнуқтоз пардани тушириб, иккинчи курсига ўтирди...

“Тушунарли, уни шу йўл билан маҳв этишмоқчи. Аммо бундай бемаъни ўлим шоҳга керакмас, совчилик Гауматнинг найранги. Шунга қараганда, у ростдан хинд элидаги рожга алоқадор, йўқса, бегуноҳ мусофирни бекордан-бекорга, мунофиқона ўлдиришни истаб қолмасди.

Индамай розилик берганига қараганда, Кирнинг ҳам ўз мақсади бор. Негаки, салтанатида минг-минглаб бокира маликалар турганда, эрлик аёлга уйланишни бекорга хошламаган”.

Бўзқурт Аҳамонийлар салтанатининг жами сиру асрорларидан воқиф эмасди. Акс ҳолда, Дониёр пайғамбар кароматларию Гауматнинг турли баҳоналар ила шаҳаншоҳни қасамга тираганини, охир-оқибатда Кирнинг онтини оқлаш ҳамда вазиятдан беталофат қутилиш учунгина шу йўлни танлаганини сезган бўларди. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, Эрон урф-одатлари бўйича никоҳдан сўнг хотиннинг маҳридаги бор мол-мулк эр қўл остига ўтади. Яъни шоҳ Тўмарисга уйланса, кўчманчилар ўз-ўзидан вассалликни қабул қилишади. Демак, эл-юрти соғинчидаги мусофирни совчиликка жўнатиш фикри бир кишидан чиқмаган. Бундан ҳамманинг кўзлаган улуши бор. Фақат Гауматнинг асл мақсади тўлиқ очилмаяпти, холос.

Аслини олсак, унинг шаҳаншоҳ ҳали болалигида узоқни кўзлаб пиширган режалари амалга ошиш палласига кирганиди. Илло, қоҳин мақсади сари интилган ёвузликнинг айнан ўзи эдики, ўлжасини ҳали-вери қўйворадиганга ўхшамасди. Шундай экан, Бўзқурт ҳам хавфли вазиятдан қутилиш йўлини изламоғи лозим. Чунки оғзаки айтмаса-да, шонинг касофат мактубини топширишга мажбур...

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

### Дониёр пайғамбар

Навуходносир<sup>19</sup>дан кейин Бобил тахтидан қут-барака қочди, унинг ўғли Набонид маишатга муккасидан кетиб, ҳукумат ишларини батамом унутди. Мамлакатда фисқу фасод, наҳс авж олди, ички тартиб-интизомлар сусайиб, давлат инқироз ҳолатига етди. Сарой аъёнлари ўртасида ҳукмдор ҳақида нохуш фикрлар уйғонди. Қарам эллардан ҳайдалган халқларга жабр-ситам ҳаддан ошди. Аҳоли ўртасида норозиликлар кучайиб, исён хавфи туғилди. Набонид эса муваффақиятсизликлари аламини қўллардан ола бошлади. Аммо улар орасида отаси замонидаёқ ақл фаросати, зукколиги билан шуҳрат қозонган бир донишманд бор эдики, ҳатто қаршисида ҳукмдорни сушт босар, бироқ ўрни келганда маслаҳат сўрашни-да ор билмасди.

Ўз вақтида Навуходносирга сидқидилдан хизмат қилган қарияга сарой аҳли алоҳида эҳтиром-ла қарарди. Уларнинг эҳтиёткор муносабатларида аллақандай кўрқув ҳам сезилиб турар, чунки бу машҳур пайғамбар Дониёр эди.

Болалигидан қулликка олинган Дониёр халдейлар мактабида ўқиётгандаёқ собит эътиқоди туфайли аҳли уламо эътиборига тушади. Сабоқни яқунлагач, ҳукмдор хизматида бўлиб, хушхулқлиги, донолиги, мушкул муаммоларни ҳал этишдаги оқилона тadbирлари, туш таъбирини ҳаққоний изоҳлаши билан ҳурмат қозонади. Набонид ўғли Валтазар билан бирга юрт сўраган, зўравонлиги маишатбозликлар авжига чиққан кунларда уларни хатарли йўлдан қайтаришга кўп уринади. Насиҳатлари кор қилмагач, узлатга чекинади. Шу-шу, пайғамбарни унуттишади.

<sup>19</sup> Навуходносир – Бобил осма боғларини барпо қилдирган шоҳ.

Бир куни Валтазар ва аъёнлари кўз ўнгида сарой деворига ғойибдан ғалати сўзлар ёзилади. “Мене, мене, текел, упарсин...”<sup>20</sup>

Зудликда салтанатнинг жами олим-уламолари саройга тўпланди. Бироқ ҳеч ким ғойибона битикнинг асл маъносини айтилмагач, малик Дониёрни эслайди. Етмиш ёшларга яқинлашган пайғамбар олдинга сирни очишдан бош тартади. Сўнг ҳукмдорнинг қистови билан гапиришга мажбур бўлади. Эшитганларидан Валтазарнинг уйқуси қочади. Ўтирсаям, турсаям тилида ёлғиз ўша сўзлар айланаверади. Кунлардан бир кун Бобилга форс шоҳи уруш очганини эшитиб каромат амалга оша бошлаганига иқрор бўлади. Дониёрни чорлаб, яна маслаҳат сўрайди. Пайғамбар бу гал ҳам ўшалардан ортиғини айтмайди.

Бобилнинг бош маъбудиди Идол Мардук ҳимоясига ишонган Валтазар қисматдан қочиб, деворидан зоғ учиб ўтолмайдиган кўрғонга беркинади. Аммо Гауматнинг оқилона маслаҳати ўлароқ, Кир шаҳарни эгаллайди. Султон қатл этилади. Шундай қилиб, неча йиллар бурунги башорат амалга ошади. Илло, Дониёр ўшанда Бобилни форсий эгаллаб, Валтазарнинг қатл этилишини таъбирлаганди.

Шаҳаншоҳ ўзини Бобил ҳукмдори деб эълон қилгач, шаҳарни турли талон-тарожлардан омон сақлайди, қулликда яшаётган мазлум халқларнинг юртларига кетишларига ижозат беради, олим уламоларни яхши амаллар билан сийлайди. Ана шундай хайрли ишларга андармон чоғида кўзи мункиллаган Дониёрга тушади. Улуғвор қариянинг: “Сен парвардигор ярлақанг халоскорсан”, деган жумласи ўзгача таассурот уйғотса-да, буни одатдаги хушомадга йўяди.

Ушанда Кир салтанатни мустаҳкамлашга овора бўлиб, пайғамбарнинг кадр-қимматига эътибор бермаганди. Негаки, атрофида Ахурамаздадан ўзгани тан олмайдиган маслақдошлар йиғилган ва форсийлар учун маздаийлик яккаю ягона дин ҳисобланарди. Пайғамбар деганда эса ёлғиз Зардуштнигина тушунишарди. Шу сабаб Дониёрнинг кимлиги шоҳни мулақо қизиқтирмас, бор-йўғи оқилона маслаҳатлари учунгина саройда сақлаётганди.

Бобил истилосидан уч йил ўтгач, у Қуддуси шарифни қайтадан барпо этиш, Сулаймон ибодатхонасини тиклаш тўғрисида фармон беради. Ана шунда Дониёр саройга ташриф буюради ва сарғайган варақлардаги юз эллик йил муқаддам битилган сатрларни ўқийди:

Яратганга эргашиб Қуруш,  
Бобил сари қилади юриш.  
Озод этиб мазлум халқларни,  
Жўнатади ватанга сари.  
Қуддус шаҳри қурилар қайта,  
Халоскорга санолар айта...

Кир аввалига бу башоратни сафсата ҳисоблади. Бироқ уламолар китобнинг ҳақиқатан қадимийлигини айтишгач, қарияга чинакамига қизиқиб қолди. Уни дамбадам ҳузурга чорлаб, зукко сухбатига қулоқ тутаркан, ўрни-ўрни билан келгуси ҳаёти ҳақида ҳам сўрайдиган бўлди. Шундай дамлар Дониёр оҳиста шивирларди: “Фақат сўнги манзилгоҳим ортига ўтмагин зинҳор...”

Чолнинг сўнги манзилгоҳи қаердалигини ҳали ҳеч ким билмас, шусиз ҳам ташвиши бошдан ошиб ётган ҳукмдор бу мавҳум жумлага қўл силтаб кўя қолганди. Бироқ Қуддус ва Сулаймон ибодатхонаси тўғрисидаги гаплар унда аллақачон болалик таассуротларини уйғотган, чунки Кир ёшлик кезларидаёқ фавқулудда буюк ишлар учун туғилганини сезар, айниқса, оғир вазиятлардан осонгина қутилиб кетаверишини илоҳий тасодифларга боғлаб ўрганганди. Ана энди ўша думбул орзуларини маълуму машҳур донишманд ҳам тасдиқлагач, ўзини алоҳида шахсдек тутаверди. Бора-бора, болалик ғурурлари мақтанчоқ ҳиссиётга айлангач, қалбида дунёни эгаллаш ҳаваси уйғонди.

Бироқ шоҳ ўзига қанчалик бино кўймасин, олис юришларини аъёнлари билан маслаҳатлашишни унутмас, хусусан, эски кадрдони Гаумат ва қария Дониёрсиз бирор ишга жазм этмасди. Уларнинг илк бор саройда бақамти келишлари ҳам ғалати кечган, пайғамбар ва қоҳин гарчанд эндигина учрашган эсалар-да, ногаҳон дуч келган эски рақиблардек, бир-бирларига маъноли тикилиб қолишганди.

...Кирнинг Гаумат тиқиштирган узоқ элларга, сақлар юртига бостириб бориш ҳақидаги гапларини сукут сақлаб эшитган Дониёр очиқ гапирмади, эски одати бўйича ерга тикилиб, қандайдир қора кучлар, ёвузликлар, иблислар ҳақида минғирлади. Диққат-эътибори мўйсафидга қадалган фотиҳ айна дамда болалик устозигаям бир

<sup>20</sup> “Мене, мене, текел, упарсин...” Дониёр пайғамбар бу сўзларни Валтазарнинг тез орада қатл этилишига ишора сифатида тавсифлаган.

кур назар ташлаганда, эҳтимол хатарли сафаридан воз кечармиди?.. Чунки чолнинг айқаш-чуйқаш минғирлаши давомида Гауматнинг ранги тобора бўзариб, кўзлари қизарган, вужудини аянчли титроқ тутаётганди.

...Кишининг ёши ўтавергач, бўлар-бўлмас сафсаталарни лақиллайверади, деб ўйлаган шоҳ қарияга ишонмади. Илло, бу сатрларда эътиборга арзирли маънолар дегарли йўқ эди:

Менинг сўнги манзилим йироқ,  
Ўша томон юрма сен бироқ...

Орадан тўрт йил ўтиб, Дониёр вафот этгачгина, унинг боғланган қўллари батамом ечилди. Чунки бу пайтда пайғамбарнинг охири башорати ижобат бўлмаганига нафақат ҳукмдор, бошқа уламолар ҳам узил-кесил ишонишганди.

Бироқ пайғамбарлар ҳеч қачон адашмаслигини дунёнинг ярмини эгаллаган жаҳонгир билмас экан. Йўқса, тутган жойидан қўймай, хатарли урушга отланармиди? Ҳа, Кир аён-аҳён икки ўт орасида қийналаркан, ҳокимиятни эгаллаган йили Гауматнинг маслаҳати сабабли қудратли Мидияни энганини эслаб, ўзини овуларди. Ўшанда коҳин муҳораба олдидан боши қотган шоҳга йўл асбоб-анжомлари, қурол-яроғ ва озиқ-овқатлар ортилган туяларни илғор сафга ўтказишни буюрган, оқибатда хунук бўкириб, олдинга интилган юзлаб бегона махлуқлардан чўчиган душман отлари суворийларини итқитиб, тумтарақай қочган ва жанг тақдири осонгина ҳал этилганди. Кейин эса Бобил истилози...

Шундай одамга ишонмай бўларканми?..

Шаҳаншоҳнинг кўнғил хижиллиги Дониёр Форс пойтахтида дафн этилгандан сўнг сал-пал ёзилган, олис масофалар юртига юриш бошлаганда эса мудҳиш башорат аллақачон оддий сафсатага айланиб улгурганди. Зеро, пайғамбарнинг сўнги манзили қачондир айнан ўша юртга кўчиши кимнинг тушига кирибди дейсиз?.. Аммо сермулоҳаза Кир, ҳар эҳтимолга қарши, олис ҳинддан ташриф буюрган мусофирни Тўмарисга совчиликка жўнатгач, шитоб билан изидан йўлга тушди. Мақсади, ҳали элчилари манзилга етмай, Укузнинг ўнг томонида нафас ростлаш. Ростини, у режаси амалга ошишига унчалик ишонмайди. Сабаби, кўчманчиларда ахлоқий муносабатлар юксак, заифнинг иззати эркакниқидан кам эмас. Шуларга қараганда, ови бароридан келмаслиги аниқ. Лекин ноумид шайтон, мабодо қандайдир мўъжиза боис Тўмарис эридан воз кечса, нимани назарда тутганидан қатъи назар, пайғамбарнинг охири кароматига қарши бормаган, боз устига, ҳеч ким чиқолмаган чўққига ўрлаган, энгилмас ўлкани забт этган бўларди у. Бу – бир ўқ билан икки қуённи уриш, дегани. Уйлаганлари амалга ошмаса, тўхтовсиз ҳужум уюштиради. Наҳ олтмиш минг сара сарбоздан иборат темир интизомли қўшин яйдоқ ёбоннинг олис бурчакларига сочилган тарқоқ аҳолини энголмасинми? Тўғри, сак – туғма жангчи. Ҳатто аёллари камон отиш, қилч чопишни болалиқдан ўрганишади. Айни дамда, уларга тенглашадиган қўшин ёлғиз Аҳамонийларда мавжудлигим бор гап.

\*\*\*

...Ўқуз ортидаги сафар айни Бўзқуртнинг йўналиши бўйича давом этди, яъни қўшин дарёни Тарамит яқинида кечиб, олға интилди-да, Темир қапуғ<sup>21</sup>дан ўтгач, Чак-чак довони<sup>22</sup> орқали соя-салқин тоғ этагидан чиқди. Тўрт кеча-кундуз тинмай йўл босган қўшин баҳаво воҳада чодир тикканининг олтинчи куни Тарамит ҳокими шаҳарга кирмаганлари учун миннатдорчилик сифатида икки-уч кунлик озиқ-овқат ва совға-салом келтирди.

Товғичхон, аслида сак, бироқ қизи Кирнинг ҳарамиди, шу сабабли ҳукмдорга қарши боролмайди. Лекин ўрни келса, тап тортмайди, дилида борини бемалол айтаверади. Улар тўрт йил бурун Балхда учрашганларида шаҳаншоҳ аввалига бу дағал одамни хушламаган, аммо кейинроқ бўлғуси урушда фойдаланишни ўйлаб, қизига оғиз солган, кекса сак эса рад жавоби муқаррар ҳалокатлигини англаб, розилик берганди.

Бугун иккинчи марта учрашишди.

Сўхбат дастлаб вилоятдаги аҳвол, аҳолининг турмуш тарзи ва ниҳоят, сиёсат тўғрисида борди. Орадан ярим соатлар ўтиб, ҳукмдор муддаосини қисман баён этди. Товғичхон унинг барча режаларидан хабардор эса-да, сир бермади, ўзини биринчи марта эшитаётгандай тутди. Сўнг озроқ ўйланди-да, шоҳга тик боқиб, эътироз билдирди. Хусусан, саклар ерига бостириб кирган саркарданинг аниқ мақсади бўлмоғи лозим. Дейлик, бойлик... Аммо бу – хомхаёл. Чунки уларда олтин кўп, қайда сақлашлари эса номаълум. Камбис айтганидек, шаҳру шахристонлариям йўқ. Демак, ягона тахмин қолади, дунёга машҳур қоқоқсой тулпорлари.<sup>23</sup> Бироқ шугина бўлса, буни тинч йўл билан ҳал этиш мумкин-ку...

<sup>21</sup> Темир қапуғ – ҳозирги Темур дарвозаси.

<sup>22</sup> Чак-чак довони – Сурхандарё ва Қашқадарё ўртасидаги довон.

<sup>23</sup> Қоқоқсой тулпорлари – афсонавий Турон отлари. Хитой манбаларида самовий тулпорлар,



Мана шу ерда Кир асл мақсадини махфий тутди. Товғичхон ҳам бундан икки ҳафта бурун ўтган элчилардан бохабар эса-да, сездирмади. Аммо кўнгли бирор шумликни ҳис этдими, зимдан тикилиб, Қўнуқтоз ҳақида гапирди. Айтишича, саҳрода маликанинг эрини билмайдиган одам йўқ. Елғиз ўзи ўнлаб ёғийга бас келадиган бу йигит қизишса, қарши чиқишга ҳатто йўлбарсу арслонларнинг юраги довламайди.

Товғичхоннинг ҳикоясидан Кирнинг онгида янги режа шаклланди. Мабодо, малика рози бўлмаса, илк жангда эрини ўлдириб, хотинига совчи йўллайди. Хуллас, барибир Тўмарисга уйланади.

...Нахшабда уларни Бониёт кутиб олди. Шаҳристондан деярли ярим ёғоч беридаги улкан сайхонликда чодирлар тикилди. Бутун-бутун буқалар оловда тобланиб дастурхонга тортилди. Сўнг подшо амри вожиб, чор-теграллик сак аёлларидан бир нечтаси чодирларга киритилди.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

### Жазо

Гаумат нимани ўйлаганди – бизга қоронғи, аммо олис аждодлари қасосига бел боғлаган шаҳаншоҳ бу гал ростакамига чув тушди. Чунки атрофдан танланган аёлларнинг асовлиги кийик монанд экан, олдинга бўйсунмай гаранг қилишди, иложсиз қолгач, шалварлари остидан тикилган ғилофлардан митти ханжарларини чиқаришди. Қарабсизки, Кирнинг ёвқур саркардаларидан тўрттаси шу ондаёқ бемаъни ўлим топди, йигирмага яқини оғир жароҳатланди.

Ҳалокатни эшитган шоҳ эртасига аёлларни қатл этишга буюрди. Ҳукм кенг сайхонликда, узоқ-яқиндан йиғилган туб аҳоли кўз ўнгида ижро этилди.

Кир шафқатсиз жазо билан маҳаллий аҳолини қўрқувга солишни ўйлаганди. Аммо режа амалга ошмади. Қайтага, халқ орасида босқинчиларга нисбатан беқиёс нафрат уйғотди. Уч-тўрт кундан сўнг номаълум кимсалар кўшин орқасидан ҳужум қилиб, икки юзтача суворийни асир олишди.

Машъум кунлар шу билан тугамади, кўшин уйқусидан ҳаловат қочди. Гоҳ озиқ-овқат заҳираси таланса, гоҳ ортда қолганлар дом-дараксиз йўқолаверди. Жазо гуруҳи, бор-йўғи, ўша аёлларнинг ёр-биродарлари эканини билиб, шаҳаншоҳ баттар талвасага тушди. Орият қасосига интилган кичиккина тўда шунчаликка қодир экан, юрт ҳимоясига отланган бутун бошли жанговар кўшиндан нимани кутиш мумкин?..

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

### Учрашув

Бу тўқнашувни ёлғиз мен эмас, ўша даврнинг энг улуғ муаррихлари ҳам буюк жанг сифатида эътироф этишади. Каминанинг билганлари эса ғойибона таассуротларим ва Холчаёндан топилган Будда ҳайкали танасига яширинган буқа терисидаги битиклар ҳосиласидир. Ҳа, алламтовур ажи-бужи ҳарфларни ҳижжалаш баробарида мозий тафсилотларини онгимда тиклайвериб, бора-бора шу даражага етдимки, гўё энди мазкур муҳораба ҳақида мендан кўра яхшироқ биладиган одам ёруғ жаҳонда йўқдай...

Гапнинг индаллоси, ғалаба, аслида, босқинчилар томонида эди. Чунки Эрон сарбозлари дунёнинг деярли ярмини забт этиш давомида истилочиликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тажрибасига эришган, қолаверса, ўттиз йиллик ҳарбу зарблар мобайнида ғалаба нашидасини анчайин тотиб улгуришгани боис айни дамда уларга тенг келадиган зафарёр кўшин қолмаганди оламда.

Аммо туронликларнинг айрим устунликларини таъкидлаш лозим. Хусусан, улар шафқатсиз ёбоннинг жами сиру синоатларини мукамал билишади. Боз устига, эгарга чунонам жойлашиб ўтиришадик, шамолдек елаётиб кўрсатган ҳунарларидан кишининг ақли шошади. Асосийси, улкан пасттекисликни макон тутган кўчманчиларнинг бари юрт ҳимоясига отланишган. Босқинчининг йўқотар нарсаси йўқ, жиллақурса, изига қайтади. Овул учун от сурган мардум чекинса, ватанни бой беради. Бундан ўлим афзал. Холисона айтсак, ватанпарварлик – жонни жабборга бериб олишишга ундовчи энг олий туйғудир.

Саҳро қабилаларининг ягона туғ остида бирлашишларига бошқа сабаб ҳам бор. Масалан, кўмондонликка бирор эркак сайланганда оммавий сафарбарлик шу даражада давом этармиди-йўқми, билмадим, даврнинг энг гўзал ва жасур аёли чорласа, беихтиёр, олис ўтмиш қахрамонликларини эслаб кетаркан, киши. Ахир, жумлаи жаҳонни титратган ўша ёвуз гўзаллар, аслида, саҳройилларнинг аждодлари эмасмиди? Йўқса, яна қай миллатда кўргансиз камонбоз аёлларни?

дейилади.

Эркак гавдаси жангнинг турли усулларига мослаб яратилган. Хонимларнинг шамшод қоматлари-чи?.. Ҳа, афсонавий амазонкалар ҳам, сак ёхуд масйоғут аёллари ҳам, ўнг кўкраклари гўдаклигида куйдирилиб, камон тортишга халал бермайдиган жанговар жуссага эришишган.

Ҳақиқатан ҳам бошқа биров баногоҳ қайсидир бархан ортидан отилиб чиқиб, бехато пайкон йўллайдиган аёлни тасаввур этолмайди. Саҳройилар эса бундан унумли фойдаланадилар. Хусусан, Дубчароқдан...

Дунё яралгандан бери нафақат масйоғут, балки хунлару, сакларда ҳам Дубчароқдан ўзга моҳир камонбоз ўтмаган. Утмаган деган гапни қўяверинг, қўшон черик таркибида Дубчароқдек афсонавий мерган бор эди, қолаверса, Тўмарис ғалабасининг тенг ярми айнан мана шу эммисоқ<sup>24</sup>ларга боғланганди, дейиш ўринли бу ерда.

...Хулласи калом, барча қабилалар ўз вазифаларини келишиб олганларидан сўнг малика масйоғутнинг улуғ энасини оқ ўтовга чорлади. Ўша тун қайнона-келин тонггача суҳбат қурди. Уларга ҳеч ким, жумладан, Қўнуқтоз ҳам халал бермади, ҳатто хотини ва онаси не мавзуда гаплашганидан-да беҳабар қолди. Бироқ бекор ҳам ўтирмади. Ўз гуруҳининг жанг тадориғи билан шуғулланди.

Қўнуқтозни саҳро аҳли ўтакетган жиззаки кимса сифатида танийди. Пайти бўлганки, тўю томошаларда хаомадан маст бўлган улфатларнинг ўнтаси якка ўзига бас келолмаган. Ҳозир шу бебош йигит қачонлардир жон ачиғида тепалашган жўралари даврасида бўлғуси муҳораба режасига овора.

Негаки, бу – ҳаёт-мамот тўқнашуви. Қайта бундай жанг бўлмаслиги аниқ. Чунки ватан – битта, ватан – ягона!..

Тўмарис ҳам ғурурли ҳиссиётлардан холи эмаса-да, аёллиги сабаб мушкул муаммони тинч йўл билан бартараф этмоқчи. Шу боис у элчи узатган номани эридан хуфёна ўқиди. Сўнг ўз таклифини баён этди, ҳукмдорнинг тўнғич қизи Атоссани ўғлига сўради. Шоҳ нияти ростдан қариндошлашиш бўлса, мақбул йўл бу. Айни пайтда, унинг саҳройиларга хос тийрак фаросати бошқа нарсани сезмоқда, шоҳ рози бўлмайди, чунки мақсади кўчманчилар ҳисобига ҳарамни бойитиш эмас, балки улкан пасттекисликда Аҳамонийлар туғини қадаш.

\*\*\*

Ўша куни Тўмарис қароргоҳида махфий кенгаш ўтказилди. Кенгашда ҳар бир қабиладан алоҳида-алоҳида учар гуруҳлар тузишга келишилди. Улар рақибга олдиорқасидан кетма-кет ҳужум уюштиришади. Майда-чуйда бўлинмаларни қувиб, ҳолдан тойган Кир саҳро ўртасига етгач, қўшон черик бирданига тўрт тарафдан ёпирилиб, сўнги зарбани беради.

Иттифоқчилар дўст-душманни адаштирмаслиги учун эгниларига алвон белги ёпиштириш буюрилди. Масйоғут ва сак жангчилари азалдан қизил кийишган. Энди шу рангнинг барчага татбиқ этилиши ҳеч кимда норозилик уйғотмади.

...Қизил ранг саҳрода азалдан муқаддас саналган. Чунки кўчманчилар қонли жангҳоқларда туғилиб, қонли жангҳоқларда улғайишган. Ана шу сабабли ўзга халқлар алвон тусни фақат туронийларга нисбат беришса, ажабмас. Улар эса муҳорабалар тугагач, қонга бўялган кийимларини бир уюмга тўплаб, ҳалок бўлганлар учун мотам тутишган, душмандан муносиб ўч олишга онт ичишган. Бора-бора ўша ҳудуд азиз маконга айланган ва Қизил майдон аталган. Ҳозирги режага мувофиқ душманни адаштира бориб, маҳв этиш мўлжалланган жой ҳам, аслида, ўша минг йиллик саждагоҳдир. Бу майдон – Туроннинг буюк саркардалари қадамжоларидир. Шундай экан, аждодлар руҳи мадаккор бўлғай...

Тўмарис сардорларидан битта нарсани, мабодо, ўйлаганлари амалга ошмаган тақдирда кўзлаган сўнги режасини сир тутди. Ростки, ўзида мазкур имкониятга кўпроқ ишонар, чунончи, ўтган кеча масйоғутнинг улуғ энаси Дубчароқ билан тонггача қилган суҳбатида ҳам айнан шу масала хусусида сўз юритганди...

\*\*\*

Бу томонда эса ёв даштга деярли етиб келган ва икки қўшин ўртасида атиги уч-тўрт кунлик масофа қолганди. Бундан бохабар Тўмарис зарур чораларни кўрган, хусусан, ўғли бошчилигидаги ёшлар гуруҳига буйруқ берилиши билан яшин тезлигида ҳужум уюштириш топширилганди. Буюк Қўнуқтоз зурриёди Сипрангиз ота-онасига муносиб ўғлонлигини исботлаш они етганини ҳис этиб, гижинглаган ғўнон тойда ҳужум буйруғига интизор саҳро кезарди.

Яна бир томонда муқаррар ҳалокатни сезган Бўзқурт Қўнуқтоз чангалидан омон чиққанидан миннатдор ҳолда туясини лўкиллайтиб, Тўмарис номасини шаҳаншоҳ ман-

<sup>24</sup> Эммисоқ – тоқ кўкракли аёл дегани.

зилига элтаркан, тез орада бошланажак жангда ватани тарафида қилич чопишга халал бераётган сўнги ноқулайликларни узил-кесил бартараф этиш йўлини излар, шоҳ Ҳиндиқушнинг жануб томонидаги чўпонлардан олти тиллога харид қилган ўламса ҳўкизнинг қадри терисини бермаган тақдирда, қай қарорга келишни ўйларди. Ана шундай чалкаш фикрлар оғушида кетаркан, унинг назари тўсатдан, Теушпага тушди. Жангчи негадир унга ғайр қараш қилаётгандай. Уй-хаёлларидан хабардорга ўхшайди. Бироқ ўзидан кўнгли тўқ, элчи вазифасида экан, жонига ҳеч ким қасд қилолмайди... Дарвоқе, устози айтганидек, ҳаёти дахлсизлигини ҳисобга олсак, шоҳ қаҳридан қўрқиши ҳам ортиқча, номани топшира солиб, ватанга қайтишга ижозат сўрайди.

Аммо шубҳа-ғумонлари ўринсиз экан, Тўмариснинг жавоб мактубини ўқиб, ҳаддан ташқари сурбетликдан ғазабга келган Кир сўнги топшириқни бажарса, яъни масйоғут маликасини белгиланган манзилга музокарага олиб келса, озод этишини айтди. Олдиндан билдирилган ишонч сифатида ҳўкиз териси ва ноёб камонини қайтарди. Қафасга солинган бир жуфт номакаш кабутар ҳам берди.

У сафарга обдан тайёргарлик кўрди. Аввало, қўрмонни ўққа тўлдирди, беш-ўн кунга етарли озиқ-овқат, сув ғамлади. Кейин саройга бориб, кетишга изн сўради. Худди шу пайт, тушига ҳам кирмаган, бора-бора эса хотирасига тоабат муҳрланган воқеа рўй берди, шоҳ тўсатдан ўрнидан туриб, элчи томон юрди. Келиб, қоқшоқ елкаларидан тутди, кўзига маъноли тикилиб, омон бўл иним, деди-да, бағрига босди.

Бўзқўрт аввалига ноғаҳоний ҳодисани англамади. Наинки, англамади, балки эс-ҳушини йўқотиб, бир-неча дақиқа талвасага тушди. Сўнг кўзлари ёшланди, ярим оламини тиз чўктирган жаҳонгир қандайдир мусофирни бағрига босади деб ким ўйлабди, ахир?..

Саҳарлаб йўлга чиққан Бўзқўрт елмоя<sup>25</sup>да тебраниб бораркан, сўнги дамда шаҳаншоҳ садоқдан эски ўқни олаётиб, айтган гапини эслашга уринди. Бироқ эплломади, қайтанга хаёллари чувалашиб, ёдидагиларни ҳам унутди. Уч кунда масйоғут тўсқовулларига йўлиқди. Йўлига интизор Тўмарис дарҳол қабул қилди. Бугун у ҳарбий либосларини ечган, кабаз<sup>26</sup>дан тикилган узун кўйлак устидан ташланган енгсиз гулдор камзули, елкасини тўлдириб, белига сирғалган қора сочлари чиройини чунонам очгандики, бекиёс малохат қошида ҳушини йўқотган элчи тузук-қуруқ гап бошлолмай, бироз каловланди. Сўнг кўргилигини пешонасига йўйиб, сўзлайверди. Эшитганларидан Тамиртош сир бермади, Қўнуқтоз эса ўзини тутолмади, турасолиб, қиличини қиндан чиқарди. Бўзқўрт ҳам ётиб қолгунча отиб қол, қабилида ҳаракатланиши лозимлигини сезди, шартта туриб, кўйлаги ёқасини йиртди.

У мазкур режани олдиндан тузган-у, бунчалар таъсир этишини ўйламаганди, яланғоч кўкрагидаги митти суратга назар ташлаган саҳройиллар беҳос сапчиб тушишди. Негаки, илк бор Эрлик хоқон кўксига қаварган бу шакл минг йиллар давомида санокли инсонларга насиб этган бўлиб, келгуси авлодлар назарида муқаддас тамғага айланганди. Нафақат Тўмарис, Тамиртош ва Қўнуқтознинг ҳам каловланишига сабаб шу, ҳозиргина қўл қовуштирган яланғоёқ қаршисида тиз чўкиш осонмас, ахир.

Йўқ, униси ҳам-буниси ҳам бўлмади, сардорларни ноўрин хижолатпазликдан Бўзқўртнинг ўзи қутқарди – сўзлашга изн сўради. Нутқи давомида Кирни сира ёмонламади, аксинча, мақтади. Бироқ булар вассаллик учун асос эмаслигини таъкидлаб, томонларга маъқул муросани таклиф этди, маликани шаҳаншоҳ билан учрашувга ундади. Тўмарис азбаройи ўша тамға учунгина рози бўлди.

Темир қафасдаги кабутарларнинг қанотлари қизилга бўяб учирилгандан икки кун ўтиб, малика эллик чоғли хос соқчи ҳамроҳлигида йўлга тушди. Тўғри, сал олдинроқ у Дубчароқни яна бир бор ўтовига чорлади. Аммо суҳбат мавзуси бу гал ҳам сирлигича қолди.

\* \* \*

Белгиланган жойга куёш кунчиқардаги тепалиқдан бўй кўрсатар маҳал етиб келишганда, шаҳаншоҳ шерикларидан ўн беш қадамча берида, чўғдай тўшама устидаги олтин тахтада савлат тўкиб ўтирарди.

Тўмарис қамчисини кўтарди. Соқчилар тўхтагач, олға юриб, гилам четида от жилловини тортиди.

– Марҳамат, маликам, суҳбатингга муштоқман, – менсимай илтифот қилган бўлди Кир рўпарасидан жой кўрсатиб.

Унинг мақсадини англаган Тўмарис бирдан жиловни бўшатди, депсинаётган тулпорда алвон гилам атрофида айланаркан, эгилиб миннатдорчилик билдирди:

- Раҳмат, шаҳаншоҳ, такаллуф ўзингдан. Саҳрода меҳмон отангдан улуг...
- Шаҳаншоҳ ўз жойида, – тушунмай елка қисди ястаниб олган Кир.

<sup>25</sup> Елмоя – тез юрар туя.

<sup>26</sup> Кабаз – пахта толасидан тўқилган мато.

– Масйоғут ҳам ўз тахтида, – истехзо аралаш жавоб берди малика от бўйнини сипаркан.

Ўртага ноқулай сукунат чўкиб, Кир уч-тўрт сония хаёл сурди. Сўнг музокара кўчманчилардан кўра кўпроқ форсларга кераклигини сездими, тахт пойига тиз чўқди. Зум ўтмай рўпарасида енгил сакраб, эгарни тарк этган Тўмарис чордана қурди. Эгнидаги олтин совути, бошидаги мовутдан тайёрланган гулдор чўққи қалпоғи, қалпоқ учидаги тирқишдан чиқарилиб, ранг-баранг пилик аралаш ўрилган қалин сочлари унинг ҳуснига ҳусн, виқорига виқор кўшарди. Малика шохни бежиз тахтдан тушишга даъват этмагани ана шунда аён бўлди. Чунки ҳозирги ҳолатида у рақибидан салобатлироқ кўринарди.

– Элчи етказган номам ёдингдадир, – соқчилар орасидаги Бўзқуртга ишора қилди шашти пасайган шох. – Тўмарис рози бўлса, таклифим ҳали ҳам ўз кучида.

У сўзининг исботи сифатида, ёнидан чети нақшинкор кўзгу олиб узатди.

– Сен иложсиз нарсани сўрагансан, масйоғут маликасининг эрон шохидан-да улугроқ хоқони бор. Шу боис мамлакатларимиз учун бирдай маъқул фикрни билдиргандим. Афсуски, Қуруш масйоғут билан қариндошлашиш мақсадида келмаган кўринади саҳроларга...

– Малика тўғри топди, мен Туронга қариндош излаб келмадим, – иқрор бўлди шох, – мақсадим, олам яралгандан бери ҳеч ким енголмаган элни бўйсундириш. Форсга бошқа нарса керакмас. Бинобарин, енгилганингни тан олиб, имконинг етганча ўлпон тўлашга рози бўлсанг, ортимга қайтаман.

– Менга эса ўлпон тўлашдан кўра, мағлуб халқ деган лаънатни кўтариб юриш оғирроқ. Майли, саҳродан истаганингни ол, фақат сўраганларга сак буларни Эронга садақа қилди, дейсан...

Ўзаро манманлик оқибатида музокаранинг авж нуқтаси тўсатдан хавфли тус олди, қаршисидаги ожизанинг сўзамоллигидан шох ғазабга минди. Нафақат ғазабга минди, балки жазаваланиб бақришга тушди. Тўмариснинг мийиғида кулганча, бамайлихотир ўтирганини кўриб эса жанжал кўзғамоқчи бўлди ёхуд сиёсати шундаймиди, очиқча ҳақоратга ҳам ўтди, оғзидан тупук сачратиб, ўшқирди.

– Балиқчиларга ким қўйибди урушни, яхшиси, Яксарт бўйларида зоғораларга қармоқ ташлаб юраверишин...

Малика қаҳри келса-да, ўзини босиб, хотиржам оҳангда таъкидлади:

– Масйоғут учун жанг қилиш балиқ тутишдан ҳам осон иш. Бироқ улар беҳуда қон тўкишни истамайдилар!..

– Қон тўкишни истамаганлигининг боиси – масйоғут кўрқоқ халқ, – ростакмига ҳайқирди Кир энди, – мен эса қонга ташнаман. Токи чанқоғим қонмагунча, бу саҳроларни тарк этмасман!..

– Модомики, – вазмин жавоб берди Тўмарис, – жаҳонгир истаркан, саҳро маликаси унинг чанқоғини бостиришга баҳоли қудрат ёрдам беради.

Қисқа ва хатарли мунозарадан сўнг Кирнинг тушигаям кирмаган ҳодиса рўй берди. У ноилложликда асқотадиган охирги чорани аввалдан ўйлаб қўйганди. Энди шуни қўллаш учун кўз қирини ташловдики, Форснинг икки юз чоғли сара жангчиси бирданига қилчларини қинидан суғурди. Бу Қўнуқтознинг бефарқ қолдирмади, зум ўтмай, эллик нафар сара навкар Тўмарис ортида қад ростлади. Натижада, ростакмига хавфли вазият вужудга келди, арзимас ишора оқибатида шох ҳам, малика ҳам ер тишлаши ҳеч гапмас ҳозир.

Қалтис ҳолатни вақтида чамалаб улгурган Тўмарис қўлини кўтариб, барчани хотиржамликка чорлади. Сўнг қулай имконият ўзидалигини ҳис этиб, шаҳаншоҳга терсига зар, ўнгига қумуш қопланган бояги кўзгуни қайтиб узатди. Кир ҳеч нарсага тушунмагач, кунчиқардаги бархан томонга имо қилди. Баногоҳ, биёбон узра гулдурос қаҳқаҳа янгради. Чунки қумтепа устида камон тутган қандайдир аёлнинг хиёл эгик қомати кўқарган ва беҳуда тадорик сабабини англаган шохнинг истехзоси вазиятга жуда мос тушганди. Ахир, юз эллик қадам наридан мўлжалга аниқ уришни қўятуринг, масофанинг ярмига етказиш катта гап. Шундай экан, шўрлик кампирнинг ночор аҳволидан кулмай бўларканми?..

Тўмарис барибир ўзини йўқотмади. Аксинча, аввалгидан-да жиддийроқ қиёфада нишонни балад тутишни сўради. Ҳамон хоҳолаётган Кир илкани бор бўйича кўтариши билан туйқус кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса юз берди, қандайдир баҳайбат пайкон шувуллаганча кўзгуга урилди. Мислсиз зарбадан шаҳаншоҳ қалқиб тушди. Яхшиям вақтида кафтини очиб юборди, акс холда, ўтирган жойидан тирга илашиб жўнарди...

У амал-тақал эсини йиғиб, яна ўша томонга қараганда, эгик қоматли кампир аллақачон камонга навбатдаги пайконни жойлаб, кўкрагини мўлжалга олганди.

Шох шундагина енгилганини сездим. Аста имо қилиб, сарбозларни чекинишга буюрди, сўнг ҳамон мағрур қиёфада ўтирган Тўмарисга эгилиб, шивирлади: “Кутаман, ё чанқоғимни қондирасан ё хирсимни!”

## ҶҲ ТҶҚҚИЗИНЧИ БОБ Самовий тулпор

Дубчароқнинг мислсиз мерганлиги натижасида Кирнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, маликанинг кайфияти кўтарилиб, қароргоҳига йўл олгач, Қўнуқтознинг боқишларида яна аввалги қаттол шуур йилтиллаш бошлади. Сабабини англаган Бўзқурт уларни шубҳали учрашувга алдаб олиб бормаганини, бор-йўғи, шохга берган ваъдасини ба-жарганини қандай тушунтиришни билмай боши қотди.

Қароргоҳда, у хос хизматчи орқали малика ҳузурига рухсат сўради. Тўмарис розилик бергач, учрашувга чин дилдан тайёрланди. Аввало, сўйлар гапларини обдан пишитди. Сўнг ярим саҳифасини жимжимадор ҳарфлар беэаб улгурган укпани қайта-қайта очиб ёпди. Ниҳоят, улкан камонини салмоқлаб, ўқларни қурмонга жойлади.

Тонгда икки соқчи етовида хонўтовга ташриф буюрган элчини одатдагидай Тамиртош, Қўнуқтоз ва Тўмарис кутарди. У ўтган гал худди шундай шароитда беихтиёр сўйлаб, барчанинг диққатини тортганди. Бу гал ҳам ўшандай ҳолатни нақадар истамасин, нияти амалга ошмади. Ноилож дангалига гапирди, ваъда бермаганида бор бисотидан айрилиши мумкинлигини таъкидлаб, ашёларига нисбатан суҳбатдошлари кўнглида сирли қизиқиш уйғотди.

Хизматкорлар келтирган баҳайбат жатан ва укпани кўргандагина, Тўмарис Бўзқуртнинг асл вазифасини англаб етди ва имо қилиб элчига ўтов эшигини кўрсатгач, шерикларига ўғирилди...

Маликанинг ишорасини ўзгача тушунган Бўзқурт нохуш кайфиятда ўтовдан чиқди. Бироқ уч-тўрт қадам босиб улгурмай, орқасидан етиб келган Тамиртош қайтишни буюриб, маъноли шивирлади:

– Агар ростдан кўчманчи авлоди эсанг, буни исботлайдиган пайт келди!..

Бўзқурт йўлбошчининг сирли жумласи тўғрисида бош қотираркан, хонўтов айвонига қатор курсилар кўйилди. Гўйлихон, Тўмарис, Қўнуқтоз, Дубчароқ ва Тамиртош бориб ўтиришгач, жатанни келтиришди. Қадимий куролни кўрганда, Дубчароқ сапчиб тушди, сўнг хушини йўқотгандай, титраб-қақшаб олға юрди. Йўл-йўлакай, атрофдагиларни лол қолдириб, пайдар-пай сўзлайверди. Алоқ-чалоқ жумлаларга қараганда, камонни қаердан олганини суриштирмоқда. Элчи ҳадеганда сўзлайвермагач, даҳшатли қиёфада ўшқирди:

– Қасос шибасини кўрсат!..

Гапларига ҳеч ким тушунмади. Кампир жаврашда давом этди:

– Қасос ўқи қани?..

Бўзқурт соқчининг кўлидаги қурмонга ишора қилди. Дубчароқ ўқларни олиб, бирма-бир кўздан кечирди. Сўнг излаганини топмади шекилли, ҳафсаласи пир бўлиб, жойига қайтди. Бўзқурт хайрлашиш они шох бекорга бисотидаги ягона ўқи эвазига садоғини тўлдириб бермаганини қисман англаса-да, ўша шибанинг асл вазифасига ҳалигача тўлиқ тушунмади...

Ўртага ноқулай сукунат чўқди. Тамиртош ўрнидан туриб, савол назари билан мўлтираган элчига яқинлашди:

– Ҳозир саҳронинг энг зотдор йилқилари қаршингдан ўтади. Ўзингга муносиб тулпорни танла!..

Унинг гапи охирига етмай, оёқ остидаги тақрон текислик дастлаб секингина, бора-бора даҳшатли зириллай бошлади. Сал ўтгач, уфқда саноксиз от тўдалари пайдо бўлди. Бўзқурт ички бир сезгиси ила бўрон каби елаётган уюр орасидан асов бедовларни кўрсатаверди. Каманд тутган ақтачилар ўша заҳоти танланган жониворлар изидан от кўйишди. Ярим соатдан сўнг гижинглаган ўттиз тулпор оломон қаршисига келтирилди. Бўзқурт турнабуйин, қамишқулоқ тўпчоқларни ораларкан, иложи етганларига кўл тегизар, ўта асовларига эса зийрак нигоҳини қадаб, ниманидир аниқламоқчи бўларди. Айни пайтда, четдан кузатаётган қабила кексалари йигитнинг тахминлари оддий тасодиф эмаслигидан таажжубланиб бош силқишар, зеро, эндиги элчи ҳамма билган ўша инсон эмасдики, ҳайратга молик ҳаракатига энг донгдор синчилар ҳам тан беришган, фақат мўъжизавий танловини изоҳлашга келганда тиллари лол эди, холос.

Ўттизта тулпорни бирма-бир синчиклаб кузатган Бўзқурт уларнинг ичидан тўққизтасининг сағрисига шапатилади. Даврада ўтирган Гўйлихон сукунатни бузиб, кафтини кафтига урди. Зум ўтмай, қарсақбозликка ён-атрофдаги оломон ҳам кўшилиди. Олқишлаётган халойиқ олдида тамом ўзини йўқотган Бўзқурт қилган ишларига тушунмай гарангсираркан, майёғутнинг кекса ябғу<sup>27</sup>си аста яқинлашиб, бағрига босди..

– Ташрифинг қутли бўлсин, ўғлоним!..

Бу гаплар уни заррача ажаблантирмади, ҳатто хушига келтирмади. Шу алфоз хануз бошини чангаллаб айланаётганда, Тамиртошгина ногаҳоний ўйларидан чалғитолди. У йигитнинг билагидан шахд тутди-да, бор кучи билан силкилади.

Бўзқуртнинг кўз ўнги ёришиб, қаршисидаги саркардани илғади:

<sup>27</sup> Ябғу – хондан кейинги амалдор.

– Сен Туроннинг энг учқур тўққизта тулпорини ажрата олдинг. Энди ичидан ўзининг сафар йўлдошингни танла!..

Ҳал қилувчи лаҳза етганини тушунган Бўзқурт писиб бориб, уюр бошида ер тепаётган тулпорнинг белига сакради...

Ўрники, бир нарсани айтиб ўтмоқ жоиз. Қабила оқсоқоли боя насли-насаби номаълум мусофирни бекорга қутламади. Чунки танланган арғумоқлар бурун катакларидан олов пуркамюкда. Бутун бошли йилқининг ичида атиги тўққизта шундай бедов борлигини Гўйлихон билмай ким ҳам биларди? Алқисса, Бўзқурт сакраб минган асов тўпчоқ бели бир майишиб, олис-олисларга отилди.

– Ҳуллала!..

Бўзқурт тулпори фавқуллода тезлик-ла олға интилгани туфайли сал бўлмаса, ортига йиқилаёзди. Аммо сўнги дамда ўзини тутди, оёғи ерга тегмай елаётган жониворнинг ёлларини маҳкам чангалладию, беихтиёр қаҳ-қаҳа отди. Ҳа, узоқ замонлар бурун бепоён саҳрода омонат чўзилган чаламурда энди донғи дунёни тутган қабиланинг буғро вакилига айланиб Туронзаминнинг энг учқур тулпори елкасида осмону фалакларга интиларкан, танлаганига Гўйлихондек ябғу ҳавас қилганидан кўп нарсаларни тушунган, бинобарин, бекорга яшамаётганини ҳам англаган, қора қуюнга айланган зулукдек той пишқири-пишқири, яккам-дуккам қумтепаларни ортда қолдираётганда, ёнбошига енгил оғаётиб, кўз қири отнинг олд оёқларини қўлтиғига туташтирган балиқ сузғичи монанд митти қанотларга тушгач, мазкур ғаройиботдан баттар ажабланганди.

...Энг олис бархангача айланиб келгач, хизматкорлар қора терга ботган отни совутгали жўнашди. Чавандозни эса олқишлаб ўтовга олиб киришди. Мана шу ерда Бўзқурт илк бор маликанинг қўлидан қадаҳ кўтарди. Хаома тўлдирилган каркидон шохини бош бармоқларини тилиб бир томчидан қон томизгач, аввал Қўнуқтоз, кейин Тамиртош, охирида Бўзқурт симирди. Бу маросим натижаси ўлароқ, ўртадаги гиналар унутилиб, уч авлод ўртасида биродарлик робитаси боғланди. Қисқа тановул тугаб ташқарига чиқишганда, ўзгача манзара намоён эди. Майдонга узун тапчан қўйилган. Тапчан устида турли-туман от абзаллари. Бир четда ўткир акинак қадалган...

Бўзқурт тапчанга зимдан қараганча, икки қул етовидаси тулпори сари юраркан, унчалик ўйлаб ўтирмасдан енгил ҳаракат билан абзаллардан бирини қўлга илдирди. Яқинлашиб, отнинг пешонасидан силади. Сўнг эркалаган бўлиб устидаги жанда ёпинчикни терлик<sup>28</sup>ка алмаштирди. Тулпор саркашланиб бир-икки сапчиди. Юк олдингисидан оғирмаслигини сезгач, тинчланди. Терлик устидан эни-бўйи баб-баравар тириг<sup>29</sup> ёпилганда эса депсинибгина қўйди, холос. Худди шу пайт кимдир ҳовучида арпа тутдию, қолгани рисоладагидай кечди. Чавандоз арғумоғининг бўйнидан кучоқлаб, манглайини қашлади ва авайлаб-авайлаб орқадан узатилган сувлиқни оғзига солди. Бехос лўнжини шиширган темирнинг эриш таъмидан бегонасираган от бир сапчиди. Бироқ Бўзқурт бу пайтгача жиловни асовнинг боши узра ошириб, жеткан<sup>30</sup>ни эгар қошига илган ва бамайлихотир бурилганча, ерга қадалган оқиноқ сари равона бўлганди.

Қурол ёнига етгач, у чап оёғида тиз чўкиб, кафтларини ўнг тиззасига тиради. Тамиртош оқиноқни олиб, боши узра тўққиз марта айлантормагунча, жойидан жилмади. Қиличга сажда маросими тугагач, бошчи тиғни бояги жойга қадади ва баланд овозда ҳайқирди:

– Қадаминг қутли келсин, ўғлон!..

– Қадаминг қутли келсин, ўғлон!.. – гувуллади халойиқ.

Шундагина Бўзқурт ўрнидан туриб, оқиноқни тапчан устидаги охирги ашё – кинига солди. Сўнг денгиздек мавжланаётган оломон жўрлигида ер тепаётган тулпори томон отилди.

Бўзқурт яна уч-тўрт амални бажарди. Аввал ён қайишларни ушлаб, узангига оёқ илдирди. Дўнон баногоҳ жон ҳолатда кишнаб, олға интилди. Йўл-йўлакай, жеткани чап қўлида тутамлаганча ўнг қўлини баланд кўтарди.

Халқ момоқалдироқдай гувуллади:

– Қадаминг қутли келсин, ўғлон!..

Зум ўтмай буюк Турон пасттекислигининг энг учқур тулпори елкасида тош қотган чавандози билан қум тўзонлари ичра ғойиб бўлди.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

### Сипрангиз

Форс қўшинлари киши кўнглида қутку уйғотарди. Улар тартибли сафланишни мидёнийлардан ўрганишган, мидёнийлар элабийлардан олишган. Бироқ барчалари учун ҳам

<sup>28</sup> Терлик – от устига ёпиладиган намаат.

<sup>29</sup> Тириг – терлик устидан ёпиладиган кигиз.

<sup>30</sup> Жеткан – юган боғи.

камонбозлик кучли амал ҳисобланмас, боиси, гирик тортишлари муваффақиятсиз эди.

Уларнинг бу соҳадаги оқсашларига сабаб шуки, улар камонни қорин баравар ушлашган. Натижада, ўқтам, яъни ўқ етар масофа йигирма-ўттиз қадамдан ошмаган. Сақлар эса ёнбошлама туриб, гирикни қулоқ учигача тортишган. Ва шу арзимас тафовут натижаси ўлароқ, тирлари беҳад узоқликка, беш юз, ҳатто саккиз юз қадамга борган. Аммо мазкур усул минг йиллар давомида ўта сир сақланган. Алҳусус, саҳройилар учун пайкон йўллаш, форсийлар учун найза улоқтириш самаралироқ туялган.

Хуллас, қўшин олдида найзабардорлар, уларнинг ортидан оғир қурол-аслаҳа кўтарган пиёдалар тизилишган. Найзакашлар зиммасидаги вазифани бажаргач, қаторларини очиб, аввал орқадаги пиёдаларга, сўнг калта қиличли сарбозларга йўл беришган. Шоҳ эса қоқ марказда, махсус аравада юрган.

Кўчманчилар муҳораба учун муқаддас майдонни танлаганларидан беҳабар Кир тезкор ғалаба илинжида юриш бошлагач, уруш муқаррарлигини англаган Тўмарис аллақачон форслар атрофида изғиётган ўғлига “элчи” (суюкли лочини оёғига қизил мато боғлаб учирди) юборди. Бироқ сўнгги дамдагина аллатовур хатоликни сезиб фаромуш тортди.

У томонда эса қизил боғичли сорни кўрган Сипрангиз зудликда рақиб устига от солди, жанг сабоқларини ҳали тўлиқ ўзлаштириб улгурмаган йигитча фақат шахсий жасорати ва куч-қудратигагина ишонар, маккорлик ҳам ғалабага омил бўлиши мумкин эканлигини хаёлига келтирмасди.

Кирнинг тажрибали саркардаси Гўхар қутилмаган вазиятларга тайёр эса-да, ёш масйоғутнинг кетма-кет хуружларидан эсанкираб, сарбозларини бой бериб қўйишига оз қолди. Фақат охири дамдагина фикру хаёлини йиғиб, рақибнинг қизиққонлигидан фойдаланишга аҳд қилди. Эртаси қулай жой танлаб, барчани меҳмоннавозликка чорлади. Саркарданинг қутилмаган ҳимматидан шодланган қўшин пишир-қуйдирга тутинди. Базм авжида босди-босди бошланиб, форслар чекинишди...

Ана шу ерда Тўмарисни безовта этган воқеа содир бўлди. Рақиб сардори, жангариликда Сипрангиздай бўлмаса-да, маккорликда устаси фаранг экан, саҳро маликасининг курагига номардларча найза санчди. Ўспиринлар хушбўй хаома ва ёлланма юнонлар тайёрлаган шаробдан ичиб, ғалабани нишонлашаётганда, боягина тум-тарақай тўзгиган қўшин ердан чиқдими, кўкдан тушдими, кўкқис уларни қуршаб олди. Шундагина Қўнуқтознинг эрка ўғлини хатосини англади. Бироқ хушини йиғишга нечоғлиқ уринмасин, шалвираган илқида қиличини осилтириб, гандираклардан нари ўтолмади.

Орадан ярим соатлар ўтгач, базм майдонида тартибсиз сочилган кўзалару бўғизланган жасадлар қолди, холос. Қотиллар фақат сардорни ўлдиришмади, пайт пойлаб асир олишди. Оёқ-қўли чандиб боғланган йигитча шундагина урушда нафақат ботирлиғу жасурлик, балки айёрлик ҳам зарурлигини тушуниб етди. Бироқ шу иқрори йўлида икки юз чоғли жонжўрасидан ажралганини ўйлаб, аламдан дод солаверди.

Энди Тўмариснинг аҳволидан сўранг. Масйоғут ўспиринларининг бошлари танасидан жудо этилган маҳал булжарда йосол<sup>31</sup>га машғул маликанинг юраги беҳосдан санчиб, қандайдир фалокат содир бўлганини англади. Англагандаям, ёлғиз фарзандининг ҳаёти хавф остидалигини сезиб, ўтли оҳ урди. Зум ўтмай, ўтовига қайтди-да, ҳузурига эрини чорлади, кўнгил хижиллигини тўкиб солди. Қўнуқтоз завжасини овутишга уринди, аммо айна дамда, ўзининг-да вужудига бемаврид нотинчлик оралади. Таҳликали ҳолат уларни эртаси пешингача тарк этмади. Ниҳоят, дах учарлари қатлгоҳдан хунук хабар келтиргач, эр-хотин аянчли шумшайиб, бир-бирларига мўлтираб қолаверишди. Бироқ она барибир она экан, ҳалок бўлганлар ичида ўғлининг йўқлигини эшитиб, кўнгли таскин топди. Ҳатто пинҳона пичирлаб, яратганга ҳамду сано ўқиди.

Қўнуқтознинг йўриғи бошқа, хотинига қарама-қарши ўлароқ, ўғлининг тирик қолганидан безовта эди. Узини тутишга қанчалик уринмасин, ташвиш юзига соя солди. Шунда шавкатли жангчининг тўртбурчак афти-ангориди, маллатоб чағир кўзларида, сийрак мўйловию юпқа лабларида шармисорлик излари кўрингандай бўлади: “Бундан кўра ўлса яхшимасмиди? Йўқ, уни асир олишган. Эҳтирол, булунлиқни ўзи афзал кўрган номард бола. Жонжўраларини қўйдайд бўғизлашаётганларига тек қараб тураверган!.. Энди бепоён пасттексиклиқнинг Қўнуқтоз номли жангчиси ҳам йўқликка юз буради, хоин жигарғўшаси ўрнига ўлим топади, ўз кўксига тиғ санчади...”

Тушкун вазиятдан дарак топса, навкарларнинг жанговар руҳидан асар ҳам қолмаслигини ўз вақтида англаган Тамиртош оқ ўтовга югурди. Йўл-йўлақай, Бўзқуртни ҳам эргаштирди. У бекорга ваҳимага тушмаган, фожиани ҳис этган, Бўзқурт эса қўл қовуштириб тураверса, минг йиллик умри абасга айланишини тушунган. Шу сабаб яна бир бор кўкрагини яланғочламоқчи. Ғойибона сурат қаршисида бош эгган сафдошларига оловли нигоҳи-ла тикилмоқчи, ўртага виждонини солиб, тантанавор хитоб қилмоқчи...

<sup>31</sup> Йосол – қўшинни кўриқдан ўтказиш.

“Мен – Эрлик хоқондан буён ўтган жами хоқонлар элчиси Бўзқурт ўзимнинг тоза виждоним билан онт ичаманки, Тўмарис ва Қўнуқтоз ўғли Сипрангиз душманга бош эгмаган!.. У шонли ота-онасининг, элининг ор-номуси йўлида наинки жонидан, ҳатто қалбидан кечишига қафилман!”

...Кўчманчиларнинг тўққиз тилли қуёшга сиғинишлари бежиз эмас. Ёлғиз шу тамғанинг ўзи урушда минглаб жангчилар ўрнини босиши, ҳаттоки, бутун бир халқлар тақдирини ўзгартиб юбориши мумкин. Буни учала саркарда ҳузуридаги ўша учрашувдаёқ англаган Бўзқурт, беихтиёр юқоридаги сўзларни такрорларкан, қалбининг гурсиллаб уришга бошини зирқираб ғувуллашидан бўлак товушни эшитмас, боз устига, нималар деяётганини-да англамасди. Чунки сўйлаётган каломлари ўзга буюкроқ зот ихтиёрига боғлиқ эди...

\*\*\*

Ҳали нима қилиб қўйганини тўлиқ англолмаган Сипрангизни ўша кунидеъ шоҳ ҳузурига элтишди. Деярли ярим мақсадига эришганини сезган Кир кенг елкали ўспириннинг кўзларига назари тушиб, аъзойи-бадани жунжикиб кетди. Шаҳаншоҳ йигитчанинг нигоҳида ўзгача ёлқин кўрди. Унинг қаршисида буюк курашлар учун туғилган ботир турарди. Кирнинг кекса қалбида кенжа фарзанди тенги ўспиринга нисбатан ҳурмат уйғонганининг сабаби шунда.

Кишан ечилгач, увушган қўлларини уқалаётган Сипрангиз улкан чодир ичра тош қотган соқчиларга зимдан кўз ташлади. Атрофдагилар унга кўпам эътибор беришмади, назарларида руҳи батамом синган маҳбус қаршилиқ кўрсатадиган аҳволда эмас. Шаҳаншоҳ эса йигитчанинг осонликча бош эгмаслигини сезгану кутилмаган таваккалчиликка қодир-қодирмаслигини унутганди.

...Ҳақиқий сак гўдаклигидан қиличбозликка ўргатилиши хусусида бурунроқ таъкидлагандик. Буни форслар ўз мисолларида синаб кўриш вақти етди, ниҳоят. Қўллари кишандан бўшаб, анча-мунча ўзига келган Сипрангиз елкасидан босиб, тиз чўктиришга уринаётган соқчининг оқиноғини шартта суғурди-ю, қайтиб томоғига сермади. Қўққис тош қотган жангчининг аввал оғиз бурчлари, сал ўтгач, бўғзи айланасига қизариб, қон томчилади. Сўнг бир мункиб, қийшайди. Чор-теграда ногаҳоний ҳайрат хитоблари янгради. Ҳукмдор ҳаётига хавф туғилганини сезган соқчилар дарҳол Сипрангизнинг атрофини ўраб олишди. Ёлғиз йигитчанинг ўнлаб душманга қарши ҳаёт-мамонт жанги бошланди. Ҳаш-паш дегунча, яна тўрт сара жангчи йиқилди. Шунда орқадан келган Теушпа охирги чорани қўллади, ёш масйоғут бехос кураклари ўртасига қадалган найзани лопиллатганча гандираклаётганда, пайт пойлаган Гўҳар биқинига ханжар урди. Буюк Кир қошида тиз чўкишдан бош тортган шавкатли ўғлон ёнбошига қулади.

Шоҳ надоматда бош чайқаб, пойида ётган йигитчага тикиларкан, томоғидан қиринди ўтиб, ютинди, қанийди мана шу ботир ўз ўғли бўлса! Афсус, афсус... Гаумат бир сафар сакнинг енгилмаслигига, аксар худо берган омад, қолаверса, жанговар ҳийла-найрангни рўқач қилганди. Энди билса, уларни ғалабага етакловчи бошқа омилар ҳам бор экан. Дейлик, она сути оғзидан кетмаган болакайнинг қилган ишлари... Мингтагина шундай сарбози бўлса, икки йилда дунёни эгалларди. Ростданам, олий эҳтиромга муносиб жангчи экан Сипрангиз.

Кир хизматкорларига қора қонига бўялган жасадни ювиб-тарашни, шоҳона либосларга ўраб, ота-онасига жўнатишни буюрди. Мулозимлар чекиниб, танҳо қолгач, кўзларида ғилтиллаган ёшни тўхтатолмай, бош эгди. Аллақайлардадир Гауматнинг ингичка нидоси янграмагунча, елкалари титраб ўтираверди.

Коҳин унинг аҳволидан, ҳозиргина кечган тенгсиз олишувдан ҳам хабардор. Бинобарин, бу ерга шунчаки келмаган. Шоҳ фикри ўзгарса, асрий орзулари оёқ ости бўлади, минг йиллик умри чиппака чиқади. Бетартиб чўзилган мурдалар бошида аюҳаннос солишининг сабаби шунда.

Дафъатан ўзига келган Кир астойдил фиғон чекаётган пирини кўргач, аслида, халқ отаси сифатида ўзи дод солиши лозимлигини тушунди ва қалбининг туб-тубида масйоғутлар юртига юриш бошлашга ундаган ўша ғализ ҳислари қайта уйғонди. Коҳинни елкасидан тутиб ўрнидан турғазгач, икки ўт ўртасида тўлғана кетди. Ахир, ҳалиги айтганларини инкор этмаса, ўз халқини хўрлаган, сўзидан қайтса, номардлик қилган бўлади. У сал ўйлаб, маъқул қарорда тўхтади, ёш йигитнинг бошини олтин товоқда қайтаришга буюрди. Тўғри қилдими, ёхуд нотўғрими, ўзига аён, аммо бу қарор уни узоқ йиллар бурун худо ёрлақан зот сифатида таърифлаган пайғамбар кароматларига анча-мунча яқинлаштириб қўйди.

Бу ёқда эса шўрлик она ёвқур ўғлонининг танасиз боши тепасида дод солса, суюнган тоғидан бевақт ажралган ота сокин пичирлаганча онт ичди. Шу туни қўшон черик масйоғутнинг мард ўғлонига мотам тутиб, ухламади.

\*\*\*



Учарлар ортидан қизил майдонга чиқиб келган Кир тузоқни сезмади. Майдон бўйлаб узоқ юришди. Шомга яқин осмону фалаклардан аввалига вишиллаган хунук садолар, изидан сон-саноксиз оловли пайконлар ёғилгачгина хатоларини англашди. Еру кўкни ажал қучаётган кимсаларнинг оҳ-воҳи тутди. Шундагина оддий камон кўчманчилар қўлида қаттол қуролга айланишини тушунишди. Ярим соатлик тирандозлик оқибатида юзлаб сарбозлар ер тишлади.

Тунда заррача мижжа қоқишмади. Ҳар дақиқада саҳройилар ҳужумини кутиб тонг оттиришди. Атроф ёришгач, уфқларга ёйилган ҳудудда бирор зоғ кўрмай, баттар ваҳимага тушишди. Ҳайҳотдек текислик улкан қатлгоҳ мисоли қизариб, қурбонларини аврамоқда гўё. Кир қай тарафга юришни билмай боши қотди. Бекор тураверса, қўшин ожизлигини сезиб қолишидан ҳайиққач, кеча ҳалок бўлганлар устини оҳақтошлар билан ёпишга<sup>32</sup> буюрди. Черик пешингача дафн маросимига тутинди. Тушлик маҳали тунов кунги ваҳималар боз такрорланди, дастлаб майдоннинг тош қатлами ожизгина зириллаб, изидан саноксиз отлар кўринди. Қўшин олис-олислардан ёпирилаётган тирик қуюнга тикилиб, беҳуш анграярган, ногаҳон, эгарда букчайган чавандозлар қад ростлашди-ю, илғор қисм ёлланма юнонлари сафида саросима бошланди. Барига кимнингдир деярли оҳиста янраган хитоби сабаб бўлди:

– Кентаврлар!..

Бу сўз кўпчиликка тушунарсиз эса-да, кўшинни аллақачон ваҳимага солиб улгурган, издиҳомда даҳшатли парокандалик бошланганди. Шунда шоҳнинг ишонган саркардаси иккинчи бор айёрлигини кўрсатди, тантанавор ҳайқириб, олға интилди. Унинг ногаҳоний ҳаракатлари барчани оний лаҳзага тўхтатди ҳисоб. Ва шу қисқагина муддат кифоя, дарҳол ўзларини ўнглаб олишди.

Барчанинг диққати Гўҳарга қадалди. Қўшин уни ботир жангчи сифатида тан олади. Муҳораба олдидан кечадиган яккама-якка олишувларда асосан Теушпа икковининг қатнашиши ҳисобга олинса, янраган алоғ-чалоғ қийқириқлар ҳам тушунарли. Бироқ рақиблари орасида бундайларнинг ўнтасига бас келадиган баҳодир борлигини улар ҳалича билмайди. Йўқса, тўйдан олдин ноғора қоқиб, йўқ ғалабани нишонлашмасди.

Майдоннинг қоқ ўртасида отдан тушиб кўксига муштлаётган форсга отилган зўрлар талайгина эса-да, Қўнуқтознинг ҳайқириғи барчани жой-жойига михлаб қўйди. Кечагина ёлғиз фарзанди увол кетган ота қасос мақсадида олға юрганини яхши билади черик...

Ҳар иккала томон ҳам юрак ютди. Қурдан шахдам одимлаб чиққан Қўнуқтоз шиддатла рақибига яқинлашди-да, енгил қилич сермади. Кечаётган воқеликни англаб улгурмаган Эрон лашкари ишонган паҳлавонининг туйқус муккасидан кетганини, боши чирпираганча уч-тўрт қадам нарига бориб тушганини кўриб, ночор оҳ тортди. Янада даҳшатлиси кейин содир бўлди. Сак жангчиси юз тубан йиқилди. Бир муддат шу кўйи ётгач, аста кўзғалиб тиззалади ва икки қўлини кўкка чўзиб, бехос хунук ув тортди. Зум ўтмай, этни жунжиктирувчи садога ўзга саҳройилар қий-чуви қўшилиб, издиҳом ваҳиёна тантана оғушида гурсиллайверди. Мудҳиш сасдан форслар баданида гўё чумоли ўрмалади. Айримлари эса дир-дир титраб, қўлларидаги қуролларини тушириб юбордилар. Шундагина ҳукмдор калласига “таёқ тегди”. Пешонадан хунлар, ўнгдан тохару саклар, сўлдан жузжонлар, орқадан масйоғутлар куршайвергач, зудликда чорасини топмасе кеч бўлишини тушуниб, саркардаларига ҳайқирди. Шаҳаншоҳнинг наъраси зум ўтмай, олис-олисларга етдики, сарбозлар қайтадан сафланишди. Бироқ ҳаракатлари барибир ҳалокатга маҳкум. Негаки, улкан супа пасттексикликдан анча юксақда жойлашган бўлиб, икки ёнбоши тубсиз ўнгирдан иборат. Ортга қайтишнинг иложи йўқ, кеча айёронга қатл этилган жигаргўшалари қасосига чоғланган хундорлар сафини ёриб ўтиш жарликка сакрашдан-да ҳалокатлироқ.

Жангмисан жанг бўлди...

Мислсиз ғайрат ила айланасига қилич сермаб бораётган Қўнуқтозни кўрганда Кир ботиний ҳиссиёти-ла ана шу паҳлавон маликанинг эри эканлигини сезди ва атрофдаги саркардаларига нималарнидир ҳайқиргач, эллик чоғли сарбоз ўша томонга отилди.

Иккаласининг-да мақсади аниқ. Бири, эссиз кетган жигарбанди қасосида куйиб ёнса, иккинчиси, шу азаматнинг ўлими ушалмас орзулари сари йўл очишини англаб от сурмоқда. Ҳа, бир-бирига айрича манфаатлар кураши, икки халқнинг ҳаёт-мамонт жанги, зафарёр шаҳаншоҳ ва эрқпараст малика тўқнашуви бу.

<sup>32</sup> Оҳақтошлар билан ёпиш – уруш оқибатида мурда кўпайса, зардўштилар тупроқни авайлаш учун уларни оҳақтош билан кўмишган.

## СҮНГСҮЗ

Ҳар бир миллатнинг ҳавасга арзигулик томонлари бор. Буни туркийларга татбиқ этсак, ишлари юз карра, минг карра фахрланишига муносиб бўлиб чиқади.

Одатда, дунё тарихини иккига бўлиб ўрганишади, буюк тўфондан олдинги ва кейинги даврлар. Буларнинг биринчиси ҳақидаги маълумотлар фақат диний манбаларда мавжуд. Кейингисининг тафсилоти эса ҳам диний, ҳам дунёвий хабарларда сақланган. Шуларни таққосласак, янги тарих беш ярим, олти минг йилни ўз ичига олади. Демак, туркийлар ҳам тахминан шунча ёшда.

Қадимги туркийларни жангари халқ сифатида билишади. Улар зафарёр юришлари давомида янги ҳудудлар очишгани, ўзига хос жанг усулларини яратишгани сир эмас. Бу кашифётлар эса бора-бора бошқа миллатларнинг ҳам жанговар заҳирасига айланган. Қолаверса, бу элнинг азалдан халоскорлик вазифаси бўлган, яъни диний манбаларда Парвардигор ўз йўригидан тонганларни жазолашда туркий қавмдан фойдалангани битилган. Шундай экан, унга улуг ишлар учун яратилган халқ сифатида қараган маъқул.

Скифларни дунёнинг турли бурчакларида ўз бобокалонлари ҳисоблашлари ҳеч кимга сир эмас. Аслида эса, улар ҳам туркий бўлишган. Буни эрамиздан олдинги XIII-XI асрларда яшаган илк скиф бобокалонини Таргитой, ўғилларини Липоқсой, Арпоқсой, Қолоқсой аташгани тасдиқлаб турибди. Буюк Турон папстекислигининг ўзида дастлаб скиф, масйоғут, хун, жузжон, дах, усун, қангли, сўнг турқут халқларнинг яшаганлиги, улар, аслида вақти-вақти билан номи ўзгарган бир қавм эканлигидан дарак беради. Уларнинг ўхшаши томонлари беҳисоб. Чунончи, барчалари кўчманчи бўлишган, ўтов тикиб, овулларда яшаган, тилида учрайдиган сўзлари (жафғу, ябғу, яфғу; сарабра, шаравар, чолвор; барта, балта, болта; эрке, арқа, орқа) деярли фарқ қилмаган, жанг усуллари ҳам бир хил бўлган.

Дунё тараққиётида бурилиши ясаган фотиҳлар ичида туркийлар кўпчиликни ташкил этади. Шулардан саккизтаси (учтаси афсонавий, бештаси тарихий шахс) тўғрисида алоҳида тўхталлини лозим топдик. Улар ҳақида (Амир Темур бундан истисно) маълумотлар камлиги боис гоҳ тасаввурга, гоҳ турли асотирларга мурожаат этдик, айрим ўринларда шахсий фаразларимизни ўртага ташладик.

Хоқонлар баҳона, тарихда унутилмас из қолдирган, ватанпарварликнинг олий тимсолига айланган қаҳрамонлар, хусусан, Тўмарис билан боғлиқ воқеаларни таърифларканмиз, олис аждодларимиз тузук ва ясоқлари, жанг услублари, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи билан бирга, дунё тарихига, яъни икки дарё ораллигида ҳукм сурган давлатларга, мидён шаҳанишоҳларига, Аҳамонийларга тўхталдик. Чунки туркийларнинг тақдири азалдан шу халқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Хуллас, ушбунни ўқиб чиққач, Сиз ҳам мозий хилқатлари аро бирровгина сайр этиб, аждодларимизнинг оламуғул ишлари ила фахрлана олсангиз, сўнг чор-атрофга мағрур назар ташласангиз, биз мақсадимизга етган бўламиз.

Муаллиф



## НАЗМ

### Салим АШУР

1964 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. “Атиргул”, “Сиз эртага келасиз”, “Аталган кунлар”, “Дарз”, “Муҳаббат китоби”, “Титроқ” каби китоблари нашр этилган.



## ТЮБЭЗД КЕЛАР ЎЗОҚЛАРДАН

### Тенгсизим

Кўксимни тўлдирди тоза ҳаволар,  
Ҳа, шифога келди дармон, даволар.

Дунё тўлқинлари қаттол ва жоҳил,  
Қарайман, уфқда кўринмас соҳил.

Ўртада денгиз бор, юрак денгизи,  
Ундан қандай кечиб ўтай, тенгсизим?

Қўлларингни узат, жоним чўкмасин,  
Қиличдек қошларинг қоним тўкмасин.

Лаблар ва қулгичлар ёйилар гулдай,  
Асирликка келдим, иложсиз қулдай.

Ихтиёрим энди фақат ўзингда,  
Изингда, сўзингда, кўзингда.

Бўронлар кафтида чайқалар кема,  
Эй эшак эгаси, алвидо, дема!

Сўнги қунимгача хизматингдаман,  
Ишқ ва иймон деган исматингдаман.

Зулмат кўзларимни очиб бер, майли,  
Улфат сўзларимни сочиб бер, майли.

Кўнглимнинг дардига ишқдан малҳам қўй,  
Бўйнимни севгим билан қоши билан сўй.

Унинг қўлларида не бўлсам, бўлай:  
Ё ўлай, ё сўлай, ё шиққа тўлай!

Эй шиқ, даргоҳингга чопиб бораман,  
Йўқотган ўзимни топиб бораман.

Ўртада денгиз бор, юрак денгизи,  
Ундан қандай кечиб ўтай, тенгсизим?

### Кўлда

Чайқалади сувда қайиқ ҳилол каби,  
Мавжлар келар тўлқин-тўлқин шамол каби.  
Бу аёлнинг юзига ой нури тушар,  
Елкасига тушар ёғду рўмол каби.

Аёл ҳатто ойга бермас ярим бетин,  
Икки қўллаб қаттиқ тутган қайиқ четин.  
Кўйлагини ёритади шайдои ой,  
Тугмаларин тутиб кўрар бирин-кетин.

Юлдузларга сочар аёл кўл сувини,  
Санай бошлар юлдузларнинг сурувини.  
Сув синиги балиқларнинг қанотида  
Олиб келар қамишзорнинг шов-шувини.

Кўл юзига олтин ҳалқа ёйилади,  
Олмос кўкнинг бир буржигга ёй илади.  
Икки биллак биланглайди балиқ каби,  
Кўрган балиқ сузаётиб тайрилади.

Сувқозонни варақлайди ёлғиз эшак,  
Ўқиган ҳар сатри унинг ҳасрат, бешак.  
Суяклари оғримасин деб аёлнинг  
Тагига ой тўшаётир нурдан тўшак.

Аёл билан чайқалади бутун борлиқ,  
Бул чиройга битта борлиқ қилар торлик.  
Бир оламга шу бир аёл етади деб,  
Берилгандир осмон муҳри – ойга ёрлиқ.

Чайқалади сувда қайиқ ҳилол каби,  
Нур ичади аёл нозик ниҳол каби.  
Сув синиги ой синигин сочиб кетар,  
Ой сочилар кўлга синган сопол каби.

### Сен келганда

Сен келганда отам йўқ эди,  
Сен келганда бор эди баҳор.  
Сен келганда алам тўқ эди,  
Гулга булбул андармон ва ёр.

Остонада ўтириб қолди,  
Гоҳ деворга суянди онам.  
Рўмолини шамоллар олди,  
Сен келганда ўзгарди олам.

Сен келганда опам дод солди,  
Балки, синглим таниди аранг.  
Ҳаволарда занглар йўқолди,  
Сен келганда... келди мингта ранг.

Тор ҳовлимиз кенгайиб кетди,  
Юрагимга қўнди қуёшим.  
Ҳаяжоним суякка етди,  
Тирқиради кўзимдан ёшим.

Нураган ул пахса девордан  
Сақраб ўтди кийимсиз шамол.  
Гоҳ кўзлардан, гоҳо лаблардан  
Асалари ялар эди бол.

Келтирдилар катта қўчқорни,  
Ўчоқ, тандир оловга тўйди.  
Синиб, чўккан номусни, орни  
Елкаларинг кўтариб қўйди.

Кўпни кўрган тўда-тўда қуш  
Жар соларди ер билан кўкка.  
Юрагимда кечарди товуш,  
Сен келганда... келганда якка...

Ака...

### Каҳқашондан узилиб

Поезд келар узоқлардан,  
Уфқлардан узилиб.  
Келади у бир ёқлардан  
Ва кетади чўзилиб.

Поезд каби келару ёд,  
Умримни тарк этмайди.  
Дод, ёдингдан минг бора дод,  
Келадию кетмайди!

Сени олиб келар қатор,  
Аждар каби имиллар.  
Кўзларимга оқ ой ботар,  
Кўкда қуёш симиллар.

Сен – бекатда, ҳеч қолмайман,  
Қўлингдан у тутганда.  
Суронларга чидолмайман  
Ёд юракка етганда.

Сени олиб келар қатор,  
Дарё каби чопади.  
Йўл четида қуёш ётар,  
Кўзимни ой ёпади.

Мен – бекатда, тушмайсанми,  
Ўтаянсан силкиб қўл?  
Умримга ранг қўшмайсанми,  
Бевафо сен эмас, йўл?!.


Поезд келар узоқлардан,  
Каҳқашондан узилиб.  
Келади у бир ёқлардан  
Ва кетади чўзилиб.



# ҶАСР

## Чингиз АЙТМАТОВ

1928 йил Қирғизистоннинг Шекер қишлоғида туғилган. Адабиёт майдониغا “Юзма-юз” қиссаси билан кириб келган. “Жамила” қиссасининг аввал француз, кейин рус тилида нашр этилиши уни жаҳонга танитди. “Бўтакўз”, “Момо ер”, “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопаетган олапар” қиссалари, “Асрга татиғулик кун”, “Қунда”, “Чингизхоннинг оқ булуту”, “Кассандра тамғаси” романлари муаллифи. Адиб 2008 йилда вафот этган.



## БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

### Қисса

Деразаларни ланг очаман. Хонага соф ҳаво оқими кириб келади. Гира-шира тонг ота бошлаган. Одатим бўйича хомаки этюдларимни кўздан кечираман. Улар талайгина. Мен уларни бир неча бор қайтадан ишлаганман. Бироқ сурат ҳақида тўлиқ ҳукм чиқаришга ҳали эрта. Нималар бўляпти ўзи? Ҳали калаванинг учини топганимча йўқ. Тонгги ёз ёғдусини тутиб бўлмаганидек, тутқич бермай тобора зўрайиб бораётган дил розини ҳам тутиб, тушунтириб бўлмасди. Тонг сукунатида юриб ўйлайман, ўйлайман, ўйлайман. Ҳар сафар шу такрор бўлади. Ҳар сафар менинг чизгиларим ҳали шунчаки кўнгилга тугиб кўйилган бир орзу-ният эканлигига ишонч ҳосил қиламан.

Ҳали тугалланмаган нарса ҳақида ҳатто яқин дўстларимга ҳам элдан бурун сўз очишни хуш кўрмайман. Бу менинг ўз ишимга ўта кўнчаклик билан ёндашаётганим белгиси эмас, бешикдаги гўдакнинг ким бўлиб вояга етишини олдиндан айтиш мушкул бир иш бўлганидек, ёзиб тугалланмаган асар ҳақида ҳам бир нарса дейиш қийин. Аммо бу сафар доимий одатимни тарк этиб, тўғриси айтганда, поёнига етмаган сурагим ҳақида гап очиб, одамлар билан фикр алмашсам, деган умиддаман.

Бу, тилга олиб ўтилганидек, инжиқлик ёки бўлмаса ўта талабчанлик аломати эмас, албатта, бундан бошқача йўл ҳам тута олмасдим. Нега деганда, кўпдан бери юрагимга ғулғула солиб, эртаю кеч тинчлик бермай, кўлимга қалам олишга ундаб келатган бу воқеа менга шунчалик улуғвор туюлар эдики, ёлғиз ўзим унинг урдасидан чиқолмаслигимга кўзим етиб, тўлиб турган қадаҳни чайқатиб тўкиб юбормасам, деб

*Ҳурматли, ўқувчи!*

Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим” қиссаси илк бора 1961 йилда “Ала-Тоо” журналида қирғиз тилида эълон қилинган эди. Кўп ўтмай, қисса ёзувчи ҳамда таржимон Д. Дмитриеванинг таржимасида “Новый мир” журналида босилди. Жаҳоннинг жуда кўп тилларида таржима қилинди. Энг юксак мукофотларга сазовор бўлди. Тез орада у ўзбек тилида ҳам Зайнаб таржимасида ўқувчилар қўлига тегди. Асарнинг қайта ишлаб тўлдирилган ушбу русча аслияти ҳам Чингиз Айтматов асарларининг моҳир таржimoni, устоз муаллим Асил Рашидов томонидан ўзбекчалаштирилди. Бадиий таржима бўстони яна бир мумтоз асар билан бойиди.

кўрқардим. Шу ваддан одамлар худди рассомларнинг дастгоҳи ёнида туриб масалани ҳамжиҳатлик билан ҳал этганларидек, сизлар ҳам менинг ёнимда туриб, гарчи хаёлан бўлса-да, маслаҳат бериб, кўмаклашиб, қувончу ҳаяжонларимни баҳам кўришларингизни истардим.

Қалб кўрингизни дариф тутманг, яқинроқ келинг, бу воқеани сизларга ҳикоя қилиб беришга мажбурман...

\* \* \*

Овулимиз ясси тоғ даралари оралаб шарқираб оқиб келаётган Гуркуров дарёчаси соҳилларида жойлашган. Овулимизнинг пастки қисмида эса то Қоратоғ тизмаларигача қора тасмадек чўзилиб кетган темир йўлнинг иккала томонида Сариқчўл – бепоён қозоқ даштлиги ястаниб ётарди.

Овулимиз тепасидаги адирда иккита улкан терак бўларди. Мен уларни эсимни таниганимдан бери биламан. Улар ҳали-ҳамон савлат тўкиб турибди. Қачон қараманг, овулимизга қайси томондан келманг, аввало, кўзингиз ана шу қўш теракка тушади. Улар худди тоғлардаги машъалалар янглиғ кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ёшлиқдаги таассуротларимми ёки рассом бўлганимданми, қандай тушунтиришни ҳам билмайман, ҳар қалай, поезддан тушиб дашт бўйлаб овулимиз томон борар эканман, биринчи галда, мен учун қадрдон бўлиб қолган ўша тераклар томон сабрсизлик билан кўз ташлайман.

Тераклар қанчалик баланд, қанчалик улғувор бўлмасин, улар олисдан хиралашиб кўринса-да, барибир кўз ўнгимда ёрқин гавдаланаётгандай бўларди.

Неча бор узоқ ўлкалардан овулимиз Гуркуровга қайтиб келар эканман, ҳар сафар чексиз соғинч билан: “Овулимизга барвақт етиб бориб, тепаликка чиқиб, қўш теракни тезроқ кўрсам, сўнг уларнинг остида узоқ туриб, япроқларининг шовуллашини завқланиб тингласам”, деб ошиқардим.

Овулимизда нима кўп – дарахт кўп. Бироқ бу қўш терак бошқача – улар қачон қараманг, куну тун шохлари чайқалиб, япроқлари титраб, турфа оҳанг таратади. Гоҳида улар кимнидир кўмсаб, соғинч ўтида ёниб, сукут сақлаб, бир зумда жимиб қолгандай, гоҳида тўсатдан бутун танаси билан чайқалиб, бир-биридан мадад олаётгандай гувуллашади. Шитоб билан бостириб келаётган булут ва ёмғир аралаш кучли шамол эса шохларини эгиб, япроқларини узиб ташлаганда тераклар ўчакишгандай тебраниб, баттар гувуллайди.

Кейинчалик, орадан йиллар ўтиб, ёшим улғайгандан сўнг қўш теракларнинг сир-синаотларини англаб етдим. Чор-атрофи яйдоқ тепалиқда тургани учун ҳам уларнинг япроқлари қилт этган шамолга дарҳол жавоб қайтарар экан.

Лекин бу оддий ҳақиқат мени ҳозиргача хотирамда муҳрланиб қолган болалик тасавурларимдан маҳрум этиб, кўнглимни совута олмади. Шунинг учун тепалиқдаги бу қўш терак ҳанузга қадар кўз ўнгимда жонли, аллақандай сирли, сеҳрли мавжудотлардай гавдаланади. Мана шу тераклар ёнида ўтган болалигимнинг олтин фасли лаҳзаларини ҳамон қайта-қайта туйгандай бўламан.

Ўқишимиз туғаб, таътилга чиқишимиз биланоқ қуш боласи – палапонларни оламит деб чувуллашганча ўша томон югуришиб қолардик. Ҳуштак чалиб, шитоб билан тепаликка кўтарилганимизда улкан тераклар, ҳар галгидек, у томондан бу томонга тебраниб, турфа оҳангда шовуллаганча меҳрибонлик билан салқин соясига чорлаётгандай туюларди. Биз оёқяланг шумтакалар эса, ўша кезларда, бирин-кетин теракларнинг шох-бутоқларига тирмашиб, қий-чув аралаш, жон-жаҳдимиз билан қушлар оламитга ошиқардик. Безовталанган қушлар галаси чирқиллашганча шохдан-шоҳга учиб-қўниб, тепамизда чарх уришарди. Биз синфдошлар эса бунга парво қилмасдан, тиришиб-тирмашганимизча тобора юқорига кўтарилардик. Шунда, ногаҳон, кўз ўнгимизда қуш учадиган баландликдан ҳамма ёқ қафтдагидек кўриниб, ажиб бир янги олам намоён бўларди.

Оламнинг улғуворлиги бизни шу қадар ўзига мафтун этардики, ҳатто шохдан-шоҳга кўтарилаётганимизда нафасимизни ичимизга ютиб, юрагимизни ҳовучлаб, чумчуқ болаларини олмоқчи бўлганимизни ҳам ёдимиздан чиқариб юборар эдик. Каттакон бино деб юрганимиз колхоз ошхонаси осмону фалақдан шунчаки оддий саройчадек кўринарди. Овулнинг нариги ёғида эса кўриқ ерлар элас-элас ястаниб ётарди. Кўз илғаганча борлиққа суқланиб назар ташлар эканмиз, теграмизда овулимиздан ташқари, ҳали биз кўрмаган ҳадсиз-худудсиз бир олам, кумушдек товланиб оқаётган дарёлар аён кўриниб турарди. Биз бутоқлар орасида беркиниб олиб, дунёнинг нариги чеккаси шуми ёки ундан нарида ҳам шунга ўхшаш еру кўк, даштлигу дарёлар мавжудми, деб хаёл оғушига чўмардик. Шунда шамол эсиб, япроқлар унга жўр бўлишиб, ҳали одам қадами етмаган манзилларда ўзига мафтун этувчи қанчадан-қанча ажойиб ва фаройиб сирли-сеҳрли ўлкалар ҳам бор, деб жавоб қайтараётгандай шивирлашарди.

Теракларнинг гувуллашию япроқларнинг тинимсиз шовуллашига қулоқ солар эканман, ўзимни дунёнинг нариги бурчида қолиб кетаётгандай, кўрқув ва қувончдан юрагим дук-дук уриб, кинидан чиқиб кетгудай сезардим. Лекин бир нарса – “Бу теракларни тепаликка ким ўтказган ва қандай орзу-ниятлар билан ўстирган?” – ўша кезларда бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман.

Қўш тераклар қад кўтарган бу тепаликни, негадир, “Дуйшэннинг мактаби” деб айтишарди. Агар бирор кимса от-уловини йўқотиб қўйиб, йўлда келаётган одамдан: “Ҳой биродар, тўригимни кўрмадингми?” – деб сўраб қолгудай бўлса, кўпинча, “Хув ана, тепаликда, Дуйшэннинг мактаби ёнида йилқилар ўтлаб юришибди. Эҳтимол, ўша ердан топарсан”, – деб жавоб қайтаршарди. Биз болакайлар ҳам катталарга тақлид қилиб, “Қани кетдик, Дуйшэннинг мактабига, чумчуқ палапонларини оламиз!” – деб чуғурлашардик.

Айтишларича, қачонлардир бу тепаликда мактаб бўлган экан. Эндиликда эса ундан асар ҳам қолмаган. Болалик хотираларимга суяниб, сўраб-суриштириб, ҳеч бўлмаганда, унинг харобаларини топишга неча бор ҳаракат қилиб кўрганман. Лекин бирор нарса топмаганман. Яйдоқ тепаликни нега “Дуйшэннинг мактаби” дейишлари менга ғалати туюлди ва кейинчалик қариялардан “Дуйшэннинг ўзи ким?” деб суриштирсам, улардан бири совуққонлик билан, қўл силтаганча: “Дуйшэннинг ўзи ким, дейсанми? Ким бўларди. Ҳозир овулимизда яшаб юрган Оқсоқ кўй Дуйшэн бўлади-да, – деб жавоб қайтарарди.

– Бунга анча бўлди. Тепаликда кимнингдир ташландиқ саройи бўлиб, Дуйшэн у ерда мактаб очиб, болаларни ўқита бошлайди. Мактаб қаёқда дейсиз, шунчаки номи бор эди. Эҳ, ажиб замонлар эди! Ушанда отнинг ёлини тутамлаб, оёғи узангига етганлар ўзларини бошлиқ ҳисоблардилар. Дуйшэн ҳам худди шундай билганини қилди. Ҳозир ўша саройчадан нишона ҳам йўқ, қуруқ номи қолган, холос...”

Мен Дуйшэн исмли бу кишини унча яхши билмас эдим. У кексайиб қолган, баланд бўйли, серсавлат, бургут қовоқли одам эди. Унинг ҳовлиси анҳорнинг нариги томонида, иккинчи бригадага қарашли кўчада эди. Мен овулда юрган кезларимда Дуйшэн колхозда мироблик қилиб, кунини далада ўтказарди. Меҳнатдан қорайиб кетган бу захматкаш зот гоҳида катта кетмоники эгарнинг қошига тангиб олиб, ўзига ўхшаш қоқ суяк, ингичка оёқли отида кўчамиздан ўтиб қоларди. Кейин кексайиб қолгач, айтишларича, почтачи (хат ташувчи) бўлиб ишлаётган эмиш. Бироқ гап бошқа ёқда. Бу серсоқол, беозор кишининг қачонлардир ёш йигит бўлганини, яна ҳайратли томони, етарли хат-саводи бўлмасдан, болаларни қандай ўқитганини ҳечам тасаввур қила олмасдим. Йўқ, бунга ақлим бовар қилмасди! Очиғини айтганда, мен буни овулда тарқалган сон-саноксиз эртақлардан бири бўлса керак, деб ўйлардим. Бироқ, кейин билсам, гап ундай эмас экан...

Ўтган йил кузда мен овулимиздан телеграмма олдим. Ватандошларим жамоа ўз кучи билан қурган янги мактабнинг тантанали очилиш маросимига таклиф қилишибди. Овулимиз учун бундай қувончли кунларда уйда ўтиравермасдан дарҳол тараддудга туриб, ҳатто бир неча кун олдин манзил сари йўл олган эдим. Шу баҳона атрофда мириқиб томоша қилиб юриб, янги расмлар чизаман, деб ўйлардим. Маълум бўлишича, маросимга таклиф қилинганлар академик Сулаймоновани кутишаётган экан. Айтишларича, бу ерда у бир-икки кун бўлиб, сўнг Москвага кетар экан.

Эндиликда донг таратган бу аёл болалигида овулимиздан чиқиб шаҳарга кетганлигидан хабардорман. Шаҳарда турганимда мен у билан танишиб олган эдим. Тўладан келган, ўқимишли, хушмуомала бу аёл анча ёшларга бориб қолган, оқ тушиб қолган қалин сочлари силлиқ таралган эди. Машҳур овулдошимиз университетда кафедранинг бошқариб, фалсафа бўйича маърузалар ўқиб, академиядаги ишлардан ташқари чет элларга ҳам бот-бот бориб турарди. Гапнинг қисқаси, опа иш билан ўта банд бўлганлиги сабабли, у билан яқиндан танишиш менга насиб қилмади. Бироқ ҳар гал биз, қаерда бўлмасин, учрашиб қолганимизда, опа овулдагиларнинг ҳаёти билан яқиндан қизиқар ва жуда қисқа бўлса-да, менинг ишим ҳақида ҳам ўз фикрларини айтарди. Ниҳоят, кунларнинг бирида унга шуни айтишга жазм қилдим:

– Олтиной Сулаймоновна, овулга бориб, юртдошлар билан учрашсангиз яхши бўларди. У ерда ҳамма сизни билади, сиз билан фахрланишади, бироқ билишганда ҳам орқаворотдан билишади, агар улар билан тасодифан учрашиб қолсангиз, машҳур олиманимиз биздан ўзини четга олади, кадрдон овули Гуркуровга келишни ҳам унутиб қўйган, дейдиганлар ҳам топилади.

– Албатта, бориб туриш керак, – деди Олтиной Сулаймоновна мийиғида кулиб. – Ўзим ҳам кўпдан бери Гуркуровда бўлишни орзу қиламан, қишлоғимизга бормаганимга ҳам анча бўлиб қолди. Тўғри, овулда қавм-қариндошларим йўқ. Бироқ гап унда эмас, албатта бораман. Она юртим соғинчи юрак-бағримни ўртайди.

\* \* \*

Олтиной Сулаймонова мактабнинг тантанали мажлиси очилиши олдидан етиб келди. Деразадан унинг машинасини кўриб турган мажлис аҳли ёпирилганча кўчага чиқиб, ҳурматли меҳмонни шодиёна кутиб олди. Танишу нотаниш, кексаю ёш – ҳамма у билан қўл бериб кўришишга ошиқарди. Олтиной Сулаймонова жамоа аҳлининг бунчалик илиқ кутиб олишини, эҳтимол, ўйламаган бўлса керак, ҳатто у менга ўзини йўқотиб қўйгандай туюлди. Қўлини кўксига қўйиб, одамларга таъзим қилганча президиумга аранг чиқиб олди.

Олтиной Сулаймонова ўз ҳаётида қанчалаб тантанали йиғилишларда бўлган, уни ҳаммаша шод-хуррамлик ва иззат-иқром билан кутиб олишганлари турган гап. Бироқ бу ерда, оддий қишлоқ мактабида овулдошларининг бунчалик самимий кутиб олишидан беҳад ҳаяжонланган олима беихтиёр кўзёшларини яширишга ҳаракат қиларди.

Тантанали йиғилишда ўқувчилар азиз меҳмонга гуллар тақдим этишиб, янги мактабнинг фахрий китобини унинг номи билан очдилар. Кейин мактаб ҳаваскорлари томонидан қизиқарли концерт берилди. Ниҳоят, барча меҳмонлар – ўқитувчию хўжалик фаоллари мактаб маъмурияти томонидан ташкил қилинган зиёфатга тақлиф этилди.

Меҳмондорчиликда ҳам Олтиной Сулаймонованинг овулга ташриф буюриши хусусида қанчалар илиқ гаплар айтилди. Уни гиламлар билан безатилган энг фахрли ўринга ўтқазиб, қўлларидан келгунча, иззат-ҳурматини бажо келтиришга ҳаракат қилишди. Бундай пайтларда меҳмонлар, одатдагидек, олаговур ичида Олтиной опанинг саломатлиги шаънига қадах кўтаришиб, ҳушвақтлик қилишиб, шуқуҳли ўтиришга ўзгача руҳ ва файз бағишлар эдилар. Шунда хонага ўспирин йиғитча кириб келиб, мезбонга бир даста телеграммаларни узатди: мактабнинг очилиши муносабати билан собиқ ўқувчилар йўллаган табрик телеграммалари қўлма-қўл бўлиб кетди.

– Ҳой йиғит, бу телеграммаларни Дуйшэн чол келтирдими? – сўради директор.

– Ҳа, – жавоб берди йиғит. – Йиғилишга етиб бориб, телеграммаларни халойиқ олдида ўқиб беришлари учун бутун йўл бўйи отни қамчилаб келган бўлсам-да, андак кечикиб қолдим, деб хижолат бўлиб турибди, оқсоқолимиз.

– Бориб айт, отдан тушиб дарҳол бу ёққа келсин.

Йиғит Дуйшэнни чақириш учун эшик томон йўналди.

Ёнимда ўтирган Олтиной опа кутилмаганда, нимадир эсига тушиб қолгандай алланечук бўлиб кетди-да, қайси Дуйшэн ҳақида гап бораётганлигини мендан сўраб қолди.

– Қолхоз почтачиси ҳақида, Олтиной Сулаймоновна, сиз Дуйшэн чолни танийсизми? – деб сўрадим. У дудмал бош ирғаб қўйди ва ўрнидан туришга тараддудланаётган ҳам эдики, шу пайт дераза ёнидан аллақим отини елдириб ўтиб кетди. Ортга қайтган йиғит хўжайинга деди:

– Оғай, у кишига йўқлаганингизни айтдим, бироқ тушмади. Бошқа мактубларни ҳам жой-жойига етказиши керак-да.

– Майли, етказса етказарқолсин, уни ушлаб турмаслик керак. Қариянинг ҳам суҳбатлашадиган ўз тенкурлари бордир, – деди кимдир кўнгли тўлмагандай бўлиб.

– Э! Бизнинг Дуйшэнни билмас экансизлар! У қонун-қоидадан чиқмайдиган киши, хизматини қойиллатмагунча бирон ёққа жилмайди, – қўшиб қўйди иккинчи бир кимса.

– Ростданам, ғалати одам. Уруш тугаб, Украинада госпиталдан чиққандан сўнг ўша ерда яшаган. Ўз юртингда ўлганинга нима етсин, деб овулга қайтганига ҳам нари-бериси беш йил бўлди. Боёқиш шу зайлда дунёдан сўққабош ўтиб кетяпти.

– Ҳар ҳолда, бир кириб ўтганда яхши бўларди... Ҳа, майли, – хўжайин қўл силтаб кўя қолди.

Овулнинг фахрли кишиларидан бири қадах кўтараркан:

– Уртоқлар, агар эсларингда бўлса, бир вақтлар Дуйшэннинг мактабида ўқиб юрган кезларимизда, унинг ўзи ҳам алифбо ҳарфларини тўлиқ билмасди, албатта, – сўзловчи бу гапларни айтишга айтдию, ҳайратга тушгандай, бошини сарак-сарак қилиб, андишасизларча кўзларини қисиб кулиб қўйди.

– Худди шундай, у тўғри айтяпти, – мазах қилиб кулишди бошқалар.

– Нимасини айтасан! Озмунча найранглар кўрсатмади дейсанми ўшанда бу Дуйшэн деганинг. Биз бўлсак, уни ҳақиқий ўқитувчи, деб юрган эканмиз.

Хоҳолаб кулишлар пасайгандан сўнг қадах кўтарган одам сўзини давом эттирди:

– Мана, эндиликда одамларимиз кўз ўнгимизда ўсиб улғайишди. Академик Олтиной Сулаймоновнани бутун мамлакат билади. Деярли барчамиз ўрта маълумотли, кўпчилигимиз эса олий маълумотли бўлди. Биргина шунинг ўзиёқ эндиликда ҳаётимиз қанчалик ўзгариб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Шундай экан, қани, ватандошлар, келинг, Гуркуров овулимиз ўғил-қизлари бундан буён ҳам ўз замонасининг илғор кишилари бўлиб қолишлари учун қадах кўтарайлик!



Йиғилиш аҳли яна шовқин кўтариб, бу таклифни қувватладилар. Аммо фақат Олтиной Сулаймонова ғоятда хижолат бўлиб, қизариб кетганча қадаҳни лабига тегизиб қўйди, холос. Ушанда хушчақчақ кайфиятда ўтирганлар ғала-говур ичида унинг қай ҳолатга тушганини пайқаганлари ҳам йўқ.

Олтиной Сулаймонова бир неча марта соатига қараб қўйди. Сўнг меҳмонлар сайр қилиш учун ташқарига чиққанларида у одамлардан нарида, тепаликдаги ариқ бўйида, куз шамолдан сарғиш тусга кирган кўш тераклардан кўз узмай, кўнгли ғаш тортиб, хаёл суриб турарди. Қуёш ғира-шира оч бинафшаранг даштлик чизигидан уфқ сари эниб борарди. Мен Олтиной Сулаймоновага яқин келиб:

– Ҳозир улар япроқларини тўкишяпти. Сиз уларни баҳор фаслида кўрганингиздами, – дедим.

– Ҳа, мен ҳам шуни ўйлаб турган эдим, – опа чуқур хўрсинди-да, худди ўзига-ўзи гапирётгандек бир лаҳза жимликдан сўнг яна қўшиб қўйди: – Ҳа, шундай, оламда ҳар бир мавжудотнинг ўз баҳорию кузи бор, – деди маъюсланиб.

Шу аснода унинг ажин босган сўлғин юз-кўзларига ғам-андух кўланкаси югурган эса-да, хотин-қизларга хос назокатли бир ачиниш билан тераклардан кўз узмай турарди. Ногаҳон ёнимда академик Сулаймонова эмас, қувлик-шумликни билмайдиган, қувончу ташвишлари оддийгина қирғиз аёли турганини кўрдим. Бу олима аёл, чамаси, ёшлик чоғларида айтиб келинган ашулаларини эндиликда энг баланд тоғ чўққиларига чиқиб, бор овоз билан айтиш мумкин эмаслигини эслаётгандай эди. У теракларга назар солар экан, яна нимадир демоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди ва кўлида ушлаб турган кўзойнагини дарҳол тақиб олди:

– Москва поезди шу ердан соат ўн бирда ўтади, шекилли?

– Ҳа, кечаси ўн бирда ўтади.

– Демак, йўл ҳозирлигини кўришим керак.

– Нега энди мунча тез? Бир неча кун туришга ваъда берган эдингиз-ку, Олтиной Сулаймоновна? Одамларимиз ҳали рухсат ҳам беришмас.

– Йўқ, ҳозироқ жўнаб кетишим керак, зарур ишларим бор.

Юртдошлари хафа бўлишларини айтиб, уни кўндиришга қанчалик ҳаракат қилишмасин, Олтиной Сулаймонова ўз қароридан қайтмади.

Қуёш ботиб, қоронғилашган пайт. Овулдошлар меҳмондан кўнгиллари тўлмагандай, кейинги келганда кўпроқ туриш ваъдасини олишди. Мен Олтиной Сулаймоновани станциягача кузатиб бордим.

Нега у бунчалик кетишга ошиқяпти? Айниқса, шундай қувончли дамларда элатдошларини бунчалик ранжитиб кетиши ҳақиқатан ҳам менга ғалати эмасми? Йўлда бораётиб мен ундан бу ҳақда неча бор сўрамоқчи бўлдим-у, аммо юрагим дов бермади. Андишасизлик қилиб қўйишимдан ташқари, барибир унинг бирон сўз айтишига кўзим етмасди. У бутун йўл бўйи чурқ этмади.

Станцияга етиб келгач, ниҳоят, мен ундан сўрадим:

– Олтиной Сулаймоновна, нимадандир кўнглингиз ғаш кўринади, балки сизни бирон нарсадан ранжитиб қўйгандирмиз?

– Йўқ! Асло ундай фикрга борманг! Кимдан ҳам хафа бўлардим? Хафа бўлганда ҳам ўзимдан хафа бўлишим керак.

Шу билан Олтиной Сулаймонова йўлга равона бўлди. Мен шаҳарга қайтиб келганимдан сўнг, орадан бир неча кун ўтиб, кутилмаганда ундан мактуб олдим. У мактубда илмий ишлари билан банд бўлиб, Москвада узоқ муддат туриб қолганлиги ҳақида шундай ёзибди:

*“Ишларим қанчалик кўп ва шошилишч бўлмасин, уларнинг барчасини бир четга қўйиб, сизга ушбу мактубни ёзишга қарор қилдим... Агар мактубда ёзганларим сизни қизиқтирса, унда айтганларимни халойиққа етказиш ҳақида ўйлаб кўришингизни ўтиниб сўрайман. Бу нафақат овулдошларимиз, балки ҳамма учун, айниқса ёшларимиз учун зарур, деб ҳисоблайман. Мен узоқ ўйлаб шу фикрга келдим, бу менинг одамлар олдидаги дил изҳорим, мен уни адо эттишим керак. Бундан қанчалик кўп одам хабардор бўлса, менинг виждон азобларим шунчалик камаяди. Сиз мени ноқулай аҳволга солиб қўяман, деб тортиниб ўтирманг. Бор гапни яширманг...”*

Бир неча кун ушбу мактуб таъсирида юрдим ва, ниҳоят, барчасини, энг яхшиси, Олтиной Сулаймонованинг ўз тилидан ҳикоя қилишга жазм этдим.

\*\*\*

Бу воқеа 1924 йилда содир бўлган эди. Ҳа, айти шу йили...

Ҳозирги хўжалигимиз жойлашган ерда ўша вақтлар кичик бир овул бўлиб, унда

бир қисм ўтроқ камбағал “ётоқчи”лар<sup>1</sup> яшарди. Мен ўша кезларда ўн тўрт ёшимда ота-онамдан етим қолиб, амакимнинг қарамоғида кун кечирардим.

Ўша йили, кузда ўзига тўқ чорвадорлар қишлоғ учун тоққа кўчиб кетганларидан сўнг, орадан кўп ўтмай, овулимизда мен илгари кўрмаган аскар шинелли нотаниш йигит пайдо бўлиб қолди. Унинг шинелини, негадир, қора мовутдан тикилганлиги учун ҳам эслаб қолган эдим. Элу халқдан, марказдан узоқда, тоғлар ёнбағридаги овлоқ жойдан макон топган овулчамизда ҳарбий кийимдаги бу кишининг пайдо бўлиши кутилмаган воқеа эди.

Аввал уни армияда командир бўлиб юриб, сўнг овулга бошлиқ бўлиб келибди, дейишди. Кейин билишса, у мутлақо командир эмас, балки очарчилик йиллари овулдан кетиб бир муддат темир йўлда ишлаб юриб, ниҳоят, дом-дараксиз бўлиб кетган ўша Тоштанбекнинг ўғли Дуйшэн экан. Ҳукумат уни овулда мактаб очиб, болаларни ўқитиш учун юборганмиш, дейишди.

Ўша замонларда “мактаб”, “ўқиш” деган сўзлар янгилик бўлиб, кўпчилик ҳали уларнинг маъносини яхши англаб етмасди. Бу миш-мишлар ростми, ёлғонми, энди нима бўлар экан, деб турганларида, иттифоқо, халойиқ овул ўртасидаги тепаликка йиғилишсин, деган хабар тарқалди.

Амаким бўлса, узоқ вақт: “Буниси яна қанақа мажлис экан? Қачон қарама, одамларни чалғитиб, ишдан қолдиришгани қолдиришган”, – деб тўнғиллашни қўймаса-да, барибир қирчанги отини эгарлаб минганча йиғинга жўнади. Унинг ортидан қўшни болаларга қўшилиб мен ҳам югуриб қолдим.

Биз ҳаллослаганча одатдагидек, ҳар гал йиғилиш ўтказиладиган тепаликка етиб келганимизда бир тўда пиёда ва отликлар орасида ўша қора шинелли, рангпар йигит нутқ сўзлаётган экан. Биз унинг сўзлари яхши эшитилмаганлиги боис яқинроқ келдик. Аммо шу пайт жулдур пўстинли бир қария, худди уйқудан чўчиб тургандай, бирдан унинг гапини бўлди:

– Эй, болам, – деди у лаби-лабига тегмай дудуқланганча, – илгарилари болаларни муллалар ўқитишарди, биз отангнинг ким эканлигини биламиз: у ҳам бизга ўхшаган камбағал-бечора кимсалардан эди. Қани, айт-чи, сен қачондан бери мулла бўлиб қолдинг? – деди.

– Мен мулла эмасман, оқсоқол, – дея зудлик билан жавоб қайтарди Дуйшэн. – Болаларни энди муллалар эмас, балки ўқитувчилар ўқитишади. Мен армияда юриб хат-саводимни чиқариб келдим, унғача ҳам бироз ўқиган эдим. Мана, қанақа мулламан.

– Ҳа, бу бошқа гап...

– Баракалла! – деган овозлар янгради.

– Шунақа гаплар, мени болаларни ўқитсин деб, муаллимликка юборишди. Бунинг учун эса, қанақа бўлса ҳам, бино топишимиз керак. Ана у тепалиқдаги эски отхонани тартибга солишда сизлар албатта ёрдамлашасизлар, деган умиддаман. Хўш, шунга нима дейсизлар?

Одамлар, бу келгинди нима деб валдираяпти, дегандай бироз каловланиб туришарди. Шунда анчадан бери эгарнинг қошига тирсаги билан суяниб, гапни тинглаб турган Сатимқул чатоқ ора-сира тиш орасидан тупурганча:

– Э, қўйсанг-чи, бу сафсаталарингни, – дея сўз қотди кўзларини қисиб, худди уни нишонга олгандай. – Қани, айт-чи, бизга мактабнинг нима кераги бор ўзи?

– Нима кераги бор эмиш, – талмовсиради Дуйшэн.

– Тўғри, ҳақ гапни айтди! – илиб кетди кимдир.

Ҳамма бирдан ҳаракатга келиб, шовқин кўтара бошлади:

– Биз азал-азалдан деҳқончилик билан шуғулланиб келганмиз. Бизни кетмон боққан. Энди бола-чақаларимиз ўқиб амалдор бўлишармиди? Хат-саводли бўлиш бошлиқларга керак, биз бўлсак оддий халқмиз. Бошимизни қотирма, йигит!

Орага жимлик чўқди.

– Наҳотки, болаларнинг ўқишига қарши бўлсаларинг? – таажжубланиб сўради Дуйшэн, атрофдаги тикилиб турган одамларга назар ташлар экан.

– Агар қарши бўлсак, мажбур қилармидинг? У замонлар ўтиб кетган. Энди биз озод, эмин-эркин халқмиз, қандай истасак, шундай яшаймиз! – деди бир кимса.

Бу гапларни эшитган Дуйшэнни чақмоқ ургандай бўлиб, ранг-рўйи бўздай оқариб кетди. Қалтираган бармоқлари қонган шинели илгакларини ечиб, гимнастёркаси киссасидан шоша-пиша тўрт букланган қоғозни олиб очиб, боши узра кўтарганча деди:

– Демак, сизлар ҳукуматнинг болаларни ўқитиш керак, деб муҳр босилган ушбу ҳужжатига қаршисизлар, шундоқми? Ундай бўлса, сизларга еру сувни, эрку озодликни ким берди? Қани, ҳукуматнинг қонунларига ким қарши? Жавоб берсин!

<sup>1</sup> Қирғизлар қашшоқликдан ўтроқ бўлиб қолган оилаларни “ётоқчи” дейишарди (тарж.).

“Жавоб берсин” сўзини у шу қадар зарда билан ҳайқириб айтдики, гўё илиқ куз сонлигини бузиб отилган ўқ тоғ қояларига урилгандай акс садо берди. Бу гап бирон кимса оғиз очишга журъат этмади, ҳамманинг боши қуйи солинди.

– Биз, ахир, камбағаллармиз-ку, – деди Дуйшэн, ҳовуридан тушиб, сўзини давом эттирар экан, – ҳукумат бизни ёруғликка чиқсин, ўқиб хат-саводли бўлсин, деяпти. Бунинг учун эса болаларимизни ўқитмоғимиз даркор...

Дуйшэн ўзининг айтган сўзларига жавоб кутаётгандек сукут сақлаб турган эди, шунда сен қачондан бери мулла бўлиб қолдинг, деб сўраган ўша жулдур пўстинли қария, муроасага келгандай мингиллаб деди:

– Ҳа, майли, кўнглинг шуни жуда истаб қолган бўлса, ўқитавер, бизга нима... Биз қонунга қарши эмасмиз.

– Аммо менга ёрдам беришларингизни сўрайман. Биз анави тепалиқдаги бойдан қолган отхонани таъмирдан чиқариб, жарариққа кўприк солишимиз, мактабга ўтин тайёрлашимиз керак.

– Шошмай тур, йигит, жуда чаққон чиқиб қолдинг-ку, – Дуйшэннинг сўзини бўлди ўжар Сатимқул.

У одатдагидек тишлари орасидан чирт этказиб тупуриб, кўзларини қисганча, яна Дуйшэнни нишонга олгандай деди:

– Сен, йигит, “мактаб очаман” деб бутун овулга жар соляпсан. Бундай қараганда, на устингда тўнинг, на остингда отинг, на ҳайдашга бир парча еринг, на кўрада боқиб қўйган молинг бор! Бу аҳволда қандай яшашингни бир ўйлаб кўрдингми ўзи, азизим? Нима, от ўғирлаб кун кўрмоқчимисан?... Аммо бизда ундай отлар йўқ. Улар тоғликларда бўлади.

Дуйшэн бир нима деб кескин жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, яна бир зум жим қолиб, вазминлик билан деди:

– Бир нави ҳаёт кечираман. Ҳукумат менга маош тўлайди.

– Э-э, боядан бери шуни айтмайсанми! – Сатимқул ҳам қаноат ҳосил қилгандай, истеҳзоли жилмайиб, эгар устида ғолибона қаддини ростлаб ўтирди. – Энди билсак, гап бу ёқда экан. Сен йигит, ўз билганингни қилиб, ҳукумат берган ўша имтиёз маошинг билан болаларни ўқитавер. Ҳукумат хазинасида пул етарли. Бизни эса тинч қўй, худога шукур, ташвишимиз ўзимизга етиб ортади...

Шу сўзларни айта туриб Сатимқул отининг бошини шартта бурганча жўнаб қолди. Унинг ортидан бошқалар ҳам аста-секин тарқала бошлашди. Дуйшэн бўлса, қўлида қоғозини ушлаганча туриб қолди. Боёқиш уни нима қилишини билмасди...

Бечорага раҳмим келиб кетди. Ундан кўз узмай турарканман, ёнимдан ўтиб кетаётган амаким:

– Ҳа, пахмоқ соч, сен бу ерда нима қилиб анграйиб турибсан, қани, туёгингни шиқиллатиб, уйга жўнаб қол-чи! – Мен ҳам болаларнинг ортидан югуриб қолдим. – Буни қара-я, сен тирранчалар ҳам йиғилишга жуда серқатнов бўлиб қолдиларинг!

Эртаси кунги қизлар билан сувга бораётган эдик, йўлда Дуйшэнни учратиб қолдик. У белкурак, кетмон, болта ва яна қўлида қандайдир эски пақир кўтарганча анҳорнинг нариги қирғоғига ўтиб кетаётган экан.

Шу-шу, қора шинель кийиб олган бу сўққабош кимса ҳар кунги саҳарлаб туриб сўқмоқ йўл орқали тепалиқдаги ташландиқ отхона сари йўл олар ва ҳар кунги алланималар билан машғул бўлиб, ярим тунда овулга қайтиб тушарди. Биз уни кўпинча каттакон бир боғлам қуврай<sup>2</sup> ёки похол орқалаб кетаётган ҳолда кўрардик. Уни узоқдан кўрганлар узангига оёқ тираб, қўзғалиб, кафтларини соябон қилганларича, бу ким бўлди экан, дегандай ажабланиб сўз юрита бошлардилар:

– Ана у, ўтин кўтариб кетаётган Дуйшэн муаллим эмасми?

– Худди ўзи.

– Эҳ, шўринг қурғур, бечора. Ўқитувчилик ҳам осон иш эмас экан-да.

– Бўлмасам-чи! Нима деб ўйловдинг? Кўтарган юкига қара, бойнинг батраги ҳам бунча юк кўтармайди.

– Унинг сўзларини эшитдингми, гапга жуда чечан кўринади!

– Чунки қўлида муҳр босилган қоғози бор-да: мана гап қаёқда.

\* \* \*

Кунлардан бирида, одатдагидек, адирдан тезак териб келаётиб, мактаб томон бурилдик: муаллимнинг нима қилаётгани бизни қизиқтирарди. Лойдан қурилган бу сарой бир вақтлар бойнинг отхонаси бўлган. Қиш кунлари қулунлаган бияларни тойлари билан шу ерда боқишарди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, бой қаёққадир кўчиб

<sup>2</sup> Қуврай – бир хил хашаки ўт.

кетиб, отхонадан фақат вайрона қолган эди. Шу-шу бу ерга биронта кимса йўламай қўйгани боис унинг атрофини айқаш-уйқаш ўт-ўланлар, чакамиғу тиканаклар босиб кетган эди. Энди бўлса, улар илдизи билан суғуриб олиниб, бир чеккага уйиб қўйилган, кўра тозаланиб, тартибга солинган; ёмғирдан нураб, қулаб тушган деворлари лой билан шувалиб, қовжираб, тоб ташлаб қийшайиб кетган ва турфа оҳангда очилиб-ёпиладиган эшик тавақалари эпақага келтирилиб, ҳамма ёқ саранжом-сариишта қилиб қўйилган эди. Хуллас, отхона янги қиёфа касб этган эди.

Бироз дам олайлик, деб, тезак тўла қопларимизни ерга қўйиб турганимизда эшикдан уст-боши лойга беланган Дуйшэн чиқиб қолди. У бизни кўриши билан юзларидаги терларини артиб, кулимсираб қўйди:

– Э, келинлар, қизлар. Тезак териб юрибсизларми?

Биз қоплар ёнига чўкка тушганча тизилишиб ўтириб, уялганимиздан, ҳа дегандай бош ирғаб, бир-биримизга қараб қўйдик. Дуйшэн тортиниб турганимизни дарҳол сездидан, бизга далда бергандай кўз қисиб қўйди:

– Қопларингиз ўзларингиздан ҳам катта-ку. Бирров бўлса-да, кириб ўтганларингиз айна муддао бўлди, қизларим, ахир, шу ерда ўқишларинг керак-ку, мактабларинг ҳам тайёр бўлай деб қолди. Ана, кўряписизларми, ҳозиргина бурчакка печкани эслатувчи ўчоқбоши қуриб, ҳатто томидан мўри ҳам чиқариб қўйдим! Энди қишга ёқилғи тайёрлашимиз керак. Ҳа, бундан ғам емасак ҳам бўлади – атрофимиз тўла қуврай. Қарабсизки, ерга похолни қалинроқ тўшаймиз-да, ўқишни бошлаб юборамиз. Қалай, ўқишни хоҳлайсизларми, мактабга келасизларми?

Дугоналарим ичида каттароғи мен эдим. Шунинг учун ҳам, бир энтиқдим-да, жавоб беришга журъат этиб:

– Агар янгам рухсат берса, қатнаб тураман, – дедим.

– Нега рухсат бермас экан, албатта рухсат беради. Исминг нима?

– Олтиной, – жавоб бердим мен, йиртиқ тиззамни кафтим билан ёпарканман.

– Олтиной – чиройли исм экан. – Унинг эркалаётгандай мулоим кулиб боқишдан менинг ҳам дилим ёришиб кетгандай бўлди. – Сен кимнинг қизи бўласан?

Мен нафасим ичимга тушиб, сукут сақлаб турдим: раҳмдиллик қилганларни ёқтирмасдим.

– Етим қолган, ҳеч кими йўқ, амакисиникида яшайди, – шипшитишди дугоналарим.

– Бўлмаса, гап бундай, – деди Дуйшэн менга яна кулимсираганча разм солиб турар экан, – сен бошқа болаларни ҳам бирга ўқиймиз, деб мактабга бошлаб кел. Маъқулми? Қизлар, сизлар ҳам эшитдиларинг-а?

– Маъқул, амаки.

– Мени муаллим, деб атайверинглар. Мактабни кириб кўрасизларми? Тортинманглар.

– Йўқ, боришимиз керак, – дедик уялганимиздан.

– Майли, уйларингга бора қолинглар. Мактабни эса бир йўла ўқишга келганларинг-да кўрасизлар. Мен бўлсам, шом тушгунча яна бирров қуврайга бориб келайин.

Дуйшэн ўроқ, арқонларини олиб, далага чиқиб кетди. Бизлар ҳам қопларимизни орқалаганча овул сари пилдираб кетдик. Шунда ногаҳон хаёлимга бир фикр келиб қолди:

– Ҳой, қизлар, тўхтанглар! – дея кичқирдим. – Келинлар, тезакларни мактабда қолдириб кетамиз, қишга ўтин керак-ку.

– Уйга қуппа-қуруқ борамизми? Сени қара-ю!

– Ҳа, бориб яна қайта териб келамиз.

– Йўқ, кеч бўлиб қолди, уйдагилар нима дейди?

Шу йўсинда дугоналарим мени кутиб ўтирмасдан, қопларини кўтарганча уйларига жўнаб қолишди.

\* \* \*

Ўша куни мени бу ишга нима мажбур этганини ҳанузгача тушуниб етганим йўқ. Дугоналарим гапимга кирмаганлари учун ранжиганимданми ёки бўлмаса болалик чоғларимданоқ эрку хоҳишим поймол этилиб, нобоп кимсаларнинг дўқ-пўписаси остида яшаб келганимданми ёки илгари кўрмаган, билмаган бир одамнинг кутилмаганда менга шунчаки бир-икки оғиз илиқ сўз билан илтифот қилиб кўнглимни кўтарганлиги учунми, ҳарқалай миннатдорчилик билдирсам, деган эдим. Чинакам тақдирим, ҳаётимнинг бутун қувончу сарсон-саргардонликлари худди ўша кундан, ўша бир қоп тезак ҳангомасидан бошланганини яхши англаб етган эдим. Бундай дейишимга сабаб айна ўша куни ҳаётимда биринчи бор ўйламай-нетмай танбех беришларидан чўчимай, ички бир сезги билан кўнгил даъватини адо этишга журъат қилган эдим. Дугоналарим мени ташлаб кетганларида мен Дуйшэннинг мактабига бурила қолиб, қопдаги тезакни дарҳол бинонинг девори остига тўқдим-да, яна шу заҳотиёқ қайта териб келиш учун

жарлигу дашти-адирлар сари жадаллаб кетдим.

Гўё бирон ишни қойиллатиб қўйгандай, қувонганимдан юрагим жунбишга келиб, ҳовлиққанча қаёққа чолиб кетаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Бунчалик бахтиёр эканлигимдан офтоб ҳам огоҳдек эди. Ҳа, менинг қушдай эмин-эркин учиб бораётганимдан унинг ҳам хабардор ва мамнун эканига ишонч ҳосил қилган эдим. Чунки мен, андак бўлса-да, хайрли ишга қўл урган эдим.

Қуёш сўнги заррин нурларини сочиб, аллақачон тепаликлар узра ёнбошлаган бўлса-да, назаримда, токи нигоҳимга тўйиб олмагунча ботадиғанга ўхшамасди. У оёқларим остига пояндоз солгандай хира тортган кузги ерларни тўқ қизил, бинафша ва пушти рангларга безаб, кийилавериш увадаси чиқиб кетган камзулимнинг кумушранг тугмаларида оловдай ёлқинланиб, изғириндан қувраган чийларнинг<sup>3</sup> попуқларига зеб бериб турарди. Мен бўлсам, ҳамон чопқиллаб борар эканман, севинчим ичимга сиғмай, хаёлан еру кўкка, шамолга юзланиб: кўряпсизларми! Мен нақадар бахтиёрман! Мен энди сўзсиз мактабга бораман! Ўзимгина эмас, бошқа тенгқурларимни ҳам бирга олиб бораман! – деб фахрланардим.

Шу қўйи қанча чопганимни билмайман, ногаҳон, тезак теришим керак-ку, деган ўй эсимга тушиб қолди. Қизиги шундаки, бутун ёз бўйи бу ерларда қанчалаб моллар боқилиб, ҳар қадамда тезаклар учрарди, энди эса уларни худди ер ютиб юборгандай, нишона йўқ. Балки, мен уларни илғамаётгандирман? У ёқдан бу ёққа қанчалик югуриб юрмайин, тезаклар шунчалик кам учрарди. Ушанда қош қораймасдан қопимни тезроқ тўлдирди қолсам, деб юрагимни ҳовучлаб, шошилганимдан чий буталари орасида адашиб қолибман. Ҳар қалай, наридан-бери қопимни қаппайтирганимда қуёш ботиб, кимсасиз, сукунатли борлиқни қоронғилик чулғаб олган эди. Бунақа бемаҳалда бийдай далада, ҳали ҳеч қачон ёлғиз ўзим қолиб кетмагандим. Даҳшатга тушганимдан, ўзимни йўқотиб, қопимни елкамга ташлаганча овул сари югуриб кетдим. Худо ҳақи, хўнграб йиғлаб юборишимга оз қолган эди. Дуйшэннинг ҳалиги тасалли бериб айтган насиҳатомуз сўзларини эслар эканман, унинг ожизлигимни кўриб энсаси қотмасин, деган хаёлга бориб, худди у сиртдан кузатиб тургандай ор-номус кучлилик қилиб, ён-веримга қарамасдан, ўзимни дадил тутганча боравердим.

Ҳамма ёғим терга, чангга ботиб, ҳаллослаганча уйга етиб келдим. Оғир нафас олиб, остона ҳатлаб ўтган ҳам эдим, ўчоқ бошида ўт ёқиб ўтирган янгам ўрнидан тура солиб, хўмрайганча мен томон хезланди. У ўта баджаҳл ва кўрс муомалали аёл бўлиб, важоҳатидан от ҳуркарди.

– Ер ютгур, қайси гўрда изғиб юрибсан? – дея ўшқирди у мен томон яқинлашар экан, оғиз очишга улгурганимча йўқ ҳам эдики, қўлимдаги қопни тортиб олиб, четга итқитиб юборди. – Бор-йўғи шуми, кун бўйи санғиб юриб, терган тезагинг шуми?

Чамамда, дугоналарим аллақачон оғизларидан гуллаб қўйишган кўринади.

– Э-э-э, исқирт, ҳайвон! Мактабда ўйнаш топганмисан, мактабинг билан қўшмозор бўлгур! – янгам жазаваси тутганча қулоғимни бураб, бошим, кўзим аралаш савалай кетди. – Ярамас, етимча – етти кулча! Бўри боласи ит бўлмас, дейдилар. Одамларнинг боласи уйга ташиса, сен бўлсанг, уйдан четга ташийсан. Яна мактаб ҳақида сўз оча кўр-чи, оёғингни синдириб, мактаб қанақалигини сенга кўрсатиб қўяман...

Мен бақириб юборишдан ўзимни тийиб, азбаройи қўрққанимдан миқ этмасдан туравердим. Кейин ўчоққа ўтин ташлаб, кулранг мушугимизни силаб, унсиз йиғлаганча, шумшайиб ўтиравердим. Мушугим эса, ҳар гал йиғлаганимни сезиб тургандай, дарҳол тиззамга келиб ўтириб оларди. Мен янгамнинг дўқ-пўписаларию дўппослашларидан эмас (уларга аллақачон кўникиб қолган эдим), балки у энди мени ҳечам мактабга юбормай қўяди, деган хаёлда йиғлардим...

\* \* \*

Орадан, чамаси, икки кунлар ўтиб, эрта тонгда овулда итлар ҳуриб, узук-юлуқ овозлар эшитила бошлади. Маълум бўлишича, Дуйшэн овулдаги уйларга бирма-бир кириб, мактабга болаларни тўплаётган экан. Уша кезларда овулимизда ҳар ким ўз билганича, кўнгли хушлаган жойда паҳса деворли уйлар қуриб яшайверишган, худди шунингдек, кўчаларимизнинг ҳам тайини бўлмаган. Дуйшэн ёнига ўн нафар болакайларни олиб, ана шу пастқам кулбалар оралаб у ҳовлидан бу ҳовлига ўтиб юрган экан.

Бизнинг уйимиз энг четдагиси эди. Аини шу маҳал биз янгам иккимиз ўғирда тариқ янчаётган эдик, амаким эса омборхона ёнидаги ўрада сақланаётган донни қазиб олиб бозорга элтиб сотмоқ учун ҳозирлик кўриб турган пайт эди. Биз босқончилар сингари зилдай ўғир дастасини навбат билан биримиз қўйиб, биримиз урар эканмиз, Дуйшэнлар яқинлашиб қолгандир, деган илинжда ер остидан ора-сира кўз қиримни ташлаб қўйишга улгурардим. Янгам мени ўлса ҳам мактабга юбормаслигига кўзим етиб турган

<sup>3</sup> Чий – чўл-адирларда ўсадиган баланд, бошоқли ўсимлик.

бўлса-да, яхши ният – ёрти мол деганларидек, Дуйшэннинг бу ерга келишини ва ҳеч бўлмаганда мени кўриб, қаерда, қандай яшаётганимдан хабардор бўлишини истаб, илоҳим ҳовлимизга бирров кириб ўтишсин-да, дея Худодан илтижо қилиб, унинг келишини сабрсизлик билан кутардим.

– Ассалому алайкум, келинойи, ҳорманглар! Мана, бир гала бўлишиб сизларникига меҳмонга келяпмиз, кўряпсизми, биз қанчамиз! – дея ҳазил-хузул аралаш сидқидилдан саломлашди Дуйшэн янгам билан, бир тўда бўлажак шогирдларни эргаштирганча ҳовлига кириб келаркан.

Янгам, шунчаки жавоб тариқасида, алланима дегандай тўнғиллаб кўйди, амаким бўлса, ўра қазийётган жойидан ҳатто бошини кўтариб ҳам қарагани йўқ. Дуйшэн бунга парво ҳам қилмади. У, аксинча, ишбилармон кишилардек, ҳовли саҳнидаги ғўлалар устига бориб чўққайиб ўтирди-да, қўлига қалам ва қоғоз олиб:

– Бугун биз мактабда ўқишни бошлаймиз. Қизингиз неча ёшда? – деб сўради. Энасаси қотган янгам жавоб бериш ўрнига зарда билан ўғир дастасини гурс эткизиб уриб кўйди. Мен бўлсам, энди бу ёғи нима бўлар экан, деб жон ҳовучлаб турардим. Дуйшэн менга қараб кулимсираб кўяр экан, яна у галгидек қалбимга илиқлик югурди.

– Олтиной, неча ёшга кирдинг? – сўради у. Мен жавоб беришга журъат этолмадим.

– Бунинг сенга нима кераги бор, назоратчимисан! – деди ғазабга тўлган янгам, ўта андишасизлик билан бобиллаб берди. – Бунга ўқишни ким кўйибди! Бунга ўхшаган қанчадан-қанча ота-онасиз етим болалар ҳам ўқимасдан юришибди-ку! Сен ана уларнинг бир гуруҳини йиғиб олибсан, ана ўшаларни мактабингга олиб бориб ўқитавер, бу ерда сенинг керагинг йўқ.

Дуйшэн сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Нима деяпсиз ўзи! Етимлик унинг пешонасига ёзиб қўйилмаган-ку ёки етим болалар ўқимасин, деган қонун борми?

– Сенинг қонун-понуниг билан ишим йўқ. Менинг ўз қонуним бор. Сен менга ақл ўргатма!

– Қонун ҳаммамиз учун битта. Агар бу қизалоқ сизларга керак бўлмаса, бизларга керак, ҳукуматга керак. Агар монелик қилсаларингиз, қонунимизни ҳам ишга солишимиз мумкин!

– Сен, ўзбошимча бошлиқ қаердан пайдо бўлиб қолдинг? – деди янгам икки кўлини белига кўйиб гердайганча. – Узинг айт-чи, едириб-ичириб катта қилган бу қиз менинг ихтиёримда бўлиши керакми, такрор айтаман, унга ким жавоб бериши керак?

Агар шу пайт белигача ярим яланғоч бўлиб олган амаким ўрадан кўриниш бермаганда, бу хангома нима билан тугашини ким биларди, дейсиз? У хотинининг ҳар бир ишга суқилаверишини зинҳор ёқтирмасди. Бу гал ҳам зардаси қайнаб кетди, шекилли:

– Эй, манжалақи! – қичқирди у, ўрадан чиқар экан. – Сен қачондан бери рўзгорни каттаси бўлиб қолдинг? Кўпам валдирайвермасдан ишингни қилсанг бўлмайдими? А, сен, Тоштанбекнинг ўғли, гапни кўпайтирмасдан қизни олиб кетавер, хоҳласанг ўқит, хоҳласанг пишириб е. Қани, энди бу ердан тезроқ туёғингни шикўллаптиб қол!

– Бу арзанда мактабда санқиб юрса, уй ишларини ким қилади? Балога балогардон бўлиб, яна рўзгор ишларига кўмилар эканман-да? – дея янгам йиғлашга тушган эди, амаким:

– Чакагингни ўчир! Гап битта, айтганим айтган, деганим деган! – деди.

Ёмонлик бор жойда яхшилик ҳам бор, деганларидек, биринчи бор мактабга боришим ана шунақа ғалва билан бошланган эди.

Шу кундан эътиборан, Дуйшэн ҳар куни эрталаб, ҳовлима-ҳовли юриб, бизларни мактабга бошлаб борарди.

Мактабга борган биринчи кунимизда ўқитувчи ерга тўшалган похол устига ўтқазиб, ҳар биримизга биттадан дафтар, қалам ва юпка тахтача берди-да:

– Тахтачани ёзишга ўнғай бўлсин учун тиззаларингизга қўйиб олинглар, – деб тушунтирди. Кейин давом этди. – Болалар, мен сизларга ҳарфларни, сўзларни ва сонларни қандай ёзишни ва ўқишни ўргатаман, ўзим нимани билсам, сизларга ҳам шуни ўргатаман...

Дарвоқе, у билганларини ҳайратомуз бир тарзда, сабр-тоқат билан бизга ҳам юқтира бошлаганди. Ҳар бир ўқувчининг ёнига келиб қаламни қандай тутишни, сўнг эса тушуниш қийин бўлган сўзларни иштиёқ билан тушунтириб берарди.

Ҳозир ўйлаб қарасам, ҳақиқатан ҳам, сўзларни ҳижжалаб ўқийдиган, қўлида биронта дарслик, ҳатто алифбе китоби ҳам бўлмаган бу чаласавод йигитнинг бундай буюк ишга журъат этганлигидан ҳайратда қоламан. Ота-боболари етти пуштигача саводсиз ўтган болаларни ўқитиш ҳазилакам иш эмасди. Дуйшэннинг бўлса ўқитиш дастури ва усуллари ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга эмасди, албатта. Шу билан бирга,

тўғриси айтганда, у бунақа нарсалар борлигига шубҳа ҳам қилмасди.

У бизни ўзи билган, маъқул кўрган йўл-йўриқлар асосида ўқитаверди. Мен бўлсам, унинг чин дилдан жонбозлик кўрсатиб ишлаганига ишонч ҳосил қилган эдим. Ҳарқалай, унинг бошлаган хайрли ишлари, менимча, зое кетмади. Дуйшэн қахрамонлик кўрсатган бўлса-да, ҳали буни ўзи ҳам билмасди. Ҳа, бу чинакам қахрамонлик эди, чунки ўша кезларда овул ва мактаб остонасидан нарига ўтмаган қирғиз боласи учун тешиқ-тирқишларидан ҳамиша олисдаги қорли тоғ чўққилари кўриниб турадиган шу паҳса деворли мактабда, агар уни мактаб деб аташ мумкин бўлса, мисли кўрилмаган ва қулоқ эшитмаган шу мактабда, ногаҳон, янги бир олам намоён бўлган эди.

Авлиёотадан ҳам, Тошкентдек азим шаҳардан ҳам неча катта шаҳарлар борлигини ва оламда Талас водийсини эслатувчи улкан денгизлар борлигини ва уларда тоғлардай улкан кемалар сузиб юрганни ўшанда билган эдик, шунингдек, бозорда сотиладиган лампа мойининг (керосин) ер остидан қазиб олинишини ҳам ўшанда билган эдик. Ҳаёт изга тушиб, саодатли кунлар келиши билан тангу тор мактабимиз ўқувчиларининг кенг ва ёруғ биноларда ўқишларига ҳам айна шу кезлардаёқ қатъий ишонч ҳосил қилган эдик.

Ҳар ойнинг адоғида Дуйшэн иш билан бўлисга бориб, у ёқда икки-уч кун қолиб кетарди. Шунда биз уни муштоқлик билан кутардик. Агар жонажон туғишган акам бўлган тақдирда ҳам, мен уни, эҳтимол, Дуйшэннинг қайтишини кутгандай сабрсизлик билан кутмаган бўлар эдим. Янгам сезиб қолмасин деб, ташқарига югуриб чиққанимча дашт йўлига зимдан узоқ муддат интизорлик билан кўз тикаман; хуржун кўтарган муаллимимиз кўриниб қолармикин, унинг жозибали табассумио маърифатга ундовчи сўзларига яна ошно бўлармикамман, дея ошиқардим.

Дуйшэн ўқитган ўн чоғли бола орасида энг каттаси мен эдим. Эҳтимол, шунинг учун ҳамдир, синфдошларимизга нисбатан яхши ўқир эдим. Бугина эмас, муаллимнинг ҳар бир айтган сўзию кўрсатган ҳар бир ҳарфини ўзим учун муқаддас тутардим. Ва мен учун унинг берган сабоқларини онгу шууримга сингдириб олишдан ҳам кўра улканроқ ва олижаноброқ юмуш йўқдек эди бу оламда.

Қаёққа бормай, муаллим берган дафтарни асраб-авайлардим. Ўзимча ўроқ учида ер чизиб, деворларнинг сиртию қорларнинг устига ҳарфларни ва сўзларни ёзиб, ўқиб юрардим. Дуйшэндан кўра уддабурро ва билимдон киши йўқ эди, менинг назаримда.

\* \* \*

Бу орада, ана-мана дегунча қишли-қировли кунлар ҳам кириб келди. Биринчи қор тушганча биз тепалик остидаги шовуллаб оқаётган сойдан қўл тутишиб кечиб ўтиб юрдик. Кейинчалик болаларнинг оёқларига сўзак кириб, тоқатлари тоқ бўлди, айниқса кичкинтой болакайларнинг аёзга дош беролмаганидан ҳатто кўзлари жиққа ёшга тўлар эди. Шунда Дуйшэн уларни навбатма-навбат, бирини елкасига, иккинчисини қўлида кўтарганча сойдан ўтказиб кўярди.

Энди ўйлаб қарасам, буларнинг бари худди чўпчакка ўхшарди. Ўша кезларда одамлар нодонлигиданми ёки бўлмаса тушуниб етмаганиданми, ҳайтовур, улар Дуйшэннинг устидан кулишарди. Айниқса, қишлоғни тоғларда ўтказиб, гоҳида тегирмонга ғалла оқлаш (янчиш)га келиб турадиган бой-бойваччаларни айтмайсизми. Бошларига тулки телпагу эгниларига қўй терисидан пўстин кийиб олган бу кимсалар саркаш отларини ўйнатиб, неча бор кечувда бизга дуч келиб, ёнимиздан ўтаётганларида кўзларини бақрайтирганча Дуйшэнни масхаралашарди. Улардан бири:

– Кўряпсанми, бирини орқалаб, иккинчисини қўлда кўтариб олибди, – дея қамчиси билан қўшнисини туртиб, пиқиллаб кулиб юборди, бошқаси эса:

– Эҳ, бунақа меҳнаткашлигини олдинроқ билганимдами, ер ютган тақдирда ҳам, иккинчи хотинликка олган бўлардим! – дея қўшиб қўйди.

Улар ҳар гал, шу зайлда пишқирган отларини қамчилаб, ҳамма ёғимизга шағал аралаш лой сачратиб, қаҳ-қаҳ уриб кулишганча ўтиб кетишарди.

Ўшанда Дуйшэнга ичим ачиб, раҳмим келиб, бу фаҳм-фаросатсиз кимсаларга етиб олсам-да, отлари тизгинидан ушлаб олиб, бадбашара юзларига тик қараб: “Муаллимимиз ҳақида бундай беандиша сўзларни айтишга қандай журъат этяпсизлар! Садқаи одам кетинглар! Сизлар одам эмас, балки одам қиёфасидаги иблиссизлар!” – дея қичқиргим келарди.

Аммо жавобсиз қолган қиз боланинг нидосига, шу аснода, ким ҳам илтифот қиларди дейсиз? Менинг эса аламли кўзёшларимни ютишдан бошқаси қолмаган эди, холос. Ҳақоратланган муаллимимизга келсак, гўё у ҳеч нимани кўрмагандай, эшитмагандай, пинагини бузмасдан, аксинча, бу қўланса гаплардан бизларни алахситишга ва ҳазил-ҳузул қилиб кулдиришга уринарди.

Сойга кўприк қуриш учун Дуйшэн қанчалик ҳаракат қилмасин, ёғоч тополмади. Бир

куни мактабдан қайтаётиб, болаларни сувдан ўтказиб қўйдик-да, иккаламиз соҳилда қолиб, тош ва чимлар ёрдамида ҳатлаб ўтадиган жой тайёрлашга қарор қилдик. Агар адолат юзасидан айтадиган бўлсак, овулимиз аҳли бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат иш тутиб, икки-учта ёғоч-тахта келтириб ташлаганларида олам гулистон бўлиб, кўприк ҳам битиб қолган бўларди. Гап шундаки, ўша кезларда ўқишнинг маънисига етмаган авом халқ бунга деярли аҳамият ҳам бермасди, Дуйшэнни эса бекорчиликдан болалар билан шунчаки умргузаронлик қилиб юрган бир телба-да, деб ҳисоблашарди. Кўприк қуриш от устида сув кечиб юрган бу кимсаларнинг етти ухлаб тушларига кирганмикин? “Уддасидан чиқсанг – ўқит, йўқса, тахта-ўқловингни йиғиштириб, уларни уй-уйларига тарқатиб юбор”, эмиш. Шу ҳам гап бўлди-ю. Бироқ, нима бўлганда ҳам, эл-улус бу эсли-хушли йигитнинг қанчадан-қанча қийинчиликларга, таҳқиру камситишларга бардош бериб, сабр-тоқат, кунт-матонат билан сабоқ бериб келаётганлигининг боиси ни-мада эканлигини танларига бир ўйлаб кўрсалар бўларди.

\* \* \*

Ўша куни сакраб ўтиш учун тошларни сой устига маҳкамлаётганимизда биринчи қор тушиб, ҳафсаламизни пир қилди. Суюкни қақшатувчи муздек сувда оёқланг бўлиб тинимсиз ишлаётган Дуйшэннинг сабр-бардоши мени ҳамон ҳайратга солади. Бир амаллаб сойнинг ўртасидан товонимга тошлар чўғдай ботиб ўтаётган эдим, сув оёғимни кесиб кетгудек бўлиб, бирдан томирим тортишиб, букчайиб қолдим. Бошим айланиб қичқиришимни ҳам билмай, қад-бастимни ростлай олмай, сувга йиқилаёзай деганимда Дуйшэннинг кўзи тушиб қолди. У қўлидаги тошни иргитиб ташлади-ю, югуриб келиб, мени даст кўтарганча жар ёқасига олиб чиқиб, шинелига ўтказиб қўйди. У гоҳ кўкариб, увушиб қолган оёқларимни уқалар, гоҳ музлаб қолган қўлларимни кафтлари орасига олиб силаб-сийпалар, гоҳ оғзига яқин келтириб, нафаси билан илтиарди.

– Етар, Олтиной, сен энди исиниб ол, ўзим бир амаллайман, – деди Дуйшэн. Ниҳоят, кечув тайёр бўлгандан сўнг у этигини киятуриб, мени совуқдан ҳурпайган ҳолда кўрар экан: – Қалай, исиниб олдингми, ёрдамчи қиз? Шинелни мана мундоқ ёпиниб ол! – деб жилмайиб қўйди ва яна бир зум ўтмай: – Ўтган сафар мактабга тезакни қолдириб кетган сенмидинг? – дея сўраб қолди.

– Ҳа, – деб жавоб қайтардим.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим! – деди Дуйшэн худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай мийиғида кулганча.

Демак, муаллимимиз ўша арзимаган нарсадан хабардор экан, ҳали ҳам уни унутмай юрганидан бошим осмонга етди, қувончим ичимга сиғмай, юзларим оловдай ёнаётганини ҳамон эслайман. Ўшанда Дуйшэн ҳам қувончимга шерик бўлган эди.

– Чақнаган кўзларингдан айланай, чироғим, – деди у мени эркалаб. – Ўқишга иштиёқинг зўр... Қани энди қўлимдан келса-ю, сени катта шаҳарга юбориб ўқитсам! Ким бўлиб етишардинг, қароғим! – деди-да, бирдан ариқ томон бурилиб кетди.

Унинг шовуллаб оқаётган тошлоқ сув бўйига келиб қўлларини орқасига чалиштирганча, олис тоғлар тепасида виқор билан сузиб бораётган паға-паға булутларга порлаган кўзлар билан боқиб тургани ҳали-ҳали кўз ўнгимда.

Нимани ўйлаб турган экан муаллимимиз ўшанда? Балки, ҳақиқатан ҳам, мени катта шаҳарга олиб бориб ўқитиш орзуси хаёлидан кечгандир. Мен эса ўша дақиқаларда Дуйшэннинг шинелига ўралиб олиб: “Э, худо, ўқитувчим кошқийди менинг туғишган акам бўлақолса-ю, бўйнига осилиб, қаттиқ кучсам-да, кўзларимни чирт юмиб, бисотимдаги энг яхши сўзларни унинг қулоғига шивирлаб айтсам”, дея илтижо қилардим.

Биз ўшанда, гарчи ҳали мурғак болалар бўлсак-да, ўйлайманки, муаллимимизнинг одамгарчилиги ва бизнинг истиқболимиз ҳақида қайғуриб жонбозлик кўрсатаётганлигини қалбан ҳис этиб, унга меҳр қўйган бўлсак керак. Бўлмаса, ҳар куни нафасни бўғиб, жонни ачитувчи изғиринда қор кечиб, олис йўл босиб, не машаққатлар билан тепаликка қатнайверишга бизни ким ҳам мажбур этарди, дейсиз? Мактабга ўз хоҳишимиз билан борардик, ҳеч ким бизни мажбур қилмасди. Юз-кўзларимизу уст-бошимизни қиров босиб кетган бўлса-да, муздек хонада сабр-тоқат қилиб, мавриди келганда галма-гал печка ёнига бориб исиниб олардик, қолганларимиз эса ўз ўрнимизда Дуйшэннинг айтганларини завқ билан жимгина тинглаб ўтирардик.

Давоми келгуси сонда





## ҲАЗМ

### ҲУМОЮН

1964 йилда тугилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетида ўқиган. Шоирнинг “Кўнглим гули”, “Ёшлик бекати”, “Интиҳосиз наволар” сингари шеърӣ китоблари адабий жамоатчиликнинг назарига тушган. Айни пайтда, “Ер юзи” журналида Бош муҳаррир сифатида фаолият юритмоқда.



## БЕШИМА

(Сонетлар гулдастаси)

Она қишлоқ, дўппидек макон...  
Муҳаммад АЛИ

### I

Салом, мени кутган-кутмаган  
Бутазорга бурканган сўқмоқ.  
Сени излаб топдим-у, бироқ  
Билдим, бундан ҳеч ким ўтмаган.

Буталарни очиб бораман,  
Ана, ҳамон бордир изларим.  
Ана, сўзим, ўзим, кўзларим,  
Бу болани таний оламан.

Сўқмоқ юзин қопламиш аста,  
Ялтиз, гуллар, райҳонлар раста,  
Яқинлашиб келар йироқлар.

Интиламан бир манзил томон,  
Лек ўнгимда бўлар намоён –  
Кузги гуллар, олтин япроқлар.

### II

Кузги гуллар, олтин япроқлар  
Ёдга солди ўтган баҳорни.  
Бўтана сув, жўшқин анҳорни  
Беташвишу бегубор чоғлар.

Умр – дарё, оқиб ўтаркан,  
Соҳилида барқ уриб боғлар.  
Майсалару гуллар, гиёҳлар,  
Сўқмоқларни буркаб кетаркан.

Сўлим кузнинг гуллари гўзал,  
Япроқлари олтину зарҳал,  
Қалб торига солар титроқлар.

Гарчи менинг кўнглим эзади,  
Бу титроқнинг кўксин безади  
Дехқон умри каби сўқмоқлар.

## III

Дехқон умри каби сўқмоқлар  
Далаларнинг кўксидан ўтмиши.  
Бу изларда қисматлар битмиши,  
Бу изларда қувончлар, оҳлар!

Сўқмоқларнинг бағри тўла сир,  
Уфқларга туташиб кетган,  
Балки осмон кўксига етган.  
Кафтда чизик эмасдир тақдир.

Аммо бунда гўзал далалар,  
Баҳор бўса берган паллалар,  
Муҳаббатин дариғ тутмаган.

Дехқон йиғит қалбида, албат,  
Илк муҳаббат – гўзал табиат,  
Мени эса, ёр унутмаган.

## IV

Мени эса, ёр унутмаган –  
Илк муҳаббат, биринчи севгим.  
Гарчи унинг қошига келдим,  
Ўзи кутган, сўзи кутмаган.

Илк муҳаббат – беғубор дунё,  
Сен қайлардан тополдинг паноҳ?  
Юракларни ёндирса нигоҳ,  
Йўлларга гов бўлмагин, ибо!

Нетай, сени унутиб бўлмас,  
Энди ўшал лаҳзалар абас,  
Айтгил, ким-у қилмаган хато?

Юрагимга бир насим келди,  
Гўё баҳор шамоли елди,  
Кузнинг салқин кунлари аро.

## V

Кузнинг салқин кунлари аро  
Эсиб қолди аччиқ шамоллар.  
Энди қишга бошлар хаёллар,  
Наҳот, қорга кўмилар дунё?!

Олтин рангли япроқлар, боғлар  
Товланади мисли жаннатдай.  
Тутқазади узумзорлар май,  
Изгиринлар солса титроқлар.

Ахир, яна қайтгайдир баҳор,  
Дарахтларга тўн тикиб такрор.  
Кўзёш бенаф, чекмангиз оҳлар.

Кўнглингизни эзмасин алам,  
Ҳатто қишининг муз қасрида ҳам  
Фараҳбахидир қуёшли чоғлар!

## VI

Фараҳбахидир қуёшли чоғлар,  
Ўткинчидир қора булутлар.  
Куз гуллари ўзин унутар,  
Солланганда тўлишиган боғлар.

Қалб безовта, ажиб, интизор  
Бўй таратса сўлим ялпизлар.  
Райҳон шаддод қизларни излар,  
Яна ёдга тушади баҳор.

Табиатнинг меҳримикан бу,  
Юрагимда жўш урар туйғу,  
Оташ бўлиб боқар нигоҳлар.

Анорлар гарқ пишганда хил-хил,  
Товланганда, орзиқар кўнги,  
Билмам, нега маҳзун бу боғлар?!

## VII

Билмам, нега маҳзун бу боғлар,  
Нечун, недан сокин оқар сой?  
Пастга учган каби ярим ой,  
Ўзилади бир-бир япроқлар.

Куз нафаси урар димоққа,  
Шамолларда пичаннинг бўйи.  
Кенгликларда қушларнинг куйи,  
Чорлашишар балки йироққа.

Кетолмайди гулбоғлар, қишлоқ,  
Сўқмоқларда соғинч ва фироқ,  
Жо бўлишар, юракларга эсо.

Энди дилда сайрайди қушлар,  
Баҳор кирса, гўзалдир тушлар,  
Сокин қишлоқ ажиб, дилоро.

## VIII

Сокин қишлоқ ажиб, дилоро,  
Кечаларда кўчалар сўлим.  
Охир сенга элтгайдир йўлим  
Бу дунёда, эй сокин дунё.

Сенда фақат қушлар чуғури,  
Жилгаларнинг шарқираши бор.  
Ва шаббода чертганида тор –  
Баргларнинг лапарни, шивирни.

Ўйғонади хотираларим,  
Тилим-тилим бўлади бағрим,  
Баҳор гулин эсласам яна.

Англамайсан, қадим қишлоғим,  
Учқур хаёл, дилдаги оҳим,  
Қаршилайсан мени бегона.

## IX

Қаршилайсан мени бегона,  
Яширмайман кездим дунёни:  
Шаҳарларни, уммон, самони  
Ва қаршингда турибман, мана.

Кўҳна дунё кенг экан, билдим,  
Кўрдим, осмон ўпар бинолар.  
Жаннат боғлар, ўзга маъволар,  
Олисларда шамолдай елдим.

Аммо сен-ла бу кўнгил подшоҳ,  
Гадо бўлсам, севгимда гуноҳ,  
Сўқмогингда кездим девона.

Азиз кўрдим сенинг бағрингни,  
Ёд биларман эртақларингни,  
Сўзла энди менга афсона.

## X

Сўзла энди менга афсона,  
Ишонсайдим чўпчакларингда.  
Ойдин тунлар сингиб бағрингда,  
Бола бўлиб қолсайдим яна.

Ўзни алдаш энди не даркор,  
Кенг дунёни кўриб келдим мен,  
Бағринг сари елдек елдим мен,  
Сенга айтар қўшиқларим бор.

Куйлаб берай фаввораларни,  
Шаҳардаги овораларни,  
Юрагимни қон этганин гул.

Довон-довон ўтган йўлларим,  
Саркашлигин тоғнинг гулларин –  
Шундан, бунда безовта кўнгил.

## XI

Шундан, бунда безовта кўнгил,  
Ёмғир чертса ойнамни аста,  
Оҳанглари бўлиб пайваста:  
Куй бўлади, сел бўлади дил.

Сира тинмас, куйлайди ёмғир,  
Юрагини тўкиб солади.  
Нега борлиқ тиниб қолади,  
Оҳанглари бор экан не сир?

Куйлар менга дарё мавжини  
Ё самога парвоз авжини,  
Олисларга чорларми, нечун?

Юрагимга софлик, малакдай,  
Баҳиш этса-да ёмғир – тилакдай,  
Кўчаларни кезаман дилхун.

## XII

Кўчаларни кезаман дилхун,  
Ўша боғлар, ўша гулзорлар  
Юрагимга бермай озорлар,  
Шодон қарши олмаслар, нечун?

Унутдим барчаси, наҳот,  
Юрагимга ташиламайди чўғ?  
Мен билан ҳеч гулнинг иши йўқ,  
О, бунчалар бешафқат ҳаёт?

Юрдим, кўрдим яқину йироқ,  
Сўзлаб берай ўзинга бу чоқ,  
Юрагимда қолмасин тугун.

Қанчалар тез ўтмиш бу йиллар,  
Танимайсан, қошингда турар,  
Ўша содда болангни бугун.

## XIII

Ўша содда болангни бугун  
Орзулари бўлди бир жаҳон,  
Балки тордир бош узра осмон,  
Ниятлари фақат сен учун.

Сени гулга буркамоқ истар,  
Жамолингни этсайди кўз-кўз,  
Мадҳинг учун тополмаса сўз,  
Кучогинга келганда дўстлар.

Сенга бериб кўнглин тахтини,  
Қалбин, меҳрин, муҳаббатини  
Изҳор этсам дейди бу кўнгил.

Дилдан чиққан меҳр, изҳорни,  
Сен ҳам мендай фасли баҳорни,  
Кўмсадингни, онажон, Бешгул?!

## XIV

Кўмсадингни, онажон, Бешгул,  
Олисларга учган қўшларинг,  
Чугурлашса қандай хушлардинг –  
Наволардан ёзилиб кўнгил?!

Елганида баҳор шамоли,  
Келтирганда гуллар бўйини,  
Тинглаганда булбул қўйини,  
Ороланар ёрнинг хаёли.

Кеч куз кетмоқ йўлини излар,  
Қишлоқда қиш кўнглини ёзар,  
Ёнингдаман ўзим, ёлғизим.

Чек қўярмиз қишки ғамларга,  
Етиб кўклам, масрур дамларга,  
Гулзорларга бурканар изим.

## XV

Салом, мени кутган-кутмаган  
Кузги гуллар, олтин япроқлар,  
Дехқон умри каби сўқмоқлар,  
Мени ҳали ёр унутмаган.

Кузнинг салқин кунлари аро  
Фараҳбахидир қўйили чоғлар.  
Билмам, нега маҳзун бу боғлар,  
Сокин қишлоқ ажиб, дилоро?..

Қаршилайсан мени бегона,  
Сўзла, энди менга афсона,  
Шундан, бунда безовта кўнгил.

Кўчаларни кезаман дилхун,  
Ўша содда болангни бугун,  
Кўмсадингни, онажон, Бешгул?!



# НАСР



**Тоҳир МАЛИК**

*1946 йилда тугилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган.*

*“Сўнгги ўқ”, “Шайтанат”, “Ов”, “Мурдалар гапирмайдилар”, “Иблис девори”, “Меҳмон тўйгулар”, “Жиноятнинг узун йўли”, “Одамийлик мулки” сингари роман ва қиссалар ҳамда маърифий-ахлоқий йўналишдаги асарлар муаллифи.*

## ХАЗОНРЕЗГИ

(Қисса)\*

Турғуннинг оёқдан шикояти бир баҳона эди. Боғ томон сал юргач, йўлни кўча томон олиб, шифохонага борди. Даҳлизда унга ҳеч ким эътибор бермади. Лекин “реанимация” деб ёзиб қўйилган эшик ичкаридан қулфлоқлик эди. Аста тақиллатган эди, ўзига таниш ҳамшира кўринди. Ташқарига чиқди-ю, эшикни ёпиб, қўрғонини ҳимоя қилувчи посбондай туриб олди.

– Қизим, ошнамни бир кўриб чиқай, – деди Турғун ялиниш оҳангида.

– Отахон, иложи йўқ, Анвар акам боя айтдилар-ку, ўзингиз эшитдингиз-ку?

– Жон қизим, биттагина мўралайман-у, “Ошнам, ҳормагин”, деб кўяман. Агар яна икки оғзим гапирсам, бетларимни юмдалаб ташлай қол.

– Отажон, сизни ичкарига қўйсам, мени ишдан ҳайдашади.

Турғун қизларнинг бунақа жойга ишга жойлашишлари мушкуллигини, ҳайдалишлари эса оппа-осонлигини эшитган. Шунинг учун ҳамширага бошқа ялинмади. Орқасига ҳам қайта қолмади. Оғир курашда енгилиб бўшашган сингари иложсиз оҳангда сўради:

– Унда тўғрисини айт, қизим, ростданам бир ўлиб, тирилдимми?

– Ҳа, юраклари бир пас тўхтаб қолди.

– Энди-чи, энди яхши уряптими?

– Ҳозир анча яхшилар.

– Гапиряптими?

– Ҳа.

– Нима деяпти?

– Билмадим... ая билан гаплашяптилар.

– Бизнинг келганимизни биладимми? Мени сўрагандир-а? Исмиим Турғун. “Турғунбой келмадимми?” деб сўрадимми?

Ҳамшира бироз иккиланди-да, сўнг саволлар оқимидан осонроқ қутилиш учун жавоб берди:

– Сўрадилар... шекилли.

\* Охири. Бошланиши ўтган сонда.

– Ана сўрабди! Биринчи бўлиб мени сўрайди. Энди олдига кириб чиқмасам бўлмайди.

– Мумкин эмас.

– Сен тушунмаяпсан-да, қизим. Агар бу ошнаимиз... кетиб қолса чатоқ, тўғон янаям бузилади. Кетишга-ку, ҳаммамиз кетамиз-а, ома бу биздан кейин қолиши керак. “Нега?” деб сўрамайсанми?

– Вой, отажон, ҳаммангиз ҳам кўп яшанг!

– Сен “бу чолнинг эси оғиб қолибди”, деб ўйлама. Ҳаммамиз ҳандалақдек пишиб турибмиз. Узиб олиш қолди, холос. Оёқларим бир тортишганида “Ана энди жон ҳам кетди”, деб ўйлайман. Оёқ нимага тортишади, биласанми? Бир одам жонни олгани келган Азроилдан нолиб: “Эй Худо, жон керак экан, аввалроқ огоҳлантирсанг бўлмасмиди?” деган экан, овоз келибдики: “Эй ғофил банда, аввал кўзларингдан нурни олдим, кейин белдан, оёқ-кўлдан қувватни олганим огоҳлантиришим эканини фаҳмламадингми?” Ана кўрдингми, қизим, бизларга хабар аллақачон келган.

– Отахон, хафа бўлмасангиз бир гап айтай.

– Айтавур, қизим.

– “Хабар-хабар”, дейсизу, кимнинг қачон ўлишини Худо билади. Ёшлар ҳам тўсатдан кетиб қолишяпти.

– Шунақа-ку, ома ёшлар яшаши керак. Яхшими-ёмонми, яшасин! Тегирмон навбати билан. Биз кўрадиганимизни кўрдик. Ёйдиганимизни едик. Кетсак ҳам армонсиз кетоврамиз. Ома қизим, сен билмайсан, биз ҳалол меҳнат билан яшадик. У дунёга кўрқмай кетоврамиз. Орқамиздан биров ёмон гапирмайди. Сен яширмай айтовур, қизим, ошнамга балки қон керақдир. Бировлардан қидирма, ўзимиз берамиз. Қонимиз бир ҳаммамизнинг – топ-тоза қон.

– Қон керақмас, отахон.

– Қизим, сен билиб қўйишиг керақ: бу ошнам оддий одам эмас, мартабаси баланд, ҳа!

– Ҳокиммилар?

– Ҳокиминг нимаси! Шу ҳам мартабами? Бу одам бизнинг жўрабошимиз, ҳа! Аввал улфатимизнинг жўрабоиши Сотволди эди. Сотволди хайр-хўшни насия қилиб жўнаворди. Энди буниси ҳам кетворса, инсофдан бўлмайди. Энди тушундинг-а?

– Тушундим.

– Тушунган бўлсанг, кел, хўп де, бир мўралаб олай.

– Отажон, илтимос, мени қийнаманг.

– Сен Абулқосимнинг неварасан, а? Каттанг жуда мўмин, гапга кирадиган бола эди. Ҳаптобусга ҳам калишини ечиб чиқарди, раҳматли. Сен унга ўхшамасан. Жуда-а қайсар экансан. Каттанг тирик бўлганида айтиб, адабингни бердириб қўярдим-а.

Ҳамшира бу қариядан осон қутилолмаслигини билиб, ўзини сал четга олди-да, эшикни қия очди. Турғун ичкарига мўралаб, дўстини кўрди. Рихси эрининг ўнг қўлини кафтлари орасига олиб силаб ўтирган эди. Унга халал бермаслик учун овоз бериб чақирмади. Бироз тикилиб тургач, ўзини орқага олди-да, кипригига қалқиган ёш томчисини артиб, ҳамширани дуо қилгач, беморга яхши қарашни тайинлаб, бир соатдан кейин хабар олишини ҳам айтди.

Изига қайтган Турғун чойхона ҳовлисига кириб келаётган, қўлига асо тутган, қора кўзойнакли Тўлқинни кўриб, тўхтади. “Ие, бу ерда Тўқим нима қилиб ивирсиб юрибди?” деган хаёл билан уни кузатди.

Тўлқин асосини тўқиллатиб келиб, нарда ўйнаётганлар ёнида тўхтади.

– Биродарлар, йўлдан адашганга ўхшайман. Касалхонага кетаётувдим, қаерга келиб қолдим?

– Чойхонага келиб қолдингиз, бобой, – деди Гамлет нарда тошчаларини ташлаб.

– Бир ўзингиз нимага туртиниб юрибсиз, тоға? – деди Жокер ўрnidан туриб.

– Ошнам оғриб қолибди, омонатим бор, келмасам бўлмас эди.

– Пул олганмиди? Катта пулмиди? – деди Гамлет унга қараб олиб.

– Йўқ, ундан мен қарзман.

– Неваралардан бериб юбора қолмабсиз-да, – деди Жокер.

– Бу омонатни бировдан бериб юбориб бўлмайди. Биродар, бу ер самовархона бўлса, бир қултум чой беринг, “сахир”им ошганга ўхшайди, томоғим қуриб кетди.

– Чойдан йўқ, бобой. Оқидан ҳам отоврасизми? – Гамлет шундай деб ароқнинг шишасига чертиб қўйди.

– Унда малол келмаса, мени йўлга солиб қўйинг.

– Прямой сообщения қилиб бороврасиз, бобой, – деди Гамлет пиёлага ароқ қуя туриб.

– Мен олиб бориб қўяман.

Тўлқин томон юрмоқчи бўлган Жокерни Турғун тўхтатди:

– Сен ўтиравур, жиян.

Тўлқин овоз келган томон ўғирилди:

– Ким бу? Овозинг таниш... Турғун... сенмисан, Буқоқ?

– Менман, Тўқим, менман. Нега келдинг?

– Пўлат оғриб қолибди, деб эшитдим.

– Оғриси сенга нима? Улфатга яқин келма, деганмиз-ку, эсингдан чиқдимми?

Ёнбошлаб ётган Мирҳосил Тўлқинни кўриб қаддини кўтарди. Мамасоли ҳам шу томон қаради.

– Омонатим бор унда, – деди Тўлқин синиқ овозда.

– Қанақа омонат? – деди Турғун дағал оҳангда. Кейин нотаниш йигитлар олдида гаплашиб туришни эп кўрмай, ҳазар қилгандай енгининг учидан ушлаб, сўри томон бошлади.

– Қанақа дейсан-а... Рози-ризалик сўрашим керак, – деди унга итоат билан эргашган Тўлқин.

Бу гапни эшитган Мирҳосил сўридан тушиб, унга рўпара бўлди:

– Нима дединг? Розилик, дедингми? Нима, у ўляптиканми? Сен Тўқим, совуқ нафасингни энангдикига бориб қилувур!

– Чўтир... Мирҳосил, сенмисан?

– Ҳа, менман. Нақ ўзимга дуч келдинг. Сен изингга қайтовур. Сени кўрган соғ одам ҳам аччиқланиб ўлиб қолади. Бор, турқинг курсин.

Мамасоли ҳам уларга яқинлашиб, ўртага тушди:

– Мирҳосил, қўй, қаттиқ гапирма. Ошначиликнинг ҳурматини қилиб келибди. Дод десанг, демасанг бу ҳам ошнаимиз эди. Тўлқин, юр, бир пиёла чой ич, ҳовурингни бос.

– Бу бизга ҳеч қачон ошна бўлмаган. Бунақа ошнани отай десанг ўқ ҳайф. Тириклай кўмиб ташлаш керак бунақаларни.

– Чўтир, сен кариллайверма! Сен билан олди-сотдим йўқ. Пўлат олдида қарздорман.

Тавба қилганман. Яна тавба қилгани келдим. Мана мени Худо уриб қўйди, энди сенам туртовурма. Менга шу жазонинг ўзи етмайдими?

– Етмайди! Сен кўзларингни лўқ қилиб туриб ёлғон гувоҳлик бергансан. Пўлатни сен қаматгансан. Халқ душмани Пўлат эмас, асли сен эдинг. Жуна, кўзимга кўринма, бўлмаса мижиб-ла қўяман. Худойинг тагин ҳам сени аяб урибди. Бўхтон гапларни айтган тилларинг ириб, узилиб тушиши керак эди.

Шу пайтда Обид Шокирни бошлаб келиб, авжига чиқаётган Мирҳосилнинг ҳовури сал босилди. Обид Тўлқинга бир қараб қўйди-ю, омонлашмай, ўчоқбошига ўтиб кетди. Қарияларнинг даҳанаки жангидан завқланган Гамлет нарда тошчаларини ташлаб қўйиб, сигарет тутатганича уларни кузата бошлади. Жокернинг “ичкарига кириб кета қолайлик” деган ишорасига “тўхта, текин кино”, деб қўйди.

Шокир уч ошнаси билан сўрашиб бўлгач, Тўлқинга яқинлашиб, унинг қўлини олди:

– Ҳа, Тўлқин, омонмисан?

– Омон бўлмай ўлсин бу. Сотволдининг ўрнига шуни олмайдими Азроил, – Мирҳосил ўзи берган саволга ўзи жавоб қайтарди: – Ҳа, олмай тўғри қилади, бундан у ёқдагилар ҳам безор.

– Бировга ўлим тилама.

– Бировга тиламайман, ома бунга тилайман. Эллик йилдан бери тилайман. Бундан олдинроқ ўлиб қолсам, у ёқда ётиб ҳам тилайман. Бор, сўфи, менга ақл ўргатма.

– Яна ўша гапми? Мирҳосил, қўй энди, Пўлат буни кечирган. Ораларида низо қолмаган. Худо ҳам кечиради.

– Ким кечирса кечировурсин. Ома дўстга хиёнат қилган одамни мен кечирмайман. Агар иккаламизни ёнма-ён кўмсаларинг, буни гўрида ҳам бўғиб ётаман.

– Бўлди, ўпкангни бос, – дўстини шу гапи билан тинчитганига ишонган Шокир ўчоқбоши томон қараб, овозини баландлатди: – Обид, жиззани тезлат, ошна, йўлда туз тотмадим. Қорним пиёзнинг пўсти бўлиб кетди.

– Манави кетсин. Худди мижиб, яйиб-ла ташлайман, – деди Мирҳосил хезланиб.

– Ҳеч қаёққа кетмайди, – деди Шокир ҳукм оҳангида. – Бунақа пайтда гинани унутиш керак. Сен “яйиб-ла” қўймасанг ҳам, бараварига етилиб турибмиз. Қани, ўтирдикми, сўфи, бошла.

Мирҳосил бўш келмай, йўлни тўсди:

– Унда ҳов четда ўтирсин якка мохов бўлиб. Менга кўринмасин.

– Бекор айтибсан.

– Домла, қўёвур, четроқда ўтирганим маъқул. Шунинг иси келмасин. Бунга ит бас келмаса, одам бас келолмайди.

Вазиятни юмшатиш учун чекиниши лозимлигини англаган Тўлқин шундай деб ўғирилди. Аммо қай томон юришни билмай каловланди. Шокир уни биллагидан тутиб, ён томондаги сўрига бошлаб бориб, ўтқазди. Кейин ўзи Мирҳосилнинг ёнидан жой олиб, тажанг ошнасини совутиш мақсадида тиззасига шапатилаб уриб қўйди. Ўчоқбошидан

қайтган Обид шишани Мирҳосилга пинҳона бериб, харажатларни четдаги стол устига ёйиб, гўшт-ёғни ҳафсала билан тўғрай бошлади. Мамасоли дуодан сўнг чой қуйиб узатгач, ҳол сўрашга ўтди:

– Ҳа, домлажон, ҳали бир ҳафта юришинг керак эди-ку?

– Ҳа, шунақа эди. Ома кечадан бери юрак сиқовурди. Уйдан бир хабар олмасам бўлмас, деб келдим. Йўлда Обидни учратиб, тўғри шу ёққа келавердим.

– Зап иш қилибсан. Бизни озгина кўрқитди-да. Ҳозир яхши, – деди Турғун. Яқингинада эшиқдан мўралаб келганини айтиб мақтанмоқчи эди, Мирҳосилдан балога қолиши мумкинлигини англаб, бошқа гапирмади.

– Дўхтирнинг каттасини ёнига қозикдек қоқиб қўйдим, – Мирҳосил энг катта ишни ўзи бажарганини билдириб қўйгач, ўчоқбошида шўрванинг ҳаракатини бошлаб юборган чойхоначига қараб бақирди: – Ҳой, самоварчи бола, қайси гўрда ивирсиб юрибсан, меҳмонга қарамайсанми?

Чойхоначи қўлидаги ўтинни ташлаб, қадамни тезлатди. Унинг яқинлашишини кутмай, Мирҳосил ғазаб ўқларини соча бошлади:

– Сен бола, шайтонга дарс берадиган бўлиб қолибсанми, а?

– Худо сақласин, тақсир, – чойхоначи худди жаллодга рўпара келгандай таъзим қилиб, ҳукмни кутди.

– Худо сақласин, деб юравергин-чи, уриб қолганида дод демасанг, бас. Ҳалигина бизга “Самовархонам бўм-бўш, ҳеч вақом йўқ” деган сенмидинг? Анави сўлтаматларга топилдими?

– Улар эртаман харажатларини ташлаб кетишувди.

– Бу чўпчагингни катта энангга айтасан. Ўзим чўтир бўлсам ҳам, ақлим путун, кўзларим зийрак. Майли, ҳозир мавриди эмас, кейин атайла келиб гаплашиб кетаман сен билан. Бор, чой олиб кел. Тузукроқ дамла, – Тўлқинни имлаб, қўшимча қилди:

– Анавинга ҳам алоҳида олиб кел. Ома ҳаққини ўзидан оласан, бизларниқига қўшмайсан. Ма, манов зормандани ҳам чойнакка қуйиб чиқ.

Чойхоначи шишани олиб нари кетгач, Мамасоли афсус билан бош чайқади-ю, бу мавзуда танбеҳ бериш шамолга қарши қичқириш билан баравар эканини билгани учун Шокир билан суҳбатини давом эттирди:

– Домла, кетганингдан бери уйлаб ҳеч ақлимга сиғдирилмаяпман. Хўп, ишинга қайтганинга тушундим: уйда зериккансан, мактабинг ҳам чақировриб тинчитмаган. Мактабда сендан бўлак эркак зоти қолмагандир, а? Малака оширай деб ўқишга жўнаганинга ҳайронман-да. Шу ёшга кирганинга малакангни ошириб бўларканми?

– Бўлади. Узинг бир ҳадисни айтувдинг: пайгамбаримиз “Бешиқдан то қабрга қадар илм изла”, деган эканларми? Ҳали қабрга анча бордир, деб умид қиламан. Бешиқда эса... э, сўфи ошнам, ярамни янгилама. Кейинги пайтда юрагим сиқиладиган бўлиб қолган. Биз биров ўлса дарров мотам тутамиз. Беҳуда ўтган кунларимизга ким мотам тутайди? Ахир, беҳуда ўтган кун – ўлик кун-ку?

– Домла, нималар деяпсан? Умримиз нега беҳуда ўтар экан? – деди Турғун ажабланиб. – Худога шукур, нонимизни ҳалоллаб едик. Суягимиз қотмай далада кетмон чопдик. Урушга бордик...

– Ҳа... уруш... Мени “Бу одам ўқитувчи, болаларга билим берсин” деб урушдан олиб қолишди. Сенлар кетдиларинг, мен эсам бу ерда хотинлардан уялиб юрдим. Қишлоққа қоракат келган куни дарс ўтолмасдим. Аслида, менам кетворишим керак эди. Ўлиб кетсам, ҳозир бунақа қийналиб юрмасдим...

– Нафасингнинг совуқлигини қара. Сен болларди ўқитдинг. Биздан кўра савобни кўпроқ топдинг. Жаннатига белатинг тайин. Нима дединг, сўфи?

– Ичинг тор сенинг, – деди Мирҳосил гапга аралашиб. – Домла, нега совуқ фикр қилиб қолдинг? Айтовур, сен бекорга минғир-минғир қилмайсан.

– Совуқ фикр эмас. Биз “ақлимиз бутун” деб қариллаб юрамиз. Бировларга ақл сўқаверар эканмиз ома, ақлнинг ҳам кўзлари бўлишини, бу ақл кўзларининг ҳам кўр бўлиши мумкинлигини уйлаб кўрмас эканмиз. Бировларда ақл кўзи жуда кеч очилар экан.

– Бировларники умуман очилмайди. Лаҳадга ҳам тимирскиланиб кириб боради, – Мирҳосил шундай деб Тўлқин томон имо қилиб қўйди.

Шокир унинг бу киноясига эътибор бермай, фикрини давом эттирди:

– Уйлаб қарасам, ҳаётда яшашдан мақсад – шу ақл кўзларини очиш экан. Ўзинг вақтида ҳаракат қилмасанг, ҳаётнинг ўзи бешафқатлик билан очиб кўяр экан. Ҳаёт менга шунақа дарс берди. Қариганимда очди бу кўзларни. Қариганимда кўчага чиқишга, ўқитган болаларимнинг кўзларига қарашга уялиб қолдим.

– Буқоқ, домлангнинг ат-батини чимчилаб кўр-чи, нега алаҳсияпти? Сенинг ақлинг путун, уйлаб кўр-чи, бу бола уяладиган иш қилганми ўзи? Дарсим бор, деб ошхўрликлардан ҳам кечворадиган одам нега ўқувчиларидан уяларкан?

– Ҳайронман, бунинг ота-онаси ҳам, хотин, бола-чақаси ҳам, ошналари ҳам мактаб эди. Домла, ичимизда ўқиб, одам бўлган фақт сенсан, бунақа гапларинг билан юракларни сиқмагин.

Чойхоначи иккита чойнакнинг биттасини Мамасолининг ёнига қўйиб, иккинчисини Турғунга узатди. Турғун аввал чойнакни ушлаб кўрди, сўнг қопқоғини очиб ҳидлади-да, Мирҳосилнинг ёнига қўйди:

– Чўтир, ўзинг қуя қол.

– Тўхта, жизза келсин.

Уларнинг бу қилиғидан аччиқланган Мамасоли жеркиб берди:

– Нафсларинг чуқилламай курсин. Гапини бўлмайд тек турларинг, юрагидан тутун чиқаяпти. Домла, ақлнинг кўзини топиб айтдинг. Бу қалбнинг муҳрланишига ўхшаган бир гап. Худо бир тоифа одамларнинг қўлларини бўйинларига кишанлаб қўяркан. Улар бошларини эгиб юрарканлару ома тўғри йўлни кўролмас эканлар.

– Ҳа, худди шунақа. Бошқаларни билмайман, ома мен шундай бўлдим. Кечикдим. Камида эллик йилга кечикдим.

– Қиёматда бизнинг эллик минг йилимиз Худонинг бир кунига тўғри келар экан.

– Сўфи, энди ўзинг гапни чалғитмай тур, болалардан нега уялаётганини айтсин, – деди Турғун.

Шокир бу саволга дарров жавоб қайтармади. Ниманидир мулоҳаза қилаётгандай сукут сақлаб, уф тортди:

– Мен болларни хато гапларга ўқитган эканман.

– Нега хато бўлади? – деб ажабланди Турғун.

– “Худо йўқ”, деб ўқитган-да. Мана энди Худо дилидаги қулфни ечибди, – деди Мамасоли маънодор оҳангда.

– Сўфи, сенга тек ўтир, дейилди. Гапир, домла.

– Сўфининг гапида ҳам жон бор. Лекин менинг уятим бошқа ёқда. Мен “Саксонинчи йилларда коммунизм бўлади”, деб болларни ишонтирганман. “Пул бўлмайди, милиса бўлмайди”, деб ишонтирганман.

– Ҳа, сен коммунизмни яхши кўрардинг, – деди Мирҳосил. – Кўчангни ҳам “Коммунизм” деб номлатувдинг. Қайси бир йили лектор келиб: “Ўртоқлар, биз бир оёғимиз билан социализмда, иккинчиси билан коммунизмда турибмиз”, деганида мен ҳазиллашиб “Лектор ука, эҳтиёт бўлинг, бу туришда четингиз йирилиб кетмасин” деб сендан балога қолувдим.

– Ҳа, энди гапировур. Мен аҳмоқ ўшанда бу ғоянинг белидан қарсиллаб синиб, ўлай деб ётганини фаҳламабман.

– “Одам маймундан пайдо бўлган”, деб ҳам ўргатгансан, – деди Мамасоли. – Эсингдами, бир кун мен сенга “Ота томондан маймунмисан ё она томонданми”, деб тегишганман.

– “Одам маймундан пайдо бўлган”, деганда... – Мирҳосил шундай деб Тўлқинга ишора қилди, – ановдақаларни назарда тутиб, тўғри айтган. Аслида, ановини ҳайвонот боғига олиб бориб қўйса ҳам бўларди-ку, ома боллар қўрқишади-да. Нима дединг, домла?

– Ҳа, гап сенга, гапировур.

– Яна нимани гапирай? – Бироз сукут қилди, ошналари шоширишмади, давом этишни кутишди. – Екатеринбургнинг тарихини сув қилиб ичиб юборган эдим. Лекин Замахшарий деган улуғ олим ўтганини ўзим ҳам билмаган эканман. Шунинг учун малака оширувчи ўқишга бордим. Болларга ҳеч бўлмаса бир кунгина тўғри, ҳалол дарс берай, кейин ўлсам армоним қолмайди.

Турғун унинг ҳолига ачиниб, бош чайқаб қўйди-да, далда берди:

– Ома оширвординг, ошна. Сен ўзингни айблама, замон шунақа эди.

– Баъзан ўзимга ўзим шундай тасалли бераман. Ома, ўқитувчининг кўзлари кўр бўлса, болларнинг кўзларини қандай очади? Бу саволга ҳам жавоб беришим керак.

– Ҳаҳ, эзвординг-да! – Мирҳосил шундай деб ўзининг тиззасига бир шапати урди. – Мен сенга минг йилдан бери айтаман-ки, кўп ўқийверма, бола, деб. Уқовриб, уқовриб, мияларинг пўла бўп қолган. Давлат сенинг қўлингга китоб бериб, шуни ўқит, дедими, сен ўқитдингми, тамом, шу етарли. Нуқул нотўғри гапларни ўқитмагандирсан. Тўғрилари ҳам бордир, а?

– Энди... – Шокир ўзини оқламоқчи эди, Мирҳосил гапиртирмади:

– Бўлди, энди-пендини йиғиштир, бўладиган гапдан гапир: Шожалилни бориб кўрдингми?

– Очиғи... вақт бўлмади.

– Шу-да! – Мирҳосил яна тиззасига шапатилади. – Ошнасини қариялар уйига олиб бориб қўйишибди-ку, бу чала домланинг фурсатлари бўлмабди. Яна “виждон-пиждон” дейди! Э, ўргилдим, сендан!



– Бормай тўғри қилибди, – деди Турғун Шокирнинг ёнини олиб. – Сенам ҳовлиқиб оширворасан. Чолни кўриб, бувам дегансан. Адашгансан. Ўғли олим бўла туриб отасини “Қариялар уйи”га топшириб кўядими?

– Вей, Буқоқ, билмайсанми, ҳамма қилиқ шу олимчалардан чиқади. Буруннинг тагига тўрттагина соч қўйиб олишиб, энам кўрмаган ишларни қилишади. Телевизорда шу кўзларим билан аниқ кўрдим: Тошканда “Қариялар уйи” деган жой борми? Бор. Битта ошнамининг оти Шожалил – Шалпанқулоқми? Ҳа. Узини танимасам ҳам қулоғи билан қошидан танийман уни. Бунақа шалпанқулоқ билан бунақанги бароқ қош дунёда бошқа одамда йўқ.

– Узи телевизорда гапирдими ё фамилиясини айтишдими?

– Тошканга кетатуриб ҳам шуни сўровдинг, дарров унутдингми? Яна эшит: Ёнидаги ўрис чол гапирди. “Яхши яшаяпмиз”, деди. Мен “Шунақа жойда яхши яшамай ўл”, дедим. Бола-чақанг бўлса, ғарибхонада яшайсанми, э сўтак! “Қариялар уйи”миш! Улимни кути-иб ётадиган ғарибхона у ер. Кўча-қўйда хорланиб ўлиб қолмаслик учун уч маҳал овқат еб, ўлимни кутиб ётишдан бошқа иш йўқ. Худо бир тишлам нон берса ҳам, бола-чақа билан биллалашиб ейдиган қилиб берсин. Бола-чақанинг ёнида жон бермайдиган бўлсанг, ўлиб ҳам маза қилолмайсан.

Обид иккита ликопчада жизза кўтариб келиб, кичикроғини Тўлқиннинг ёнига қўйиб, каттароғини Мирҳосилга узатди:

– Даклатни оляпсанми, чўтир?

– Сен, ёш бола нарса, эркакларнинг ишига аралашма. Эгнингга шим битганидан буюғига бунақанги доно гапларни эшитмагансан.

– Ол-а, битта кампиршонинг қош-қовоғига олтмиш йилдан бери тикилиб ўтириб, ҳали сен эркак бўлдингми? Айтмоқчи, Чўтир, кеча уйингга бориб сени чақирсам, қайсингнинг чиқди. Кўриниши ҳалиям қиздеккина-я! Олтмишдан ошмади-ёв, а?

– Ҳа, юракдан урдими, олиб берайинми?

– Раҳмат, ошна. Жон-жон дердим-у, ома бу йил уйланиш плонда йўқ-да. Келгуси ёзгача чидашим керак, шунақа ваъда берганман. Менга қара, шу хотин увол бўлмасин, Обид қувлик билан кўз қисиб қўйиб Тўлқин томон қаради: – Тўқим, ҳали ҳам бевамисан?

– Нима эди?

– Сенга харидор чиқиб турибди. Чўтирга божа бўлмайсанми?

Бу гапни эшитган Мирҳосилнинг кўзлари олайди, худди уриб юборадигандай қўлини паҳса қилди:

– Учир-е, овозингни! Яна шунақанги шилта гапларни айтадиган бўлсанг, нақ путингни йириб ташлайман. Шунга божа бўлгандан кўра итга божа бўлганим минг марта яхши!

– Жириллама! Сенга божа бўламан, деб ўлиб турганим йўқ, – деди Тўлқин овоз келган томон ўгирилиб. – Ит билан божа бўловур. Ҳар ҳолда бегона эмас, ўзингга қариндошлиги бор.

Бу гапдан ҳузурланиб кулган Турғун пайровни илиб, давом этди:

– Тўқим, озгина хато кетдинг. Итга божа бўлолмайди бу. Отаси “Қариндошдан қиз олма” деб васият қилиб кетган.

Турғуннинг гапидан малолланган бўлса ҳам, Мирҳосил сир бой бермай, кулган бўлди-да, жавобни ҳаяллатмади. Лекин Турғунга эмас, Тўлқинга мурожаат қилди:

– Вей, Тўқим, кўр бўлсанг ҳам балосан-а, бунақанги қопагон итни, – шундай деганича Турғунга ишора қилди: – қаердан топа қолдинг? Мен Бекали бурганинг жиянини етаклаб юрибман, десам, сенинг итингни боқиб юрган эканман-да, а?

– Адашдинг, Чўтир, ишонмасанг думини кўтариб кўргин, бургаларини кўрасан, – Обид ўзининг гапидан ўзи ҳузурланиб, хохолаб кулди. Кулги босилгач, Мамасоли ошналарига дакки берди:

– Бўлди-е, тозаям айнидиларинг энди.

– Бўпти, айнимасак айнимабмиз. Чўтир, қани, тупукдек-тупукдек қуй, – деди Обид ёшланган кўзларини кафти билан артиб.

– Керак бўлса, ўзинг қўйиб ичовур. Мен қуймайман ҳам, ичмайман ҳам, – деди Мирҳосил чойнакни нари суриб.

Бундан ажабланган Обид ҳам, Турғун ҳам бараварига сўрашди:

– Ҳа, нима бўлди?

Мирҳосил гарданини силаб туриб, кейин бирдан қўл силтади:

– Настроения бузилди.

– Аразлаган гадонинг хуржунига зиён. Буқоқ, бирга оласанми?

– Ҳамма нима деса – менам шу.

– Уялмайсанларми? У ёқда ошналаринг ётган бўлса, юракларингга маишат сияптимми?

– Домла, менга гапирма, Чўтирдан чиққан ғоя бу.

– Мени рўпара қилма, Боз. Домла, буни маишат демагин, дурустми? Ошнам тузалди, шунинг суюнчисига озроқ олармиз, девдим. Ўзи лик этиб кўтариб келибди. Ма, йўқот, – чойнакни узатиб, Тўлқин томон ишора қилди: – Анавинга бера қол. Заҳрига ичсин. Дўзахга тушишига озгина гуноҳи етмай турган бўлса, белатсиз қира қолади.

– Ўзинг ичовур. Ароққа чўмилиб юрганларингни унутдингми? “Ўлсам ўлигимни ароққа ювасанлар”, деб юрган одам энди фаришта бўпқолдингми?

– Вей, Тўқим, овозингни ўчирасанми ё оғзингни тикиб кўяйинми?

– Бўлди-е, ўрталарингда шу зорманда сарсон бўлдимми? Шишага солиб, уйга олиб кетаман. Сўфи, ярмини берайинми, невараларингнинг томоғига кампрес қиласан.

– Ўзинга буюра қолсин. Меникига ҳаром нурса кирмайди.

Обид ароқни шишага қайта қуйишдан олдин “тупукдек” отволиш мақсадида чойнакни кўтариб ўчоқбоши томон юрди-ю, кўчадан ўтиб бораётган Шожалилни кўриб, тўхтаб қолди.

– Ие, ие, эшакни йўқласанг қулоғи кўринади, дейишармиди, а? Ҳой, Қулоқ, анқайма, бу ёққа қараб юравер!

Шожалиловозкелгантомонқараб, Обидга кўзитушиши билан чеҳраси очилди. Сўрида ўтирганлар Шожалилни кўриб, ўринларидан турдилар. Нарда ташлаётган йигитлар эса уларга бир қараб олиб, ўйинларини бепарво равишда давом эттиравердилар. Гамлетнинг пиёлага ароқ қуйиб ичишини кўрган Мамасоли афсусланиб бош чайқади. Мирҳосилнинг эса қошлари чимирилди. Ошналар кўришаётган пайтда бир йигит пайдо бўлиб, айвонда ўтирганлар томон шошилди. Гамлет ўтирган ерида унга қўл узатди. Йигит ўтирмай, сал энгашганича, унинг қулоғига нимадир деди. Гамлет мамнун ҳолда бош ирғағач, унга ароқ қуйиб узатди. Йигит бир зарбда пиёлани бўшатгач, бутун бодрингдан бир тишлашда узиб олиб чапиллатиб чайнаганича бўш ўриндиққа ўтириб оёқларини чалиштириб олди.

Шожалил ошналари билан кўришаётиб, ёшланган кўзларини билинтирмай артди. Аммо Мирҳосилнинг зийрак нигоҳи буни илғади:

– Ҳа, ошна, нима бўлди?

– Кўзимни сал шамоллатибман, шекилли.

– Азалдан нозиксан, сен бола. Ёнингдан пашша учса ҳам шамоллаб қоладиган сортидансан, – деди Турғун.

– “Қариялар уйи” совукдир-да, а? Шабадароқ ерда эканми? – деди Мирҳосил жойига чиқиб ўтирар экан.

– Нима деяпсан, тушунмадим? Қанақа қариялар уйи? – Мирҳосилнинг рўпарасидан жой олган Шожалил унинг ўткир нигоҳига дош беролмади: – Кўзларинг худди ўқланган тўппончага ўхшайди-я, тепкини боссанг тамом, – деб гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.

– Қулоқ, сен гапни айлантирма. Хоҳласанг, хоҳламасанг ҳозир тепкини босади. Зап келиб қолдинг, қонингга ташна бўлиб ўтирувдик, – деди Турғун ҳозир бошланажак довулдан хабар бериб.

– Ҳа... кўрибсанлар-да. Хўш, нима бўпти? Қариялар уйида яшаш гуноҳми? Давлатга хўп хизмат қилдим, энди давлат ҳам мени боқсин-да!

– Боқадиган давлатингдан айланай сенинг. Фақат боқарканми ё уйлантириб ҳам кўярканми? Ит қарамайдиган баришналар бордир ўша уйингда? – деди Обид.

– Шожалил, бизларам давлатга хизмат қилганмиз, бизларни ҳам олиб бор ўша уйингга. Давлат бизларди ҳам боқсин, – деди Мамасоли.

– Сўфи, сен ўзингни тикиштирма, – деб Мирҳосил уни қайириб ташлади. – Сени мачит боқади. Давлат манавиндақа сўлтаматларни боқади.

– Менга бунча осилиб қолдиларинг? Пўлатга нима бўлди, тузукми?

– Ҳали сенга осилганимиз йўқ, осилмаймиз ҳам. Аксинча, сени осамиз. Аввал ўша олимча ўғлингни шахсан ўзим тумруғидан осаман. Бутун қишлоқ томоша қилиб туради. Керак бўлса, дилбизорда кўрсаттираман. Бемехр ўғилга қандай жазо берилишини одамлар кўриб қўйишсин. Шундан кейин эна-оталарини хўрлайдиганларни топиб битта-битта осавераман.

– Катта кетма, Чўтир, ҳаммасини осисга умринг етмайди, – деди Мамасоли.

– Этади. Худодан сўрайман. Бемехр фарзандларни осиб қуритмагунимча ўлдирмай тур, дейман...

Турғун ошнасининг нафас ростлашидан фойдаланиб, Шожалилга бошланган ҳужумни давом эттирди:

– Қулоқ, сен Мирҳосилдан ранжима. Аччиғи чиққанича бор. Ўғлинг олиб бориб қўйган бўлса ётовурдингми аммамнинг бўзагига ўхша-аб. Хом ошқовоқни ишлатмадингми? “Бу ерда ётишим – ошналаримга иснод, ошналарим энди бош кўтариб юролмай қолишади”, деб ўйламадингми? Қишлоғимиздан шу пайтгача бирорта бузуқи чиқмаган, битта ўғри чиқмаган. Чикса ҳам унча уялмас эдик. Чунки бундақалар ҳамма ердан

потраб чиқиб ётибди. Ома ён-атрофдаги биронта қишлоқдан бир пайтавафаҳм чиқиб “Қариялар уйи”га бориб ётгани йўқ. Бизнинг улфатга ўхшаган улфат бу яқин атрофда йўқ. Сени бир бало қилиб бўлса ҳам боқиб олардик.

– Тўғри айтдинг, жуда боқолмасак, поезднинг тагига ташлаб қутулиб қўя қолардик. Ё бўлмаса, битта бойроқ кампирга уйлаб қўярдик, ўзи эвлаб оларди сен туршакни.

– Ана, қўшмачимиз ҳам тайёр. Ома Чўтир чиндан осадиган бўлса, арқонни ўзим-ла эшиб бераман.

– Оғайнилар, сизлар тушунмаяпсизлар...

– Ҳали биз тушунмайдиган ҳам бўлқолдикми? “Қариялар уйи”нинг карам шўрвалари ақлингни пешлаб юбордимми? Менга қара, Қулоқ, манов Тўқимни кечиришимиз мумкин. Ома, сени кечириб бўлмайди. Тўқим битта Пўлатнинг ўзига хиёнат қилувди, сен ҳаммамизга хиёнат қилдинг. Билиб қўй, ўша ёқда ўладиган бўлсанг, ўғлинг бу ёққа савлат қилиб кўтариб келмасин. Бу ерда жой йўқ сенга, пойтахтига кўмаверсин. Домла, тўғри гапиряпманми? Сен ҳам бир нима де.

– Чўтир икковинг сайрай бошласаларинг, бу ёқдагиларга навбат тегармикин? Сенларнинг жағларингни Худо резинкадан яратган, безразмерний, – деди Мамасоли танбеҳ оҳангида. Унинг жиддий гапини Обид ҳазилга бурмоқчи бўлди:

– Урисча қўшмай гапир, сўфи, ато намозингни Худо примат этмий.

Вазият жиддийлиги учун пайров давом эттирилмади. Сухбатга чорланган Шокир томоқ қириб қўйиб, гап бошлади:

– Ҳар ҳолда, яхши иш бўлмабди. “Қариялар уйи” ҳеч кими йўқ чорасиз одамлар учун ўйлаб топилган. Мана, масалан Сотволди борса айби йўқ эди.

– Домла, ўйлаб гапир, нима учун Сотволди бораркан? – деди Турғун.

– Мен мисол учун айтяпман.

– Мисол учун ҳам айтма. Сотволди виждонли одам эди. Одам ўлса виждони ҳам қўшилиб ўлади, деб ўйлайсанми? – деди Мамасоли Турғунни қўллаб.

– Бу Қулоқнинг Сотволди бўлишига минг қовун пишиғи бор, – деди Мирҳосил тўнгиллаб.

– Ҳали мен виждонсизманми? – шундай деб ўрнидан туришга ҳаракат қилган эди, ёнида ўтирган Обид енгидан тортиб, қимирлатмади.

– Жирилламай тек ўтировур, – деди Турғун ҳужумни давом эттириб: – Сен икки марталаб виждонсизсан. Исбот қилиб берайинми? Биринчи виждонсизлигинг – “Қариялар уйи”га боришлигинг. Домла “чорасизликдан” дедими? Йўқ, домла, сен тўғри айт: виждонсизликдан борилади. Дунёда одам ёлғиз қолиши мумкинми? Бола-чақаси ўлиб кетган бўлса, ёки қарамай қўйган бўлса, ошна-оғайнилари ҳам қолмайдими? Мен бу хунасага кунда бир коса овқат топиб бера олмайманми?

– Гап овқатда эмас.

– Энди тўхта, домла, – деди Мирҳосил. – Сайрасам сайраб олайин: қайси бир йили райком Сотволдига текинга мошин бермоқчи бўлди, эсларингда, а? Ҳаммамиздан кўра Сотволди ҳақироқ эди. Ордени ҳам кўп эди. Ома олмади ўша текин мошинани. Гаплари эсларингдами: “Мен етим ўсганман, етимлик нималигини биламан. Давлатнинг сағирлари бор, шу мошиннинг пулига сағирларини яхшироқ боқсин. Урушдан тирик қайтишимнинг ўзиёқ менга бир бахт. Мен текин мошин оламан, деб уришмаганман. Урушда жонимни сақлаб қолган Худо пешона теримга ҳам бирон нима берар”, деган эдими? Ҳа... ома... ўша мошинни сен олдинг, Шалпанқулоқ. Олдинг-у, “Ўғлим билан яшайман”, деб шаҳарга жўнавординг. “Қишлоғимиздан битта олим чиқибди”, деб индамадик. Ўғлингга ота эмас, ўша мошин керак эди.

– Ўша мошин турибдими ё сотиб юбордиларингми? – деб сўради Турғун пичинг оҳангида.

Шожалилга бу савол кутилмаган бўлгани учун сал довдиради:

– Тур...гандир... Ҳа, турибди, неварам минади.

– Турган бўлса яхши. Чўтир, ўғлини ўша мошинга қамаб ёқиб юбориш керак.

– Суф-е, гап деб гапироврасанларми! – деди Мамасоли аччиқланиб. – “Сотволди”, дейсанлар, “виждон”, дейсанлар... Сотволди тирик бўлганида, бунақа кариллай олмасдиларинг. Оғизларингни ўзи ёпиб-ла қўярди. Сотволди ўлиб кетди, Пўлат бу ёқда. Тахт сенларга қолдимми энди? Пўлат ҳам ўтгудай бўлса, Чўтир, журабошилиқ сенга қолади, ана ўшанда истаганингча кариллайверасан.

– Совуқ нафас қилма, нега мен жўрабоши бўларканман?

Уларнинг тортишувини диққат билан эшитиб ўтирган Тўлқин “бу тилни ейдиган ит ҳам ўладиган бўлди”, деб қўйди. Паст овозда гапирган бўлса ҳам, Мирҳосил эшитди, лекин чалғимаслик учун унга жавоб қайтармади. Уқрайиб қараш билан кифояланиб, гапини давом эттирди:

– Бир куни Сотволди бозорга тушиб сабзи олиб чиқибди. Хотини қараса, бу сабзини

мол ҳам емайдиганмиш. Хотини “Нега ириган сабзи олдингиз?” деса, “Ахир, мен олмасам бошқа ҳеч ким олмайди-да”, дебди.

– Боғча қурилишини айтгин, – деб уни қувватлади Турғун. – Хотини овқат қилиб қўйса, қурувчиларга олиб чиқиб берарди.

– Ўзинг айт, Қулоқ, сен шундай қила олармидинг?

– Ўзларинг-чи?

– Биз ҳам қилолмасдик. Шунинг учун Сотволдининг виждонини гапирсак, сен тек ўтировур.

– Шожалил, сен бу ошналарингдан ранжима. Бу партизанларнинг қўлларига милтиқ бериб “От!” дейилса бас, “Кимни отай, нимага отай?” деб суриштирмасдан тепкини дангал босиб юборишовради. Ўғлингни “осамиз, ёқамиз”, дейишлари бекор. Ўғлингда айб йўқ.

Шокирнинг бу гапи Шожалилга мойдек ёқиб, чеҳраси сал ёришди:

– Ҳа, гапир, домла, гапир. Бу пандавақилар нима дейишаётганларини ўзлари ҳам билишмайди. Гитлерга ҳам беш кетмайман баъзан. Шунча уруш қилиб, шунча пул сарфлаб, шу икковига қолганда иккитагина ўққа хасислик қилса-я! Иккови тузукроқ бўлса ҳам майли эди: биттаси чўтир, биттаси буқоқ. Бир кўрсам кўнглим айниб, ўн кун овқат еялмай юраман. Домла, қўй буларди, нима деятувдинг?

– Ўғлингда айб йўқ, дедим.

– Эшитиб қўйларинг, ҳов...

– Ҳа, ўғлингга даъво йўқ, ҳамма айб ўзингда! – Шокирнинг бу гапидан кейин Шожалил бир бўзарди. Унга осилаётган икки ошна юзларини мамнунлик ели силаб ўтди. Шокир бу ўзгаришларга парво қилмай давом этди. – Сен, энг аввало, бола тарбиясида янглишгансан. Биз ёшларни ёмон дейишга ҳақли эмасмиз. Улар қандай ёмонликни одат қилишган бўлишса, осмондан эмас, ўзимиздан олишган-ку? Улар бизлардан яралдиларми, ахир, одобни, қандай яшашни бизлардан ўргандиларми. Осадиган бўлсак, аввал ўзимизни осайлик, ёқадиган бўлсак, аввал ўзимизни ёқайлик. Агар ўғли ёмон бўлса, фақат Шожалил эмас, мен ҳам, сенлар ҳам айбли. Ошнамиз, деймиз, ака-укамиз, деймиз, оғиз-бурун ўпишамиз, маза-бемаза ҳазиллар қиламизу жиянимиз қандай ўсяпти – билмаймиз.

– Домлажон, сен осмондан туриб гапирма, эсингдами...

– Турғунбой, қўй ошнажон, вақт кўмиб юборган нарсаларни кавлаб чиқарма. Бўлар иш бўлган. Қариялар уида беш-ўн кун ётгандир. Мана, бурнига сув кириб, қайтиб келибди. Ўзининг уида яшовради, сенларам ўша бир коса овқатларингни чиқароврасанлар.

– Чўтир, каллага зўр фикр келди, – деди Обид мактаб боласи каби қўл кўтариб.

– Қайсинглимни бунга тиқиштира. Мен энди бунга божа бўлишдан орланаман.

– Яна бошляяпсанларми! Қани, турларинг, маза-бемаза гаплар айтовриб, исқиртларинг чиқиб кетди. Шом кирмасидан сойга тушиб, бет-қўлларни ювайлик. Енгил тортамиз. Бирга намоз ўқисак, Пўлатни дуо қилсак савоб бўлади.

– Э, бормисан, Сўфижон, индамасанг буларинг дунёни дўзахга айлантриб юборишади, – таклифдан мамнун бўлган Шожалил биринчи бўлиб жойидан жилди.

Бармоқ излари ҳар хил бўлганидек, туйғулар ҳам бир хил эмас. Шунга қарамай, бу улфатларнинг қалблари меҳр занжири билан боғланган, занжир ҳалқасини фақат ўлимгина узиши мумкин эди.

Мирҳосил ҳам туриб, сўридан тушди-ю, аммо уларга эргашмади.

– Юрмайсанми? – деди Мамасоли.

– Мен сенларга ўхшаб ювуқсиз эмасман. Менинг бет-қўлларим топ-тоза.

– Бунинг бетларини ҳалиги... божалари ялаб қўйишган, – Обид кулганича ўчоқбоши томон юрди.

– Шунақанги ҳафсала билан ялашган-ки, яловриб-яловриб арининг уясидай ўйдим-чуқур қилиб ташлашган.

– Вей, Қулоқ, сенга аския айтишди ким қўйибди, сен сойинга тушовур. Орол денгизидай келадиган қулоқларингни ювишга бу сойнинг суви етармикин?

Мирҳосил шундай деганича сўри яқинида ёлғиз ўзи қолди.

Оқшом уфқ ортига аста судрала бошлади. Кечки шабада умри тугаётган баргларни тортқилаб шивирлайди. Гўё бу барглар видео кўшиғини айтишади... “Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ”, деганларидай Мирҳосил табиатнинг бу ажиб манзарасига парво ҳам қилмайди.

– Мирҳосил, сенам тушсанг бўларди, сал ҳовуринг босиларди. Бугун чап томонинг билан турганмисан, одам зоти кўзинга хунук кўриняпти, – деди Тўлқин.

Мирҳосил нишини кимга санчишни билмаётган гаранг ари ҳолида турганида Тўлқин тилга кириб, бу нишга ўзи рўпара бўлди:

– Одам зоти дедингми? Йўқ, адашдинг, – деди Мирҳосил унга яқин келиб. – Одам зоти кўзимга ҳечам хунук кўринмайди. Ома одам кепатасидан чиққанларга тоқатим йўқ. Биринчи галда сенга, Тўқим. Феълимнинг айниши учун чап томоним билан туришим шарт эмас, сени кўрганимнинг ўзи етарли.

– Ҳадеб кариллайверма, сенга ёмонлик қилмаганман.

– Агар Пўлатнинг ўрнига мен қамалганимда, қутилиб чиққан кунимоқ сени бўғардим. Пўлатни олиб кетишганда, рости, сени ўлдирмоқчийдим, шу боллар йўлимни тўсишди.

– Ўлдирувурсанг бўларкан, мени бу азоблардан қутқарардинг. Бир лаҳзалик кўрқоқлим учун Худо мени бир умрга жазолади.

– Сен ўшанда ўлимдан кўрқингми?

– Йўқ... – Тўлқин чуқур уф тортиб сукут сақлади. Кейин аламли овозда деди: – болаларимнинг етим қолишидан кўрқдим.

– Иккови бир эмасми?

– Мирҳосил... сўқасанми, урасанми, ўлдирасанми, майли, ҳақинг бор, сендан ранжимайман. Сен-ку, сен... мен ўзимни ўзим кечиролмайман. Қанча тунларни уйқусиз ўтказаман. Ҳеч кимга билинтирмай... йиғлайман. Пўлат чиқиб келганда сенлар қувондиларинг. Уни эсон-омон кўриб шодландиму ома сенларга ўхшаб сиртимга чиқара олмадим. Кўкрагимни муздек ерга бериб ётдим. Ер шундайгина ёрилса-ю, бағрига ола қолса, дедим.

– Хоинлардан ер ҳам безор, бағрига олмайди.

– Безорми... барибир, олади бағрига.

– Шармандалик юки билан кирасан. Урушда пошистлар “Бу – партизан”, деб тахтага ёзиб, бўйнига осиб қўйиб кейин отишган. Агар мендан олдин ўлсанг, уйингга бориб, кафанингга “Бу – хоин” деб ёзиб қўяман.

– Чўтир, бунчалик бешафқат бўлмагин. Ҳар ҳолда, биз бегона эмасмиз. Бутун умрим хоинлик билан ўтмади-ку? Бир мартагина адашдим. Болалигимиз ҳурмати, бунча қийнама, ошна.

– Болалигимизни тек қўй. Болалигимиз оппоқ дастурхондай бўлиб қолган. Энди ифлос оёғинг билан босма уни.

Мирҳосилнинг кескир қиличдай сўзларига кўникиб кетган Тўлқин жавоб қайтармай, соғинч оҳангида, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай деди:

– Мен кўп эслайман. Кўчаларда соққа қувишларимиз...

– Ўша ўйинда ҳам ғирромлик қилардинг.

– Унда ҳаммамиз ғирромчи эдик. Ома дилимиз беғубор эди. Сен чечак билан оғриганингда энанг “юқиб қолмасин”, деб бизларни ҳайдардилар. Биз барибир ёнингга келовардик. Буқоқ сариқ билан оғриганида...

– Ҳа, райсентргача опичиб олиб боргансан. Ҳали ҳам миннат қилиб юрибсанми?

– Миннат учун айтаётганим йўқ. Сарикни тузатиш учун қонни алмаштириш керак, деб эшитиб ҳаммамизнинг қон топширгани борганимизни эслатмоқчийдим. Қон эмас, жон дейилса, жонимизни ҳам топширардик ўшанда. Шунақа ахил эдик, беғубор эдик... оппоқ дастурхон деганинг ўринли.

– Биз ҳозир ҳам шундаймиз. Фақат сен бўлакчасан.

Ўзаро гап талашаётган қариялар айна чоғда гўё дарёнинг икки соҳилида турарди, аммо умрлари бир дарё сувида оқиб бораётганини, мавжлар елканлари титилиб кетган кемаларини бир манзилга етказиб боражагани ўйлаб кўришмасди. Тил заҳридан юраги яраланган Тўлқин чуқур уф тортиди-да, ҳазин оҳангда давом этди:

– Бўлакча эмасман. Ҳозир Пўлатнинг ўрнига жонингни бер, дегин...

– Қўй, Тўқим, жонинг ўзингга буюрсин. Бунақа мардликни ёшлиқда қилиш керак. Эрта-индин ўладиган жонинг кимга керак?!

– Қаҳринг мунча қаттиқ, Чўтир? Мусулмон мусулмоннинг айбини уч кундан кейин кечвориши керак экан.

– Шунақа гапларни ҳам биласанми? Сўфи ўргатдим, дейман? Сўфидан сўра-чи, хиёнатчи ҳам мусулмонга кирармикин? Хиёнатчини уч кун кечиримас, уч кун ичида ўлдирвориш керак.

– Хиёнат деёвриб ҳам жонимни олдинг-да!

– Уч кундан кейин кечиримас керак, деб мана бунақа, – Мирҳосил Тўлқиннинг кўзи ожизлигини унутиб, нарда ўйнаётганларни ишора қилди, – ёшларди расвои жаҳон қилдиларинг. Дўстни сотвориш буларнинг ош-овқати бўлиб қолди. Ким нима деса деёвурсин, менинг гапим битта: хиёнат сира кечирилмаслиги керак. Хиёнатчиларнинг мазорини ҳам бўлак қилиб қўйиш керак. Ўтган-кетган шу мазорга қараб тупуриб ўтсин. Сен дўстга хиёнатни кичкина гап деб ўйлапсанми? Йў-ўқ, Тўқимбой, бугун дўстга хиёнат қилган эртага Ватанини ҳам сотворади. Индинга Худони бозорга солишдан ҳам қайтмайди.

– Сен кечирмасанг кечирмагину ома мени унақаларга тенглаштира. Орадан эллик йил ўтди-я!

– Ана кўрдингми, сенсиз эллик йил улфатчилик қилибмиз. Сенсиз яна эллик йил бемалол яшашимиз мумкин экан.

– Ҳа... тил сеники, гапиравер, ошнам. Йиллар бўйи дилимни оғритаверишингга кўникиб қолганман, аммо улуғ ёшга етиб феълинг ўзгармаганига ажабланаман, холос.

Қатлама йиллар оралиғига ўтмиш хотиралари чўкиб кетгандай бўлгани билан қатқат кунларнинг орасида нақшланган излар ўчмайди. Ўтиб кетган вақт ғилдирагининг поёнсиз чуқур изидаги афсуслар ҳам ўчмайди... Довулли кунлар ўтади, зулмат тунлар ҳам ўтади, бироқ излар мангу қолади. Тўлқин буни билади. Билгани учун ҳам бу ошнаси билан астойдил олиша олмайди...

Мирҳосилнинг сойга тушмай қолишидан мақсади, Тўлқин билан гап талашиш эмас, унга айвондаги йигитларнинг ўтириши ёқмаётган, иложи бўлса, уларни йўқотишни фикр қилган эди. Тўлқин билан гаплаша туриб у томон дамо-дам қараб, фикри қатъийлашди. Кейинги гапни гапира туриб, уларга баралла тикилиб қолди.

– Тўқим, сен мингирлаб, мен бақириб, барибир муросага келолмаймиз. Тек ўтировур. Сиқилиб кетаётган бўлсанг, уйингга жўна. Келганингни Пўлатга айтиб қўярмиз.

Тўлқин унинг талабига жавоб бермади. Даҳанини асога тираб ўтираверди. Мирҳосил эса қандай чора кўришни билмай тикилганича туриб қолди. Гамлет унинг бу туришидан хавотирланиб, соатига қараб олди:

– Вақт бўлиб қолибди. Ну, нима қилдик, Жокер, старё кетадиганга ўхшамайди.

– Қўявер. Буларнинг ўтириши менга ёқпти, – деди учинчи йигит, – мент адашиб келиб қолса, буларни кўради-ю, бу ёққа ўтмайди. Кечаси билан ўтиришса ҳам, майли.

Жокер унинг гапни қувватлади:

– Менам шунақа деяпман.

– Эсингдан чиқарма, – деди учинчи одам Гамлетга тик боқиб. – Бошқа нарсаларга алахсимай, оқ қўлқопнинг бармоқларидан кўзингни узмайсан. У қишин-ёзин бекорга қўлқоп киймайди. Бармоқларини аяйди, хунаса. Бир балони сезади бу бармоқлари. Агар ютадиган бўлса, индама, ютаверсин. Лекин катта тушма, ҳовлиқма, – Гамлет “маъкул” ишорасини қилгач, у Жокерга қаради. – Одамларинг тайёрми?

– Тайёр. Уша бурилишда кутишади. Пишиқлаб қўйганман.

– Ўлдириб қўйишмасин тагин. Пулни олиб, панжасини эзиб қўйишса бўлди, а?

– Худди шунақа бўлади. Аввал сизни сал-пал папалашади, кейин унга ўтишади.

Ҳоз юриш билан яқинлашаётган Мирҳосилга кўзи тушган Гамлет шерикларини паст овозда огоҳлантирди.

– Полундра! Старё келяпти, – шундай дегач, қўлидаги тошни тахта устига ташлади-да, овозини кўтарди: – Ваҳ! Олтига-олти! Бўлди, тамомсан, йиғиштир, – худди Мирҳосилнинг яқинлашганини тасодифан кўриб қолгандай у томон қаради: – Келинг, бобой.

– Вей, “бобой” деганинг нимаси, а? Танглайингни қайси татар домла кўтарган. Боя бир айтдинг, индамовдим.

– Энди бу модний-да, бизлар городской бўлсак...

– Э, городскойингга урайин сени.

– Қани, бобой, ўтиринг, плиз, – деб учинчи йигитнинг ёнидаги бўш ўринни кўрсатди.

– Яна “бобой” дейди-я!

– Тоға, бу боланинг тилини қарға чўқиган, парво қилманг, ўтиринг, пича дам олинг.

– Ҳа, тоға, плиз, чой чақирайми, ё оқсоқолдан юзтагина оласизми? Бел бақувватми, чоғингиз келадики биз билан олишга.

– Чоғимми? – Мирҳосил қошларини чимириб, унга ғазаб билан тикилди: – Уйда мишиғингни отанг артармиди ё ўзинг артадиган бўп қолганмидинг? Қани, қуй-чи. Тўлдириб қуй, ҳа. Энди ўзингга қуй. Қани, отдик! – Бир кўтаришда ичиб, “куф” деб қўйди-да, Гамлетга қаради: – Ҳа, омайсанми?

– Биз бунақа дикийчасига олмаймиз. Бўлиб-бўлиб оламиз. Ичшининг ҳам культураси бор.

– Э, культурангга урайин сени, оласанми ё йўқми?

– Гамлет, арининг уясини кавлаб қўйдинг, ол энди, гапингга отвечать қил, – деди учинчи йигит шеригига танбеҳ бериб.

Гамлет норози қиёфада афтини буриштириб қўйиб, пиёлани кўтарди. Ичаётиб қалқиб кетган эди. Мирҳосил заҳарханда қилди:

– Иликларинг бўш сенларнинг. Биз Ленинград қамалидан чиқаётганимизда...

– Бобой, бобой, пожалуста, политикани қўйинг. Биз отдихга келганмиз, – деди Гамлет лабини кафти билан арта туриб.

– Шунақами?! – Мирҳосил ғазабини яширмай, унга қаттиқ ўқрайди: – Бўлмаса, яна биттадан қуй.

Гамлет Мирҳосилнинг пиёласига қуйиб, ўзиникини сал четга сурди, унинг бу қилиғи қарияга ёқмади:

- Ўзинга-чи?
- Мен пас, ичмайман.
- Ичасан.
- Зўрлашни закўн кўтармайди, бобой, э, узр, тоға.
- Баққа ол! Э, йигит бўлма кет сен!

Шишани тортиб олиб, Гамлетнинг пиёласига тўлдириб қуйиб узатди. Гамлет бўйин товламоқчи эди, учинчи йигитнинг бош чайқаб қўяганини кўриб, ноилож олди. Мирҳосил унинг ичишини кутмай, гапини давом эттирди:

– Биз Ленинград қамалида неча кун бўлганмиз, биласанми? Билмайсан. Оч қолганларимизни ҳам билмайсан.

- Илтимос, тоға, политикани тўхтатинг. Терпением до предел бўлди.
- Мен сенга Ленинград қамалини гапиряпман!
- Менга бу политика абсолютно керакмас.

Гамлет илкис айтиб юбормади, билиб гапирди. Ўйинлардан тинкалари қуримай, ишратлардан безмайдиган, овозларидан ҳеч маҳал ҳорғинлик сезилмайдиган бу йигитларни уруш фожиалари, одамларнинг аламли тақдирлари мутлақо қизиқтирмас эди. Бу лоқайдлик, бу бемеҳрлик билан муроса қила олмайдиган Мирҳосилнинг вужудини ғазаб алангаси қамраб олди:

– Шунақами?

Ғазаб ўтида қоврила бошлаган Мирҳосил қўлидаги ароқни унинг башарасига сепди-да, пиёлани стол устига ташлаб, шу заҳоти йигитнинг ёқасига чанг солди. Йигит ўзини ҳимоя қилишга улгуролмай ҳам қолди:

– Пошистни қандай бўғганимни кўрсатиб қўяйин, кейин биласан, ниманинг абсалутна керакмаслигини!

Гамлет қариянинг чўяндай қаттиқ чангалидан қутилишга уриниб, типирчилай бошлади. Жокер эса “Ўлдириб қўймасин!” деган хавотирда Мирҳосилни қучоқлаб олиб, четга тортмоқчи бўлди. Учинчи йигит қариянинг билагига осилди. “Бу оламнинг зўрлари бизмиз”, деб керилиб юрувчи уч йигитнинг ҳаракати бу қарияга чивиндай ҳам таъсир қилмади. Чойхоначининг ёрдамга келиши ҳам фойда бермади. Агар сойдагилар чиқиб келиб, аралашишмаганида типирчилаётган йигит масаласи ҳал бўлиши аниқ бўлиб қолган эди. Ғазаб оташида ўзини йўқотган Мирҳосил уни худди фашистни бўғгандай бўға бошлаган эди.

Мирҳосилни ажратиб олишгач, уч йигит шошганича ичкарига кириб кетди. Мирҳосил ҳам улар кетига тушмоқчи эди, ошналари бўшатишмади. Қафасдаги шер ҳолига тушган қария аламини кимдан олишни билмай, кўрқувда турган чойхоначига қараб захрини сочди:

– Сен хунаса, самовархонани шунақаларга макон қилиб қўйдингми? Мен ҳали буларди уруғларини қуритаман.

– Ундай деманг, тақсир, ким келса самовархонанинг эшиги очиқ. Дам ундай, дам бундай одамлар келишади-да.

– Ҳе, ўша очиқ эшигинга...

Мирҳосил бўралаб сўкишни бошлади-ю, авжига чиққанида бирдан тўхтаб, кўча томон қараб қолди. Бошқалар ҳам ўша томон ўгирилишди. Адолат билан Телманнинг кириб келиши барчаларини ҳайратга солди. Шифохонага қараб бораётган Адолат қарияларга кўзи тушиб, чойхонага бурилди. Уларга яқинлашиб, гўё ниманидир текшираётгандай бир-бир қараб чиқиб, кейин саломлашди:

- Салом, йигитлар.
- Ие, Адол, ўзингмисан? – деди Турғун ажабланганини яширмай.
- Ҳа, ўзимман.

Қисқа саломлашишдан кейин орага тушган сукутни Шожалил бузди, Адолат томон бир қадам ташлаб, қўл узатди:

- Салом, яхши қиз. Келинг, нечук?
- Пулатнинг тоби қочиб қолганмиш, деб эшитдим.
- Шуни эшитиб атай шаҳардан етиб келдингми, а? Қайдан эшита қолдинг? Биз шу қишлоқда туриб энди билдик. Сен шаҳарда туриб эшитибсан-да, а? Манов ким, ўғлингми?

– Ҳа, ўғлим, танидингми?

Даврага яқинлашган ўғилнинг олазарак нигоҳи йигитлар қолдириб кетган шишага тушиб, қотиб қолган эди.

- Танишга танидим, ома ўғлинг соқов бўлганми, дейман?
- Нега? Ҳа... Телманчик, амакиларинг билан дарров саломлаш.

Телман кўзини шишадан узмай “Салом”, деб қўйди. Турғун норози нигоҳини йигитдан узмай яна сўради:

– Адол, бу кимнинг ўғли?

– Меники, дедим-ку?

Телман бу савол-жавобга аҳамият бермай, даврани четлаб ўтиб, столга яқинлашди-да, пиёлага ароқ куйиб ичиб, ўриндиққа ястаниб ўтириб олди. Бу қилиқдан ғашланган қарияларнинг ҳар бири унинг бетига шапалоқ туширишга тайёр бўлса-да, ўқрайиб куйиш билан чекланишди. Турғун ғазабини ичига ютиб, бошлаб қуйган савол оқимини давом эттирди:

– Ҳа, энди ярми сеники экани аниқ, қолган ярми-чи? Отаси ким, дейман?

– Ҳа, энди билмай қолдингми? – деди Адолат чимирилиб. – Отаси – Пўлат!

– Бунинг туғилганида Пўлат қамоқдамасиди? – деди Шожалил.

– Яна эски пахтани чувяпсанларми? Ўзинг ким бўпсан-ки, сенга ҳисоб берсам? Пўлат қамоқдалигида уни икки марта бориб кўрганман. Боланинг отаси кимлигини ўзи яхши билади.

– Тўйда туғилган болага – “Тўйчивой”, йўлда туғилганга – “Йўлчивой” деб исм қўйилади. Унда сеники “Турмавой” бўлиши керак эди. Ҳали ҳам “Телман” деб юрибсанми?

– Қариганингда сассиқ чол бўласан, дердим, янглишмаган эканман.

Ўчоқбошидаги ишини тамомлаган Обид Адолатни кўриб, шу томон юрди. Аёлга яқинлашмаёқ гапини бошлаб юборди:

– Адол? Ўзингмисан, Адол? Вой-бў... адо бўбсан-ку, Адол? Юзингни торттириб турардинг, нима, пул қолмадимми? Сен бунақа юрма, ўзингга қара. Қанақанги жонон эдинг-а!

– Тўғри айтасан, Обид, – деб гапга қўшилди Шокир. – Гўзал қариса, бир фожиа, амалдор гўзал қариса, минг фожиа. Бечорага қийин: ҳам чиройдан, ҳам амалдан ажраган.

– У, домла. Шунинг ўзи бўлса гўрга эди. Жонон эридан ҳам ажраса-чи?

Шокирнинг ўрнига Шожалил жавоб берди:

– Баттар бўлсин...

Адолат кўзларидан нафрат учкунларини чақнатиб, худди уриб юборишга қасд қилгандай Турғунга рўпара бўлди:

– Буқоқ, сенга ким қуйибди фалсафа сўқишни, бас қил!

– Адол, бу ёққа қара-чи, – деди Мирҳосил. – Тўқимни танияпсанми, қара, якка мохов бўлиб ўтирибди. Сенинг жазманингни деб ошнасини сотган эди.

– Бунақа гапни сен аҳмоқлар ўйлаб топгансанлар. Ҳеч қачон жазманим бўлмаган менинг. Тозалигимни Пўлат билади. Сенлар сасишдан бошқани билмайсанлар.

– Пўлат шу кунга довор сени бизга тоза деб келди, – деди Турғун. – Биз ҳам унинг кўнглига қараб “Хўп”, дедик. Ома у валдирайверади. Ҳар биримизнинг кўзимиз бор, кулоғимиз бор, фаросатимиз бор. Майли, ўтган иш ўтди, тоза бўлсанг тозадирсан.

– Менга қара, Адол, ўғлинг адо бўпти-ку? – Обид шундай деб Телманга қараб кулди.

Адолат ўғлига яқинлашиб, елкасидан ушлаганича силкиди:

– Ҳа, ичмай ўла-а, шу ерда ҳам искаб топдингми?

– Йигитнинг насибаси кўчада бўлади, мамул, – деди Телман шодонлик билан.

Адолат ҳаракати самарасиз эканидан афсусланиб, Обидга қаради:

– Мени шу куйдириб қаритди.

– Уйланганми, бола-чақа борми?

– Шунга ким тегади, ким чидайди?

– Мен уйланишни ваабше хоҳламайман, – деди Телман қўлини пахса қилиб.

– Сенга қийин бўлибди, Адол. Менга қара, сен бунақа юрма, эрга тег, – деди Обид унинг гапига ҳам, ҳаракатига ҳам парво қилмай. Мирҳосилга бу таклиф маъқул келиб, ошнасини қўллади:

– Боз тўғри айтяпти, ана, Тўқим ҳам бева, икковинг қоронғида топишадиган сортидансанлар.

– Бунга кўнмасанг, ана, Шожалил кулоқ ҳам ғирт бева, нима дейсан?

– Фу, сенлар эр бўлдиларингми ҳали?

– Ўҳ-ҳў, димоқ ҳали ҳам баланд-ку! – деди Турғун ошнасига қараб.

– Баъзилар шунақа кибрли бўладилар. Отдан тушсалар ҳам эгардан тушмайдилар. Ома лаҳадга эгарсиз қўйладилар, – деди Мамасоли.

– Фу, гапинг курсин сенинг.

Айтадиганини айтиб бўлган Обид ўчоқбоши томон шошилди. Турғун эса давом этди:
 

– Адол, кўёвур буларди. Шаҳарда чўрт-пўрт чоллар кўп, ушаларга теговур. Ома сен бизга бир нарсани айт: ҳойнаҳой, сен Пўлатни кўргани келмагансан. Бу сўлтамадингни ҳам бекорга бошлаб келмагандирсан? Райсентрда юрганингни кеча эшитганман.

– Эшитсанг нима бўпти? Мен қишлоғимни соғиниб келдим. Уйга борсам, қўшнилари Пўлатни касал, дейишди. Домланикига борсам, шаҳарда, дейишди. Домла,



ўқиётганмишсанми?

– Ҳа. Энди... сал чаласи боракан.

– Гапни бурма, – деди Турғун жеркиб. – Яна уйнинг дардида келгандирсан?

– Сенга нима куйкилиги тушди? Уй меники, хоҳласам талаб қиламан, хоҳласам тортиб оламан.

– Бекор айтибсан, бу уйнинг битта ғиштида ҳам ҳақинг йўқ. Уй ҳаппаи ҳалол Пўлатники. Биз ўлиб кетганимиздан кейин ҳам арвоҳларимиз сени бу уйга яқинлаштирамайди, билиб қўй.

– Адол, узокроқ бўлса ҳам қариндошимсан, шунинг учун дангал бир гапни айтай, ранжима, – деди Шожалил. – Уғлингнинг ароғига пул етмаётган бўлса, биз берайлик. Сен кет бу ердан. Сен ошнаимизни бир марта хорлаган хотинсан, энди хафа қилдириб қўймаймиз, ҳа! Касал одамга кўришиб, ярасини янгилама, кет, Адол!

– Бекоргиналарни айтибсанлар! Уйга менинг ҳақим бўлмаса, ўғлимнинг ҳақи бор. Бекор келиб, бекор кетворадиган аҳмоқ эмасман мен.

– Адол, булар билан ўчакишма, тинчгина кета қол, – деди Тўлқин. – Мен эллик йилдан бери булардан кечирим сўрайман. Булар ҳам кечиришмаяпти, Худо ҳам кечирмаяпти. Сени ҳам Худо уриб қўйганга ўхшайди. Қариганигда қишлоқдаги уйни нима қиласан? Гўрингга орқалаб кетасанми? Кет, энди бу ерларга бошқа келмагин.

– Жинни бўпсан! Қишлоғимни кўришга ҳам ҳақим йўқми?

– Энди сен бу ерларга бегонасан.

– Шунақами? Буни ҳали кўраимиз!

Шашт билан юрмоқчи эди, Мирҳосил чаққонлик қилиб, йўлига ғов бўлди:

– Қаёққа?

Йўлидаги тўсиқни бир зарб билан маҳв этиб ўтишга кўзи етмаган Адолат худди кўмак истагандай ўғли томон қараб олди. Шижанинг юқини томчилатиб қуяётган Телманнинг онаси билан мутлақо иши йўқ эди. Адолат чорасизлигини ошкор қилмаслик учун заҳарханда қилди:

– Мен Пўлатни кўришим керак.

– Шу ердан қайтасан. Ана, шеринг ҳам ўтирибди, ўтолмай.

Телман онасидан кўз узмаган ҳолда ароқнинг юқини ичиб олгач, “Мамул нокаут”, деб кулди. Адолат бу ҳукми эшитса ҳам эътибор бермай, Мирҳосилни четлаб ўтмоқчи бўлганида Рихсини кўриб тўхтади. Рихси ҳам уни кўриб ажабланганича тўхтади, кейин ўзини кўлга олиб, оғир-оғир қадамлар билан юриб келиб, сал нарида тўхтаб салом берди. Бу ҳолатдан ажабланган қариялар чекиниб, икки аёлни бир-бирига рўпара ҳолида қолдирдилар. Бутунлай четга чиқишга ҳеч бирининг истаги бўлмади.

Адолат саломга алик олмай, Рихсига ўқрайганича турди. Бундан ғашланган Рихси унга тик қарамай, яна сўрашди:

– Адолат опа, келинг...

– Сен ҳам шу ердаминг? Ҳа... қаерда ҳам бўлардинг... Бу қопағонларни сен боғлаб қўйган экансан-да?

– Унақа деманг, яқингинада эшитиб келишди.

– Пўлатга нима бўлди?

– Юраклари сал...

– Унда юрак борлигини иккинчи марта эшитишим. Бир марта сен юрагидан урувдинг. Мана энди юрагининг мазасини қочирибсан. Нима қилиб қўйдинг ўзи? Ахир, сен... – кўзларини сузиб қараб, пичинг оҳангига ўтди: – яхши хотин эдинг-ку? Тузукроқ қарасанг ўларминг?

– Худо берган дард-да, мен нима қила олардим?

– Мени қўйиб сенга уйланса, худди минг йил бахтиёр яшайдигандай эди. Тўкиб қўйибсан-ку? Мен шунақа бўлишини билардим. Шунақа ётганини кўришга орзуманд эдим. Ҳали бундан баттар хор бўлиши керак.

– Ёмон ният қилманг, опа, Худо сақласин!

– Ёмон ният ёқмайдими сенга, ўша пайтда мени ёмонотлиқ қилганларинг-чи?

– Сизни ёмонотлиқ қилмаганмиз. Ўзингиз... мени ўғрига чиқарган эдингиз.

– Тўғри, ўғри эдинг. Сен менинг энг ноёб нарсамни ўғирладинг: сен эр ўғрисиан.

– Йўқ, опа, мен ўғри эмасман. Сиз “ноёб нарс” деяпсиз. Пўлат ака нарс эмаслар.

Лекин сиз у кишини нарс сифатида чиқитга чиқарувдингиз. Сизнинг эрингиз Пўлат ака эмас, амал столи эди. Оилангиз ҳам, болангиз, эрингиз ҳам мансаб эди.

– Валдирама. Тилларинг узайиб қолибдими? Сени ишга олиб, одам қилмаганимда юрардинг ўша йиртиқ калишингни судраб. Сен котиба эмас, айғоқчи эдинг. Мен ҳақимдаги ҳамма миш-мишларни сен тарқатгансан. Сени ўшанда қаматмай чакки қилган эканман. Қамоқда чиришинг керак эди.

– Тепамда Худо бор. Шу ёшга киргунимча ҳам тилимни тишлаб яшадим. Сизга отилган таёқнинг бир учи Пўлат акамга тегарди. Шунинг учун кўрганларимни кўзларим

ортига яшириб қўйверганман.

– Бўпти, яхши, мен Пўлатни кўриб, гаплашишим керак.

– Дўхтурлар қўйишмайди. Улар рухсат берсалар ҳам мен қўймайман.

– Анави, – Телман томон бош ирғади, – Пўлатнинг ўғли, отасини кўришга ҳақи борми?

– Ҳақи йўқ. Шу пайтгача отасини бир марта йўқламаган ўғил ўғилми?

– Отасининг остонасида бир жодугар бор эди, шунинг учун келолмасди.

– Шунақами?.. – Рихси оғир-оғир нафас олиб, энди унга тик қаради. – Жодугар ҳали ҳам пойлаб ўтирибди, бекор келибсизлар.

Адолатнинг назарида бошидаги бахт тожини Рихси аёвсиз қўллари билан юлиб олиб, ўз бошига қўндириб олгандай эди. Шу боис нафратини сочишдан тийилмади. Қалби тош, меҳр чўғи ўчган, ақл шами ҳам жимгина ўчиб бораётган бу хотиндан яна нима кутиш мумкин?

– Яна бир қайтар: жоду-гар! Чиройли айтдинг. Сен чиндан ҳам жодугарсан. Эримни жоду қилиб олгансан. Пўлат фақат мени яхши кўрарди. Ёшлиқда берган кўнгилдан ҳозир ҳам кеча олмайди. Сен буни тушуна олмайсан. Сенга нафсни қондиришга бир эр бўлса бўлгани. Мен Пўлатнинг урушдан қайтишини кутдим, қамоқдан қайтишини кутдим... Балки, кутадигани бор бўлгани учун ҳам тирик қайтгандир, а? Ушанда қанча эр чиқди, тегмадим. Сен юлиб олганингдан кейин ҳам эр қилмадим. Чунки менда юрак бор, муҳаббат бор. Сен бунақа туйғуларни тушунмайсан. Сен эски калишини судраб юрувчи қолақ хотинсан.

“Гиналарим кўзёшларим сингари беҳудади”, деб ҳисоблаган Рихси “Тақдирда бор экан-да, таънанинг фойдаси йўқ”, деб яшашга кўниккан эди. Хавотирли юраги қалқиб турган онда Адолатга қарши гап айтгиси келди:

– Тўғри, опа, мен кўп нарсаларни тушунмайман. Ҳозир ҳам ҳайрон бўлиб турибман. Сиз ўзингиз ҳам ишонмайдиган гапга мени ишонтирмакчисиз. Сиз учун эр ошиқча бир бўйинтуруқ эди-ку? Сиз эркинликни яхши кўрардингиз. Эсингиздами, ажрашганларингиздан кейин “Худога шукур, энди мен эркин қўшман!” деб хоҳолаб кулган эдингиз. Сиз ўшанда учишга кўнгил қўйдингиз-у, бир куни кўнишингизни ўйламадингиз. Сизнинг ичингиз аламу надоматга тўлиб кетган, аммо ёрила олмайсиз. Сиз бу дунёда ҳамма нарсадан айрилгансиз. Аламингиз шундан. Чўкаётган одам хасга тирмашади, дейишади.

Рихси нозик жойдан тутди: ишқ фаслининг ўлчоғли эканини билмаган Адолат чиндан ҳам ўша пайтлар ўзини ғоят масъуд ҳисобларди, холбуки, умрини пуч хаёллар зиндонидан ўтказаетган эди. Бу зиндон эшиги қулфлоқлик. Ёпиқ эшик остонасида иблис пойлоқчи эди. Ҳаёти бўм-бўш эканини фаҳм этмас, қулф очқичини топишга уринмасди. Пуч хаёллар зиндонидан озодликка чиққан хотинни нима кутади? Бахтиёрлик йўлини тўсиб қўйганликда айблаб, шум тақдирни лаънатлай-лаънатлай кун кўришми? Азобли охиратга дуч келганида ҳам, айбни бошқалардан қидириб юрибди. Умрини бекорчи ҳаваслар шамолида совуриб қариган хотиннинг қалби уйғонишига, меҳр чашмаси тошиб чиққанига ким гувоҳ бўлган?

Рихси шу пайтгача Адолат билан теппа-тенг олишмаган эди. Уни муте аёл, деб юрган Адолатга кейинги гаплар бетга сочиб юборилган чўғлардек таъсир қилиб, сачраб кетаёзди, унга қаттиқ тикилди: оч нигоҳи қорачиқларнинг ортига яширинган сирларни қовлаб олишга қасд қилгандай эди.

– Нима демоқчисан, Пўлат хасу, мен тирмашувчиманми? Бекор айтибсан. Қўрқма, эрингни сендан тортиб олмайман.

– Уйни-чи?

– Ҳа... сенинг ташвишинг шуми? Кўчада қолишдан қўрққансанми? Ақлинг балога етар экан-ку, а? Эримни тортиб олаётганингда нимани ўйловдинг? Уйли-жойли эр топиб тегсанг ўлармидинг? Менга уй керакмас. Лекин шу керакисиз уйни сендан тортиб оламан. Кўчада хор бўлиб юришингни бир кўриш учун ҳам қайтариб оламан.

– Адашяпсиз. Ўйсиз хотин хор бўлмайди. Вақтида бошқаларга меҳр-оқибат кўрсатмаган одам хор бўлади. Уйни сотиб олиш ёки сотиб юбориш мумкин, меҳр-оқибат сотилмайди, тиллага ҳам топилмайди. Яна оиласининг кадрига етмаган одам ҳам хор бўлади. Худога шукур, менинг оилам бор. Меҳр кўргизадиган яқинларим бор. Қаранг, ўзингиз билган шу улфатлар бизни кўчада қолдиришармикин? Сиз бу уйни биздан тортиб олинг-чи, ўша дақиқада ҳаммалари уйларини бизга бўшатиб беришади. Сиз бизнинг хорланганимизни кўролмайдиган доғда қоласиз. Бизга хорлик тилагунча Худодан сўранг, опа, ўзингизни хорликдан асрасин. Оила деган неъматни сизга ҳам насиб этсин.

– Мени эрга бермаган фақат сен қолувдинг.

– Оила фақат эрдан иборат эмас-ку?

– Бўлди, бас қил, ақлингни сақлаб қўй. Бошқа жойда асқотади. Қани, нари тур, мен

Пўлатни кўриб чиқайин.

Рихси йўлни тўсди:

- Кирмайсиз, уйингизни олсангиз олинг, аммо дадасини ҳозир безовта қилмайсиз.
- Менинг бошқа гапларим ҳам бор.

Адолат шўрлик қалби шу аёл туфайли оёқ ости қилинган, деб ҳисобларди. Ҳа, қалбини “шўрлик” дейиш ҳақиқатга анча яқин. Лекин бунинг Пўлатдан ажралганига ҳеч бир дахли йўқ. Бу қалбда муҳаббат йўқ эди. Унинг шўри шундан... Буни билмайдими? Билади! Фақат тан олгиси келмайди...

Икки аёл орасидаги гап олишувини давом эттиришда маъно йўқлигини англаган улфатлар изларига қайтиб, Адолатни ўраб олдилар.

– Ҳой, Адол, бўлди, хиралик қилма. Кет дегандан кейин кетовур-да. Дардинг уй бўлса, бор ана судга! Судни сотиб олиш кўлингдан келса, уйни ҳам оласан. Ома уйни бузиб, ғиштларини битта-битта ташиб кетасан, – деди Мирҳосил. Бу гап Турғунга маъқул келмай, уни қайириб ташлади:

– Хом гапларни айтма! Уйни бузармиш... Қани, қадам босиб кўрсин-чи! Ҳой, сен Адолмисан ё шоқолмисан, нимасан?

– Ҳали ҳам итликларинг қолмабди. Битта хотинни итдай талашдан уялмайсанларми? Онасининг бу гапидан сергакланган Телман сапчиб туриб, унга яқинлашди:

- Мамул, ким итдай талаепти? Скази, лично ўзим гаплашаман.
- Ҳей, майда қадам, бор, жойингга ўтир, яна яйиб кўймайин, – деди Мирҳосил.
- Как яйиб кўясиз? Мамул, сажии...

– Фу, противний. Бор жойингга, сами разберемса.

– Мамул, ти только сажии, мен буларни как лепешка қилиб ташлайми?

Ўчоқбошидаги ишини тамомлаган Обид йигитнинг бу қилиғи камида бир шапалоқ ёки мушт билан сийланишини англаб “Телманжон, бу ёққа кел-чи, жигарим”, – деб чақирди-да, ўнг қўлида чойнакни кўтариб, чап панжасининг кўрсаткич бармоғи билан томоғини чертиб кўйиб, маъноли равишда имлади. Телман бу сирли имони дарров англаб, онасини ҳимоя қилиш учун турганини ҳам унутди-ю, ўчоқбоши томон юрди. Обиднинг кўлидан чойнакни олиб, қопқоғини очиб ҳидлади. Кейин бурнига ишонмай, жўмрақдан симирди. Тўрт хўплам ютгач, чуқур нафас олиб, валинеъматига қараб мамнун жилмайди:

– Гап йўқ, братан.

– Шу таг-туғи билан сенга, жойингга бориб, тек ўтир, уқдингми?

Бу инъом топширилгандан кейин Телманга “тек ўтир” дейиш шарт ҳам эмасди. Шокир унинг ҳаракатини кузатиб, Обидга норози қиёфада бош чайқаб кўйгач, Адолатга юзланди:

– Адолат, сен амалдор хотин бўлганингни унут. Оддий хотин кепатасига туш энди. Умринг ғирромчилик билан ўтди. Энди ҳалоллик таъминини ҳам татиб яшагин.

– Домла, буларнинг ичида тузукроғи сен эдинг. Ўйлаб гапиряпсанми? Мени ғирром дедингми?

– Ҳа, шунақа дедим. Буни ўзинг ҳам биласан, лекин тан олгинг келмайди. Ўнинчи синфда ўқиётганингда нима учун орден олган эдинг?

– Меҳнатимга яраша олганман. Пахтани яхши терардим.

– Яхши терардинг, лекин кунига уч юз кило термагансан. Сен учун териб беришарди.

– Сиёсат шунақа эди. Айб менда эмас. Домла, сен эскиликни титма.

– Сен ҳам ўпкангни бос. Сенинг дардингга бу ерда даво йўқ. Пўлат билан учрашганингда ҳам ҳеч нимага эриша олмайсан. Уйни даъво қилсанг, “Ана, ол!” дейди. Шу ёшга етганида ким уй талашади, эсинг борми?

– Менинг бошқа гапим бор бу ўғриларга.

– Ўғри? Нимангни ўғирлашди?

– Манови, – бармоғини Рихси томонга бигиз қилди. – Эримни ўғирлади. Пўлат ёшлигимни ўғирлаган.

– Қўйсанг-чи, Адолат, булар ўғирлагани йўқ, ўзинг арзон-гаровга сотдинг.

Шокирнинг бу гапи чўғ устига сув сепгандай бўлди. Адолатнинг туташдан бўлак чораси қолмади. Пўлат қамалганида ҳижрон дардида сочларини юлмаган эди. Чунки юраги ўша йиллари гўё шароб тўлдирилган коса эди, энди эса эгасиз бўш ётоқ каби... Гоҳо равшан, гоҳо хира оламда дабдабалар мисли момақалди роқ каби ўтди-ю кетди.

Рўёбга чиқмас умидлар пўртанасига шўнғиган нодон бахтини топа олармиди?

Ушанда Пўлат қалби эшигини очган эди, Рихси кирди ва тўлалигича эгаллади. Адолатга ўрин қолдирмади. Хиёвати туфайли бу қалбни ташлаб чиққан Адолат энди дўзах эшигини қоқарми? Маъшукнинг ҳажрида интизорни англаса эди, тили тавбага келар, сўнг умрида пича ҳаловат топа оларди.

Алҳол, ҳақиқат булар томонида бўлганидан кейин гап талашиб нимага эришар эди?

Адолатга мана шу чорасизлик исканжаси азоб бера бошлади. Сукутнинг давом этиши яхшилик аломати эмаслигини фаҳмлаган Шокир ҳукмини баён қилиб қўя қолди:

– Бўлди энди, ҳамма ўтирсин, бу ерда ғалва қилмайлик, – сўри томон юра туриб Турғунга ўғирилди: – Обидга қарашиб юбора қол, ошни сузаверсин. Адолат, сен ҳам ўтир, ҳаммамиз ошни еб, кейин тарқаймиз.

Бу гап Мирҳосилга ёқмади:

– Сен ошни егину, манов икки моховни олиб, ўзинг тарқайвер. Биз қоламиз.

Шокир “Бўпти, ошдан кейин гаплашамиз”, деб гапни қисқа қилди-да, Рихсига яқинлашди:

– Биз билан ўтирасанми?

– Йўқ, йўқ, бора қолай.

– Бир коса сузиб берсин.

– Вой, ош мумкинмас ҳозир у кишига.

– Насибадан қайтма, Пўлат емаса, ўзинг татиб кўрарсан, дўхтирларга берарсан.

Шокир косага ош суздиргач, уни бир неча қадам кузатиб бориб, секин сўради:

– Нимага чиққан эдинг, бирон нима бўлдимми, яширмай айтовур.

– Дадаси шу ерга йиғилганларингизни билиб, “чиқиб саломимни айтгин”, “жўрабошилиқ амалини бошқага берадиган аҳмоқ йўқ, деяптилар деб алоҳида айтгин”, дедилар.

Шокирга шу жавоб кифоя қилиб, бошқа саволга тутмади. Анча чўкиб қолган, оғир-оғир, бир-бир босиб узоклашаётган аёлнинг изидан қараб ўйга толди: “у хок эмас, ғубор эмас, кул ҳам эмас, жони бор, ғамларини бировларга улашмайдиган тирик жон у. Рихси... ўтли ҳасратларининг фиғонлари қуёш ботгани каби, кечанинг сукутига ғарқ бўлиб кета олармикин?... Бу муштипарнинг вайрона кўнгли умиди нима бўлиши мумкин?”

Катта лаган улфатларга, кичикроғи Тўлқин ўтирган сўрига қўйилди. Адолат уларга нафрат билан қараб тургач, иложсизлик билан Тўлқинга шерик бўлди. У томонда ўтирганларда ҳам, буларда ҳам иштаҳа йўқ эди. Ҳатто бақувват-бақувват ошалайдиган Мирҳосил ҳам чўкилаб-чўкилаб ўтирди. Ош устида ортиқча гап-сўз бўлмади. Мирҳосил чойхона томон қараб-қараб қўйиш билан чекланди. Ошнасининг авзойи чатоқлигини сезган Турғун уни кузатиб, сергак равишда ўтирди. Бир ўзи ўтириб зериккан Телман эса ўрнидан туриб дераза оша ичкарига қаради-да, Обид инъом этган чойнакни кўтариб эшикка яқинлашганда остонада чойхоначи йўлини тўсди.

– Ҳа, биродар, йўл бўлсин?

– Биз ҳам эркакимиз, братан, бир қўл тортамыз.

– Биродар, жойингизда тинч ўтировринг, – деди чойхоначи улфатлар томон хавотир билан қараб қўйиб. Остонада бошланаётган можарони кўриб, Жокер дик этиб ўрнидан турди-да, чойхоначини четга суриб, Телманга ўзи рўпара бўлди:

– Ҳа, акахон, тинчликми?

– Эркак, бир қўл ташлайман.

– Сизни ким чақирувди?

– Ким чақиради? Ти что, братан? Сен инсон ҳуқуқини поймол қилма. Ё ментмисан? Ким хоҳласа ўйнайди. Мен кимман, биласанми? Телман поркерни эшитмаганмисан? Бутун Тошкент мени кўрганда титрайди.

Жокер унинг “покер”ни “поркер” дейишидан кулиб, пичинг қилди:

– Пул борми, “поркер”?

Телман чўнтагини ковлай-ковлай онаси томон қаради:

– Мамул, бабки давай, ҳозир мен буларга сеанс бераман.

– Акахон, озгина дамингизни олиб туринг. Уйин ҳали бошланмади.

– Как бошланмади? Ўзим кўрдим-ку?

– Кўрганингиз бошқа... бекорчиликда пирра ташлаб ўтирибмиз.

– Поркер ҳам бўладимми?

– Бўлади, бошланганида ўзим чақираман. Қани, юзта-юзта отайлик.

– Окей! Менда пул бор. Анави ведма менинг мамулям, унда куча денег.

– Бўлди, дедим-ку, уйин бошлансин...

Жокер Телманни қўлидаги чойнакни олиб, қўлтиқлаганича ҳозиргача ўтирган жойига қайтаргач, пиёлани тўлдириб ароқ қуйиб беради. Телман ичди-ю, лабини артишга ҳам ҳоли қолмай, бошини қийшайтирганича қотиб қолди. Жокер “қараб туринг” деган маънода чойхоначиға имлаб, ўзи ичкарига кириб кетди. Сал туриб, чойхона томон уч киши ўтди. Ўтирганлар уларга эътибор қилишмади. Хавотири кучайган чойхоначи улфатларга икки чойнақда қайноқ чой келтириб, уларнинг нигоҳларида норозилиқ ифодасини кўрмагач, сал тинчиб, ўчоқбошига борди-да, косаларга шўрва суза бошлади.

Ош ейилиб фотиҳа ўқилгач, Мирҳосил “энди кетасанми?” дегандай Шокирга қаради. Шокир бу қарашнинг маъносини англаган бўлса-да, жавоб бермади. Мамасоли нариги

сўрига ўтиб, белбоғини жойнамоз қилиб, хуфтон намозини ўқиб олди.

Эски гаплар бошқа кўзгалмади. Бир-бирларидан аразлагандай камгап бўлиб қолишди. Мирҳосил бундай даврада ўтирса, юраги тарс ёрилиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди, жойида бир-икки қимирлаб олгач, сўрининг юқори томонига сурилиб, ёнбошлади. Агар кимдир биров “бағритошсан”, деса, ранжийдиган, бироқ инсон юраги билан ўйнаб, озор бериб қўяётганини ўзи сира фаҳм этмайдиган бу одамни ўжарлик отидан тушира олиш ҳалигача ҳеч бирларига насиб этмаган. Турғун оёқларини узатиб, тиззаларини уқалай бошлади. Шу зайлда барчалари олдинма-кейин ўзларига мос тарзда жойлашиб, пинакка кетган пайтларида Пўлат кўринди. Ошналарининг аҳволини кўриб, сал берида тўхтади. Изидан келаётган Рихси атрофга аланглаб олиб, хавотирли овозда деди:

– Вой, дадаси, дўхтирлар билиб қолишса, ҳамшира қизни хафа қилишади-я?

– Дўхтирлар уйғонгунича жойимга қайтиб ётиб оламан. Аяси, сен тушунгин, ошналаримни кўрмасам бўлмайди. Жуда-жуда соғиндим.

– Бир кунда-я?

– Сен бир кун дейсан, менга бир умр бўлиб туюляпти. Сен буларга қара-я, мени деб шу ерда ётишибди. Демак, мен чакана одам эмас эканман, а? Сен “кўрқиб кетдим”, дейсан. Нимадан кўрқдинг? Улиб қолишимданми? Бе, шундай ошналарни ташлаб, хайр-маъзурни насия қилиб кетсам, инсофдан бўладими? Қиёматда кўришганимда, “Ҳа, номард, шунчалик шошиб турганмидинг?” дейишмайдими? Аяси, сен балки ишонмасан, ома, ётганимда ошналаримни бир-бир кўрдим. Дўхтирлар мени “ўлди”, деб ўйлашди. Ома, мен уларнинг ҳамма гапларини эшитиб ётдим. Ётишим ҳам ғалати бўлди: каравотдан шифтга қараб кўтарилдим. Дўхтирларнинг ишларини кўриб турдим. Кейин худди барг қўнгандай аста кўндим.

– Дўхтирлар ҳам кўрқиб кетишди.

– Жон чиқиш осон эмас экан, аяси. Борлиқ билан йўқлик масофаси узоқмас, ҳатто бир қадам эмас, фақат юпқа парда билан тўсилган, ома ўша парда ортига ўтиш ҳам заҳмат экан. Биз бутун умр шу парда томон юраемиз. Бу бир чимилдиққа ўхшайди, аяси. Уй чиройли ясалган бўлса ҳам, юрак шу чимилдиққа қараб интилаверади.

– Сизга аталган балоларга мен бошимни тутиб берайин.

– Ундай дема, аяси. Аввал мен кетай. Сендан кейин қолсам, жинни бўламан, хор бўламан.

– Обид ошнангиз хорлатиб қўймас.

– Тегишяпсанми ё жиддий айтяпсанми? Тегишиб ҳам айтма бунақа гапни. Кўктераклик Саримсоқни ҳеч кузатганмисан? Остонасида афтодаҳол бўлиб ўтиради. Тирик ўлиқнинг ўзи. Хотинидан кейин шунақа бўлиб қолган. Мениям шунақа бўлишимни хоҳлайсанми?

Сўри томон шарпасиз юриб, Адолат билан Тўлқинга кўзи тушгач, хотинига ажабланиб қараб олди:

– Бу ким, Тўлқинми? Адолат... Буларнинг келганини айтмовдинг?

– Кўнглингизни хира қилгим келмади.

– Чакки ўйлабсан. Тўлқин билан орамизда гина-кудурат йўқ. Сен унинг ёшлигини билмайсан. Кимга ёрдам керак бўлса, биринчи шу югурарди. Бир марта сойга чўкай деганимда, тап тортмасдан ўзини сувга ташлаган. Сузишни менчалик ҳам билмасди. “Ўзим сузишни билмайман-ку, буни қандай қутқардим?” деб ўйламаган ҳам. Балки, Худо шу меҳри эвазига икковимизни қутқариб қолгандир, а? Лекин бир марта кўрқоқлик қилди. Балки, кўзига болалари кўрингандир? Кўрқоқлик нима, биласанми? Касалликми? Шунақаси ҳам бор. Ома буники касаллик эмас. Унинг кўрқоқлиги – онгнинг бир нафасдаги хиралашуви эди.

– Ошналарингиз “Хизматига яраша Худо жазолади”, дейишади.

– Ундай дема, аяси. Менга бир марта ёмонлик қилган бўлса ҳам, унинг бундай ҳолга тушишини хоҳламаганман. Қарғаманман. Мен умрининг охиригача яхши яшаб, оқибатда бахтли ўлим топишини истаганман.

– Бахтли ўлим? Қизик. Ўлимнинг ҳам бахтлиси, бахтсизи бўладими?

– Бўлади, аяси, бўлади. Оиласининг ҳузурда жон бериш, сўнги сўзини айтиб ўтиш – бахтли ўлим. Изидан лаънат тошлари отилмаслиги ҳам, одамларнинг яхшилик билан эслашлари ҳам бахтли ўлим. Шу қутлуғ, кенг дунёда кимнинг ўлгиси келади? Одамлардан мангу жудо бўлишни ким истайди? Мангу яшаш ҳеч кимга насиб этмаган, аяси... Аммо тирик қалбларга кўчиб яшамоқ мумкин. Мана шундай оқибат муҳим...

Шивир-шивир қулоғига урилдими ё ёмон туш кўрдими, Турғун чўчиб бош кўтариб, атрофига аланглади. Пўлатни кўриб, кўзларига ишонмасдан сўради:

– Пўлат, сенмисан?

– Менман, ошнам, менман. Ётовриб, юрагим торс ёрилай деди. Ошналаримни бир йўқлай, деб ўгринча чиқиб келовурдим.

Турғун шошилиб ўрнидан туриб, пастга тушди-да, ошнасини қучоқлаб олди. Улар

кўришаётган онда бошқалар ҳам бирин-сирин уйғондилар.

Рўпарада сўлаги оқиб ялпайиб ўтирган Телман ҳаракатсиз...

Ичкарида қимор ўйини бошлаб юборилган...

Пўлат юқорига чиқишга унамай, сўри четига омонат ўтирди.

– Ҳа, ошнажон, нима бўлди? – деб сўради Шокир.

– Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Назаримда, у дунёга бориб келгандай бўлдим.

– У дунёга борган бўлсанг, энангди кўргандирсан, а? – деди Мирҳосил хушчақчақ оҳангда. Бунга жавобан ошналари, “ҳазилнинг ўрними?” деган норози қиёфада қарашди. Пайровни давом эттиришга ҳамиша ишқибоз бўлган Турғун эса имкониятини бой бермади.

– Ўзиникини кўришга фурсати бўлмабди, – деди томоғини қириб олиб. – Ома сенинг энангди аниқ кўрибди. Энанг нақ дўзах билан жаннатнинг орасида у ёққа-бу ёққа ўтаётганларнинг юзларига дон сочиб ўтирганмиш. Иккала томон ҳам чўтирга тўлиб бўпти. Борадиган бўлсанг, яққаланиб қолмайсан.

Бу жавоб Пўлатга хуш ёқиб хоҳолаб кулиб юборди. Унинг бу ҳузурланиши ошналарига таъсир қилиб, улар ҳам роҳатланиб кулдилар.

– Энди кулгидан ташқари айтсам, учиб юргандай бўлдим. Шу ердан ҳам учиб ўтдим. Рихси айтмаса ҳам, шу ердаликларингни билдим. Ома, бу ердан учиб ўтаётганимда ҳали етиб келмаган эдиларинг.

– Ҳа, учиб бўлгунигча ҳаммамиз етиб келдик. Чақирилганлар ҳам, чақирилмаганлар ҳам, – Мирҳосил шундай деб Тўлқин билан Адолатга ишора қилди.

– Ҳосил, ўша учиб юганимда сенга бир гап айтдим, сен эшитмадинг. Ё эшитдингми?

– Қанақа гап?

– Тўлқин билан икковингга тегишли.

– Ярашишми? Минг марта айтгансан.

– Буниси минг биринчиси ва охириги, – ўрнидан туриб қўшни сўрига яқинлашди-да, Тўлқиннинг кўлини олиб, Мирҳосилни чақирди. – Бери кел. Болалигимизда покязароқ, ақлпироқ эканмиз. Бир кунда ўн марта уришиб, ўн марта ярашардик. Гина-кудурат сақламасдик. Жимжилоқларимизни қовуштириб биримиз “қиличми, тўқмоқ?” дердик. “Қилич” дейилса, “қирқ йилгача”, “тўқмоқ” дейилса, “тўқсон йилгача ўртоқ”, деб ўзимиз ҳукм чиқарардик. Тўқсон йиллик ҳукм баъзан бир соатга бормасди. “Пўм” чиқараверардик, ярашаверардик. Аразимиз жиддийроқ бўлса, бошқамиз орага тушардик. Шулар эсларингдами? Энди бу дунёда кўрган-кечирганларимизни четга улоқтириб, болалигимизга қайтайлик: Ҳосил, қиличми ё тўқмоқми?

– Пўлат, энди орқага қайтиб бўлмайди. Синган чиннига чега урганинг билан изи қолади.

– Сен ўша изини ҳам унут. Тўлқин, қиличми тўқмоқми?

– Тўқмоқ – тўқсон йилгача ўртоқ. Бунинг заҳар тилига ўрганиб кетганман, гапларини малол олмайман. Бунинг гапларига яна тўқсон йил бемалол чидашим мумкин.

Турғун туриб келиб, Мирҳосилнинг биқинига аста туртди. Мирҳосил ўжарлик пайти эмаслигини англади.

– Болалигингда ҳам айёр эдинг, чўтир. “Хўп” дегинг келиб турса ҳам, “йўқ”, дердинг.

– Хўп. Йигит кишининг сазаси ўлгунича, замбаракнинг хартуми синсин. Қилич. Тўқим билан яна қирқ йил ошначилик қилишининг ўзи бўлмайди.

– Ҳа, ана, қойилман! Улфатимиздаги хато қатор тўлди. Жам бўлдик. Энди кўришинглар. Суюнчисига битта паловхонтўра мендан.

Пўлатнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаётган, ҳаракатини зийраклик билан кузатаётган Шокирнинг қалби тўлқинланди: “Ҳаёт чиғириқларидан минг бор ўтган жафокаш, юраги қийма-қийма, чилпарчин, аламдийданинг дарди ўзига етмасмиди? Ўзганинг қайғусига шерик бўлиши нимаси?”

Пўлатнинг ишидан мамнун бўлган Тўлқин пастга тушиб, қулочларини ёйди:

– Кел, ошна, чўтир бетларингни соғиниб қолганман.

Мирҳосилнинг ўжарлигини қўймай, совуқ кўришишидан норози бўлган ошналар бош чайқаб қўйишди-ю, танбех бермадилар. Пўлат эса бу ҳолни сезмагандай бўлди.

– Энди яраштириш навбати менгами? – Мирҳосил қувлик билан кўз қисиб, Адолатга ишора қилди.

– Биз уришмаганмиз, яраштиришининг хожати йўқ. Адол, сен бекорга уринибсан.

– Мен сенга бутунлай бегонаманми? Булар-ку, аслида, етти ёт бегона. Мен ҳар ҳолда хотининг эдим. Булар билан ораларингда қуруқ гапдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Бизнинг орамизда эса... ўғил бор.

Адолат Телманга қараб олди. Пўлат эътиборсиз равишда бир қараб қўйди.

– Ҳа, ўғлингга қарагинг ҳам келмаяптими?

– Вей, Адол, бунингга кимнинг қарагиси келади? – деб гапга қўшилди Турғун.

- Сен қарамай қўявер. Пўлат билан менинг ўртамда хотира ҳам бор.
- Хотира дедингми? Хотиранинг ўзи нима, Адолат, биласанми? Хотира – роҳатми ё азобми? Инсонга хотира нима учун керак? Мен учун хотира азобидан баттарроқ азоб йўқ. Баъзан ўтиб кетган марҳумларга ҳавасинг келади, баъзан уларнинг изидан жўнаворинг келади. Баъзан эса хотирламаслик учун онгсиз жониворга айланиб қолгинг ҳам келади. Домла, нима дейсан, ё мен янглишяпманми?
- Хотира мавҳум нарса эмас. Тушкун ҳолат ҳам эмас. Хотира – бир тўлов, инсондан тортиб олинган энг қимматбаҳо нарса учун тўловдир. Бошқача айтсак, хотира – инсоннинг ожизона боқийлигидир.
- Яхши айтдинг, домла. Хотира – ўлимнинг қилмиши учун тирикларга берилган аянчли инъом.
- Жа-а юракларди сиқвордиларинг-ку! – деди Шожалил. – Икковинг гаплашадиган бўлсаларинг юрагим тўхтаб қолгандай бўловради.
- Пича тўхта, Жалил, дардимни тўкволай. Илгари айтмас эдим. Олтмиш йилдан бери юрагимнинг бир чеккаси йиринглаб, азоб беради менга. Уни неча минг марта тушимда кўргандирман. Мен унинг фақатгина қотиб қолган кўзларини кўраман. Шу топгача қайтиб келармикин, кўрармикинман, деб умид қилдим.
- Кимни айтяпсан? Саъдуллани эмасми?
- Ҳа, Саъдуллани. Биз уни босмачининг ўғли, деб ҳисобладик. Отаси Холхўжанинг йигитларидан эди. Дадамнинг қизиллардан бўлганларини биласанлар. Дадам унинг отасини ўлдирмаганлар. У Қашқарга ўтаётганида кўчки остида қолиб кетган. Одамлар “отасини ўлдириб, боласини ўғил қилиб олди”, деб бекор айтардилар. Саъдулла бу гапнинг ёлғонлигини яхши биларди. Адол, сен Саъдуллани севар эдинг?
- Бўлмаган гап, мен сени яхши кўрардим...
- Сен унга ўчакишиб, мени яхши кўргансан. Сенга қарамагани учун ўзингча ўч олгансан.
- Ҳа, севмаслигини билар эди, ўзини кўп алдади. Адолат унинг кўзларини термилтириб, дилини қийма-қийма қилди. У жон риштаси бўлолмади, бирга ин қуришолмади. Пўлат Адолатга жонни садқа қилса ҳам, у муз эди, чўғ беролмади, қалби чанқоғини боса олмади, қуришқоқ лабларига севгининг ҳаётбахш сувини томизолмади. Бу ҳақиқатни Пўлат илгари айтмаган эди. Шу сабабли бу гап Адолатнинг юрагига бигиздай санчилди:
- Менми? Уч олганманми? Пўлат, жинни бўлибсан! – деди овозини кўтариб.
- Пўлат унинг нафратга тўла кўзларини кўришни истамай, бошини бурди. Унинг ўрнига Мирҳосил жавоб берди:
- Адол, менинг аниқ эсимда, Саъдулла комсомолга кираман, деб ариза берганида сен мажлисда гапирган эдинг: “Босмачининг ўғлига орамизда ўрин йўқ”, деган эдинг.
- Деган бўлсам, тўғриси айтганман.
- Пўлатга тақаган айбларинг ҳам шунақа эди.
- Ҳосил, бу гапни қўй, Адолга даъво йўқ, ҳозир мен ўзимни айбламоқчиман.
- Сен унда гапирмаган эдинг.
- Ҳамма бало шунда. Бировга ёмонлик қилмаган одам – яхши одамми? Бировга яхшилик қилмаган одам-чи? Шуниси ёмонроқ эмасми? Мен индамай туриб, Адолнинг гапларини маъқуллаганман. Ўшанда Саъдулла менга нажот истаб қараган эди. Мен эсам, кўзимни олиб қочган эдим.
- Агар шуни гуноҳ десанг, бизлар ҳам гуноҳқормиз. Бизлар ҳам уни ҳимоя қилмаганмиз, – деди Мамасоли ўйчан тарзда.
- У замонда ҳақиқат билан ишонч қоришиб кетган эди, – деди Шокир афсус билан.
- Лойқа сув билан булоқ суви аралашса ким айбдор? Лойқа сув билан булоқ сувини ким ажратиб бера олади?
- Шокирнинг далда бериш мақсадида айтган бу гапи Пўлатни овунтира олмади:
- Ўша мажлисдан кейин Саъдуллани олиб кетишган эди...
- Замон қалтис эди. Биз уни сира ҳимоя қила олмасдик. Гапирсак-гапирмасак, барибир олиб кетишарди.
- Қисмат-да. Қисматидан ҳеч ким қочиб қутила олмайди, – деди Мамасоли Шокирни қувватлаб.
- Ўша пайтда оддий кўринган воқеа энди даҳшатли фожиа бўлиб туюляпти. Мен қамқоқдалигимда ҳам, этапдан этапга ташлашганларида ҳам, маҳумлар орасидан Саъдуллани қидирардим. Ўша ерларда учратарман, деб ишонардим.
- Пўлат, сен фожиа деб, гуноҳ деб, ич-этингни еяверма, – деди Мамасоли. – Мен кафил бўлай, ҳар ҳолда, Саъдуллага қариндошлигим бор. Унинг номидан мен кечдим гуноҳларингни. Сен ҳам ундан рози бўл. Худо ҳар икковингдана рози бўлади, иншаоллоҳ.
- Турғун уни қувватлади:
- Сен қамқоқдан чиқиб, Тўқимнинг гуноҳини кечган эдинг. Саъдулла тирик бўлса, у ҳам ҳаммамизнинг айбимиздан ўтарди.

– Пўлат, сен ҳақсанми ё ноҳақсанми, аниги шуки, бу ишларнинг бари Тангрининг амри билан бўлган. Масалани ечувчи ҳам Унинг ўзи.

Хотиранинг қора пардасини бир ҳамлада йиртиб, яқсон қилиш мумкин эмаслигини билсалар ҳам, кўнгил ярасига малҳам топишга уринишарди.

– Масала шундай ечилса, қани эди... Мен ётиб, нималарни ўйладим, биласанларми?

– Қайдан билайлик, сенга ўхшаб тепада учиб юрибмизми? – деди Мирҳосил.

– Гапимга кулмаларинг: биз ўлмади туриб, би-ир ўлиб олишимиз керак экан, деб ўйладим.

– А? Нима дединг? Алаҳсираяпсанми, ошнам? – деди Обид ажабланиб.

– Тўғри айтяпти, шундай саҳиҳ ҳадис бор. Одам боласи, барибир ўладиган бўлганидан кейин ҳисоб-китобга тайёр туриши керак.

– Сўфи, сен тек тур, Пўлатнинг гапини эшитайлик-чи?

– Мен у дунёда ҳисоб-китоб қанақа бўлишини билмайман. Ома, киши ўзига ўзи савол бериши керак экан: одам бўлиб туғилганимдан кейин одамга ўхшаб яшадимми?

Бу гапдан кейин юраги сиқилиб турган Мирҳосил ёрилиб кетай деди:

– Пўлатвой, жа-а тор олиб юбордилар ошнам!

– Хўп, кенгроқ олайлик: афсусларимиз, армонларимиз борми? Мен айтдим, энди сен айт-чи?

– Мен ҳалол яшадим, ўғирлик қилмадим, бузуклик қилмадим.

– Наҳот, афсусинг бўлмаса?

– Билмадим... ўйлаб кўришим керак. Сен ана, Боздан сўра, афсус дегани ўшанда қоп-қоп бўлади, а, Боз?

Мамасоли гапни ҳазилга олаётганидан норози бўлиб жеркиб берди:

– Бозингни қўй, хотиндан бошқа дарду ҳасрати йўқ.

– Мен сенларни имтиҳон қилмоқчи эмасман, – деди Пўлат. – Ўзларинг бир ўйлаб кўрларинг: ҳозир бизнинг улфатимиз эски бир аравага ўхшаб қолган. Биримиз ўтсак, араваинг бир мурвати синади. Араваимиз жуда узоқ юрди. Юровриб шалоғи чиқиб, лиқиллаб ҳам қолди. Бу шалоқ араваини энди ҳеч ким тузата олмайди.

– Тузатишга уринишининг кераги ҳам йўқ, Оллоҳга таваққал қилиб яшайвериш керак.

Мамасоли ошналарига бир-икки ҳикматни эслатмоқчи эди, Пўлатнинг маҳзун ҳолати гапга аралашини ўрни эмаслигини аңглатди.

– Вақти келиб, бирин-сирин ўтамыз. Улим – ҳақ! – Пўлат чуқур хўрсинди. Кейин аҳволини ниқоблаш мақсадида жилмайди: – Ўзимиз ўтсак ҳам, муҳаббатимиз ўлмасин.

Унинг маъюсина жилмайишини ҳовлидаги битта лампочкадан таралаётган хира-шира нур ўзига ютди. Лекин сўнги ўзлар титроғи барчаларининг вужудига титроқ уруғини сочди. Сукунат барчалари устига ўлим чодирини ёпгандай бўлди. Жимлик исканжасидан қутилиш учун Шожалил дўстининг гапини тасдиқ этди:

– Ҳа... бирин-кетин кетамиз. Охирида қолганга қийин, жуда қийин. Биродарлар, мен охирида қолишни истамайман...

Ошналарни ўз домига тортаётган нохуш ҳолатга ҳовлиққанича югуриб келган ҳамширанинг хавотирли овози барҳам берди:

– Вой, эсхонам чиқиб кетди-я! – деб Рихсининг ёнида тўхтади. – Аяжон, бу нима қилганларинг. Энди мени ишдан ҳайдашади. Дўхтиримиз билиб қолдилар.

Пўлат ножўя иши фош бўлган гўдак ҳолига тушиб, ошналарига “энди мени қутқаринглар”, дегандай нажот кўзи билан термилди. Ҳамиша гапга шай турувчи Мирҳосил бу сафар ҳам ўртага тушди:

– Бир пасга чиққанига ота гўри – қозихонами? Қайтага кўнгли яйради.

Унинг бу гапи ҳамширани овути олмади. Аксинча, йиғи бошлашига баҳона бўлди. Яна бир нима демоқчи эди, шошилиб келаётган докторни кўриб тўхтади. Доктор ошналарга парво қилмай, Пўлатнинг қаршисида тўхтади:

– Касалхонанинг тартиб-қоидаси бор-да, тоға, беморларнинг ҳаёти учун биз жавобгармиз.

Пўлат ўзини оқлаш ўрнига бошни эгди. Бундан фойдаланган Мирҳосил “Кўрққан олдин мушт кўтарар” деганларидек, докторнинг ўзини айблади:

– Жавобгар бўлсанг, қараб ўтирмайсанми! Сенга “ухлаб ётовур” деб топшириқ берувмидим?

– Ҳосил, тек тур, – Пўлат кўлини кўксига қўйди: – Жиян, айб менда. Шу ошналаримни кўмсаб қолдим. Ҳозир жойимга бориб ётаман, – деб жилмайди-да, ҳазил оҳангига кўчди: – энди одобли бола бўламан.

– Туппа-тузуксан-ку, қайтиб нима қиласан? Кетдик уйга, – деди Обид.

– Бу гап ҳам тўғри, – деди Шожалил.

Қаттиқ-қаттиқ гап айтишни қасд қилиб келаётган доктор ошналарнинг бу таклифидан кейин гангиб қолди:

– Ие, тоғажонлар, карвонсароймас-ку, бу.



– Жиян, тоғаларинг тегишяпти, – деди Шокир. – Ҳеч қаёққа кетмайди. Бир-икки кун даммини олсин. Пўлат, сени кўриб, кўнглимиз тинчиди, сен жойинга боравер, энди биз қайтамыз. Доктор Пўлатни қўлтиқлаб шифохона сари юрди.

\*\*\*

...Ичкаридаги ўйин ҳам авжига минди. Кетма-кет ютуқлардан руҳланган меҳмон қиморбоз тонготарда ўзини нима кутаётганини ҳис қилмай, ўртадаги пулдан нигоҳини узмайди. Унинг кўзларида ёнаётган очофат чўғ худди ўлжасига яқин келган бўри кўзларидаги ўтга ўхшайди...

\*\*\*

Тарқалиш ҳақидаги аҳд эълон қилинган бўлса-да, ҳатто Шокирнинг ўзи ҳам кетишга шошилмади. Барчалари гап-сўзсиз туриб қолишди. Биринчи бўлиб Адолат кўзгалди. Ўғлига яқинлашиб, уни уйғотмоқчи бўлди. Эпполмагач, Шожалилни чақирди. Шожалил эшитмагандай бурилмоқчи эди, Шокир тўхтатиб, “Обид икковларинг амаллаб қўя қолларинг”, деди. Узи Тўлқинни етаклади. Кучага чиқишда Мирҳосил Турғунни тўхтатди:

– Биз кетмаймиз.  
– Нега?  
– Сен унинг кўзларига қарамадинг. Гапларига эътибор бермадинг. У соғайгани учун чиқдим?  
– Нега чиқди?  
– У биз билан хайрлашгани атай чиқди. Кетмайлик, ғафлатда қолмайлик, ошнам. Икки ошнанинг қарорига бошқалар монелик қилишмади.

\*\*\*

Шифохона даҳлизигача бардам юриб келган Пўлат ҳолсизлана бошлади. Реанимация хонасига етганда гандираклади. Доктор ёнида бўлмаганида чалқанча йиқилиши мумкин эди. Орқада келаётган ҳамшира ёрдамга шошилди. Ҳушидан кетаётган Пўлатни жойига ётқизиб, шошқич муолажани бошлашди. Йиғлаб ўтирган Рихси докторнинг талаби билан хонадан чиқарилди.

\*\*\*

Бу қишлоқ ҳудудидан чиқиб, сой кўпригидан ўтишгач, йўллари айри-айри бўлди.  
– Тўлқин, бу кеч бизникида қолавер, эртаматан яна бирга борамиз, – деди Шокир.  
Бу таклифни эшитиб, Тўлқин тўхтади:  
– Домла, уйингга яқин келдик, шекилли, сен боравер.  
– Сен-чи?  
– Мен гапингни икки қилмай, деб сенга эргашдим. Ўша ерда қолишим керак эди. Қайтаман.  
– Шу қоронғида-я?  
– Домла, кўр одамга эрта-кечнинг нима фарқи бор? Тимирскиланиб бўлса ҳам топиб бораман, мендан хавотир олма.  
Тўлқин бурилган эди, Шокир унга сўзсиз эргашди.

\*\*\*

Маст одамни уйига олиб бориб қўйиш Обид учун ҳам, Шожалил учун янгилик эмас. Шу учун қилтириқ Телманни суяб юриш уларга оғирлик қилмади. Ёшлиқдаги одатларини қанда қилмай, бири, мастнинг чап биқинига, иккинчиси, ўнг биқинига турта-турта уни қадам босишга мажбур қилишди. Шожалил уларни ўз уйига бошлаб келди. Кундузи қўшнисига учрашиб кетгач, ҳовли супуриб-сидирилган, уйдаги чанг артилган, айвондаги чироқ ёқиб қўйилган, бу уйда узоқ вақт одам яшамагани сезилмай қолган эди. Телманни меҳмонхонага олиб кириб дераза томонга чўзилтириб қўйишгач, Шожалил тахмондаги кўрпа-якандозларни олиб жой солди. Раҳбар кепатасида унинг ҳаракатларини кузатиб турган Адолат ёрдам беришни хаёлига ҳам келтирмади. Телманни бири, оёқларидан, иккинчиси, елкасидан тутиб, ўринга ётқизишди. Шожалил чойнақда совуқ сув келтириб, унинг бош томонига қўйди. Обид эса ранги ўчган мис чилопчинни олиб кирди. Адолатга “уйни расво қилмасин”, деган маънода қараб қўйиб, оёқ томонига қўйгач, чиқиб кетмоқчи бўлди.

– Обид, уйингга кетасанми, эрталаб биронтасининг машинасини гаплашиб бер. Кетсам, кета қолай, – деди Адолат. Хотиннинг бояги авжи пасайганини сезган Обид “маъкул” ишорасини қилди. Ҳовлига чиқишгач, икки ошна бир-бирига савол назари билан қарашди. “Нима қилдик?” деган саволга жавоблари тайёр бўлгани учун олдинмакейин кучага чиқиб, келган йўлларида қайтишди. Чойхонага яқинлашганларида ой ёруғида икки одам қорасини кўриб, ошналарини танишди...

\*\*\*

Уйига яқинлашгани сайин Мамасолининг қадам олиши оғирлашаверди, чойхонада уйғонган дард томоғини бўғаверди. Қоронғи кўчанинг адоғида Пўлатнинг маънос чехраси бир-икки кўрингандай бўлди. Бўғиш билан кифояланмаган дард кўзларни ёшлантирди. Шу алпозда танбаланмаган эшигини очиб ҳовлига кирди. Салқин ҳавога чидолмай, “вой, белим”лаб қоладиган кампири айвондаги хонтахтага иягини тираганича кўча томон тикилиб ўтирган экан, уни кўриши билан ёшроқ аёлларга хос эпчиллик билан ўрнидан туриб қарши олди. Чироқ нури эрининг кўзларидаги ёшда акс этиб, хавотир билан тўхтади. Иккови бир-бирига тикилганича туриб қолди. Мамасоли бўғзидаги дард чангалини енга олмади. Кампири сўрайдиган саволига шумхабар эшитишдан кўрқиб, сўз бошлашга журъат эта олмади.

– Термосга ҳозиргинада чой дамлаб қуювдим, юринг, чарчоғингизни босинг, – деб айвонга бошлади. Бир пиёла чой фақат чарчоғини эмас, дардини ҳам олгандай бўлди. Мамасоли кампирининг кўзларидаги хавотирли савол назарига қисқа жавоб берди:

– Ошнам, анча тузук. Улфатлар билан бироз чақчақлашдик. Сен дамнингни оловур, мен пича ўтирай.

Кампир кириб кетди. Ўзи ҳаракатсиз ўтирди. “Нега қайтиб келдим, ўша ерда қолсам бўларди-ку?” деган ўй қалбини тирнай бошлади. Чироқ ўчиб қолишига ҳам парво қилмади. Дард билан олишишга руҳий қуввати етмай, аста ўрнидан турди. Пайпасланганича уйга кириб шам ёқди. Кўлига Қуръон олиб, бурни устига кўзойнагини кўндириб ўқий бошлади. Ҳар кунни бир саҳифадан ўқирди, бу кеч икки саҳифа ўқиб, Пўлатнинг ҳақиқага дуо қилди. Дарди сал аригандай бўлди-ю, лекин ётгиси келмади. Кундузи ўқий бошлагани китобини олиб, белгилаб қўйилган жойидан давом эттирди. Бу сафар тез ўқий олмади. Тўхтаб-тўхтаб, фикрлаб-фикрлаб ўқиди...

...Билингки, ўлимнинг хатари ва даҳшати буюқдир. Одамлар кам фикрлаб, оз эсга олгани учун ҳам ўлимдан ғофилдирлар. Эсланганлар ҳам қалбларини барча нарсадан фориғ қилиб эмас, дунёга машғул бўлганлари ҳолларида эслайдилар. Бундай эслашдан фойда йўқ. Ўлимни ҳақиқий эслаш йўли – ўлимни доимо ёнида билиш, ўлимдан бошқа нарсани қалбдан чиқаришдир. Буни бамисоли сахро ёки денгиз орқали сафарга отланган киши ҳолатига ўхшатиш мумкин. Унинг бутун фикри-зикри сафарда бўлади. Қалб ҳам ўлимни эслаш билан машғул бўлса, бу иш қалбни буткул банд этади. Ўлим билан банд бўлган қалбда айш-ишрат талаби, дунё қувончи камаяди, тошқинлик босилади. Киши ўлимни кўп эслгани сайин ҳар хил ўлим онлари, бу даҳшатли онларни бошидан ўтказган дўстлари, тенггурларининг илтижо тўла сўнгги нигоҳлари хотирида жонланади. Уларнинг ўлимларини, сўнгги манзилларини эслаб, оғир ўйлар гирдобида қолади: улар ким ва қандай эдилар? Энди уларнинг мавқелари, ҳолатлари қандай? Бу чиройли сиймолар тупроққа қандай сингиб йўқолади? Уларнинг жасадлари қабрларда қандай парчаланаяди? Улар аёлларини бева, фарзандларини етим қолдирдилар, мол-дунёларини ташлаб кетдилар. Уларнинг масжид ва мажлислардаги ўрни бўш, қадамлари дунёдан узилган...

Ҳа, киши ўлимни эслгани сайин қалбида шундай узоқ ва яқин ўлимлар, ваҳимали суратлар батафсил жонланаверади. Баъзан ортга қайтиб, уларнинг шижоат тўла ёшлиги, доводиашлари, ҳаётга бўлган майллари ва унда ўзини гўё боқиб қоладигандек тутишлари, ўлимни унуттишлари, ёшлиқдаги қувват ва ғайратга суяниб қолишлари, ўйин-қулгига берилишлари, шундоқ ёнидаги ўлимдан, унинг қутилмаганда келишидан ғофил бўлганларини эслайсиз. Тирикликда вужудини кўтариб турган оёқлар, ҳаракатга сабаб бўлган аъзолар яқсон бўлди, энди қандай юрсин?! Тилини қуртлар кемирди, қандай гапирсин?! Оғзига тупроқ тўлган, қандай кулсин?! Ўлиб бўлди, энди нафсга ўлимнинг тадбирини қилишдан не ҳожат?! Шунча йиллар беларво, ғофил юрди. Ўлим фариштаси эса у кутмаган вақтда келди ва нидо қилди: “Ё жаҳнат, ё дўзах!”

Ана шу пайтда киши ўзига назар солади. Ўзининг ҳам ўшаларга ўхшашлигини кўради, ғафлати ҳам, оқибати ҳам улар билан бир хил бўлиши мумкинлигини ҳис этади.

...Ўлимни эслайсиз, ўлим ёнгангизда турганини ҳис қиласиз. Аллақачон ўлимга ҳозирлик кўриш фурсати етганини, дунёнинг эса нақадар алдамчилигини теран англай бошлайсиз. Энди ўлимни номигагина, тил учида эслаб, ибрат ва огоҳлик ҳосил қилиб бўлмаслигини яхши биласиз. Демак, қачонки, қалб дунё билан овуна бошласа, ўша заҳоти ўлимни эсланг, аслингизга қайтасиз...

Мамасоли панжасини китоб устига қўйиб, ёш қуйила бошлаган кўзларини осмонга тикиди: кечки осмоннинг қора духобасидаги беҳисоб юлдузларнинг жимирлашига боқиб ўйлади: “Керилиб юрганларнинг, аслида, ҳеч нимаси йўқ: жавоҳиру тилла матоҳлари ўзига вафо қиларми экан? Ҳатто “ўзимники!” деб қаттиқ ишонгани – кўзу қулоқлари, юрагу жигарлари... ўзиники эмас, лаҳад қуртларининг ризқи экан, керилгани нимаси?”

Кўз осмондаги тўлун ой нури кўнглини ёрита олмади. Ҳазин хаёллар уни эза бошлади.

Ўрнидан туриб, ҳовлига, ундан кўчага қикди. Кўкда кўз юммага, уйкуга чўммаган ой уни чойхонага қадар кузатиб борди.

\*\*\*

Пўлат “ўлиш осон эмас экан”, деб эди. Бу сафар тез келди-ю, осон олди. Энди қайтариб бермайдиган қилиб олди.

Чирт узилган ҳаёт ипини қайта боғлашга табобат ожизлик қилди.

Ҳаловат истаган юрак бутунлай тўхтади.

Ўлим хавотири ўрмалаб киргач, юрак ҳаловат билан жимгина хайрлашган эди...

Рихси ичкарига кирганида доктор Пўлатнинг жағини боғлаётган эди. Рихси бир хўнгради-ю, сўнг пастки лабини тишлаб, тинчиди. Доктор имлаб қўйган эди, ҳамшира уни қўлтиқлаб даҳлизга олиб чиқди.

– Уйга борай, эрталабгача олиб кетайлик.

– Аяжон, пича сабр қилинг, тонг отсин, – деди ҳамшира ялиниш оҳангида.

– Ошналарига хабар қилай, армонда қолишди улар.

Шундай деб ташқарига қараб юрди. Суюкли қиз меҳри билан қўлтиқлаб олган ҳамшира уни ҳоли қўймади.

Ошналари кетгач, Турғун билан Мирҳосил сўрида ёнбошладилар-у, аммо ухламадилар. Хаёлларида умид соялари қўнимсиз санқийди. Киприкларни юма олгувчи туннинг тушлари уларни тарк этган. Касалхона томондан гоҳи-гоҳида эшитилиб турган шарпалардан сесканиб, беқарор эдилар.

Ҳамшира ҳамроҳлигидаги Рихсини кўрган заҳоти Турғун ўрнидан туриб кетди:

– Рихси?!

Шу томон ялт этиб қараган Мирҳосил ҳам турди:

– Рихси! Фақат “ўлди”, дема, Рихси!!!

Кўзларидан жавоб излаб, жимгина мўлтиллаб қарадилар.

Рихси ҳеч нима демади...

Умид даракчиси – кўклам жаранги энди эшитилмайди...

Энди ҳаёт баҳор мўъжизаси ила қарши олмайди...

Беҳуда кўзёшлари...

Мусаффо кўзёшлари қайғу-аламлари оловини ўчириш учун қуйилади.

Армонларга лиммо-лим тўла муножотлар...

Ҳазонларни тўкаётган шабада Рихсини четлаб ўтмади, киприкларидаги шабнамни қурита олмади.

\*\*\*

Йиллар шамоли аёвсиз...

Яна куз фасли...

Офтобсиз, рангпар бир кун...

Жонсиз япроқларга ҳазинлик инган...

Яна ўша чойхона.

Жимжитлик... Увада булутларнинг чокидан сизиб ўтган кучсиз шуўла ерга қўнган...

Ёлғиз ўзи зериккан чойхоначи нарда тошчаларини бемақсад ташлаб, ўзича ўйнаб ўтирибди. Ҳассасини дўқиллатиб келган Тўлқин унинг хаёлини бузди:

– Ким бор, бу ер самовархонами?

– Ҳа, самовархона, келинг тоға, – чойхоначи шундай деб унга пешвоз чиқиб, етаклади-да, стулга ўтқазиб чой қуйиб узатди: – Чойга қаранг, тоға. Касалхонага кетяпсизми? Кимни йўқлаб келдингиз?

– Касалхонага келмадим, – деди Тўлқин хўрсиниб. – Касалхонада ётадиган улфатлар қолмади... Мен ширин хотирани излаб келдим, болам. Уч йил аввал шу ерда тунаган эдик. Уч йилда араванинг барча мурватлари синиб адо бўлди. Биттагина мен қолдим. Энди шу арава изларини излаб келдим. Сен кўрмаяпсанми бу изларни?

– Из? Қанақа из? Тушунмадим, тоға, қанақа аравани гапиряпсиз?

– Мен кўр бўлсам ҳам кўряпман. Сен басир бўлсанг ҳам, ақл кўзларинг сўқир экан. Кўзингни каттароқ оч, болам, бу изларни эҳтиёт қилишларинг керак.

Чойхоначига бу одам телба бўлиб кўринди...

Қуёшнинг ўзи бор-у, файзи йўқ. Кечаси яйрайдиган ойнинг нури ҳам сўниқ эди. Тўлқинга бу сирли манзара бегона: унинг кўз олдида ҳамма ёқ зулмат.

Ёлғиз... Ҳеч кимдан нидо йўқ...

Тор кўкрагидаги асир юрак беҳаловат.

Ҳаётнинг заҳмати туганмас-битмас...

Чойхоначидан садо чиқмагач, оғирлик билан ўрнидан турди:

– Ширин хотирамининг сўнггиси шу ерда мева берган эди. Бу ерни зиёрат қилдим. Энди ошналарим ҳузурига борсам ҳам бўлар.

Кета бошлади...

Шамол турди...

Жонсиз барглари ерга тўқди...

Бахт куйининг ҳам, бахтсизлик қўшиғининг ҳам ниҳояси бордир.

Вассалом...



### **Шермурод СУБҲОН**

*1966 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети ҳамда Истанбул университетида таҳсил олган.*

*Унинг “Сокин сўз суврати”, “Шеърият иқлими” номли шеърий китоблари ҳамда илмий мақолалар ва таржималари чоп этилган.*

*Айни пайтда, “Гулистон” журналида фаолият юритмоқда.*

## ...ҚАЛБДА ҚУДРАТИСАН СЕБИМ

\* \* \*

*дарвоқе  
тартибга солишим керак  
аввало фикрларимни  
сўнгра ўй хаёл  
қарашларимни*

*менинг кўзим билан кўради руҳим  
эшитар қулогим-ла  
тутса қўлимдир у  
юрса оёғим*

*соядан ясалганми дейман бу дунё  
йўқса нега  
омонатдир бунда  
барча барчаси*

\* \* \*

*тилда энг кўп қўлланилган ҳарф ёки товуш  
о эмасми ажабо  
минг бир ҳайратнинг  
суврату сийрати  
ер шаридан тортиб  
Одам Атою  
Момо Ҳавога қадар  
олма бугдой илон шайтон*

\* \* \*

бисотимда 29 ҳарф  
30 товуш бор  
билмам тагин неча минг бир сўз  
мисоли лашкар  
овламоқ учун  
биргина қалбинг

тузар экан севгидан савол  
тўғри тиздимми  
сўроқ юкламаларию  
олмошларини  
туслай олдимми феъл  
қўшимчаларин  
билдимми ва ё  
отларни турлай  
жой топмоқ учун  
қалбинг тўридан

\* \* \*

диққат  
кулиб турунг  
суратга оламан  
чиқ

қойилмисиз  
жо айладим сизни  
бир умр қалбга

\* \* \*

ва биласанким  
тушларинг алдар сени  
тушлар ёлгон  
тушлар алдамчи

туш энг олис йўлдор  
улашиб бўлмас  
довон оша қир оша  
мисли ломакон

\* \* \*

айт  
тилсим эмасми  
аслида ҳаёт  
ва ёки жумбоқ  
саволи бору  
жавоб йўқ мутлоқ

\* \* \*

хаёл нарвонида қўкка  
юксалган сари руҳим  
орзу бир қадам

\* \* \*

синамоқми сийламоқ  
айт нима эди бу  
севги озоринг

\* \* \*

инсон тили қадар узун  
қўли қадар қисқа  
тагин нима бор

\* \* \*

ҳеч кимсага айтмаган  
ёлгонларим бор  
ростларим бор кимса билмаган

\* \* \*

шунчалар яқинмизким  
гўё  
икки қошинг ораси

\* \* \*

қун демадим  
билмадим ҳаёт  
сенсиз ўтган дамларни ҳайҳот

\* \* \*

борми экан ҳеч  
вақтнинг бўш вақти  
тингласа дардим

\* \* \*

бўйим каби бўйинг бор узун  
ўйим каби ширин ўйларинг

\* \* \*

икки ёрти бир бутунмиз  
сен  $H^2$  мен  $O$

\* \* \*

шиқнинг бадали нима  
жсон бермоқ бўлмай

\* \* \*

ҳаддин билар билган  
ҳадди зотини

\* \* \*

*ернинг тортиш кучидек  
тортар истара*

\* \* \*

*қўлим тут тутмай  
севги уволи*

\* \* \*

*яқин эсак биз неча  
олисдир олис*

\* \* \*

*руҳ акси мисол хур  
бўлсайдим қани*

\* \* \*

*ўздан олдин йўл кўради кўз*

\* \* \*

*сенга айтган илк сўзимдир марҳабо*

\* \* \*

*бир ўй келар хаёлга илиқ*

\* \* \*

*сўз – хаёл улоги*

\* \* \*

*узун-узун тўкилади тун*





## НАЗМ

### Фарида ҲУСАИНОВА

1959 йилда тугилган. Қўқон Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. “Сунбулгинам”, “Порлаётган шуъла” шеъррий тўпламлари чоп этилган.

Айни пайтда, Қўқон Давлат педагогика институтида катта ўқитувчи.



## НУРГА ТЎЛАР БУ ОНА ВАТАН

### Аста йигар чодирини тун

Аста йигар чодирини тун,  
Тонг уйғонар уқалаб кўзин.  
Суюклисин интиқ кутган кун  
Айта бошлар энг инжа сўзин.

Тонг уйғонар уқалаб кўзин,  
Уйғонади борлиқда ҳаёт.  
Гул-гунчалар кўз-кўзлар ўзин,  
Богларга сочиб ифорли тот.

Суюклисин интиқ кутган кун  
Бу шукуҳга берганича тан,  
Уфқларга тиклар-да нарвон  
Чиқиб кетар табассум билан.

Айта бошлар энг инжа сўзин,  
Сайҳонларда яратар чаман.  
Бўстон айлаб бутун ер юзин,  
Нурга тўлар бу она Ватан.

**Фаргона йўлларида**

Йўллар – бу сочилган сўнгсиз саволлар,  
Йўллар – бу тўсиқсиз, узун хаёллар.  
Эшилиб-эшилиб қочган сўқмоқлар,  
Қуёш елкалаган момақаймоқлар.

Сарин-сарин эсган майин шамоллар,  
Яшил дуррасини силкитар толлар.  
Оғадай бир-бирин суюган томлар,  
Нуқрадай тобланган узум ишкомлар.

Саф тортиб кузатар адл тераклар,  
Мажнунтоллар узун сочин тўрмаклар.  
Гул-чечаклар аро мўралаб ялпиз,  
Хушбўй ифорини этади кўз-кўз.

Асрий афсоналар сўйлаган тоғлар,  
Ёнғоқ, шафтолидан эгилган боғлар.  
Қип-қизил олмалар қалққан ариқлар,  
Кўлдек шилипопя, бугдой, тариқлар.

Оҳ, бу яшил орзу, бийдек кенгликлар,  
Баланд-паст тепалар қиру дўнгликлар.  
Бепоён кенгликлар – орзуим менинг,  
Англизларнинг ҳиди – жон-дилим менинг.

**...Йўлдош бўлсин қуёшнинг нури**

Чақалоқ тугилса қувонар олам,  
Умр тугаганда куйиб-ёнамиз.  
Тугилиши-қайғуга биринчи қадам,  
Ҳаёт синов экан, йўқдир чорамиз.

Эрта тонг чарақлаб кулади қуёш,  
Оламни ёритар – мунаввар зиё.  
Оқшом ётоғига яна қўяр бош,  
Қоронғуда қолар бу кўҳна дунё.

Шодлик ва қайғунинг масофаси бу,  
Инсон бутланади шу йўлда, балки.  
Мангу тирикликнинг арафаси бу,  
Номи қутланади шу йўлда, балки.

Қай муддат тугилар инсон боласи,  
Аёнмас, қай фурсат тугайди умри.  
Истагим, узайсин улар ораси  
Мангу йўлдош бўлсин қуёшнинг нури.

**Қарздорлик ҳисси**

Орзуимдек баланд минорлар  
Замин узра тикланган пойдор.  
Мўйсафиддек асрий чинорлар  
Она-ердан олар куч-мадор.

Қанча кўкка интилмасин шахт,  
Заминдадир чўққи оёғи.  
Қанча улкан бўлмасин дарахт,  
Ерга тушар охир япроғи.

Шунинг учун ҳар оқил инсон  
Унутмайди эски чоригин.  
Она-ердан қарздормиз, инон,  
Ўзингники билгин оғригин.

**Умр мазмуни**

Согинчларим тинмай дилдираб бўзлар,  
Таширфига баъзан зор қилар баҳор.  
Саратон ўтида куз етилгунча  
Вужуд ҳароратдан топади озор.

Хайрият, пояндоз ёзади кўклам,  
Кузақлар қайтади бағрини очиб.  
Қаҳратон қўшигин яна айтади,  
Борлиққа бодроқдай гулларин сочиб.

Умр ўтар тезоб оқин сув каби,  
Юзни тарк этади чирой ҳам бир кун.  
Эссиз ёшлик дерсиз кўзгуга қараб,  
Қандай гўзал эдим – юзлари гулгун?

Лекин дилга армон сололмас соя,  
Йўқотиши ҳам баъзан берар шарофат.  
Қалбингизни қучиб овулар таскин,  
Шукрона келтиринг қўлда не неъмат.

Йўқотишдан улкан топганларимиз,  
Қоронгу туннинг ҳам бўлгандай куни.  
Бутунлик баҳи этар бу ақлимизга,  
Не ажаб, бўлса шу умр мазмуни.

**Фаргона**





# НАСР

## Абдунаби БОЙҚЎЗИ

1954 йилда тугилган. Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Фафур Ғулум номли Адабиёт ва санъат наириётида, “Муштум” журналида, “Халқ сўзи” “Оила ва жамият” газеталарида фолият юргизган. “Ғуборингни ёзгайман”, “Сени излаб келдим”, “Қўзи дарёйим”, “Беш наво”, “Беш сўмлик кеккайиш” номли китоблари чоп этилган.



## ТЕШИКМОЗОР ҲАНГОМАЛАРИ

### Ҳажвий қисса\*

#### Бўйимизни бўлишволамиз

Тешикмозорлик Қўйлиной бобо набирасига ҳазиллашяпти:

- Бегижон, нега сен акангдан паканароқсан?
- Кеча уни қулоғидан чўзиб кўтардингизу, ўшанда мендан ўзиб кетди-да.
- Ундай бўлса, кел, сенинг бўйингни ҳам ўстириб кўяй.
- Йўқ, акамникини ўстираверинг, кечкурун бўлишволамиз.

#### Ўғирликка ўз уйига...

Шўро даврида ўғирлик айб саналмай қолган эди десам, ҳозиргилар ишонармикин? Аксарият замондошларимиз қаердандир ниманидир ўмариб кетса, шу кунни яхши ўтказдим, деб ҳисоблайдиган бўлиб қолганди, десаму, улар мени бутун бир совет халқи юзига қора чапаяпти, деб ўйлашлари тайин. Ҳар ҳолда, Шўро ҳокимияти келгандан бошлаб ташмачиликка қарши курашганини ва бу иллат негадир, Шўро қулаб тушгунга қадар йўқолмай қолаверганини айтсам, биронта тарихчи бекор айтибсиз, деёлмайди. Албатта, бу “фазилят”дан Шўро худудининг биқиқ бир парчаси сифатида Тешикмозор қишлоғи ҳам холи эмас эди.

Шундан келиб чиқиб дадил айта оламизки, “Ўғирлик қовуннинг мазаси бошқа”, деган иборани ҳам айнан тешикмозорликлар ўйлаб топишган бўлса керак. Ҳар ҳолда, бунақа “қитмири ибора”лар фақат уларнинг оғзидангина чиқиши мумкин. Бунга асос бўладиган воқеалар ҳам тешикмозорда тиқилиб ётибди. Хўш, қайси бирини айтсам экан? Худойберган буванинг товукларини “тинчитганимиз”ни айтдим. Оламайдонликлар колхоз раҳбарларидан яшириқча пайкалнинг этақроғига эккан қовунларидан бир аравасини Тўртқулкандага оқизиб, Тешикмозордан тутиб олганимизни ёзайми? Йўқ,

\*Охири. Бошланиши ўтган сонда.

яхшиси, Дўманқора шийпон болаларини ўз уйига қовун ўғирликка юборганини сўзлаб бера қолай. Ҳа, шуниси қизиқроқ.

Дўманқора деганимиз, далада ишлайдиган ёш-яланглarning ичида ёши каттароғи. Ўша пайтларда, негaдир, қишлоқнинг ўсмир йигитлари колхознинг дала шийпонида тунаши жамоа хўжаликлари ички тартибига киритилган экан чоғи. Хўш, ўнта, ўн бешта навқирон бўй бола кечаси билан шийпонда тинч ётади, дейсизми? Ҳа, баракалла, ётмайди! Айниқса, ўғирланган қовуннинг мазасини яхши биладиган тешикмозорлик болалар ётган жой бўлса!..

Шийпон болалари ҳаётининг биров билмас кундузги ва тунги кун тартиби бўларди. Кундузги кун тартиби ҳаммага маълум: табелчи билан бригадир нима иш буюрса, бажариш. Бажаргандаям, қойил қилиб бажариш. Оқшом чўкиб шийпон ўзларига қолгач эса, фақат Дўманқора ва Водил аканинг ҳукми – ҳукм. Бордию, улардан бири қўшни Урганжи жамоа хўжалигининг бутун бошли тарвузюяси ёки олмабоғини Тешикмозорга кўчириб келамиз деса, барча бир ёқадан бош чиқариб ўша ишни амалга оширишга астойдил киришган. Турган гапки, шийпон болалари тунги ҳаётининг “мазмунли ўтиши”, “амалий ҳаракатлар”нинг муваффақияти, асосан, шу икки “оқсоқол”нинг кундузи олиб борадиган “разведка” ишлари ҳамда ишлаб чиққан ҳаракат дастурларининг пишиқ-пухталигига боғлиқ бўларди. Кўзланган режа муваффақиятсизликка учраса ёки бадхатроқ амалга ошса, вазиятдан қандай чиқиш ва жавобгарлик масъулияти ҳам ўша икки “оқсоқол” зиммасига тушарди.

Шийпон болалари бундай тунги тадбирларни “юриш”, деб аташарди. Юришларнинг каттароғи, ўртачароғи ва кичикроқлари бўларди. Бу атамаларнинг нимани англатишини зукко ўқувчимиз назаримизда аллақачон илғади. Шундай бўлса ҳам айтай: “Катта юриш” дейилса, қўшни колхоз, “ўртачароқ” дейилса, қўшни қишлоқ ёки бригада худуди, “кичикроқ” дейилса, шу маҳалланинг ўзида етиштирилган қишлоқ хўжалик ёхуд полиз маҳсулотларидан ўғирлаб келиб, мазза қилиш ҳақида гап кетаётган бўлади. Ана шу “парол” сўзга қараб шийпон болалари кутилаётган юришга руҳан, ҳам жисмонан тайёр туришлари зарур бўлган. Амалга ошириладиган иш мазмуни ва тархи болаларга тунда “юриш” олдидангина маълум қилинган. Унгача, режа йўналиши ва тархи ҳақида уни ишлаб чиққан икки оқсоқолдан бошқа ҳеч ким билмаган. Сабаби энди, ўзингизга маълум: сир сақлай олмаган одам қайси бир замонда барака топган?

Шу ўринда яна бир маълумот: кимнинг томорқасига нима экилган, қанча ва қандай экилган, кимнинг уйида анжир у кимнинг уйида пиёладай-пиёладай отёғи шафтоли ёки карсиллаган, тишласанг суви сачраб кетадиган нордон олма... Буларнинг барини икки оқсоқол уйнинг эгаларидан ҳам яхшироқ билишган десак, хато бўлмайди.

Бу сафарги режа мазмуни юқорида айтганларимизнинг биронтасига ҳам тўғри келмайди. “Юриш” шийпон болалари оқсоқолларидан бири Дўманқоранинг ўз ҳовлисидаги қовун-полизга. Ўзингизга маълум, ҳар куни тош кўтариб юрган полвонлар машқини бир гал қанда қилса, эртасига иш пачава, деяверинг. Шийпон болаларини бир тун юришдан қолдириш эртасига сардорларга қимматга тушиши мумкин. Жанговарлик руҳини сақлаб туриш учун эса Дўманқора ўз отаси етиштирган қовунлардан бир нечасининг баҳридан ўтишни маъқул топган кўринади.

Шундай қилиб, шийпон болаларининг ўша тунги ризқи Дўманқора уйидагиларга билдирмайгина, ўз ҳовлисидаги қовун палаклари устига ташлаб қўйилган оқ белги – дафтар варақлари остида экан. Тешикмозорлик болалар учун сутдай ойдин кечада, банд бериб узилай-узилай деб турган, ҳиди бир маҳалла наридан ҳам бурунга гулпилаб урилаётган бўриқалла ва босволдиларни топиш унчалик қийин иш бўлмаган эди, деб эслашади ўша пайтнинг ўғригина болалари, гоҳи-гоҳида йиғилишиб қолишса.

Шу ўринда яна бир омонат гапни айтиб ўтай. Тенг-тўшларининг кўнгли учун қизиқ-қизиқ воқеаларни ўйлаб топадиган, керак бўлса, ўз хонадони манфаатидан кечиб бўлса-да, улфатларининг кўнглини шод этишга шай, ёш-яланглари ўғирликка етаклаган, аммо ўғри бўлиб кетишига йўл қўймай, бўй кўрсатиши мумкин бўлган беғубор зарарқунданаликларни ёшлик даври қусурлари сифатида, ёшлиқда қолдириб кета олган Дўманқора тешикмозорликлар ёдида бир яхши хотиралар қолдириб, олтмиш ёшлар атрофида қазо қилди. Бир пайтлар “ўғридоши” бўлгани учун айтяпти демангу, ҳақиқатан ҳам у киши ажойиб улфат, яхши ота ва ўнлаб қобил набира ва абираларнинг бобоси сифатида яшаб ўтди. Олло раҳмат қилсин!

Водилжон “оқсоқол” айна кунда ҳаёт – етмиш ёшларда. Узоқ йиллар колхозда табелчи, бригадир, ҳосилотлик лавозимларида ишлаб нафақага чиқди: қариллик гаштини сурмоқда.

Ҳеч бўлмаса, шу Водил оқсоқолнинг лақабини айтиб кетинг, дейсизми? Айтсак, айтаверамиз. Биздан биров кўрқармиди? Бироқ бир андишамиз бор. Тешикмозорликлар, шу, Ҳабишвой деганиям, Тошкентда ўқиб жўрналис бўлқолдим деб, оғзига кел-

ган гапларни ёзаяпти, дейишмасмикин, ишқилиб. Эт-бетдаги йиғинларда одамлар Водил оқсоқолга, “Ҳабибулло деган жўрналист ҳамқишлоғингиз сизга ҳам “ниши”ни бир санчиб ўтибди. Ачиштирмаяптими?”, деб қолишса, Водил акамиз, ноқулай аҳволга тушиб қолиб, ачиқ устида, “лақабимизни ёзган қўлларингни чаёнлар чақсин”, деб қарғавормасмикин деб қўрмамиз, холос!..

Азиз китобхон! Юқоридаги жумлада Водил оқсоқолнинг лақабига нозиккина ишора қилдик. Сал пайпаслаб кўрсангиз, сиз ҳам топасиз ўша сўзни. Фақат, эҳтиёт бўлиброк пайпасланг. Фалокат оёқ остида, дейдилар. Қўлингизни чаён-паёнга чақтириб ўтирманг тагин.

Латифа:

### Энг катта лайлак туққан

Беш ёшли Жавоҳир бобосидан яна сўраётганмиш:

- Оппоғдада, сизни ким туққан?
- Катта бувинг туққан.
- Катта бувимни ким туққан?
- Катта бувингни катта бувим туққан.
- Катта бувимизни...

Бобо қараса, саволнинг кети кўринмайдиган. Қарши савол билан набирасини чалғитмоқчи бўлди.

- Ўзингни-чи, ўзингни ким туққан?
- Меними? Энг катта лайлак туққан.

### Машъала думли эшак

Собиржон тракторчи қанақадир ҳайвоннинг даҳшатли пишқириғи ва ўзлари ётган йиғма калавот атрофида ҳар томонга учқун сачратиб гир айланаётган аланга ҳароратидан чўчиб, уйғониб кетди. Ё, тавба! Оламайдоннинг алвастилари бор, деб айтишарди-я! Уша жинлар базм бошлашибди-да, деб уйлади у. Ва шоша-пиша истиғфор келтиришга тушди:

“Ла илаҳа валақуввата Илло, билло!... Муҳаммадан Расулulloҳ!..”

Ёнидаги калавотда қотиб ухлаётган Сухробни уйғотсамикин! Ёш бола-ку! Кўрқиб кетар. Бирор кор-ҳол бўлиб қолса, отасига нима дейди? Ярим тунда алвастилар чалиб кетди болангизни, дейдими? Ўлақолса, ишонмас! Уйғотмаса ҳам бўлмайди. Узининг ҳам ўтакаси ёрилиб кетай деяпти. Сухроб ёш бола бўлса ҳам дадил. Бирон жўяли гап чиқиб қолса ҳам, ажабмас. Ҳа, уйғотгани маъқул! Бироқ Собиржоннинг овози чиқмасди. Ҳозиргина калима келтираётган тиллари негадир сўзга айланмасди. Йўқ, болани уйғотмагани маъқул. Бу манзарани кўрса, у кўрқувдан тамом соқов бўлиб қолиши таин. Яхшиси, Худога ёлворай. Шундан фойда, деди-да, дуо ўқий бошлади:

“Паноҳо ли зулмоти субҳоно инни кун тум мин аз золими-ин!..”

Собиржоннинг дуодан ҳам кўра кўпроқ йиғламсирашга ўхшаб кетадиган бу тиловатларини пайкалнинг ўртароғида ғузаларга сув тараб юрган Водилжон билан Дўманқора ҳам эшитиб турарди.

Алвасти Оллонинг калимасидан ҳам чўчимай, икки бегуноҳ бандаси атрофида баттар жазавага тушар, чир-чир айланарди:

“Худо-о! Раҳминг келсин! Бу балойингдан ўзинг асра! Ўзинг қутқа-ар!”

Собиржон бу илтижоларни ичида айтдими ёки овозини баралла кўйиб қичқирдими, бугун буни аниқ айта олмайди. Қизиқ экансиз! Бир бандаи мўмин кўрқувдан жони халқумига келиб турса-ю, биз ояти каримани тилида айтдими ё дилида, деб муҳокама қилиб ўтирибмиз! Ичида айтди нима-ю, ташида айтди нима? Ҳар қалай, айтди-ку! Сиз билан биз шу ҳолга тушсак, эҳтимол, калима ҳам келтиролмай, туёқ қоқворган бўлармидик... Астаҳпирилло, ал азийм!..

Хайрият, Собиржон тракторчининг охи Оллога етди. Аланга – алвасти уларнинг атрофида яна икки топқир айланиб, катта йўлга чиқиб олди ва кишлоқ томон йўл солди. Ажина бу ердаги базмни яқунлаб, Тешикмозор кўчаларида чаппар ураётганда, Оламайдондаги Собиржонлар ётган калавот атрофида қўланса ҳид таратиб, гоҳ тутаб, гоҳ липпиллаётган куюндилар сочилиб ётарди. Ажина анча узоқлашгач билдики, шериги Сухроб ҳам аллақачон уйғонган. Фақат, бошини ёстиқ билан босиб, ғужанак бўлиб, қалт-қалт титраб ётарди...

Ушбу ҳангома Тўлқин бригадир даврида содир бўлганмиди ёки Водил бригадир даврида, аниқ айта олмаймиз. Лекин шуниси аниқки, бу юз пойиз бўлган воқеа деб, юз

пойиз тешикмозорликлар гувоҳлик беришига юз пойиз ишонамиз. Ана шунақа! Шоир Ғафур Ғулом айтганидай: бизнинг оғзимизга бир тушган сўз қайтиб ишга ярамайдиган бўлиб қолади. Йўқ, биз сўзнинг елкасига “Ғафуровский”ча маънолар юклаб ташлаганимиздан эмас, аксинча, бир сўзни юқоридаги каби, “юз пойиз”га ўхшатиб, бир жумлада майиб бўлиб қолгунича қайта-қайта ишлатганимиздан шу аҳволга тушади.

Олис-яқинларга овоза бўлган, “Уфалогия ва ноаномал ҳодисалар” институти ходимларининг ҳам узоқ йиллардан буён ризқини бутун қилиб келаётган ўша “Машъала думли эшак” воқеаси сценарийси ҳам, аслида, тешикмозорлик шийпон болалари томонидан ёзилиб, амалга оширилган эди.

Ҳа, бу қоғозга тушмаган пьеса. Пьеса бўлгандаям, анча-мунча пойтахтлик драматург ёки режиссёр театр ё кино қилиб қўёлмайдиган пьеса. Сабаби унинг қаҳрамонлари пахта даласидан нари чиқмаган, жудаям содда одамлар. Бундай содда ва беғубор инсонлар ролини фақат тешикмозорлик, бирон ерда ўқимаган, шийпон болаларигина қойил қилиб ижро эта олади. Пойтахтлик артистлар ўқитилган. Ўқиган артистлар ролни фақат ўқиганидай, тўғрироғи, ўқитилгандай қилиб ўйнайдилар. Қолаверса, қаҳрамонлар рўйхатида эшак ҳам бор. Бўлганда ҳам тирик эшак. Тирик эшакни театр сахнасига олиб чиқиб бўларканми? Саҳнанинг ўртасига тезаклаб-нетиб қўйса ёки шариллатиб... Борди-ю, шундай қилган тақдирда ҳам, эшакдан биров ранжимади. Эшак ролини одам ўйнаса... Эшак одам эса, эшак характери ва ҳаракатларини ўла қолса, ўхшатоқмайди. Ўхшатоқмайди-да, кулгига қолади. Демак, “одам ҳайвон”нинг роли сунъий чиқади. Эшак ролини, табиийки, эшакдан бошқа жонивор табиий чиқара олмайди. Табиий чиқара оладиган артист эса ҳали туғилмаган. Туғилган бўлса ҳам... ўқитиб қўйилган.

Ҳай, майли, Тешикмозорга қайтайлик.

Тешикмозорнинг ғузаси ёз ойлари Тўртқўлканданинг Оламайдон деган хилват жойидан насос билан тортиб олинадиган сувга муҳтожлик сезади. Насосни созлаш, юргизиб назорат қилиб туриш, кечалари қўриқлаш ҳам бригада тракторчисининг зиммасида. Тунда, албатта, унга шийпон болалари навбати билан ҳамроҳлик қилишади.

Хуллас, ўша куни, шийпон болалари Дўманқора ишлаб чиққан режага асосан, Эмон буванинг тунда бўшалиб кетиб, кўсакка бўкволадиган хачирини тутиб, жазолашга қарор қилишди. Бу ишда собиқ тракторчидан қолган, яғри чиқиб кетган эски пинжаги иш берди. Уни яхшилаб думалоқлаб боғлаб, саярқага бўктиришгач, бир қулоч алюмин сим билан хачирнинг думига боғлашди. Жониворнинг боши Эмон буванинг уйига томон қаратилиб, гуппига гугурт қақиб юборилди.

Иш шийпон болалари ўйлагандай бўлиб чиқмади. Кетини олов жизиллатган эшак шаталоқ ота бошлади. Шаталоқ отган сари орқа туёқлари машъалага урилар, ҳар урилганда атрофга учкунлар сочилиб кетарди. Оловдан ҳуркиб, жон аччиғида, нажот излаган хачир эгасининг уйига эмас, шу яқин орада потиллаб сув тортаётган насос қоровуллари томон чопган эди...

Бор гап шу, азизлар!..

Латифа:

### Ўз тизангга ўтиб ўтир

Тешикмозорлик Қўйлиовой отанинг беш ёшли набираси Мужгон бобосининг ўнг тиззасида ўтирган сингласи Райҳонни итариб, деяпти:

– Қоч, ўзининг тизангга ўтиб ўтир.

Бу гапдан ҳайрон бўлган бобо катта набирасидан сўради:

– Ўнг тиззам қачон сеники бўп қолди?

– Уни мен Райҳон туғилмасдан олдин ўзимники қилволганману...

### Вовани суннат қилиш...

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларимиди. Маҳалламизга Павлик исмли ўрис амаки кўчиб келди. Унинг Зина исмли маржаси ва Вова исмли олти ёшли “сино”и (ўғли) ҳам бор эди. Уларни бизнинг чекка, зерикарли қишлоғимизга тақдирнинг қайси шамоллари учуриб келган, билмаймиз. Ҳар ҳолда, Павлик амаки шофёр эди. Ён қўшнимиз Маташвой бува билан биргаликда колхознинг қирдаги чорвасига “водовоз” машинада сув ташишларини билардиқ, холос.

Ўша пайтларда ўрислар яшамайдиган қишлоқларга ҳаётдан орқада қолган, зерикарли жойлар сифатида қаралганини ҳозиргилар ақлига сиғдиришолмайди. Маҳаллий аҳоли ҳам ўриси йўқ маҳалламизга рус оиласининг кўчиб келишини, қанақадир ижобий ходиса сифатида қабул қилишгани аниқ. Чунки ким иккита нон, ким боғидан узилган

мева, ким косада оби ёвгон ё лаганда ош билан, кунда-кунора йўқлашларидан шундай хулоса чиқарса бўларди.

Биз болаларни-ку, қўяверасиз: тамом талтайиб кетдик. Теварак-атрофдаги ўриси йўқ қишлоқларга бориб қолсак, Тешикмозорнинг ҳам энди маданий қишлоқлардан эканлигини билдириб қўйиш учун, ҳар икки гапнинг бирида, Павлик амаки ёки маржаси Зина холанинг фазилатларидан, улар билан аҳил-иттипоқ эканлигимиздан бир-биримизга гал бермай мақтанамиз. Маҳалламизнинг шоир боласи Даврон Қули ўз отасининг Павлик амаки билан ўрисча гаплашиш учун она тилимни унутишга тайёрман, деган гапини газетада ёзиб чиқиб, бир ой “Артек” лагерида бепул дам олиб келди. Уртоғимиз Вовани-ку, ота-онасидан ҳам кўра, ота-оналаримизнинг арзандаси. Айниқса, айрим ёш келинчақлар Вовкани кўриб қолишса, ийиб кетишиб: “Шу болани, ичларимга тиқиблар олгиларим кепкетяпти!”, деб юборишлари... Бир куни денг, Жавлон акамизга яқиндагина келин бўлиб тушган, киноларда ўйнайдиган артист қизлардай қишлоғимизнинг барча болаларини ошиқу беқарор қилиб қўйган келинчақ – Дилоро опа ҳам шундай деганини ўз қулоғим билан эшитганимда кўзимга дунё қоронғи бўлиб кетди. Шу куни, сизга айтсам, Тешикмозорнинг ўзбек болалари ўрис бўлгимиз, ўрислар бўлқолгимиз кепкетган эди!

Қишлоғимиздаги барча болаларнинг ҳаваси келадиган Вовканинг рўза кунлари биз билан рамазонлар айтишиб, ҳайит намозларидан кейин тухумлар уриштиришига монелик қиладиган бир камчилиги бор эди. Бу – унинг суннат қилиниб, кўли ҳалолланмаганлиги эди. Икки ҳайит тантаналарида яйрай олмай, бир чеккада мунғайиб, кўнгли ўксиб қолган Вовка тешикмозорлик ўртоқларига маслаҳат солди:

– “Соппан-соппан, со-оп!...” дуоларини сизлар билан бирга томоша қилишим, тухумлар уриштириб, катталардан ҳайитликлар олишим учун нима қилишим керак?

– Бунинг чораси бор! – деди, Эркин душа.

– Қўлингни ҳалоллаш керак, – дея аниқлик киритди Ҳамдуш.

– Нима, сенинг қўлинг ҳалолу, менинг қўлим ҳаромми? – деди Вовка хафа бўлиб.

Вовканинг девор-дармиён қўшниси Муҳаммадҷон вазиятни юмшатди.

– Биласанми, Вова, – деди у, – сенинг қўлинг ҳам тоза. Фақат, булбулингдан озгина ортиқча жойи олиб ташланмаган. Тушундингми? Агар шуни кесиб ташласак, сен ҳам ҳақиқий тешикмозорлик бўласан. Қўрқма, чумчуқ чўқиганчалик оғрийди, холос. Ярим кундаёқ, юриб кетасан. Мана ўзим, икки соатда чопқиллаб кетганман.

– Папам билан мамамга айтмайсанми, ишқилиб? – деди Вова ҳам розилик оҳангида.

Хуллас, тешикмозорлик уч мусулмон, бир “копир” маслаҳатни бир жойга қўйишди. Даминбой чекилик уста Эргаш ўзларини қандай суннат қилган бўлса, шундай қилишади, вассалом, олам гулистон – Вова мусулмон!

Эркин душа қамиш, Муҳаммадҷон пичоқ топди. Ҳамдуш уйдан қон чиққан жойига кўйдириб бозиллатиб босиш учун мозпахта олиб келди. Суннат амали шийпонда амалга оширилди. Тўғриси, чалароқ амалга оширилди. Нега, дейсизми? Ахир, Вованинг суннатида ҳар томондан пул сочиб, алдаб-сулдаб бақирса, оғзига тухум тиқиб, “Ку-ла-лў”, деб турадиган тоғалари, амакилари йўқ эди-да! Шунинг учун, ишнинг ярмидаёқ, Вованинг чинқириғи бутун Тешикмозорни тутиб кетди...

Қўйинги, тешикмозорлик болалар бошлаган “суннат амали”нинг давоми Пойтуғдаги катта банисада, катта дўхтирлар иштирокида ниҳоясига етказилди. Бутун районимизнинг коммунистлари эса ўшанда, Тешикмозорда “ўзбеклар бир ўрис боланинг булбулини “чиканка” қилиб қўйибди”, деган гап Московга етиб бормасин-да ишқилиб, деб бир неча йиллар юракларини ҳовуқлаб яшаганлари ҳам бор гап.

Тешикмозорликлар орасида бугун ўша, суннат воқеаси қачон эсланса, “Вовка мусулмон бўлганмикин, ёки?...” деган савол қайта-қайта кўндаланг бўлаверади. Бу саволга ҳали-ҳануз, биронта тешикмозорлик аниқ жавоб беролмайди. Уларнинг топиб олган яқдил гаплари шуки, Вовка шифохонадан соғайиб чиққан куниёқ, Павлик амаки шошилинч, кўч-кўронини йиғиштириб, маржасига:

– Хотин, юр, тешикмозорликлар менинг қўлимни ҳам ҳалоллаб қўймасларидан олдин, бу ерлардан кетайлик, – деган ва ярим тунда қайсидир томонларга кўчиб кетган...

Вовалар кетиб, тешикмозорликлар юксак маданияти билан мақтаниша олмай қолгандир, дейсизми? Қаёқда, улар, ҳозир ҳам, “Бизнинг қишлоғимиз ўрис кўрган қишлоқлардан”, деб, ўриси йўқ қишлоқлар одамларининг оғзини очиришмайди.

Латифа:

### Пакаш бўлқоласиз

Тешикмозорлик Қўйлиной отанинг тўрт ёшли набираси Бегиҷон ёнбошлаб, чой ичиб ётган бобосига деяпти:

- Оппоғдада, қаранг, бүйим сизники билан барабар бұпқолди.
- Отам ўғлим, бобом ўғлим! Яшанг!..
- Мақтовдан талтайган набира энди бобосига насиҳат қила бошлади:
- Сиз ҳам паловни менга ўхшаб катта-катта ошанг. Бўлмаса, Зухур гадикка ўхшаб пакаш бұпқоласиз...

### Калнинг бошига ўт кетди

Бу воқеа ҳам ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига тегишли.

Гапнинг пўст калласидан бошлайқолай: эрталаб уйғонсам, бошимнинг чап томонидан бир тутам сочим ёстиққа тўкилиб қолибди. Ичим шув этди. Кал бўлиб қолибсан чоғи, дедим ўзимга ўзим. Сени ҳам энди Ориф дўхтирга дучор қилишади. Қолган қутган сочларингни ҳам бозиллаб турган суюқ сиранч чаплаб, қотгач, шарра-шарра шилиб олишади ва қизиб турган силлиқ бошингга жазиллатиб йод суркаб, қўйиб юборишади. Сен эса:

“Калнинг бошига ўт кетдў-ў, йўлдан қоч!” – деб, калбанисанинг ичида зир югурасан. Қанча тез югурсанг, бошингга шунча кўп шамол тегиб, шунча ором оласан.

Ҳа, ўша йиллари қишлоқларда негадир кал болалар кўпайиб кетган эди. Қизиқ, бу касаллик бир кечадаёқ ўзини кўрсатар, эрталаб турсанг, бошингнинг тенг ярмида сочинг йўқ. Ширин уйқуда ётганинда, колхоз қўйларининг жунини қирқувчилар келиб, худди атай қилгандай, каллангнинг бир томонини шип-шийдам қилиб кетарди. Бирор ҳафтадан кейин қарасанг, бошинг ҳозиргина товўқнинг кетидан тушган тухумдай, сипсиллиқ бўлиб қоларди.

Ўша куни нонуштада, бошимдаги бу манзарани ота-онамдан яширдим. Дўппимни чап томонга қийшайтириброк кийиб ўтирдим. Эртасига эса бу қилиғим ўсмирликда бўладиган болаларча парангликка йўйилди. Отамнинг хаёлидан тергаб қўйиш керакка ўхшайди, деган мулоҳаза ўтди, шекилли:

– Дўппингиз бироз қийшайиброк қоптими, ўғлим? – деб қолди.

Отамга ҳеч нарса демадим. Урнимдан туриб, ташқарига чиқиб кетдим. Бу ҳаракатимни ҳам ўсмирлик ўзгаришларига йўйган отам, ўтиб кетар, деб ўйладими, ҳар қалай, бошқа индамади.

Афсуски, дўппим эртасига ҳам, индинига ҳам тўғриланмади. Бир ҳафтада бошим ола чиққан шопипояга ўхшаб қолди.

Ажабланарлиси, касаллик юққан болалар ҳақидаги маълумот яшин тезлигида Жонободдаги “калбаниса” қулоғига етиб бориши эди. Икки ҳафта илгари, иккита ўртоғимни тутиб кетиб, уйидаги бор кўрпа-тўшакларини буғхонасида қайнатиб берган ўша, хунуқдан-хунуқ “зимпесса (дезинфекция) машина” энди менинг изимга тушган. Биринчи бор излаб келишганида, жонимга онаизорим оро кирди: секин имлаб чақириб, қочириб юборди. Дўхтирлар иккинчи сафар ҳам қуруқ қўл билан қайтиб кетишди. Энг қизиғи, калмошиначилар учинчи марта келганида содир бўлди. Пахтазордан ўрган ўтимни орқалаб, ашулани ванг қўйиб уйга келдим. Ҳовлимиз этакдаги молхона остонасидан ҳатлағунча ҳам уйимизда қалдўхтирлар пойлаб туришганини сезмабман.

Хуллас, елкамдаги юкни сигирнинг охурига ташлаб, қайтиб чиқаётганда, оқ халатликлар шарпасини пайқаб қолдим. Шартта изимга қайтиб, охур ичидаги ўтнинг остига узала тушдим. Молхона остонасидан биринчи бўлиб Ориф дўхтир ҳатлади. Охур тахтасининг тирқишидан кўриб ётибман: орқасида иккита ҳамшираси ҳам бор. Улар ним қоронғи молхонани айланиб чиқишди. Ориф дўхтир, ҳайрат билан деди:

– Вой, қисталоғ-ей, ҳозиргина, шу эшиқдан кириб кетувди-ю! Қаёқдан қочиб кетақолдйкин?

Бироздан сўнг ҳафсаласи пир бўлган Ориф дўхтирнинг овози ташқаридан, дарвоза-хонага яқинроқ жойдан эшитилди:

– Бу сафар ҳам қўлдан чиқардик. Тожibu, болангнинг товонида кулдиргичи борми, дейман? Кетдик!

Калмашина ҳам ўжар ўргимчақдан баттар тажовузкор эди. Бир пойлаган ўлжасини тутиб ямлаб ютмагунча, изғийверарди-изғийверарди.

Ўша кал боланинг исми нима эди, деб қизиқяпсиз-а? Айтсак, бинойидек, “тандур” лақаби ёнига “кал” сўзи ҳам кўшилиб, қўшлақабли бўлиб кетмаслигимиз учун индаганимиз маъқулмикин?

Латифа:

Насиб этса...

Тешикмозорлик Қўйливойнинг беш ёшли набираси Бегижон бобосидан сўрапти:  
– Оппоғдада, сочим қачон сизникидай оқаради?

- Мендай бўлганимда, болам.
- Қачон сиздай бўламан?
- Яна қирқ беш йилдан кейин.
- Қирқ беш йилдан кейин сиз кимдай бўласиз?
- Ҳа, болам-а, насиб этса... сендай бўламан.

### Шалдиروق арава

Юқорида эслаганимиз Тўлқинжон бригадирга эргашиб Тешикмозорга келган Со- бир тракторчи кўтармага сўртавой ошқовоқлар экиб бойиб кетди ва йиллар ўтиб, катта опамизга уйланди. У киши биз учун энди – Собиржон почча.

Собиржон поччанинг тўрт ғилдиракли “Белорусь” трактори бўлар, у киши учун йил- ўн икки ой “сезон” ҳисобланарди. Ишсиз қолган куни деярли бўлмасди. Чунки тирка- ма аравали транспортга худонинг битмиш куни эҳтиёжмандлар чиқиб турар, иш то- пилмаган пайтларда эса Собир почча бизникига келиб, отамиз билан гурунглаше-еб ўтиришни хуш кўрарди.

Кеч куз. Колхозда пахта терими тугаб одамлар ғўзапоя йиғиштиришга тушган. Пахта “задания”сидан қутилган деҳқонлар ерга қор тушмай туриб экин-тикинларини саранжомлаб олишга киришган кунлар. Ўзингиз биласиз, ғўзапоя ғамлаш ҳам қишлоқ аҳли учун энг муҳим ташвишлардан. Бусиз унинг ўчоғи гуриллаб, қозони қайнамайди. Тандири қизиб, сандали бозилламайди.

Қўйинги, тиркама араваси бор тракторчиларнинг куни туққан. Собир поччанинг ҳам мартабаси чандон ошиб, одамлар унинг изига тузоқ қўйган кунлар.

Таҳсилдан таътилга келган студент болам бир маза қилсин, дедиларми, онамиз тушликка ошни катта дамладилар. Дастурхон атрофида бутун оиламиз жам. Собир почча ҳам шу ердалар.

Онам пиширган паловни обдан соғинган эканман. Қоринлар чирманда бўлиб кет- гунча туширдим. Ошдан кейин отам билан поччамизнинг узилиб қолган узундан-узоқ суҳбатлари қайта тикланди. Ноилож, ҳазми таом учун кўчага чиқдим. Қарасам, поччам- нинг трактори шудгор четида “пилиқ-пилиқ”, “пилиқ-пилиқ” қилиб ишлаб турибди. Ўша кезларда ёнилги зовурдаги сувдан ҳам қадрсиз. Тракторчилар бир-икки соат дам олиш пайтида моторни ўчириб ўтирмасди. Сездим, поччам тиркама аравасини кимнингдир пайкалида ғўзапоя юклаш учун қолдириб келган.

Шу тракторни бир ҳайдамайсанми, деган шум фикр кечди хаёлимдан. Шартта рулга ўтирдим. Собир почча бажарадиган амалларни тахминан такрорладим. Трактор аста ўрнидан жилди. Қувончим ичимга сиғмайди: яшшавор, Ҳабишвой! Мана, ўқишни тугатмай туриб, трактор ҳайдашни ҳам ўрганиб олдинг...

Шудгорнинг ғўзапояси йиғиштириб олинган жойларида анчагача сайр қилдим. Колхознинг тинкани қуритиб ташлайдиган меҳнатидан ўлгудай ҳориб, ўзининг экин-ти- кини, ўтин-чўпига қолганда, силласи қуриган ҳамқишлоқларим онда-сонда келадиган бир талаба боланинг трактор ҳайдашини сезмаётгандай, ҳорғинтобгина, ўз ишлари билан андармон. Уларнинг бу пайтдаги ҳолатини тушунса бўларди. Бошқа пайт бўлса- ку, йўқ ердан қийтиқ чиқаришиб:

“Тешикмозорнинг тошкентлик “тандири” (ҳа, дарвоқе, айтиш эсимдан чиқибди. Тандир бу бизнинг тешикмозорликлар орасидаги оилавий “унвон” – лақабимиз) ўзини тракторга ортиб қаёққа кетяпти?”га ўхшаш гапларни бири қўйиб, бири айтиб, аскияга чорлаб туришарди.

Хуллас, тракторчилик ҳам ярим соатга етмай, меъдага тегди. Энди уни тўхтатиш керак. Бироқ бу “темир дев”ни юргизишнинг ҳавосини олибман-у, тўхтатишини кузат- маган эканман. У қилдим, бу қилдим, қани энди “дев” қулоқ солса. Юрагимга ваҳима тушди. Хаёлимга лоп этиб, пайкалнинг тепароғида карчопка қилинган ғўзапоясини ўроқ билан тупроқдан суғуриб тахлаётган Ўсканбой ака келди. Тракторчининг укаси-ку, ҳарқалай. Илтимос қиламан. Эҳтимол, ўзи ёнимга сакраб чиқиб ўчириб берар...

Рулни ўша томон бурдим. Аста Ўсканбой акага яқинлашаман ва ҳали чалароқ қолган салом-аликни тўлдирган бўламан:

– Чарчамаяпсизми, Ўсканбой ака?

Ўсканбой ака нима дейсан, дегандай бошини сал кўтарайди-ю, ишини қизғанибми ё ҳазилга мадори келмаганиданми, унчалик парво қилмай, машғулотида давом этади. Қарасам, узоклашиб кетяпман. Жон ҳалпида яна қичқирдим:

– Манави шалдиروق аравани тўхтатолмаяпман!

Бу сафар у менга бир маъноли қараш қилади-ю, ўзини ҳеч нарса эшитмаганга со- либ, ишида давом этади. Шаҳардан келган, бекорчи бола тантқиқ қияпти, деган хаёлга борди, деб ўйладим. Трактор эса табиийки, ўша-ўша, қайсар... Рулни буриб яна

Ўсканбой акага яқинлашаман:

– Ҳазили йўқ... Ёрдам берворинг?

У энди айнан бизнинг қишлоғимиз одамларидангина эшитиш мумкин бўлган жавобни берди. Нима дейди, денг? Айтсам, қуласиз:

– Парво қимаё ҳайдовур. Ёғи тугаса ўзи тўхтади.

Ўсканбойнинг беписандлиги бироз иззат-нафсимга тегади.

Кўрсатиб қуй унга, ҳазил қандай бўлишини, дейди қайлардандир келган шайтоним. Тракторни Ўскан акага ажратилган, ҳали ғўзапоёси йиғиштириб олинмаган шудгор томон бураман. “Белорусь”нинг ғилдираклари энди унинг ғўзапоёларини пайҳон қила бошлайди.

– Ҳа-ҳов! Нима қилганинг бу? – ўроқ дўлайиб, пўписа қилади у.

Мен ҳам Ўсканбойнинг жавобини ўз оҳангида ўзига қайтараман:

– Парво қилманг! Ёғи тугай деб қолди.

Ҳар ҳолда, Ўсканбой ака билан ошимиз пишмади. Бир бечоранинг ўтинини пайҳон қилиш ҳам инсофдан эмас эди. Тракторни яна уйимиз томон бурдим. “Темир дев” ҳеч нарса бўлмагандай, бир меъёрда, биғиллаганча олға интилади.

Нима қилсам экан? Ўзим билан ўзим ўйлашиб тракторнинг олди ғилдираклари катта ўқариққа мункиб қолганини сезмабман: бир-икки бор силтанди-ю, уни ўчди.

Елкамдан тоғ ағдарилди. Оёғимни қўлимга олиб уйга чопдим. Кирсам, отам билан Собир почча ёнбошлаше-еб, ҳамон ўша мен чиқиб кетган палладаги мавзунинг мойини чиқаришиб ётибди.

– Собир ака, – дейман ўзимни хотиржамгина кўрсатишга ҳаракат қилиб. – Тракторнингизни кўчага тўхтатувдингизми?

– Ҳа, нима эди?

– Кимдир уни, ҳов, шудгорнинг ўртасига оббориб қўйипти!

– Э қўёвуринг, бу депарада уни ҳайдаб кетадиган одамнинг ўзи йўқ. Топилсаям, узоққа опкетолмайди. Жонига тегиб бирон ерга ташлаб кетади, – деди-ю, суҳбатни келган жойидан яна давом эттирди...

Ўскан аканинг нима учун ўшанда менга ёрдам бермагани боисини кейинроқ эсладим. Қайсидир укамизнинг суннат тўйи эди, адашмасам. Ҳовлимиз саҳнига жой қилинган. Ош тортилгач, аския бошланиб кетди. Мавзуга негадир “арава” пайрови танланган эди. Ҳар томондан чўқиланаётган Мўйсинбой акага (Ўсканбойнинг акаси. Лақаби... ҳай майли, айтақолай: “арава”) кимдир:

– Сизга раҳимимиз кепкетяпти, Мўйсинбой! Бугунги тўйдан бир “арава” гаппинан қайтадаган бўлдингиз. Ярим-ёлчисини, анови, укангиз Ўсканбойга юклавормасак, йўлда гупчагингиз айрилиб кетиб, уятли бўпқолмасангиз гўрғайди! – деб аскияга яқун ясагани ёдимга тушди...

Латифа:

### “Права”си йўқ-да!

Тешикмозорлик Қўйлиовой отанинг олти ёшли набираси Жавоҳир бобосига деяпти:

– Оппоғдада, катта бўлсам, сизга “Мерседес” оббераман.

– Яшанг, ўғлим! Бувингизга нима олиб берасиз?

– Бувимларгами? Чак машина олиб бераман.

– Уларгаям “Мерседес” обберақолинг.

– Обберарди-им, “права”лари йўғу?..

– Биратўла “права”синиям обберақоласиз...

– Ҳозирдан бунақа қинғир ишларга бошланг-да, одамни, оппоғдада!

### “Бўйнинг узулгур!..”

Тешикмозор аёллари ҳам фавқулдда очикўнгил, дилсўз, шу билан бирга, чийратма гапларга анчагина чечан бўлишади. Рашкчиликда-ку, дунё аёллари бир томону тешикмозорлик аёллар бир томон. Хожаларини ўзга аёл тугул, ўзининг соясидан ҳам кизганишади. Бу борада эрларининг бирон хато-патосини сезиб қолишса борми, илмоқ-ишора, қоқитма гаплари билан этларини узиб-узиб олишларини бир кўрсангиз. Ҳол-аҳвол сўрашишларини айтмайсизми? Қарғишлариям ўзларига бирам ярашимли. Мана, тешикмозорлик икки қўшни аёл гуваласи тўкилибгина турган деворнинг икки томонида туришволишиб, суҳбатлашишяпти:

– Ҳой, қўшни! Сабохон! Бияққа бир қаранг!

– Эссонмисиз, Қумри опа?

– Бунда-ай, деволдан овоз бераям демайсиз?



– Кеча, овоз берай деб мўраласам, мўйловини шопдай қилиб, эрингиз Раҳим акам турипти. Ҳақолмасам деб индамайгина писақолдим. Нимагадир Раҳим акамни кўрсам, қочқим келади.

– Шу, шарти кетиб, парти қолган гўрсўхтанинг нимасидан қочасиз?

– Ундай деманг... Нимагадир, хўжайинингизнинг сири бор, одамни босадаған...

– Ҳе, сири бўмаям ўлсин, бўйнинг узулгурнинг. Дўконидаги биттасиминан искалашиб юради, деб эшитаман. Нима қилай, ўзимдан саккиз ёш кичкина бўлса, бу гўрсўхта!..

– Вой, ўлмасам! Қанақа қилиб?..

– Ҳа, акангизга, бошпутимни ўзгартириб текканман. Ўзи билмайди, буни. Айтиб-не-тиб юрманг, тағин. Билиб қолса, мени отамникига оббориб қўйиб, дўконидаги анови мегажинини опкеволади.

– Ҳлиппами, айтиб.

– Манави, кастрилкани олинг. Қўй ёғи. Эрингизга ош қилиб беринг. Хурсанд бўлади. Раҳим акангизнинг пули кўп. Еб тугатмасак, мен ўлганимдан кейин бошқалар келиб ейди.

– Ундай деманг, опа! Узо-оқ яшанглар. Қўй ёғига ош қилиб бермасам ҳам бунингиз қутуриб ётибди. Калтак емаган куним йўқ. Кеча кечқурун, десангиз, Қумри опа, бунингизи хўйи бир тутди, бир тутди! Бир гапига қарши, гап қиғандим, шунақаям... уриб ташладики!..

– А-а, ашнақами?..

– Ҳа-а! Қочиб бориб, товўқнинг катагига кириб, аранг жон сақлаппан. Илоё иловандо, тепган оёқларинг акашак, урган қўлларинг қўшмашак бўлиб, қўлларимга қарў-ўб, мўлтираб ўтирмасанг, розимасман, деб қарғадим, қарғадим, катакка кирволиб! Қарғадим-у, орқасидан, астопилло келтирдим. Нима қилсаям олтига ойтовоғминан, еттита емаҳўрни шунингиздан топдим-да, опўш!..

– Ҳай, қўшни, катакни яхши эслатдингиз. Товўқларингиз туғяптими?

– Улат теккан. Ҳаммаси судрали-и-б юрибди. Ома, туғяпти.

– Тухумини нима қиляпсиз?

– Егани қўрқяппиз.

– Бизникидаям, шу овҳол. Катта тоғора тўла тухум... Шу бугунчаям, емай туриглар. Кечқурун анови бўйнинг узилгур Раҳим акангиз уйга келар-у. Беш-олтитасини пишириб, едириб кўрай. Эрта-индин ўлмаса, сизлар ҳам еяверасизлар, тузукми?!

Саъдулла СИЁЕВ

## КУЛГИДАН ЯСАЛГАН ГУЛДАСТА

Абдунаби Бойқўзиевни кўп йиллардан бери биламан. Йигитлигида оёғидан ўт чақнайдиган журналист эди. Очерклари, мақолалари, фельетонлари билан неча йил матбуотимизни обод қилди. Кейин шеърят гулшанига кириб келди. Унинг “Жудолиг даишти” номли шеърый тўплами қўлма-қўл бўлди. Одатда, ижодкорнинг шахсияти асарларига кўчиб ўтади. Мен ҳам шоирнинг байтларини варақлаб ўтириб, мултифни кўриб тургандай бўлдим: гоҳ ўйчан, гоҳо қувноқ, бирда дилгир-безовта, бирда гапи шмоқлино қармоқли... Шеърят карвонида ўз йўлини топган бир касбдошимга севиндим.

Яқинда Абдунабининг яна бир “сири” фош бўлди. Аслида, у қалами қайралган ҳажвиячи экан-у, негадир ёзганларини ошкор қилмай “хум”га солиб юраркан. Ниҳоят, “хум”нинг оғзи очилди ва у “Беш сўмлик кеккайиши” номи билан мухлисларнинг жавонидан ўрин олди. Китобдан бизга ҳам тегди. Мен уни бир ўтиришида, “дўптимни хидламай” ўқидим. Яхши китоб – жон озиғи-да! Рўҳим яшинади, дунёнинг майда-чуйда таишиларини бир дам унутгандай бўлдим. Пародиялар, маталнамо гаплар, фельетончалар, “бўлган-бўлмаган” ҳангомалар ҳар қандай бадқовоқ кимсанинг қовогини йириб, лабига учуқ тошган кишини ҳам шжа-йишига мажбур қилади. Ҳажвиев соҳасида етук усталарнинг тобора камайиб бораётганини эътиборга олсак, янги бир кулдиргичининг “биз ҳам бормиз”, дея қўл қовуштириб, сафга киргани кўнгилга умид бағишлайди. Оққан дарё оқмасдан қолмас экан-да...

Одатда, яхши бир кўшиқ эшитсангиз, “жуфт бўлсе-ен!” деб кўясиз. Биз ҳам “Кеккайишининг жуфти қачон келар экан”, деб юрган эдик. Ниҳоят, буниси ҳам оқ каптардек учиб келиб кўлимизга кўнди: “Абдунаби Бойқўзиев. Тешикмозор ҳангомалари”. Бу сафар Абдунаби ўзи яхши билган бир қишлоқ улусининг ажойиб-ғаройиб саргузаишларини, ўша ширин “анжасан”ча шевада бир ипга тизиб, шода қилибди.

Тешикмозорликлар ҳазилкаши, хушчақчақ халқ. Бир-бирига лақаб кўймаса, жони тинчимайди. Ориятли, мағрур, болажон. Кимнинг қандайлигини фарзанд сонига қараб белгилайди. (Севган иборалари: тўққиз ўғил, беш қиз керак!) Жиндай қитмир, жиндай сахий, лекин барибир одамоҳун. Бировнинг бармоғидаги тиканни тили билан олиб ташлашга тайёр – раҳмдил.

Бизнинг юртимиз фақат шеърят ва санъатга ашаддий ихлосмандлар ватанигина эмас, хандон отса, дарахтларни ҳам тебратиб юбора оладиган кулгисеварлар диёри ҳам. Ҳар бир вилоятда тешикмозорликларга қаҳқаҳадош бўладиган манзил-мароҳилни топиши мумкин. Бухорода Ширинилар, Хоразмда Хонқа, Самарқандда Қўрғонсолди, Фарғонада Повулгон, Қашқадарёда Чияли ва ҳоказо. Абдунаби Тешикмозорни бадиий адабиётга олиб кириб бу рўйхатни узайтирибди ва савоб иш қилибди.

Бировлар кулгили латифани ҳам зерикарли қилиб айтади. Биров эса, мундайроқ воқеага ҳам тўн кийдириб юборади. Абдунаби иккинчи йўлдан борган. У Тешикмозор ҳангомаларини шунчаки тўплаб кўйиши учунгина қўлига қалам олмаган. Уларга нозик қочирим, беозор киноядан иборат бадиий либос кийдириб, сизни суҳбатга тортади.

Алқисса, Абдунабининг ҳажвиевтадаги иккала қадами ҳам рисоладагидек бўлди. Устоз Асқад Мухтор ярим ҳазил, ярим чин қабилда, бировларнинг ёзмай кўйганига раҳмат, бировларнинг ёзиб тургани учун раҳмат, дердилар. Биз Абдунабининг мухлис акалари (эҳтимол, укалари ҳам) унинг қалами тинмай йўргалашини тилаймиз.



## НАЗМ

### Бобур ЭЛМУРОДОВ

1989 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Ҳозирда ушбу факультетнинг 2-босқич магистранти. Шу билан бирга, “Ўзбекистон овози” газетасида ишлаб келмоқда. Шеърлари республика нашрларида эълон қилинган.



## БИР КҶҲИМЛ ҶСҲИРСАНҶ ИҶИҲИДА

\* \* \*

*Бир тош бўлар экан “Лангар ота”да,  
Жуда ҳам қадимий ҳамда заройиб.  
Уни кўролмадим, айтишларича,  
Бир кечада бўлиб қолганмиш гоийб.*

*Дунёнинг иккинчи бир томонида,  
Бир тош кўпчиликни қилмишдир шайдо.  
Уни ҳам кўрмадим, айтишларича,  
Бир кечада бўлиб қолганмиш пайдо.*

*Тақдирлар ҳам кўчмиш тошлар сингари,  
Бир ерда яралиб, бир ерда ўчиб.  
Юради қайсидир аждод қисмати  
Қайсидир авлоднинг умрига кўчиб.*

*Кўчади менинг ҳам барча сирларим,  
Шодликларим кўчар, қайгуларим ҳам.  
Кўчади тузалмас инжиқликларим,  
Кўчади поёнсиз туйғуларим ҳам.*

*Аммо кўрқаманки, дилгир давомчим  
Менинг қисматимга қиларми ҳавас?  
Ишқилиб, дунёнинг бир чеккасида  
Бир одам ўксиниб яшамаса, бас!*

\* \* \*

Бир кўнгил ўстирсанг ичингда  
Яшаса энг буюк зотларинг,  
Ичкарига кира олмаса  
Ёмон отлиқ, ёмон отларинг.

Ағанаса туйғуларингни  
Босиб ётган минг-минглаб харсанг,  
Алдამаса қулоқларинг ҳеч,  
Кўзларингга бутқул ишонсанг.

Бир кўнгил ўстирсанг ичингда,  
Ичингда бир кўнгил йўқласанг.  
Кўз юмсанг...  
Қоронғу бўлмаса,  
Ёп-ёруғ кундузда ухласанг...

\* \* \*

Қаерга бош олиб кетди муҳаббат,  
Ахтаринг, унга ҳеч зиён етмасин?  
Ахир, улкан эмас биз турган сарҳад,  
Тагин чегарадан чиқиб кетмасин.

Агар шундай бўлса тугар барчаси,  
Кўнгилнинг айтгани бўлмайди тўғри.  
Турмушга чиқмайди севиб Хон қизи,  
Бахтли бўлмайди бирор Бой ўғли.

### Юк

Биз томонга келар икки зот  
Олис тоғлар бағирларидан,  
Бири ёйдек эгилиб борар  
Тўрвасининг оғирлигидан.

Ҳамроҳининг қўли эса бўш,  
На юки бор, на бир насаби.  
Мунғаярди, хомуш негадир  
Юк кўтарган шериги каби?

Чиқар эди турфа хил нигоҳ  
Сайёҳларнинг ўнгу сўлидан.  
Бари бир хил – ҳориган чолнинг  
Тўрвасини олар қўлидан.

Ғамга ботар эди бундай пайт  
Йўлдошининг қорачиқлари.  
Оғирлашиб борарди унинг  
Чап кўксига турган юклари.

Ўтиб борар одамлар тўп-тўп,  
Ортада қолар таҳқирланган йўл.  
Наҳот, улар битта кўнгилни  
Кўтаришига узатолмас қўл?!

**Кимёгар дўстимнинг ўйлари**

Сунъий гул ясаб тонгда  
Бироз хаёлга толдим.  
Унда бол излаб келган  
Арини кўриб қолдим.

Ўйладим, моддаларнинг  
Бирлашуви бир чақа.  
Қандай бирлашган экан  
Тошлар билан тошбақа.

Ишонмадим муҳаббат  
Кўнгилда яшар деса.  
Билмадим, севиб қолиш  
Фанда қандай ҳодиса?

Бағритош деди бир қиз,  
Ошиб кетгандим ҳаддан.  
Туни билан ўйладим  
Кўнглим қайси моддадан?

Билмас эдим не учун  
Кўзимга ёш тўлишин.  
Бир томчи ёш қуримай  
Қаерлардан келишин?

Менинг гуноҳим қайда,  
Қайда менинг савобим?  
Гул ясамайман бошқа,  
Шудир менинг жавобим.

Сунъий гулга термилиб,  
Йиғлаб, ўй суриб қолдим.  
Ахир унда жон берган  
Арини кўриб қолдим.





# НАСР



**Исажон СУЛТОН**

1967 йилда туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетида таҳсил олган. “Муножот”, “Ойдинбулоқ”, “Боқий дарбадар”, “Озод” каби китоблари нашр этилган.

Ж.Нерунинг “Ҳиндистон” китобининг “Бобур” қисмини, Д.Буқцати, Р.Ақутагава, У.Сайфиддин каби жаҳон адабларнинг

асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

## ОНАИЗОРИМ

(Қисса)\*

### Бешинчи қисм

Шу қишлоқнинг шамол эсадиган томонида эски бир кулбада яшовчи қора юзли бир суллоҳ одам ҳам бор эди.

У одамнинг юрган йўлларида ўт-ўланлар сўлиб, жизғинаги чиқиб қораяр, ҳашаротлар нобуд бўлар, ариқдан сув ичса ифлосланар, қўли теккан меваларнинг суви тахир бўлиб қолар, шу қисматидан яниб-яниб юрадиган озорли бир киши эди.

Кулбаси зах, теварагини замбуруғлар ва тушунарсиз оқиш нимжон ўтлар қоплаган, кулба деворлари остидан шўра ва ажриқлар буй чўзган, томорқаси қаровсиз, бургану шўралар, супургилар бетартиб ўсиб ётарди.

Ана шу киши Раънога ғалати-ғалати қарашлар қилар эди.

Қишлоқда одам кўп, ҳамма ўз ташвиши билан овора. Боласини кўтариб Раъно дамчи хотинни кига боришга мажбур, йўл эса ўша кулба ёнидан ўтади. У одам чопонини елвагай ташлаб, тоб ташлаган эшиги ёнига чиқади, Раънонинг келишидан кетишигача қаттиқ тикилиб туради. То муюлишга етгунича ортидан ўша бўлмағур нигоҳни сезиб боради, муюлишдан қайрилгачгина елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил нафас олади.

“Худога шукур, ўтиб олдик”, дейди боласига.

У одамнинг эса ҳеч кими йўқ. Қишлоқдаги ҳамманинг яқини, қариндош-уруғи бор. Одамлар уруғининг кўплиги билан мақтанишади. Унинг эса ҳеч кими йўқ. Раъно у ҳақда бировдан сўрагани ҳам ор қилади.

Фарзанд кўргач, Раъно ҳақиқатан ҳам гул-гул очилди. Қизлик гўзаллиги бу тароват олдидан ҳеч нима бўлмай қолди. Гул эди, Худонинг қудрати билан оқи оққа, қизили қизилга ажралди. Чечак эди, барқ уриб очилди. Булут эди, ёмғирини аямай тўқди. Қуёш эди, ҳарорат-ла порлади. Ой эди, тўлишди. Кеча эди, бағри юлдузга тўлди. Қуш эди, жўшиб-жўшиб сайради. Зилол эди, шарқираб чунон оқди...

Болани бешикка бойладилар. Раънонинг юраги эзилди. Боласини бешикка бойлагиси келмади. Қайнона “Сиз нимани билардингиз” дея, бешиқдан алас-алас

\* Охири. Бошланиши ўтган сонда.

қилиб ёмон нарсаларни ҳайдади, қовузини тўшади, тувагини қўйди, иликбоғи билан оёқчаларини, қўлбоғи билан қўлчаларини маҳкам сариб, гаврапўшини ёпди. Болачаси оёқларини қимирлатгиси келди, қимирлатолмади. Қўлчаларини ўйнатгиси келди, ўйнатолмади. Нима бўлганига тушунолмасдан қоп-қора кўзчаларини онасига тикди, озорланиб йиғламоқчи бўлди. Шунда қайнона бешикни у ёқ-бу ёққа дўпирлатиб тебратиб, алла айтмоққа бошлади. Боласининг боши чайқалди, у чайқалишлар лоҳас қилди, қайнонанинг овозига қўшилиб чарчатди.

“Бешик бўлмай ўл” деди Раъно, қайнона чиқиб кетиши билан боласини дарҳол ечиб олиб, бағрига босаркан. Келақол, жоним болам, қўлчаларингни, оёқчаларингни ўйнатақол. Ўлсин энанг ҳам, деди ёзғириб. Сени бойламоқчи бўлдими?

Сени девларга бойлатмаган, жинларга бойлатмаган, энангга бойлатиб қўярмидим?

Раъно боласига ўзи билган ҳамма эртақларинию дostonларини айтиб берди. Уч ойлик бола уларни тушунармиди? Лекин тушунишига Раънонинг ишончи комил эди. Аммо сал ўтмай кичкина кўзчалари юмилиб-юмилиб, митти киприкчалари пирпираб-пирпираб ухлаб қолганида суйиб-суйиб олар ва шу суйим ороми аро ўзи ҳам ухлаб қоларди.

Раъно унга Алпомишни айтди, аммо “Алпомиш ким бўпти сенинг олдингда?” деди. Назарида, боласи Алпомишдан ҳам келбатли ва ҳайбатли бир баҳодир бўлиб улғаядигандай эди.

Унга Рустами дostonни айтди, ақлли бўлсин дея Равшан дostonни айтди, кулсин дея етти аҳмоқни айтди, меҳри тошсин дея Гулинигорни айтди. Лайли-Мажнунни, Юсуф ва Зулайҳони, Ёзи билан Зебони... неки билса, барини айтди. Фақат билмаган жойларини ўзидан қўшиб-чатиб, тўқиб айтди, шунинг учун дostonларнинг мазмуни ўзгарди, уларнинг барида болакай бир куни ўсиб-улғайиб, ҳақиқий баҳодирга айланар, ёмонларнинг жазосини берар ва яхшиларга кўмаклашар, дoston сўнгида эса отанаси билан бирга бахтли-саодатли ҳаёт кечирар эди.

Ўзининг тўй бўлганларини ҳам айтди.

Мен ҳам бир маҳаллар сендай гул эдим, деди. Кун келди, бўй етиб, турмушга чиқдим. Отанг билан бир чиройли келин-куёв бўлдик, ҳамма эси оғиб, ҳавасланиб-ҳавасланиб қаради. Мен сой чумчуғи бўлиб, сойларга қараб учдим, отанг тоғ каптари бўлиб ортимдан қувди. Мен тезучар лочин бўлиб чангал солсам, у мерган овчи бўлиб отиб олди. Мен боғда анор бўлиб қизариб пишиб турсам, у боғбон бўлиб битталаб узди. Боғда узум бўлиб сарғайиб етилсам, сариқ ари бўлиб учиб келди. Мен боғда гулнор бўлиб очилсам, у булбулигўё бўлиб сайраб шохимга қўнди... деди тўйни эслаб.

Ҳамма-ҳаммасини мана шу мурғак гўдаккинага айтиб берди. Ариқ бўйида чопанларинию беҳининг мазасигача айтди. “Болажон, бир нимани билмасанг, мендан сўрагин-а”, деди. Яқин орада алпанг-талпанг юра бошлайсан, шунда жон ҳалпида орқангдан чопарман? Сен кўп нарсани билмайсан-ку, ҳовлида ўйнаб юрсанг, ари чақиб олмасин дея хавотирланиб, қувиб ҳам юрарман?

\* \* \*

Қайнона зориллади.

– Келин деган ўтиравермайди болага қараб. Чиқиб ишингизни қилсангиз бўлмайдими? Биз ҳам бола туққанмиз, нечасини катта қилганмиз, ишимиз ўлда-жўлда қолиб кетмаган.

Раъно унинг қўнглини олишга чандон уринди, қайнона сира тинчимайди. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деяверди.

– Ҳой, қўйсанг-чи, – деди қайнота.

Қайнона унияж жеркиб ташлади.

Шунда эри орага кирди.

– Нима дейсан, она? – деди жаҳли чиқиб. – Қўли олти, оёғи етти бўлиб хизматингни қиляпти-ку?

– Сигирга сув бермапти, – деди қайнона. – Шу ёшга кириб онам сув ташисин десанг, ўл сен ҳам.

– Ўзим ташийман сигиринга сувни, – деди эр.

– Эркак бўлмай қол, энди сигирга қараб юрсанг, – деди қайнона. – Эркак деган кўчадан ризқ ташиб келади, уйда нима бор экан?

– Унақа дема, она, – деди ўғил. – Жонимни икки томонида иккаланг турибсан. Бир қўлимни тишласам, бошқаси оғриси? Ахир, тушунгин-да, она. У бошимни устида бўлса, сен кўзимни устида. Сен норози бўлсанг кўзим оғрийди, у хафа бўлса бошим.

Қайнона тўнғиллаб-тўнғиллаб нари кетди.

Шунда Раъно эр кишининг нима учун устун эканини тушунгандай бўлди. Эрнинг эрлиги келбатида, куч-қувватида эмас экан, деб ўйлади. Эрни эр қиладиган адолати экан. Ичида эридан миннатдор бўлди, бирданига яхши кўрди. Ундан фахрланди, бола-жоним, бошқаларнинг отаси сираям бунақа эмас, худойим икковимизнинг бошимизга

бахт қушини қўндирди, дея севинди. Бола тўшаги устида чиройли кўзчаларини унга тикиб, бир нималар деб чуғурлар эди.

“Қара-я, қандай отанг бор”, деди севиниб.

Назарида, эри бошқа қиёфа олди. Ҳайбати ошди, уйини тўлдирди.

“Сен сабр қиптур, уйларни топ-тоза қилай”, деди.

Бола қўл-оёқчаларини ўйнатиб чуғурлаб ётаверди. Раъно ҳаммаёқни қайтадан тартибга келтирди, янги тўшаклардан солди, ўзига оро берди, кўрпа қатига яшириб қўйган атирдан сепди.

Бир қараса, ўғлон янги атлас тўшакларга чувиллатиб сийиб қўйипти.

Ўргилай болажонимдан-а, деди меҳри товланиб.

\* \* \*

“Рўзгор юпун, еб ётаверсангиз тоғ ҳам чидамайди, – деди қайнона. – Ҳаммининг келинию қизи далага ўтоққа чиқади, ер чопади, меҳнат қилади. Биз ҳам шунақа эдик, меҳнат ўлдирмаган одамни”.

“Еган нонимни миннат қиялпими? – деди оғриниб Раъно. – Яримта нон ейманми-йўқми? Эшигида битта хизматкори бўлсаям мендан кўра кўпроқ нон ейди”.

“Жон болам, сабр қил, – деди онаизори. – Отанг билмасин, кўнақол. Улар ҳам туппа-тузук одам, ҳали олдинда қанча ташвиши бор, шунга куйинади-да, сени ёмон кўрармиди? Жонингни жиндай койитсанг, бир нима бўлиб қолмайсан, кўнақол, болам”.

“Хўп”, деди.

Кетмонини кўтариб далага чиқди. Қараса, ўзи сингарилар кўп экан. Ҳамма бошигаю оғзига оқ рўмол ўраб олган. Оёғига этик кийди, оғиз-бурнини рўмол билан бойлади. Паҳлавонини икки тол орасидаги беланчака ётқизди, яхшилаб эмизди. Шу ердаги барваста семиз хотинга “боламга яхшилаб қаранг, опагон, ойлигим чиқса, сизга янги рўмол олиб бераман”, дея ялинди. Ортига қарай-қарай, чопиққа йўл олди.

Даланинг тупроғи оч кулранг, кесаклари кўп экан. Ўзи ўрганган иш эмасми, қийналмади. Иссиқ кучаяверди. Дала устида қалдирғочлар айлана-айлана учди. Анча-мунча хотин шу тариқа чопиқ қилар эдилар. Қуёш тиккага келай деганида кўкраги ийиди. Қараса, қўйлагининг бурмаси сутдан жиққа хўл бўлибди.

Ишини ташлаб, ортига юрди.

Ўша ерда ҳисобчи айланиб юрган экан. У ўша, Раъно дамчи кампирниқига қатнаганида ёмон-ёмон қараган қора юзли киши бўлиб чиқди.

– Ҳа, қаёққа? – деди, бемаъни илжайиб.

– Болам очқаб кетди, – деди Раъно, қовоғини солиб.

– Ҳаммамиям боласи очқаган, – деди ҳисобчи. – Қани, орқанга қайтиб, ишингни қил-чи.

– Сен ким бўлибсан? – деди Раъно, бирданига бургутдай қанот ёйиб. – Болам очқади демадимми сенга? Қоч йўлимдан, йўқса ҳозир кетмон билан чопиб ташлайман!

Ҳисобчи унинг вожоҳатидан ҳайиқди. Тавба, бу хотин жинними дея осмонга анграйиб, булутларни томоша қилаётганга солди ўзини.

Раъно чопа-чопа шийпонга борди.

Узоқданок, гўдақларнинг йиғиси орасидан боласининг йиғисини таниди.

Шийпон толлари остида у барваста хотин кўринмайди. Беланчака яқин шохчаларга қора қушлар кўниб, чағиллаб сайрашяпти. Бола кўрқибди. Болани қаровсиз қолдирсанг, майна келиб кўзини чўкиб олади деган гап эсига тушди-ю, “Вой ўлмасам”, деб елдай учди. Шоша-пиша боласини беланчақдан ечиб олди. Тагини хўл қилиб қўйибди, оёқчалари қийилиб кетибди. Бола онасини таниб, баттар йиғлаб талпинди, Раъно унга кўкрак тутди-да, ичидаги тўфон каби чирпирак қилаётган ташвиш, хавотир, яна алланималарнинг бари эриб йўқолгани, яна шу ажойиб оромга эришганидан кўнгли тўлиб, пиқиллаб йиғлаб юборди.

Бола тўйди. Раъно уни беланчагига ётқизиб, чириллаб йиғлаётган бошқа болани қўлига олди. Бир қўлига унисини, бир қўлига бунисини. Икковига ҳам кўкрак тутди. Очкаган болалар бегонасирашмади, миқ-миқ эмиб олишди.

Шу маҳал боғча хотин келиб қолди.

– Вой, Раъно қиз, хафа бўлма, – деди. – Қайнонам ўсал ётувди, югуриб бориб кўриб келақолай дебман-а, аттанг!

– Бу болалар энди сеням боланг бўлди, – деди кулиб. – Яхшиям келибман, йўқса ҳамма болаларни ўзингни қилиб оларкансан!

Ҳисобчи яна келди.

– Ўтираверасани, эмизишни баҳона қилиб? – деди. – Тур, чопиғингни қил!

“Шийпонинг ҳам, чопиғинг ҳам бошингда қолсин”, деди Раъно. Тугунини қўлига олди, кетмонини елкага, боласини бағрига босди.

“Ишинг ҳам, ойлигинг ҳам бошингда қолсин”, дея қарғади у ҳисобчини.

“Боламга қарамаган кўзларинг оқиб тушсин”, дея қарғади барваста боғча хотинни.

“Ҳамманг дўзахда куйиб кул бўлгин”, дея қарғади боласини кўрқитган қушларни.



Шу кетишда уйига кириб борди. Ичкарига кириб, тўйиб-тўйиб йиғлади. Кейин эрининг келишини кутди. Эри келса ҳамма гапни айтиб бераман, мени тушунади деб интизор бўлди. Тиқ этса ташқарига қаради.

Эр келди. Айтидиган гаплари жуда кўп эди. Лекин тилига келмади.

- Ҳа, қайтиб кепқопсан? – деб сўради эри.
- Болангиз очқаб кетди, дала бўлмас экан, – деди.
- Очқаса эмиз-да, – деди эр.

Тушунтиролмади деб ўйлади у, аммо эридан хафа бўлмади. Тушунтиролмагач, нимасидан хафа бўлади? Худо эмаски, ҳамма нарсани билиб турса? Йўриғи билан тушунтирарман деди, боласини ухлатиб ҳовлига чиқаркан.

- Ҳа, қайтиб кепсиз? – деди қайнона, бўзариб.
- Мазам бўлмади, – деди Раъно гапиргиси келмай.
- Баҳона қилади-я, ҳамма нарса битта ўзимга. Қирқта жоним бормиди, бола эмас, тош туғсам бўлмасмиди? – дея, қайнона ота ётган уйга кириб кетди. У ерда ҳам бир нималар дер эди, аммо гапларини тушуниб бўлмасди.

\* \* \*

Амакилару тоғалар аҳён-аҳёндагина йўқлаб келишар, аммо қизлик уйига тез-тез келишларини, ота-онасидан уни сўраб туришларини билар эди Раъно. Сабаби, қиз томондан ҳар ким ҳадеб келаверса, гап-сўз чиқмасин дейишса керак, деб ўйлади у. Лекин келинлик хонадони ўз йиғин-маросимларига албатта уларни ҳам айтишар, ҳаммаларининг иззат-икромини жойига қўйишар эди.

Рўзгорнинг ишлари аста-секин Раънонинг қўлига ўта борди.

– Эракнинг ризқи кўчада, – дер эди онаизори. – Хотиннинг иши уйда. Остонадан бу ёғи сеники, болам. Ҳар нарсага сен жавобгарсан. Отанг бир маҳаллар бир гап айтган эди. Бургутнинг эркаги овлашни биларкан-у, аммо овини майдалашни билмас экан. Ушанчун ҳам нар бургут ўлжани келтириб инига ташларкан, модаси эса бўлаклаб, палпонларига тутаркан. Худойим ҳамма нарсани одам ибрат олсин деб яратиб қўйган, қараб ўзинг фикр қилиб олаверасан.

– Эр киши доим хотинига муҳтож бўлади, – деди яна. – Оилам, болам-чакам деб чеккан заҳматларини билишингни истайди. Умр бепоён, ризку рўзгор деган ташвиш бетиним давом этапти. Шу уринишлар аро эрингга икки оғиз яхши гап гапиришни ҳам билишинг керак. Шу бўлмаса, рўзгоринг икки бўлмайди, шу ишлаб дастурхонингга ризқ ташиб келади, устингни бутлайди, уйингни тузатади. Маҳалла-қўйда биров сени сўраса, фалончининг аёли дейишади, ўз исмингни айтишмайди-ку? Эрга теккунча сен отангнинг соясида, фалончининг қизи эдинг, энди эса эрингни соясидасан. Меҳнатини эътироф қилсанг, у руҳланади, оилам, қадримни ҳеч ким билмасаям бола-чакам билади, деб хурсанд бўлади. Буларга ўзингням ақлинг етиб қолгандир, ёш бола эмассан-ку? Хотин оқила бўлса, рўзгор бут, беақл бўлса, рўзгор нобуд бўлади.

Шу ўтган икки йил ичида она янада кичрайган, озгинлашиб, ушоқдеккина бўлиб қолган эди. Гоҳо нон ёпса, қатлама-сомса пиширса ё бирор мева пишиб етилса, кўтариб келиб қоларди. Гоҳида эса беш-олтита тухум ҳам олиб келарди.

– Нима қилардингиз овора бўлиб?

– Қуруқ келмайин дедим-да, қизим. Уй товуғининг тухуми болангга жуда фойда.

Ундан-бундан гаплашиб ўтиришарди. Раъно мева, қатлама, тухум кабилар бари баҳона эканини, аслида онаизор боласини соғинганини билиб турарди. Лекин онаизор буни сездирмасликка уринарди.

Бир куни Раъно шуни сўраб кўрди.

– Вой, ҳа, соғинаман-да, ичимдан узилиб тушган парчамсан-ку, – деди она. – Аммо сениям меҳринг кучайиб, уйга тез-тез қатнаб қолишингдан кўрқаман. Бир кўчатни бошқа ерга ўтқазсанг, тутиб кетиши учун қанча нарса керак? Энди сени уйинг шу, қариндошларинг ҳам шулар, шу сабаб ҳам кўпам талпинавермагин дейман-да, – деб жавоб қилди она.

– Вой, хў-ўп, бормайман, – деди Раъно, онасидан аразлаб.

\* \* \*

Орадан бир ҳафта чамаси ўтар-ўтмас, қайнота вафот этди.

Тонг сахар эди. Қайнота-қайнона ётадиган уйдан “Войдод”, деган фарёд чиқди. Раъно сакраб туриб кетди. Эр ухлаб ётар эди. “Эй, туринг, бир нима бўлди”, деди саросима ичида, қаттиқ шивирлаб. Шу маҳал такрор фарёд овози эрининг қўлоғига кириб, сапчиб турди-да, ўша томон югурди. Раъно ҳам унинг ортидан оёқяланг чопди.

– Вой бола-ам, отанг кетиб қолди, – дея бақириб йиғларди қайнона, гандираклаб, устунларни ушлаб-ушлаб ҳовлига чиқиб келаркан. – Отанг ўтиб қолди-ку, жон болам!

Эр ҳам, Раъно ҳам нима қиларини билмай довдираб турар эдилар. Ажабки, йиғи келмас эди.

Эр уйга кирдию ўша заҳоти қайтиб чиқди. Ранги бўзариб кетган, нигоҳи тентирар эди. – Чоп, кўни-кўшнини чақир, – дер эди она. – Одамларга айт, отам ўтиб қолди де, болажоним!

Эр онасига эсипастларга ўхшаб қараб тураркан, ияклари қалтирар эди.

– Тўхта! – деди шунда қайнона, тўсатдан илгари кўрилмаган бир қатъият билан. Овози ҳам қатъий чиқди. – Узингни босиб ол! Бориб кўшниларга айт, одамларга хабар беришсин. Кейин тезда қайт!

Эр отилиб кўчага чиқиб кетди.

– Юринг, қизим, – деди қайнона.

Раъно нима қиларини билмай, унга эргашди.

– Ҳай отаси-я, – дер эди қайнона. – Индамай кетавердингиз-а? Рози-ризолик ҳам сўрамадингиз-а? Кетавердингиз-а шунақа қилиб, отаси?

Шунда Раъно қайнотасининг кўзи очиқ, ияги осилиб қолганини кўрди. Қайнона қозикдан оқ рўмолча олиб иягини тортиб боғлади, кафти билан қоғофининг устини силаган эди, кўзи юмилди.

– Келинжон, – деди яна йиғлаб. – Бир бўлак тоза оқ мато йиртиб олинг, бошмалдоғини ҳам бойлайлик.

Раъно шундай қилди, аммо яқинлашишга юраги дов бермади. Қайнона майитнинг оёқларини ҳам бойлаётгани он эр-хотин ён кўшнлар кириб келишди.

– Вой ўлай, – дер эди кўшни хотин, талмовсираб. – Вой ўлай, кечагина юрувди-ю?

– Бўлди, хотинлар, чиқинглар, – деди кўшннинг эри, йўғон овозда. – Маҳтал қилманглар, сарпо-суруғини тайёрлайверинглар.

– Малоҳат, Сабоҳат, тезда ҳовли-кўчани супуринглар, – деди кўшни хотин қизларига.

Бирпасда анча халқ йиғилди, шунча одам қайдан етиб келганига ақл бовар қилмас эди. Хотинлар яна йиғи чиқаришди, узатилиб кетган қизлар ҳам кириб келишди, бири ўзини ташлаб юборди, ҳовлига оқ мато тутилиб, эркаклар ва хотинлар ораси айрилди.

– Келин, эрингизга обориб беринг, тўнини, дўпписини кийиб, белбоғини бойлаб олсин, – деди қайнона.

Раъно ичкари уйдан янги тўн, дўппи, белбоғ олиб чиқди. Эр хотинини кўриб, яна хўнграб йиғлаб юборди, Раъно: “Бўлди-бўлди, ўзингизни босинг”, дея кўлидагиларни унга кийдирди, белбоғини маҳкам боғлади, кейин яна изига қайтди.

Қайнона сандикдан оқ суруп, янги банорас тўн, дўппи олди.

– У ёққа энди ўзингиз қарайсиз, қизим, – деди. – Буларни ғассолга беришсин. Тўнини, белбоғини тобут устига ёпишсин. Манавиниси кафанлиги, мана бу ип ўрама билан тиқисин, бу – замзам сувига ботириб олинган ип, фаришталар савоб айтиб туришади.

Тонг ёришиб улгурмаган пайт эди.

Ҳали Раънонинг бошига мусибат тушмаган эди. Тўсатдан рўй берган бу ҳодиса ҳаммани довдиратиб қўйди. Қайлардадир сокин ҳаёт давом этаётганига ақл бовар қилмасди. Ҳаял ўтмай қариндош-уруғлар ҳам етиб келишди, улар ҳам тўн кийиб олишган, эшикдан эркага аёл бақириб йиғлаб кириб келар эди. Эркаклар дарвоза олдида бир-бирини қучоқлашиб йиғлашар, шунча эркакнинг йиғисини илк бора кўрмоқда эди Раъно. Аёлларнинг чуввос солишлари юракни эзарди. Мана шу улкан мусибат қалбига кириб борди-да, ўзи ҳам сезмаган ҳолда йиғлаб юборди. Йиғи ич-ичидан тошиб келарди, марсия келарди, ғусса ва ғам келарди.

Ғассол ишини тугатгач, жаноза эълон қилинди. Тобут деразадан чиқарилиб, ҳовли саҳнига қўйилди. Эркаклар саф тортишди. Хотинларга кимдир “жаноза ўқилади” дегач, йиғисини бирин-кетин тинди, аммо кимдир ҳануз пиқиллаб йиғларди. Имом бу дунёга келиш ҳам, кетиш ҳам ҳақлигини, қолганлар кетганларни ёд этиб туриши шартлигини айтиб, энди исми-расмини бажариб қўйсақ, марҳумнинг ўғли мана шу, айтинг-чи, отангизнинг қарзлари бўлса, зиммангизга олдингизми, деб сўради. Уғил бўғиқ овозда “Ҳа” дегач, марҳумдан қарзи борлар шу йигитга учрашсин, эшитганлар эшитмаганларга хабар берсин дейилиб, намоз ўқилди.

– Қани, кўтаринглар, – деган ўктам овоз келди кейин.

Қолгани жуда тез рўй берди. Кишилар тобутни кўлма-кўл кўтариб олиб чиқиб кета бошладилар. Ҳамма қий-чув кўтариб юборди, Раъно шу издиҳом орасида эрини кўриб қолди, кимдир учига оқ латта бойланган ҳасса тутқазиб қўйибди.

Бир одам бор эди, йўқ бўлди.

Боягина шу уйда беозор ухлаб ётган эди. Икки-уч соат ўтар-ўтмас кўмгани олиб кетишди. Бу ишнинг жуда тез рўй бергани ва шиддати ақлни шоширарди.

Раъно ҳам ҳамма қатори кўк кийди, рўмол ўради. Элнинг одати шу эди, яқинлардан кимдир оламдан ўтса, кўк кийилар, тўй-маросимларга борилмас, бир йилгача кўкдан чиқилмас эди. Кўни-кўшни ош-овқат пишириб, пақирларда чиқариб туришди, кимлардир чой дамлаб келди. Мусибатдаги кишиларнинг томоғидан овқат ўтармиди? Қишлоқнинг шаддод-шаддод хотинлари аздорларга қаттиқ-қаттиқ гапиришиб, овқат едиришди.

\* \* \*

Орадан йил ўтди.

Ёзининг иссиқ куни эди. Эр кўчадан ҳовлиқиб кириб келди-да:

– Одамларга ер бўлиб беряпти экан, – деди ўзида йўқ севиниб. Юз-кўзи кулар эди.

– Қанақа ер? – дея сўради Раъно, тушунмасдан.

– Чопиққа чиққан далаларинг бор-ку, ўшаларни ўлчаб, халққа томорқа қилиб беряпти экан. Бизга ҳам бор экан.

– Вой, – деди Раъно, хурсанд бўлиб. – Ростданми?

Кичкина шу қишлоқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Фарзанди кўп, катта оилалар бор эди. Хонадонда неча оила борлигига қараб ер берармиш, деган гап чиқди.

– Ана, – деди қониқиш билан эри. – Одам ер билан тирик-да.

– У ерни биров тортиб олиб қўймасмикин? – деб сўради Раъно хавотир олиб.

– Йўғ-э, ҳаммага беряпти-ку? – деди эри. – Биров бир тийин сўрамаяпти ҳам.

Эртасига ерни кўргани бордилар. Қараса, ростдан ҳам ўша, ўзи ишлаган жойлар. Бепоен дала четида тутлар қаторлашиб, шабадада шовуллаб турибди. Эри қозик қоқилган жойларни айланиб чиқди.

– Суви яхши экан, – деди кейин. – Худонинг бергани шу-да. Ер одамни боқади, у-бу экиб бозорга опчиқиб сотсанг, ўҳ-хў, қанча пул бўлади. Камбағални елкасига офтоб тегди, десанг-чи.

– Меҳнатдан одам қочармиди, – деди Раъно. – Ишқилиб, қайтариб олиб қўймаса, бас.

– Олиб қўймас, – деди эри ҳам.

Ер тепасида анча ўтиришди. Эри ўзича бир нималарни режалаштириб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўтиб разм солар, тупроқни қўлига олиб, майдалаб эзиб кўрар эди.

– Уйда, томорқа адоғида тераклар етилиб қолган, – деди кейин. – Бу ерга ҳам айлангириб эксақ, беш-олти йилда синчга яраб қолади, ҳам чегара бўптуради. Манави томонига бир уй-бир ошхона қилиб иморат солсақ, ўғлингга уй ҳам тайёр-да. Гувалак билан айлангириб девор уриб чиқиш керак. Уч-тўрт кунда бу ерлар қайнаб-тошиб кетади ҳали, – деди кейин.

Кеч кирганда уйга қайтдилар. Икковлон ҳам хурсанд эдилар.

Одамлар ҳам хурсанд эди. Ҳамма ёқда шу гап-сўз: кимга қаердан томорқа тегди, суви қанақа, тупроғи қанақамиш, қўшниси киммиш... Бир-икки киши норози бўлиб, менга этакдан ё ичкаридан тегди деган экан, одамлар маломат қилиб ташлашибди. “Ҳой, ер йўқ эди, осмондан тушгандай эга бўлиб қолдинг, худо деб ўтирмайсанми?” десалар, ўша заҳоти уларнинг уни ўчиб кетарди.

\* \* \*

Бир иш икки бўлди. Энди эр-хотин ҳам ўз уйларида, ҳам янги томорқада меҳнат қилар эдилар.

Янги томорқанинг тупроғи ҳосилдор чиқди.

Тепа-қуйи қишлоқлардан бирор инсофсиз келиб ўғирлаб кетмасин, дея атрофини омонат кўра билан ўраб, буғдой сочдилар. Теграсига айлангириб мош, ловия, макка ва жўхори экишди. Шоён меҳр билан қарашди, Раъно сув йўлига тушган кесакларни қўли билан олиб ташлади. Теракнинг ёш шохларини синдириб келиб, кеча сув қўйилган айлана жўякка қаторасига суқиб чиқишди. Ажаб, ҳаммаси бир текис ям-яшил нозик япроқча чиқариб, кейин бирданига гуркираб ўсди.

Давлатбекнинг мўйлови чиқди, сабза урди, ўтдай, қуондай, шамолдай бола бўлди. Қўлига хивчин олиб, ўт-ўланларнинг бошини танасидан жудо қилиб ўтиб кетадиган одат чиқарди.

– Унақа қилмагин, жон болам, – дерди Раъно. – Униям жони бор, худо дейди-я.

– Утда жон нима қилсин?

– Уям мўмин-мусулмон бир нарса, – деди Раъно. – Жони бўлмаса ўсармиди?

Эри ўғлини ёнига олиб бирга тер тўкар экан, зурёдига ҳамма нарсани бирин-кетин тушунтирарди. Уларга қараб туриб, отаси билан кўчат қадаганлари, ҳосил ўрганлари келарди Раънонинг эсига.

Мош мўл-кўл етилди. Ловия кўзоқлари бўлиқлигидан ёрилиб-ёрилиб кетди. Маккалар узун-узун, тўлиқ-тўлиқ сўта солди. Жўхориларининг ҳар бири қовундай-қовундай бош тугди.

Ҳосилга чумчуқлар галаси ёпирилди.

Эри қайдандир узун ялтироқ тасмалар топиб келди. Экинзор устига узунасига бойладилар. Сал шабадада тасмалар куёшда йилтираса, қушлар чўчиб қочар эди.

Эр уйдаги узум шохчаларидан кесиб олиб, тераклар остига қадаб чиқди. Узини сал тутиб олса бас, теракларга чирмашиб ўсаверади, деди қониқиш билан. Янаги йил улар ҳам беҳато тутиб кетди. Ҳусайни, чиллаки, қора чарос ва тошюмалоқ деган тўрт хил нав эди.

Уч-тўрт йилда ҳосилга кириб қолади, деди эр.

У ёқларга оқма газ бормаган эди. Эр-хотин лойдан ва кесакдан ўчоқ қуришди, лой билан яхшилаб сувашди. Шабада ғириллаб эсадиган ажойиб ер бўлди-я, деди Раъно. Эски қумғонни, қозонни олиб келишди. Шу ерда ишлашди, шу ерда чой қайнатиб, шу ерда овқат пиширишди.

– Бир тандир қуриб берсангиз, нон ҳам ёпаман, – деди Раъно.

Қизчаси талпанглаб қесаклар оралаб юрди. Қушларга анграйиб қаради. Ариқ суви-ни сочиб-социб ўйнади. Ўтлар орасидаги капалакларни қувди. Ер араси чақиб олгани-да чириллаб йиғлади. Раъно у қизчада ўзининг болалигини кўрди.

Эрта кузда эр ўз ҳовли-томорқасидаги теракларни қўни-қўшнилар билан биргала-шиб кесди. Шохларини бутаб-саранжомлаб, қуритгани босиб қўйишди. Кейин ўғли би-лан эгик ўроқ олиб, пўстлоғини шилишди. Теракнинг пўстлоғи заиф бўлади, учидан тортилса, анча жойгача кўчади. Пўстлоқ нам, сувли эди. Шилиб олинган оппоқ терак ёғочларини ерга кўндаланг ташланган эски ходалар устига қуритгани қўйишди.

Остидан ҳаво ўтиб турса бир текис қурийди, тоб ташламайди, деди эр.

Янаги йили томорқамизга бир уй-бир даҳлиз кўтарамиз, ўшанда тандир ҳам қуриб бераман, дея ваъда қилди эр.

Ҳосил етилди. Раъно ҳосилни алқаб-алқаб, мақтаб-мақтаб ўрди. Бугдой бошоқларидаги донларни санаб чиқди. Бошоқларининг бари тўлиқ, йигирма тўрттадан ўттиз олтитагача дони бор экан.

Кузда янги томорқа топ-тозаланди. Кеч кузги арпа ҳам ўриб олинди. Эр қайтадан тупроғини ағдариб чиқди. Кейин “яхоб берамиз, энди тупроқ дам олақолсин”, деди.

– Ер ҳам биздақа эгаси борлигига суюнади, – деди эр.

Ернинг ҳам жони бор.

У ҳам мақташингга илҳақ бўлиб ётади.

Кўрдингми, бўлиқ тупроғи нимаики қадасанг, ҳаммасини гуркиратиб- жўштириб ташлади.

Ёввойи ўтлар ҳам тизза бўйи ўсди.

– Ҳа, кўрдим, – деди Раъно.

– Хурсанд бўлсанг-чи.

– Нега?

– Худо ризқни баракаси билан ошириб-тошириб берганининг аломати бу, – деди эр. – Барака бермаса, шундай бўлармиди?

– Йўқ, сира бўлмас эди.

Халқ бир бўлиб, мол-қўйини экинзорларга ҳайдади. Жониворлар қолган-қутган пояларни, майса-ўтларни ямлаб-ямлаб ейишди. Сигири тўйиб, терак остида кавш қайтариб ётди.

\* \* \*

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсар эдилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

– Узоқларда, тоғлар орасида катта очиқ жой бор, – деди эр. – Шамол ўша жойдан кириб келади.

Ҳаммаёқни бузиб эсиб ўтади-да, олисдаги тоғларга бориб урилиб, ўтолмасдан яна ортига қайтади.

Ортига қайтганида шиддати сусайиб, ўзи заифлашиб қолади.

Шунақа шамоллар йилига беш-олти марта эсади.

Биринчи эсадигани – дов-дарахтни, ўт-ўланни, экин-тикинни уйғотадиган шамол, деди у.

Тақир ерни, жонсиз шохларни эгиб-эгиб, уйғотади.

Иккинчиси – гул-куртак ёзадиган шамол. Уйғонган дарахтларнинг танасида сув юради. Шохларида майда-майда куртаклар бўртади. Шамол ўша куртакларни очади. Уни қалдирғоч шамоли ҳам дейдилар. Чунки қалдирғочлар ўша шамол қанотида учиб келишади.

Кейингиси эса гул тўқади. У камида уч марта эсади. Сабаби – гилос, ўрик, олма эрта гуллайди. Беҳи, шафтоли, нок эса кечроқ. Шуларнинг барининг гулини тўкиб ўтади, ана шунда гулкосасиз қолган куртак мевага зўр беради.

Кейингиси – эрта меваларни тўқадиган шамол. У икки марта эсади. Шундан кейин шамоллар мавсуми кузгача тўхтади.

Шу шамол бўлмаса, табиат мана шундай гуркирамасди. Дов-дарахтни чанглантиради, уруғларини сочади.

Худонинг ишига ҳайрон бўлмай иложинг йўқ. Бу шамоллар ўз-ўзидан эсиб қолади деб ўйлайсанми?

Дов-дарахт ҳам жуфт-жуфт бўлиб умр кечиради. Шуларни биронтаси чангланмаса, мева солмайди.

“Шунча нарсани қайдан билади? – деб ўйлади Раъно, ҳайратланиб.

Мева тўқувчи шамол буғдойларни эгиб-қайириб ўтди. Бўлиқ-бўлиқ бошоқлар ерларга эгилиб, айқашиб кетди. Раъно уларга қараб туриб, шамолни қарғади.

“Секинроқ эссанг ўлармидинг”, деди.

\* \* \*

Эр буғдойни қоплаб босиб қўйди.

“Энди ун деб хавотир олмайсан, – деди кулиб. – Чунки буғдойимиз бор. Ун керак бўлса, шартта иккита қопини оламану тегирмонга обориб, торттириб келаман”.

“Бизга пул-мул ҳам керакмас энди, – деди. – Тегирмончи хизмат ҳақига уч-тўрт кило унни олиб қолаверади. Чикитини ҳам олиб келсам, сигирингга емиш бўлади. Еғ зарур бўлса, бир қопини оламану дўконга обориб, ёғга алмаштириб келаман. Яна нима керак сенга, ҳой хотин?”

“Ҳеч нима, – деди Раъно ҳам кулиб. – Болалар соғ-омон, ўзимиз тинч, битта мўмин-мусулмонга яна нимаям керак бўларди?”

\* \* \*

Баҳор ёмғирлари тугаб, кунлар қизий бошлаганида эр иморат бошлади.

Катта-катта дарё тошларидан олиб келдилар. Ерни ўйиб, тош билан уриб-уриб шибаладилар. Сен энди аралашмайсан, бу ёғи эркакларнинг иши, деди эри Раънога. Қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар келишди, катта қозонда шўрва, ош дамланди. Қишлоқда ҳар куни ҳашар эди. Кишилар ҳайё-ху ила, ҳазиллаша-ҳазиллаша бир уйнинг деворини бир кунда уриб қўяр эдилар. Раънонинг эри пойдевор кўтарди. Тежамли бўлсин дея, пойдеворга тош қаладилар. Шундан сўнг бултур кесилган теракларни олиб бориб синч кўтаришди. Раънонинг эри устачилиқдан хабардор эди, ҳаммасини бир ўзи тиним билмай чумолидай ишлаб, аста-секин битириб олди. Синч ёз бўйи қуриб турди. Бу орада эр-хотин лой қориб, гувалак солишди. Гувалаклар ҳам ёз жазирамасида қуриди. Ёз тугагач, эл ҳашарга айтилди. Халқ келиб, кечгача уриб-кўтариб кетди. Раъно теварагида ва ичкарисида сомонли лой парчаларию гувалаклар қолиб кетган иморатга қараб, савлатли, кўркам уй бўлди деб, мамнун бўлди.

Эр тўқайдан қамиш кесиб келди. Томга терак шохларини кўндалангига териб, устидан ўша қамишларни босишди. Кейин эр сомон аралаштириб катта лой қилди, томга лой ҳам босилди.

– Шифир ҳам қиламизми? – деб сўради Раъно эридан.

– Шифирга пул йўқ-ку? – деди эр.

– Бизни уй ҳам чиройли бўлмасинми? – дея туриб олди Раъно.

Эр кўнди. Ниҳоят, кеч қузга борганда томни ёпиб олдилар.

– Ана, иш битди, – деди эр қувониб.

– Энди тахта полини қоқсак, сувоғини қилсак, эшик-ромини ўрнатсак, уй тайёр-да.

Кириб, маза қилиб ўтираверасан.

– Ҳечам-да, – деди Раъно. – Шолча-палос, тўшак-парда деган нарсалар ҳам бор.

– У ёғи сени ишинг, – дея кулди эри.

Шунда Раънонинг эсига онасининг гапи тушди. Эрига ер остидан қаради, у хуш-феъл кулиб турарди.

Сираям бургутга ўхшамасди.

Ўзи ҳам она бургутга ўхшамасди.

Бекор гап экан, деди. Мусичаларга ўхшамаймизми кўпроқ?

Мусича ҳам хас-хашақдан ин қуради, бировга зарари тегмайди, ку-кулаб хас-хашак, дон-дун ташиб юриверади.

Ёмони шундаки, ўша қора юзли киши улардан бир неча уй наридан томорқа олган экан. Қайтаётганларида томорқасида бир нималарни мўлжаллаб юрганини кўриб, Раънонинг юраги увушиб кетди. Бақрайиб қараб турганини кўриб: “Илоё, бетингни Худо тескари қилсин”, дея қарғаб ўтди.

Кўни-кўшниллар “Янги уй қутлуғ бўлсин”, дея ош-палов пишириб чиқишди.

– Эл барибирам яхши-да, – деди Раъно, суюниб. – Қаранг, бирпасда ҳаммаёқда иморат. Одамларимиз жуда инсофли-диёнатли-да.

– Ҳаммаям эмас, – деб эътироз билдирди эр. – Нариги кўчадаги Аҳмадни танийсан-ку? Кеча маст бўлиб, кўшнилари билан уришибди. Ёки тепа маҳалладаги Тошмат? Одамларни алдаб, пулини олиб қайтармай ўради.

– Унда, ўша Аҳмад билан Тошмат ёмон, – деди Раъно. – Эл эса барибирам яхши.

\* \* \*

Раъно яна кўк кийди.

Қисқа вақт ичида ота-онасидан айрилди.

Ҳар икковлон касал бўлмасдан, фаришталардай жон бергани юракни янада эзар эди.

Улим ҳақ! Ҳар ким ҳам бир куни бу оламдан кетади.

Яна бир ҳақиқат шуки, кетганлар сизу биз борадиган жойга бизлардан аввалроқ бориб турадилар.

Ўзингники ёмон бўлар экан. Раъно ёмон куйди. Ўзини ҳар томон урди. Ота излари қолган тупроқларга ўзини отиб йиғлади, у қурган иморатларга юзини босиб йиғлади.

“Вой отам, ҳамма нарсаларингиз ўз жойида турибди-ку, ўзингиз қайдасиз?” деб бўзлади.

“Уйингизга кирсам, исингиз димоғимга уриляпти-ку, жон отам?”

Касал бўлганларида “Жоним қизим” дея, у ёғини айта олмай ютинганларигача хаёлида жонланди.

Айтиб-айтиб йиғлади. Шундай йиғласа, юрагининг ичидаги тафти босилгандай бўлди.

*Қатор-қатор уй солган,  
Деворига гул солган,  
Солган гули битмасдан  
Гўристонга йўл олган,  
Экса битмас майдоним,  
Чақирсам келмас меҳмоним,  
От кўтармас полвоним,  
Уйимдаги султоним,  
Орқамга тушган офтобим,  
Устимга кийган кимхобим,  
Қишлардаги қишловим,  
Ёзлардаги яйловим,  
Отажоним, жон отам,  
Отажоним, вой отам...*

Этигига, белбоғига, тўнига юзини босиб-босиб йиғлади Раъно қиз.

Ҳа, қизнинг куйиши ёмон бўлар экан. Қиз ўз-ўзини еб қўяр экан. Жонини аямас экан, кушдай потирлаб ўзини ҳар ён урар экан.

На қайнона юпата олди уни, на эр, на боласи.

Биттасигаюм қулоқ солмади. Боласини бағрига маҳкам босиб, дарду армонларини айтиб бўзлайверди, бўзлайверди.

“Отажонимнинг беҳиси”, деб мурожаат қилди беҳига. “Наинки ўзини, балки қўлларининг изиниям тополмай қолдим-ку, энди сен ҳам кўзимга ўтдай кўриниб кетяпсан”, деди беҳининг ғадир-будур танасини сийпалаб.

“Индамайгина ўлиб қолаверди-я”, дер эди куйиниб.

“Ҳеч кимимиз қолмади-ку, болам”, дер эди қизчасига.

“Бу ёруғ оламда сену менгина қолдик, холос, жоним болам”.

Бола тўлпоқ қўлчаларини ўйнатиб, онасига тиниқ нигоҳини тикиб тураверди.

“Энди кимга керагимиз бор, болажон?”

Бобонг ҳайитларда белбоғининг қатига қанд-курс қистириб, сени-мени кўргани келарди-ку?

Энанг ҳар икки-уч кунда бир “нон ёпувдим, қип-қизариб пишди, иккитагинасини сенга илиндим”, деб потирлаб келаверар эди-ку?

Ҳаётида бирор рўшнолик кўрмасдан, мана, ўтди-кетди-ку?

Узи емади-ку? Узи ичмади-ку?..”

Шунда қизчасининг юзларига кўзёшлари томар, томар, томар... Раъно “болажоним, сениям қийнаб кўйдим-ку” деб, томчиларни рўмолининг учи билан артиб-артиб оларди.

Ҳатто эрига ҳам гапиргиси келмасди. Индамасдан йиғлай-йиғлай, юмушларини қилиб юраверарди.

Шундай кунларнинг бирида ёмғир ёғди.

Ёмғир тандир ёнига босиб қўйилган ғўзапояларни, макка боғларини, сарғайган ўт-ўланларнинг барини хўллаб, майдалаб ёғаверди. Бирпасда ҳаммаёқ шалаббо бўлди.

Чирок аллақачон ўчиб қолган эди. Салқин этни жунжиктирар, уй бўғотларидан шаффоф томчилар чакилларди.

Раъно уйга кирди, шам ёқди.

– Қўй энди, куяверма. Болаларинг ҳам қийналиб кетишди, – деди эр меҳрибонлик билан.

Раъно индамади.

– Бунақада ўзингни бир нима қилиб қўясан.

Раъно яна индамади.

– Кел, қўй энди, – деди эр, овозида меҳри товланиб, ўзига тортиб. Шунда рўмоли сирғалиб елкасига тушди. Эр сочларини силамоқчи эди, Раъно четланиб, рўмолини қайта бойлади.

– Нега бойладинг, тураверсин? – деди эр.

– Йўқ, уят бўлади, – деди Раъно.

– Ўзимиз холосмиз-ку?

– Худо кўриб турибди, – деди Раъно.

Жим қолдилар.

– Айт-чи, – деди эр овози ўзгариб. – Мени сира яхши кўрганмидинг?

– Вой, нима деяпсиз? – дея ҳайрон боқди эрига. Бундай хаёл ақлига келганига ажабланди.

– Ростдан?

Эр атай шу саволни берганига ақли етиб турарди.

– Ростини айт, – деди эр. – Балки, қиз болалигингда кимнидир ёқтиргандирсан?

– Нималар деяпсиз? – деди Раъно эрига рўй-рост жаҳли чиқиб қараб. Кейин шартта деди:

– Улсам ҳам бировга тегмас эдим!

Шу гап етарли эди. Эрнинг юз-кўзига фавқулодда жилмайиш инди. “Худойимга шу-кур”, деди илжайиб.

\* \* \*

Кунлар ўтаверди. Томорқа тераклари жуда тез ўсди. Кўпчилик иморатини тиклаб ҳам олди. У ерга қараб туриб қачонлардир бепоён дала бўлганига одамнинг ақли шошар эди. Раъноларнинг иморати ҳам битди.

– Одамларнинг бахтиёр бўлиши учун қанчалар оз нарса кераклигини қара-я, – деди эр. – Ҳақиқатан ҳам, бир парча ер, озгина ризқ-рўз, тинчлик-хотиржамликдан бошқа яна нимаям керак бўларди? Худога шукур, ҳаммамиз соғ-саломат, халқ омон, болалар ўйнаб-кулиб катта бўлишяпти...

– Ҳа-я, – деди Раъно.

– Полвончанинг тўйиниям қилолмадик, – деди эр. – Аввал меникилар кетишди, кейин сеникилар. Уч йил кўкдан чиқмадинг. Энди элга ҳалоллаб қўйсақ, нима дейсан?

Топган-тутганларини йиғиб-териб, оз-моз қарз ҳам олиб, полвонни “ҳалолладилар”.

Бўй-бастига муносиб кичкина тўнча, иси анқиб турган яп-янги дўппи кийдирилиб, белига белбоғ боғлаб қўйилган ўғилча нималар рўй бераётганига ақли етмасдан қўлида ўйинчоқлари ва ширинликлари билан ҳовлида ўйнаб юрар, ҳамманинг диққат-эътибори тўйболада, қиз томон куёвнинг ота-онасигаю ўзига бошдан-оёқ сарпо ҳадя қилган, тоғалар каттакон новвосни эл қўзида етаклаб олиб келиб, бостирма устунига бойлашгач, шохларигаю туёқларига арқон ташлаб, мана шу пилдираб юрган болакайнинг келажақда омон-эсон ўсиши учун қурбонлик ўлароқ сўйилиб, қони четроқда ерга қазилган чуқурчага оқизиб ҳам бўлинган, ҳозир беш-олти киши биргалашиб терисини шилар эдилар. Уста келганида Раъно ичкари уйга қочиб кириб, қулоқларини беркитиб ўтириб олди, боласининг озор чекишини ўйласа, вужуди дир-дир титраб эди.

Ташқаридаги эркаклар қаттиқ-қаттиқ гапиришиб, кулишарди.

Бир маҳал боласи чириллаб йиғлаганида Раъно ҳам йиғлаб юборди, сира ўзини босолмас эди. Аммо Худонинг раъйига, элнинг урфига қандай қарши борсин? Сал ўтиб, бола йиғиси босилганида, “Ана, энди катта йигит бўлди”, дея шод-хуррам турган кишилар орасига кириб бориб, чўмбири устига дўппи ёпиб, белбоғ ташлаб қўйилган, аммо ўзига берилган ўйинчоқларгаю кичкина пичоқчага алаҳсиб, қора киприклариди ҳалқа ёши титраганча жилмайиб ётган ўғлини кўрдию энгил тортиди. “Хайрият”, деди. Ўғилнинг ҳам, қизнинг ҳам онасини куйдирадиган бир доғи бор, ишқилиб, болаларимга бошқа дард бермагин, берсанг ўзимга берақол, деб ёлворди.

\* \* \*

Энди Раъно ота уйига борганида томорқа айланар, ариқча кичрайиб қолган, тубида озгина сув оқар эди, холос.

Қизгина энди ота экиб кетган беҳи билан сўзлашар эди.

“Отамнинг беҳиси, ўясанми?”

“Ўсиш қайда, она қизим. Бир амаллаб жон сақлаб турибман. Кўряпсанми, мадорим қуриди. Майда шохчаларимнинг учлари ҳам қуриб бормоқда”.

\* \* \*

Ўша тонгда зилзила рўй берди.

Зилзиладан бир неча сония аввал Раъно тўсатдан уйғониб кетди. Шу маҳал ер остидан жуда қудратли бир гулдурос эшитилди. Ҳаял ўтмай ҳаммаёқ силкинди. Деворлар қарсиллади, бир нима тарақлаб тушди, моллар бўкириб, итлар ангиллай кетишди, Раъно жон ҳолатида сапчиб, калима қайтара-қайтара, бир қўлига қизчаси ётган бешикни, бошқа қўлига иккала ўғилчасини кўтарганча ташқарига отилди.

Валишлар ҳам силкинар эди.

Ҳавода қизғиш туман сузар, бунақа ғалати туманни сира кўрмаган эди Раъно. Ёз кунда бунақа туман пайдо бўлиши кўрқинчли эди, ҳозир ер юзи ёниб кетса-я, деб кўрқди.

– Худоё, ўзинг сақла! Субҳонллоҳ!

Тинмай шу сўзларни такрорлар эди.

Эр ҳам отилиб чиқди, шу фалокат вақтида ҳалиям қарсиллаб чайқалаётган иморатларига ола-кула кўзларини тикиб у бир ён, уч боласини бағрига босиб, тили калимага келмай турган Раъно бир ён... шу икки жон, эру хотин.

Салдан кейин зилзила тинди. Одамларнинг қичқирғи, мол-қўйларнинг маъраши хануз эшитилар эди.

– Қанақа қилиб опчиқдинг буларни? – деди эр ҳайрон бўлиб.

Раъно ўзиям билмади.

– Билмасам, – деди ҳайрон бўлиб.

Ҳақиқатан ҳам, кап-катта йигитга кўшиб қизалоқни ва бешикни бир вақтнинг ўзида уйдан олиб чиқиш ақлга сиғмас эди.

Кўча тўла одам эди. Ҳамма тўзғиб, уйларида ташқарига отилиб чиқишган эди.

– Тинчмисизлар, тузукмисизлар? – дер эди ҳамма бир-бирига.

– Шукур-шукур, – дер эдилар қолганлар ҳам.

Ҳамма бир-биридан ҳол сўрар эди.

Қишлоқ ваҳимага тўлиб кетган эди. Кимнингдир сигир-қўйи бостирма тагида қолибди. Пастроқда, айниқса, шовур кучли эди. Кўзи ёмон қора киши бултур кўшниси билан девор талашиб уришган экан, зилзилада уни ўша девор босиб қолибди.

– Тавба, Худойим тинчликнинг қадрини кўрсатиб қўйди-я, – деди Раъно.

\* \* \*

Эр телевизор олиб келди.

Томга симини чиқарди, қаеринидир бураган эди, липиллаб турли юртларни, турфа кишиларни, уруш-жанжалларни кўрсатди. Тўда-тўда бақироқ оломон уйларни ёқар, қичқириб-бақирар эди. Телевизор отасини ўлдирган болани, ўғлини уриб майиб қилган отани, номаълум сабабга кўра тўда-тўда бўлиб ўзини соҳилга уриб ҳалок қилган балиқлар галасини, тасодиф туфайли бойиб кетган ақлсиз кишини, онасини ёлғиз ташлаб қўйган ўғилни кўрсатди.

– Ўчиринг шуни, – деди Раъно кўнгли озорланиб. – Тавба, дунёда шунақа одамлар ҳам борлигига ишонгинг келмайди. Биронтасида ҳаё-инсоф деган нарса йўғ-а? Бир-бирини итдай ялаб-юлқайди, одамлар бор ҳам демайди. Ўлсин, нима қилардингиз шуни опкелиб?

– Болалар кўришсин, дедим-да.

– Болаларнинг бетини очиб нима қиласиз? – деди Раъно.

\* \* \*

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсаверадилар, кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Эрнинг сочларига оқ тушди. Гавдаси эгилди, юзи тиришларга тўлди. Ўзининг ҳам ажинлари кўпайди. Аввалги чаққонликлар қайда энди?

Юмушлар эса эсини таниганидан бери ўша-ўша: хануз ариқ бўйларидан, экинлар ораларидан ўт юлиб, сигирга солиш, томорқага қараш, ҳовли супуриш, хамир қориш, нон ёпиш, таом пишириш... Аммо бели дарров оғриб, чарчаб ётиб олгиси келар, вужудни қувват тарк этмоқда эди.

Ўғилни уйлар вақти юз кўрсатди.

Таниш-билишлар ким орқалидир кимнидир қизини рўпара қилар эдилар. Эмиш-ки, фалончининг қизи сочи супургию қўли косов, оёғи олтию қўли етти, хуллас, жуда меҳнаткаш эмиш. Ҳар қанча ишласа ҳам чарчамасмиш. Ўзи ниҳоятда камсукум, ғоятда одобли, гап сўрасангиз гапирмасмиш, ҳар иш қўлидан келармиш, келин бўлиб тушган хонадонини боғу бўстонга айлантириб юборармиш.

Шундай эса-да, Раъно ўғлини ҳеч кимга раво кўрмас эди.

Йўқса, ўғил кучга тўлди, кўркама, ажойиб йигит бўлди. Ота-боболардан қолган одат шу, йигит эр етилгач, уни йўлга соладиган хотини бўлади, дейдилар. Кўча-қўйда юра-



версаям бўлмайди. Тезда бошини икки қилиб қўйсанг, куюлади, ақли киради.

Ўғлига “Сени уйлантирамиз” дердию ич-ичи бир симиллаб оларди.

Ўғилнинг жилмайиб турганини кўриб, ғаши ҳам келар эди.

– Ҳаҳ, илжаймай қол, нимага мени куйдирасан? – дер эди. – Ҳали хотининг тарафга оғиб кетарсан ҳам?

– Менга барибир, хизматингизни қилса бўлди.

– Унақа дема, – деди Раъно. – Мени хизматим нимаюм бўларди? Хотин киши рўзгорингни бутлайди.

– Бутласин-да, – дея жилмайди ўғил онасини кучоқлаб. – Лекин хизматингизниям бажарсин. Қанча меҳнатлар қилдингиз, қанча қаттиқ кунларни кўрдингиз, қават-қават тўшакларда мазза қилиб ўтиринг-да энди.

\* \* \*

Йигирма йил аввалги ҳодисалар энди Раънонинг кўз ўнгида такоран рўй бермоқда эди. Келин бўлмишнинг яқинлари кўча-кўйда кўриниб қолишса, эгилиброқ салом беришар, куюкроқ ҳол-аҳвол сўрашишарди.

Ҳар икки хонадонда ҳам анча-мунча киши тўй тадориғи билан овора.

Деворларнинг тўкилган сувоқлари қайтадан сувалган, бўялган, эл келса маломат қилмасин дея, ҳар тараф саришталанган.

Жўхорилар ўсиб ётган ерлар тозаланган.

Кишилар маҳалланинг дошқозонларини араваларда ташиган.

Келиннинг уйига қўй, нимта, ун-гуруч, гўшт-нон, сарпо-суруғ юборилган.

Раъно ўғлининг бўй-бастига қараб туриб, уни ҳануз қизганар эди.

“Айланай қош-кўзингдан, бирам келишган йигит бўлдинг-ки”, дер эди.

“Эшигимдан кириб келган давлатимсан-ку, айланай”, дея суяр эди.

“Юзимнинг қизилиям, тилимнинг узуниям сенсан, болам”.

Маросимлар давом этар, тўй руҳи қишлоқнинг анча-мунча хонадонини эгаллаб олган эди.

Кичкина болачалар ҳам ўйнагани кириб келишса, “Тўйлар қутлуғ бўлсин, хола”, деб кетар эдилар.

Баковул кириб келди. Катта ўчоқларга ўтин қалади, кўк тутун кўкларга ўрлади. Баковул қизариб-қизариб, дошқозонларнинг бирида тўй шўрваси, бирида ош пиширди.

Маҳалланинг одами кириб келди, ҳовли издиҳомга тўлди. Ёш болалар ҳам маккаси ўриб олиниб тозаланган ерга ўтириб олиб, “мазза бўпти” деб шўрва ичар эдилар. Қарияларга ичкарига жой қилинган эди. Ош сузилди. Одамлар еб-ичишиб, келин-куёвга Худо бахту саодат берсин дея, фотиҳа қилиб кетишди.

Келган-кетган кўп эди. Ҳаммасининг дастурхонига бир-икки сиқим қанд-қурс, нон-қатлама, парча мато қўйиш керак эди.

Ҳовли яна иккига айрилди. Хотинлар тараф узун оқ сурп билан тўсиб қўйилди. Эр-каklar дарвозахонада тўпланган эдилар. Хотинлар тараф қушлар сайрагани каби қий-чувга тўла, ҳаммаса баб-баравар гапираётгандай тасаввур уйғотарди.

Ёш-яланглар тўйхонани тайёрлаб бўлишган, уч-тўрттаси ток зангига катта қора қутиларини ҳам осишган, қўшиқчилар тайёр, нарироқда карнай-сурнайчи ҳам жамул-жам... Раъно мана шу тўс-тўполон ичида пилдираб юрарди.

– Куёвнавкарлар тайёрми?

– Тайёр, тайёр.

Бир маҳал келин-куёвга ажратилган уйдан банорас тўни хуш қаддига чунон ярашган ўғли чиқиб келди. Қоп-қора сочлари дўппи остидан тошиб чиқиб турар, қора қошлари қалин, баланд бўйли, кўркам йигит бўлган эди.

Раъно истамаса ҳам қароқларига ёш келди. “Вой ўлай, тўй бўляпти-ю, йиғлагим келишини қара-я, уят-а”, деди.

“Бўй-бастингдан айланай, болам, деб, бағримга босай десам, бўйинга бўйим етмайди-я, онанг чўринг бўлгур!”

Қариндош-уруғлар, таниш-нотанишлар ҳам куёвнинг елкасидан олиб, юзларига фотиҳа тортар эдилар. Ҳамма ҳавас ила куёвболага қарашарди.

“Ху, кўзинг ўзинга теккур”, деди Раъно ичида, келганларнинг орасида биронтасининг кўзи бор бўлса-я, деб хавотирланиб.

Ҳа, Давлатбек куёвларнинг сарвари бўлган эди.

Куёвнавкарлар жўнаб кетишди.

– Ғўзапоя опчиқмайсизларми? – деб сўради Раъно.

– Йўқ, хола, энди ғўзапоя ёқилмайди, – деди йигитлардан бири.

– Вой, келин-куёв олов атрофида айланмайдими?

– У маросим бекор бўлган, – деди йигит.

Раъно у ишни жоиз эмаслигини билса-да, келин-куёвга зарар-зиён тегмасин дея,

барибирам ўт атрофида айланишларини истар эди.

Ярим соатча вақт ўтгач, куёвнавкарларнинг қийқириғи, чилдирма дўп-дўпи эшитилди.

Келин келди!

Куёвларнинг сарвари Давлатбек келинни етаклаб даврага олиб кирди.

Раъно ана шунда ўзини тутолмай, теварагидагилардан ҳам уялмай, рўй-рост йиғлаб юборди.

– Ҳой, тузукроқ кўйлагингизни кийиб олмайсизми? – деди кимдир.

Раъно ўғлидан кўзини узгиси, бошқа кўйлак кийгани уйга киргиси келмай, кўздан ёши оқиб қараб турарди. Ёр-ёр садолари остида болажони давра тўрига ўтиб ўтирди. Уртакаш бир нималар деб жаврай бошлади, аммо гаплари Раънонинг қулоғига сира кирмас эди.

\* \* \*

Орадан йил ўтар-ўтмас, қизни ҳам чиқардилар.

Қизалоғи отасига тортган, чўзинчоқ оқ юзли, қошлари пайваста, ойдайд бўлиб турар эди.

Келинни олиб чиқиб кетар маҳали отани чорладилар.

Яна ўша, эски ёр-ёрлар айтилар эди.

Валишлар остида, қизалоқнинг қанча шўх-шодон кунлари ўтган шу қадрдон ҳовлининг тупроғига, ота оёғи остига янги палос тўшалди. Холалар қизни икки қўлтиғидан ушлаб, ота пойига олиб келишди. Қиз икки букилиб, “Отажон” дея таъзим қила-қила келди. Хотин-халаж, бола-бақра қий-чуви остида падар оёғига бош урди, бу бош уришда “Неча йиллар сув келса симириб, тош келса емириб ўстириб катта қилдингиз, энди мендан рози бўлинг”, деган нидо ҳам бор эди. Шунда ҳаётнинг пасту баландини кўравериб дийдаси анчайин қотиб кетган шу кишининг кўзларидан ҳам тирқираб ёш чиқиб, юзларига оқди, атрофидагилардан ҳеч тортинмай, баралла хўнграб юборди.

Қизнинг қалбида ҳам, отанинг юрагида ҳам айтилмаган қанча гаплар бор эди-я!

Бу йиғининг маъноси шундай эди:

“Дунёи дунда якка бир ўзим эдим, Худойим фариштадай бир қизалоқни – сени ҳады қилиб юборди. Уйимда уйнаб, чопқиллаб юришларинг ҳаётимни нурга тўлдирди. Чарчаб келсам, кичкина қўлчаларинг билан оёқларимни, елкаларимни уқаладинг, чойлар дамлаб келдинг... Отанг қурбонинг бўлсин, болам, уйимда меҳмоним эдингми? Шунча йил асраб-авайлаб катта қилдим, бағримдан сира чиқаргим келмайди, аммо найлайин?”

Қизнинг айтар гапларини эса ҳеч ким билмади. Қиз ичидаги гапларини ўзи билан олиб кетаверди.

Келинни олиб чиқдилар.

Қий-чув билан хотинлар ҳам жўнашди. Ҳовли ҳувуллаб қолди. Отанинг бир-икки дўст-ёри бор экан, шулар жонга ора киришди, у ёқ-бу ёқдан гапириб, чалғитиб ўтиришди.

Тўйхона эса чароғон, ҳамма шод, бир гапириб ўн кулар эдилар.

Куёвлик сарполари ўзига ярашган куёв давра тўрида кўр тўкиб ўтирар эди.

Раънонинг юраги ийиди.

“Куёвжон”, дегиси келди.

“Кипригимнинг устида, қароғимнинг остида катта қилган қизимни ўзим опкелиб кўлингизга топширяпман.

Иложи бўлса эди, бағримдан чиқарармидим?

Жонимни ипини кўлингизга бериб қўйяпман, жон болам.

Қошингизда пилдираб юришларимдан, сизга музтар-музтар, ялиниб-ялиниб қарашларимдан сезмаяпсизми?

Жонимнинг шу битта парчаси энди сизга бойланган. Сиз кулсангиз, ичим ёришади, қовоқ уйсангиз, дунё қоронғи бўлади.

Илтимос, шунча йил қошу қароғимда олиб юриб, авайлаб катта қилган боламга озор берманг, чўрингиз бўлай!”

Бу гаплардан куёвнинг хабари бормиди? Билиш қийин. Куёвнавкарлар қаторида кўр тўкиб, Алпомишдай бўлиб жилмайиб турар эди.

Ўзининг иззатини ҳам, қадр қийматини ҳам билиб турар эди.

\* \* \*

Шу тариқа кетма-кет тўйлар бўлди. Гўё бола-чақа ташвишидан қутилдилар.

Шамоллар ҳануз аввалгидек эсар эдилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Келгану кетган: “Ана, ўғилни уйлантириб, қизниям чиқариб олдингиз, катта ташвиш-

дан қутилдингиз”, деб ҳавасланишар эди.

Аммо бола-чақасини уйлаб-жойлаган одам ҳам сира тинчимас экан.

Уйда ишларига уриниб журади-ю, аммо кўнглининг бир чети нариги маҳалладаги қизиди, нима қиляпти экан, тузукмикин, дея. Яна бир чети бу қизиди. Уғли сал ҳаялласса, питирлаб жойида ўтиролмайд қолади. Болалари катта бўлгач, одам боласининг кўнгли яримта бўлиб қолар экан, деган хулосага келди у. Яримта нимаси, парчаларга бўлиниб кетар экансан. Бир парчанг ўғлингга, бир парчанг қизингга тортиб тураверар экан.

Онаизорининг гапи ҳам эсига келди. Бир маҳаллар “Ичимдан узилиб тушган парчамсан-ку”, деб ёйилиб кулимсираганлари кўз олдида жонланди. Оддийгина у гапининг шунақа чўнг маъноси бор экан-да, деди ҳайратланиб.

Тавба, тақдир деган кўзга кўринмас бир чархпалак, секин-аста айланмоқда.

Келин ҳовлида юмушларини бажариб юрипти. Бир нима дей деса, лоп этиб кўз олдига ўз қизи келади.

Келинчак ҳали жуда ёш, гоҳ тортиниб, гоҳ довдираб ўзича юмушларга уриниб юрибди, мана, ҳозиргина товукларга жўхори донидан сепди... бир нима дей деса, у ёқда қайнонаси қизига худди шу гапларни айтишидан чўчийди.

Уғли келиб қошида бироз ўтиради, кейин уйига кириб кетади.

Одам хотинига, боласига боғланиб қолар экан-да, деб ўйлайди. Ажабо, эри ҳам шунақамиди? Раҳматли қайнонаси ҳам шунақа деб ўйлаганмиди?

Шулар хаёлидан ўта-ўта, бир куни эрига:

– Отамиз-онамизга бир жонлиқ сўйиб ис чиқарсак, тушимга киришибди, – деди.

Эр мамнун бўлди.

Лекин бу ишларнинг барини битта яхлит ҳикмати бор эди.

Бу ёруғ дунёда неки қилсанг, ўзингга қайтар экан: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам. Ҳатто гапирган гапинг ҳам бир айланиб ўзингга қайтиб келиб турар экан. Бировга “Фалончи нега бунақа-я”, деб гапириб ҳам бўлмас экан, чунки қун келиб ўшанинг аҳволига ўзинг тушар экансан. Ҳа, дунёи дунни бежиз чархпалак, демас эканлар. Чархпалак деганлари оҳиста айланиб, ариқларга сув қуяди, дунёи дун чархпалаги эса ўз қилмишларингни ўзингга қайтариб қуяр экан...

\* \* \*

Баъзан ўйлаб ҳам қолардики, шунча йил яшабди, бировга сира ёмонлик қилмабди. Ажабланарлиси шундаки, ўзига ҳам бировдан ёмонлик етмабди. Ёмонликларнинг кўпи сўз туфайли бўлишига ҳам ақли етди. Ҳа, биров бировнинг молини ўғирлаши ёки ҳақини еб кетиши ҳар доим ҳам рўй беравермайди, аммо ҳар куни сонсиз-саносиз сўзлар айта-миз, кимларнидир гапирамиз, кимларнидир ёмонлаймиз, мана шу сўзларнинг бари эгасига етса озорланиши, ранжитиши ва гуноҳга айланиши турган гап.

Раъно кампирнинг ўйлари кўп эди. Бирининг ортидан бошқаси чувалашиб келаверар эди.

Тенг-тўшларининг, яқинларининг кўпи қишлоқнинг тепа тарафидаги жимжит маконга кўчиб кетишди. Бува-буви, ота-она, қайнота-қайнона кулгилари, гап-сўзлари оламни чароғин қилиб юрган яна аллақанча кишилар ўша ёққа абадиян жўнадилар. Ажабки, юрагининг бир чети ўша томонга ҳам тортиб турарди.

Бутун ўтган умрига разм солса, бир қушдан ортиқ бўлмапти. Ўзи кўрган қушларнинг бари ин қуриб палапон очишарди. Раъно ҳам бир ин қурибди, палапон очибди, ризқ ташибди...

Бу орада Давлат катта киши бўлди. Юрганида ер зириллади, гапирганида осмон. Уйга тўртбурчак катта бир нима кўтариб келди, уни деворга осиб, бир ерига босган эди, ғириллаб салқин ҳаво чиқара бошлади.

– Мана, она, маза қиласан, – деди Давлат. – Энди ёз иссиқларида, қишни совуқларида қийналмайсан.

– Бунақа нарсаларингни ўзинг ишлатақол, – деди. – Менга қишга битта сандал қуриб берсанг кифоя.

– Сандал ҳам қуриб бераман, – деди Давлат. – Роса меҳнатни қилдинг, энди оёгингни узатиб, бироз ором олсанг-чи?

Шунча йил заҳмат чеқдинг, сира биринг икки бўлмади, бор топган-тутганингни боламга деб илиндинг.

Нима учун шунча уриниб-тиришиб меҳнат қилсанг ҳам бутун умр бўйи топганингни шу бир уйу бир даҳлиз иморат бўлди, нега шундай деб ўйлаб ҳам кўрмадинг.

Ҳаёт шу экан-да, дединг, кўндинг-чидадинг.

Кўллариингни қадоғи ҳалиям кетмабди-ку, она?

Дунё ранг-баранг, қайлардадир кишилар етти ухлаб тушингга кирмаган роҳату ҳузурлар ичида яшаб юришибди, уларни билмадинг ҳам, кўрмадинг ҳам.

Энди, кел, дунёни кўрсатай десам, отанг билан биргалашиб қурган шу уйимдан

кетмайман деб болаларча тихирлик қиласан. Уйимда невараларимни хотиржамгина ўйнатиб ўтирсан, сен ишингдан кечга қолмасдан вақтида келсанг, синглинг тумов-пучқоқ бўлмасдан уйда тинч бўлса бас, дейсан.

Ҳалиям нон увокларини терасан, ҳамма нарсани тежайсан. Ҳалиям бир парча бўш ер қолса, тешачани олиб, инқиллаб-синқиллаб ўша жойга бир туп райҳон ё битта чечак қадаб қўясан.

Невараларингга бир боқсанг-чи. Сен яхши кўрган еримиздан Худо барака бериб жўштириб юборган ризқ сингари, булар ҳам шунақа жўшиб-тўлқинланиб етилиб келмоқдалар.

Олам ўзгариб кетган десам, қизиқмайсан ҳам. Ҳа, ишқилиб тинчлик бўлсин, деб қўясан.

Кейинги пайтлар “қаторимиздан хато бўлмасин”, деб дуо қилар бўлдинг.

Болалигимдан биламан-ку, авваллари қизиққанинг турли-туман кўйлақлар эди. Гоҳо хайитларда “болам, қўйлагим эскириб қолди, мени бозорга олиб бориб, янги кўйлақ олиб берсанг”, дер эдинг.

Шуниям айтмай қўйдинг...

Лекин қўшнининг болаларидан биронтаси касал бўлқолса, дарров бир нима пиширасан-да, дастурхонга ўраб, ўшани кўриб келасан. Биров тўй қилса, келинингдан бир парча мато сўраб оласан, отамнинг қўйлагини бошингга ёпиниб, пилдираб ўша тўйга ҳам бориб келасан.

Она, ўғлинг куч-қувватга тўлди. Дунёда одамни ақли бовар қилмайдиган юртлар, мамлакатлар бор. Кўрсанг, эсинг оғадиган мўъжизалар бор. Юрақол, онажон, десам, худди кичкиналигимда бир нимани билмасдан сўраганимдаги каби бағрикенглик билан жилмаясан, ўзимни яна ўша маҳалдаги каби нималарнидир билмас ҳис қиламан. “Қўй, болам, менга шу эл кифоя, дунёнгни нимаям қилардим”, дейсан.

Бир куни қаттиқроқ туриб олдим, ўшандаям кўнмадинг.

“Ортиқча пулинг бўлса, рўзгорингдан ортса, ана, синглингга қараш”, дединг.

Бегона бир хонадонга узатилиб кетганида, сингил акага мўлтираб қолади, дединг.

Сингилни акага доим ичи ачийди, жони куяди, ҳар ерга борса “Акам ундоқ, акам мундоқ”, деб мақтанади.

Буй-бастингни кўрса, хурсанд бўлиб кетаверади, мабодо уйига йўқлаб борсанг, ўша теварақдагиларни олдида кўкси тоғдай бўлади, гердайиб-гердайиб юради.

Кўзининг ёши бирпасда дувуллаб оқиб ҳам кетаверади, “Отамнинг ўрнига отам келди-я” деб, суюниб ҳам олади.

Сенинг келганингдан шодланиб, “Акам яхши кўради” деб, қўллари куя-куя қумғонда чой дамлайди.

Узида йўқ бўлса, “Акам келди!” деб, қўшнидан қаймоқ олиб чиқиб олдингга қўяди.

Эрининг олдида тили узун бўлади. “Мендай ғарибниям йўқлаб келар одамим бор”, деб суюнади.

Нима десанг ҳам оғзингга мўлтираб қараб туради.

Сингил райҳондай бўлади, жамбилдай бўлади...

Болам, дединг яна, ота уруғингдан хабар ол, она уруғингдан хабар ол.

Тоғаларинг қони сенда оқади. Она уруғинг қайишади, сени бир томиринг оғриси, унинг етти томири оғрийди. Билиб қўй, тоғаю хола онадай меҳрибон бўлади.

Амакиларингдан хабар ол. Ота уруғ сир-ҳайбат сақлаб туради. Ота уруғда отангнинг қони оқади. Отангдай вазмин, ҳайбатли бўлиб туради. Сенга бир гап бўлса, тегрангни тоғлардай қуршаб олишади.

Сен кичкиналигингда улар куч-қувватга тўлиб, кўча-қўйларни тўлдириб юрган кишилар эдилар. Сен қувватга тўлганинда улар заифлашдилар. Эшигидан кириб борсанг, уларнинг кўнгли ҳам тоғдай бўлади.

Ота уруғинг хотини тарафга, она уруғинг эри тарафга мақтанади, кўрдингми, қариндошим келди, дея.

Болажон, сен жуда ақлли бўлиб улғайдинг, сенинг қувватли ақлинг етган жуда кўп нарсаларга менинг ақлим етмайди. Аммо шунча йил яшаб, билганим: шу келбатинг, фаросатинг, зеҳнинг билан ҳам ота уруғингни, ҳам она уруғингни бирлаштир.

Бирлашмасанг бўлмайди, болам, ҳаёт оғир, мураккаб, қийин, шу олатасир ичида бир-бирингга икки оғиз яхши гап айтишинг шарт. Ҳамманиям ризқи етиб турибди, ҳеч ким сенинг ризқингга зор эмас. Аммо одамлар икки оғиз меҳр сўзига жудаям зор...

\* \* \*

Йиллар ўтаверди.

Қизиқ, умр гоҳ шитоб билан ўтаётгандай, гоҳ эса аста-секин оқаётгандай туюлади.

Отанинг беҳиси тамомила қартайди.

Томорқа оралаб ўтган ариқча кўмилаёзди. Чунки тепада кимдир сувни беркитди.

Ариқча қирғоғидаги ўтлар аввалгидай бўлиқ ўсмай қўйдилар.

Бу сув қишлоқнинг тепасидан, тоғлар бағридан келади, дерди. Туси оқиш, тошдан тошга урилиб, ҳар хил маъданларни эритиб жуда хуштаъм бўлиб келарди. *Келмай қўйди-я...*

Отам ўшанда нима учун беҳи эктирганини энди англагандайман, деб ўйлади у. Беҳи узоқ яшар экан. Нок, ёнғоқ, ўрик ҳам. Қолганларининг умри қисқа экан-да.

Қизалоғим умри бўйи шу мевадан тотиб юрсин, деган экан.

Лекин болаларимга шуни уқтиролмай жоним ҳалак.

Ҳой, уйинг буғдойга тўлгур, кўчат қадаб қўй. Қуш есаям, қурт есаям савоб. Ўйнаб юрган кичкина болачалар еса, яна савоб.

Сендан ош-нон сўрармиди? Бир-икки йил тағига сув қуйиб турсанг, бас. Илдизи намга етиб олгач, ўзи ўсиб, мева солаверади-ку? Ийгиб-тегриб олишга эринсанг, меваси сени кутиб қанчадир вақт шоҳида туради, кейин узилиб ерга ҳам тушади.

Худойим бутун оламни баҳор пайти одамнинг ақли етмайдиган тур, ис, шаклу қиёфада анвойи чечаклар билан безашини кўрмаяпсанми? Кузда ҳаммасини хасга айлантириб юборишидан ақлинг шошмаяптими? Ўша гўзалликларнинг барини хазонга айлантириб, лой-тупроққа қориштириб ташлаётганидан ҳайиқмаяпсанми?

Раъно кампирнинг тоби қочди.

Қизиқ, бир сабаб йўқ, бир жойи оғримайди, шу ёшга кириб бир марта касал бўлмаган одам, энди мадорсизланиб, вужудидан куч-қуввати кетиб ётиб қолди.

Шунча заҳматларни кўрган кўзлари энди юмуқ, бармоқлари, ияги ҳолсиз титрайди, ажин босган юзида, пешанасида тер кўринади... кенг-мўл ўринда бир тутамгина бўлиб ётади.

Гоҳ хаёллари орасига кириб кетиб, ўзини бир маҳаллар ариқ бўйида капалакларни қувиб юрганини кўради. Қизиғи шундаки, у капалаклар ҳам ўша кезлардаги каби, Раъно билан гаплашади.

– Юр, ўйнаймиз, – дея ҳилпираб учишади капалаклар.

Қушлар ҳануз тумшуғида бир нималар кўтариб инларига шошишади. Ҳануз у инлардан палапонлар чийиллаб, бошчаларини чиқариб қараб туришади.

– Ҳой, кўзингни оч, – дейди кимдир, эрининг товуши билан.

Раъно ўрнидан кўзғалмоқчи бўлади, кўзини аранг очиб, эрини кўради. Эрнинг қароқлари нам.

– Мени қўрқитмасанг-чи, – дейди ияги қалтираб.

– Ҳа, келдингизми?

– Келиш нимаси, бошингдан қимирламай ўтирибман-ку?

– Отаси... кетиб қолмасмикиман?

– Ҳар нимани гапираверадими одам деган? – деб зарда қилмоқчи бўлади эр, аммо овозида шиддат йўқ, қалтираб чиқади. – Кўзингни очсанг-чи.

– Озгина ором олай, – дейди Раъно кампир, ялинчоқ овозда. – Салгина холос, кейин тураман, отаси. Фақат...

– Гапирақол.

– Фақат... “розиман” деб қўйинг, отаси...

– Розиман, – дейди шунда ота, кўзининг ёшлари дув этиб оқиб. – Мингдан-минг розиман, онаси. Худойим сендай аёлни менга омонат қилиб берибди-ю, рози бўлмасмидим?

– Шукур... – дея пичирлайди Раъно ва бирданига тириш ажинлари ёйилиб, кулимсирайди.

\* \* \*

Кулимсираган маҳали у ўзини яна улкан дарахтлар, шодон ариқча, гапирадиган гулчечаклар орасида кўради.

– Ҳа, ариқча, оқяпсанми?

– Оққанда қандоқ? Шунақанги тўлиб-тошиб оқяпман-ки!

Сал нарида бепоён бир дарахтзор шовуллаб чайқалади.

Ой ҳаволаб нур сочармиш. Раъно ўша дарахтзорнинг бошланиш жойида, ой ёруғи чағ каби ёғдуланган ингичка сўқмоқ бошида турганмиш.

“Бу қанақа дарахтзор бўлди, илгари сира кўрмаган эканман-а”, деб ўйлармиш ҳайратланиб.

Ажабки, ўзи қизалоқлигидаги каби куч-қувватга тўлган, чаққон эмиш.

Теварақда ҳеч ким йўқлиги ҳам ҳайратга солармиш.

“Қўшни боланинг мазаси йўғийди-я”, – деб хаёлига келармиш. – Шуни бир кўриб чиқмадим-а, аттанг”.

Эри ҳам хаёлига келармиш.

“Яна анча-мунча ишлар бор, отаси, – дермиш хаёлан эрига, эшитиб турганига аниқ ишониб. – Найлайин, қисмат экан, мен энди шу ёқларга келиб қолдим. Сиз шошмай турақолинг, ҳаммасини битириб, кейинроқ келарсиз”.

Шу сўқмоқдан юрса, ортига қайта олмаслигини ҳам билармишу сўқмоқ қайга олиб борар экан деб, қизиқар ҳам эмиш.

Лекин ўша томонга боришиям шартмиш.

Сўқмоққа қадам босаман деган жойида, шундоққина йўл четида турган Чимчиловчи Ғалати Махлуқни кўриб қолди.

– Вой, – дермиш севиниб. – Бу ёқларда нима қилиб юрибсан? Эсингдами, болалигимда мени кўрқитганларинг?

Чимчиловчи Ғалати Махлуқнинг кўзлари маъюс эмиш.

– Нимага индамайсан? – дермиш Раъно.

Шунда:

– Алвидо, – дебди Чимчиловчи Ғалати Махлуқ маъюс, қайгадир бошқа томонларга қараб.

У қараган томонларда оппоқ булутлар сузар эмиш.

– Нимага унақа деяпсан? – деб сўрабди Раъно.

Чимчиловчи Ғалати Махлуқ жавоб бермасмиш.

Шундан кейин Раъно ўша сўқмоқдан илгарилаб бораверди. Юзига шамоллар урилди.

– Сиз ҳам шу ерда экансиз-да, – деди у яна суюниб. – Эсингиздами, сочларимдан юлқилар эдингиз? Сочларим қоп-қора, узун эди-да... Садоланишларингизни босаман деб қанча қичқирсам ҳам овозим ғувуллашларингизни босиб кетолмасди. Меваларни дувуллашиб тўкиб ўтардингиз, осмонда қат-қат булутларни тўдалаштириб ҳайдаб келардингиз. У булутлар ёмғирларни ёғдирар эди, ўша ёмғирлар остида чунон қичқириб йўнар эдим-ки...

– Алвидо... – дейишди шамоллар, ортга қараб эсаркан.

Раъно янада ҳайратга чўмиб, сўқмоқда илгарилашда давом этармиш.

Буталар остида кичкина малла тулки ҳам турган экан.

– Вой ўлгур, сен ҳам шу ердამидинг? – деди Раъно унга.

– Худойимга шукур, ҳаммангиз шу ерда экансиз-ку, – деди миннатдор бўлиб. –

Ҳозир шунақанги ажойиб бахту саодатни сезяпман-ки! Келинглр, ҳаммамиз биргалашиб ўйнаймиз.

– Алвидо, – дебди тулки ҳам, маъюс кўзчаларини пирпиратиб.

Уларнинг маъюс туришларидан ажабланган Раъно яна йўлида давом этган эди, салдан кейин ингичка, тевараги гулу чечаклар билан безалган, бир учи булутлар орасига кириб кетган ҳавойи сўқмоқ олдидан чиқиб қолди.

Сўқмоқнинг теграсида ўсган чечакларга эгилиб, уларнинг ўзи бир маҳаллар ўтқазган оқу қора райҳонлар ва чиннигуллар эканини кўрди.

Бу ерда ҳам печаклар, курмаклар, ажриқлар бор экан, улар йўл устини қоплаб, ям-яшил гиламча ҳосил қилишибди.

– Вой-бўй, – деди у сўқмоқ учига қараб. Ўша ерда улкан бир дарахт кўринар, остида ўйнаб ўтирган кичкина қизчалар кўзга ташланармиш.

– У Туби дарахти, – дейишармиш чечаклар. Узоқ-узоқларда, янаям юксакда жуда улкан бир нима кўзни олгудай бўлиб ярақлаб товланармиш.

Сўқмоқ устидан кушлар учиб ўта бошлашди. Раъно уларнинг ҳам ўша, ўзи таниган кушлар эканини кўрди.

– Қаёққа кетяпсизлар? – деб сўради у кушлардан.

– Билмадик, юксаклардан жуда қудратли бир садо келди, – дейишди кушлар. – Ўз-ўзимиздан тўпланиб, ўша садога жавобан чағиллай бошладик. У тепаюк пастдан, чапу ўнгдан, ич-ичимиздан баб-баравар келди. На емишга, на палапонларга қарадик. Дон-дунлар, учолмай қолган палапонлар ер бетида шундоқ қолиб кетаверди, тўлқин-тўлқин келаётган ўша қувватга истасак-истамасак бўйсундик. Шу учушда тоғлару чўллар, дарёю денгизлар узра учамиз, токи ўша садо “Етар, бас” демагунча.

– Палапонлар? Вой ўлай, мениям палапонларим бор эди-ку?

– Вақт-соати етганида улар ҳам ортингдан келишади, – дейишди кушлар. – Улар борадиган жойга сен сал аввалроқ бориб турақол. Зотан, умр бўйи шундай қилмадингми? Бўлақол, ўша ерга етиб олсак, ҳаммамиз биргалашиб ўйнаймиз.

– Хўп, – деди Раъно, уларга ишониб.

“Ҳақиқатан ҳам, энди кўлимдан нимаям келарди”, деб ўйлади.

“Умр бўйи эримнинг, болаларимнинг келишига овқат пишириб, чойларини дамлаб кутиб ўтирдим.

Уйимни саришта қилдим, ҳарому зиён-заҳмат оралатмадим, томорқаларда тер тўкиб уриниб-тиришдим.

Умрим бўйи бировга ёмонлик қилмадим, қўпол гапирмадим, билганим меҳнату ризолик бўлди.

Аслида, у жой ҳамманинг ҳам борар жойи эканини билиб турибман.

Модомики шундай экан, вақтни ўтказиб, болаларимга оғирим тушиб нима қилдим?

Ҳа, борақолай, ҳали-замон отаси ҳам ортимдан келиб қолади, уни ўша ерда кутиб олақолай.

Назаримда, ўша ёқда ҳам шу қадрдон уйим, валишларим, тандир-ўчоғим бўладигандай.

Назаримда, анча-мунча кишилар ўша ёқдаям худди ўзимизнинг қишлоқдагидай яшашаётгандай.

Борсам, Худойим яна бир уй-жой ато этар, ахир? Супуриб-сидириб, озода қилиб кутиб ўтираман-да, қўлимдан яна бирор нима келармиди?

Куриган-нетган жойи бўлса, гулу райҳон ҳам қадаб кўярман, сувлар ҳам сепарман. Қара-я, ҳамма қўрқиб-ҳайиқиб юради, аммо сира унақа эмас экан-ку?

Шунақа, оддийгина экан-ку”, деб ўйлади.

“Тавба, одамнинг умрида ҳеч нима йўқолмас экан-да? Абадиян йўқотдим деган нарсаларимнинг бари худди ўшандагидай.

Одамлар билмайдиган бир ҳикматни билиб олдим, афсус, айтай десам иложим йўқ”. Шундай деб ўйлади у.

Сўнг, худди боласи ёқимли бир иш қилганида кулимсирагани каби кулимсираб, бутлар сари ҳаволаниб кетган ўша сўқмоққа қадам қўйди.

Шу хотин, юзу кўзига аршу аълодан умри бўйи нур ёғилиб турган шу муштипар аёл...

### Хотима

Яна баҳор келди. Яна далалар, яйловлар, сен қадам қўйган йўлаклару сўқмоқлар узра чаппар уриб нозланди.

Сен ҳам баҳор каби эмасмидинг, онам?

Йўқ, сен тупроқ каби эдинг. Бағридан анвойи чечакларни ўстириб юборган ва тева-ракни гўзаллиги латофатга буркаган, инсонлар учун турли меваларни етиштириб фарқ пиширган, болаларинг ҳамда яқинларингнинг хоки пойига ясланиб, ўзини инсонлар учун харж айлаб юборган хоксор тупроқ!

Йўқ, сен сув каби эдинг-ку, онагинам? Умринг сувдай оқаркан, меҳринг, севгинг, бағрикенглигинг ила қалбларни яшилантириб гулу чечаклар очтирган, жон томирларга ҳаёт мусаффолигини етказиб, ўзи ҳам бир дарёдай узоқ-узоқларга қайтмас бўлиб оқиб кетган...

Сен шамол каби эмасмидинг, она? Бошим узра ҳаётбахш эсиб, умр куртакларини очган, ҳаволарни алмаштириб, қанчадан-қанча гулларни яшнатган, унум келтирган ва шамоллар каби елиб-елиб ўтган...

Сен оташ ҳам эдинг, нуридийдам! Ҳароратинг бўлмаса эди, болангинг бу жўшишлари, бу шиддати, бу ғурури қайдан ҳам келарди?

Қалбингнинг ичида нималарни сақлаганингни нималарни олиб кетганингни мен билмасми эдим?

Изларинг қолган тупроқлардан кўзимдан ёшим оқиб бенаво кезар эканман, менинг шу кезишларим, кучу қувватим, шаъну шавкатим, бахту саодатим учун ўзингни қурбон қилиб юборганингни, қадрингга етолмаганимни ўйлаб изтиробларга чўммоқдаман.

Меҳнату заҳматлар аро қадоқ қўлларинг тафтига зорман, меҳр тўла бир қарашингни яна бир бор кўриш учун дунёларни сарфлаб юборишга ҳам тайёрман.

Уйимда юмушларга уриниб юришларингнинг ўзиёқ бир бебаҳо сарват экан-ку, хазинам менинг!

...Ахир, баҳор ҳам келди...

Сен қадаган гулу чечаклар яшнаган ҳовлида болаларим ўйнаб юришибди. Гоҳо ўйиндан тўхтаб, нарироқда ўз хаёлларига фарқ бўлиб одимлаётган оталарига ҳайрон-ҳайрон боқмоқдалар.

Улар ҳали жуда кўп нарсаларни билишмайди. Вақт-соати келиб улғайганларида, мен ҳам сен кетган томонларга йўл олганимда... менинг ҳозирги аҳволимга тушсалар ҳам ажабмас... ахир, ўзинг айтар эдинг-ку, умр бир чархпалак дея?

Бироқ она уйининг ҳовлиси, дарахтлари, йўлаклари ва боғчалари аро кезиб юрган оталарини бу тарз эзгин қиёфада кўришларини истамайман. Кўзларининг олдида доимо чўнг, тоғ келбатли, мустаҳкам ва тадбирли Ота ўлароқ қолишни истайман.


...Кўзимнинг ёшини кафтимнинг орқаси билан артиб, истиқболимга чопиб келаётган болаларимга ҳам андуҳ, ҳам севинч ила жилмайиб юзланаман...

...худди бир маҳаллар ўзинг менга қараб, ёйилиб, беғубор жилмайганинг каби!

\*\*\*

– Ариқча, оқяпанми?

– Ҳа, оқяпан, эй Эгамнинг ўғли...



## АДАБИЁТИМИЗНИНГ УМУМИЙ МАНЗАРАСИ – 2013

*Муҳтарам журналхон, маълумки,  
журналимиз адабиётимизнинг умумий манзарасини  
ўзида акс эттирган йил яқунлари муҳокамалари матнларини  
эълон қилиб бормоқда. Ушбу анъанани давом эттирган ҳолда,  
жорий йилдаги маърузаларни қуйида эътиборингизга ҳавола  
қилмоқдамиз.*



### **Маиҳура ШЕРАЛИЕВА**

*1976 йилда тузилган. Ҳозирда Андижон давлат университети  
қошидаги 3-академик лицейда ишлайди. “Ҳозирги ўзбек насри-  
да киноя: ижтимоий-психологик омиллари, поэтик ўзига хосли-  
ги” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.*

## **2013 йил қиссалари ҳақида айрим мулоҳазалар**

Ўтган йилда 30 дан ортиқ қисса эълон қилинди. Бироқ, афсуски, уларнинг ярмидан кўпроғи оммавий адабиёт намуналарига тўғри келади. Асосан, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида чоп этилган, шунингдек, китобларга киритилган айрим қиссаларга умумий тавсиф беришга ҳаракат қиламиз.

Аҳмад Аъзамнинг “Қуроқ” қиссаси (“Ёшлик”, 2013 йил, 1-сон) ёзувчининг болалик хотиралари асосида яратилган. Автобиографик характердаги мазкур қиссанинг бош қаҳрамонида моҳиятан иккита субъект бирлаштирилган, яъни улардан бири, бола, иккинчиси, болалигини хотирлаётган, воқеликни эллик йил беридан туриб таҳлилдан ўтказаетган инсон. Ёзувчининг уйида ҳеч бир сабаб ва мантқиқсиз пайдо бўлган эшак қисса воқеаларининг бошланиши, болалик хотираларига ўтиш учун туртки вазифасини ўтайди. Аҳмад Аъзамга хос бир текис интеллектуал мушоҳадага мойил таҳлилий услуб ўқувчини қисса оламига ҳеч бир зўриқишсиз олиб киради. Мазкур қиссани фақат болалик хотираларини ҳикоя қилувчи асар дейиш, қисса мазмун-мундарижасини торайтириш бўлади. “Қуроқ” қиссаси ижтимоий жиҳатдан ҳаммиша фаол бўлган инсоннинг аъмол-эътиқодини шакллантирган омиллар ҳақида ҳам тасаввур беради.

Носиржон Жўраевнинг “Кибор” қиссасида (“Ёшлик”, 2013 йил, 5-сон) давр ёшларининг руҳиятида кечаётган эврилишларни очиб беришга интилиш бор. Асарда ижтимоий иерархиянинг тобора юқорироқ поғоналарини эгаллаб бораётган инсоннинг маънавий-руҳий олами, “кибор”лашиш жараёни таҳлил қилинади. “Муқаддима ўрнида”, “Йўл”,



“Хотима. Инқироз” номли уч қисмдан иборат ушбу қиссада яхши кузатишлар, таҳлиллар берилган, ammo бу таҳлилларда санъаткордан кўра тадқиқотчининг нигоҳи устунроқ. Шу сабаб кўп ўринларда қаҳрамон нуқтаи назаридан берилаётган ривоя ўзиники бўлмаган нуқтага айланмасдан, муаллиф баёни, муаллифнинг ўз дардлари изҳори даражасида қолиб кетган. Ёзувчи тасвири объективлаштиришга, қаҳрамонни ўзидан ажратишга қийналяпти.

Бекзод Абдусамаднинг “Тоғ атиргули” воқеий қиссаси (“Ёшлик”, 2013 йил, 12-сон) халқона йўлда, халқ бахшиларига хос ифода йўсинида битилган. Асарга муаллиф томонидан киритилган шеърий парчалар ҳикоя қилинаётган воқеага, қаҳрамонлар кечинма ва кайфиятларига мувофиқ танланган. Ёш ёзувчи асар тили устида жиддий ишлагани сезилиб турибди. Бу, айниқса, икки севишган ёш тасвирида яққол кўринади. Бироқ, шунча фазилатларига қарамай, “Тоғ атиргули” кишида иккиёқлама таассурот қолдиради. Муаллиф китобхонни қисса бадиий оламига олиб кириб, қаҳрамонларнинг севги кечинмаларига ошно, шерик қилишга эришади, айни пайтда, ёзувчи позициясида ижтимоий-ахлоқий меъёр масаласига бепарволик сезилади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, қисса қаҳрамони Шоди полвоннинг кўпкарига бориб, ўзи кўноқ бўлган хонадондаги, ўзганинг маҳрами бўлган ўн кунлик келинчак билан кечган ишқий саргузаштлари меҳр билан, романтик кайфиятда тасвирланади. Қисса давомида воқеалар ўтган асрнинг етмишинчи йилларида бўлиб ўтганлиги бир неча бор қайд этилган. Шу ўринда бир мулоҳаза: агар шунга ўхшаш воқеа етмишинчи йилларда ўша давр ёзувчиси томонидан тасвирланганида, ўзгачароқ, моҳиятан миллийроқ талқинга дуч келган бўлар эдик. Масалан, Алишер Ибодиновнинг “Кўл буйида” ёки Х.Султоновнинг “Дунёнинг сири” ҳикояларидаги каби. Айтмоқчиманки, миллий характер, миллий менталитет деганимиз, фақат саҳнага чиққанда миллий либосларда кўринадиган, аслида, европалашган раққоса кизга ўхшаб қолмаслиги керак.

Холиёр Сафаровнинг “Қанотсиз қушлар” қиссаси (“Ёшлик”, 2013 йил, 7-8-сон) “Меҳрибонлик уйи”да тарбияланган икки севишган ёшнинг тақдири ҳақида. Қисса учун ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишидек муҳим муаммо танлаб олинган. Бироқ персонажлар ва сюжет воқеаларидаги нормативлик асар бадииятига путур етказган. Муаллиф китобхонни атайин раҳмини келтиришга уринаётгани сезилиб қолган. Қаҳрамонларнинг ота-онаси ташлаб кетгани, меҳрибонлик уйида тарбияланиши, бунинг устига, севгилисидан айрилиши каби мотивлардан фойдаланиб янада кўпроқ ачинтирмоқчи бўлади. Асар охирида қаҳрамонлардан бири “Биз қанотсиз учдик”, дейди ва бу билан қийинчиликларни енгиб ўтганини таъкидламоқчи бўлади. Бироқ у қандай қийинчиликларга дуч келди, қандай қилиб енгиб ўтди – булар мавҳумлигича қолади ва муаллиф сарлавҳага чиқарган масала ойдинлашмайди. Умуман, қисса муаллифи ҳафталик газеталар об-ҳавосидан чиқиб кетолмаган кўринади. Бизнингча, асосий адабий журналларимиз жиддий адабиёт учун қўйиладиган талабларни ушлаб тургани маъқулроқ. “Қанотсиз қушлар” каби бўш асарларнинг чоп этилиши бусиз ҳам майдоннинг кўп қисмини эгаллаб бораётган оммавий адабиётга позицияни бериб қўйиш бўлади.

2013 йилда “Шарқ юлдузи” журналида (2013 йил, 1-сон) Ҳамроҳон Мусурмоновнинг “Сирлар салтанатига саёҳат” фантастик қиссаси ва Зулфира Мисбахнинг “Адиба” қиссаси (2013 йил, 5-сон)дан айрим боблар эълон қилинди. Ҳ.Мусурмоновнинг “Сирлар салтанатига саёҳат” қиссаси шу йилнинг ўзида китоб ҳолида ҳам нашр этилди. Унда уч ўртоқ – Шодбек, Рустам, Сарвар исмли ўсмирларнинг фантастик олам, ўзни Сирлар салтанатидаги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Ўсмирлар дунёсининг ўзига хос жиҳатларини бир қадар маҳорат билан тасвирлай олгани, уч ўртоқнинг ҳар бирига хос индивидуал хусусиятлар ифодаси – адибанинг ютуғи. Муаллиф қисса сюжетини қизиқарли, қутилмаган воқеалар билан бойита олган. Бироқ экологик муаммоларнинг тавсифи, қуруқ баёни, статистик маълумотлар ўқувчини зериктириб қўйиши мумкин.

Зулфира Мисбахнинг “Адиба” қиссасидан боблар берилгани учун қисса ҳақида яхлит хулоса чиқариш қийин. Бироқ эълон қилинган қисмларнинг ўзиёқ асар сюжетида етарли асосланмаган ўринлар борлигини кўрсатади. Масалан, Назар Василанинг бир оғиз таънаси билан ўзгаради, ўз ҳаёти ҳақида бутунлай бошқача ўйлай бошлайди. Бу ўринда характер мантиғи унутилади. Агар Назарнинг ўзгариши учун Василанинг гапи бир туртки бўлса, бу ўзгаришнинг илдиэлари, ҳеч бўлмаса, ишора билан берилиши керак эди.

Ғафур Шермуҳаммаднинг “Қудуқ” қиссаси (“Шарқ юлдузи”, 2013 йил, 2-сон) воқеалари гарчи маиший турмуш фонидан берилса-да, уни оддий маиший мазмундаги асар, деб бўлмайди. Қиссада нафақат бош қаҳрамон, балки унинг атрофидаги персонажлар ҳам ижтимоий-психологик характер сифатида эсда қолади. Лаллайга ўхшаш қаҳрамонларни биз илгари рус адабиётидаги кичкина одамлар мисолида ёки ўзбек адабиётининг 70-йиллар авлоди асарларида (Э.Аъзам. “Анойининг жайдари олмаси”, “Жавоб”, Х.Султонов. “Эсонбой”) ҳам учратганмиз. Лекин Ғ.Шермуҳаммаднинг қаҳрамони уларни такрорламайди, гарчи ташқи ўхшашлик кузатилса-да, “Қудуқ”нинг қаҳрамони ўзи интилган ғоя-аъмол билан фарқ қилиб туради.

Қисса қаҳрамони – лаллайгани учун Лаллай лақабини олган Элмурод одамларга кўрсатаётган яхшилиги, инсоний муносабатига яраша улардан жавоб кутади. Лаллай,

қачонки, ўзи учун қудуқ қазий бошлаганида кутганига эришади – одамлар қалбидаги яхшилик булоғининг кўзи очилганини кўради. Шу маънода қиссадаги қудуқ ва сув образи яхшиликнинг, чинакам инсоний муносабатнинг рамзига айланган.

Қиссанинг сюжети жуда пухта ишланган. Муаллиф сахна-эпизодларни бериш маҳоратини яхши эгаллаган. Сюжет воқеаларида ортиқча деталлар, тафсилотлар учрамайди. Лаллайнинг ўғли Шодмонжоннинг хасталиги сюжет воқеаларида муҳим ўрин тутаяди. Бироқ йигит ёшидаги Шодмонжоннинг ўлими нима учун керак? Ҳар ҳолда, бу воқеа китобхоннинг кўнглида қаҳрамонга нисбатан ачиниш ҳисларини янада кучайтириш учун киритилган, деб ўйламайман. Шодмонжон Лаллайни тушунмаган кишилар туфайли ёки отаси хабар ололмагани учун вафот этгани йўқ. Йигитнинг ўлими бош қаҳрамон вазиятини тушуниш учун мазмуний алоқадорликка эга: Лаллай одамлар орасидаги тўлақонли ўрнини ҳис қилгунигача йигит умрини йўқотди. Йигит ёшида вафот этган Шодмонжон ана шу катта йўқотишга, узоқ йиллик уринишларга ишора қилади.

Ҳафиза Эгамбердиевнинг “Нахшона” номли китобида адибанинг “Нахшона” ва “Бир дўмбира қисмати” қиссалари киритилган (Ҳ.Эгамбердиева. Нахшона. – Т.: Шарқ, 2013). Булардан биринчиси мўғул истилочиларига қарши курашга отланган қасоскор қизлар ва уларнинг сардори Нахшона ҳақида. Асар фабуласини Нахшонанинг яқинларидан айрилиб қасоскорга айланганидан бошлаб мўғуллар билан навбатдаги жангда ҳалок бўлишига қадар бўлган воқеалар ташкил қилади. Воқеалар ўз-ўзича қизиқарли бўлгани ҳолда, уларни ҳикоя қилиб бериш услуби ўзини оқламаган. Муаллиф кўп ҳолларда илмий услубга ёки публицистик баёнга ўтиб кетади. Тарихий воқеликни бадиий жонлантиришда муаллифга ўзи учун олдиндан тайёрлаб олган позиция – фахрланиш ва бу фахрни китобхонга юқтириш стагаи ҳалал берган. Натижада, асарда публицистик руҳ кучайиб кетган. Шунга кўра, ўзбек адабиётидаги тарихий асарлар эришган бадиий тафаккур даражасидан қаралса, “Нахшона” қиссасини олдинга силжиш сифатида баҳолаб бўлмайди.

“Бир дўмбира қисмати” қиссаси шўро даври қатағонларидан азият чеккан бахши оиласи ҳақида. Қиссада газета тили устунлик қилади. Айниқса, асар бошланишида қишлоқдаги Наврўз байрами тасвири репортажга ўхшаб қолган. Умуман, “Бир дўмбира қисмати” қиссадан кўра очерк типидagi асарни эслатади. Албатта, мутахассислар таъкидлаганидек, қисса очеркка яқин туради. Зеро, публицистика ёки адабий танқидда очерк бажарадиган вазифа бадиий адабиётда қисса жанри зиммасига тушади. Шу билан бирга, қисса бадиийлик қонуниятлари асосида иш кўришини ёддан чиқармаслик керак.

Алишер Саъдулланнинг “Широқ” қиссаси ҳам тарихий мавзуда (A.Sa'dulla. Shiroq. – Т.: O'zbekiston, 2013). Муаллиф бизга маълум Широқ афсонасини қаҳрамоннинг аждодлари ҳақидаги ривоятлар билан бойитган. Широқни жасоратга ундаган сабабларни ватанпарварлик туйғуси билан бир қаторда аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган қасам билан ҳам изоҳлайди. Қисса қаҳрамонларининг нутқи етарли даражада индивидуаллаштирилмаган, уларнинг деярли барчаси бир хил тилда гапиришлари китобхонни зериктириб қўяди.

“Лафз” номли тўпламдан Юсуф Файзуллонинг “Садоқат”, “Қайтиш”, “Хонадонлардан бири” ва “Лафз” деган тўрт қиссаси ўрин олган (Ю.Файзулло. Лафз. – Т.: Ўзбекистон, 2013). Маиший мавзудаги ушбу қиссаларда воқеликни бадиий идрок этишга интилиш бор. Бироқ уларнинг дастлаб чоп этилган ҳафталик газеталар талабига мослаштирилганлиги айрим персонажларнинг характер мантигига кўра эмас, олдиндан тайёр қолиплар асосида ҳаракатланиши, асар тилининг сайқалланмай қолиб кетишига олиб келган. Китоб ҳолида чоп этишда қиссаларни қайта ишлаш мумкин эди, бироқ бунда ҳам муаллиф ўзидаги ижодий имконлардан фойдаланмаган.

Иил қиссалари ҳақидаги хулосалардан аввал жанрнинг айрим хусусиятларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Қисса жанр сифатида бош қаҳрамон ҳаётидаги муҳим бир босқич тасвири орқали характерни очиб бераркан, ўз навбатида, даврнинг энг муҳим ва долзарб муаммоларига жавоб излайди. Роман муаллифи учун тасвир предметидан, романга асос бўлган воқелиқдан реал узилиш шарт бўлса, қиссанавис учун асарга материал бераётган воқелиқдан узилиш шарт эмас. Шунга кўра, қисса нисбатан оператив жанр бўлиб, унда шу кеча-кундузда кишиларни қизиқтирган, ўйлантирган мавзу-муаммоларни романдан кўра тезроқ қаламга олиб, бадиий характерлар орқали таҳлил қилиш, англаш имкони мавжуд.

Иил қиссачилигини кузатиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ёзувчи қиссада яратилган характер орқали давр муаммоларини англашга интилар экан, иил қиссалари уларда биз яшаб турган воқеликнинг қайси муаммолари қаламга олинганлиги нуқтаи назаридан умумийликларга эга. Бу жиҳатдан А.Аъзамнинг “Қуроқ”, Ғ.Шермухаммаднинг “Қудуқ” ва Н.Жўраевнинг “Кибор” қиссалари характерли. Уларда жамиятдаги ижтимоий мақомини ўзгартириб, қандайдир даражада фаровонликка, ижтимоий-иқтисодий мувозанатга (стабилликка) эришган, ижтимоий иерархиянинг илгари ўзи эгаллаб турган поғонасидан бир қадар кўтарилган, эндиликда эса ортда қолган одамларга, ортда қолган ўз ҳаётига қараб мулоҳаза қилаётган инсон (зиёли)ни кўриш

мумкин. Н.Жўраевнинг “кибор” қаҳрамони, А.Аъзамдаги болалигини хотирлаётган одам, Ғ.Шермуҳаммад қиссасидаги муаллиф образида шу жиҳатдан умумийлик бор.

2. Давр учун қайси мавзу-муаммолар долзарб экани масаласида ёзувчи билан китобхонларнинг нуқтаи назари фарқланиши мумкин. Кўпчилик китобхонлар долзарб ҳисоблаши мумкин бўлган мавзулар, яъни одам савдоси, миграция, бозор муносабатлари шароитида ўз ўрнини топиш, жумладан, қонуний ва ноқонуний бизнес каби мавзуларда ёзиш орқали оммавий адабиёт “қисса жанри” деган майдоннинг катта қисмини эгаллаб оляпти. Сирасини яйтганда, шундай мавзуларда ёзишнинг ўзи тасаввуримизда оммавий адабиёт белгисига айланиб қолди. Ҳолбуки, оммавий ва жиддий адабиётни фарқлашда, масалани ким қайси мавзуда ёзаяпти тарзида эмас, айти мавзудаги асарда характер моҳияти қай даражада очиб берилган тарзида қўйиш тўғрироқ бўлади.

3. Ўзбек қиссачилиги XX аср давомида жуда кўп ютуқларга эришгани, қисса жанр сифатида адабиётимизда муносиб ўрнини эгаллагани ҳеч кимга сир эмас. А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом каби адиблар, 70-йиллар авлоди томонидан яратилган қиссалар ўз даврида нафақат бадиий, балки ижтимоий тафаккур тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнаган, кишилар онгида жиддий ижобий ўзгаришлар ясаган. Шундай бой тажрибага эга бўлган ўзбек қиссачилиги жанр имкониятларидан фойдаланишда асосий позицияни оммавий адабиётга бериб қўяётгани ачинарли, албатта. Йўқотилаёзган мавқени қайта эгаллаш носирларимиздан кўп меҳнат қилишни, янги имконлар қидиришни талаб қилади.



### **Гулноза САТТОРОВА**

*1969 йилда тугилган. Бухоро Давлат педагогика институтини тамомлаган. Филология фанлари номзоди. Муаллифнинг “Миллий характер ва бадиий талқин” илмий монографияси, шунингдек, республика ва хорижий журналларда 50 га яқин илмий ва публицистик-оммабон мақолалари чоп этилган.*

## **АДАБИЁТ ВА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ**

(Ҳикоялар бўйича)

Инсонни ўзи яшаб турган муҳитдан бир қадар юксакликка кўтариш ва тубандаги ҳаётга бир қур назар ташлашга ундаш истаги адабиётнинг бирламчи мақсадларидан биридир. Кейинги йилларда инсон ички ҳолатларини, кечинмаларини акс эттирувчи, қалбларни тозаловчи, юксакка кўтарувчи ҳикоялар яратилдими, яратилган бўлса, улар Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам”, А.Қаҳҳорнинг “Асрор бобо”, Ш.Холмирзаевнинг “Ўн саккизга кирмаган ким бор” ҳикоялари каби дилга яқинми ва ёки фарқлими? Умуминсоний тушунчалар бугунги ҳикояларда ҳам акс этаяптими, деган саволлар ижодкорлар, адабиётшунослар олдида кўндаланг қўйилганда қандай жавоб оламиз? Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликлари, маънавий дунёқарашда рўй берган туб бурилишлар, шаклланган эстетик идеалларнинг нурашию тамоман янги қиёфадаги замондош образининг пайдо бўлиши, унинг руҳий изтиробларини қаламга олиниши китобхонни бироз гангитгани, янги адабиётга ёт назар билан қарашни пайдо қилгани сир эмас. Бироқ бугунги кун адабиётини таҳлил қилар эканмиз, ўзимизга қадрдон бўлган, аслий ва асрий кадрияларимизга қайтилаётганига ҳам гувоҳ бўламиз.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳамда “Китоб дунёси” газеталарининг 2013 йилги сонларида эълон қилинган ҳикояларда ана шу масалаларнинг кўтарилаётганлиги қувонарли ҳолдир. “Китоб дунёси” газетаси саҳифаларида ижодкорларимиз асарларининг жаҳон адабиётининг машҳур намоёндалари ижоди билан ёнма-ён берилиши нафақат адабиётшуносларимизни, балки ўқувчиларимизни ҳам асарларни танқидий кўз билан кузатишга руҳлантираяпти.

2013 йил бу икки газетада чоп этилган жами ҳикоялар сони 80 га яқин. Улар адабиётимизнинг ўқ томирию танасига айланган ижодкорлардан тортиб, бадиий ижод оламига энди қадам қўяётган, ҳали китобхону адабий жамоатчиликка яхши таниш бўлмаган қаламкашлар ҳикояларидан иборат.

Газеталаримизда Улмас Умарбековнинг “Ҳадича”, Шукур Холмирзаевнинг “Қорбобо келади” ҳикояларининг чоп этилиши ўқувчиларимизни отахон ҳикоянависларимиз ижодига яна бир бор назар ташлаш имконини берганлиги билан аҳамиятлидир. “Китоб дунёси” газетаси ўқувчиларни профессионал-замондош ижодкорлар билан таништириш мақсадида Эркин Аъзамнинг бундан бир неча йиллар аввал нашр этилган “Манана” ҳамда янги ҳикояларидан бири “Хулўл”, Исажон Султоннинг “Ота қасидаси”, Жўра Фозилнинг “Соҳилдаги уй”, “Тўй”, “Қўшиқ”, Нормурод Норқобилонинг “Кекса тут”, Қўчқор Норқобилнинг “Нози, ...Нозигул”, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этақдаги кулба”, Эркин Норсафарнинг “Капалаклар ортидан”, “Чол ва набира”, Абдуқоюм Йўлдошевнинг “Қўринмас фаришталар”, Луқмон Бўрихоннинг “Қутилмаган ташвиш”, Нодир Норматовнинг “Аёл овози”, Шойим Бўтаевнинг “Даста райхон”, Отаулнинг “Дийдор”, Ашурали Жўраевнинг “Кетмон юзидаги ой”; ҳам шеърятда, ҳам насрда ижод қилаётган ижодкорларимиздан Хосият Рустамовнинг “Гилам”, Ҳалима Аҳмедованинг “Сулаймоннинг боғи” каби ҳикоялари ва бир қатор ёш ижодкорларнинг жами 45 га яқин ҳикоялари эълон қилинди. Шунингдек, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Улуғбек Ҳамдамнинг “Ватан ҳақида қўшиқ”, Абдуқоюм Йўлдошнинг “Шингил ҳикоялар”, Қўчқор Норқобилнинг “Оқибат дарахти”, Наби Жалалиддиннинг “Мустақиллик”, Жўра Фозилнинг “Янги боғларда”, “Байрамнинг ранги”, Абдусаттор Ҳотамовнинг “Муз устида”, Алланазар Абдиевнинг “Бургут чўққиси”, Гулчеҳра Асронованинг “Йўлда”, “Ватан”, Аслиддин Мустафоевнинг “Ҳасса”, “Йўловчи”, Муборак Рустамованинг “Шаҳарлик муаллим”, Шодмон Отабекнинг “Хонадон”, Самия Ақиеванинг “Насиба”, Каримберди Тўрамуроднинг “Палов” каби 30 дан ортиқ турли мавзулардаги ҳикоялари босилди.

Ҳикоялар таҳлилига ўтар эканмиз, аввало, ўзбек насрининг бугунги қиёфасини белгилаб берадиган ижодкорлар ҳикояларига эътиборимизни қаратдик. Адабиётимизда ўз услуби ва ўрнига эга ёзувчиларимиздан бири Эркин Аъзамдир. 2013 йилда “Китоб дунёси” газетасида адибнинг “Манана” ҳамда “Хулўл” ҳикоялари чоп этилди. Биринчи асар бундан 30 йил олдин яратилган бўлса-да, бугунги кун учун ҳам муҳим бўлган воқеалар баён этилади. Бу асар ёзувчининг китобларига ҳам киритилган. Асар ҳақида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Муртазо Қаршибоевнинг муносабати ҳам эълон қилинди. Ҳикоя адибнинг тўпламларидан бирига киритилганлиги ва илмий жамоатчиликка яхши таниш бўлганлигини инobatга олиб биз у ҳақда батафсил тўхталишни лозим топмадик. Ёзувчимизнинг иккинчи ҳикояси “Хулўл” ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмади. Асарнинг номланишининг ўзиёқ унга бўлган қизиқишни ортттиради. Адиб асарларининг ўзига хослигини таъминловчи асосий воситалардан бири, асарларидаги оҳанг ва жонли халқ тилидан унумли фойдаланишдир. Эркин Аъзам ҳар бир асарида ўзига хос оҳанг топади ва асар сўнгигача шу оҳангни сақлайди. Юмор, киноя, деталь танлаш бу ҳикояда ҳам етакчилик қилади. Ҳикояда аёл учун бахт нима, деган савол ўртага ташланади.

Истеъдодли ҳикоянависларимиздан саналган Луқмон Бўрихоннинг 2013 йилда “Қутилмаган ташвиш” (“Китоб дунёси”) ҳамда “Тумор” (“ЎзАС”) ҳикоялари чоп этилди. Ҳар икки ҳикояда ҳам ёзувчи “муҳаббат” туйғусига ўзгача ёндашади. Ҳикояда баён этмоқчи бўлган мақсад ва ғояларини қуритилган япроқ ва эски тумор воситасида очиб беради. Ҳикояларнинг композицион қурилиши ҳам таҳсинга лойиқ. “Қутилмаган ташвиш”да адиб муҳаббатнинг илоҳий қудратини ҳикоя қиларкан, биз энг тубан кишилар деб ҳисоблайдиган ўғри ва нотавон кимсаларнинг ҳам бу туйғу қудрати олдида бош эгишини тасвирлайди. Ҳар иккала ҳикояда ҳам адибнинг маҳоратини кўрсатувчи восита деталь танлаш маҳоратида кўринади. Ҳикояларда мулоҳазали, баъзи жумлалар қурилишида баҳсталаб ўринлар ҳам мавжуд. Аммо улар яратилган ҳикояларнинг мазмун ва моҳиятига путур етказмайди.

Нормурод Норқобилонинг “Кекса тут” (“Китоб дунёси”) ҳикояси кундалик турмушимизда ахён-ахёнда учраб турса-да, дилимизга ғашлик соладиган, инсоннинг қадр қиммати суस्ताшиб бораётган, меҳр-оқибат унутилаётган, инсон руҳиятидаги одамийлик деган туйғуларнинг йўқолиб, кундан кунга майда ташвишлар билан ўралашиб бораётганлигини баён этиши билан қимматлидир. Минг йилларга гувоҳ бўлган тутнинг эътиборсиз ҳаракат туфайли қулаши нураб бораётган қадриятларга ишорадир. Ҳикоя учун танланган сюжет, деталлаштириш маҳорати адиб услубининг ўзига хослигини таъминлаган.

Қўчқор Норқобилнинг “Нози, ...Нозигул” (“Китоб дунёси”), “Оқибат дарахти” (“ЎзАС”) ҳикоялари эълон қилинган. “Нози, ...Нозигул” ҳикояси бир муҳаббат ҳақидаги анъанавий услубда ёзилган. Мавзу гарчанд янги бўлмаса-да, муаллиф муҳаббатнинг боқийлиги, кўнгилга ташриф буюрган илк туйғунинг йиллар ўтгани сайин мустаҳкамланиши ҳақида яна бир бор эслатади. Аммо асарда бугунги ижтимоий ҳаётимизнинг катта муаммолари акс этган, дея олмаймиз. Шундай бўлса-да, сюжет ва композицион қурилиш

жиҳатидан анча мукамал ҳикоялар сирасига киради. Адибнинг иккинчи ҳикояси “Оқибат дарахти” абадий мавзулардан бири боқий қадриятларимиз ҳақида. Кўчат экиб, боғ яратиш, уни келажак авлодларга мерос қолдириш асрий анъаналаримиздан бири. Лекин бу мерос ҳақида ҳар кимнинг ўз ҳаёт фалсафаси бор. Ёзувчининг асл мақсади ҳам шу, бу фалсафа кимга қандай хизмат қилади.

Исажон Султон бир қанча ҳикоялари, романлари билан адабиётшуносларнинг диққат-эътиборида бўлган ёзувчиларимиздан. 2013 йилда адибнинг “Ота қасидаси” (“Китоб дунёси”) номли ҳикояси чоп этилди. Чиндан ҳам асар ота мадҳига бағишланган. Ҳикоя тили содда ва равон. Ҳикояда муаммо тўғри танланган, тасвирда, воқеаларни баён этишда ёзувчи кўпроқ ривоя усулидан фойдаланган ва маълум маънода, бу ўзини оқлаган. Аммо жанр талаблари нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, асар кўпроқ ҳикоя эмас, бадиғага хос унсурларга эга.

Отаулининг “Дийдор” ҳикояси (“Китоб дунёси”) Абдулҳамид Чўлпон ва отасининг дийдорлашуви ҳақида. Адиб ҳикояга шоирнинг отаси билан бўлган сўнгги учрашуви-ни асос қилиб олади. Ҳикояда ёзувчининг бадиий нияти тўғри танланган, аммо очилмай қолганга ўхшайди. Чўлпон образини яратишда драматик лавҳалар етишмайди. Ҳикояда тарихий фактлар ва бадиият уйғунлиги асосли тасвирланмаган.

Ватан ва ватанпарварлик мавзuidaги ҳикоялар ҳақида фикр юритарканмиз, Улуғбек Ҳамдамнинг (“ЎзАС”) “Ватан ҳақида кўшиқ” ҳикоясини алоҳида таъкидлашни истардик. Ҳикоя бобонинг набирасига сўзлаб берган ривоят асосига қурилган. Гарчанд бу мавзу адабиёт пайдо бўлгандан буён ёритилиб келаётган бўлса-да, унга ёзувчининг ёндашуви ўзгача. Адиб Ватан сўзи билан ёнма-ён аёл ва фарзанд тушунчаларини қўяди. Наслимизнинг давомчилари фарзандларимиз, фарзанднинг яратувчиси аёл, унинг давомчиси фарзанд уларнинг мавжудлиги миллат деган тушунчаларни бир нуқтада бирлаштиради. Ана шу учта мавжудлик ватан деган туйғуни ташкил этишига ишора қилади. Бу Ватаннинг ҳимоясига шайланган фарзанднинг исмини Турон, деб атайди. Туроннинг ватан озодлиги йўлидаги қаҳрамонлигининг тиллардан тилларга ўтиб, асрлар оша куйланиб келаётганлигини “Ватан ҳақида кўшиқ”, деб номлайди.

Юқоридаги ҳикояда Ватан инсон учун қанчалик муқаддаслиги ифода этилган бўлса, Хосият Рустамованинг (“Китоб дунёси”) “Гилам” ҳикоясида бу яна бир бор ўз исботини топгандек кўринади. Инсон ўз ватанини қанчалик ардоқласа, қадрига етса Ватан ҳам уни шунчалик бағрига синдиради, деган ғоя илгари сурилади ҳикояда. Муаллиф танлаган сюжетнинг муваффақияти шундаки, унда бугунги куннинг ижтимоий залвори акс этиб турибди.

Ўтган йили нашр этилган ҳикоялар орасида Абдуқайюм Йўлдошнинг “Кўринмас фаришталар” (“Китоб дунёси”) ҳикояси кундалик турмушда учраб турадиган, аммо эътиборимиздан четда қолдиришимиз мумкин бўлган “яхшилиқ фаришталари”, аниқроғи, инсоннинг ўзини ўзи тафтиш қилиши ҳақида. Ҳикояда муаллиф қаҳрамоннинг мулоҳазалари орқали инсоннинг тизгинсиз нафс оқибатида унинг қулига айланиб қолишидан ўқувчини огоҳлантиради. Ҳар бир инсоннинг ички мени, унинг ўзи билан ўзи курашувини бадиийлаштиради.

Абдунаби Бойқўзиев “Тўқол кампир” (“Китоб дунёси”) ҳикоясида халқона қараш ва ижтимоий мотивларга янгича нигоҳ билан ёндашиш, таъсирчан сюжет ярата олган. Тўқол кампирнинг ўтмиши мисолида бугунги кун муаммоларини ҳам кўрсатади. Ҳикоя чуқур драматизм билан ёзилган. Муаллиф қаҳрамон характерини чизишда ҳеч қандай ортиқча таъриф тавсифлардан фойдаланмайди. Оддийгина қилиб “Носқовоқни болам деб овунди”, дейилишининг ўзи Тўқол кампирнинг ҳолатини кўз олдимизда гавдалантиради.

Ёш ижодкорларимиздан бири Абдулҳамид Абдуҳақд ўғлининг “Адашган фикр” (“ЎзАС”) ҳикояси ҳам тасвир ва талқинига кўра эътиборимизни жалб қилди. Муаллиф кундалик иш фаолиятимизда учраб турадиган раҳбар ва ходим муносабатларини тасвирга олади. Ҳикоя ҳажман қисқа бўлса-да, унга юкланган ғоя ўзини оқлаган. Аммо бу ҳали муаллиф ҳикоячилиқда ўз услубига эга, дейиш учун асос бўлолмайди.

Ҳаваскор ижодкорларимиздан бири Талъат Ҳалимовнинг (“ЎзАС”) “Шаффоф томчи” ҳикояси ўзига хос тарздаги тасвирлари билан ажралиб туради. Муаллиф эндигина қўлига қалам олиб ҳикоялар ёза бошлаган бўлса-да, ажабтовур муваффақиятга ҳам эришган, дейишимиз мумкин. Она-боланинг бир-бирига бўлган меҳри азалдан адабиётдаги асосий мавзулардан бўлиб келган. Лекин бу ҳикоядаги муаллиф болаларча беғуборлик ва соддалик билан бу ҳолатга ёндашади.

Муяссар Тиловованинг “Қорағордаги ов” ҳикояси болалик хотиралари асосига қурилган. Ҳикояда болаликнинг беғуборлиги очиб берилади. Унда катталар ва болалар дунёси ўртасидаги бир-бирига тескари қирралар китобхонни мушоҳада қилишга ундайди. Ҳикоя ечимда эса муаллифнинг биров тажрибасизлиги кўринади.

Гулрух Ерматова “Тиниқ момо” ҳикоясида бор воқеаларни қандай бўлса, шундайлигича тасвирлашга ҳаракат қилади. Тасвирда мантиқ бузилган, қуруқ баёнчиликдан иборат бўлиб қолган. Тиниқ момо характерини чизишда биров муболағага берилади. Ўз

номи билан полвон, деб аталган ўғилнинг оти йўқолгандаги ҳолати, қаҳрамон руҳияти, полвон характеридаги чизгилар ўта ишончсиз тасвирланган. Ҳикоя учун танланган сюжет ва муаллиф гоёвий мақсади ўзини оқламаган.

Кузатганимиз ҳикоялар ҳақидаги хулосаларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш мумкинки, ҳикояларнинг аксариятида, баёнчилик устиворлик қилади.

Шуни таъкидлашни истардимки, адабиётнинг вазифаси бор нарсаларни тасвирлаш эмас, у ҳаётни воқелиқдан анча баландда туриб кузатиши керак. Бугунги аксарият ҳикояларимизда ана шу кузатув етишмаётгандек.

Эълон қилинган ҳикояларнинг сони ва салмоғига назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек ҳикоячилиги ривожланишда давом этаётганидан қувониб, адабиётимизда воқеага айланадиган ҳикоялар яратилиши, “адабиётдаги изланиш, юксалиш руҳи”нинг баландлашишидан умидвор бўлиб қоламиз.



### **Нурбой ЖАББОРОВ**

*1966 йилда тугилган. Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетини битирган. Филология фанлари доктори, профессор.  
“Шухрат” медали билан тақдирланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети декани.*

## **ЯНГИ ЗАМОН ШЕЪРИЯТИ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Моҳиятан умуминсониятга дахлдор бўлса-да, адабиёт миллий шаклда намоён бўлади. Ўзида миллатнинг руҳини ифодалайди. Бу хусусиятлар шеъриятда, айниқса, яққолроқ буй кўрсатади. Замонлар ўрин алмашаверади, тафаккур, тахайюл эврилаверади, шеъриятда сурат – шакл янгиланаверади... Бундан қатъи назар, ҳар қандай ҳолда адабиётнинг, шеъриятнинг даражаси икки мезон – миллий руҳ ва маҳоратга кўра белгиланади.

Ўтган 2013 йил ҳам шеъриятимиз учун ютуқларга бой келди, дейиш мумкин. Беш жилдли “Озод Ватан саодати” антологияси нашрини йилнинг энг эътиборли ҳодисаси сифатида баҳолаш зарур. Антологиянинг биринчи жилди мустақиллик даври шеъриятига бағишланди. Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари адабиётимизнинг улкан намояндалари асарлари билан очилган антологиядан 110 шоир ижоди намуналари ўрин олди. Ушбу нашрга катта авлод шоирлар билан бир қаторда Иқром Искандар, Хосият Рустомова, Ғайрат Мажд, Гулжамол Асқарова сингари ёш ижодкорлар асарлари киргани миллий шеъриятимиз ривожига навқирон истеъдодлар ҳам муносиб ҳисса қўшаётганидан дарак беради. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг уч шеърий тўплами нашр этилгани ижодкор хотирасига кўрсатилган муносиб ҳурмат самарасидир.

Ҳажми, савияси турлича бўлган 100 га яқин шеърий тўплам чоп этилгани 2013 йилги назмий хирмонимизнинг баракали бўлганидан далолат беради. Табиийки, бу тўпламларнинг барчасини таҳлил этиш имконига эга эмасмиз. Муайян сабаб билан бизнинг қўлимизга етиб келмаган диққатга сазовор бирор тўпламга муносабат билдира олмасак, аввалдан узр сўраймиз. Шунга кўра, ўтган йилги тўпламлар мисолида шеъриятимизга хос етакчи тамойилларни ажратишга, шу асосда фикр юритишга ҳаракат қилдик. Бу тамойиллар нималарда кўринади? Биз уларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратдик: 1) миллийлик; 2) поэтик тил меъёри; 3) образлилик; 4) туйғунинг самимийлиги тамойиллари.

**1. Миллийлик тамойили.** Миллийликдан холи бўлган туйғу таъсир кучидан айрилади. Миллий руҳдан мосуво тафаккур бамисоли қанотсиз қушга менгзайди. Шунга кўра, миллийлик шеъриятнинг асосий тамойилидир. Зеро, таъбир жоиз бўлса, жаҳон адабиёти кўригида ўзбек шеъриятини ажратишга кўрсатувчи асосий хусусият, ўзгалардан

фарқини намоён этадиган бош белги бу миллий руҳдир. Шунинг учун ҳам, “Халқнинг ўлмас руҳиятини, қадриятларини, миллий ўзига хослигини, ва ниҳоят, бебаҳо тил бойлигини мужжасам эта олган ҳақиқий ижод намуналаригина яшашга ҳақли”, деганда устоз Абдулла Орипов ҳақ.

Ушбу тамойил ўтган йилги шеъринг тўпламларда ўз ифодасини қай даражада топди?

2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов “Танланган асарлар”нинг 7-жилди нашрдан чиқди. Аслида, тўпламдаги ҳар бир шеърни мазкур тамойилга мисол ўлароқ келтириш мумкин. Жумладан, “Майданак” шеърда ифода ҳам, тасвир ҳам, образ ҳам, ташбеҳ ҳам – барча-барчасида миллийлик яққол намоён. Ғалвали заминга эл бўлолмай, осмонга учмоқни орзу қилган ватандошини шоир Майданакка таклиф этади. Зеро, унинг таъбирича, бунда коинотнинг ҳарамларига дурбин билан назар солмоқ имкони бор.

*Ана, тонг юлдузи – Зухро нурафшон,  
Дур тақиб олибди оппоқ бўйнига.  
Оймомо пойлайди тун бўйи гирён,  
Кириб кетмасин деб ернинг қўйнига.*

Бунда оймомо – она тимсоли, оппоқ бўйнига дур тақиб олган Зухро эса – бўй етган қиз. Оймомонинг тун бўйи гирён пойлашидан мурод – Зухрони ернинг қўйнига киришдан асраш. Ана, онанинг бедорлиги сабаби нимада?! Бўй қизининг ифратини, шаънини ҳимоя қилиш – ўзбек онаси учун ҳаёт-мамот масаласи. Шеърятимизда шу кезгача Оймомо ва Зухро образлари орқали миллатимизга хос ушбу фазилатни бу қадар ёрқин, бунчалик таъсирчан ифодалаган бошқа шеър учрамайди.

Шеърдаги мана бу мисралар эса, шоирона тахайюл, шоирона тафаккур маҳсули экани билан алоҳида ажралиб туради. Тасаввурингизда шундоқ гавдаланган тасвир жозибасидан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ:

*Сомончи йўлида ғафлатда қолиб,  
Молидан айрилган Миррихга боқ-чи.  
Бир сурув эчкини олдиға солиб  
Чангитиб кетмоқда етти қароқчи.*

Шоир фикрича, юлдузлар ҳаёти бағоят қизик. Улар ҳаётининг маъноси – самовий парвоз. “Бири қуйлайвериб кетгандир қизиб, Бири тинглайвериб қотгандир музлаб”.

Табиат ҳақида ёзадими ёки самовий жисмлар хусусида фикр юритадими, инсон кечинмаларини тасвирлайдими ёки турфа туйғуларни қаламга оладими, Абдулла Ориповнинг кўз ўнгига ҳар доим Ватан тимсоли туради. Шеърларидаги миллий руҳ қалбингизга кўчганини сезмай ҳам қоласиз. “Майданак” шеърдаги мана бу мисралар бунинг исботидир:

*Энди жиддий туриб бу ёнга қара,  
Фалакда кўринар иккита оқ қанд.  
Бири “Ўзбекистон” деган сайёра,  
Бировининг эса номи – “Самарқанд”.*

Шеърнинг поэтик хулосасида ҳам миллий ифода, миллий руҳ, миллий талқин мужжасам. “Агар мағиз бўлсанг, олам бир данак” ташбеҳи ана шу миллийликка ёрқин бир далилдир. Бундай мисралар шунчаки ўйлаб топилиши маҳол. Улар қуйилиб келади; яхлит ҳолда, бир бутун тарзда туғилади:

*Мана шу томоша етар сен учун,  
Агар мағиз бўлсанг, олам бир данак.  
Ҳис эт Улуғбекни, хаёлнинг кучин,  
Парвоз майдонидир сенга Майданак.*

Эшқобил Шукурнинг “Кўз юмиб кўрганларим” китоби номиданоқ ростакан поэзияни ҳис этиш мумкин. “Кўз очиб кўриш” шаклидаги халқона иборадан хабардоримиз. Кўзни юмганда эса, Румиёна талқин бўйича, кўнгили кўзи билан кўриш имкони кучаяди. Шунга кўра, тўпламинг топиб қўйилган номида теран фалсафа мужжасам.

“Тонг ила шом” шеъри миллий руҳнинг ўзгача талқини билан алоҳида ажралиб туради. Шоир момоларнинг тонгдан уялиш, шомдан ҳаё қилиш ҳақидаги ўғитларини эслайди. Сахар қушлари-ла уйғониб, шафақларга боқиб ўйланган кезларини ёдга олади. Мана бу мисралар эса, миллий руҳнинг чинакам таъсирчан ифодасидир:

*Қуёшдан уялмоқ, ойдан уялмоқ  
Қайси насабда бор, кимнинг наслида?..  
Ҳаёга суянмоқ, орға таянмоқ  
Худо берган давлат экан, аслида.*

Ўзбекни бошқа миллатлардан ажратиб турадиган фазилатлардан бири ҳаёдир. У наинки атрофидаги одамлардан, ҳатто қуёшу ойдан ҳам ҳаё қила билади. Шоир таъбири билан айтганда, бу халқимизга Худо берган давлат, Яратганнинг марҳамати. Шу боис ўзбек ювуқсиз қўл билан, кир-чир дил билан оқшомга киришдан хижолат чекади; ғараз ният билан, эгри йўл билан тонгларга боришдан ўзини тияди. Мана бу бадий умумлашмада эса, момолар тимсолида миллатнинг номуси, асл табиати, руҳияти тажассум топганини кузатиш мумкин:

*Тоннинг ўз руҳи бор, ишонаман мен,  
Уфқларда сездим шомнинг руҳини.  
Кўрдим момоларим номусида мен  
Осмон устунини, Ернинг ўқини.*

Яъни шоир чиқарган поэтик хулосага кўра, мабодо, номус, ҳаё, ор сингари туйғулар завол топадиган бўлса, Осмон қулайди, Ер ўз меҳваридан чиқиб кетади. Бу мукамал коинот ана шундай қадриятлар эвазига барҳаёт ва устувордир. Шеърда бу фикрлар очиқ айтилмаган, улар тагматндан англашилади. Зеро, шоирнинг шоирлиги ҳам шундаки, у айтмасдан айтади, ботин тили билан сўзлайди. Шеър шунинг учун ҳам шеърки, унда бир вақтнинг ўзида бир қанча маъно ифодаланмоғи мумкин. Уларни англаб етиш, ҳис этиш эса ўқувчига тан.

Ўтаётган ҳар бир дамни қадрлашга, уни неъмат деб билишга, ғафлат билан ўтказмасликка ундаш улуг мутафакқир ажодларимиз энг кўп эътибор қаратган мавзулардан. Шоира Фарида Афрўзнинг “Уша кун бугундир” номли сайланмаси сарлавҳасига чиққан шеъри ана шу руҳда. Бироқ бу шеър зинҳор мумтоз шоирларимиз асарларини такрорламайди. Гарчи мавзуда муайян мутаносиблик бўлса-да, шоира шеърида шакл ҳам, талқин ҳам ўзига хос, оҳорли экани билан алоҳида ажралиб туради:

*Эртани ўйламоқ сен учун эмас,  
Ўтганга йиғламоқ сен учун эмас,  
Жазони қўлламоқ сен учун эмас,  
Умр асли бир кундир,  
Уша кун – бугундир.*

Танланган янги шакл (мисраларнинг зинапоя тарзида келиши), лаҳзалар шукри-ла яшаш, умрнинг ҳар онини ғанимат билиш ҳақидаги шоира бадий умумлашмаси бағоят таъсирчан. Тutilмаган ташбеҳлар, теран мазмун ва сирли руҳ уйғунлиги шеърнинг бадий кувватини, поэтик жозибасини таъминлаган.

Шоиранинг бошқа бир шеъридаги мана бу мисраларида эса руҳ – миллий, образ – миллий, ташбеҳ – миллий:

*Ёз чилласи дошқозонида,  
қовурдоқдек қовуриб,  
гармселда совуриб,  
шимолга шафтоли тутган боғбон –  
менинг Ватаним!  
Бобосининг белбоғин –  
Адолатнинг байроғи қилиб,  
“Ҳалол, ҳалол!” дея, рақибин,  
Курагини ерга босган полвон –  
менинг Ватаним!*

Шоира Ватанини қуруқ мадҳ этиш йўлидан бормайди. Унинг жонли тимсолини шундоқ кўз олдингизга келтириб қўя қолади. Бу тимсол – кўнгилга нақадар яқин: заҳматқаш, қўли гул, ёз чилласи дошқозонида қовуриб, гармселда совуриб шимолга шафтоли тутган боғбон, бобомерос белбоғини адолатнинг байроғи қилиб кўтарган, рақибининг курагини ерга босган полвон. Демак, Ватан қандайдир мавҳум тушунча эмас, у – сиз, у – мен, у – она халқимиз. Аслида, шеъриятнинг асл мақсади ҳам, шоирликдан мурод ҳам ана шу туйғуни пайдо қила билишдир.

**2. Поэтик тил меъёри тамойили.** Бу тамойил шеърни шеър қиладиган асосий шартлардан. Зеро, сўзни ҳис қилмасдан, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмасдан, уни ўринли ва тежаб қўллаган туриб шеър хусусида сўзлаш ўринсиз. Кўпсўзлик адабиётни сийқалаштиради. Муайян воқеани қофияга солиб ночор савияда қайд этиш ҳали шеър бўлолмайди. Поэтик тил бадийятнинг юқори даражасини ҳам, оз сўзга кўп маъно юклаш заруратини ҳам, мисраларнинг табиий оҳангини ҳам – барча-барчасини ўз ичига олади. Бусиз шеърнинг савияси ҳақидаги ҳар қандай сўз ортиқча.

Абдулқарим Баҳриддиннинг “Томчидил” тўпламида мазкур тамойилга мисол бўла оладиган шеърлар кўп. Мана, шоирнинг ана шундай тўртликларидан бири:



*Дарвешга дедилар: “Устингга қара,  
Ииртиқ-ямоқ кийим, жанда хирқатинг!”  
Дарвеш деди: “Дилни поклаш-ла бандман,  
Устимни безашга йўқдир фурсатим”.*

Дарҳақиқат, барча замонларда ҳам аҳли диллар – маърифат аҳли асосий эътиборни кўнгил поклигига қаратган. Зоҳирига зеб бериш билан овора бўлиб, ботинни хароб қилиш жаҳолат белгиси саналган. Ана шу туйғунинг бетакрор бадиий талқини шеърнинг ютуғини таъминлаган асосий омилдир. Яна бир муҳим жиҳати, унда наинки сўз, ҳатто бирорта тиниш белгиси ҳам ноўрин қўлланмаган.

Салим Ашурнинг “Титроқ” назмий тўплами мутолаасидан кўнгилларда тоза шеър титроғини туясиз. Шоирнинг бадиий-эстетик диди шеърдан шеърга ўсаётганини ҳис этасиз. Жумладан, мана бу мисралар асло тўқилмаган, қуйилиб келган:

*Шаббода бир патни тугиб келтирди,  
Севгининг номидан мактуб келтирди.  
Ҳар сўзда чиройли бармоқ изи бор,  
Ҳар сўзнинг ёнида гул илдизи бор.  
Сўз эмас, лабларда таралган нафас,  
Лаб эмас, бир қалбда яралган нафас.  
Нафасмас, бир дилнинг тубидаги уҳ,  
Уҳ эмас, кўкракда эриган андуҳ...  
Нукрамас, томоқда тебранган бир воҳ,  
Воҳ эмас, пардан ҳам енгилроқ бир оҳ...*

Бу сатрларни ўқир экансиз, шаббода севги мактубини шоирга эмас, сизга келтиргандек, ҳаяжонга тушасиз. Кўнгил дунёнгизни нафис бир туйғу эгаллайди. Зеро, асл шеър ана шундай бўлиши керак, ўз муҳиби қалбига, шуурига, руҳиятига нур олиб кириши керак. Бундай нафис шеърлар, тутилмаган ташбеҳлар, оҳорли талқинлар кўп экани тўпламнинг асосий ютуғидир.

Вафо Файзуллонинг “Азалий ғусса” шеърлар тўпламининг номидаёқ чинакам поэзия мужассам. Тўғриси, ундаги шеърларни мутолаа қилиш анчайин оғир, ғуссанинг зўрлигидан юраклар эзилиб кетади. Бироқ аён бир ҳақиқат шундаки, шеър фақат қувончдангина туғилмайди. У ўқувчи кўнглини гоҳо изтироб ва андуҳ оловига ташлайди, гоҳо ғаму андуҳ қозонида қовуради. Баъзан қайғу булоқлари воситаси ила бўлсин, кўнгил қирларини ювади. Мана бу мисралар ҳам ана шундай изтироб ҳисси билан йўғрилган:

*Иссиз чечакларнинг кўпини кўрдим,  
Ҳаёсиз ғунчалар ундан зиёда.  
Негадир келадир гоҳо ҳўрлигим,  
Бахтсизликсиз яшаб бўлмас дунёда.*

Муҳими, шеърда теран мазмун ва юксак бадиият уйғунлиги кузатилади. Фалсафий тафаккур устунлик қилади. Ортиқча бирор сўз учрамайди. Ҳеч бир ўринда таҳриргга эҳтиёж сезилмайди.

Ўроз Ҳайдарнинг “Фалак фаввораси” тўпламидаги шеърларнинг аксари поэтик тил меъёри жиҳатидан талаб даражасида. Мана бу мисралар мутолаасидан кўнгил ёришиб кетади. Сабаби, образли тафаккур ва халқона оҳанг теран мазмунни гўзал бадиий шаклда ифодалаш имконини берган:

*Қуёшнинг саватидан  
Бойчечаклар сочилсин.  
Юрак ёруғ севгидан  
Атиргулдек очилсин.  
Шамол, куйла кўзимда!*

Шоирнинг “Тун ҳақида кўшиқ” шеъри ҳам поэтик тасвирнинг қуюқлиги, ташбеҳларининг оҳорли экани, ўзга ижодкорларни такрорламаслиги билан алоҳида ажралиб туради:

*Ой тангасин йўқотган кўкда  
Сўниб борар юлдузлар шами.  
Тун қайғули адашган қиздай,  
Келмас унга ҳеч кимнинг раҳми...*

*Йўқотгандир ранглар либосин,  
Дили сиёҳ сойлар титрар жим.*

*Саф тортганча дарахтлар сассиз,  
Зулмат сари бошлайди ҳужум.*

Шодмонқул Салом поэтик тил меъёрини, унинг назмдаги мавқеини теран ҳис этадиган шоирлардан. “Борлигини билганлар” тўпламидаги шеърлар бунинг ёрқин исботидир. Шеърият бу фантазия демақдир. Чинакам шоирнинг хаёлот олами кенг бўлади. У муайян мавзуга ҳеч ким ўйламаган ракурсда ёндаша билади. Шу боис Шодмонқулнинг шоирларнинг “насаб”и ҳақидаги мана бу мисралари ҳеч кимга малол келмайди. Шоир ростдан ҳам шундай эканига одамни ишонтиради:

*Шоирлар шамолнинг авлодларидир,  
Изтироб туфайли ерга боғланган.  
Мангу соғинчларнинг қанотларидир,  
Ҳеч ким куймас ўтда алар доғланган.*

Бугина эмас. Шоирлар: “кўп хиргойи бўлган эса-да, айтилмаган ғусса қўшиғининг давоми”. Ҳайрат дарчасидан боққан кўзларга муҳрни ҳам улар босган. Киприқларида осмону заминни кўтариб юргувчилар ҳам улар. Дунёни аччиқ севишлари сабаби шунда. Энг ачинарлиси, улар дунёда яшаётганлари йўқ, “Унг келмас тушларни кўраётирлар”. Мана бу бадий умумлашма эса, шоирликнинг юки нақадар залворли экани ҳақидадир:

*Шоирлар – оламнинг дилғир юраги,  
Дунё – кўҳна напращ, тураверади.  
Шамол ва шоирлар руҳи тирикдир,  
Дунёнинг юраги ураверади.*

**3. Образлилик тамойили.** Образлилик – шеъриятнинг муҳим шarti. Зеро, образ тасвирга жон бағишлайди, поэтик жозиба бахш этади. Образсиз шеър бамисоли руҳсиз тандир. Чинакам шеърда чуқур мазмун оҳорли образ воситасида ифодаланади. Образ тимсолида намоён бўлмас экан, шеърнинг оддий хабардан фарқи қолмайди.

Устоз Абдулла Орипов “Танланган асарлар”и 7-жилдидаги “Кема” шеъри образлиликка ёрқин тимсол бўла олади. Тасаввур қилинг: денгиз уфқида гоҳ қалқиб, гоҳ ғойиб бўлиб юзаётган; фурсат-бафурсат катталашиб, шакли-шамойили аниқроқ намоён бўлаётган кема соҳилга тобора яқинлашиб келаётир. Бу кема шунчалар улканки, ваҳший тўлқинларни енгиб ўтолган, бўронларга қарши елкан кўтарган, туманлар қаърига сингиб йўл топа олган. Шоирнинг асл муддаоси мана бу поэтик ҳулосадан англашилади:

*Биз ҳам кема янглиғ сузгаймиз борҳо,  
Ноаён зрурмиз бизлар ҳам дастлаб.  
Елкандек тортилса туйғулар гоҳо,  
Жисмимиз гоҳ балқар, гоҳ кетар пастлаб.  
Буюк уммон зрур ўзи бу олам,  
Чорлар одамзодни соҳиллар васли.  
Тўфонларни енгиб сузаркан ҳар дам  
Кемага ўхшайди Ватан ҳам асли.*

Олам буюк уммонга, она Ватан эса не-не тўфонларни – хатарли ҳолатларни енгиб, орзу соҳилига яқинлашаётган кемага ташбеҳ этилмоқда. Бу кемада гоҳ балқиб, гоҳ ноаён, гоҳо туйғулари елкандек тортилиб юзаётганлар эса, сизу бизмиз. Нурли истиқболга, буюк келажак манзилига йўл олган Ватан тимсолини бу қадар ёрқин образда, бунчалар таъсирчан тасвирлаш ҳар қандай ижодкорнинг ҳам ҳадди эмаслиги аён. Бадий жиҳатдан юксак, ёрқин образ ва теран фалсафий тафаккурга асосланган бундай шеърлар ҳар куни ҳам яратилавермаслиги кундай равшан.

Шоирлар, ижодкорлар, адабиётшунослар энг кўп фикр юритадиган мавзу – илҳом. Не-не шоҳ асарлар яратилишининг бош сабабчиси бўлган бу илҳом деганлари нима ўзи? Унинг саҳти-сумбатини, қадди қоматини бирор марта бўлса ҳам кўрган одам борми? Бунинг учун юксакликка – фазога учиб ёки узоқ денгиз сафарига отланиш шарт эмас, Фарида Афрўзнинг “Шеър келяпти, пўшт, пўшт” шеърини ўқисангиз бўлди, илҳомни кўрасиз-кўясиз.

*Ичимга...*

*ичимга....*

*ичимга зилзила киряпти,  
зилзила киряпти, титроқ беаёв....*

*Вулқоннинг хавфи бор,  
бемаврид, бежо,  
Бир тошқин келяпти....*

*Ҳа, демак,  
Ҳа, демак  
ШЕЪР келяпти, ПЎШТ-ПЎШТ!  
Йўлдан қочинг, ПУШТ-ПУШТ!*

Гулдирак мисол бир товуш келиб, тоғу тошларни сел олиш хавфи туғилса, томоққа йиғи тиқилса... Ижодкорнинг ичида бир олов ёнса, бир оловки, қуёшга эгиз, одамзорларда ёнғин хавфи туғилса... Шоирнинг ичига осмондан ой тушса, бир ойки, ишқдай мулойим, ерлик ғамларнинг тугаш хавфи пайдо бўлса... ЭҲТИЁТ БУЛИНГ, ШЕЪР КЕЛЯПТИ!

Ана, илҳом деганлари қандай суратларда намоён бўлиши мумкин. Образлиликнинг кучи шундаки, у исталган мавҳум ҳодисани ҳам кўз ўнгингизда намоён этишга қодир.

Эшқобил Шукур назмий тўпламида ёрқин образларга бой бўлмаган шеърни топиш қийин. Шоирнинг мана бу мисралари ҳам ушбу фикрни қувватлайди:

*Қизғин қизғалдоқлар кафтида ўсдим,  
Ёнаётган музнинг тафтида ўсдим,  
Бир жуфт кабутарнинг кифтида ўсдим...*

Метафораларга бой бундай мисралар миллий шеърятимизда поэтик тафаккур ўсаётганидан, она тилимизнинг ифода имконияти кенгаётганидан дарак беради. Бунга ҳисса қўша олиш ижодкорнинг салоҳиятини кўрсатувчи ўзига хос мезондир. Оҳорли фикр талқинида маънонинг поэтик кўчишига асосланилган мана бу мисралар ҳам бадииятнинг баланд намуналаридир:

*Махлуқдан малаклик изладим кўпроқ,  
Қошимда инсондай гуллади тупроқ,  
Қўлим қанот бўлди, кўзларим чироқ...*

Икром Искандарнинг “Фасллар оҳанги” тўпламидаги “Кузги япроқлар” туркуми образлиликка ёрқин мисол бўла олади. Туркумдаги шеърлар куз манзарасини ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради. Куз тунидай узайиб бораётган фиरोқ сабабидан йўлакда япроқдай сарғайган умид, шамол салтанатида айрилиқ куйига ўйин тушаётган япроқлар... Бундай таъсирчан манзарадан кўнгилга ҳазинлик инади. Мана бу мисралар эса, сўзга оҳорли поэтик либос кийдирилгани, оз сўз замирига кўп ва залворли маъно юклангани билан алоҳида ажралиб туради:

*Қаранг, манов япроққа,  
Мўйсафиддек ёнбошлар  
иссиқ тўшак –*

*тупроққа.*

Бунда шакл ҳам, мазмун ҳам мутаносиб. Биргина “тупроққа” сўзининг бир мисра куйидан ўрин олишида ҳам, мўйсафиддек ёнбошлаган япроқнинг дарахт шохидан – юксакликдан тубанга тушишига нозик ишора бор:

*Йўлакда ҳижжалаб ўқир шабада  
япроқларнинг  
узук-юлуқ  
хатини*

Сўз орқали ҳам муайян манзарани бамисоли рассомдек яққол тасвирлаш мумкинлигига далилдир бу мисралар.

Мана бу сатрларда эса, теран ҳаёт фалсафаси ҳам, оҳорли поэтик образ ҳам, аниқ ўлчамли ритм ҳам мужассам эканини кузатиш мумкин:

*Бошида кўтариб турган эди у,  
Аллалаб бағрида парвариш этди.  
Япроқлар жонини бахшида айлар –  
ташлайди ўзини дарахт пойига.*

Мисралар тағматнидан англашилганидек, шоир дарахтни онага, япроқларни эса унинг болаларига ташбеҳ этади. Дарахт – она бошида кўтариб, аллалаб парвариш этгани туфайли кузги япроқлар – зурриёдлари унинг пойига бош ураётир. Ҳаёт фалсафаси ва поэтик жозиба ана шундай уйғунлашган ҳолдагина чинакам шеър дунёга келади.

Бугун шеърятда янгидан-янги назмий шаклларга рағбат кўрсатилмоқда. Учлик, бешлик (табийки, бу бешлик мухаммас эмас!), ҳатто геометрик шакллар ҳам шеърятга дадил кириб келаётир. Шундай бўлишини ҳазрат Алишер Навоий қарийб олти юз йил муқаддам ҳам билган. Улуғ мутафаккирнинг афоризмга айланиб кетган:

*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур,*

– деган фикрлари буни тасдиқлайди.

Демак, маънидан айри бўлса, ҳар қандай гўзал шакл ҳам ўзини оқлай олмайди. Бошқача айтганда, жозибали бадий либоснинг ичи бўм-бўш бўлмаслиги керак. Бетакрор шоиримиз Зокиржон Фурқат таъбири билан айтганда: “Сухан раъноси назм либоси бирла зебо кўрунур бўлғай”.

Салим Ашурнинг учликлари наинки шакл ва маъни мутаносиблиги билан, образнинг ёрқинлиги билан ҳам ажралиб туради. Бир-икки мисол:

*Тошни ёрди тар чечак,  
Сувга борди ҳар чечак,  
Сирлар гуллар бу кеча.*

Шоир бу туркумга “Қадим оҳангларда”, дея изох беради. Дарҳақиқат, улар мутолааси “Девону луғотит-турк”даги кўшиқларни ёдга солади:

*Тепаликлар пастида  
Баҳор ҳали расида.  
Қиш изғийди қасдида.*

Шаклий изланишларнинг бундай муваффақиятли намуналарини бошқа шоирларимиз ижодида ҳам кузатиш мумкин. Бундай ижод намуналаридан айримларининг қадимий, мустақкам пойдеворларимиз устига қурилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Бу йўлга рағбат кўрсатаётган ёшларимизга устоз Абдулла Ориповнинг мана бу сўзларини эсдан чиқармаслик тавсиясини берган бўлар эдик: “Нега “энг янги шакллар” жаҳон бадий тафаккурида муҳим зина бўла олмаётми? Бунинг сабаби оддий ва соддадир. Яъни ўз-ўзича шакл ҳеч нарсани англамайди. Либос нисбийдир, фақат руҳ ва маъно моҳиятни белгилайди. Адабиётдаги шаклий изланишлар ниҳоятда зарур. Лекин у нечоғлик замонавий ва илғор бўлмасин, ночор истеъдодни таназулдан асраб қололмайди”.

4. **Туйғунинг самимийлиги тамойили.** Шеър техникасининг пухта эгаллангани, метафора ва ташбеҳларни ўринли қўллай билиш ижод намунасининг савиясига қўйиладиган талабларнинг айримлари, холос. Агар шеърда туйғулар рост ва самимий бўлмаса, кўнгишларга етиб бора олмайди. Бу борада ҳам ҳазрат Навоийнинг ўғитларига муҳтожмиз. Буюк мутафаккир:

*Нукта су янелиғ эритур тошни,  
Топса ҳақиқат ўтидин чошни,*

– деганда айнан туйғунинг рост ва самимий бўлиши зарурлигини назарда тутган эди.

Ўтган йилги тўпламларда ана шу тамойилга мувофиқ келадиган шеърлар кўп экани шеърятимизнинг мудом ўсишда, ривожланишда эканидан далолат беради.

Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимнинг “Уйингизга совчи боради” тўпламига кирган “Баҳор экан-да” шеърида ифодаланган туйғулар самимияти ўқувчи кўнглига беихтиёр кўчади. Унинг қалбида баҳор шавқини, кўклам сурурини пайдо қилади:

*Дўстим, тонгда туриб боғларга йўл ол,  
Бир чимдим уйқунинг баҳридан кечиб,  
Қара,  
Лола юзи ёнмоқда ял-ял –  
Субҳидам шудрингдан шаробдек ичиб...*

Шоирнинг маҳорати шундаки, у баҳор тасвирини ҳаётий мисоллар, таъсирчан образлар, тугилмаган ташбеҳлар воситасида талқин этади:

*Борлиқда гуркираш,  
Борлиқда яшинаш.  
Гул жамол кўрсатди ҳатто.... тиканда!  
Мовийликка чўмиб кетди тоғу тош,  
Баҳор деганлари баҳор экан-да.*

Умида Абдуазимованинг “Марваридларим” ҳамда “Ўша сизми?” тўпламларидан ўрин олган шеърлар туйғуларнинг самимийлиги, талқиннинг оҳори билан алоҳида ажралиб туради:

*Менда вақтдан бошқа ҳамма  
Нарса етарли.  
Сенда вақтдан бошқа нарса  
Йўқдир айтарли.*

Инсон биринчи навбатда қадрлаши зарур бўлган вақт ҳақида жуда кўп шеърлар

битилган. Умида Абдуазимованинг шеъри, ифоданинг соддалиги (жўнлиги эмас!), самимилиги билан кўнгиллар тўридан ўрин олади:

*Менга ситам қилганни  
кечириб яшай.  
Ёмонлигин дилимдан  
ўчириб яшай.*

Бу шеър ўзбекининг асл табиати, ёмонлик қилган кимсага ҳам яхшилик қила олиш қудратига эга экани жуда оз сўз воситасида кўнгилга яқин услубда ифодалангани жиҳатидан ҳам қадрлидир.

Мунавваранинг “Юрагимдасан, Ватан” тўпламидаги “Шаббода” шеъри туйғунинг самимиетига, изҳорнинг чинлигига далил бўла олади:

*Тўқдимикан ўрик гулини,  
Айни япроқ ёзгандир узум.  
Ялпиз бўйи таралган йўлда  
Қолдимикан менинг ҳам изим.*

Болалик ҳақидаги бу шеър шоиранинг ижодий салоҳиятидан, ундан баланд савиядаги шеърлар кутишга ҳақли эканимиздан далолат беради.

Юсуф Зиёдиннинг “Рухият манзаралари” тўпламидаги шеърлар, асосан, муҳаббат мавзuida. Мана бу самимий изҳорлар эса, инсон ва унинг моҳияти ҳақидаги фалсафий мушоҳаданинг назмий талқини ўлароқ дунёга келган:


*Кун келиб узилса умр – жон япроқ,  
Кўзим қароғидан жой олса тупроқ.  
Билмадим, ортимда нелар қолади,  
Гуноҳми, савобми, қай бири кўпроқ.*

Фикрлайдиган ҳар бир одам ҳаётининг муайян босқичида ўтаётган умрини сарҳисоб қилишга эҳтиёж сезади. Яхши ном қолдира оляпманми, қандай савоб ишлар қилдим, қай хатоларга йўл қўйдим, дея ўйланади. Бу табиий ҳол, албатта. Бундай самимий туйғу гўзал бадиий шаклда мисраларга кўчса, таъсири янада кучлироқ бўлади. Ушбу тўртлик бунинг исботидир.

2013 йилда, булардан ташқари, ҳазрат Навоийдан бугунги ёш шоирларимизгача кўплаб ижодкорларнинг она ҳақидаги шеърларидан таркиб топган “Онажон” тўплами нашр этилди. Бу ажойиб ғоя муаллифларига, тўпловчи Ашуралӣ Жўраевга раҳматлар айтишга бурчлимиз. Бундай ғояларни кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш зарур. Самарқандлик ижодкорлар назмий асарларини ўз ичига олган “Ифтихоримсан, Ватан” тўпланининг, 30 нафар ёш ижодкорлар шеърларидан тузилган “Созимда Ватан васфи” алмаҳанининг нашр этилиши таҳсинга сазовор иш бўлганини эътироф этиш зарур.

Мазкур ютуқлар баробарида, муайян камчиликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Қофияли сўзлар тизмасидангина иборат, оддий сўзлашув жараёнида ифодаланиши мумкин бўлган саёз, жўн фикрларни жамлаган, бадииятдан йироқ “шиғир”ларни ўз ичига олган тўпламлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. “Шоу-бизнес”да “қўшиқ” матни ўлароқ дидсизликнинг урчишига хизмат қилаётган сўзбозлик намуналари ҳам тўплам ўлароқ тақдим этилаётгани, айниқса, ачинарли ҳолдир. Адабиётшуносликда “танқиддан тубан”, деган қараш бор. Шу боис биз уларни номма-ном келтиришни, танқид қилишни лозим кўрмадик. Кўнгилга таскин берадиган жиҳати шундаки, шеърятимизнинг юксак намуналарини жамлаган тўпламлар олдида уларнинг ночор савияси яққол кўриниб туради. Улар муаззам адабиётимиз учун ўтқинчи ҳолат саналиб, ўзбек шеърияти ривожига тўсиқ бўла олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, шеърятимизда миллий руҳ талқини етакчи тамойил даражасига кўтарилмоқда. Шоирларимиз назмий асарларида сўзга бўлган масъулия, уни исроф қилишдан сақланиш, оз сўзга кўп маъно юклаш сингари фазилатлар яққолроқ намоён бўлаётир. Поэтик образнинг оҳорли, ёрқин, таъсирчан бўлишига интилиш ҳисси кучаймоқда. Шеърни шеър қиладиган, ўқувчи кўнгил оламини нурлантирадиган муҳим омил – туйғунинг самимилигига эътибор тобора ортиб бораётир. Бу тамойилларнинг намоён бўлиши янги замон ўзбек шеърятининг бадиият жиҳатидан жаҳон адабиётининг юксак намуналаридан қолишмаслигини кўрсатади. Миллий шеърятимиз истиқболга катта умидлар билан қараш учун етарли асос беради.



### Абдулла УЛУБОВ

1960 йилда туғилган. 1983 йилда Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

“Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Ватан – ва тан”, “Қалб қандили” каби китоблари, “Адабиётишуносликка кириш”, “Туркий халқлар адабиёти” сингари ўқув қўлланмалари нашр этилган.

Айни пайтда, Ўзбекистон Миллий университети доценти.

## РУҲНИНГ ШИРИН ОЗИФИ

Одатда, ҳисоботларда рақамлар қайд қилинади. Чунки ҳар қандай ҳисоботда муайян вақт оралиғида эришилган натижалар сарҳисоб этилади. Масалан, роман, қисса, ҳикоя, драмалар тўғрисидаги ҳисоботларда гап уларнинг бир йиллик миқдорини кўрсатишдан бошланади. Рақамларсиз бу хусусдаги ҳисоботлар энг муҳим жиҳатдан маҳрум, кемтик кўринади. Бироқ ҳеч ким ўтган йилда газета-журналларда қанча шеър эълон қилингани ёки фалон шоир қанча шеър ёзгани ҳақида сўрамайди. Бу ҳақда савол берган киши атрофдагиларнинг кулгисига қолади. Чунки шеър мантиққа асосланган санок ўлчовларига сиғмайди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда ҳам шеърятимизнинг ўзани тўлиб оқди. У мавзу мундарижасига кўра ҳам аввалги йиллар шеърятига ўхшайди. 13-йилда ҳам шеърятнинг умумий манзарасини ижтимоий-сиёсий ва шахсий-интим йўналишдаги шеърлар белгилайди ва уларда бевосита ҳозирги даврнинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий муаммолари диққат марказига қўйилади.

Ўтган йилда шеърятимиз туркум шеърлар билан бойиди. Айни туркум шеърлар орасида А.Ориповнинг қиқишлари алоҳида ажралиб туради. Шоир ўтган йилдаги шеърларида ҳам ҳаётнинг кўпчилик кўриб турган, аммо моҳиятини унчалик англаб етмаган жумбоқларига эътибор қаратади. Энг муҳими, уларни жуда оддий, лекин ғоят таъсирчан ифода этиб беради ва улар руҳимизга ширин озиқага айланади. А.Ориповнинг “Оқ от” шеърини ўқиган киши бунга, албатта, ишонч ҳосил қилади. Шеърда кўпчиликка маълум воқеа – Навоий “Хамса”ни ёзиб тугатганида аркони давлат уни қутлагани, Хусайн Бойқаро унга оқ от миндиргани қаламга олинади. Одатдагидек, “Оқ от”да шоир шеър давомида аввалги мисра, байтда баён этилган фикрнинг тадрижий кучайтириб боради: “Навоий “Хамса”ни тугатди ёзиб, / Қутлашга йиғилди аркони давлат. / Бойқаро айрича ҳурмат кўргазиб, / Оқ отин минишга айлади даъват. / Лекин узр деди шоири даврон, / Эҳтимол, бу ҳолни кибр деб билди. / Шунда секингина лутф этди Султон: / – Буни отнинг ўзи илтимос қилди”. (“Китоб дунёси” 2013 йил 28 июнь).

Ўтган йилда Муҳаммад Алининг “Авлиёнинг башорати” достони эълон қилинди. Тарихий мавзудаги ушбу мўъжаз дostonда Амир Темур набираси Халил Султоннинг Шодимулкка яширинча уйланиб олиши аянчли, хунук оқибатлар келтириб чиқаргани қаламга олинади. “Авлиёнинг башорати”да ҳам шоирнинг “Гумбаздаги нур” ва бошқа дostonларидаги сингари воқеалар нақли лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, кечинмалари билан уйғунлашиб боради ва рўй бераётган воқеалар хусусида мушоҳада юритиш асносида кутилмаган хулосалар чиқарилади.

Маълумки, Анвар Обиджоннинг шеърларида кишиларимиз феъл-атворига хос соддалик ва қувлик, ҳазилга усталлик ва кинояга ўчлик каби кўпдан-кўп сифат, хусусиятлар ажойиб тарзда уйғунлаштириб ифода қилинади. Шоир турмуш тарзимиз, феъл-атворимиздаги жуда жиддий, оғриқли муаммолар хусусида ширин ҳазил, майин киноя билан сўзлайди. Анвар Обиджон пайғамбар ёшига кирганларни “олий фаслга етганлар” деб таърифлар экан: “Ортдаги йўлларга жим бўйлар, / Ҳадисдан келтириб гап сўйлар, / Пайғамбар ёш кетган деб ўйлар / Пайғамбар ёшга етганлар. / Наздида – кекса у аз-азал, / Умрининг ҳар куни таваккал, / Гўё бор ишларин қилган ҳал / Пайғамбар ёшига етганлар”, дейди (“Ёшлик” журнали, 2013 йил, 10-сон). Анвар Обиджоннинг айни мисралари маъносини бошқалардан кўра пайғамбар ёшига етган ва ундан ўтганлар яхшироқ ҳис қилишади. Пайғамбар ёшидан ўтган ва навқиронлигини ёниб яшаётган шоирларимиз битган шеърларни эса бир жиҳат –

руҳиятдаги ғалаёнлар ифодаланиши бирлаштириб туради.

Усмон Азимнинг шеърларида бахшиёна жўшқин оҳанг, ҳайқирик хос, деб келинади. Шоирнинг “Тилларимда не ўттиг калом” чиқиши эса унинг шеърлари яна бир сифат билан бойиганини кўрсатади. У энди барча кузатиб, билиб турган ҳодисалардан донишмандона теран фалсафий хулоса чиқаради. Шоир “Қоронғи тушди. Иш / ишхоналарда қолди” деб бошланадиган шеърда оила даврасидаги одатдаги кунлардан бирининг манзарасини чизиб, хонадон аҳлининг соғ-саломат, жамулжам бўлиб, ширингина суҳбатлашиб ўтириш чинакам бахт эканлигини, кўпчилик эса оиладаги мана шу ҳамжиҳатлик бахтлигини ҳис қилмаслигини таъкидлайди: “Ошхонада қозон қайнаган. Столда / ачиқ-чучук. Шифтда чироқ – / кичкина қуёш порлайди. Гангур-гунгур / суҳбат. Кулгу янграйди. Гангур-гунгур... / Ҳатто, телikka ҳеч ким қарамас. / Уй бахт билан тўла. / Бахтга ҳеч ким эътибор бермайди. / Бу эътиборсизликдан негадир каттарар бахт./ Бу эътиборсизликдан негадир яна чарақлар./ Хуллас, уй бахт билан тўла. / Аммо уни ҳеч ким кўрмайди. / Худди шундай! Бахт – йўқлигида кўринади, холос./ Йўқлигида тушларига қирадиган бахтнинг/ сурати эса / мана бундай: қозон қайнапти. Шифтда/ миттигина қуёш. Гангур – / гунгур. Гангур-гунгур ... Кулги / янграйди”, дея чизиб берилади. (“Китоб дунёси”, 2013 йил 25 сентябрь). Усмон Азимнинг ушбу шеъри бахт тўғрисидаги ҳавойи, мавҳум, хира тасаввурларни ойдинлаштиради ва руҳимиз учун ширин озиққа айланади.

Замонавий шеъриятда, XX аср бошидан 90-йиллар бошигача бўлганидек, ижтимоий воқеликка эътибор қаратиш, даъват этиш, чорлаш эмас, балки инсон руҳиятига теранроқ кириб бориш, унинг ботинини очишга интилиш устуворлик қилади, дейишга ҳар жиҳатдан асос етарли.

2013-йил шеъриятдан шоирлар замоннинг шиддатли ўзгаришларидан ҳайратга тушаётгани, уларни табиат манзараси, гулнинг чиройи, ёрнинг жамоли эмас, инсон феъл-атворидаги жумбоқлар кўпроқ ажаблантираётгани, ҳақиқат борган сари мавҳумлашиб бораётгани азоблаётгани аёнлашади. Шоира Ҳалима Аҳмад кўпчилиكنинг кўнглидан ўтадиган кечинмаларни: “Беҳушликнинг ширин изтиробиди / Сўрайман: – Ҳаққа қайси йўлдан бораман / Ва қаерда менинг яшил кўйлагим,/ Гулдай очилдими ҳеч қурса бир бор/ Кимнингдир кафтида ошиқ юрагим?/ Кўзимни очаман, яшил боқар тонг./ Дардларим улоқиб кетган қайгадир./ Деразадан ширин жилмайиб боқиб,/ Сенинг манзилингни айтади ёмғир./ Ҳаёт томирида оқаман яна,/ Узимга сифмайди ўзимдаги дил”, дея ифода қилади. (“Шарқ юлдузи”, 2013 № 6). Шоир туйғулари жўш уриб, илҳоми тўлиб тошганида ғайритабиий зукколик билан инсон табиатининг ана шу каби жумбоқ жиҳатларидаги оғриқ нуқталарига тегиб ўтади. Таъкидлаш жоизки, шоира “Яшил”ни баллада деб атаса ҳам, унда баллада жанрига хос бирорта белги кўринмайди. Чунки унда бирор воқеа нақл қилинмайди. “Яшил”да шоира бошқа шеърларидаги каби тўғёнли кечинмаларини эҳтирос билан изҳор қилади.

Абдулла Шернинг шеърлари шоир қалбидида поэтик фикр узок йиллар давомидаги кузатишдан туғилиши тўғрисида тасаввур уйғотади. Чунки у: “Ниманидир доимо кутиб,/ Қаергадир доим шошамиз./ Кимни эслаб, кимни унутиб,/ Йиллар деган ғовдан ошамиз”, дейди. Шоир бундай хулосага бирданига келмагани, бу фикр катта турмуш тажрибаси меваси эканини ўқувчи, албатта, англайди.

Мирпўлат Мирзо ҳам шеърларида хотирасидаги манзараларни чизади. Аниқроғи, олисдаги хотиралар унга туйғу, ҳис беради. Хотиралар тугдирган ҳислар туфайли борлиқ унинг нигоҳида ҳаммага кўринганидан бўлакча кўринади: “Инжа замзамани кузатдим мен, тек./ Аёзли чилланинг ажиб ҳуснида./ Кўнглимдаги олис хотиралардек,/ Тонг нурлари ўйнар қорлар устида”.

Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир ижодида Ватан мавзуи кенг ўрин туттади. Бу икки шоирнинг шу пайтгача чоп этган тўпламлари мундарижасини айна мавзудаги шеърлар белгилайди. Уларнинг 2013-йилдаги матбуотдаги чиқишларида ҳам шу йўналишдаги шеърлар салмоғи устуворлик қилади. Маҳмуд Тоирнинг “Янги Тошкентнома”си, “Ватанни севишни сиздан ўргандим” туркуми, Сирожиддин Саййиднинг “Ўз онамдан ўргандим мен Ватанни” сарлавҳали чиқиши шундай дейиш учун тўла асос беради.

Ҳар бир кишининг қувончи ва қайғуси унинг болалигида кўрган-кечирганлари, эшитганлари билан бевосита боғланади. XXI асрда кишиларда туйғулар қуруқшаб, кўпчилик совуққон, ҳиссиз бўлиб қолаётган бўлса-да, ҳамма ота-боболаридан эшитган ўғит-насихат, ривоятларни гоҳ-гоҳида эслаб қўяди, мақол, ҳикматларни айтиб, бир-бирига танбеҳ беради. Саъдулла Ҳаким “Бола Ботир” ( “Шарқ юлдузи”, 2013 № 2) достонида сўзни кадрлаган, оламнинг яралишини сўзда деб билган, соҳибжамоллар чеҳрасидан ғоят мутаассир бўлиб, ишқ ўтида ёнган аждодларимиз тўғрисида эшитганларини нақл қилади. Муаллиф гарчи: “Бу воқеаларнинг бари олис болалиқда бўлиб ўтган./ Даладашга ўзгача чирой бахш этувчи/ Ойдин кечаларни яхши кўрганим учун/ Уларни аҳён-аҳёнда эслаб юраман./ Шу воқеалар сабаб бўлибми./ Бола Ботир қисмати ҳақида ёзгим келар” деса-да, ушбу достонда Ҳ.Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон”, Ойбекнинг “Темирчи Жўра”, “Дилбар – давр кизи”даги каби сюжет кўринмайди. Шоирнинг “Бола Ботир”и

худди Икром Отамуроднинг “Ўрин”, Ҳалима Аҳмаднинг “Яшил”, Шаҳноза Назархоннинг “Рухимда чалинган мусиқа” си каби замонавий ўзбек дostonчилигининг шакл-шамойили тамоман ўзгарганлиги, у эндиликда янгича қиёфа касб этганидан далолат беради.

Икром Отамурод ҳам “Ўрин” дostonида замондошларига савол беради, муружаат этиб, хитоб, даъват қилади. Дoston саволлар билан бошланиб, саволлар билан тугалланади. “Ўрин”нинг қурилиши – уч нуқталарнинг кўплиги, аксарият ўринда битта сўз битта сатр сифатида берилгани ғалати туюлади. Лекин дoston билан танишиш давомида шоир кечинма, туйғуларини изхор қилиш учун муносиб шакл топгани аёнлашади. Дostonда автobусдаги барча кўриб кўниккан кундалик воқеа – ўриндикда ялпайиб ўтирганча, кекса кишига ўзича таъна қилиб, дашном бераётган ўспириннинг ҳолати орқали “оммавий маданият” ёшларни қанчалик маънавий мажруҳ қилаётгани ҳамда инсоният ўрин талашишдек тузалмас касаллик билан оғриб келаётгани чизиб берилади.

Иқбол Мирзонинг “Йўл” туркумида кишиларнинг маънавий-ахлоқий ҳаёт тарзи билан бевосита боғлиқ бугунги ижтимоий воқеликка эътибор қаратилади. “Йўл”да (“Шарқ юлдузи” 2013 №4) замондошларимиз феъл-атвориға хос сифат, дунёқараш: “Носвойни қадрият деб билар мулло,/ Паловхонтўра деб улуғлар ошни,/ Дуоси – қадаҳ сўз,/ Майсўзи – дуо,/ Азада эслайди қавм-қариндошни” тарзида таърифланади. Ушбу туркум эндиликда замонавий ўзбек шеърлятида ижтимоий мавзунинг ёритишда ҳам янгича йўлдан борилаётгани, аввалгидан фарқли ифода шакллари қўлланаётганидан далолат беради.

Наби Жалолиддин “Ҳаёт кўринди” шеърини: “Ўзимни изладим, бир қуш кўринди”, деб бошлайди. Иккинчи бандда: “Худони изладим, бир он кўринди”, дейди. (“Шарқ юлдузи” 2013 №3) Лекин “бир он” мавҳумлигича қолади. Кейинги бандда: “Дунёни изладим, ўзимдан қочдим,/ йўлимда тумандай бир туш кўринди,/ Лаҳзалар тоғлару етмас қулочим”, деб давом этади. Ўзини излаш билан боғлиқ шу каби мураккаблик, мавҳумликлар бошқа шоирлар шеърлярида ҳам асосий ўрин тутаяди. Шоира Мунаввара бу ҳолатни “Ўз-ўзимдан ҳол сўрашга қўрқаман”, дея ифода қилади. (Уша манба 52-бет.)

Замонавий шоирларимиз ижодига хос ушбу хусусиятни Абдумажид Азим: “Кўнгил, сен ўзингни овутиб яша,/ Тақдири азалнинг ишига кўнгил./ Умрнинг паст-баланд йўлларин оша,/ Сендайин қадрдон топмадим, кўнгил”, дея қоғозга туширади. (“Шарқ юлдузи” 2013 №3)

Ўзини англаш ўзини излашдан бошланади. Фарида Афрўзининг: “Кечам – армон/ Эртан – гумон./ Бугуним – қурбон” (“Тафаккур” 2013 №2), дейишида, Ойдиннисонинг: “Қаҳрамондай жангга отландим яна/ Ҳақиқатни қўлга киритиш учун./ Лашкар ўзим,/ Лашкарбоши ҳам,/ Қарши курашувчи душман ҳам менман./ Енгган ҳам ўзимман,/ Енгилган ҳам мен./ Шаҳид кетган ўзимман,/ Ўзим қаҳрамон./ Қўлга киритганим – бир сиқим ёлғон” сатрлярида худди шу ҳолат – ўзини излаш, ўзини тафтиш қилиш кўринади. (Уша манба 40-бет.)

Эшқобил Шукур ҳар бир кишига кўнгил ёши ҳам берилгани ҳақида сўз очиб: “Куйлаш ва сўйлашнинг кўпдир сабаби,/ Кўзги хирмонлардай кўнглим тўлади./ Ҳув, тарихни кифтлаб юрган чол каби/ Гўзал ҳикоялар айтгим келади./ Умр баҳорими, кузми, қишими,/ Улуғлаб ўтарман улуғ ҳаётни./ Ҳар ким яшаб ўтсин кўнгил ёшини,/ Ҳар ким Ватан тутсин Адабиётни”, дейди. (“Китоб дунёси” 2013 йил 24 июль) Шоир одамда биологик ва ижтимоий ёшдан ташқари, кўнгил ёши ҳам мавжудлигини эсимизга солади.

2013-йилнинг энг фаол шоири Шодмонқул Саломнинг жарангдор оҳангларида битилган шеърлярини ўқиётганда ҳам кўнгилга қувонч ва қайғуга қоришиқ аллақандай ҳазинлик оқиб киради: “Мангу боғча боласидир,/ Бу дунёнинг шоирляри./ Сўриларда урчуқ каби/ Эшилгандир зўр шеърляри.../Тонгу шомнинг орасинда/ Яшаганман, оғриганман./ Гўдақларни афв этинглар,/ Мен онамни соғинганман” . (“Шарқ юлдузи” 2013 №2). Вафo Файзуллоҳнинг шеърлярида эса тасаввуф шеърлятига хос сифатлар, сўфиёна оҳанглари устунлик қилади: “Ҳаққа элтгувчи бир йўл бўлсайдим,/ Розиман, мўминлар юргувчи./ Розиман, йўлларда йиқилиб ўлсайдим,/ Ҳузурда юзи ёруғ бир йўлчи.../ Садо бер, кўз очай садодан,/ Бошланар охирдан йўл боши./ Ўзингга муҳтожман, гадоман,/ Узоқ тун йўлсизнинг йўлдоши”, дея илтижо қилади. (Уша манба 104-бет.)

Ёш шоира Шаҳноза Назархоннинг “Рухимда чалинаётган мусиқа” дostonида, адиб Улуғбек Ҳамдам таъкидлаганидек, шеърлятимизда, умуман, адабиётимизда бадиий тафаккур янгилини бораётгани, навқирон авлод ўз салафларидан бошқача нигоҳ билан қараётгани, уларни ижтимоий зиддиятлар, турмуш можаролари эмас, ўзининг қалбидаги зиддиятли кечинмалар кўпроқ қизиқтираётгани аён бўлади. Унинг кўзига бошқалар эътибор қилмаган жуда кўп нарса-ҳодисалар муқаддас ва сирли бўлиб кўринади. Жумладан: “Муқаддас кўринар ёлғиз ҳарфлар,/ Муқаддас кўринар Ҳавосиз Одам... / Кўзимга қулади арабий само,/ Туркий кўзларимда алифлар пайдо./ Синнинг тишлярида синган ўйларим,/ Алифнинг яланғоч жисмига шайдо./ Алифнинг яланғоч жисми йўқолди,/ Оламимни тутди – ҳаё, нафосат./ Митра ортада қолди, Шамс ортада қолди./ Румий тушларимда менга ёзар хат”, дейди. (“Шарқ юлдузи” 2013 №1). Бундай оҳорли сатрлар эса руҳимиз учун, шубҳасиз, ширин озиқ бўла олади.

Ибодат Ражабованинг “Қуёш суйган олтин дарвоза” чиқиши (“ЎЗАС”, 2013 йил 5 июль)



даги: “Сим-сим” дедим, булоқ кўз очди, / Тилла балиқ учирди варрак. / Қанотининг бир чеккасига, / Мендан дастхат олди капалак” каби сатрлар шоиранинг бадиий тафаккури тиниқлигини, у оҳорли образлар, қўлланмаган ташбеҳларни осонлик билан топа олишини намойиш қилди.

Агар ўтган йил мутбуотидаги шеърлар шеърятни қандай босқичга кўтарди, деган савол қўйилса, аввало, 2013-йил шеърятни аввалги давр шеърятининг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани ва у келгуси замонлар шеърятини туташтирадиган мустаҳкам кўприкка айланганини таъкидлаш, у руҳимизга ширин озуқа бўла олишини қайд этиш ҳар жиҳатдан ўринли бўлади. Шеърятнинг ўзани тўлиб оққани таъкидланиб, матбуотда юзлаб қаламкашнинг ёзганлари эълон қилингани ҳолда, ҳисобот маърузаси айрим шоирларнинг чиқишига эътибор қаратилишининг боиси эса шундаки, бу шоирларнинг шеърларида салмоқли фикрлар жўшқин ҳислар билан уйғунлаштирилиб, чиройли, оҳорли ташбеҳларда ифодаланган. Ушбу шеърлар йиллар ўтса-да, унутилмасдан яшашда давом этади.

### Замира ИБРОҲИМОВА

*1953 йилда тугилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Филология фанлари номзоди. Унинг “Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари” монографияси, “Мактабгача таълим муассасаларида бадиий адабиёт” услубий қўлланмаси, “Қувноқликка яширинган изтироблар”, “Буюк сиймолар ҳақида” рисоалари эълон қилинган. “Дурдона” ва икки жилдлик “Гулгина” кичкинтойлар учун бадиий адабиёт мажмуасининг тузувчи-муаллифи.*



## 2013 ЙИЛ БОЛАЛАР НАСРИ ҲАҚИДА

Ўтган 2013 йилда Абдусаттор Ҳотамовнинг “Баланд учган турналар”, Муҳайё Тўлаганованинг “Тоza ҳаво” ҳикоялар тўплами, Ҳамроҳон Мусурмонованинг “Махфий учлик” фантастик қиссаси ва Алишер Саъдулланинг “Широқ” қиссаси чоп этилди. Бу китобларда болаларнинг маънавий-ахлоқий шаклланиш босқичлари, табиатни асраш, ватанпарварлик мавзулари акс эттирилган.

Маълумки, болалар адабиётида она-табиат мавзуи доимо ўзига хос ўринга эга бўлиб келган. Бугунги болалар адабиётида, хусусан, насрий асарларида ҳам табиат мавзуга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, Абдусаттор Ҳотамовнинг изланишлари алоҳида диққатга сазовор. Унинг “Мовий осмон”, “Ғайрат нега қочиб кетди?”, “Қушлар қайтиб келди”, “Оқ кабутар” ҳикояларида бу мавзулар шаҳарда, кўп қаватли уйларда яшайдиган болалар ҳаётига боғлаб кўрсатилган.

Муаллифнинг “Ғайрат нега қочиб кетди?” ҳикоясида бола отаси билан бирга қишлоқдан уйга кучукча олиб келишади. Муаллиф ана шу кучукча туфайли боланинг бошидан кечирган изтиробларни жуда жонли тасвирлайди. Ҳикоянинг диққатга сазовор томони шундаки, унда муаллиф 9 қаватли уйнинг 3-қаватида яшовчи кичкина Ғайратнинг жонли табиатга бўлган муносабатини умумлаштира олган. Болани кучукчага бўлган муносабати нуқтаи назаридан оиладаги катталар – ота ва онанинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, боланинг руҳий изтиробларини таҳлил қилган. Муаллиф ҳикоясида она билан бола ўртасидаги вужудга келган ички зиддиятларни кўрсатар экан, она образини танқидий таҳлил этади. Менимча, бу каби кескинликни болалар ҳақида катталар учун ёзиладиган асарларда берилса, катталарни уйлашга, фикрлашга ундаши билан фойдадан холи бўлмасди.

Муаллифнинг “Оқ кабутар” ҳикояси қаҳрамони Жамол ҳам жонли табиатга ошно қалби билан ажралиб туради. Кабутарлари туфайли кўп изтироблар чеккан Жамол ҳикоя сўнгида катта бўлганида муҳандис бўлишни, паррандалар ҳам яшаши мумкин бўлган кўп қаватли уйлар қуришни орзу қилади.

Муҳайё Тўлаганова “Тоza ҳаво” китобидаги ҳикояларида қишлоқ болаларининг ҳаётини ёритишга ҳаракат қилган. Ҳикояларда болаларнинг ўзига хос дунёси ҳар-хил тўқнашувларда, ўзини англашга, дунёни ўрганишга бўлган интилишларда кўринади.

М.Тўлаганова ҳикояларининг диққатга сазовор томони, ўғил болалар ҳақида олиёжаноблик, мардлик, масъулият ҳиссини шаклланиш босқичларига алоҳида эъти-

бор қаратишида кўринади. Шу мақсадда муаллиф болаларни бир қадар қийин, мушкул вазиятлар ичида ёлғиз қолдиради. Вазиятдан чиқиш учун мустақил қарор қабул қилишни ёлғиз ўзига юклатади.

Лекин тўпладан анчагина бўш, бадиий савияси пастроқ, тил масаласига умуман эътибор берилмаган ҳикоялар ҳам ўрин олган. Ҳикояларни саралашда нашриёт ҳам талабчанликни кучайтирса, ёмон бўлмасди.

Ҳамроҳон Мусурмонованинг “Махфий учлик” фантастик қиссасида оламни асраш, уни бугуни ва келажакка оид долзарб мавзулар қаламга олинади. Муаллиф ёш китобхон диққатини бугунги кунда оламлараро табиий мутаносиблик бузилиб бораётганига, улкан ер шари катта чиқиндихонага айланиб қолаётганига қаратади.

Муаллиф илмий-фантастик асар ёш китобхонга тушунарли бўлиши учун ортиқча илмий терминлардан фойдаланишдан сақланади, ўта мушкул вазиятларни ўйин тарзида, қизиқарли ракурсларда беради. Қиёсий тасвир усулидан унумли фойдаланади. Ёш қаҳрамонлар мовий уммоннинг бир аср илгариги кўринишига ҳозирги кўринишини таққослаб, ўртадаги фарқ ер билан осмонча эканлигидан ҳайратланадилар. Ҳамроҳон Мусурмонованинг бу китоби муаллифнинг илмий даражасини, тасаввур доирасининг ниҳоятда кенглигини, фантастик асарлар ёзишга иқтидори, имконияти катта эканлигини кўрсатади.

Тарихий мавзуда ёзилган Алишер Саъдулланинг “Широқ” қиссаси устоз адиб Мир-карим Осимнинг “Широқ” ҳикоясидан фарқли равишда, жанр талабидан келиб чиқиб, воқеалар содир бўлган давр кенгроқ тасвирланган. Ҳ.Каримий таъкидлаганидек, Широқнинг жасорати тасодифий бир воқеа бўлмай, аксинча, у мард ва эрксевар кишилар орасида тарбия топганлиги, ватанпарвар бўлиб улғайганлигидадир. Муаллиф Широқ образида унинг табиатидаги бу фазилатларни ишонарли очиб берган.

Ўтган йили халқимизнинг сеvimли адиблари Х.Тўхтабоевнинг бешта китоби, хусусан, “Сариқ девни миниб”, “Жаннати одамлар”, “Беш болали йигитча”, “Ширин қовунлар мамлақати”, Анвар Обиджоннинг “Мешполвоннинг жанглари” достони, “0099 номли ёлғончи” эртақ-қиссани қайта нашр этилганини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим. Донишмандлар айтганидек, яхши китобларнинг яшилиги шундаки, уни ҳар бир авлод ўзи учун қайта кашф этади. Бу китоблар болаларнинг миллий-маънавий тарбиясига ҳамма даврларда катта ҳисса қўшади.

2013 йилда болаларнинг сеvimли шоири Мирозиз Аъзам томонидан турк ёзувчилари Мустафо Руҳи Шириннинг “Кечалари мусиқа чалган мушук” ва Гултан Дойёглининг “Лайлак қорда қолди” ҳикоялар тўпламининг таржималари ва истеъдодли шоира Ойгул Суюндиқова таржимасида Лев Толстой, Леонардо да Винчи, Михаил Пришвинларнинг рангин табиат ҳақидаги гўзал эртақ ва ҳикоялари жамланган “Зумрад томчилар” китоби нашр этилди. Мазкур таржима асарлари ҳам улғайиб келаётган ёш авлод қалбида табиатга меҳр уйғотишда, она-табиатни асраб авайлашга ўргатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўтган йили “Тонг юлдузи” газетаси саҳифаларида эълон қилинган Эркин Маликнинг “Болалигим эртақлари” қиссадан парчалари, Юсуф Абдуллаевнинг “Қавиқчи хола”, Луқмон Бўрихоннинг “Йўлини топиб олди” ҳикоялари, “Ғунча” журнали саҳифаларида чоп этилган Заҳро Ҳасанованинг “Наврўз тухфаси”, Муҳаббат Ҳамидованинг “Бувиининг иш қуроли”, Шаҳноза Каримованинг “Ниҳол”, “Гулхан” журналидаги Ирода Алиеванинг “Лолақизғалдоқ” каби ҳикоя ва эртақларида аждодлар ва авлодларни боғлаб турувчи меҳр-муҳаббатни ҳис қиласиз.

“Ғунча” журнали саҳифаларида чоп этилган Феруза Жалилованинг “Кимнинг иши тўғри”, Улуғбек Мустафонинг “Ораста қизалоқ”, Ҳалима Аҳмадованинг “Чироқвой”, Шаҳобиддин Ортиқовнинг “Беш баҳо”, “Тонг юлдузи”даги Муҳаббат Ҳамидованинг “Жазо” ҳикояларида орасталик, табиатни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш, теварак муҳитни софлиги, мусаффолиги учун кураш ғояси ўқувчи болалар образи орқали ёрқин кўрсатилган.

Ўтган йили баракали ижод қилган истеъдодли шоира, ўткир топишмоқ ва тез айтишларни дўндириб ёзадиган Заҳро Ҳасанованинг насрдаги изланишлари ҳам эътиборга лойиқ. Унинг ҳикоя ва эртақлари ўзбеккона лутфи, нафосати билан ажралиб туради.

Ёшларимиздан Абдулла Чимирзаевнинг изланишлари ҳам диққатга сазовор. Унинг “Ғижжакчи чигиртка”, “Қалдирғочнинг ватани”, “Нашуд зағизғон” эртақлари кичкинтойлар дунёсига яқинлиги, энгил руҳда, содда ва, айна пайтда, образли тили билан кичик журналхонларимиз томонидан илиқ кутиб олинапти.

Шу ўринда 2013 йилда баракали ижод қилган Ҳидоят Олимова ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Ҳидоятхоннинг йил давомида ўндан ортиқ эртақлари, жумладан, “Тулки ва Бўри”, “Саришта ва Фаришта”, “Ҳақиқий дўстлар”, “Мучаллар базми”, “Мақтанчоқ кўён”, “Подшоҳ ва олтин балиқ”, “Очкўзликнинг охири вой”, “Хўжайин ва унинг хизматкори”, “Сеҳрли олтин тароқ” эртақлари эълон қилинди. Унинг асарларига хос ху-

сусият бу – қутилмаган воқеаларни, мушкул вазиятларни юмшоқлик ва, айти пайтда, қатъий ишонч билан тасвирлашида. Муаллиф ўз эртақларида турли сеҳргарлар, рамзий ва мажозий образлар воситасида болаларни соф инсоний хислатларга ошно этади.

Газета ва журнал саҳифаларини кузатар экансиз, ўқувчиларнинг мактабда, спортда эришган муваффақиятлари акс эттирилган очерклар, публицистик мақолаларни кўриб, бу жанрларнинг ривожланаётганлигидан қувонасиз.

Болалар орасида китобхонликка бўлган қизиқишни ошириш мақсадида берилаётган “Гулхан” журнали саҳифаларида “Китобхонлик”, “Ғунча”да “Китоб жавонингизга”, “Тонг юлдузи” газетасида “Бу китобни ўқинг” рукнларида анча жонланиш бор. Лекин китоб тарғиботини янада кучайтириш керак. Токи нашр этилаётган китоблар, айниқса, болалар адабиётига, таълим тарбияга оид китоблар ҳар бир оилага кириб борсин.

Утган йилги болалар учун нашр этилган асарлар орасида мавзу торлиги, бир қолипга тушиб қолиш, тўқнашувларнинг ниҳоятда бўшлиги, зиддиятларнинг наридан бери ҳал этилиши, нутқнинг ўта ғализлиги каби камчиликлар ҳам кўплаб топилди.

Бугунги болалар насрига кичкинтойлар ва ўсмирлар руҳий олами, катталар ва болалар, ота-оналар ва болалар, бола ва муҳит, боғча тарбиячиси ва бола, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари кенг тадқиқ этилган қизиқарли асарлар керак. Ёш китобхонга намуна бўладиган замонавий қаҳрамонлар образи ниҳоятда зарурлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бугун жангари кинолар, мультфильмлар, телефон, интернет, плестейшн ўйинлари кўпайиб кетган бир пайтда эзгулик юксак санъаткорлик билан улуғланган асарларга эҳтиёж катта.

### Ислон ЁҚУБОВ



*1961 йилда туғилган. Нукус Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Филология фанлари номзоди, доцент. Адабиётшунослик муаммоларига бағишланган “Ўзбек романи тадрижи”, “Бадиий-эстетик сўз сеҳри”, “Миллий уйғонини даври ўзбек насри”, “Бадиий матн ва эстетик талқин” сингари ўндан ортиқ монография, рисола ва мақолалар тўпламлари нашр этилган.*

## ҚАЛБДАН ЧИҚҚАН СЎЗ ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПАДИ

2013 йилда адабиётшунослик ва адабий танқидчилик диққат марказида турган масалаларни “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Шарқ юлдузи” журналлари ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” газеталари мисолида комплекс кузатиш шоён ҳақиқатни ойдинлаштириши, ёндашув ҳаққонийлигини таъминлаши мумкин. Бироқ муаммони “Шарқ юлдузи” мисолида кузатиш билангина чекланиб, нисбатан кенгроқ таҳлилни матбуотдаги кейинги чиқишларимизга қолдирарканмиз, бунинг учун илмий-адабий жамоатчилик бизнинг бурчдорлик ва узрхоҳлигимизни тўғри қабул қилар, деган умиддамиз.

2013 йили журналда фольклоршунослик бўйича адабиётшунос О.Мадаевнинг “Халқ дostonлари генезисига доир” номли мақоласигина чоп этилди. Унда “Алломиш” ва “Гўрўғли” туркум дostonлари шаклланиш тарихи билан боғлиқ қадимият излари тошбитиклар, М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги қўшиқлар. “Ўғузнома”, “Дада Қўрқут”, “Ирқ битиги” сингари нодир манбалар билан қиёсан ўрганилган.

Мумтоз адабий мерос масалалари эса, адабиётшунослар: И.Адилова, Д.Юсупова, Ҳ.Асланова мақолаларида ёритилди. Жумладан, И.Адилова “Ул матойи рамзга бозордурман ишқида” номли чиқишида Жаҳонотин Увайсий шеърияти образ ва рамз муносабатларида кузатилувчи ўзига хосликни ўрганди. Ёш тадқиқотчи Д.Юсупованинг “Алишер Навоий тахмислари” мақоласи бадиий асар яратилиш хусусиятларини тадқиқ этиши, шоирнинг ижод ва илҳом ҳиссиётлари билан боғлиқ тасаввурларини аниқлаштиришга уриниши билан қимматлидир. Ҳ.Асланова матншунослик йўналишидаги “Тадоийнинг форсий ғазали” мақоласида шоирнинг бадиий санъатлар қўллашдаги поэтик маҳоратини таҳлилга тортади.

Адабиётшунос олимлар Д.Салоҳий, С.Рафиддин, З.Мамажонов, З.Мамадалиева мақолаларида поэтик маҳорат асрори ўрганилган. Масалан, Д.Салоҳийнинг “*Хубоб тақдири*” мақоласида Навоий шеърятисидаги “хубоб” тимсоли шоир дунёқараши ва эътиқод-маслаги билан уйғунликда таҳлил этилади. С.Рафиддиннинг “*Адабиётда қаландарлик*” мақоласида мазкур таълимот тарихи, бадиий адабиётда образ сифатида келувчи қаландарларнинг ўзига хос жиҳатлари, мумтоз адабий асарлардаги қаландарона руҳ ва оҳанглар ҳамда тасвир маҳорати хусусида сўз боради.

З.Мамажоновнинг “*Ифода усулларида ўхшатиш санъати*” мақоласида бадиий мазмун ва поэтик ифода муштараклиги масаласи ижод аҳлининг мумтоз шеърӣ санъатларни қўллаш маҳорати нуқтаи назаридан кузатилади. Олим А.Хусайиннинг “*Бадойиъ ус-санойиъ*” китоби, А.Ҳожиаҳмедов, В.Раҳмонов сингари адабиётшунослар шеърӣ санъатларга бағишланган рисоаларида келтирилган таснифлардан қониқиш ҳосил қилмайди. Аммо негидир ифода усулларини қандай гуруҳлаш ҳақидаги ноанъанавий таснифотни ҳам тақдим этмайди. З.Мамадалиеванинг “*Мумтоз адабиётда қушлар образи*” номли мақоласида умуман мумтоз адабиёт, хусусан эса, Навоийнинг “*Лисон ут тайр*” достонидаги рамзий мажозий образлар таҳлилга тортилган.

Шоир ва файласуф А.Шер, адабиётшунос Қ.Қаҳрамонов мақолалари ХХ асрнинг Ойбек ва Шухрат каби мумтоз вакиллари хотирасига ардоқ нуқтаи назаридан битилган. А.Шернинг “*Ойбек, ой ва коинот ёхуд дарвешлик рутбаси*” мақоласида шоир тийнатида яшаган ва ўз даври чегараларини ёриб ўтиб Коинот юксакликларига кўтарилган, шу баландликдан одам ва оламни шеърӣ нигоҳ ила кузатган, яъни ички оламини чин дунё деб билган инсон (*интроверт иждокор*) онгости ҳиссиётлари поэтик ифодаси таҳлилга тортилади. Қ.Қаҳрамоновнинг “*Олтин зангелмас*” романида давр ва шахс талқини” номли мақоласида эса, Шухрат асарларида у яшаган даврнинг руҳи акс этгани тадқиқ этилган.

Кўринадики, гарчанд фольклоршунослик халқ достонлари генезисини ўрганиш билангина чекланган бўлса ҳам, адабиётшунослар образ ва рамз муносабатлари, иждокор дунёқараши ва эстетик идеали, бадиий дид, анъана ва ворисийлик, поэтик асар биографияси, маҳорат муаммоларига диққат қаратишди. Иждокор онгости ҳиссиётлари поэтик ифодасини унинг тийнати – дунёқарашу эътиқод-маслагидан излашга уринишди. Айрим фалсафий-эстетик таълимотлар тарихи, мумтоз адабий асарлардаги қаландарона руҳ ва оҳанглару тасвир маҳоратини ўрганишди. Бадиий мазмун ва поэтик ифода муштараклиги, адабий қаҳрамон қисматидан унинг иждокори тақдири, маънавий-руҳий пўртаналарини излашга интилишди.

Адабиётшунослар: Й.Солижонов, У.Ҳамдам, Я.Қосимов, Д.Қувватова, О.Тўлабоев; шоир ва носир Р.Мусурмон, мутаржим А.Баҳриддин мақолаларида замонавий шеърӣят ва достончилик муаммолари таҳлилга тортилган. Хусусан, Д.Қувватованинг “*Ўзбек поэмачилигида модернистик изланишлар*” мақоласида И.Отамуроднинг “*Ичкари, ташқари*”, “*Ёбондаги ёлғиз дарахт*”, “*Сопол синиқлари*”, А.Қутбиддиннинг “*Изоҳсиз луғат*”, А.Маҳкамнинг “*Ишқ*”, С.Ашурнинг “*Атиргул*”, Н.Жалолиддиннинг “*Чиптасиз одамлар*” сингари достонлари таҳлилга тортилади. Олима ғоя ва услуб, композиция ва поэтик синтаксис бобидаги жиддий кузатишларини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, у миллий достончилигимиз, хусусан, ўзига ноанъанавий бўлиб туюлган юқоридаги асарлардан *абсурд ғояси ва абсурд қаҳрамон* излашга беҳуда уринади. Зотан, бу битикларни жаҳон поэмачилигидан ўрганиш, ўзлаштириш самараси эмас, балки иждокор “*мени*” нинг руҳий тўлғамларида кўнгул розини айтишга эътибор ортиши: миллий қадриятлар ҳамда кенг кўламли мумтоз адабиёт намуналари, Қуръон ва тасаввуф фалсафасининг фаол ўзлаштирилишидан ажратмай ўрганиш лозим.

Шоир ва носир Р. Мусурмон И.Отамуроднинг “*Урин*” достони ҳақида битган “*Уринли сўз*” номли тақризида асар фалсафий моҳиятидаги эзгулик ва ёвузлик кураши ифодасини тўғри илғайди. Фоний дунё издиҳомидан озурда бўлган шоир қалби изтироб-оғриқлари, драматик вазият-ҳолатлар тасвирини ҳис қилиш, ишоравийлик ортида пинҳон сирларни илғашга интилади. Зотан, бу достон янги давр одами маънавияти ва руҳияти ҳақидаги оғриқли ўйлар тажассумидан иборат.

У.Ҳамдам “*Янгиланаётган бадиий тафаккур меваси*” номли тақриз-мақоласида Шаҳноза Назархон қаламига мансуб: “*Руҳимда чалинган мусиқа*” достони хусусида сўз боради. У шоира руҳига инган мажоз ва моҳият ифодаси илдишларини бир жиҳатдан миллий замин: хусусан, Румийнинг адабий меросидан, иккинчидан, жаҳоннинг Гёте, Ф.Ницше, Ж.Жойс, М.Пруст каби даҳо санъаткорларидан ижодий таъсирланиш тарзида изоҳлайди. Қурама (*мозаика*)га хос тарқоқ мазмун-моҳият, кайфият-ҳолатларни тафаккурда яхлитлаштириш ва шоир шахсияти иқлимларига кириб боришга ундайди.

И.Солижоновнинг “*Руҳиятни ёритган шеърӣят*” мақоласи атоқли шоир Э.Воҳидов портретига ўзга хос чизгилардир. Мақолада Э.Воҳидовнинг кенг ва тиниқ тафакку-

ри, теран поэтик нигоҳи, рангин туйғулар олами таҳлилга тортилган. Я.Қосимовнинг *“Мени шеър боғига етаклаган ким?”* мақоласида ўтган асрнинг 60-йилларида шеърят майдонида кириб келган Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Ч.Эргаш, О.Матжон, М.Али, М.Жалил каби шоирлар сув ичган адабий сарчашмаларга нигоҳ ташланади. Тадқиқотчининг ижод аҳли адабий-маданий биографиясидан умуман бадиий тафаккур ривожланиш йўл-йўсинларини аниқлаш томон бориши ибратлидир. Чунки бадиий матн меҳваридан ўрин олган адабий-эстетик идеалда ижодкор қалбининг муҳри акс этади. О.Тўлабоевнинг *“Бир қушча сайрайди менинг руҳимда...”* номли мақоласида Р.Парфи адабиётга масъулият билан ёндашган, сўзларга кенг маъно, рангин туйғулар ҳароратини юклаган Сўз ортидан эргашган шоир сифатида ўрганилган.

Ҳикоячилик ва қиссачилик муаммолари З.Исомиддинов, Д.Тўраев, А.Улуғов, М.Шералиева, Б.Ҳасанова, Д.Бекчанова сингари турли авлодга мансуб адабиётшунос олимлар ва ёш изланувчи-тадқиқотчилар эътиборини жалб этди. Хусусан, З.Исомиддиновнинг *“Абдулла Қаҳҳорнинг “Картина” ҳикояси, “Мафтунингман” кинокартинаси ва конфликтсизлик “назария”си*” мақоласида бадиий матн ботинидаги ижодкор қалбининг исёнкорона руҳи инкишоф этилади. Олим кун тартибига қўйган муаммолар талқинини Т.Муроднинг *“Отандан қолган далалар”*, Л.Бўрихоннинг *“Жазирамадаги одамлар”* сингари романлари мисолида кузатиш ҳам яхши самаралар беради.

Д.Тўраевнинг *“Коинот формуласи”ни ким кашф этган?*” номли мақоласида А.Йўлдошнинг *“Пуанкаре”* ҳикояси таҳлилга тортилади. Олим ёзувчининг билим камрови, эпик баён тарзи ва асарнинг жанри ҳақида сўз юритади. У ҳикояни дабдурустан *“қисса”* жанрига мансуб деб билади ва шу истилоҳ остида таҳлил этади. Мақолада асар сюжетининг қайта баён қилиниши билан боғлиқ жиддий нуқсон кўзга ташланади. А.Улуғовнинг *“Биз билмаган Бахтин”* номли мақоласида М.Бахтиннинг камтарин ва камсуқум табиати, ижод тарзи, шунингдек, Достоевский ва Рабле ижоди муаммоларига бағишланган илмий-назарий тадқиқотларида кузатилувчи бадиий асарлар асосида инсон дунёсига хос фалсафий мушоҳада юритиш тарзи кенг тадқиқ этилади. Бундай изланишлар бизга адабиётшуносликнинг фалсафий асосларини янада теранлаштириш имконини беради.

М.Шералиеванинг *“Ёзувчи ижодий тадрижида киноя”* номли мақоласида Мурод Муҳаммад Дўст ҳикоя ва қиссаларида бадиийлик модуллари (*трагизм, драматизм, идиллия, элегиявийлик, киноявийлик*) муаммоси ўрганилиши эътиборга лойиқ. Б.Ҳасанованинг *“Фано ва бақо ҳикоясида фалсафий психологик тасвир теранлиги”* номли мақоласида А.Мухторнинг шу номли ҳикоясида қаҳрамонлар кайфият-ҳолатлари руҳий коллизиялар асосига қурилиши, улар нутқининг халқона асослари ўрганилган. Д.Бекчанова *“Икки ҳикояга бир назар”* номли мақоласида Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг *“Чилла”, “Этакдаги кулба”* ҳикояларини таҳлилга тортади. Мақола муаллифининг инсоний идеални моддий ва руҳоний тарзда ажратиши бироз баҳслидир. Зотан, идеалга талпиниш, пировардида, моддийликдан юксак манзил – руҳият иқлимларига интилишдир. Қолаверса, Яссавиёна чиллаҳонага кириш жўн одамнинг аъмоли эмас. Ундан мурод ҳам ҳеч қачон ер устига қайтиб чиқиш бўлмаган. Шунингдек, *“Этакдаги кулба”* ҳикоясининг янгича услубдаги гўзал ноанъанавий асар саналиши ҳам А.Камью ва Г.Маркес асарлари билан таниш китобхон учун анча эътирозли туюлади.

Демак, адабий танқидчиликда муайян асар жанрини белгилашда шошма-шошарлик, мумтоз адабиётимиз меҳвари ва жаҳон бадиияти намуналаридан етарлича боҳабар бўлмасдан таҳлилга киришиш, сюжетни қайта баён қилиш сингари нуқсонлар кузатилди. Шунга қарамасдан, у санъат асарлари олдига ҳаққонийлик ва гўзалликнинг пайвасталашуви, фалсафий-психологик тасвир теранлиги талабларини қўйди. Бадиийлик модулларини назардан қочирмаган ҳолда, поэтик матн асосида инсон дунёси ҳақида фалсафий мушоҳада юритишга интилди.

Ўтган йили романчилик муаммолари адабиётшунослар: И.Ғаниев, Н.Афоқова, ёзувчи Н.Эшонқул, таржимон Ж.Ҳазратқуловлар эътиборини жалб қилди. Жумладан, Ж.Ҳазратқуловнинг *“Адибнинг муҳташам “Улуғ салтанат”и”* мақоласида *“Улуғ салтанат”* роман-тетрологияси хусусида сўз боради. Мақола муаллифи ёзишича, ёзувчининг эпопея яратишдан кўзлаган мақсади Амир Темурнинг *“ибратли инсоний фазилатлари, намуна бўлуғлик ҳаёти лавҳаларини ўқувчиларимизга етказиб беришдир”*. Шубҳасиз, романда характерлар ибратли инсоний фазилатлари тасвирланган ҳаётини лавҳалар сероб. Аммо тетрология муваффақияти кўламдор воқелик – эпикликин тақдирлар драмиси билан узвий туташганида намоён бўлади. Муҳаммад Али маҳорати эса, ўша эпикликини тиклашга бўлган интилиш жараёнида юзага чиқади.

И.Ғаниев ва Н.Афоқоваларнинг *“Иқрор ва исён”* номли мақоласида романчиликда кечаётган Шарқу Ғарб анъаналари, жанрнинг кино санъати билан синтези, унда полифонизм унсурлари намоён бўлиши, қаҳрамон тақдири ечимидаги экстремал вазият-

ҳолатлар ифодасига эътибор қаратилади. Э.Аъзамнинг “Шовқин” романини таҳлилга тортган муаллифлар романий тафаккурни сюжет ва композиция, образ ва образлилик билан боғлашга интилишлари, ёзувчи услубидаги ўткир ирония (*инкор орқали унинг зиддини тасдиқлаш*)ни Л.Толстой, Н.В.Гоголь, М.Булгаков ва Чўлпон услубига қиёслашлари эътирофга лойиқ. Мақола муаллифлари ёзувчи қиссанавис сифатида баёнчиликка берилиб, тасвир имкониятларини бой бериши каби айрим нуқсонларини ўринли танқид қилишган.

Н.Эшонқулнинг “*Роман ҳақида икки оғиз сўз*” деб номланувчи тақризида Н.Норқобиловнинг “*Қорақуюн*” романи хусусида сўз боради. Ёзувчи ўз ҳамкасбини “*бугунги романчилигимизда воқеа бўлишга ва жиддий таҳлилларга арзийдиган асар*” битгани билан қўлайди. Роман сюжети ва руҳидаги фалсафий ҳикматда *одам-табиат-олам* триадаси ўзаро уйғунлигига хос мувозанат бузилиши оқибатларига эътибор қаратади. Аммо миллий тафаккур тутумларига кўра, инсоний балоғатлик жаҳолат ва ғазабни шафқатсизлик билан маҳв этишини инкор қилиши (унда *одам-жамият-олам* учлиги устувор)ни назардан қочиради. Яъни Н.Эшонқулнинг қарашлари романий тафаккур мутлақо миллийликка асосланиши лозимлиги фикридан сирғалиб кетади. Зотан, бу романда Ги де Мопассаннинг “*Интиқом*” ҳикояси таъсири яққол кўзга ташланади. Демак, адабий танқидчилик эпикликнинг тақдирлар драмаси билан узвий туташувини романчиликда кечаётган Шарқу Фарб аънаналари, жанрнинг синтези, унда полифонизм унсурлари намоён бўлиши, қаҳрамон тақдири ечимидаги экстремал вазият-ҳолатлар ифодаси билан боғлаб изоҳлади. Сюжет ва композиция, образ ва образлилик, бадиий ижод психологияси, поэтик оҳанг, тил ва характер муаммоларини ўрганди.

Ўтган йили журнал саҳифаларида муаззам Шарқ алломаси Жалолиддин Румийнинг “*Мажолиси сабъа*” (Етти мажлис), шунингдек, Абул-Ҳасан Хужвирийнинг “*Кашфул-маҳжуб*” (Сирларнинг кашф этилиши), инглиз адаби ва файласуфи Перси Биши Шеллининг “*Поэзия ҳимояси*” трактати чоп этилиши адабий-маданий ҳаётимизнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Айни пайтда, К.Панченконинг “*Ўзбек ҳикоялари рус тилида*” номли мақоласида қайд қилинганидек, ўзбек ҳикояларининг С.Комилова томонидан рус тилига таржима қилиниб “*Кўнглимдаги дарё*” номи билан нашр этилиши ҳам ана шундай эътиборга молик янгиликлардан биридир.

“*Шарқ юлдузи*” журнали ўз саҳифаларида миллий адабиётимизнинг умумий манзарасини ёритиб келмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг наср, шеърят, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик, публицистика, таржима ва интернет адабиёти юзасидан ҳисобот йиғилишларида қилинган маърузаларнинг ихчам ҳолда берилиши хайрли юмушлар сирасига киради.

Журналда “*Янги авлод овози*” рукнида уюштирилган суҳбатда республикамизнинг таниқли олимлари, шоиру ёзувчилари: У.Норматов, И.Ғафуров, Қ.Йўлдошев, Ҳ.Болтабоев, Ш.Ризаев, Д.Қуронов, Р.Қўчқор, И.Ёқубов, Н.Эшонқул, Р.Раҳмат, Б.Рўзимухаммад, А.Йўлдош, Р.Ҳайдарова, А.Ҳамро, Х.Тўлибоевлар фаол иштирок этишди. Уларнинг ёши, дунёқараши, ижоддаги йўсини, эстетик тайёргарлик даражасига кўра турлича мулоҳазалар илгари сурилиши ғоятда табиий жараён. Муҳими, шу аснода илмий-адабий жамоатчилик тубдан ўзгараётган давр ва адабий жараён муносабатлари атрофида йиғилиб қолган талай муаммолар хусусида кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғота олди.

Хуллас, ҳисобот йилида кузатилган айрим камчиликларга қарамасдан, айтиш мумкинки, давр ва адабий жараён муносабатларини уйғунлаштиришда адабиётшунослик ва адабий танқидчилик муҳим роль ўйнади. Адабиётдан улуғ ҳамда безавол қадрият излаб риёзат чеккан, қалби, руҳи ва тафаккури бедор, яратиш ишқи билан ёнган айрим заҳматқаш танқидчиларни ҳам элга манзур қилди. Илло, чинакам бадиий асар мунаққидни “кашф этади”.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

1953 йилда тугилган. Қариши Давлат педагогика институтини ва Тошкент Давлат университетини тугатган. Турли матбуот нашрларида фаолият кўрсатган. “Хотира қарвони”, “Амир Темур севган юрт”, “Ҳазрат Соҳибқирон”, “Соҳибқирон абадияти”, “Имзоли хатлар”, “Маҳак тоши”, “Вақт манзаралари” сингари китоблари, “Соғинч” романи нашр этилган. Лев Толстойнинг “Сергей ота”, “Бечора Иван Ильич” қиссаларини таржима қилган.

**САМИМИЙ СЎЗ ЭҲТИЁЖИ**

Бугунги глобаллашув, техника, информация асрида ижтимоий онга фаол таъсир этадиган воситалар қаторида, адабиётнинг публицистика жанрига эҳтиёж ошмоқда, у бадий адабиётнинг етакчи соҳасига айланди.

Ҳеч кимга сир эмас, юртимизда улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Ана шу улкан яратувчилик жараёни бадий публицистикада қанчалик акс этаяпти? Журналлар таҳлили, бу борада ҳаракатлар, изланишлар анча самарадор эканлигини кўрсатмоқда.

“Тафаккур” журнали Президентимизнинг махсус қарори билан ташкил этилган эди. Ўтган йиллар давомида журнал тўла шаклланди, ўз йўлини, қиёфасини аниқ белгилаб олди, ўз аудиториясига, ўқувчиларига эга бўлди. Журналнинг ўтган йилги таҳламларини кўздан кечириб ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унинг қатор рукнлари ташкил этилганидан буён доимий ҳаракатда, ҳар бир сонда бу йўналишда мақола бериш таъминланган, бинобарин, рукнлар журналнинг муҳташам устунларига айланган. Бу таъриба дунё журналистикасида бутунлай ижобий баҳоланади. Ўтган йил ҳам “Нима дейсиз, замондош?”, “Янги аср муаммолари”, “Маъно ва моҳият”, “Шарқу Фарб фалсафаси”, “Жавондаги жавоҳир”, “Талқин ва тадқиқотлар” сингари рукнлар йил бўйи амалда бўлган, уларда қизиқарли мақолалар эълон қилинган. Журналнинг Абдурайим Эркаев, Нажмиддин Низомиддинов, Акмал Саидов, Абдулла Аъзам, Мансур Тоиров сингари доимий муаллифлари борлиги уни салмоқли нашрга айлантирган, дейиш мумкин. Ўтган йил эълон қилинган “Сув жанги”, “Хурлик фикрдан бошланади”, “Меҳвар алмашмайди”, “Поезддаги бир ўзбек” сингари турли жанрдаги материалларда бугунги куннинг муайян баҳсталаб ёки кўпчиликни ўйлантираётган масалалари юзасидан фикр юритилган. Журналда ташкил қилинган “...*(фалончи)* мутолаа қилади” рукни жуда топилган, унда турли мавзудаги китобларни бир киши томонидан шарҳлаш йўлга қўйилган. Бу усул китобхонликни ташвиқ қилишда ҳам асқотади.

“Тафаккур” журналининг имкониятлари кенг, бироқ журнал улардан тўла фойдалана олмаётгандек туюлди, назаримизда. Негаки, журналда ҳамма қизиқиб, излаб ўқийдиган чиқишлар кам, ҳолбуки бундай мавзулар сероб. Олайлик, маънавий-ахлоқий мавзуда ҳеч кимни бепарво қолдирмайдиган мақолалар ёзиш мумкин.

“Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган публицистик мақолаларда шукроналик, бугунги кунимиздан мамнунлик руҳи уфуриб турибди. Буни сарлавҳалардан ҳам сезиш мумкин: “Эзгуликлар рамзисан, Ватан”, “Маънавий юксалиш йилларида”, “Ватанга қайтаётган минорлар”, “Қуёш қаршисидаги шаҳар”, “Маҳалланинг олтин тупроқлари” ва бошқалар. Бу мақолалар қизиқарлилиги, далилларга, кузатувларга бойлиги билан ибратлидир. Аммо моҳиятга чуқурроқ разм солиб, бугунги шодумон кунларимизга ярашмай турган ҳолатларнинг илдизини очиб берадиган мақолалар, шулар юзасидан катта адибларнинг чиқишлари эълон қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Йил давомида “Жараён” рукнида ёшлар овози сифатида ижодкорларнинг журнал саволларига жавоблари бериб борилган. Уларнинг савияси турлича бўлса-да, бироқ бирор янги гап айтиш, ўзини безовта қилаётган кечинмалар билан ўртоқлашиш кайфияти борлиги билан манзур бўлди. Охирги, 6-сонда “Янги авлод овози” рукнида И.Фафуров, Қ. Йўлдошев, У. Норматов чиқишлари билан мавзуга яқун ясалган.

Шу сонда Абдусайд Кўчимовнинг “Сизни ўйлайман” бадиаси эълон қилинган. У ўзининг самимий руҳи билан ибратли, ўқувчига одамийлик сабоғини юқтиради. Муаллиф қаҳрамони

– Барот Бойқобиловни яқиндан билиши кўриниб турибди, шундай экан, таниқли шахснинг ички оламига яна теранроқ назар ташлаш имкони бор эди, негаки, бундай ўз эътиқодига содиқ одамлар тимсоли адабиётда жамият қиёфасини кўрсатишда қалит бўлиб келган...

“Жаҳон адабиёти” журналида “Нажот – ўзликни англашда”, “Парижни забт этган “Паризод”, “Мулоқот мавзуси маънавият” сингари чиқишлар; “Хива рўёси”, “Ииллар қанотида туғилган ўйлар”, “Онамнинг иси” каби таржималарда бадиий публицистик руҳ устувор. Истисно тариқасида бир гап – бадиий публицистика деганда, айнан ижтимоий ҳаёт масалаларига тааллуқли бадиий асарлар кўзда тутилмоқда. Аслида, журналларда илмий, фалсафий йўналишдаги, саналар, тарихга доир асарлар анчагина. Нима бўлганда ҳам, “Жаҳон адабиёти” журналининг энг яхши асарлар билан ўқувчиларни ошно қилиш борасидаги имкониятлари катта. Бугунги журналхон давомли эълон қилинган романни ўқимаслиги мумкин, бироқ бирор миллат маънавиятида сезиларли из қолдирган публицистикани, албатта, ўқийди.

“Саодат” журнали республикада ўз салоҳияти ва ўрнига эга нашрлардан бири. Журнални аҳолининг барча табақаси севиб ўқийди, у аллақачон кўпчиликнинг яқин дўсти, маслаҳатчисига айланиб улгурган. Утган йил ҳам журнал ўз анъаналарига содиқ ҳолда чиқишда давом этди. Саҳифаларида доимий равишда “Бош муҳаррир минбари”, “Аёл ва сиёсат”, “Истиқлол ва ёшлар” рукнларини ушлаб турган. Полиграфик ижро, безатилишида аёлларга хос дид, нафосатни сезиб олиш қийин эмас. Фақат фикр сифатида таъкидлаш мумкинки, масалаларга чуқурроқ кириб борилса, фақат кўзга ташланиб турган ташқи белгиларни қайчилаш, калтаклашдан қочиб, моҳиятга публицистик назар ташланса, шунда муаммонинг ечимини тезроқ топиш мумкин бўларди. Масалан, тўй-ҳашамлардаги кўп тоғоралар, бир-бирдан ўзида интилаётган аёллар гаплари, ҳамманинг оғриғига айланган эрта никоҳ ёки одам савдоси ҳақида, назаримда, “Саодат”гина тўлақонли ечимга кела олиши мумкин, яъни аёллар кўмагида салбий ҳолатларнинг илдизини топиб, уни қуритишга кўмаклашиши мумкин. Бунда аудиторияни кенгроқ олиб, шу ишларда “ташаббускор” бўлаётган табақа вакилларининг фикрини теранроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Республикада ёшларга алоҳида эътибор қаратилаёпти, уларнинг камол топиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Шу маънода “Ёшлик” журнали ўз ўрнига, мавқеига эга бўлиши, ёш санъаткорлар, олимлар, ижодкорларнинг бошини қовуштирадиган минбар бўлмоғи лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида журнал жамоаси олиб бораётган ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш баробарида, эришилган муваффақиятларни давом эттириш шарт, деб ҳисоблаймиз.

“Адиб хонадониди” рукнида берилган материалларда ижодкорнинг “дахлсиз” дунёсига киришга ҳаракат қилингани, уларнинг ҳам мамлакатнинг бир фуқароси сифатида ҳаммага таниш юмушлар билан яшаётгани, қувонч ва ташвишлари уйғунлиги қизиқарли ифодаланаётгани адабиётни халққа, халқни адабиётга яқинлаштириш борасида антик даврдан қолган талабларга ҳамоҳанглиги билан қадрлидир. Фақат масаланинг бир нозик томони – шу аснода кўплар учун сирли туюлган шоир ёки ёзувчининг шахси, турмуш тарзи жўнлашиб қолмаслиги, ўқиган кишиларда хира таассурот уйғотмаслиги лозим. Бу жуда нозик масала, шунинг учун бундай суҳбатларда мураккаб масалалар, чуқур фалсафий мушоҳадаларга кенг ўрин берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Китоб нашр этиш бўйича ўзига хос тажриба шаклланди, кўплаб публицистларнинг китоблари, ҳатто сайланмалари чоп этилди. Биз учун мамнун қиладигани, бу – истиқлол йилларида илк бора адабиётимиз антологияси яратилгани, “Озод Ватан саодати” деб юритилган замонавий тазкиранинг тўртинчи жилди айнан бадиий публицистикага бағишлангани бўлди. Қирқ нафар публицист ижодидан намуналар ва охирида уюшма кенгагининг раиси Аҳмадjon Мелибоевнинг умумлаштирувчи мақоласи билан босилиб чиққан китобни бир қур мутолаа қилсангиз, кўз олдингизда мунаввар бир камалак пайдо бўлади. Сараланган намуналар турли мавзуларда, ҳар хил услубда, бир-бирини такрорламайдиган пафос ва руҳ билан ёзилган, улар истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган оламшумул ишлардан мароқли ҳикоя қилади. Баъзи қайтариқлар, имло ва техник хатоларни истисно қилганда, бундай китобнинг нашр этилиши адабий ҳаётимизда воқеа бўлди.

Шунингдек, “Обод турмуш йили” муносабати билан амалга оширилган яратувчилик ишларидан ҳикоя қилувчи “Озод турмуш – обод турмуш” тўплами ҳам публицистикамизнинг салоҳиятини кўрсатишда кўзгу вазифасини бажарган.

Хуллас, ахборот замонида бизнинг миллий адабиётимиз, журналистикамиз ҳам ҳаракатда давом этмоқда ва уларнинг ўз тараққиёт тамойиллари, ўз йўли бор. Булар шаклланган қадриятларга, тажрибаларга асосланганлиги билан кишини қувонтиради.



**Абдулла ШЕР**

1943 йилда туғилган. Тошкент Давлат Университети журналистика факультетини тамомлаган. “Кўжам та-бассуми”, “Алёр”, “Атиргул сояси”, “Роз”, “Кўз ҳилоли”, “Қадимги куй”, “Нуқтадан сўнг”, “Тоқат”, “Ёнаётган йўл”, “Ёлғирлар оралаб”, “Сарбаст қўшиқлар”, “Севги олмоши”, “Севилмаган менинг севгим” тўпламлари нашр этилди. Шунингдек, у “Гул йиллар, булбул йиллар” номли шеърий ва “Асрларнинг асраганлари” насрий тўпламларининг муаллифи.



## ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА – ЮКСАК САНЪАТ

Шеърий таржима сўз санъатининг ўзига хос тури бўлиб, унинг предмети оҳангдор сўз ёхуд мусиқий сўзидир. Айти пайтда, шеърий таржимада фақат мусиқий (оҳангдор) алоҳида сўзлар эмас, балки оҳангдор сўзлардан ташкил топган муайян шеърий асар таржима қилинади. Шеърий асар деганда, биз, тимсоллар, рамзлар, ташбеҳлар сингари бадиий воситалар иштирокида муайян шоирона услубда яратилган оҳанг ва маром фонидаги руҳий-эмоционал манзарани тушунамиз. Шеърий таржимада бир тилда бунёдга келтирилган ана шу манзара иккинчи тилда қайта яратилиши лозим. Шу боис шеърий таржима, насрий таржимадан фарқли ўлароқ, шоир-таржимоннинг асари – бошқа бир муаллифнинг ижод маҳсули ҳисобланади ва у том маънодаги ижодий меҳнат бўлиб, истеъдод ҳамда санъаткорона маҳорат билан амалга оширилади. У, энг аввало, кўнгил иши. Таржимон эса, XIV асрда яшаб ўтган, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонини форсийдан ўзбекчага ўгирган буюк ўзбек шоир-таржимони Қутб Хоразмий айтганидек, “таржима қилинаётган асарнинг ошиғи, у ўз муҳаббатини ўзга борликда кўрадиган, унинг соғинчи олдида бошқа барча соғинчларни унутиб юборадиган ижодкор инсон”.

Ҳар бир шеърий таржима бир миллат билан иккинчи миллат орасидаги кўприк вазифасини ўташидан ташқари, таржима қилинган тилда сўзлашадиган миллатнинг билимини, қувваи ҳофизасини, эстетик савиясини оширишга хизмат қилиши лозим. Кўпинча, ана шу тамойилларга амал қилинади, лекин давр тақозоси туфайли таржимага “ижтимоий буюртма” тарзида ёшдашиш ёки уни ҳамённи тўлдирадиган восита, деб қараш ҳам мавжудлигини афсус билан таъкидлаш жоиз.

Биз юқорида шоир-таржимоннинг энг асосий вазифаси сифатида таржимада аслиятдаги оҳанг ва маром фонида берилган руҳий-эмоционал манзарани қайта яратиш, дедик. Усмон Носир, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов каби устоз таржимонлар ўзларининг аксарият таржималарида ана шу “қайта яратишга” эришганлар. Лекин машҳур таржимонларимизнинг ҳаммаси ҳам ва ҳамма вақт ҳам ана шу ижодий ишни нисбатан мукамал даражада бажара олганларми? Мана, биз ҳозиргина тилга олган машҳур таржимонимиз – устоз Миртемир қаламига мансуб “Руслан ва Людмила” (Пушкин) достонининг бошланишини олиб кўрайлик:

*Денгиз бўйи, ям-яшил чинор,  
Олтин занжир чинор тағида.  
Доно мушук тун-кун беқарор  
Айланади теварағида.  
Ўнега юрса – қўшиқ қўйлайди,  
Сўлга юрса – эртак сўйлайди...*

Бу сатрларга қулоғимиз ўрганиб қолган, ниҳоятда оҳангдор, маромли ва ёқимли. Лекин, афсуски, мазкур парчада руҳий-эмоционал ҳолат бор-у, аммо манзара мажҳул тарзда акс этган. Чунки унда бадиий мантик, формал мантик билан умуман боғланмаган. Таржимоннинг биринчи хатоси шундаки, аслиятдаги дуб – (эман ёки болут) чинор, деб

олинган. Ундан кейинги иккинчи сатрдаги (эман) чинор тагида ётган олтин занжирнинг ҳолати тушунарсиз. У узунасига чўзилиб ётибдими ёки ерда соат занжири каби уюлиб ётибдими ёхуд чинор танасининг энг қуйи жойига ўралиб ётибдими – аниқ манзара йўқ. Учинчи ва тўртинчи сатрларга келсак, яна савол туғилади. Мушук ниманинг тева-рагида айланади – чинорними, занжирними? Наҳотки, Пушкин шунақа мажҳул манзара-рани тақдим этган бўлса?! Яна бир савол туғилади. Мушук ниҳоятда барқарор ҳайвон, у ҳеч қачон беқарорлик аломатини кўрсатмайди. Кунлаб миқ этмай бир сичқонни пой-лаб ўтириши мумкин. Бунинг устига, тагин у доно бўлса. Уни беқарор деб сифатлаш ноўринлиги яққол кўринади. Энди аслиятдаги сатрларга мурожаат қилайлик:

*У лукоморья дуб зеленый;  
Златая цепь на дубе том:  
И днем и ночью кот ученый  
Всё ходит по цепи кругом;  
Идет направо – песнь заводит,  
Налево – сказку говорит.*

Кўриб турибмизки, Пушкинда манзара ниҳоятда аниқ: денгизнинг ёйланган қирғоғида ям-яшил эман дарахти ўсади. Бундай ёйланган жой одатда секин-аста чуқурлашиб боради, яъни унда сув парилари, алвастилар, турли хил инсу жинсларнинг денгиздан чиқиб келиши учун шароит мавжуд. Эманнинг устида, яъни унинг баланд шохи билан ерга қирган жойи ораллиғида бутоқларини оралаб олтин занжир ўтган. (Олтин занжирнинг ҳолати биз янги йилда ясаган арчамизнинг баланд шохларини оралаттириб, қоғоз лента билан ўраб қўйишимизга ўхшаш). Ана шу занжир бўйлаб доно мушук кун-тун айланиб юради. Ундан юрса, қўшиқ қуйлайди, чапдан юрса, эртақ айтади. Бу ўринда айлананинг ўнг-чапи бўлмаслигини ҳисобга олсак, томонни англатадиган сўзларни мушукка нисбат бериш керак, яъни жўналиш келишигининг эмас, чиқиш келишигининг қўшимчалари мақсадга мувофиқ: “ўннга” эмас, “ўндан”, “сўлга” эмас, “сўлдан”. Атоқли таржимонимизнинг нуқсонларини келтиришимдан мақсад шуки, шоир-таржимонларимиз жуда кўп ҳолларда ана шундай ўқувчини оҳанг билан алдашга ҳаракат қиладилар, аниқ кўз олдингизга келтиришингиз мумкин бўлган манзара яратишни шарт, деб билмайдилар. Буни бемалол шоирона касаллик, деб атаса бўлади. Бу касалликнинг асосий сабаби шундаки, шоир-таржимонларимиз кўпинча фақат шоирлик қиладилар, аслиятга жиддий ўқувчи сифатида ёндашмайдилар, ўрни келганда, матнга тадқиқотчи сифатида муносабатда бўлмайдилар – формал мантиқни менсимайдилар. Усмон Носир таржималарининг “Боқчасарой фонтани” (Пушкин), “Демон” (Лермонтов), Миртемирнинг “Русияда ким яхши яшайди” (Некрасов), “Шоҳ Иван Васильевич, навжувон ясовул ва азамат савдогар Калашников ҳақида қисса” (Лермонтов), Асқад Мухторнинг “Абул ало ал-Маърий” (Аветик Исаакян), Ҳамид Фуломнинг “Мицири” (Лермонтов), Эркин Воҳидов (Есенин), Муҳаммад Али (Бёрнс) таржималарининг муваффақияти шундаки, уларда таржимонлар аслият ёхуд восита тилдаги бадиий матннинг ичига кириб яшаганлар – шоир бўлиб, ўқувчи бўлиб, олим бўлиб, ошиқ бўлиб яшаганлар. Яъни мажкур таржималар учун таржимонлар жуда қаттиқ тайёргарлик кўрганлар. Ўз танлаган шоирлари асарларининг руҳини, услубини, улар яшаган замоннинг руҳини луғатини ва ҳ.к. жиҳатларини ўрганганлар. Ана шу ўрганишлар туфайли уларнинг таржималари муваффақиятли чиққан.

Ҳозирги таржимонларимизнинг аксарияти бундай узоқ давом этадиган қора меҳнатни ўзларига эп кўришмайди. Улар, иложи борича, кўпроқ таржима қилишга, сифатга эмас, сонга асосий эътиборни қаратадилар. Бундай ҳолатни ёш таржимонларимиздагина эмас, балки анча тажрибали, авваллари яхши-яхши таржималари билан танилган таржимонларимиз ижодида ҳам кўриш мумкин. Шу муносабат билан рус шеърининг сўнмас юлдузларидан Анна Ахматова қаламига мансуб бир шеърнинг икки таржимасини кўриб чиқамиз. Мана унинг аслияти:

*Память о солнце в сердце слабеет,  
Желтой трава.  
Ветер снежинками ранними веет  
Едва-едва.  
В узких каналах уже не струится –  
Стынет вода.  
Здесь никогда ничего не случится, –  
О, никогда!*

*Ива на небе пустом распластала  
Веер сквозной.  
Может быть, лучше, что я не стала  
Вашей женой.*

*Память о солнце в сердце слабеет.  
Что это? Тьма?  
Может быть!.. За ночь прийти успеет  
Зима.*

**Ойгул Суюндиқова таржимаси:**

Қуёшли хотира сўнаётир жим,  
Майсалар сарғиш.  
Қиш-қировли қунлар ушлайди қўлим,  
Гўё совуқ туш.

Тўлиб-тошиб оққан сувлар қайдадир,  
Музлик бепоён.  
Мўъжизалар қайтмас, дардларим оғир,  
Уйлар беомон.

Дарахтларнинг боши осмонда, шамол  
Куйлайди сўлим.  
Умр йўлдошингиз эмасман, малол  
Келмасин, жоним...

Қуёшли хотира сўнмоқда, нечун  
Зим-зиё олам?  
О, балки!.. Келишга улгурар бир тун  
Аёзли қиш ҳам.<sup>1</sup>

**Мирпўлат Мирзо таржимаси:**

Қуёш тафти сўниб борар юракда.  
Дала заъфарон.  
Илк қорга чулғаниб еллар эсмақда,  
Қораяр осмон.

Сойлардаги сувлар урмайди тўлқин –  
Муз қотган бу чоғ.  
Қушлар чуввос солмас, ҳорғин олар тин  
Яйдоқ, бўм-бўш боғ.

Толлар юпун-яланг – тўлиб ангизга  
Йўлга қарар зор.  
Эҳтимол, яхшидир чиндан ҳам – сизга  
Бўлмаганим ёр.

Қуёш тафти сўниб борар юракда.  
Бу не? Нечук иш?  
Балки, етиб келар шу кечада, ҳа,  
Қаҳрин сочиб қиш.<sup>2</sup>

Аслиятда мана-мана қор ёғиши қутилаётган, тобора совуб бораётган палла, қуёш ҳақидаги хотирани ҳам аста-секин сусайтираётган, заифлаштираётган қиш олди манзараси аниқ равшан ифодаланган ва у лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига мос: келаётган қишнинг нафаси қалбда совуб бораётган муҳаббатнинг бўрттириб кўрсатилишига хизмат қилади, Ахматованинг сўзлари, ташбеҳлари, оҳанги жарангдор, кескин ва ургули. Шу боис шеърда тасвирланган оҳангдор руҳий-эмоционал манзара ўқувчи кўз олдида бор бўйбасти билан намоён бўлади. Хўш, ана шу манзара ва уни тасвирлашда қўлланилган бадий воситалар иккала таржимон томонидан ўзбек тилида қай тарзда қайта яратилган?

Биринчи таржимада аслиятдаги заифлашиб бораётган қуёш ҳақидаги хотира “қуёшла хотира”га айланади. Ундаги қофия учун ишлатилган “жим” сўзи нафақат ортиқча, балки зарарли ҳам: хотиранинг сўниши аслиятда сифатлашсиз берилган. Сатрдаги ургу сўнишга қаратилган, таржимада эса сўниш эмас, жимлик биринчи ўринга чиққан, бунинг устига “сўниш” заифлашиш маъносини бермайди, биринчи сўз хатти-ҳаракатнинг тез орада тугагини англатса, иккинчиси, яъни аслиятдаги сўз унинг давомли эканини билдиради. Иккинчи сатр аслиятда кескин бўёқда берилган, сап-сарик, заъфарон, таржимада – сарғиш, Ахматовага хос кескинлик йўқолган, бўёқ суюқлашган. Учинчи, тўртинчи сатрлар эса умуман аслиятда йўқ. Бунинг устига, улар

<sup>1</sup> “Жаҳон адабиёти” журнали, 2013 № 3.

<sup>2</sup> “XX аср рус шеърини”, Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, Тошкент, 2010.

тушунарсиз, тўғрироғи, маънисиз – на бадий мантиққа, на формал мантиққа тўғри келади: қиш-қировли кунлар нима учун қўлни ушлаши керак? Қандай қилиб? “Совуқ туш” иборасининг мазмунга нима алоқаси бор? Иккинчи банд ҳам ҳеч қандай манзарани ифодаламайди. Нима учун музлик бепоён? Аслиятда сув “стынет”, “замерзает” ёки “мёрзнет” эмас. Банднинг иккинчи байтида эса, аслиятни эслатадиган ҳеч нарса йўқ. Учинчи банд ҳам бошдан оёқ бошқотирмага айланиб қолган. “Дарахтларнинг боши осмонда” – бу нима дегани, дарахтлар хурсандлигининг белгисими? Қандай қилиб қиш-қировли кунларда “шамол куйлайди сўлим?” Банднинг қолган ярмидаги руҳий ҳолат нафақат бандга, балки бутун шеърий матнга ёпишмайди. Ахматованинг изғириндаги тол тасвирига бағишланган ажойиб ташбеҳи йўқотилган, умуман тол ҳақида гап йўқ. Охирги бандда “зим-зиё олам”, “аёзли қиш” келиши ҳақида сўз боради. Мана сизга антиқа манзара: аввал қиш, муз, кейин сўлим шамол, ундан кейин яна аёз, қиш...

Умуман, биринчи таржима шеър сифатида ҳам бўш, ҳаваскор шоирнинг машқи даражасидаги назмбозлик. Иккинчи таржима, ҳар ҳолда, шоирнинг шеъри, лекин Ахматованики эмас. Унда қуёш ҳақидаги хотира тафтга айланади. Еллар қорга чулғаниб эсмоқда, яъни қор ёғмоқда. Қор ёғаётган бўлса, демак, изғирин эсиши керак, ел эмас – яна мантиқ бузиляпти. Иккинчи банддаги иккинчи байтнинг аслиятга алоқаси йўқ; қандайдир қушлар ва боғ ҳақида гап боради. Аслиятда учинчи банддаги изғиринда елпиғичга ўхшаб тебранаётган тол таржимада “ангизга тўлган толлар”га айланади ва негадир йўлга қарайди. Ангиз нима, эҳтимол анғиздир. Лекин анғизнинг толга қандай алоқаси бор? Шу банднинг иккинчи байтидаги маъшуканинг гапи нўноқ актёрнинг сохта декламациясига ўхшайди – ким шундай сўзлайди ёки ўйлайди? Биринчи таржимада таржимон шоир ҳам, таржимон ҳам эмас. Иккинчи таржимада таржимон – шоир, лекин у таржимон эмас. Яъни биринчи таржима на шеър, на таржима, иккинчи таржима эса – таржимадан кўра, яхшигина шоир Мирпўлат Мирзонинг ўртамиёна шеърига ўхшаб қолган.

Сўнгги пайтларда шундай таржималар пайдо бўляптики, уларда таржима қилинаётган шоир обрўсига таржимон эстетик дидининг пастлиги оқибатида жиддий пугур етказмоқда. Мана бу таржимани ўқиган ўзбек шеърхони улуғ рус шоири Александр Пушкин тўғрисида қандай таассуротга эга бўлиши мумкин:

Дўстлик нима?  
Тонги бошоғриқнинг енгил тўзони,  
Дилда қолган тугун эркин суҳбатдан.  
Иснодга ҳомийлик қилиш ҳар они,  
Бекорчилик, уриш лоф йўқ суҳратдан.<sup>3</sup>

Бу на шеър, на таржима, вазнга солинган ребус-бошқотирмадан бошқа нарса эмас. Таржима маълум маънода, музейга ўхшайди, фақат бошқа миллат вакиллари томоша қиладиган музей. Ундай музейларга одатда қахрамоннинг миллатига шараф келтирадиган байроғи қўйилади, бурун артадиган рўмолчаси эмас. Бу – таржиманинг асосий тамойилларидан бири.

Ушбу танқидий мулоҳазалардан ўзбек адабиётида шеърий таржиманинг савияси жуда паст экан, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Чунки мен юқорида айтиб ўтган нисбатан мукамал таржималар ва комил таржимонлардан ташқари ҳозирги кунда истеъдод ҳамда ҳалол меҳнат билан яратилган таржималар анчагина. Чунончи, Усмон Азим ва Хосият Рустамованинг Е.Евтушенкоддан, Мирпўлат Мирзо ва Икром Отамуроднинг Ўлжас Сулаймоновдан, Сирожиддин Саййиднинг Андрей Вознесенскийдан, Рустам Мусурмоннинг Александр Файнбергдан, Муҳаммадалари Қўшмоқовнинг чех, Тоҳир Қаҳҳорнинг турк шеъриятдан қилган таржималарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Лекин, очиғини айтсак, бугунги кунда нашриётлар, журналлар ва газеталар таҳририятларида мутахассис муҳаррир-таржимонлар етишмаслиги туфайли “вазн-туроғу, қофиясини келиштирсам бўлди-да”, деб таржима санъатини ғишт қўювчи мардикорнинг ишидан фарқ қилмайдиган касб сифатида тушунадиган, истаган мақомга йўрғалаб берадиган “таржимон”ларнинг руғи кўпайиб кетди. Шу сабаб, мен танқидга кўпроқ ўрин бердим.

<sup>3</sup> Александр Сергеевич Пушкин. Эсимдадир ажиб дам ҳали. Тошкент – “Ўзбекистон”, 2012. 111-бет. Э.Очилов таржимаси.



# ҶАСР

## Нортўхта ҚИЛИЧ

1946 йилда тугилган. Тошкент Давлат университетини тугатган. Унинг “Олпоқ тонг”, “Ёронгул”, “Мўъжиза”, “Чигириқ”, “Байрам”, “Илтижо” номли ҳикоя ва қиссалар тўпламлари чоп этилган.



## РУҲИЯТ МУСАВВИРИ

### Эссе

Раҳим ака билан ўтган асрнинг етмишинчи йиллари поёнида танишганман. Ва танишган кунларимдаёқ, нима учун эртароқ танимаганимга афсусланганман. Шунақа!.. Кейин то умрларининг охирига қадар ҳамиша суҳбатларига чанқоқ яшадим.

Иқрор бўлишим керак, ҳаётим давомида Раҳим акадай ҳақсўз, тиксўз, адолатпараст, миллат манфаати ва халқининг эртаси учун дил-дилидан куйинадиган шахсни қайта учратмадим.

Ушбу ёдномамни ёзмоққа чоғланаётиб, хаёлан бир неча сарлавҳани танладим: “Ўзбекнинг қадрдони”, “Даҳо рассом”, “Ўзимизнинг Раҳим ака”, “Руҳият мусаввири”...

Ниҳоят, кейингиси хийла маъқулдай туюлди... Бироқ анча вақт юрагим дов бермади: халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби ва энг муҳими, ҳамиша ва ҳар қандай қалтис лаҳзаларда ҳам эътиқодида собит туролган оғам ҳақида ёзиш мен учун осон эмас: ёзсам-у, шундай оғамнинг руҳи покини инжитиб қўйсам-чи?

Лекин ёзмаслик ҳам қиёматли армон, ахир!..

\*\*\*

Кўпчилик, ҳатто таниқли рассомлар ҳам билмасликлари мумкин: пойтахтимиз марказидаги қўшқаватли муҳташам кўрғазмалар саройи бевосита Раҳим аканинг сайъи ҳаракатлари билан бунёд этилган. Мана, ўша-ўша қирқ... йўқ, салкам эллик йиллардан бери тасвирий санъат асарлари кўрғазмалари саройида ўзбек рассомларининг асарлари мунтазам намоиш қилинмоқда; ўшандан бери бир неча ўнлаб навқирон истеъдодлар, – бугуннинг таниқли мусаввирлари машҳур ўзбек рассомлари сафига қўшилдилар; минг-минглаб ўзбек фарзандлари эса рассомлик санъатининг чинакам шайдоларига айландилар.

Машҳур рус ёзувчиси Фёдор Достоевский бир замонлар: “Биз – барчамиз, Гоголнинг “Шинел”идан тўкилганмиз”, деб ёзган экан. Худди шунингдек, назаримда, айна кунларимизнинг машҳур рассомлари – ҳамма-ҳаммаси муссабир Раҳим Аҳмедов мактабининг,

устоз Раҳим Аҳмедов меҳру оқибатининг асл парвардалари. Давримизнинг кўпгина машҳур рассомлари эса устознинг меҳрибонликлари шарофати билан уйли-жойли, дала-боғ ҳовлили, ҳатто қойилмақом устахоналию қўша-қўша машинали бўлганларини ҳали-ҳамон дилларида сўнмас бир ифтихор, туганмас бир миннатдорлик билан эслаётганларини ўйласам, халқимизнинг шундай куйинчак, шундай улуғ рассоми билан кадрдон бўлганимдан беихтиёр кўнглим яйраётганлигини ҳис этаман.

*...Раҳим Аҳмедовдай кўзи тўқ, кўнгли тўқ ўзбек; Раҳим Аҳмедовдай шогирд-парвар устоз; Раҳим Аҳмедовдай бетақрор рассома яна ўзбекининг пешонасига битармикан-а?.. – деб ўйлайман. Ноумид – шайтон!..*

\*\*\*

Раҳим ака бундан бир неча йил аввал эмас, назаримда, тобутларига кифтимни туптолмай қолганим ёки қабрларига бир ҳовуч тупроқ сочолмаганим учунми, куни кеча ёхуд бугунгина ўтгандек... Албатта-да, айролиқ аламини унутиш... Э, айтишга осон!

Лекин кўзларимни чирт юмсам, Раҳим ака ўтмагандек: ана, бемалол ҳасратлашим, ҳеч кимга айтолмайдиган аламларимни дoston қилиб, аллазамонлардан бери бошимни қотираётган жумбоқларга аниқ ва холис жавоб оладигандекман. Ана, айни топда ҳам оташин овозлари қулоқларим остида жаранглаётгандек:

– Эй, манга қаранг, Нортўхта!

Оғамдай кадрдонимнинг қуёш нурлари мўл-кўл ёғилгувчи кенг устахоналарида ҳам, ҳовлиларидаги ижодхоналарида ҳам жуда кўп асарларини узоқ-узоқ томоша қилганман. Ҳаммаси бир-биридан гўзал, бир-биридан таъсирчан. Бироқ "Меҳнатда ҳам аскарчасига" деб номланган асарлари менга бошқача таъсир қилган. Нима учун бошқача таъсир қилганлигини эса мен энди-энди англаб етаётгандайман.

Тасаввур қилинг: янги шудгорланган дала. Палахса-палахса ағдарилган, нам ҳиди, бўлажак мўл ҳосил ҳиди димоққа гупуриб уфураётган бепоён даладан шитоб одимлаганча, яқиндагина хизматдан қайтган бир аскар, олис-олисларга хаёлчан тикилган кўйи илдам борапти. Аскарнинг чап елкасига ташланган аскарча пахтали камзулининг илмагидан бош бармоғи ўтказилган, бошида аскарый шапкаси, эгнида гимнастёрка, оёғида кирза этик... Аскарнинг бору борлигидан шахду шиддат ёғилаётганини, айниқса, кўзларида хаёлчан бир қатъият чақнаётганини тасвирий санъат мухлислари бир қарашдаёқ англайдилар. Вужуд-вужудидан куч-ғайрат кўпираётган навқирон аскар ўша боришида, албатта, тоғни талқон, даштни бўстон қилажаги муқаррардек!

*...санъатда ишонтира олиш – санъаткорнинг бебаҳо ютуғи. Эргаштира билиши даҳликдир.*

Агар менда ихтиёр бўлганида, мамлакатимизнинг гавжум майдонлари ва серқатнов чорраҳаларининг энг кўзга кўринадиган жойларига халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг ана ўша – ҳар қандай танбални бунёдкорликка, ҳар қандай боқибегамни ватанпарварликка чорловчи "Меҳнатда ҳам аскарчасига" номли асарини катта-катта қилиб осдириб қўйдирган бўлардим.

Юқорида ёздим: кўзларимни чирт юмсам, кўз ўнгимда Раҳим акани аниқ-тиниқ кўрадигандайман, деб. Шундай! Раҳим аканинг меҳнаткаш Аскарлари ҳам менга унинг мусаввири каби кадрдон. Эсласам, ўйласам, дам Раҳим акани, дам Аскарларини равшан кўраётгандай бўлавераман. "Меҳнатда ҳам аскарчасига" асарларини Раҳим ака навқирон рассомлик йилларида яратган. Ўзи эса иккинчи жаҳон урушида қон кечган жангчи. Умр бўйи беомон жангдаги жасур бир жангчидай бунёдкорлик ишқида, адолат ишқида ёниб яшагани шундан. Марк Аврелий Антоний ёзган эканки, ҳаёт – уруш; тасодифан ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч нима қилмайди.

\*\*\*

Раҳим аканинг кенг, нурафшон устахонасида бошлаб қўйилган, лекин ҳали-ҳозирча тугалланмаган бир неча асарлари бўларди: натюрмортлар, портретлар, манзаралар...

Раҳим ака натюрморт устаси сифатида нафақат ўзимизда, қатор чет элларда ҳам машҳур. Натюрмортларида сариқ гулларни усталик билан жилолантира олганига ва сариқ рангни ажабтовур товлантириб-туслантираётганига бир неча бор ўзим гувоҳ бўлганман, айниқса, сариқ гулли натюрмортларини кўрсангиз, унинг ёқимли хидини димоғингизда туяётгандек, нозик, нафис япроқларининг рангин жимир-жимирдан баҳри дилингиз яйрайди.

...Менинг портретим ҳам бошлаб қўйилган, лекин тугалланмаган асарларидан эди. Унинг тўла ниҳоясига етиши, чамаси, олти-етти ойлар давом этган.

Тан олишим керак, портретимнинг бошланиши – илк кўриниши менга... Яшириб нима қилдим: одам ўз кўнглини алдаёлмайди-ку!..

Мен табиатан қувноқ...дайман. Лекин аслида эса... Йўқ, ундай эмас, ичдан – дил-

дилимдан хийла ўйчан, ҳатто бир қадар... ғамгинроқман. Менинг бунақалигимни ҳаммаям билолмайди: аслида, руҳан қанақалигимни билдиргим келмайди. Менинг хийла ўйчану бир қадар ғамгинлигимнинг бировларга нима қизиғи бор.

Ака-укадай ҳамфикр, энг яқин сирдошлардай ҳамсуҳбат бўлиб юрган кунларимизнинг бирида, дабдурустан Раҳим ака:

– Менга қаранг, Нортўхта! – деди. – Мен сизнинг портретингизни ишламоқчиман. Вақтингиз бўладими?

Тушдан кейинги пайт эди.

Оромкурсиларда ястаниб, дунёсининг ўткинчилиги ва чин санъаткорнинггина боқийлиги ҳақида сўйлашиб чой ичаётган эдик.

Устахонада Чори деган бир шогирди ҳам бор эди.

Мен шартта қаддимни тиклаб:

– Майли, – дедим. – Вақт... топамиз.

Портрет нари борса бирор ҳафта, ўн кунларда битар, деб ўйлаган эдим. Лекин ўша куни кўмирда портретнинг тархигина чизилди, холос.

– Чарчадингиз, – деб Раҳим ака ҳамон тугалланишини кутаётган "Гулдаста"си томонга жилди.

Эртаси тагин айни ҳолат такрорланди.

Мен эсам ҳайрон бўламан: наҳотки, шундай рассом бир зарбда бир портретни чизолмаса-я?!

Хуллас, бирор ўн кунларда портретнинг юз ҳамда кўкрак қисми ғира-шира кўрина бошлади.

"Қаҳрамон"нинг яхлит кўриниши матода тўла акс этмоғи учун Раҳим ака айтганидек, яна қарийб ўн кунлар бир-бир ярим соатдан қилт этмай ўтирганман.

Кейинчалик чала-ярим битаёзган портретимга узоқ-узоқ тикилганимда, беихтиёр таажжубланаверганман: негадир ранглар, бўёқлар ёрқин эмас. Менинг ўзимга хос – гоҳ юзаки, гоҳ алдамчи қувноқлигимдан бирор-бир асар йўқ.

*...асли одамзоднинг феъли қизиқ-да, аслидагидан кўра яхши кўрингиси келаверади. Бари ёлғонларнинг илонбалиқдай урчишининг боиси эса шундан.*

Мен кутган эдимки, "қаҳрамон"ни томоша қиладиган тасвирий санъат мухлиси, ҳеч бўлмаганда, Леонардо До Винчининг "Жаконда"си каби лабини лабидан узмай жилмаяди; ва кўнглини қувончбахш бир эминлик, ўйчан бир майинлик чулғайди. Тобора битаётган портрет эса... Йўқ, унақа эмас.

*...нима учун, ахир?!*

\* \* \*

Бир куни, хуфтон маҳали телефон жиринглади.

Янглишмасам, хотиним дастакни олдию, салом деб, сўрашмаёқ, менга узатди.

Дастакни қулоғимга яқинлаштираётиб:

– Ассалом алайкум, – дедим.

У ёқдан ҳовлиққанроқ бир эркакнинг:

– Эшитдингизми? – деган овози эшитилди. – Раҳим Аҳмедов ўтипти!

Бирдан товага тушган жиззадай куйиб:

– Ё, Худо-о! – деганча ёқамни ушладим. – Шундай одам-а?! Қачон?

– Эртага пешинда чиқаришармиш.

Кейинги жумлани айтаётганида, кўнғироқ қилган одамни таниб қолдим: Раҳим аканинг ўзлари!

– Э, ўлманг-э, Раҳим ака! Шунақаям ҳазил қиладими? Юрак-пурагимни ёрвордингиз-ку!..

– Эй, манга қаранг, Нортўхта! – деди Раҳим ака гапни чўрт кесиб. – Қўлининг озроқ чаласи бор.

– Тушундим, Раҳим ака!

Тагин бирор ҳафта устахонага қатнадим. Ўша кунларда "чала" баҳона роса гурунглашганмиз. Раҳим ака эса, қўлдан ҳам кўра, кўпроқ кўз ва юздаги ифодаларни ҳамда "қаҳрамон"ни қуршаган ранг ва бўёқларни янаям бўрттирган.

Ахийри, навбатдаги боришларимдан бирида, Раҳим ака:

– Портретингиз битди, Нортўхта, – деди, "қаҳрамон"га дам узоқдан, дам яқиндан тикилиб-тикилиб. – Лекин барибир, қўлда яна озроқ чаласи қолди.

Мен ишонмадим. Гоҳ ёнидан, гоҳ рўпарадан қайта-қайта қўлга разм солдим: назаримда, қўл оддий томошабиннинг хаёлига келмайдиган маънолар юкланган даражада мукамал эди.

– Яхши-ку! – дедим.

– Менинг кўзим билан қараш керак, – деди Раҳим ака. – Уни, ҳатто мана ман деган

рассом ҳам кўра олишига ишонмайман... Майли, ҳозирча бўлади.

Лекин портретдан мен кутган ҳайрат – тўғрироғи, мен кутган даҳшат орадан яна анча йиллар ўтганидан сўнг рўй берди. Уша кун, ўша ҳолатим ҳали-ҳамон ёдимда.

\* \* \*

Орадан кўп йиллар ўтди.

“Чала” ҳақида Раҳим ака бошқа эслатмади. Мен эса қайта сўрамоққа истиҳола қилдим.

*...шундай қадрдоним-а!..*

Ушанда баҳорнинг сўнгги ҳафталари бўлса-да, айни ёзнинг илиқ-иссиқ кунларидай ёруғ эди.

Раҳим ака устахоналари эшигини очиб, саломимга алиқ олар-олмас:

– Яхшимисиз? – дедию, чаққон изига қайтди.

Мен кўнглим бир нимани сезаётгандек, эшикнинг илмагини шошилич ўтказиб, илдам изидан эргашдим. Нимёруғ даҳлиздан чиқаётиб, кўраётганимга ишониб-ишнолмай, ажабтовур ҳайратдан донг қотиб, тўхтадим: мен бунақасини бир замонлар кўрган эдим – етти иқлимга машҳур Эрмитажда!..

Раҳим аканинг устахонаси икки хонадан иборат. Кираверишдагиси маҳобатли ором-курсилар қўйилган тўрдагисидан ихчамроқ. Лекин тушдан кейин, куёш баланд томлар ошиб ўтганидан сўнг, ихчамроғи анча ёруғ бўлади.

Ихчамроқ хонанинг тўрдаги деворига тақаб қўйилган дастгоҳда узунлиги икки газдан мўлроқ, эни бир ярим газча келадиган матода мен айни мўъжизанинг ўзини кўраётган эдим.

*...шундай: Уни бошқача аташ... бошқача баҳолаш инсофдан эмас. Шунақа!.. – деб ўйлайман, ҳамон айни мўъжизадан кўзларимни узолмай. – “Чўмилаётган Диана”нинг гўзаллиги манавининг – роҳатихоннинг ҳусни таровати олдида... пуч ёнғоқ-да!..*

Нима учун боя Раҳим аканинг шошилич изига қайтгани сабабини англагандай бўлдим: арзандасини яширмоқчи бўлган.

*...йўқ, қизганган. Ёки?..*

Ана, қўлларида, катта оппоқ чойшаб, лекин улгуролмади... Қошлари хиёл чимирилган. Бир арзандасига, бир менга – ҳайрату ҳаяжонидан тобора кўзлари каттайиб, тобора энгаҳи сўлжаяётган томошабинга қараб, раҳми келди чоғи, чойшабни чеккага қўйди. Ниҳоят, бемалол томоша қилаверишим мумкинлигини билиб, мен дастгоҳ рўпарасидаги курсига ўтирдим.

Раҳим ака оромкурсига чўкиб, сигарет тутатди.

Раҳим аканинг “Хаёл сураётган она”, “Қўшнаичи”, “Тонг. Оналик бахти” асарларига тикилганингиз сайин, тобора ҳайратингиз ошиб тикилганингиз келаверади. Уларнинг ҳар биридаги руҳият тасвирининг тиниқлиги, сермаънолигидан ҳам кўра, дардқашлиги, жозибаси, умидбахшлиги сизни ўзига ром қилаверади. Ва сиз дил-дилигиздан маънан улғаяётганингизни, шунинг баробарида, кўнглингиз бойигандан бойиётганини янаям теранроқ ҳис этиб, беихтиёр энгил энтикасиз.

Ҳеч муболағасиз, ҳар учала портрет ҳам ўз миллийлиги, ўз умрбоқийлиги билан муборак исми шарифи катта ҳарфлар билан битилгучи рассом Раҳим Аҳмедовнинг шоҳ асарларидан. Айниқса, яралган кунидан бери тасвирий санъат усталарию гўзаллик шайдолари тилида дoston бўлаётган “Тонг. Оналик бахти”.

Мана, манави роҳатихон мўъжиза эса нафақат Раҳим аканинг ижодида, балки миллий мусаввирлигимиз тарихида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, мутахассислар ибораси билан айтиладиган бўлса, айни ҳодисанинг ўзи... Кўнгиллари алғов-далғов қилворадиган уста мусаввирнинг чинакам тантанаси.

Тасаввур қилинг: авжи саратоннинг сокин бир туни. Алламаҳал. Қилт этган шабада йўқ. Ҳаво дим. Тўлиқ ой эса еру кўкни эмас, манави ишком остидаги картда ором олмаққа чоғланаётган роҳатихонни мўл-кўл ойдin нурлари ила сийлагани осмон гумбазида тек қотгандек!..

Мен “Чўмилаётган Диана”ни беҳуда эсламадим.

Агар онадан туғилгандай бўлиб тунги оромга чоғланаётганини ҳали-замон кимдир-бирор кўриб қолишидан таҳликаланганча, момикдай аъзойи баданини оппоқ чойшаб билан ёпишга тараддудланмаганида эди, мўъжиза – мўъжиза эмас ва У биздан бўлмас эди.

*...шундай: роҳатихоннинг кўзларидаги таҳлика ва қўлидаги чойшаб – мусаввир даҳолигининг ёрқин бир ифодаси, – деб ўйладим, бояги-боягича роҳатихондан кўзларимни узмай... узолмай. – Чиндан ҳам, Раҳим ака руҳиятнинг чинакам зарғари-е! Миллий тасвирий санъатимиз оламининг нафақат толмас куйинчаги, балки... Ўлманг-э, Раҳим ака!..*



- Нима деб ном кўйдингиз?
- Ҳали кўйганимча йўқ.
- Нима деб кўймоқчисиз?
- Билмадим.
- “Тўлин ой оғушида” деб кўйинг.

Раҳим ака қошларини чимириб:

- Нима-а? – деди.

Гарчи, ўзимга у қадар ёқмаётган бўлса ҳам, яна такрорладим.

Раҳим ака индамай, тагин сигарет тутатди.

Билдимки, ёқмади...

Агар асар меники бўлса, мен, албатта, шоирона “Гўзаллик мадҳияси” ёки “Гўзалликка мадҳия”, деб атаган бўлар эдим.

*...тўғри-да, аёл ўзи шундоқ ҳам гўзаллик тимсоли. Манави роҳатижондай мўъжизага эса ҳар қанча ҳамду сано ҳам кам.*

Туйқис, Раҳим ака:

- Аёлнинг энг чиройли аъзоси қайси? – деб сўради. – Биласизми?

*...кўзи, – деб ўйладим, жавоб беришга шошилмай. – Сочи... лаблари... яна... оёғи...*

*Хўш?..*

– Кўли, – деди Раҳим ака, жавобимни кутмай ва такрор таъкидлади. – Аёлнинг энг чиройли аъзоси – кўли.

Буни менга ҳаётнинг ачиқ-чучугини хўп тотган, пасту баландини яхши билган шунчаки бир эркак эмас, йўқ, етмиш йиллардан бери рассомликнинг машаққатли нонини чин пешона тери билан топаётган устоз мусаввир, роса эллик йиллардан бери бўлажак рассомларга мусаввирлик сир-синаотидан сабоқ бераётган профессор айтмоқда эди.

Ялт роҳатижоннинг кўлларига қарадим: сўлқим мушаклари... биққи билаклари... хиёл тўла-тўқ бармоқлари... бари бир-биридан жозибали, бир-биридан ёқимли.

*...ана, гўзал-э!.. – деб ўйладим. – Нусхакашлик – делитантнинг, олди-қочди воқеанавислик – ёзғувчининг иши; санъаткорнинг эмас.*

Кутилмаганда, Раҳим ака:

– Мана ман деган рассом ҳам, кўп эмас, битта яхши асарининг ҳисобига кун кўрар экан, – деди.

Бундай ғалатиноқ гапдан мен ҳайрон қолдим: қизиқ-ку!

– Шогирдларим жуда кўп элчиларга “Оналик бахти”дан нусха кўчириб бердилар, – деб давом этди Раҳим ака. – Бари савдолашмай, айтганимни беришди.

Раҳим акани салкам ўттиз йиллардан бери биламан. Ҳеч қачон мақтанганини кўрган ё эшитган эмасман. Бирор бир донгдор шоир ёки ёзувчи, ё арбобчалардан бирови бўладими, дангал: “Йўқ, мен сиз билан кўришмайман: фалон йиғинда ёлғон гапирдингиз... Кеча телевизорда сиз маддоҳлик қилдингиз!” дейдиган одам...

*...нима, мақтанмоқчимиз ё айни ҳақиқатни таъкидлаётимиз? – деб ўйладим. – Бугун – давр бошқа, даврон бошқа. Наҳотки, нуқси урган бўлса?*

– Франция элчиси “Оналик бахти”нинг нусхасига келганида, манави янги ишимни кўриб қолди, – деди Раҳим ака, момикдай аъзойи баданини таҳлика ичра ёпишга чоғланаётган роҳатижонга ишора қилиб. – Агар: “Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулудда элчиси мьсё фалончига жаноби рассом фалончидан”, деб асл нусхасига дастхат ёзиб берсангиз, айтган нархингизни тўлашга тайёрман, деди... Майли, тугатай, кўраимиз, дедим. Дастхат ёзиб берилса, чегарадан бемалол олиб ўтолади-да!..

*...йўқ, бу асар асл ҳолида – миллат фахри, халқ мулки бўлиб қолиши керак, – деб ўйладим, рости, куйинчакликдан ҳам кўра қизғанчиқлик билан. – Раҳим ака уни сотмайди. Сотмаслиги керак.*

Асло сота кўрманг, Раҳим ака, деёлмадим. Лекин:

- Нима, сотмоқчимисиз? – деб сўрадим, ниятини билгим келиб.

Раҳим ака саволимга дарҳол жавоб бермади. Янгитдан сигарет тутатгач, оғзидан, бурнидан баравар тутун бурқситиб:

- Сиз ўзингиз нима қилган бўлардингиз? – деб сўради.

Мен Раҳим аканинг кўзларига тик қараб, бурро:

- Сотмаган бўлардим! – дедим.

Лекин Раҳим ака сотиш-сотмаслик ҳақидаги фикрини менга рўй-рост айтмади.

Ҳозиргидай ёдимда: яна бирор ҳафталардан сўнг борганимда, дастгоҳнинг бўм-бўшлигини кўриб, бирдан шилиниб кетгандай юрагим ачишган эди.

- Қани У?..

Раҳим ака, чарчаганмикан, юз-кўзларини сийпалаганча, тўрдаги хона сари бошлаётди:

- Сотдим, – деди. – Менинг ҳам яхши яшагим келади, Нортўхта!..

Ўша лаҳзалардаги гаплари оҳанги, мана, айни чоғда ҳам кўксимни жизиллатаётир. Лекин тўғриси, шоҳона яшашга тўла ҳақли эканлигини билсам-да, “Тўлин ой оғушида”ги гўзални сотворганига ўшанда ҳе-е-еч ишонгим келмаган.  
...албатта-да!..

\* \* \*

Раҳим аканинг 90 йиллигига бағишланган кўргазмасига бораётганимда, аллазамонлардан бери ўзим кутган... лекин унутилаёзган бир ҳайратга ҳадемай юзма-юз бўлишимни билмас, ҳатто хаёлимга ҳам келтиролмас эдим.

Янги муҳташам галереянинг атрофи айни байрам кунларидаги каби гавжум.

Рости, мен бунақасини кутмаган эдим: ҳамма, гўё ўз асарлари кўргазмага қўйилгандек, ҳаваскор бир рассом каби ҳаяжонда.

Лолақизғалдоқдай ловуллаган гилам пояндоздан юриб, галереяга кирдим. Томошабин ғиж-ғиж. Лекин ҳаммаёқ жим-жит. Деворларга осилган юзлаб... катта-кичик, бетакрор... беназир лавҳалар, айниқса, натюрмортлар, портретлар рўпарасида бир-бирдан зукко, бир-бирдан иштиёқманд мухлислар; бари ҳайрат ичра теран хаёлга чўмган.

Биз биламизки, Раҳим ака натюрморт ҳамда портрет яратишнинг сиру синоатини заргарона эгаллаган уста рассом эди. Раҳим аканинг яратган юзлаб натюрмортларию портретлари ҳақида давра-давраларда ҳали-ҳамон қизгин эътироф ва баҳсларга гувоҳ бўлаётганлигимиз шундан.

– Нортўхта, сизга айтсам, юзлаб яратган картиналаримдан ташқари, минг-минглаб эскизларим бор, – деган эди бир гал Раҳим ака, мустақиллигимизнинг илк йилларида бот-бот кўнглидан кечаётган орзулари ҳақида гапириб. – Ўрол аканинг, Абдулҳақ Абдуллаев, Рўзи Чориевнинг картиналари бирин-бирин талон-тарож бўлаётганмиш... Насиб этса, ўзимнинг бир ажойиб кўргазмалар саройимни қурмоқчиман. Унинг отини – Галерея, дейдилар.

Шунақа, Раҳим аканинг нияти бўйича, галереяда халқ суйган рассомнинг минглаб қоралмаларию асл асарлари мунтазам намойиш қилиниши; тасвирий санъат мухлислари етук асарлардан завқ олишлари; юзлаб ҳаваскорлар бебаҳо эскизлардан мусавирлик сир-синоатларини узлуксиз ўрганишлари керак эди.

Афсуски, Раҳим аканинг орзулари амалга ошмади. Аммо устоз рассомнинг ардоқли картиналари тугул, биттаям хомакилари – эскизлари талон-тарож бўлмади: чунки уларнинг бари ишончли қўлларда. Катта қизлари Элмира фалсафа фанлари билағони – фан номзоди, кичкина қизлари Нигора санъатшунослик фанлари доктори, профессор. Мана, 90 йиллигига бағишланган тантананинг ҳам ташаббускорлари, ташкилотчилари санъатшунос Карима аямизнинг (раҳматли фариштадай аёл эди) тарбияси, сабоқларини олган қизлари.

...яхши-да!.. *Ота ишининг асл куйинчаклари, қани эди, бошқа оталарга ҳам насиб этса?*

Биринчи қават ҳаддан ошиқ гавжум бўлганлиги учун, секин иккинчи қаватга кўтарилдим.

Кўрдимки, томошабин-мухлис биринчи қаватдагидан кўп бўлса кўп, лекин кам эмас.

Бир-бир томоша қила бошладим: асарларининг бир хилларини ҳовлисидаги ижодхонасида, баъзиларини эса устахонасида кўрганман. Кўп маротаба!.. Ҳали-ҳамон ҳар гал янгича завқланаман... Ана, “Хуршида”! Сочлари қирққокил ўрилган. Эғнида энглар, этаги узун кўйлак. Кўзлари!.. Кўзларидаги ўзбаки ҳаё, ибo; катта ҳаёт остонасига қадам қўймоққа чоғланаётган қизнинг кўзларидаги ёрқин бир ҳадик...

...ўзи бир дунё. *Ўзи бир!*..

Мен Хуршидани танимайман. Лекин у менга ўзимнинг синглим... опам ё қизимдай азиз... Отасини яхши танийман. Беш... олти йиллар аввал, балки кўпроқдир, онасининг жанозасида қатнашганман. Ўшанда... Хуршида онасини сўнги сафарга кузатиб қўймоққа дунёнинг бир чеккасидан – океан ортидан етиб келмаганлигини... келолмаганлигини эшитиб, беадад кўксим куйишгани ҳали-ҳамон ёдимда.

Ўша мотамсаро кунларни эслаб, “Хуршида”нинг кўзларига ўйчан тикиламан: қаро кўзлар менга сўнгсиз бир ҳасратни сассиз-садосиз сўйлаётгандайлиги хаёлимдан кечаётиб, беихтиёр юпатгим келади. Ва: “Дунёсига ёлғиз келгансан, ёлғиз ўтмоқ қисматингдир, Хуршида, деб ғамгин шивирлайман. – Чидагин, болама-а, чидагин!..”

Ўша асно, хийла нарироқда бир гала ёш-яланг йигитларнинг қизиқиб, ҳаяжонланиб бир асарни томоша қилаётганларини кўриб қолдим. Ва беихтиёр ўша томонга жилдим. Секин яқинлашаётиб, кўзларимга ишонмай, аста қўлларимни кўксимга босдим.

...хайрият! – деб ўйладим. – *Сотдим деганлари – одатдаги ҳазилларидан бири экан-да!.. Улмане-э, Раҳим ака!..* – Энди менинг ҳаяжоним-ҳайратим, севинчим ҳар қачонгидан ҳам чексиз эди. – *Ахир, ўзбегим шундай умрбоқий, шундай бебаҳо бир*

мулку меросга эга бўлиб қолди-ку!.. – Мен ҳаяжонимни ичимга сиғдиролмай, хаёлан кўнглимда шодон қарсак чалмоқда эдим. – *Яшасин яхшилар, яшасин оқибат!..*

Томоша қила-қила, ниҳоят, бебаҳо хазинани топган... тополган граф Монте Кристодай суюна-суюна, хаёлчанлик билан биринчи қаватга тушдим.

Ҳамон биринчи қават гавжум, ҳамон мухлислар ёғилиб-ёпирилиб келмоқда эдилар.

Юқорида таъкидладим: асарларининг ҳар бири ўзича бир дунё. Қайта-қайта томоша қилганингиз сайин, янгитдан ўзингизча нималарнидир кашф этиб, завқланаверасиз... завқланаверасиз.

Ана, “Шафтоли гуллаганда”ги каби ўз ҳовлимдагидай азиз манзараларни, олмалар ҳиди, гуллар ифори уфураётган янглиғ ранг-баранг натюрмортларни бир-бир томоша қилаётиб, ногоҳ, худди илк маротаба “Тўлин ой оғушидаги гўзал”ни кўраётганимдагидек, йўқ... ўша лаҳзалардагидан-да қизгинроқ бир ҳаяжон аллақачон бору борлиғимни чирмаган эди: рўпарамда ўзимга ўхшаган... Йўқ-йўқ, айнан ўзим... ўзим!.. Кўринишдан ёшим қирқ... қирқ бирларда. Лекин ич-ичдан – кўзларимнинг туб-тубидан таралаётган теран бир ўйчанлик, юзларимдаги хиёл маъюс, шунинг баробарида, хели хотиржамлик ифодалари, атрофимни қуршаган ранг ва бўёқларнинг хийла қуюқлиги... йўқ, бошқача... бошқачалиги ҳаяжонимни оширгандан-ошириб, мени ҳайрону лол қолдирмоқда эди. Гўё мен юз йилларни яшаб қўйганман-у, яна ёлғончи дунёсида субутсиз ва кўзбўямачи такаббурларга урила-туртила минг йиллар яшайдигандайман!.. Моҳиятни – ўша кунлар ва ўша лаҳзалардаги руҳий кечинмаларимдаги ақл бовар қилмас нозик тебранишларни мусаввирнинг бекаму кўст англаёлганлиги, орадан ўттиз йиллар ўтганидан кейинги, мана, айни кунлардаги беқарорлигимга жуда... жуда уйғуну уйқашлигини ойнадаги аксим каби бу қадар равшан тасвирлаёлганлигига қойил... Э, қойил ҳам гапми, иймон келтирмоқда эдим.

*...даҳшат-ку!* – деб, беихтиёр дил-дилимдан шивирлайман. – *Раҳим ака... Раҳим ака!..*

Ва ногоҳ бир ривоят ёдимга тушади: бир гала мусаввир, машҳур бир рассомнинг устахонасида кимнинг зўрлиги ҳақида қизгин баҳслашаётган эканлар.

Бир маҳал, мусаввирлардан бирининг муздайгина сув ичгиси келибди.

Ана ўшанда рассом балдоқли пиёлани ошнасига узатиб:

– Ана, булоқ бўйига боргин-да, қониб ич, – дебди. – Кружкани тўлдириб қайтишни нутма!

Ҳаял ўтмай, мусаввир ортига қайтибди.

Қарасалар – балдоқли пиёла бўм-бўш.

– Ҳа, нега сув олиб қайтмадинг?

– Э, бир ит ўлиб ётган экан!..

Ҳеч ким ишонмай, ҳаммалари гувва ўринларидан туриб, булоқ бўйига борибдилар.

Чиндан ҳам, билқиллаб сув отилаётган булоқ бўйида, зилол ҳовузчада бир ит ўлиб ётган эмиш.

Ниҳоят, энди, азиз ўқувчим, ривоятдаги рамзлардан хулоса чиқариш – ақлу заковатингизга ҳавола.

Бироқ бир ҳақиқатдан сизни воқиф қилмоқлик – менинг вазифамдир: аслида, булоқ – булоқ эмас, рассомнинг аслидагидан-да гўзалроқ қилиб яратган “Булоқ” деб аталмиш асари экан.

Ҳўш, қойилмисиз?!.

Ўзимизнинг Раҳим ака ҳар қандай инжиқ томошабинни ҳам, мана ман деган расомни ҳам ўзининг чинакам мухлисига айлантира билган улўф рассомларимиздан. Шунақа!..

Бинобарин, яқиндан кўрингани эмас, узоқдан кўринган тоғ – тоғдир.



## БҮЛОҚ КҮЗ ОҶДИ



### Адиба ТҶХТАСИНОВА

1990 йилда туғилган.  
Наманган Давлат уни-  
верситети талабаси.  
“Бахт сурури”, “Қалб  
изтироблари” шеърӣй  
тўпламлари муаллифи.

## НАМАНГАН ЁШЛАРИ ИЖОДИДАН

### Бахтлимиз

Шундай кунлар келади бир кун,  
Бахтлар орзу қилади мени.  
Ой ярақлаб қуёш бўлган тун  
Оқиб кетар армонлар сели.

Ҳижроннинг узилган торини  
Етар, энди қўлимга олмам.  
Армонларни ёдга солувчи  
Вайронадан кетарман, қолмам.

Ғам музлиги эриб кетади,  
Қулгичимга шодликлар ботар.  
Сўнмас меҳр алла айтади,  
Муҳаббатдан яираб тонг отар.

Армоннинг кўчаси бегона,  
Қадамларим бўстонда энди.  
Ота, кўринг, бир боқинг, она,  
Орзуларим бахт қасрин қурди.

Бизга мумкин фақат севинмоқ,  
Меҳр чашимасидан сув ичиши.  
Аламларни унутиб, унмоқ  
Ва улардан буткул воз кечиши.

Биз бахтлимиз, бахтдан масрур, шод.

### Ширин ёлгон

Кўзинг кўзларимга қуёшдек порлаб,  
Ишқни томиримга томизиб кетди.  
Висолинг кўнглимни рақсга чорлаб,  
Ҳижрон тўлқинини оқизиб кетди.

Яшашни ўргатди ўша қадамлар  
Ва яна яралди ёлгонга замин.  
Қўл урилган хато, сўнгра аламлар,  
Кечиргин илоҳим, илоҳи омин!

Илтижога сабаб бу жуфт қароғлар,  
Қувгин қилгим келар юракдан ишқни.  
Аммо элчи каби сариг япроқлар  
Пойимга бош уриб эслатар ишқни.

Согиндим, кўзларда ўзимнинг аксим,  
Нафасим чиқсайди бўғзимдан титраб.  
Ўзимдан қизғониб келсайди рашким,  
Етсам висолингга кунларни санаб.

*Афсус, сўнггисийди у ширин азоб,  
Қайтмас илк хатою қайтмас илк ёлгон.  
Ҳижрон чангалидан юрагим зардоб,  
Томиримда оқар ўша ишқли қон.*

**Мурод ТУҒЁН**

**Чучмомагинам**

*Неча тун қошингга келмадим мутлақ,  
Араздан кўзларинг бўлмадимми нам?  
Унутиши ҳисларинг ўзга дилларга  
Боғлаб қўймадимми ҳасрату алам,  
Сен менинг ёлғизим – чучмомагинам!*

*Мен эса юрибман чалкаш йўлларда,  
Дилимни эзгилаб, югурар алам.  
Сўнги йўқ хаёллар исканжасида  
Сенингдек тинглар йўқ дилдаги нолам,  
Сен танҳо сирдошим – чучмомагинам!*

*Осмоннинг остида турибман ҳамон,  
Ернинг устидаман хасча бир сомон,  
Дўстга ҳам душманга бирдайин ёмон,  
Айтсам, адо бўлмас дилдаги гинам,  
Сен менинг дарддошим – чучмомагинам!*

*Шошқин дарёдирман – тиним билмаган,  
Бир лаҳза бир жойни кўним билмаган,  
Роҳат, фароғатли уйим бўлмаган,  
Аслида, кенгдиру менга тор олам,  
Сен менинг сафдошим – чучмомагинам!*

*Кутганим гўзал, тинч осуда саҳар,  
Топганим тупроғу ичганим заҳар,  
Бахтга тулармидим сен қучсанг агар,  
Ўпсанг бас, пойимга тўшама гилам,  
Сен менинг суйганим – чучмомагинам!*

*Фақат бир зот тилар узоқ умримни,  
Дуойи жонимда ярамга малҳам.  
Чанқасам чой тутар, май эмас зинҳор,  
Сен каби хоксору муштипар онам,  
Онамдек ғамхўрим – чучмомагинам!*

*Юзинг тут, юзимни босиб эркалай,  
Эркала, дунёдан тўйиб ўпкалай,  
Сўнг, майли, қаршингда жон бериб, қулай,  
Баргларинг кўмсинлар жисмимни санам,  
Сен менинг бор-йўғим – чучмомагинам!*

**Кўз**

*Кечагина яшинаган барглар  
Саргайибди кузнинг тигида.  
Гўё бирдай қариб-қартайиб  
Хароб бўлган гусса тоғида.*

*Кечагина ям-яшил майса  
Қовжирабди кузнинг зикрида.  
Яратганга тасанно айтиб,  
Дуо айлар Ҳақнинг фикрида.*

*Баҳор чоғи гуллаган боғлар  
Куртак ёзиб мева тукканди.  
Кечагина мевалар пишиб  
Новдасини ерга букканди.*



**Мурод ТУҒЁН**

1986 йилда туғилган.

Наманган Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таълим олган. “Кўйган киприклар”, “Соҳир лаҳзалар” шеърый китоблар муаллифи. Ҳозирда ўзи таълим олган 45-сонли таълим мактабида она тили ва адабиёт муаллими бўлиб ишламоқда.



### **Наврўза ЖАСУРОВА**

1997 йилда туғилган.  
Айни пайтда, НамМПИ  
қошидаги 2-сонли ака-  
демик лицейнинг хори-  
жий тиллар йўналиши  
талабаси.

*Бугун эса ҳосил бўшашиб  
Даст ростлабди тик қоматини.  
Дехқонбобо шукрона айтиб  
Йигиштирар куз ҳимматини.*

*Умр шундай, ҳаёт шу зайил  
Тошқин сойдаи шошиб ўтади.  
Куздан кейин, эрта қиш ўтиб,  
Улкамизга баҳор келади.*

*Фақат бир ҳис эзади кўнглим,  
Ҳижилликдан ёзилиб бўлмас.  
Шу майсаю барглардан фарқли  
Ким айтади ҳеч қачон сўлмас.*

*Бу ҳам бўлса дунё қонуни,  
Эрта бир кун сочлар оқариб,  
Куз қўлларга таёқ тутади,  
Биз қоламиз барглардек қариб.*

### **Наврўза ЖАСУРОВА**

#### **Мактуб**

*Қаршимда дарахтнинг қорли капаси,  
Кунларнинг кўксига туйғулар оғрир.  
Боглар орасида аёз шарпаси,  
Декабрь бошида хаёллар тўзғир.*

*Энди ерга сирин айтиб эрир қор,  
Ҳофиз – қиш қўшигин бошлайди секин.  
Мазлум нигоҳларга тўлган борлиқнинг  
Бўйнига осилиб йиғлар изғирин.*

*Январь ўз бағридан қорлар тўқади,  
Оппоқ кўйлагининг этагин йиртиб.  
Қишнинг имзоси-ла битилар мактуб –  
Йиллардан-йилларга саломлар элтиб.*

#### **Муз йўлак**

*Сўзсиз, хайр дея сарғиш богларга,  
Вақт ўтмоқда, айланар йил тегирмони.  
Маъюс нигоҳ ташлаб мағрур тоғларга  
Қиш кириб келмоқда, оппоқ чопони.*

*Кумуш кўйлак кийган дарахтлар ўйчан,  
Ерни кўрпа билан ёпмоқда оқлик.  
Аёзли тун хурсанд куйлайди куйчан,  
Тилсиз сукутларнинг бағрида поклик.*

*Ғар боссам тишларин гижирлатар қор,  
Ўзидек беғубор қишнинг тилаги.  
Шу қорлар тагида қолган кўксимнинг –  
Ойнадек ялтирар музли йўлаги.*

## Муҳаммад ЮСУПОВ

## Декабрь

Декабрь – қиш... Биринчи оқишом...  
Совуқ увлар ваҳима билан.  
Яна пушти парда, яна дом,  
Ҳамда гўзал куйгина билан.

Ёнгинамда мунгаяр ўрик,  
Балки унинг ҳам кўнгли ярим.  
Ўрик билан бирга тўкардик:  
У баргини, мен умидларим...

...Соғинчларим табриклар, қутлар,  
Аламларим қилар тантана...  
...Туман билан бирга булутлар  
Ойни қилиб олганди пана.

Булутларга ўхшамай курсин,  
Жонга тегди пардаларинг ҳам.  
Табассуминг у ёқда турсин,  
Соғинтирар зардаларинг ҳам.

Қани бирга бўлсайдик, эркам,  
Қани суҳбат қурсайдик ёниб?!  
Қани эди, сени уришсам,  
Синфдошларингдан қизғониб.

Тўғри, қайсар эдим, рашкчироқ,  
Кам ўйлардим сенинг ҳақингда.  
Сен ҳам мени севардинг, бироқ,  
“Хўп” дейишни ўрганмадинг-да...

\* \* \*

Гар санам қилса нам кўзларим,  
Телба-хордур баҳор, кузларим.

Кўп қоронгу, қамарсиз бу тун,  
Ҳам сукун шамсу кундузларим.

Тақлидин қўймагай кўзига  
Чўғдай ул кўжда юлдузларим.

Шул нигоҳ сеҳридан нобуту  
Нодадил кўпда дил сўзларим.

Энди ман қандайин йиғламай,  
Беаёв келса ёв – бўзларим?

Мунтазир бўлдимунг англасам,  
Ишқ деган шул экан, дўстларим...



**Муҳаммад  
ЮСУПОВ**

1995 йилда тузилган.

Наманган алоқа ва  
саноат коллежи тала-  
баси. Республика “Ис-  
теъдод мактаби” ёш  
ижодкорлар семинари  
қатнашчиси.

**Мадина ҲАЙДАРОВА****Итоат**

Ўзимдан ўзим ҳам хижолат,  
Тўзидим шомдаги тутундай.  
Мен сенга бахи этиб итоат  
Ўзимни унутдим бутунлай.

Сен учун мен бўлдим хокисор,  
Рост бўлди сен чизган чизиқлар.  
Сен бундан айладинг ифтихор,  
Чидадим, шудир деб ёзиқлар.

Сен шоҳдай айладинг амрлар,  
Мен қулдай айладим ижобат.  
Сезмадим, тўқилди қадрлар,  
Имтиҳон айлади садоқат.

Мен сўзсиз измингни кутаман,  
Берасан қадамим тақсимлаб.  
Мен меҳрим ҳовучлаб тутаман,  
Сен эса, сен эса сиқимлаб.

**Ўзимни қидириб**

Чайқалинг, эй баҳор гуллари,  
Дилда дард, йиғлолмай турибман.  
Дунёлар айланиб тесқари,  
Ўзимни қидириб юрибман.

Ҳув, ана, тоғларнинг ортидан,  
Қизарган кенг осмон остидан,  
Ҳаётнинг баланду настидан,  
Ўзимни қидириб юрибман.

Ям-яшил майсалар оралаб,  
Қон томган найзалар оралаб,  
Бир дунё изтироб орқалаб,  
Ўзимни қидириб юрибман.

Тонг чоғи райҳонлар бўйидан,  
Ялтизли анҳорлар бўйидан,  
Армонлар, армонлар қўйнидан,  
Ўзимни қидириб юрибман.

Йўқотиб қўйганман бир замон,  
Йўқотиб қўйганман ногаҳон,  
Мен учун ҳаммадан қадрдон –  
Ўзимни қидириб юрибман.

**Мадина  
ҲАЙДАРОВА**

1989 йилда туғилган.  
Ангрен Давлат педа-  
гогика институтини  
битирган. 2013 йилда  
ўтказилган Республика  
ёш ижодкорларининг  
“Истеъдод мактаби”  
семинари иштирок-  
чиси.



**Икромжон СОЛИЕВ****Тонгги ўй**

Япроқлар шивири қулоқ остида,  
Хазонрез кузларни қувлайди шамол.  
Чексиз самоларда булутлар тўда,  
Фақат ой кўрсатар биргина жамол.

Уйқусиз тунимда қоқмайин киприк  
Гўё ёлғиз танам ётибди тигда.  
Деразам олдида яланғоч ўрик,  
Дунё бошимдаю бошим ёстиқда.

**Соғиниш дарди**

Наҳот бўлсак энди бегона,  
Соғинмасак бир-биримизни?  
Ўзгаларни севсак пинҳона,  
Унутибмиз кимлигимизни.

Аразлашиб кетдик чор тараф,  
Кун кетидан мана йил ўтди.  
Сен қўярдинг кўчангга қараб,  
Лек кўчангдан ўзгалар ўтди.

Юрмас эдим асло кўчангдан,  
Қарамасдим дарвозангга ҳам  
Танбеҳ тинглаб кўп дугонангдан  
Мана бўлиб олибсан беғам.

Ўша кун не бўлди, асли,  
Ё ўзганинг мақрига учдинг?  
Баҳор дилим – бўлди қиш фасли,  
Айт, шумида ёлғиз умидинг?

Ўйламасдим бундай бўлишин,  
Хаёлимга келмаганди ҳам.  
Ушладим деб кўкда бахт қушин,  
Айрилиқни қучибман санам...

**Нилуфар АБДУРАҲИМОВА****Ярим ой**

Тунда кўкка чиқасан секин,  
Маъюсгина қараб турасан.  
Гўзаллигинг бир олам, лекин  
Ой – юзингга парда тортасан.

Сенга нурун бермади қуёш  
Ёки хафа бўлдингми шунга?  
Аразлама баланд кўтар бош  
Сен кераксан бир бутун тунга.

**Рангин қорлар**

Баҳор келди бўёқ олгани,  
Жами бўёқ ўн икки қаранг.  
Уч хил бўлди баҳор олгани:  
Яшил, пушти яна мовий ранг.

**Икромжон  
СОЛИЕВ**

1981 йилда тугилган.  
Наманган Давлат  
университети та-  
рих факультетида  
ўқиган. Унинг “Ор-  
зуманд жилга” шеъ-  
рий тўплами нашр  
қилинган.

**Нилуфар  
АБДУРАҲИМОВА**

1999 йилда тугилган.  
Айни пайтда, Наман-  
ган шаҳридаги 68-умум  
ўрта таълим мактаби  
ўқувчиси.



**Сақобиддин  
ТЕМУР**

1985 йилда туғилган.  
Маълумоти ўрта.  
Эркин ижодкор.

*Тушига яқин ёз этиб келди,  
Баҳордан сўнг иккинчи бўлиб.  
У камалак рангини олди  
Ва жўнади қувончга тўлиб.*

*Кеч қолмай деб ошиб сой, ариқ,  
Тезда келди куз ҳам шошилиб.  
Куз олгани жигарранг, сариқ,  
Сўнгра кетди елкага илиб.*

*Балки тезроқ юрганида қиши  
Ҳамма рангни ўзи оларди.  
Шунда бўлмас эди ҳеч ташивиш,  
Қишида қорлар рангин бўларди.*

**Сақобиддин ТЕМУР**

**Бу азиз Ватанда улугдир инсон**

*Бу азиз Ватанда улугдир инсон,  
Умид, орзу бисёр яшаймиз шодон.  
Аҳил ва иноқдир бунда ҳар миллат,  
Замин тинч, барча ҳур, шод ва соғ-омон.*

*Имконлар бисёрдир қадрдон элда,  
Зўр шижоат, гайрат камари белда.  
Ватан равнақи деб яшасак ҳар он,  
Аждодлар руҳи ҳам шоддир бегумон.*

*Тарихимиз буюк, буюқдир ҳамон,  
Ахийри тан олди буни кенг жаҳон.  
Не-не буюк зотлар тарихимизда,  
Дунёга бу юртни этганлар дoston.*

*Аждодларга бўлиб муносиб биз ҳам,  
Улуг мақсад сари интилсак илдам.  
Лозим бўлса, жонни этолсак фидо,  
Устун келолмас ҳеч душманлар, асло.*

*Ғаламислар учун бўлмас бунда жой,  
Душманга ёрларнинг ҳоли булур вой,  
Интилиб дарёмас, бўлсак ҳамки сой,  
Ривожини тилаб шу ҳур диёрни.*

*Истагим, бир-бирга бўлайлик қанот,  
Ношукурлик бўлсин бизлар учун ёт,  
Сўрайлик Тангридан матонат, сабот,  
Орзумас мақсадга айланса истак,  
Нурлидир эртamиз ва буюк, бешак.*

**Севилиш деган сўз менга бегона**

*Дўстларим севгидан сўз очган замон,  
Бир дард чулғаб мени қийнайди ёмон,  
Севганим ўзгани севади ҳамон,  
Севилиш деган сўз менга бегона.*

*Мен ҳам умид билан севдим бир қизни,  
Гўзалликда тенгсиз юзи қирмизни,  
Негадир назарга илмасди бизни,  
Севилиш деган сўз менга бегона.*

*Севдим деб ортидан югурдим, нечун,  
Балки бедор ўтган тунларим учун,  
Менга қиё боқмас, билмадим, нечун,  
Севилиши деган сўз менга бегона.*

*Мен севадим, севилиши бўлмади насиб,  
Севиб-севиб охир кул бўлдим ёна.  
Севиб кўп изтироб чекдим-у, аммо  
Севилиши деган сўз менга бегона.*

### **Нон**

*Дурдона УСМОНОВА*

*Кеча онам ёпдилар  
Иссиққина – кулча нон.  
Ширин таъми ёдимда,  
Ҳидин эслайман ҳамон.*

*У эслатар қуёшни,  
Қандайдир бир нур сочар.  
Удир деҳқон тўккан ёш –  
Бизнинг дилимиз очар.*

### **Баҳор**

*Ҳаво айниди бироз,  
Чимирди-ку, у қошин.  
Қиш билан видолашиб,  
Булутлар тўкар ёшин.*

*Далаларда, боғларда  
Табиат тикар кўйлак.  
Кўйлагининг этагин  
Безаб берар бойчечак.*

*Ер юзин ёриб чиқиб,  
Исмалоқ деди: Салом!  
Кунлар энди қисқамас,  
Албат, кеч тушар оқшом.*

*Баҳордир жуда гўзал  
Капалакка ўхшайди.  
Қадамларга гуллардан  
Пояндозлар тўшайди.*



**Дурдона  
УСМОНОВА**

*2003 йилда туғилган.  
20-умум ўрта таълим  
мактаби ўқувчиси.*



## БАРҲАЁТ МЕРОС



### ГЕГЕЛЬ

(1770-1831)

*Немис файласуфи, илоҳиётшунослик фанлари номзоди. Файласуфнинг “Эстетика”, “Тарих фалсафаси”, “Мантиқ илми”, “Ҳуқуқ фалсафаси” номли асарлари машҳур.*

## ЭСТЕТИКА

(Санъат фалсафаси ёхуд бадиий ижод фалсафаси)<sup>1</sup>

### Санъатда гўзаллик ёки идеал

Бадиий гўзалликда биз уч муҳим жиҳат, биринчидан, идеал, иккинчидан, идеалнинг бадиий асар сифатидаги муайянлиги, учинчидан, санъаткорнинг ижодий субъективлиги масаласини кўриб чиқишимиз лозим.

### ИДЕАЛ

1. **Гўзал индивидуаллик.** Бадиий идеал тўғрисида илгари билдирилган мулоҳазаларимиз расман бизни яна тубандагиларни таъкидлашга даъват этади. Ҳақиқат ўзини ташқи реалликда юзага чиқариш билан мавжуд ва барҳақ бўлган тақдирда ҳам, бу ерда у нотайинликни қориштириш ва илғашга қодирки, оқибатда бу руҳ, бу яхлитлик ташқи реалликнинг ҳар бир бўлаги бўлиб гавдаланади.

Биз буни инсон қиёфаси мисолида изоҳлаб кўрайлик. Юқорида кўриб ўтилганидек, инсон қиёфаси органларнинг тушунча сифатида тармоқланган йиғиндисиدير. Ҳар битта муча қисман ўзига хос муайян фаолият ва вазифасига эга. Агар ўзимизга ўзимиз руҳ қайси органда қалбдай ёрқин намоён бўлади, деган савол берсак, руҳ фақат “кўзларда акс этади” деб жавоб қайтаришимиз мумкин. Чунки қалб фақат кўзларда жойлашиб қолмайди, шу билан бирга, кўзлар орқали борлиққа ўзини намойиш ҳам қилади. Қалб жўшқинлиги ҳайвоникидан фарқли ўлароқ, инсон танасининг барча ташқи нуқталарида бирдай сезилиб туради, модомики, шундай экан, санъат ҳам руҳни ана шундай акс эттириши, образни унинг сиртидаги барча нуқтада кўз пардасига жойлаштириши лозим. Агар Афлотун шогирди Астер<sup>2</sup>га бағишланган бир байтида:

Юлдузларга қарайсан, юлдузим, менда армон –  
Минг кўз билан ўзингга боқсайдим бўлиб осмон,<sup>3</sup>

– деб хитоб қилган бўлса, санъат ҳам бадиий асарнинг ҳар бир нуқтасида руҳ билан

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши олдинги сонларда.

<sup>2</sup> Астер – Афлотуннинг шогирдларидан бири. Бу ерда юнончадан таржима қилинмайдиган “астер” юлдуз маъносини англатади.

<sup>3</sup> Ўзбекчага ўгирилган парчаларнинг барчаси таржимон Маҳмуд Абдуллаев томонидан амалга оширилган.

маънавиятни минг кўзли Аргус<sup>4</sup> қиёфасида жонлантиради. Санъат ҳар қандай ҳолатда нафақат тананинг шакли, юз ифодаси, имо-ишора ва ўзни тута билиш, шу билан бирга, хатти-ҳаракат, воқеа, овоз ўзгариши, нутқ ва оҳанглар тўлақонлигини “кўз”га айлантиради ва бу кўз орқали эркин руҳнинг ботиний чексизлигини англаб етади.

а) Модомики, бадиий асарда руҳдан нурланмаган бирор-бир нуқтанинг ўзи йўқ экан, табиийки, санъатда барча воқеаларнинг кўзи, аниқроғи, бутун борлигини намоён қилувчи руҳнинг моҳияти нимадан иборат, деган савол туғилади. Сир эмаски, биз кўпинча металл, тош, юлдуз, ҳайвон, инсонга тегишли турли хоссаларнинг ўзига хос “руҳи” тўғрисида сўз юритишга одатланганмиз.

Тўғри, “руҳ” тушунчаси, масалан, тош ва ўсимлик каби табиий предметларга нисбатан ҳам қўлланилганда, биз уни фақат мажозий маънода тушунамиз. Табиий предметлардаги “руҳ” ўз-ўзида чекланган ва ўткинчи бўлиб, уни руҳ тарзида эмас, балки кўпроқ ўзгача табиат маъносида қўллаган маъқул. Бундай предметларнинг индивидуаллиги уларнинг муайян даражада чекли мавжудот эканлигидан далолат беради. Шу маънода, улар чекланмаган мустақил ва эркин соҳада юксак кўтарилишнинг зоҳирий кўринишидан иборатдир. Тўғри, бу қуйи соҳада ҳам чексизликнинг кўринишига йўл қўйиш мумкин, бироқ бу нарса предметлардан холи бўлиб, санъат томонидан ҳамма вақт ташқаридан олиб киритилади.

Гарчанд табиий ҳаёт тариқасида ҳиссий руҳ шундай субъектив хусусиятга эга бўлса-да, лекин ботиний индивидуалликни ўз-ўзига маҳлиёлликдан фақат ўзи беҳабарлик ва ботинан чеклилик, реаллик орқали намоён қилади. Унинг мақсади чекланган тарзда юзага чиқишдан иборат экан, бу қисман расмий ҳаёт, хавотир, хатти-ҳаракат, тобе ҳаётнинг хоҳиш-истаги, ўй-ташвиши, қисман ўз-ўзича ботиний ҳаётнинг чексизлиги тариқасида юз беради.

Руҳнинг жонланиши ва ҳаёти фақат ўзи учун қандайдир ботинийликни юзага чиқариш ва намоён қилиш билан ўзини англови, ўзидан макон топувчи эркин чексизликни гавдалантиради. Шунинг учун руҳ бундай зоҳирий чекланишлар оламида ўзини кўрсатишига қарамай, ташқи қиёфаси чексизлиги ва уни билишга таъсир қилади. Бироқ руҳ ўз умумийлигини англаб, ботиний мақсадларини ҳақиқатда юксак тута билса, фақат ўшанда эркинлик ва чексизликка эришади. Акс ҳолда, у фақат ўз тушунчасига ружу қўйган ҳолда чекли мазмун, толиққан характер, мажруҳ ва сийқа руҳ тарзида намоён бўлиши мумкин.

Аслини олганда, руҳнинг бу арзимас мазмунни чексиз гавдалантириши аввалги расмий ҳолатига қайтишини таъминлайди, чунки бундай ҳолда мазмунан эркин руҳнинг чексизлигига зид бўлган маънавиятнинг абстракт кўринишини ҳосил қилган бўламиз, чекланган, ўзгарувчан борлиқ эркинлик ва субстанционал ҳақиқий ва шу билан бирга, субстанционал мазмуни билан эришади. Бу ерда муайян ва барқарор, аниқ субстанционал мазмун айна бир нарсада тажассумлашади, шунинг учун руҳ сифатидаги ташқи борлиқ ўз мазмунини нафақат умумий, шу билан бирга, чекли тарзда ҳам намоён қилади.

Бир сўз билан айтганда, санъат ташқи борлиқни унинг воқеалари, яъни ўзига мослиги, моҳияти ва мазмунига монандлиги билан ҳақиқат тарзида тушуниши ва тасвирлаши лозим. Бинобарин, санъатнинг ҳақиқати унинг табиатга тақлидчиликка ўхшаш чекланган, юзаки мослик эмас. Санъатнинг ташқи элементи бу элементнинг ботиний мазмуни билан ўз-ўзида ва шу боис ўз элементи сифатида мувофиқ келиши лозим.

б) Санъат мавжудликнинг бошқа кўринишларида тасодифий ва ташқи таъсирлар туфайли сохталаштирилган, ҳақиқий тушунчаси билан уйғун ҳолдаги воқеаларни бу тушунчага номатлуб қусурлардан холи этади ва шу йўл билан идеални вужудга келтиради. Санъатнинг бу шарафли ишини портретчи рассомларнинг аслият (оригинал)дан фахрланишига ўхшаш нарсага қиёслаш мумкин. Шу маънода, бадиий идеал билан жуда оз алоқага кирувчи рассом ҳам маъқул иш қилган бўлади, қиёфа ва ифодалар, шакл, ранг ва кўриниш кабиларни тасвирлаганда ташқи ортиқчалikka йўл қўймайди, бизнинг номукамал ҳолатимизнинг фавқулдда табиий томонлари бўлмиш юздаги тук, чуқурча, тимдаланиш, тери доғи каби танамизнинг қусурларини эътибордан соқит қилади, тасвирий қиёфага унинг энг умумий характери, маънавий ўзгаришлари асосида ёндашади. Шунинг учун бемайлихотир портретчи-рассом олдида ўтирган киши қиёфасининг сохта ва ташқи аломатларини тасвирлаш билан унинг руҳий фазилатларини бадиий ифодалаш бутунлай бир-биридан фарқ қилиб туради.

Бинобарин, идеал учун ташқи кўринишнинг руҳ билан уйғунлиги энг муҳим фазилат саналади. Кейинги пайтларда, масалан, модага айланиб бораётган таъсирчан карти-

<sup>4</sup> Аргус – қадимги юнон мифологияси образларидан бири.

налар, санъат дурдоналарига ҳақиқий тақлидчилик кузатилмоқда, иккинчи даражали деталлар, гулдор матолар ва шу кабилар яққол тасвирланмоқда, бироқ шу билан бирга, уларга фигураларни маънавий тасвирлашда кўримсиз қиёфалардан фойдаланиш кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, юз, кўз, бурун, яноқ, лаб, умуман, қиёфанинг шод-хуррамлиги, муҳим ва ройишлиги Рафаэлнинг она меҳрини ифодаловчи мадонналарида ғоят мутаносиб тасвирланган эди. Модомики, шундай экан, дунёдаги барча оналар айна шундай идрок этилишга муносибдир, деб айтиш мумкин, афсуски, руҳнинг бу теранлигини аёл чеҳрасининг ҳар қандай кўриниши ҳам тўла ифода этолмайди.

в) Санъатда идеалнинг ўзига хос акс этиши зоҳирий борлиқни маънавий ўзлаштиришда ташқи ҳодисаларнинг руҳга мутаносиблигини қарор топтириш, унинг ифодачиси бўлиш билан белгиланади. Бундай алоқадорлик абстракт умумийлик, унинг сўнги нуқтаси – тафаккурни ботинан шакллантириб қолмайди, балки ботиний ва зоҳирий элементнинг тўла мослиги билан ҳам чегараланади.

Модомики, ботиний асос ташқи реалликнинг жонли индивидуаллиги ҳисобланар экан, у идеалнинг чексиз алоҳидалиги ва тасодифларидан саралаб олинган ҳақиқатнинг ифодасидир. Негаки, унда субстанционал мазмунга эга бўлган индивидуал субъективлик ботинан мутаносиблик касб этади. Бу ерда субстанционал мазмун ўз умумийлиги билан абстракт кўринишга эга бўлмайди, аксинча, индивидуалликда маҳдудланиб қолади, ўзидан холи пировард тобеликка муайян борлиқ орқали кўшилиб, руҳнинг ботиний ҳаёти билан уйғунашиб кетади.

Шиллер<sup>5</sup> “Идеал ва ҳаёт” шеърда “соялар оламининг осуда гўзаллиги”га қарши турувчи воқеликнинг кураш ва азоб-уқубатлари тўғрисида сўз юритган эди. Идеал айна шу соялар оламида намоён бўлади, унда табиий борлиқ таъсирида руҳда юз берган заифлашув акс этади, шунчаки табиий шарт-шароитлар, ташқи таъсир азоб-уқубатлари, воқеалар чекланганлиги билан юзага келувчи бузилиш ва хатоликлардан холи бўлади. Тўғри, идеал ҳиссий таъсирчанлик орқали юз кўрсатади, ўзини унинг табиий шаклларида ифода этади, айна пайтда, ташқи стихияларни ҳам қамраб олади, янгилинишда давом этади. Шунга кўра, эҳтиёжларни қондирувчи ташқи воқелик мавжуд бўлишига қарамай, санъатда улар қандайдир ташқи элементларнинг маънавий эркинлигини ифодалайди.

Шу боисдан идеал ташқи стихияда ўз-ўзи билан қўшилади, ҳиссий ҳузур, шодлик ва ўз-ўзидан завқланиш билан уни осуда маконга айлантиради. Ҳузур-ҳаловатнинг бундай нағмаси идеалнинг юз кўрсатишида баралла эшитилиб туради, ташқи образ қанча юксак ўрин тутмасин, унда ҳеч қачон идеалнинг руҳи сўнмайди, шунинг учун идеал ҳақиқий гўзаллик саналади. Шундай экан, гўзаллик фақат яхлит бир бутунлик ва субъектив бирлик тарзида намоён бўлади; идеалнинг субъекти эса бошқа индивидуалликка, унинг мақсад ва манфаатлари тарқоқлигига барҳам бериш, олий бир бутунлик ва ихтиёрийликка эришиш билан яратилади.

а) Идеалнинг асосий хусусиятини айна шундай завқли осудалик ва ҳузур-ҳаловат, пайваста эркинлик ва мамнунлик ташкил этади. Бадий образда идеал қандайдир масъуд ва хушбахт илоҳий кўриниш олади. Бу масъуд илоҳлар офат, ғазаб ва чекли соҳа мақсадларини бутунлай эътибордан соқит қилади ва ижобий масъуллик алоҳидаликни инкор этиш эса уларга ботиний шод-хуррамлик ва осойишталик бағишлайди. Шу маънода, Шиллернинг “Ҳаёт жиддий, санъат эса қувончлидир”, деган сўзлари бағоят тўғридир. Кўпинча, бу афоризм расмий қониқшлик тўғриради, ҳолбуки, умуман санъат, хусусан, Шиллер поэзияси ўта жиддийдир. Идеал санъат ўзини ҳақиқатда жиддийликдан дариг тутмайди, наинки, бундай ботиний шод-хуррамлик жиддийликнинг муҳим хусусиятини қарор топтиради.

Биз индивидуалликнинг бундай таъсири, тажассумлашган конкрет эркинлик тантанаворлигини антик санъат образларининг ботинан фароғатга тўла осойишталиги орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Бу нарса жиддий курашларда эришилган ютуқлар таъсирида туғилган хурсандчиликки эмас, шу билан бирга, бундай ҳол ҳаттоки, тўлақонли субъект борлигининг ўз-ўзида ботинан парчаланиш манзарасини тасвирлаганда ҳам рўй беради. Руҳ, масалан, фожиавий қаҳрамонлар тақдирга тан бериб мағлубиятга учраганда, ҳа, энди буёғи шундай бўлди, дея оддий ўзида-борлиққа чекинади. Бироқ субъект энди ўз-ўзини ўзгартирмайди: уни маҳв этувчи мақсадларни амалга оширмайди эмас, аксинча, уларнинг баҳридан ўтиб, ўзлигини сақлаб қолади. Тақдирнинг қурбони бўлган инсон ўз ҳаётдан ажралган тақдирда ҳам, эркинлигини йўқотмайди. Фожиавий қаҳрамон ҳатто азоб тортганда ҳам, бундай руҳий эркин-

<sup>5</sup> Шиллер Иоганн Фридрих (1759-1805) – немис ёзувчиси.

ликнинг осуда мусаффолигини сақлаб қолади ва намоён этади.

б) Ботиний ҳаётдаги чалкашлик ва носозликлар романтик санъатда янада теран тус олади; янада чуқурроқ зиддиятлар кескинлашуви ва бетартиблиги акс этади. Насронийларнинг ҳис-ҳаяжонларини тасвирлаганда, масалан, рассомлик санъати кўпинча Исо Масиҳга азоб бераётган аскарнинг уни масҳаралаши ва Исо Масиҳ юзидаги таҳқирларни кўрсатишга интилади. Бундай қовушмаганлик ва тутуриқсизлик, хусусан, одобсизлик, гуноҳқорлик ва ёвузликни тасвирлаш идеалнинг ёрқинлиги ҳамда нурафшонлигига жиддий путур етказади. Романтик санъатда узук-юлуқ ҳолатлар кўп учраса-да, унинг ўрнини бемаънилик эмас, балки қандайдир хунуқлик эгаллаши мумкин.

Тўғри, кўҳна нидерланд тасвирий санъатида маънавий уйғунлик ботинан ўта ҳалоллик, барқарор эътиқод ва ишонч орқали кўзга ташланиб туради, лекин идеалда бу матонат устувор даражада ёрқин ва мамнуният билан тасвирланмайди. Романтик санъатдаги ғам-ғусса ва дард-аламлар эса қадимгилардан фарқли ўлароқ, руҳан субъектив ботиний кечинмаларга чуқур таъсир этади, бироқ бу санъатда тақдирга тан беришлик, азобланишдан бахтиёрлик ва ғам-аламдан завқланиш, азоб-уқубатдан ҳумор туйғуси қандайдир маънавий назокат, шод-хуррамлик тарзида ифодаланиши ҳам мумкин. Ҳаттоки, жиддий итальян диний муסיқасида ифодаланган ҳасрат-надоматлар ҳам шундай ҳиссиётлар билан суғорилгандир. Романтик санъат эса буларни кўзёшларга тўла табассумлар орқали акс эттиради. Бинобарин, ботиний осойишталик азоб-уқубатлар, ёрқин мусаффолик, чекилган ташвишлардан тўкилган кўз ёшлар, йиғи ара-лаш табассумлар орқали ифодаланади.

Бироқ табассумлар ҳис-ҳаяжонли, ўз-ўзига маҳлиёлик, арзимас ноқулайликларни бошдан кечирган, шунингдек, ночор туйғулар орқали уларни акс эттирувчи шахснинг ноз-карашмаси бўлмаслиги, балки гўзал инсоннинг чекилган ғам-ташвишларга нисбатан қатъияти ва эркинлигини ифодалаши керак. Масалан, Сид ҳақидаги романсларда хушбичим аёл Химен<sup>6</sup> тўғрисида “йиғлаганда шунақаям чиройли бўлиб кетардики...”, деган ибора ишлатилади. Ҳолбуки, инсон тийиқсизлиги ўта хунуқ ва ёқимсиздир ёки кулгилдир. Масалан, болалар ноқулай ҳолатга тушиб қолишса йиғлашади, бу нарса кулги уйғотади, лекин жиддий, босиқ инсоннинг теран кечинмалар таъсирида кўзларида пайдо бўлган томчи ёш бизда бошқача таассурот туғдиради – бизга ғоят чуқур таъсир кўрсатади.

Кулги билан йиғининг фарқига бормоқлик табиий ҳол, лекин уларни қалбаки бадий мотив сифатида баъзан, масалан, Вебер<sup>7</sup>нинг “Эркин мерган” комедик-хоридаги сингари абстракт қўллаш ҳам мумкин. Умуман, кулги тўсатдан туғилади, бироқ идеалга путур етказмаслиги учун тийиқсиз бўлмаслиги лозим. Вебернинг “Оберон” операсидаги хонанда аёлнинг томоғи ва бўғзининг хириллаши шундай абстракт кулги уйғотади. Гомер тасвирлаган маъбудларнинг абстракт тартибсизликни эмас, балки фароғатли хотиржамликни ифодаловчи тинимсиз қаҳқаҳалари эса бутунлай бошқача таассурот туғдиради.

Шунингдек, идеал бадий асарда тасвири берилган йиғи-сиғи жазавага ўхшаб қолмаслиги ҳам лозим. Биз, масалан, Вебернинг “Эркин мерган”ида шундай абстракт дард-аламларга дуч келамиз. Ҳолбуки, ҳақиқий қўшиқ муסיқа орқали завқ-шавқ туйиш ва ўз-ўзини эркин тўрғай нағмаси янглиғ роҳатланиб тинглаш демақдир. Ўз хурсандчилиги ва ғам-ғуссасидан бақир-чақир қилиш муסיқа эмас; ҳатто ҳасрат-надоматнинг оҳанги азобланишдан чекилаётган туйғулар билан чулғаб олиниши ва қайғуни фақат шундай ифодалаш мумкин эканлигини исботлаши лозим. Бизга ҳар қандай санъат бахш этувчи завқли оҳангнинг моҳияти ана шундай хусусиятга эгадир.

в) Шунга асосланиб, ҳозирги замон иронияси тамойилларини қўллаб-қувватлаш мумкиндир ва бунга изоҳ тариқасида айтса бўладикки, ҳақиқий жиддий нуқтаи назарлар кўпинча бу иронияда мавжуд бўлмайди, кўпроқ ўзига у нодонларни қаҳрамон қилиб олади ва идеалга мос хатти-ҳаракат кўрсатиш, гавдаланиш ўрнига қуруқ тасалли бериш билан руҳга барҳам беради. Шундай қараш тарафдорларидан бири, масалан, жаноб Новалис<sup>8</sup> фикрича, ирония руҳ силласини муайян манфаат йўқлиги билан, воқелиқдан даҳшатга тушиш билан қуритади. Бу ҳолат ботинан абстракциядан қониқмаслик туйғусини ифодаласа-да, чеклиликка ўзини яқин тутиш, номи ёмон отлик реал хатти-ҳаракат ва реал яратувчанликка айланишни истамасликдан азобланишни англатади.

<sup>6</sup> Сид – испан халқ эпоси персонажи. Химен – шу эпосдан олинган мифологик образ.

<sup>7</sup> Вебер Карл фон Мария (1786-1826) – немис композитори, дирижёри.

<sup>8</sup> “Новалис” – немис романтик ёзувчиси Фридрих фон Гарденберг (1772-1801)нинг тахаллуси.

Шундай қилиб, иронияда абсолют инкор мавжуддир, қайсики, унда субъект ўзи билан ўз муайянлиги ва бир ёқламалигига барҳам беради. Ирония тамойили билан табиатта, юқорида кўрганимиздек, комикликдаги сингари иронияда ҳам барбод этишлик қандайдир арзимас ва пуч нарса эмас, балки барча муносиб ва ижобий ҳодисаларга бир хилда шикаст етказиш ҳамдир. Ҳар томонлама барбод этиш санъати ҳамда унинг оқибати бўлган ирония чинакам идеал билан қиёс қилинса, ботинан ўзининг ғайрибадий пучлиги ва омонатлигини намоён қилади. Чунки идеал бу субстанционал мазмун эҳтиёжини ташқи материалнинг шакл ва образларида чекли даражада гавдалантиришига қарамай, уни ботинан ўзида шундай қарор топтирадики, оқибатда барча ташқи нарсалар барбод бўлади ва батамом йўқолади. Идеалнинг муайян шакли ва муайян образи табиий ташқи материални айна шундай инкор этиш билан уни субстанционал мазмунга мувофиқ шакллантиради, бу субстанционал мазмун эса бадий мушоҳада ва тасаввур предметини ташкил этади.

**2. Идеалнинг табиатга муносабати.** Идеал учун заруран керак бўлган образли ва ташқи томон барқарор мазмун сифатида уларнинг ботинан бир-бирига сингиш усуллари – буларнинг барчаси бизни санъатда ифодаланган идеал тасвир билан табиат ўртасидаги муносабатларни қараб чиқишга даъват қилади. Бинобарин, биз умуман табиат деб атаган нарса санъатнинг ташқи элементи ва унинг муайянлиги билан боғлиқдир. Шу маънода, санъатдаги тасвир табиатнинг ташқи воқеаларига ўхшаши ёки уларни улуғлаши ва қайта ўзгартириши керакми, деган масаладаги азалий ва долзарб баҳслашув-мунозаралар поёнига етган эмас. Табиат мақоми билан гўзаллик мақоми, идеал билан табиатнинг уйғунлиги ҳақида, яъни номуайян бу иборалар тўғрисида ҳар қанча баҳс юритса бўлади. Чунки бадий асарнинг моҳиятан табиий бўлишлиги, шу билан бирга, тақлид қилмоқ учун арзимас, кўпол, кўримсиз табиат ҳам мавжуд экан, демак, бу чексиз ва самарасиз баҳс давом этаверади.

Энг янги замонда идеал билан табиат ўртасидаги зиддият биринчи ўринга кўтарилади ва бунда Винкельман<sup>9</sup>нинг саъй-ҳаракатлари каттадир. Юқорида кўрганимиздек, Винкельман антик санъатнинг идеал асарларини мушоҳада қилганда, уларга ўта эҳтирос билан ёндашади ва ўз даврида бу дурдоналарни тушуниш, эътироф этиш ва ўрганиш ишини поёнига етказишда жонбозлик кўрсатади. Афсуски, охир-оқибатда бундай эътирофлар ёлғиз гўзаллик тўғрисида чекланиб қолиш, фақат идеал тасвирларга берилиш кайфиятини туғдириш, ўз навбатида, рангсиз ва бетайин дидсизлик ҳамда сохталikka берилишдан бошқа нарса эмас эди. Биз идеалнинг тасвирий санъатда қолдирган бу бемаъни таъсирини Фон Румор<sup>10</sup>нинг юқорида тилган олинган идеяга қарши идеал баҳслашув-мунозараларида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Ҳолбуки, назария шу зиддиятларнинг ечимини топиши зарур эди. Бу ерда ҳам биз санъатнинг амалий манфаати, фойда келтириши ҳақидаги масалани истисно қилишимиз керак. Биз лаёқатсизлик ва уни гавдалантирувчи истеъдодга қанчалик таъсир кўрсатмайлик, бефойдадир; сохта ёки мукамал назарияга суянадими-йўқми, бундан қатъи назар, у фақат дўлвар ва заиф асарларни вужудга келтириши мумкин, холос. Бундан ташқари, идеал умуман бошқа таъсирлар орқали санъатдаги, хусусан тасвирий санъатдаги идеал нарсани бутунлай рад қилади, шу боис кўҳна италян ва немис ҳамда сўнгги давр голланд тасвирий санъати эришган ҳаётий шакл ҳамда мазмунга ёки ҳеч бўлмаганда, шуни тасвирловчи мазмунга нисбатан қизиқиш туғдиради.

Бироқ нафақат абстракт идеаллар, шу билан бирга, санъатдаги ўта жўн табиийлик ҳам тезда меъдага тегиши мумкин. Масалан, томошабинлар театр саҳналарида кундалик оилавий ташвишлар тарихи ва уларнинг оддий, табиий тасвирларини кўраверишдан толиқди. Оталар билан хотинлар, ўғил-қизлар ўртасида ихтилофлар, турмушнинг азоб-уқубатлари, зўравонлик орқали ҳукумат ишини бажартириш билан боғлиқ ғам-ташвишлар, шунингдек, камердинер (уй хизматкори)лар билан котибалар ўртасидаги фисқу фасодлар; ошхона хизматчилари билан боён хотинлар, уларнинг эркатой қизлари билан истиқомат хоналаридаги чиқишмасликлар тасвирий кўравериш кўнгилга урди. Ҳолбуки, ҳар бир томошабин ўз уйида бундай ғам-ташвиш ва мусибатларни бундан-да аниқроқ ва ишончлироқ рўй беришини яхши билади.

Идеал билан табиат ўртасидаги қарама-қаршиликлар хусусида сўз борганда, санъатнинг алоҳида турлари, хусусан, рассомликнинг кўзга аниқ ташланиб туришлик хусусиятини алоҳида эътироф этадилар. Биз бундай қарама-қаршилик ҳақидаги масалани умуман “санъат жозибадор (поэзия) ёки оддий бўлиши (проза) керакми?” деган маънода қўямиз. Зеро, санъатнинг ҳақиқий поэтик асосини идеал ташкил этади.

<sup>9</sup> Винкельман Иоганн Иоахим (1717-1768) – немис маърифатпарвари, антик санъат тарихчиси.

<sup>10</sup> Румор Карл Фридрих (1785-1843) – немис ёзувчиси, санъат тарихчиси.



Сўз фақат “идеал” ибораси тўғрисида бўлса, ундан осонгина воз кечиш мумкин бўлади. Ҳолбуки, бу ерда “санъатдаги жозибадорлик ва оддийлик нимадан иборат бўлиши керак?” деган савол туғилади. Айтиш лозимки, поэзия, хусусан, лирика табиий предметнинг жозибадорлигини тасвирлашда мазмуннинг ҳаяжонли, жўшқин бўлишига асосланади, уни ҳақиқатда ўзига хос предметга айлантиради, ўз навбатида, поэзиядаги бундай тамойил санъат ва унинг баъзи турлари, хусусан, рассомликни нотўғри йўлга бошлаши ва олиб кириши ҳам мумкин. Жорий йил (1828)ги кўргазмада Дюссельдорф мактабига мансуб рассомларнинг бир неча асарлари намойиш қилинди. Бу суратлардаги сюжетларнинг барчаси поэзиядан, бунинг устига, унинг фақат ҳис-туйғуни ифодаловчи соҳаларидан ўзлаштириб олинганлигини айтиб ўтиш лозим. Жиддий ва алоҳида эътибор билан ёндашсак, уларнинг аксарияти чучмал ва сийқаси чиққанлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Идеал билан табиат ўртасидаги қарама-қаршиликда қуйидаги умумий жиҳатлар акс этади:

а) Ҳатто расмий жиҳатдан ҳам бадиий асар идеал, маънавий характерга эга бўлади. Дейлик, поэзия, номидан ҳам кўриниб турибдики, қандайдир маънода идрок этилувчи нарсаларни инсон тасаввурларида қайта ишлаши, сўнгра ўз фаолиятида зоҳирин гавдалантиришдан иборатдир.

Бунда мазмун мутлақ аҳамиятсиз бўлиши ёки бадиий тасвирсиз ҳам бизда кундалик ҳаётга оддий қизиқиш уйғотиши мумкин. Масалан, голланд тасвирий санъати табиатнинг инсоний ўзгаририлган оний кўринишларини сон-саноксиз таъсирлар яхлитлигида тажассум эта олди. Чунки қарта ўйнаб, ичкиликбозлик қилиб, кўп эзмаланган пайтимизда бизни кўпроқ бошқа манфаатлар қизиқтирса ҳам, бундай асарларда биз учун оддий ҳаётда мутлақ аҳамиятсиз бахмал, ялтироқ металл, ёруғлик, отлар, хизматкорлар, кампирлар, деҳқонлар, тор трубадан бурқсиб чиқаётган тутун, графинда ялтираётган вино, кир-мағар ёш-ялангларнинг эски қарталарда ўйин суриши каби юзлаб предметлар тасвири ўрин олади. Барча предметларнинг ўз қиёфалари орқали руҳни ботинан ташқи ва ҳиссий материалда теран тасвирлашида санъатнинг бу мафтункорлиги кўзга ташланиб туради. Шунинг учун биз реал жун, ипак ўрнига ҳақиқий соч, стакан, гўшт ва металл ўрнига фақат бўёқ, табиий предметлардаги мукамал ўзгаришлар ўрнига фақат ясси юзани кўрсак-да, барибир, ҳақиқий предметлар ҳақида таассуротлар ҳосил қиламиз.

б) Бу кўриниш руҳ яратган кундалик оддий реалликка қиёс қилинганда, идеалликнинг мўъжизасидир, таъбир жоиз бўлса, унинг ташқи табиий мавжудлик устидан истехзоси, кинояси ҳамдир. Табиат билан инсон бундай нарсаларни бунёд этишда қанча тайёргарлик кўриши, ҳар куни чексиз ва ранг-баранг омилларни ишга солиши керакмасми?! Бу жараёнда қайта ишланган материал, масалан, озмунча қаршилик кўрсатмайди, дейсиз?! Санъат ҳосил қилувчи тасаввур эса табиат билан инсон ботиний оламидан ҳамма нарсани шундай қийинчилик билан эркин ва ихтиёрий қайта ишланган оддий элементдир.

Тасвирланадиган предметлар чекли, лекин инсон кундалик ҳаётининг битмас-туганмас бойлиги ҳисобланади: ғоят гўзал тош, олтин, ўсимлик, ҳайвонлар ҳам ўзларича шундай чекли борлиқдир. Бироқ табиат оламидан ўзлаштирилган мазмуннинг яхлит оламини ижодкор – санъаткор инсоннинг ўзи яратади. Бу нарса чексиз тасвирлар ва мушоҳадалар соҳасида шундай заҳирани юзага келтирадики, улардан воқелик шарт-шароитлари ва зарурий воситаларисиз ҳам эркин фойдаланиш мумкин. Бундай идеалликда санъат предметларни объектив, ночор, мураккаб борлиқ билан соф ботиний тасаввур оралиғида олиб гавдалантиради, ҳаётни ботинан акс эттиради, манфаатларимизни бирор-бир амалий-моддий мақсадга йўналтирмаган ҳолда, соф назарий мушоҳадавий идеал, маънавий абстракция билан чегаралайди.

Санъат бундай идеаллик ёрдамида предметларни олижаноблаштиради, улуғлайди ва, айтиш мумкинки, санъат бундан ўзгача қадрият эмасдир. Мазмунан аҳамиятсиз бўлишига қарамай, санъат уларни ўзи-учун-борлиқда тажассум этади, мақсадга айлантиради, бугина эмас, айна пайтда, эътиборимизни лоқайд нарсаларга қаратиши ҳам мумкин. Санъат идеал, маънавий характери билан ўз даврига ҳам шундай муносабатда бўлиш мумкин. Санъат табиатдаги нарсаларга қандайдир воқеий тус беради, дафъатан юз бериб, тезда йўқолиб, сўнгра нутилиб кетувчи табассум, айёрона лаб буриш, ёруғликнинг оний шуъласи, инсон маънавий ҳаётининг фазилати каби кўплаб ҳодисалар мавжудки, булар санъатнинг бир лаҳзалик ҳодиса эмаслигини кўрсатади ва шу маънода, табиатни истисно қилади.

Бироқ санъатнинг бу расмий идеаллигида нафақат мазмун, шу билан бирга, бизни маънавий ижодкор туйғудан туғилувчи қониқиш ҳам чулғаб олади. Тасвир табиий бўлса-да, бироқ бунда поэтиклик ва идеалликни расман табиат эмас, балки тафо-

вутларнинг ғайритабиийлиги, ҳиссий моддийлик ва ташқи шарт-шароитларга барҳам бериш ташкил этади. Зеро, руҳнинг маҳсули бўлган табиат нарса-ҳодисалари бизда ҳақиқий шундай завқ-шавқ уйғотади. Предметлар шунчаки табиийлиги эмас, балки бизни табиий қилиб яратилганлиги билан ўзига мафтун этади.

в) Бадий асар мазмуни табиат кўринишида намоён бўлмаслиги билан бизда қизиқиш уйғотади. Бу мазмун шундай шакллар чегарасида ҳам руҳланиб, ўзига хос кенгайиб боради, табиий нарсаларнинг ҳар бир жиҳати ва ҳар қандай нуқтаси абсолют бирликни ташкил этади. Тасаввур эса муайян даражадаги умумийликни вужудга келтиради ва шунинг учун табиий тарқоқликдан фарқли ўлароқ, у билан боғлиқ ҳар қандай нарса умумий характерга эга бўлади.

Тасаввур кўламнинг кенглиги ва ботиний ибтидоий асосини илғаб, яққол гавдалантирувчи қобилият унинг устуворлигини юзага чиқаради. Тўғри, бадий асар фақат энг умумий тасаввурлардан иборат эмас, шу билан бирга, уни муайян даражада гавдалантириш ҳамдир. Бироқ, модомики, бадий асар руҳ билан тасаввурнинг маънавий стихиясидан яратилар экан, ҳаётий жиҳатдан яққол бўлишига қарамай, умумийликни ҳам ўзида қарор топтириши лозим. Расмий идеалликнинг оддий ҳодисасини поэтик асар билан солиштирганда, бу нарса унга юксак идеаллик бағишлайди.

Бу ерда бадий асарнинг вазифаси предметни унинг умумийлигида тушуниб ва мазмунни ифодалаб уни ташқи ҳодисаларга айлантиришда барча нарсаларни қандайдир ёт ва аҳамиятсиз қилиб гавдалантиришдан иборатдир. Санъаткор ўзининг ифодавий шакл ва усулларини амалга оширишда ташқи олам материалларидан тўла фойдаланмаслиги ҳам, зарурият туғилганда қандайдир информация маъносида уларга мурожат этиши ҳам мумкин. Мободо, у ҳақиқий жўшқин асар яратмоқчи экан, у ҳолда, фақат предмет тушунчасига мос хусусиятларни илғаб олмоғи зарур. Санъаткор табиат ва унинг неъматлари, умуман, қандайдир нарса-ҳодисаларни ибратомуз қилиб тасвирлаганда эса, уларга шунчаки “наф” тегиши эмас, балки зарурий ва табиий яратилганлиги, оддий борликдан анчайин юксак турганлиги учун муносабат билдириши керак.

Масалан, санъаткор-рассом инсон қиёфасини тасвирлаганда, эски суратларнинг баъзи жойларини қайтадан чизиб тиклаш, ёриқларини лак ва бўёқ бериб йўқотиш, эскирган қисмларини тўкиб-чатиб меъёрига етказиш тарзида иш тутмайди. Портрет рассомчилигида тери ажинлари, шунингдек, сепкил, ҳуснбузар, чечак буришмаси, туғма хол кабиларни туширишга йўл қўйилади, шундай бўлса-да, машҳур Деннер<sup>11</sup>нинг табиийлиги деб аталган нарса портретистлар учун андоза бўлмаслиги лозим. Портретда тасвирланган мускул ва томирлар табиатдагидек аниқ, бутун борлиги билан гавдаланиши ҳам шарт эмас. Негаки, буларда маънавий элементлар етарли ўрин олмаган ёки умуман йўқ даражада, ҳолбуки, инсоний қиёфани чизишда маънавий ибтидоий асоснинг ифодаланиши ўта муҳимдир.

Шунинг учун мен бизда антик халқларга нисбатан яланғоч ҳайкалларнинг камроқ яратилаётганлигини мутлақ камчилик, деб ҳисобламайман. Бизнинг ҳозирги кийим-бошларимиз қадимгиларнинг анчайин идеал либосларига қараганда, бадий эмас, оддийроқдир.

Уст-бошнинг ҳар икки кўриниши ҳам баданни ёпиб туришдек умумий мақсадга хизмат қилади. Лекин антик санъатда тасвирланган кийим-бош қандайдир оддий кўриниши билан, масалан, баданда, елкада ёпишиб туриши билан ўзига шакл топган эди. У бошқа ҳолатда турлича кўриниш олиши, инсон танасида енгил ва бемалол осилиб туриши ёки қадди-қомат ва мучалар ҳаракатига мос бўлиши ҳам мумкин. Ташқи либосга ўрналишдаги бундай уйғунлик танадаги руҳий ўзгаришларни зоҳиран ифода этади, шундай экан, моҳиятан сарпонинг бутун тахи осилиб туришининг ўзига хос шакли белгилаб олинади ва тана ҳолати ҳамда ҳаракатига мослаштирилади, бундай мутаносиблик эса либосдаги идеалликнинг асосини ташкил этади.

Бизнинг ҳозирги замон костюмларимиз учун олдиндан бутун материал шундай бичилади ва тикиладики, либоснинг баданда, оз бўлса-да, эркин осилиб туришига йўл қўйилмайди. Ҳатто чоклар ҳам чеварнинг маҳорати ва қолипи билан, тах-бурманинг хусусияти, андозаси ва бичимий усуллари асосида аниқлаб олинади. Умуман, инсон танаси аъзолари бу ерда ҳам кийим-бошнинг шаклига йўналиш берса-да, лекин улар бундай мувофиқлашув билан инсон танаси мучаларига кўр-кўрона ёндашиши, мода талаби ёки даврнинг ўзгарувчан талабларини ифодалаши ҳам мумкин. Либоснинг тайёр бичими (фасон) ҳамма вақт бир хил бўлиб, тананинг ҳолати, ҳатти-ҳаракатини акс эттирмаслиги ҳам мумкин. Биз, масалан, ҳарчанд қўл ва оёқларимиз билан ҳаракат қилмайлик, костюмнинг енглари ва шим ўзгармайди, жуда нари борганда, бичими ян-

<sup>11</sup> Деннер Бальгазар (1685-1749) – немис портретчи рассоми.

гиланиши мумкин, бироқ улар Шарнгорст<sup>12</sup> ҳайкалида тасвирланган тор шимлардаги сингари бу ерда чоклари билан ажралиб туриши ҳам мумкин. Бинобарин, ундан ташқи элемент тарзида бизнинг кийим-бошимиз ботинан ажратилмайди, табиатнинг шаклига сохта тақлид қилиб ҳеч қачон ўз андозасини ўзгартирмайди.

Ҳозиргина биз инсон танаси ва унинг либосига оид билдирган фикрларимиз инсон ҳаётининг кўплаб хосса ва эҳтиёжлари ҳамма учун зарурий ва умумий эканлигини кўрсатади, бироқ улар руҳнинг хатти-ҳаракатлари билан зоҳиран боғланган бўлса-да, моҳиятан инсон борлигининг моддий шарт-шароитлари, масалан, еб-ичиш, ухлаш, кийиниш кабилардан иборат муайянлик ва манфаатлар билан алоқадор эмасдир.

Тўғри, поэзияда бу жиҳатлар ўз ифодасини топиши мумкин ва бу соҳада биз, масалан, Гомернинг юксак табиийликка эришганлигини эътироф этмоғимиз лозим. Гомер ҳам мушоҳаданинг ёрқинлиги ва равшанлигига зид ўлароқ, бу ҳолатлар ҳақида шунчаки эслаб ўтиши лозим эди, бироқ ҳаётнинг ҳақиқий тафсилоти ва тасвирларини беришни ундан талаб қилган ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган. Афсуски, Гомер Ахилл<sup>13</sup>нинг гавдасини тавсифлар экан, унинг мучалари аниқлиги, ҳар бир мучанинг ҳолати, унинг бошқалар билан алоқаси, ранги ва бошқаларни тасвирлаш ўрнига фақат пешонасининг кенглиги, чиройли бурни, бақувват узун оёқларини эсга олиш билан кифояланади.

Бундан ташқари, поэзияда ифодавий усул ҳаммиша табиий алоҳидалиқдан фарқли ўлароқ, тасаввурларни вужудга келтиради. Шоир предмет ўрнига фақат унинг номидан, алоҳидалиқ орқали умумийликни ифодаловчи сўздан фойдаланади, чунки сўз тасаввурдан туғилганлиги учун умумийликни англатади. Тасаввур ва нутқ, бевосита ном ва сўздан табиат предметларини ўта ихчамлаштиришда восита сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Бироқ бундай табиийлик унинг бирламчи шаклига бутунлай зид бўлиб, уни йўқотиши ҳам мумкин. Биз бу ерда кўриб чиққан табиийлик поэтик асосга нисбатан зид кўйилса, табиийки, “табиат” умуман қуруқ ва номуайян сўздан иборат бўлади, шунинг учун унинг қайси тури ҳақида сўз бориши керак, деган масала келиб чиқади. Поэзия ўз тасвирларида фаолликка, ўзига хослик ва жиддийликка алоҳида эътибор беради ва бу муҳим моментлар воқеликнинг шунчаки нарсалари эмас, балки ифодавийликнинг идеал ва маънавий хусусиятларини гавдалантиришга ҳам хизмат қилади. Санъаткор, мобоодо, ҳодиса ва кўринишларнинг фақат реал тафсилотлари билан шунчаки чегараланиб қолса, табиийки, бу тасвир дидсиз, рангсиз, зерикарли ва ўта кўнгилсиз манзарани ҳосил қилади.

Ҳар қандай санъат умумийликка ўзига хос муносабат билдиради. Маълумки, уларнинг баъзилари идеалроқ кўриниш олишга, бошқалари кўпроқ ташқи яққолликка интилади. Масалан, ҳайкалтарошлик намуналари тасвирий санъатга нисбатан абстрактроқ кўринишларни яратади, поэтик санъатда эпик тур зоҳирий ҳаётийлик тарафидан драматик-саҳна асарлари билан тенглаша олмайди, лекин бошқа томондан, тўлақонлиги ва яққоллиги билан улардан устунлик қилади. Чунки эпик шоир шахсан ўзи кўрган-кузатган нарса-ҳодисаларнинг конкрет образини яратади, драматург эса ўз қаҳрамонлари хатти-ҳаракатидаги ботиний сабабларни шу боис ирода ва руҳий ҳаётига бу омиллар таъсирини тасвирлаш билан чекланади.

г) Модомики, руҳ манфаатдорлик асосида ўзининг ботиний борлигини ташқи ҳодисалар кўринишида ўзи ва ўзи учун юзага чиқарар экан, бунда идеал билан табиат ўртасидаги қарама-қаршилик қандай маъно касб этади, деган савол туғилади. Бу борада “табиийлик” сўзини унинг ҳақиқий маъносида ишлатиб бўлмайди, албатта. Чунки табиийлик руҳнинг табиий қиёфаси сифатида, масалан, ҳайвонлар ҳаёти, табиий ландшафт ва ҳоказолар сингари бевосита мавжуд эмас, балки маънавийликни англатади, танада гавдаланиб идеал хусусият касб этади.

Идеаллаштириш бу – айна руҳга сингиш, руҳ томонидан ташкилланиш ва қарор топиш ҳамдир. Марҳумлар юзининг болалиқдаги аслига қайтиши ҳақида кўп гапирадилар. Уларда жисмонан тажассум этилган барча хатти-ҳаракат ва истакларнинг эҳтироси, одат ва интилишлари йўқолиб кетади, лекин болалиқ қиёфасининг қатъияти сақланиб қолади. Ҳаётда эса ботиний олам қиёфа билан қадди-қоматни ифодалайди. Масалан, турли халқ, табақа ва бошқа қатламлар ўзига хос маънавий қадрият ва фаолияти билан ташқи қиёфаларига хос айирмачиликларни юзага чиқаради. Бу алоқаларнинг барчасида зоҳирийлик руҳ билан суғорилади ва унда юзага чиқмаган нарсалар эса табиатга қарама-қарши тарзда идеаллаштирилади.

Табиийлик билан идеаллик тўғрисидаги масала айна шу ерда ўзининг илк бора ҳақиқий маъносини топади. Негаки, баъзилар таъкидлашича, маънавий ибтидоий асос-

<sup>12</sup> Шарнгорст Герхард Иоганн (1755-1813) – прусс генерали ва давлат арбоби.

<sup>13</sup> Ахилл – қадимги юнон мифологияси қаҳрамони.

нинг табиий шакллари санъатнинг ҳақиқатини ташкил этади. Санъат қайта яратмаган воқеа-ҳодисалар анча юксак, тенгсиз ва идеал бўларли даражада борлиқда мукам-маллик ва ғўзаллик топади, шундай экан, санъат табиатдан топилмаган ғўзал нарса даражасига ҳам эриша олмаслиги мумкин, дейишади. Бошқа бировлар эса ҳақиқатда санъат тасвирлангандан бошқачароқ, идеалроқ шакл ва тасвирий воситаларни ўзи мустақил яратиши керак, деган талаб қўядилар. Бу жиҳатдан, хусусан, юқорида тил-га олинган фон Руморнинг баҳслари алоҳида аҳамиятга моликдир; идеал баъзи бировлар тилида тўхтовсиз чайналаётган ва улар табиат ҳақида нафрат ва такаббуруна фикр билдираётган бўлса, фон Румор ҳам идея билан идеалга шундай жирканч кўз билан қарайди.

Ҳақиқий аҳвол эса бундан бошқачароқдир. Маънавий оламда ўртамиёна зоҳирий ва ботиний юзакичилик мавжуд бўлиб, ташқи сохталик ботиний сохталик орқали тав-сифланади. Ботиний сохталик ўз хатти-ҳаракати ва зоҳирий кўриниши билан фақат ғаразғўйлик, майдакашлик ва ҳиссий интилишни юзага келтириши мумкин. Санъат эса бу сохтада қиёфа яратишни ўз предмети қилиб олиши мумкин ва кўпинча шундай ҳам қилади. Бироқ аввал айтиб ўтганимиздек, бунда асосий мақсадни фақат мана шундай, айна шундай маҳоратни ижодий гавдалантириш ташкил этади, шундай экан, уларнинг мазмунини бадиий асарларга тиқиштириш ёхуд бу материалга асосланиб қандайдир муҳим ва маънили нарсалар яратишни истейдод эгаси, яъни санъаткордан талаб қилиш беҳудадир. Жанрли тасвирий санъат деганимиз, бундай предметларни тасвир-лашда уларга илтифот қилишдан нари ўтолмайди ва санъатнинг бу турини фақат гол-ланд расомларигина юксак даражага кўтара олганлар. Голландларни бу жанрда ижод қилишга даъват этган нарса нима? Уларнинг ихчам ва мафтункор суратлари қандай маънони англатади? Рўйи рост айтганда, бу суратларга “сохта натура” тамғасини ёпиштириш, уларни эътибордан четда қолдириш ва рад этиш, асло мумкин эмас. Бу картиналарда ишлатилган ҳақиқий материаллар билан яқиндан танишиш уларнинг кўпам сохта эмаслигини кўрсатади.

Голландлар муайян мазмунни ўз-ўзидан, ўша давр ҳаётдан олиб ўз тасвирлари-га киритгани ва уларни санъатда қайта яратгани боис таъна эшитишга сазовор эмас. Санъаткор замондошларининг дунёқараши, фикри-зикри ва мақсадларига таъсир кўрсатишни, ўзига нисбатан авлодлар қизиқишини уйғотишни мақсад қилиб олса, та-биийки, асарларига мазмунни ўз давридан олиши керак. Ҳақиқатан ҳам ўша даврда голландларни нималар қизиқтирганлигини тўла тасаввур қилиш учун биз уларнинг тарихига муурожаат қилишимиз лозим. Айтиш жоизки, улар ҳаёт кечирувчи заминнинг асосий қисмини ўз қўллари билан бунёд этганлар, денгизнинг тинимсиз хуружларидан уни ҳимоя қилган ва сақлаб қолганлар. Деҳқонларнинг шаҳарликлар билан биргалик-да кўрсатган жасоратлари, матонат ва қахрамонликлари оқибатида Филипп II, унинг ўғли Карл V ҳукмронлиги даврида испанларнинг олий ҳоқимияти, ҳукмронлиги барҳам топади, диний эътиқодда ихтиёрийлик ҳуқуқи ўрнатилади, сиёсий ва диний эркинлик қарор топади.

Бундай фидойилик ва ташаббускорлик фахрланишга лойиқми-йўқми, бундан қатъи назар, нафақат ўз мамлақати, балки узоқ денгизларда ҳам жиддий ва эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватланади, бу суратларда онгни теран забт этган бундай мамнунлик, бундай шодиёна ғурурланишдан роҳатланиш туйғуси муштарак мазмун касб этади. Ҳар қандай сохталикдан холи бўлган бу материал ва мазмун санъат учун сарой ҳаёти ва киборлар жамиятининг сулуқати бирдан бир ягона меъёр бўлиши керак, деган ўта такаббуруна ёндашувни истисно қилади. Ҳозир Амстердамда сақланаётган Рембрант-нинг машҳур “Тунги соқчилик” асари ҳақиқий миллий фахрланиш туйғуси билан тўлиб-тошган, Ван Дейкнинг портретлари, Вуверманнинг ошиқ-маъшуклар рақси ва ҳатто деҳқонларнинг ичкиликбозликлари, қувноқ масхарабозликлари ва ҳазил-мутойибаларини тасвирловчи суратлари ҳам моҳиятан миллий ифтихор туйғусини ифодалашга хизмат қилади.

Жорий йилда ташкил қилинган бадиий кўргазмада ҳам шунга ўхшаш жанрли кар-тиналар намойиш этилди, бироқ маҳорат тарафидан уларнинг тасвирини голланд-ларникига қиёслаб бўлмайди, негаки, улар моҳиятан эркинлик ва шодиёналикни ўзига сингдирган голландларнинг суратлари даражасида эмас. Масалан, қаршимизда эри-ни ҳақорат қилиш пайида ресторанга кириб келаётган аёл тасвири туширилган сурат турибди, дейлик. Бу суратда биз мижғов ва сержаҳл кишилар ўртасида юз берувчи машамалардан бошқа бирор манзарани кўрмаймиз. Голландларнинг меҳмонхона ресторанида ўтказган шодиёналарини тасвирлаган картиналарида эса хотин-лар билан қизларнинг биргаликдаги иштироки, тўю тантана ва рақслар, базм ва ич-киликбозликлар, ҳатто жанжал ва муштлашишлар ҳам бизда улар гўё хушчақчақ ва овуноқлик билан ўтаётгандай таассурот қолдиради, хуллас, буларнинг барча-барчаси

эркинлик ва айш-ишрат ҳисси билан чулғаб олинган. Бу суратларнинг олий руҳияти ҳатто ҳайвонларни жанрий тасвирловчи соҳани ҳам чулғаб олади, тасвирларда берилган завқланишни кузатиб тўқлик ва шўхлик, табиий шодланиш, мусаффо маънавий эркинлики илғаб олиш ва жонли тасаввур этиш мумкин.

Бу жиҳатдан Мурильонинг ёш йўқсиллар тасвири солинган (Мюнхен марказий кўргазмасида) картиналари жиддий қизиқиш уйғотади. Бу ерда тасвир предмети ташқи жиҳатдан ўта юзаки. Унда онаизор ўғилчаси бошидан бит ахтаради, бола эса бамай-лихотир нон чайнаш билан овора, бошқа бир картинада эса жулдурвақа ва йўқсил икки болакайнинг қовун ва узум еяётгани тасвирланади. Бироқ бундай ночорлик, ярим яланғочликда ботиний ва зоҳирий саломатлик, шодумонлик туйғуси, дарвешнинг маънавий хотиржамлигидан қолишмайдиган бепарволик кўзга шундоқ ташланиб туради. Ташқи борлиқ тўғрисида қайғурмаслик ва бу зоҳирий кўринишда акс этган маънавий эркинлик идеаллик тушунчасининг энг муҳим талабидир.

Рафаэлнинг Парижда сақланаётган ўғил бола суратида бошини икки тирсаги орасига олган ҳафсаласиз боланинг узоқ-узоқларга рўшнолик ва бепарволик билан тикилиши шу қадар гўзал тасвирланганки, соғлом маънавий қувноқликни ифодаловчи бу манзарадан узоқлашиш амри маҳол. Мурильонинг болакайлари ҳам бизга шундай мамнунлик бахш этади. Бир қарашда, бу болаларда қандайдир манфаат ва мақсад йўқдай туюлади, лекин улар олимп маъбудларига ўхшаб мамнун ва ўзларини бахтиёр ҳис этиб, бефаҳмларча чўнкайиб ўтирмайди, бирор ишга берилмайди, бирор сўз демайди, шундай бўлса-да, улар қандайдир руҳий ҳайратга тушмаган ва хотиржамликка берилмаган яхлит кишилар бўлиб кўзга ташланади. Биз бу болакайларда истеъдодимизнинг келажаги куртакларини кўрамиз, шундай экан, улар орасидан энг яхши одамлар етишиб чиқишига умид қиламиз. Бу бизда юқоридаги суратларда тасвири берилган жанжалкаш, сержаҳл аёл ёки қамчи ўйнатувчи дағдағадор деҳқон ёки пичанхонада ҳомузага берилган почтачи образига нисбатан бутунлай ўзгача тасаввурлар уйғотади.

Табиийки, бу жанрдаги суратларнинг ҳажми катта бўлмаслиги лозим. Бу суратларнинг бутун ҳиссий кўриниши уларнинг нафақат тасвирланган предмет, шу билан бирга, нарсанинг биз учун ҳам мазмунан қайдайдир аҳамиятсизлигини ифодалаши керак. Табиий борлиги билан ҳар қандай нарса бизда мамнунлик уйғотгани сингари, уларни ҳақиқатда табиий ҳажмда идрок этиб бўлмайди.

Шундай идрок этиш билан биз одатий, оддий предметлар тасвирининг нима сабабдан бадиий асар мазмунига айланишини билиб оламиз.

Хусусий моментларнинг ўз-ўзида аҳамиятсизлиги ва бундай мамнунлик бериши ҳамда тор манфаатлардан фарқли ўларок, санъатда тасвирланишга арзирли анчайин юксак, идеал предметлар ҳам мавжуддир. Негаки, инсон руҳнинг ўз-ўзидан уйғунлашувининг ботиний ифодаси ва теранлиги манбаини ташкил қилувчи анчайин жиддий манфаат ва мақсадларга ҳам эгадир. Зероки, бундай олий мазмунни тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган санъат улуғвор санъатдир. Санъат фақат шу маънода руҳ яратган бу мазмунни ифодаловчи кўринишларни қаердан кашф этиши керак, деган савол туғилиши мумкин. Баъзилар фикрича, санъаткор азалдан юксак идеяларни ўз асарларида гавдалантириб келгани сингари бу шаклларни ҳам ўз-ўзидан излаб топиши ва уларни, масалан, юнон маъбудлари, Исо Масих, ҳаворийлар, авлиёлар ва бошқаларга мос қилиб ўзи яратиши керак.

Фон Румор жаноблари бундай эътирофларга ҳаммадан кўп эътироз билдиради. У рассомларнинг табиийликдан йироқ бундай шаклларни излаб топишини тўғри йўлдан оғиш, деб ҳисоблайди, итальян ва нидерланд санъати дурдоналарини эса тақлид учун намуна қилиб кўрсатади. Шу маънода ёзади: “Кейинги олтмиш йил ичида санъат тўғрисидаги таълимот шуни исботладикки, санъатнинг баайни бирдан-бир ёки, ҳеч бўлмаганда, бош мақсади табиатдаги тузилмаларни яхшилашга қўмаклашиш эмас, табиат маҳсулотлари кўринишга алоқаси бўлмаган шаклларга тақлид қилиш эмас, шу билан бирга, қайсидир маънода табиатнинг ўзи бундан-да ортиқларини вужудга келтира олмаганлиги, айни пайтда, уларни янада гўзалроқ яратганлиги учун хом сут эмган бандаларни рағбатлантиришдан иборат бўлмоғи керак”.<sup>14</sup> Шунинг учун фон Румор санъат тўғрисидаги асарларида санъаткорга “инсоннинг руҳияти кераксиз даражада қандайдир бошқача аталишига қарамай, табиат кўринишини улуғловчи ва қайта яратувчи улкан ниятларидан воз кечиш керак” (ўша ерда, 63-б), дея маслаҳат беради.

Жаноб фон Румор фикрича, юксак маънавий предметлар орасида ҳатто уларга маъқул зоҳирий шакллар ҳам мавжуд бўлиб, “бу маънавий мазмун қандай тасаввур қилинишидан қатъи назар, бадиий тасвирнинг предметини ғайриихтиёрий белгилар

<sup>14</sup> Фон Румор. Итальян тадқиқотлари, 1 том, 105-б.

эмас, балки табиатдаги муҳим органик кўринишлар ташкил қилади” (ўша ерда, 83-б.). Фон Румор бу ерда қадимгиларнинг, асосан, Винкельман маъқуллаган идеал шакллари назарда тутлади. Винкельман бу шакллари ўрганиш ва тизимлаштиришда тасодифий камчиликларга йўл қўйган бўлса-да, лекин унинг бу соҳадаги хизматлари каттадир. Винкельман, масалан, Рим ҳайкалларида ўзлаштириб олинган қорин пастки қисми чўзиқлигини (Изоҳларда, 115-б) антик идеалнинг шаклга хос белгиси, деб ҳисоблаган эди.<sup>15</sup>

Фон Румор ўзининг идеалга қарши олиб борган баҳс-мунозараларида санъаткор табиий шакллари ўрганиши керак, чунки ҳақиқий гўзаллик фақат шулар орқали гавдаланади, деб ҳисоблайди. “Нега деганда, – давом этади у, – гўзалликнинг энг эътиборлиси, инсоннинг ижодий қобилияти яратган муайян аломат ва белгилар қўшилувидан ташкил топган шакллар эмас, балки табиат нарсаларининг ўзидан иборат, шундай экан, бу хоссаларни мушоҳада қилишда қисман муайян тасаввур ва тушунчаларни эслатувчи, қисман ҳис-туйғуларни жунбишга келтирувчи рамзийлик эмас, балки табиий мавжудликка таянишимиз лозим” (144-б.). Шундай қилиб, одатда руҳнинг идея деб аталмиш “сеҳрли фазилати” “санъаткорни табиатнинг зотий ҳодисалари билан алоқа боғлашга, унинг ёрдамида ўз истагини теранроқ ифодалашга даъват этади” (105-б).

Эътибордан четда қоладиган бирор-бир белги тўғрисида идеал санъатда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, борди-ю, қадимгиларнинг юқорида биз тилга олган ўша табиий идеал шаклларга тақлидчилиги ва табиий кўринишларни эътибордан соқит қилиши сохта ва юзак абстракция бўлса, ўз навбатида, уларнинг ўзи ҳам шу даражада идеаллашиб кетганлиги ҳам сир эмас, модомики, шундай экан, бу соҳанинг ўта жонқуяри фон Румор ҳақ бўлиб чиқади.

Бадиий идеал билан табиат ўртасидаги бундай қарама-қаршиликлар борасида сўз борганда, асосан, қуйидагиларни қайд этиш лозим. Табиатнинг негизини ибтидоий асосни ботиний ва маънавий гавдалантириш жиҳатидан бевосита унинг муҳимлиги эмас, балки рамзийлиги, деб ҳисоблашимиз мумкин. Шунга кўра, улар ҳеч қандай маънавийликни тасвир этолмайдиган табиатдан фарқли ўлароқ, фақат ўз мавжудлиги чегарасида, санъатдан ташқарида идеал характер касб этади. Руҳнинг ботиний мазмуни ўзининг олий даражадаги зоҳирий ифодасини санъатда топмоғи керак.

Умуман, бу мазмун ўзини ифодалашда ташқи образларга эга бўлган реал инсоний руҳда яшайди ва буни биз эътироф этмоғимиз лозим. Бироқ санъатда, масалан, Юпитерни, унинг буюқлигини, хотиржамлиги ва бақувватлигини, Юнона, Венера ёки Петр, Исо, Иоанна, Мария ва бошқаларни табиий қилиб тасвирлашда илмий жиҳатдан шундай гўзал, жонли қиёфалар ҳақиқатда воқелиқда мавжудми, деган савол қўйиш тўғри эмас. Бу масаладаги баҳсни ҳар қанча давом эттириш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш маъносида далиллар келтириш ҳам мумкиндир, бироқ муаммонинг амалий ечимини топиш анча мураккаб бўлиб, уни ҳатто эмпирик тарзда ҳам ҳал этиб бўлмайди. Бунинг ечимини топишнинг бирдан-бир йўли бу, масалан, юнон маъбудлари ва ҳатто замонавий воқелиқка ҳам базўр қиёс қилиб бўлмас реал ҳодисаларни очиқ-ойдин тасвирлаб кўрсатишдир, чунки бунда, айтилиқ, ўта гўзал қиёфани биров минг чандон ақли бўлса-да тезда, бошқа биров умуман илғай олмаслиги ҳам мумкин.

Бундан ташқари, шакллар гўзаллиги идеални юзага келтирмайди, ҳолбуки, идеал мазмунга хос бўлган индивидуаллик шакл индивидуаллигини ҳам тақозо қилади. Масалан, келишган гўзал қиёфани олиб кўрайлик, унинг истараси ўта совуқ ва бетаъсир бўлиши мумкин. Ҳолбуки, характерли муайянликка эга бўлган индивидлар умумий типлар доирасида юнон маъбудлари идеалини яратган эди.

Идеалнинг ҳаётлиги жамики зоҳирий воқеаларнинг аломатли белгилари, яъни уларнинг бўй-басти, тана ҳолати ва хатти-ҳаракатлари, юз қиёфалари, тана мучаси кабиларни тасвирий жараёнда муҳим, муайян маънавий мақсадлар билан чулғаб олишга асосланади, демак, бирор-бир ёт ёки аҳамиятсиз нарса унда эътибордан четда қолмайди, барчаси шу руҳ билан сўғорилган бўлади. Масалан, юнон ҳайкалтарошлигининг эндиликда нақош Фидийга тегишли эканлиги тасдиқланган намуналари ўз ҳаётлиги билан томошабинлар руҳиятини кўтаришга хизмат қилиб келмоқда. Моддий кўринишлар билан умумий мазмун асарда узвийлик касб этганлиги учун ҳозиргача ўз идеал аҳамиятини, ёқимтойлиги ва нафосатини йўқотган эмас. Бинобарин, бундай юксак ҳаётлиқ буюк санъаткорларга хос фазилат саналган.

Бу мухтасар фикрни ҳақиқий оламнинг хусусий жиҳатларига қиёс қиладиган бўлсак, биз уни ўз-ўзида абстрактулашув, деб аташимиз лозим. Характерни ҳар томонлама эмас, балки унинг фақат алоҳида бир моментини тасвирловчи бу хусусият, айниқса,

<sup>15</sup> Винкельман. “Қадимги санъат тарихи”, биринчи китоб, 4 боб.


хайкалтарошлик ва рассомликка жуда хосдир. Масалан, Гомер Ахиллнинг образини, бир томондан, қаттиққўл ва бераҳм, бошқа томондан, мулойим, дўстпарвар ва маънавий фазилатлар соҳиби қилиб кўрсатганда шундай йўл тутган эди. Шу маънода, масалан, диёнат ортиқча мулозамат, хушчақчақлик каби ифодавий ҳолатларни ўзида акс эттирмайдиган бирор-бир қиёфа бўлмаса керак ва ҳ.к. Бундай физиономиялар юқоридагилардан ташқари, яна минглаб маънавий ҳолатларни акс эттириши, лекин асосий мазмунига мутлақ мос келмаслиги ёки бевосита алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шунинг учун портрет, авваламбор, тасвирланувчининг хусусий аломатларини акс эттиради. Биз кўпинча эски немис ва нидерланд картиналарида совға улашаётган эркак билан уй хизматчилари, унинг рафиқаси, ўғил-қизлари тасвири туширилган манзараларни кўрамиз. Рассом уларни шундай бир нафсоний кайфият билан тасвирлайдики, қиёфасининг ҳар бир нуқтасида шундоқ художўйликлари билиниб туради. Бироқ бундан ташқари, биз эркаклар қиёфасида чексиз азоб-уқубатлар тортган, фаол ҳаёт ва эҳтирослар синовидан ўтган жасур жангчиларни кўз олдимизга келтирамиз, аёллар эса қаршимизда ҳаётга ошуфта ва умр йўлдошларининг чинакам таянчлари бўлиб кўзга ташланади. Ҳатто тасвирий ҳаққонийлик билан шуҳрат қозонган картиналардаги қиёфаларни ҳам моҳиятан Мария ёки унинг сафдош художўйлари, ҳаворийлари билан қиёсласак, бу қиёфалар орқали биз фақат афт-ангорни идрок этамиз, уларда муқуллар, ҳаракатчан ва ҳаракатсиз белгилар тажассум топганлигини кўрамиз. Барча элементларнинг асарда бундай ягона бир мақсадга бўйсундирилиши, аслида, идеал тасвирдан портретнинг ўзига хос фарқини англашиб туради.

Санъаткор мазмунни ифодалашда мавжуд кўринишлардан энг яхшиларини танлаб олиши ва қиёслаши ёки эстамп коллекциялаши, қиёфанинг ўймакор нақши (гравюра), гавда тузилиши ва бошқаларда акс этган ҳақиқий шаклларини кашф этиши билан чегараланиши ҳам мумкин. Афсуски, санъаткорнинг иши бундай тажассум ва саралаш билан ниҳоя топмайди, балки ҳаёлида уни яхлитлик сифатида янада ижодий бойитиши, шу билан бирга, ўзининг шаклга мос билими, тийраклиги ҳамда ақл-заковатини намоеън этиши лозим.

Рус тилидан **Маҳмуд АБДУЛЛАЕВ**  
таржимаси

*Давоми келгуси сонларда*



## “МУАЛЛИФ ЎЛИМИ” ГА СИЗ ҲАМ ОВОЗ БЕРАСИЗМИ?

(ёки асл ижод соғинчи)



### Мақдам МАҲМУД

1940 йилда туғилган. Ёзувчи, олим ва таржимон. Ўрта Осиё дорилфунуни филология факультетида таҳсил олган. “Талант ва ижод фалсафаси”, “Абадият лаҳзалари”, “Орифи маоний”, “Кешга баҳор келди” каби илмий, бадиий асарлар муаллифи. Шунингдек, Арасту, Форобий, Ибн Сино, Ф.Аттор каби алломалар, Бальзак, Луис Борхес, Белинский, Чарльз Диккенс сингари адиб, танқидчилар ижодидан қатор таржималар эълон қилган.

## ТАҚЛИД, ТАСВИР, ИЛҲОМ ВА ИСТЕЪДОД

“Шарқ юлдузи” журнали бадиий, ижтимоий, фалсафий асарларни нашр этиш билан бирга, жаҳон адабиёти тарихи, эстетика, поэтикага доир назарий мақола ва суҳбатларни бериб бориши журнал ўз вазифаси доирасини, кўламини кенгайтириб бораётганини кўрсатади. Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам “Муаллиф ўлими”га сиз ҳам овоз берасизми?” сарлавҳали адабий ўйларида кейинги йиллар Ғарб адабиётшунослиги, эстетик тафаккурда туғилган бадиий асарларни ижод қилиш “технологияси”даги янгиликлар, жумладан, Роллан Бартнинг “Муаллиф ўлими”, Юлия Кристеванинг “интертекстуаллик” каби янги-ча адабий назарияларига қизгин муносабат билдиради. Улуғбек Ҳамдам таҳлилидан кўринадики, у Бальзакнинг бир ҳикояси асосида Роллан Барт чиқарган назарий хулосага қўшилади ҳам, айрим эътирозларини билдиради ҳам. Р.Барт Бальзакнинг “Сарразин” ҳикоясидаги бир жумла, қаҳрамон руҳий ҳолатининг нозик тасвири муаллифнинг ўзи топган матн эмас, балки муаллифга боғлиқ бўлмаган, яъни муаллифи йўқолган, “ўлган” матндир, дейди. У келтирган жумлада Бальзак кастрация (ахта) қилиниб, эркаклигини йўқотган йигида романтик табиатли нафис аёлларга хос нозик ҳиссиётлар пайдо бўлганини тасвирлайди. “Буни ким айтмоқда? – дейди Р.Барт, – аёллик табиатини яхши билгувчи ёзувчи Бальзакми? Ё ахта йигит ўрнида аёлни тасаввур қилган асар қаҳрамоними? Ёки бу умуман инсон донолигимми? Ёки романтик руҳиятми? Биз бу тасвир муаллифини ҳеч қачон билолмаймиз”. Р.Барт шу биргина жумла асосида умуман бадиий тасвирда субъектив, шахсий қарашлар йўқолиши ҳақида “муаллиф ўлими” назариясини ўйлаб топади.

Оноре де Бальзак шу қадар назарий қоидалар доирасига сиймайдиган адибки, у ҳар бир асарида воқеликнинг янги қирраларини, янги-янги қаҳрамонларнинг субъектив қарашларини турлича услубда тасвирлайдики, агар асари устида унинг номи қўйилмаган бўлса, буларнинг барчасини Бальзак ёзганига ишонмаган бўлар эдик. “Гобсек”, “Евгения Гранде”, “Горио ота” романларида жиддий реалист бўлган Бальзак



“Сағри тери тилсими”, “Ёшлик иксири”, “Ал-кимёгар”, “Фачино Кане” асарларида романтик ва фантаст адиб сифатида кўринади. Р.Барт келтирган матнда мен муаллиф йўқолган, “ўлган” деб ўйламайман.

Бальзак “Фачино Кане” ҳикоясида венециялик бир аслзода, сенаторнинг ношукурлиги, очкўзлиги тақдир ажойиботлари сабабли кўзи кўр қилиниб, икки кўр ўртоғи билан соз чалиб, тиланчилик қилиб яшаётганини тасвирлар экан, ёзувчи французларга хос бағрикенглик, саховат билан ўз номидан сўзлаб, бадиий ижод сирларидан ҳам баъзиларини ошкор қилади. Ёзувчи асар қаҳрамони – собиқ сенаторни учратган вақтидаги ўз кечинмаларини ҳам муфассал тасвирлайди: “Мен чекка жойлардаги халқнинг феъл-атворини, характерларини ўрганар эдим... Уларнинг ўзаро гап-сўзларини (уларнинг ҳозирги аҳволини билдирувчи гап сўзларини) эшитиб, уларнинг ҳаёти ичкарасига бутунлай кириб, эгнимда уларнинг жулдур кийимини, оёғимда чориғини ҳис этар эдим. Бу одамларнинг истаклари, нималарга зориқиши, эҳтиёжлари – барчаси менинг руҳимга кириб олди. (Баъзи ижодкорлар, аксинча, мен уларнинг руҳига кирдим, дейдилар. Бальзак қаҳрамони бўлган ёзувчи айтгани тўғри бўлса керак. Балки, иккаласи ҳам мумкиндир – М.М.) Шу ҳунармандлар билан бирга уларнинг иш ҳақини вақтида бермай, қийнаётган виждонсиз иш буюрувчиларга лаънат айтар эдим. Мен ўз одатларимни йўқотиб, (ўзимни улар ўрнига қўйиб), маънавий камол топиб, (фазилатлар ҳосил қилиб), ўз ихтиёрим билан шу ўйинда (бошқа одам бўлиб қолишда) ўйнар эдим. Менда бу қобилиятни ким уйғотди экан? Учинчи кўзим очилдимикан? Мабодо, бу қобилият суиистеъмол қилинса (яъни, ортиқча берилиб кетилса), жинни бўлиб қолиш мумкин. (Шундай руҳий касаллик бор – шизофрения, бунда бемор ўзини Наполеон ёки Суворов деб ўйлайди – М.М.) Мен бундай қобилият қаердан келганлигини, манбаини суриштириб ўтирмадим, менда шу қобилият бор ва мен бундан фойдаланаман, вассалом. Шунин билардимки, бундай чекка жойларда инқилобчилар, жасур қаҳрамонлар, ихтирочилар, туғма истеъдодлар, золимлар, камбағалликдан бўғилган, ичкиликка берилганлар ва соғлигидан айрилганлар яшайди. Бундай қайғули жойларда не-не янги саргузаштлар, драмалар, даҳшатли ва ажойиб-ғаройиб воқеалар борлигини сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз”. Бадиий ижодни тадқиқ этган адабиётшунослар ҳозир буни ижодкорда синчков кузатувчанлик ва бой тасаввур қилиш қобилияти, дейдилар. Аммо бу қобилият ҳаётни чуқур билишга, ҳаёт ҳақиқатини англашга асосланганини яхши билдилар, десак, бадиий ижодни анча жўн тушунган бўламыз. Суқрот ҳақим дoston айтувчи Ионга: “Бадиий ижод қилиш қобилияти – илоҳий илҳом билан боғлиқ” деб, бундан кўра яхшироқ тушунтирган. Демак, бадиий тасвирда муаллиф “ўлими” эмас, муаллиф шахси, истеъдоди ҳал этувчи фазилатдир.

Кам учрайдиган, ибратли, қизиқарли, муҳим воқеа ва ҳолатларни тарихчидай баён қилиб эмас, балки ҳаётдагидай жонли тасвирлашни Арасту “мимесис”, тақлид санъати деб атаган эди. Р.Барт келтирган мисолда, муаллиф “ўлмайди”, аксинча, бундай тасвирда муаллиф – Бальзак кўринади.

Улуғбек Ҳамдам турли чалкаш қарашларга аниқлик киритиш учун энг ишончли далиллардан бири – Арасту “Поэтика”сида айтилган “мимесис” – тақлид назариясига мурожаат қилади: “(Фикрларни) ҳар қанча айлантриб кўрмайлик, Аристотель мустаҳкам асосга эга фикрни илгари сурганлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб келмоқда. Албатта, ўзгача қарашларнинг ҳам пишиқ-пухта пойдевори бор эса, олам кенг – яшайверди. Қолаверса, Гегель ҳам, бошқалар ҳам (масалан, Лессинг, Гёте, Хердер... – М.М.) дастлабки улгини Аристотель бободан олганига тарих гувоҳ. Зеро, адабиёту санъатнинг келиб чиқишида қомусий олим назарда тутган “тақлид”нинг ҳиссаси ҳаммиша ўз ўрнида собит туриб келаётганидан-да кўз юмиб бўлмайди”. Биз бу фикрни қувватлаб айтамызки, Арасту ҳақим мазкур қарашларида Суқрот ва Афлотун каби устозларининг фикрларига ҳам таянар эди. Чунончи, Афлотуннинг “Ион” асарида Суқрот Ҳомер дostonларини куйловчи рапсод ёки аэдга бадиий тасвир тамойилларини тушунтиради. “Суқрот ҳақидаги хотиралар” муаллифи Эфесплик Ксенофонт ёзишича, донишманд бир мусаввирнинг Троя оқсоқоллари Парис олиб қочган Еленанинг ҳуснини кўриб ҳайратга тушганларини тасвирлашидан хулоса чиқариб айтадики, ижодкор қаҳрамонларининг гапириши ва ҳаракатига ҳам, руҳий ҳолатларига ҳам тақлид қилади. Дарвоқе, Роллан Барт “муаллифнинг йўқолиши” назариясини Суқрот ва Арастудан олган, аммо хато кўчирган. Афлотуннинг ўша диалогда Суқрот “Илиада” дostonида воқеалар ва характерлар, уларнинг нутқларини кўрсатар экан, ўзи аралашмай бир четга чиқиб туради. Биз бу тасвирларда Ҳомерни эмас, Аҳиллни, Гекторни, Одиссейни кўрамыз, дейди.

Р.Барتنинг матнда “муаллифнинг ўлими” ҳақидаги фикрлари асосида поэтик санъат табиатини тушунмаслик ётади. У илоҳий илҳом нималигини ҳам тушунмайди. Суқрот ҳақим, Афлотун ва Арасту ижодкорларни Тангри илҳом берган зотлар, деб қадрлайди.

Сукрот дoston айтувчи рапсод Ионга: “Сенинг Ҳомерни яхши куйлашинг бу касбни яхши билганинг учун эмас, балки илоҳий илҳом ҳолатида айтганинг учундир”, дейди. Донишманд бу фикрини асослаш учун баҳши, оқин ҳам, шоир ҳам илҳом вақтида асар қаҳрамонларининг ҳолатига тушади, дейди. Атоқли эстетик олим А.Ф.Лосев “Антик дунё эстетикаси” кўпжилдигининг “Софистлар. Сукрот. Платон” китобида айтадики, “Сукрот инсоният тарихида биринчилар қаторида, моддий мавжуд нарсалар ўткинчи, аммо инсон руҳи ва онгидаги расолик, мукамаллик, гўзаллик ғоялари абадий яшайди”, деган эди. Кейинроқ бу ғоя Афлотуннинг идеялар ва идеаллар ҳақидаги таълимотига таъсир кўрсатди.

Афлотун бадиий матнда, аниқроғи поэзияда (қадимда драма, наср, шеърият, музика, рассомлик, рақс, ҳайкалтарошлик, хуллас, нафис санъатлар поэзия деб аталган) муаллифнинг кўриниши ёки кўринмаслиги, Роллан Бартнинг кўпол сўзича, муаллифнинг ўлими ёки ҳаётлиги) деб аталган ҳодисани Афлотун “*ижодкорнинг ифода усули*” деб атайди. Афлотун фикрича, (ва Арасту фикрича ҳам) адабий жанрларга бўлиниш ифода усулига боғлиқ. Афлотун “Давлат” асарида бундай дейди: “Поэзиянинг бир турида ижодкорлик бутунлай тақлид асосида курилади, бу трагедия ва комедиядир (яъни драматургия), бошқа турда шоир ўзини *ифода қилади*, сен буни дифирамбаларда кўрасан...” Афлотун фикрини ривожлантиришга журъат қилиб айтаманки, шоирнинг ўзини ифода қилиши дифирамбалардан ташқари, яна фалсафий ва лирик поэзияда, дил изҳори бўлган бадиий насрда (Жан Жак Руссонинг “Янги Элозида”сида, Альфред де-Мюссенинг “Аср ўғлони дил изҳори” романида, И.В.Гётенинг “Фауст” достонида, Ф.Клингернинг “Фауст” романида, Байрон, Ҳайне, Адам Мицкевич, Пушкин, Лермонтов, Есенин, Чўлпон, Усмон Носир шеърларида, Жуброн Халил мансураларида) кўринади. Ф.Достоевскийнинг “Хўрланган ва ҳақоратланганлар” романида, “Ойдин кечалар” қиссида, бу адибнинг душмани бўлган Н.Е.Сальтиков Шchedриннинг “Паҳлавон” ҳикоясида ва “Бир шаҳар тарихи” сатирик романида ҳам шоир ўзини кучли ифодалайди.

Афлотун фикрининг давомида айтади (биз беодоблик билан орага сўз қўшганимиз учун узр сўраймиз): “Эпик поэзия ва бошқа кўп турларда эса бу икки ифода тури (“муаллиф кўринадиган, яшайдиган ва кўринмай, йўқоладиган” усул) бирлашади. Арасту ҳақим Афлотун фикрига аниқлик киритиб аятади: “Умуман айтганда, ўхшатиш (мимесис) санъати (эпос ва трагедия, комедия ва дифирамба (мадҳия), авлетика ва кифаристика (музикавий жанрлар) ўзаро уч жиҳатдан: (1) Тасвирлашнинг *турли воситалари* (яъни чолғу турлари, бўёқлар, ҳайкалтарошлик ашёлари...) билан; (2) *нима* тасвирланаётгани билан (биз яна қўшамиз: нима ва қандай тасвирланаётгани билан); (3) рангбаранг *ўхшатиш усуллари* билан фарқланади.

Бу ердаги иккинчи асос – *нимани ва қандай тақлид (тасвир) қилиш* турли адабий жанрларни келтириб чиқаради. Арасту фикрича, трагедияда ижобий, улўғвор характерлар, комедияда – тубан ёки ҳажвий (кулгили) характерлар ва ҳолатлар тасвирланади. Драматургия жанрларида муаллиф кўринмай, фақат қаҳрамонлар (характерлар, адабий типлар), кўринса-да, барибир, асарнинг умумий ғоясида муаллиф (унинг ҳаёт ҳодисаларига шахсий муносабати) ёрқин кўринади. Бадиий асарда қаҳрамонлар тасвирланиб, муаллиф кўринмай турса-да, асарининг тилида, оҳангида, услубида, *нималар ва қандай тасвирланаётганида* муаллиф ёрқин кўриниб туради. Устоз Абдурауф Фитрат “Адабий қоидалар”ида айтадики, бадиий асарда тил, услуб, оҳанг фақат истеъдодли муаллифларда бўлади. Бадиий асар тили заиф, рангсиз, оҳангсиз бўлса, услуб кўринмаса, истеъдод йўқлигининг нишонасидир.

Улуғбек Ҳамдам ва Зухриддин Исомиддинов адолатли тадқиқ этганидай, кўчирмакашлар, плагиатларнинг “асарлари”да кўринадиган услуб, ранглар ва оҳанглар, фикр, ғоялар “сохта ёзувчи”ники эмас, балки ўғирланиб таланган “мазлум” муаллифникидир. Ўғри муаллиф эса муаллиф эмас, ўзининг истеъдоди йўқлигини фош этувчи, бечора одам, айбдор, ўғридор – бундай ижодкорда ор-номус ҳам йўқ.

Улуғбек Ҳамдам “Муаллиф ўлими”га сиз ҳам овоз берасизми?” (ёки асл ижод соғинчи) баҳс-мунозарали адабий ўйларида Арасту кашф этган “мимесис” тушунчаси ҳозирги маънодаги тақлидни эмас, балки ҳаётнинг ўхшашини тасвирлаш, ҳақиқий ҳаётни тасвирлаш эканлигини тушунтириб, бадиий асарларни баҳолаш, таҳлил ва талқин қилувчи олим, мунаққиднинг масъулияти, билим савияси (ва истеъдоди) ҳақида муҳим фикрларни аятади. “Ахир, танқидчи у ёки бу савиядаги қаламкашнинг ордидан мудом соядек эргашиб юриб, унинг ҳар босган қадамини тарозида ўлчаш дегани эмас-ку? Ахир, мунаққид мутахассис сифатида, аввало, юсак савияли асарлардан бадиий-эстетик завқ туйиб, уларни жўшиб таҳлилу тавсиф қилиб яшашни (яъни ўзи мансуб миллий адабиётнинг юксалишига хизмат қилишни) истайди”. Жаҳон адабиёти

ва санъати тарихида фақат истеъдодли санъаткорлар бир-бирининг ижодини баҳолар эдилар. Шу маънода, бу санъаткорларнинг кундаликларини, эсдаликларини, И.В.Гёте, Г.Э.Лессинг, Вольтер, И.Г.Хердер, Ака-ука Август ва Вильгелм Шлегеллар, Жан Пол Рихтер, Энтони Шефтсбери, Шеллинг, Байрон, Шелли, Бальзак, Стендаль, В.Гюго, Теофил Готье, Сент-Бьёв, Ака-ука Эдмон ва Жюль Гонкурлар, А.С.Пушкин, В.Г.Белинский, Лев Толстой, Ф.М.Достоевскийларнинг кундаликлари ва эсдаликларини ўқиш нақадар кўп билим ва завқ беради бизга! Анри Бейл Стендаль “Парма ибодатхонаси” романини Бальзак таҳлил этиб, ютуқ ва камчиликларини айтиб, мақола-этнодини эълон қилганида ҳаяжонланиб, Бальзақдан фикр эшитганига фаҳрланиб, ўз асарини олти ой қайта кўриб, тузатиб чиққан эди. В.Белинский ва Н.Добролюбов адолатли ва жўшқин талқинлари ва тақрибли билан рус адабиётининг бадиий, ижтимоий қимматини жаҳонга танитдилар.

Ҳайриятки, 1991 йил кузидан ҳозиргача, Миллий истиқлол даврида миллатпарвар, истиқлолчи адибларимиз ва шоир, драматургларимиз адолатли, ҳақиқий баҳосини, кадр-қимматини топа бошладилар.

Улуғбек Ҳамдам ижодий таъсир масаласида, Низомий “Хамса”си ва Навоий дostonларининг ворисийлиги ҳақида, устозлардан таъсирланиш, руҳланиш ҳақида муҳим фикрларни ўртага ташлайди. “Назаримда, – дейди у, – ҳамма адабий ҳодисаларни бир хил меъзон билан ўлчаб бўлмайди. Албатта, Низомий Ганжавий ҳаётга ва эллар орасидаги мавжуд афсоналару дostonларга биринчи бўлиб тақлид қилди, натижада “Хамса” – беш асарда ҳаётнинг муайян моделини яратди”. Илоҳий илҳом самараси бўлмиш беш гўзал дostonда Низомий “ҳаётнинг муайян моделини” эмас (бу техноген жамиятда санъатни ва ҳаётни моделлаш деган сўзлар Ғарбда кенг тарқалган), балки асл санъат тилида айтганда, олам ичра янги оламларни, ажойиб-ғаройиб воқеаларни ва тақдирларни тасвирлади. Бу ерда мимесис – тақлид сўзининг яна бир маъносини – тасвир, яъни тасаввурдаги олам деб аташ муносиброқ бўлса керак. Ғарб эстетикаси ва адабиётшунослигининг ҳозирги даврида мумтоз эстетика даврида бўлмаган структурализм, проекция, модел, модус, дискурсив, ғоялар диссоциацияси, интертекстуаллик, герметизм, модернизм, виртуал, креационал деган терминлар борки, буларнинг барчаси санъат табиатига бегона бўлиб, бадиий фазилатларни, услубий рангинликини ифода қилолмайди. М.Бахтиннинг қадимги санъат табиатига алоқадор “кўповозлилик” сифатини биз ҳам қабул қилишимиз мумкин, аммо ҳозирги Ғарб олимлари топган бидъатлар – янгиликлар мумтоз адабиётшуносликка, мумтоз эстетикага туфлаб ёпиштирилмоқда.

Таниқли адабиётшунос Муҳаммадҷон Холбековнинг “XX аср модерн адабиёти манзаралари” китоби миллий истиқлол даврида ўзбек адабиёти (проза, поэзия, адабиёт тарихи ва назарияси) янги даврга қадам қўйгани ва у жаҳон адабиётидаги модернизм, экзистенциализм, структурализм, “сеҳрли реализм”, постмодернизм ва бошқа “изм”лари вакиллари фақат номлари янгилиги билан эмас, балки бу адабиётлар мазмун, моҳияти, бадиий, услубий, ғоявий, фалсафий изланишлари билан мумтоз реалистик адабиётдан кескин фарқланишини, модернчи адиблар ижодининг ўзига хос томонларини, булар ижоди ҳақида ўзлари ва бошқалар айтган фикрларни умумжаҳон адабиётшунослиги кўламида талқин ва тадқиқ этади. Китоб муаллифи адолатли кўрсатганидай, XX аср модернчи санъаткорлари ўзларининг ижодини не чоғли янги ҳодиса деб баҳолашига қарамай, улар билиб-билмай ёки истаб-истамай, аввалги асарларда (ҳатто антик даврларда) мавжуд бўлган ижодий йўналиш, оқим, метод-усуллардан, хусусан, Данте, Чосер, Шекспир, Рабле, Сервантес асарларидан, XIX аср адиблари В.Гюго, Ч.Диккенс, В.Шотт, Г.Лонгфелло, У.Уитмен, О.Уайльд, Г.Мелвилл, Х.Ибсен, Ш.Бедлер, Эдгар По асарларидан илҳомланган ва фойдаланганлар. Айрим модернчилар – Ж.Жойс, Т.Лав Пикок, Умберто Эко ва бошқалар ўз асарларига Гомер, Шекспир, Рабле, Сервантес, В.Гюго асарларидан айрим ғояларни ва ҳатто матн парчаларини ҳам аралаштириб, “манбаини топинг” дегандай, адабий топишмоққа айлантириб юборганлар. Гоҳида модернчилар ҳикоя, новелла жанрини “янгилаш” жараёнида бадеа-эссе, ҳатто адабий-танқидий ўй-мулоҳазаларни ҳам бадиий адабиётга тенглаштирганлар. Хусусан, Аргентина адиби Луис Борхес ижодида бу ҳодиса жуда кўп учрайди. У “Марвли ҳакам ёхуд ниқобли пайғамбар” бадеасида Муқанна кўзғолони воқеасини тилга олмаган ҳолда фақат унинг “Қора атиргул” китобида айтган фавқуллодда ғаройиб, диний-мистик, фалсафий қарашларини баён қилади. У гапни Муқаннанинг кимёгар эканлиги, юнг либосларни исталган ранг, бўёқлар билан ўзлаштиришини, қаерга борса, ўзи билан ўрнатилган икки арслонни бирга олиб юришини, бу арслонлар унинг жамоли нуруни кўргач, кўр бўлиб қолганлигини, Муқанна динини инкор этувчилар охирада 999 оловли қиёфада жазоланишларини баён қилади. Фалсафий фикр-мулоҳазалар бадиий тасвир ўрнини эгалласа ҳам, ўқувчини ҳайратлантиради.

М.Ҳолбеков модерн адабиёти ҳақида фикр юритар экан, унинг мазмуни, ранглари, спектрининг диапазоли жуда кенглигини, турли муаллифларнинг модерн асарларида антик давр мумтоз адабиёти, ўрта асрлар, Уйғониш даври, маърифатчилик, романтизм, символизм, экспрессия, неореализм, сюрреализм оқимларига хос услубларнинг аралашувиға йўл қўйилганини эътироф қилади. Парадоксал ҳолат шунда яққол кўринадики, модерн адиблари ўз асарларининг услубини не чоғли “янги” деб ўйласалар-да, бу услубда антик даврдан ҳозиргача бўлган барча ижодий услубларнинг гоҳ синтези, кўпроқ эклектикаси кўзга ташланади. Модерн адибларида гоҳ Библиянинг “Таврот” (“Қадимги Аҳд”) қисмига, гоҳ Инжил (“Янги Аҳд”) қисмига тақлид, гоҳ антик давр Юнон ва Рим адабиёти асарларига тақлид қиладилар.

Муаллиф тўғри кузатганидай, модерн адабиёти фақат бадий асарлардан иборат бўлмай, у бадеа, эртак, илмий-тадқиқотлар, мактубларни ва турли мумтоз бадий асарларнинг парчаларидан иборат “винегрет”ларни ҳам ўз ичига олади. Луис Борхес ижодидида теран поэтик, психологик ҳикоялар билан айна вақтда бадеа, мақола, кичик илмий тадқиқотлар ҳам кўп учрайди. (“Бобил кутубхонаси”, “Паскал фазоси”, “Кеведо”, “Колрижнинг туши”, “Честертон ҳақида”, “Ибн Рушд изланиши”, “Мумтоз адиблар



ҳақида”, “Дон Кихот”да яширинган сеҳр”, “Марк Инжили”, “Китобларга эҳтиром...”)

Дарвоқе, Улуғбек Ҳамдам “матн ўйини”, “интертекстуаллик”, “қўштирноқсиз цитата” каби янги терминларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиради ва Жеймс Жойснинг “Улисс” романини муаллифнинг ўзи мақтаб, Гомернинг “Одиссея”сига ўхшатганлигини айтади. Аслида эса, чиндан ҳам цитаталар тўпламига ўхшаш бу салмоқли ва қуроқ-ямоқли асарни “Одиссея”га ўхшатишни мен Гомерни ҳам, унинг асарини ҳам ҳақоратлаш, деб биламан. Жойснинг “Улисс” романида “Одиссея”га ўхшашликни излаш тиканзорда сайроқи булбулу анвойи гулларни излашдай гап.

Гомер “Одиссея”сида баъзи хаёлот манзаралари фонидида жасур инсоннинг ҳақиқий саргузаштлари, қутилмаган фалокат, офатларни енгиб ўтган, табиат қудрати, ҳатто самовий қудрат билан баҳслашган, ақл қуввати билан киклоп-деври ҳам доғда қолдирган етук қаҳрамон фаолияти мантиқан асосли, табиий, реалистик тасвирланган бўлса, Жойснинг уч қаҳрамони Леопольд Блум, Стивен Дедалус, Молли ҳеч қаерга бормагани ҳолда, беш юз саҳифа давомида тинимсиз гап сотадилар, сўкинадилар, ҳеч қандай фалокатга учрамайдилар ҳам. Одиссейнинг долғали уммон ва денгизу ороларда оламнинг ярмини кезиб чиқишини Жойс қаҳрамонларининг у хонадан, бу хонага ўтиши, Дублин шаҳрининг бир неча кўчасини айланиб кезишига қиёслаб бўладими? Асло! Дублин кўчаларида кезиш қаёқдаю, Ўрта Ер, Эгей денгизлари, Баҳри муҳитда, долғали тўлқинларда сузиш қаёқда?

Атоқли адабиётшунос, Фарб мумтоз ва модернизм адабиёти билимдони

Муҳаммаджон Холбеков “XX аср модернизм адабиёти манзаралари” китобида Ж.Жойс романида биринчи шахс, учинчи шахс, муаллиф шахслари фикр-ўйларда аралашиб кетгани, яъни атайлаб ясалган палапартишлик ва чалкашликни янгилик, деб мақтайди. Танқидчи мақтаган романнинг “Лотофаглар” номли 5-бобида ҳеч қандай лотофаглар (ёввойилар) йўқ, бу ерда Леопольд Блум бир аёл мактуби солинган конвертдан қандай қилиб қутилишни билмай, темирийўл кўприги устида йиртиб, парчалаб ташлаб юбориши, қоғоз парчаларининг шамолда учиб сочилиб кетиши тасвирланади. Бу тасвирнинг ҳам “Одиссея”га заррача алоқаси йўқ. М.Холбеков ёзишича, Нобель мукофоти лауреати Томас Элиот (1888-1965) Жойсни ҳикоя қилиш ўрнига мифологик усулдан фойдалангани учун мақтаб, “бу эса замонавий дунёни санъат учун тушунарли қилишга қўйилган янгича қадамдир”, деб мақтайди. Мен айтаманки, Томас Элиот бу гапи билан мифологик усул минг йиллар давомида мавжудлигини билмаслигини ошкор қилган. Жойс ўз-ўзини мақтаб, “Улисс” сюжетида Данте ёки Шекспир оҳангларини ҳам учратиш мумкин, Стивен ўзини Одиссей ўғли Телемак эмас, балки Ҳамлет деб, бошқа жойда эса у ўзини “Таврот” ва “Инжил”даги пайғамбарларга, “1001 кеча”даги Синдбодга ўхшатади. Хуллас, бу қаҳрамонни биз Улисс ҳам, Телемак ҳам, Ҳамлет ҳам демай, ўзини Наполеон деб ўйловчи, шизофрения касалига чалинган жиннига ўхшатсақ, ҳақиқатга яқинроқдир, деймиз. Муаллиф ўзини Гомер, Шекспир, Сервантес каби буюк зотларга ўхшатишига ҳеч бир мантиқий асос йўқ, бу гапларга фақат мумтоз адабиётнинг шоҳ асарларидан хабарсиз ўқувчиларгина ишониши мумкин. Жойсни кимдир (ёки ўзи) Шекспирга ўхшатса, шу билан у Шекспир бўлиб қолмайди, албатта.

Жеймс Жойс софдил инсон ва катта санъаткор эканлигини мен ҳам эътироф қиламан. Менимча, у машҳур ёзувчи бўлишдан аввал, ёшлигида яхшироқ йўлни танлаб олган эди. Ёшлигида у ўзини улуғлаш, чалкаш, куроқ, “янгича” асарларини мақташ ўрнига буюк норвег санъаткори Хенрик Ибсен ижоди ҳақида бадеа, эсселар ёзган вақтида анча инсонпарвар ва камтарин эди. Муҳаммаджон Холбеков “XX аср модерн адабиёти манзаралари” китобида ёзишича, Ж.Жойс буюк драматург Х.Ибсен асарларини аслиятда ўқиш мақсадида норвег тилини ўрганишга киришади, уни ўзига устоз ҳисоблаб, “Ибсенга таҳсинлар ўқиб, завқу шавққа тўлиқ мактублар битади ва унинг таъсирида ўзининг “Порлоқ карьера” пьесасини ёзишга киришади. Замондошлари эслашича, бу пьеса Ибсеннинг “Биз – ўлганлар уйғонганимизда”, “Қўғирчоқ уйи” ва “Ёшлар иттифоқи” драмаларидан олинган парчалардан иборат қоршиқ асар бўлганди”. М.Холбековнинг Жойс ва Ибсен муносабатларига доир мана бу фикрлари эътиборга сазовор: “Жойс ўзини Ибсеннинг ирландиялик вориси (издоши) тарзида кўрганлиги бежиз эмасди... Иккови ҳам қашшоқликда яшаб улғайган, иккови ҳам ватанидан бадарга қилинган ва оқибат икковлон ўз ватандошлари ҳақида кескин ва кўпол, заҳарханда услубда асар ёзди, иккаласи ҳам “тошбағир”, “маънавий дунёқарашлари паст”, кундалик майда ташвишлар билан ўралашиб қолган, “майдагап”, ҳаттоки “одобсиз ва ахлоқсиз” муаллифлар, деб топилди”.

Драма ва Ибсен ижоди ҳақида Жойс айтган фикрлар, бир қарашда, Арасту “Поэтика”си қоидаларига мувофиқ келади. Ж.Жойс фикрича, “драмада муаллиф йўқолиб, кўринмай” туради (Р.Барт фикрича, “ўлади”), фақат қаҳрамонлар ҳаракат қилади (яшайди). Буни Арасту ҳам айтган. Аммо фикрининг давомида Ж.Жойс янгилишиди: “Драма (асар сифатида) ҳар қандай маънавият, одоб-ахлоқ ва ҳаттоки гўзалликдан, балки санъаткорнинг шахсиятидан ҳам баланд туради”. Бу фикр мутлақо хатолигини Эсхил, Софокл, Эврипид, Шекспир, К.Ғоцци, Бомарше драмалари, Аристофан, Мольер, Бернард Шоу, Н.В.Гоголь комедияларининг юксак ахлоқийлиги ва маънавияти ҳам исботлайди. Комедияда ҳам, драмада ҳам ахлоқсизлик қораланади, ҳажв қилинади. Камина Ж.Жойснинг “Дублинликлар” туркумидаги ҳикояларини ўқиганман. Уларда Чехов ҳикояларидаги каби инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳам сезилиб туради. Менимча, Жойсда ўзини ҳамда ўз асарларини улуғлашда одобсизлик туғилишига Ф.Ницшега яқинлашуви сабаб бўлган. Ф.Ницше бир асарда Сукрот ҳақимни “энг ахмоқ”, “зараркунанда”, тубан шахс деб, унинг шуҳратига ҳасад қилади.

Аммо жаҳон мумтоз адабиёти тарихида шундай дурдона асарлар борки, уларни асосли равишда бошқа буюк асарларга ўхшатадилар. Француз мумтоз адиби Франсуа Рабленнинг “Гаргантюа ва Пантагрюэл” романи жаҳонга машҳур ва у Фарб Уйғониш даври адабиётининг дурдонаси, деб эътироф этилади.

Француз халқ қиссаларига, фольклорга яқин бу романда халқ ҳаётдаги барча оғирчиликни, машаққатларни кувноқлик, ҳазил-хузул билан енгиб, кулги ёрдамида золимларни ва очкўзларни фош этиши мажозий, аллегорик, латифанамо, муболаға, гротеск усулида, бой жонли халқ тилида ифодаланади. М.Сервантес “Дон Кихот” романини Ф.Рабле асари таъсирида ёзган бўлса керак. Ф.Рабле асарининг бадий ва

ижтимоий фазилатлари М.Бахтин китобларида чуқур таҳлил қилинган. Мана шу асарнинг деярли барча нашрлари бошланишида машҳур француз мусаввири Густав Доре чизган ажойиб суврат берилади. Суврат марказида қаҳқаҳ уриб кулиб, китобини очиб турган муаллиф, унинг икки ёнида икки донишманд, бири Сукрот, бири Афлотун. Бу уч донишманднинг қадамлари остидаги катта майсазорда жуда кўп ёзувчи, шоир, драматурглар қўлида қоғоз, қалам, очиқ китоб саҳифаларидан шоша-пиша “кўчириб” олмақдалар. “Кўчирувчилар” орасида жуда машҳур адиблар, шоирлар, булар орасида Сервантес, Фильдинг, Мольер, Жонатан Свифт ҳам бор.

Ф.Рабле романининг кўпгина фазилатларидан бири – муаллифнинг афанди каби халқ билан жонли суҳбат оҳангида гапириши. Роман муқаддимасидаёқ муаллиф (зиёлиларга эмас) авом, оддий ўқувчиларга (болаларга дейиш ҳам мумкин) донишманд Сукрот кимлигини бундай тушунтиради:

“Ровийлар айтурларки, бу юнон донишманди силенга ўхшар экан (юнон мифологиясига кўра, эчкидай ҳамма нарсага қизиқувчи шўх чоллар). Қадим замонларда ажойиб-ғаройиб шаклда қопқоғи бўлган, қимматбаҳо тошлар (олтин, жавоҳир, узук, сирғалар) сақланадиган қутичаларни ҳам силен, дейишаркан. Қутичанинг ташқариси шохи бор қуёнлар, эгарланган отсимон ўрдақлар, қанотли эчкилар шаклида бўларкан. Уларга қараган одам кулгиси қистаркан. Аммо бу кулгили қутича ичида жавоҳирлар, гавҳар, зумрад, хушбўй мушк-анбар борлигини ҳеч ким билмайди. Шунга ўхшаб, Сукрот ҳам кўринишда кулгили, содда, бетакаллуф экан. Бурни картошкадай, кўзи буқанинг кўзидай, кийими жуда оддий, доимо тишини ғижирлатиб, хаҳолаб кулиб юрар экан. Қисқаси, у тентакнинг ҳам тентаги, билмасвой бўлиб кўринаркан. Аслида эса, Сукрот ўша замонда доноларнинг доноси экан. У ҳазил ва кулги билан шунақа теран, тағдор, қимматли фикрларни айтар эканки, ҳеч кимнинг ақлига бундай фикр келмас экан. Яна Сукрот шунақа одам эканки, доимо қувноқ, хотиржам бўлиб, бошқа одамлар оғир меҳнат билан, денгизларда сузиб, жангу жадал қилиб топганларини бир чақага олмас экан... Мен сизларга бу гапларни нима учун айтяпман, эй азиз дўстларим! Бу китобда тасвирланган кулгили ва чўпчакнамо воқеалар шунчаки қувноқ ҳазил экан, деб ўйламаслигингиз учун. Ўзингиз ҳам биласиз-ку, меҳмонни кийимига қараб кутиб оладилар ва ақлига қараб кузатадилар. Менинг ёзганларимни, қаҳрамонларимни ҳам ғалати кийимларига қараб баҳоламанг. Бу ерда эртақ ҳам, жиддийроқ гап ҳам бор”. (Каминанинг русчадан таржимаси.) Шундан сўнг Ф.Рабле суякни ҳафсала билан ғажиб, илигини излаётган итти тасвирлайди. Хуллас, бу китоб етти иқлимга машҳур бўлиб, сатирик ёзувчиларнинг момогулдуракдай қаҳқаҳасини европаликлар “Раблеона кулги”, дейдиган бўлдилар. Муаллифи шундай ёрқин кўринадиган дурдона асарлар борлигини билган адабиётшунос ва мунаққидлар Роллан Барт ёки Ю.Кристалева каби Ғарб олимларининг “Муаллиф ўлими” ҳақидаги гаплари маъносиз эканлигини биладилар. Эҳтимол, улар “Муаллиф ўлими” деганда, фақат санъат асарига автор ўзи кўринмай, характерлар воқеа мантиғига кўра ҳаракат қиладилар ва ўйлайдилар, демоқчи бўлсалар керак. Барибир, ҳар бир яхши асарда муаллиф ўзи жисман қатнашмаса-да, маънан борлиги аниқ сезилади.

Ж.Свифт “Гулливернинг саёҳатлари” асари кўп ўтмай, Ф.Рабленинг шуҳратини ҳам орқада қолдиради. Аммо устоз, барибир, устоз-да. “Гаргантюа ва Пантагрюэл” ҳам, “Гулливернинг саёҳатлари” ҳам жаҳоннинг кўпчилик халқлари тилларига таржима қилинган. Агар бизда ҳам Густав Дорега издош расмом топилганида, Низомий “Хамса”сидан намуна олаётган Ҳусрав Деҳлавий, Жомий, Навоий ва бошқа буюк зотларни қувноқ қиёфаларда кўрсатар эди.

Бу ерда “кўчириш” сўзи нисбий маънода, нусха кўчириш эмас, балки *буюк санъаткорлар мактабида ўқиш*, уларнинг асарларидан руҳланиш, таъсирланиш маъносида қўлланмоқда. Улуғбек Ҳамдам ҳам бу ҳодисани шу маънода талқин қилади ва масаланинг бошқа бир муҳим томониға эътиборимизни қаратади: “Йўқ, Навоий “Хамса”си таржима (тақлид) асари эмас, унда ҳар бир шоир мавжуд шаклга ўз мазмунини, изтиробу кечинмаларини тўкиб солган... Даҳо шоирнинг хизмати фақат “Хамса”ни ёзгани билан белгиланмайди. У, бу муҳташам асарни ўша вақтда “ҳарб (жангу жадал) тили”, нафис адабиётга мутлақо яроқсиз дейилган *туркий тилда* яратди. Бу билан Навоий ўша пайтда туркий тилға беписанд қарашларни *бир зарб билан парчалаб ташлади*. Ахир, бунга Низомийдек умумбашарий даҳонинг ўзи ҳам журъат қилмаган эди”. Улуғбек адолатли айтганидек, “Низомийнинг ўзи ҳам Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги муайян сюжет чизигидан таъсирланган”. Яна айтиш керакки, Муҳаммад Абу Райҳон Беруний “Осар ул-боқия”да айтишича, сосоний подшоҳлар (Ардашер Бобак ўғли, Шопур, Баҳром Гўр, Ҳусрав ва Ширин, Фарҳод) ҳақида халқ қиссалари ва “Шоҳнома”лар бўлган. Фирдавсийдан сал аввал шоир Дақиқий ҳам “Шоҳнома” ёза бошлайди, аммо минг бай-

тини ёзганидан сўнг (эҳтимол, ислом динини қоралаб, ножоиз сўзлар айтгани учун) ўлимга ҳукм этилади. Камина (М.М) Дақиқий “Шоҳнома”сининг ўша минг байтини топиб ўқиганман, унда ҳақиқатан зардуштийлик улуғланиб, туронликлар дини ерга урилган.

Улуғбек Ҳамдамнинг ижодий таъсирланиш ҳақидаги мана бу фикри ҳам жуда муҳим, деб ўйлайман: “Оригинал сюжет шакллари яратиш осон иш эмас. Ижодкор ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, унинг қачон, қандай даврда туғилиши ҳам кўп нарса ни ҳал қилиб бериши, ҳар жиҳатдан туб ўзгаришлар юз бераётган замонлар ижодкорга жуда хилма-хил сюжет шакллари (йўллари) тақдим қилиб қолиши мумкин. Бунга амин бўлмоқ учун Қодирий ва Чўлпонлар ҳаёти ва ижодини эса олишнинг ўзи кифоя”. Чиндан ҳам, шўролар, ленинчи қизил империя кучлари барча тобе ўлкаларда диктатура ўрнатиб, халқимизнинг энг маърифатли одамларини, Мунаввар қори, Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ашуралӣ Зоҳирӣ, Мусо Саиджон, Ибрат, Сидқӣ Хондайлиқӣ каби маънавий етакчиларни ҳибсга олиб, қийнаб, отиб ташлаши, минг йиллик диний, маънавий қадриятларимизни оёқости қилишига Абдулҳамид Чўлпон норозилик кўрсатгани сабабли унинг “Бузилган ўлкага”, “Кишан”, “Бас, энди”, “Халқ уммондир”, “Кўнгил”, “Гўзал” каби шеърлари вужудга келди.

Яна устозлардан ўрганиш, таъсирланиш ҳақида. Даҳолар, истеъдодли адиблар, шоирлар, рассомлар ўз устозларидан ўрганиши, кимларнинг изидан бориши ҳақида ошкора ва фахрланиб ёзадилар. Ёш Алишер мактабда ўқиган ўсмирлик чоғларидан Фаридиддин Атторнинг “Мантӣқ ут-тайр” дostonини ёдлаши, биринчи ёд олган байтлари Шох Қосим Анворнинг “Риндему, ошикему жаҳонсўзу жома чок” деб бошланувчи ғазали эканлигини, Низомий, Ҳусрав Деҳлавий ва Жомийдан мадад, куч-қувват олгани ҳақида ёзади. Навоий ўта камтарлик билан Ф.Атторни шоҳга, ўзини қулга ўхшатади:

Мен демонки, ул атодур, мен ўғул,

Ул шаҳи олийсифат, мен банда, қул.

Алишер Навоий кейинроқ, шоирлик шуҳрати етти иқлимга ёйилганда ҳам устозларини унутмайди:

Ўртадим олам элини, ўзни ҳам,

“Қуш тили”дин ўзга қилмай сўзни ҳам...

Етук шоирлик даврида ҳам Навоий “Ҳазойин ул-маоний”нинг тўртинчи девони “Фавоид ул-кибар”да устозларини ёд этади: “Ғазалда уч киши тавредур ул навъ ки андин яхши йўқ назм эҳтимоли: Бири муъжиз баёнлиқ соҳири ҳинд (Ҳусрав Деҳлавий), ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли. Бири Исонафаслиқ ринди Шероз (Хофиз), Фано дайрида масту лоуболи. Бири қудсий асарлиқ орифи Жом, Ки жоми Жамдурур сингон сафоли. Навоий назмига боқсанг эмастур Бу учнинг ҳолидин ҳар байти ҳоли. Ҳамоно, кўзгудурким, акс солмиш Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли...”

Алишер Навоийдан бир неча аср аввал яшаган шоир Жалолиддин Румий ҳам маънавий устозлари Абдул-Мажд Санойӣ ва Ф.Аттор ижодидан сабоқ олгани билан фахрланиб ёзади:

Аттор руҳ буд-у, Санойӣ ду чашми ў,

Мо аз ба Санойӣ-у Аттор омадем.

Яъни бизга (Жалолиддин Румий ва замондошларига) Аттор руҳ бўлдию, биз Санойӣ ва Аттор изидан бордик.

Шўролар даврида, сал кам бир аср давомида даҳрийлар, пролетарлар диктатураси мафкураси шоирларни устозларини инкор этувчи, худбин (эгоист) қилиб тарбиялади. Бу даврда адиблар ва шоирлар устозларини эсламадилар (баъзилардан ташқари).

Аслида эса, буюк устозларнинг ижодий, маънавий мактабида сабоқ олмай туриб, ҳеч бир ижодкор ўсолмайди.

XX аср ва Истиқлол даврида ўзбек адиблари ва шоирларининг кўпчилиги (Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Сўфизода, Ибрат, Мискин, Ҳислат, Хуршид, Собир Абдулла, Чархий, Ҳабибий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориф, Матназар Абдулҳаким, Жамол Камол, Анвар Исроилов, Асқар Қосим, Фарид Усмон, Анвар Обиджон, Омон Матжон, Маъруф Жалил) табиий равишда даҳо Навоий ижодий мактабида сабоқ олганлар. Баъзи адиб ва шоирларимиз шу қадар ўзини севадики, устози йўқлиги билан фахрланадилар, жаҳон мумтоз адабиётини кўп ўқийдиган ижодкорларни масҳара қилиб, “Биз ҳеч кимдан ўрганмаймиз”, деб мақтанадилар.

Халқимизда “Уста (устоз) кўрмаган шоғирд ҳар мақомга йўрғалар”, деган матал ҳам бор. Навоий каби устоз кўрганлар эса, Фарҳод каби тоғларни кўпориб, ариқлар қазиб, гулзорлар ва боғ-роғлар бунёд этадилар.

Адабий ворислик, ижодий таъсирланиш ҳам устозлар меросини чуқур ўрганиш билан боғлиқ. Жалолиддин Румий “Маснавий”сидаги анча-мунча ривоят, ҳикоят (притча)лар Муҳаммад Зайниддин Ғаззолийнинг “Ихъё” ва “Кимёи саодат” асарларидан

олинган. Кўзи ногирон тўрт киши умрида биринчи бор филни учратганларида филнинг қулоғини ушлаб кўргани, бу ҳайвон супрага ўхшайди, дейди. Оёғини ушлаб кўргани, уни устунларга, ҳартумини ушлаб кўргани, йўғон арқонга ўхшатади. Ғаззолий айтадики, бу кўрларнинг ҳар бири ўзича ҳақиқатнинг бир қисмини айтади. Барчасини бирликда, яхлит кўрмагани, билмагани учун бутун ҳақиқатни билмайдилар.

Жалололиддин Румий ҳам бу ҳикоятни шундай ғояни ифодалаш учун келтиради. Бошқа ҳикоятда Жалололиддин Румий бир подшоҳнинг канизакни севиб қолиши, аммо канизак оғир дардга учраб сўниб бориши, подшоҳ бир авлиёни тушида кўриб, ўнгида ҳам топиши, у азиз канизакнинг дарди ишқ эканлигини сезиб, турли шаҳарлар ва турли касблар ҳақида саволлар бериб, канизакнинг томир уриши тезлашганига қараб, унинг севгилиси самарқандлик заргар йигит эканлигини билганини тасвирлайди. Бу ривоят эса Румийдан икки аср аввал яшаган Ибн Сино номи билан боғланган эди. Бу ҳикоят Ибн Синодан бир аср кейин, Жалололиддин Румийдан бир аср аввал яшаган Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳор мақола” асарининг форсча аслиятида тўлароқ келтирилган (Қаранг: “Сурат ва сийрати Ибн Сино” тўплами, Душанбе, “Ирфон”, 1980).

Жалололиддин Румий “Маснавий”да бу ҳикоятни ўзининг тасаввуфий фалсафасига мувофиқ анча ўзгартириб юборган ва аввалги ривоятда бўлмаган теран хулосаларни чиқарган. Румий талқинида, подшоҳ канизанинг дарддан ҳалос қилиш учун самарқандлик заргарни “алдаб”, бойлик ва мансаб ваъда қилиб чақиртиради. Шоҳ авлиёнинг маслаҳатига кириб канизакни заргар йигитга никоҳлаб беради. Олти ой бирга яшаганларида канизак ёр васлига етиб соғайиб кетади. Шундан сўнг табиб – авлиё заргар йигитга яширин заҳар беради. Йигит хасталаниб, чиройи йўқолиб, хунуклашгач, канизакнинг ундан кўнгли қолади. Бу билан шоир, канизак йигитнинг фақат ҳуснини севганини билдиради. У Самарқанддаги оиласи, фарзандларини тарк этиб, мол-дунёга учиб келган йигитни қоралайди:

Молу мулк, бойлик, бисотлар берди панд,  
Юртидан, фарзандидан юз бурди мард.

Тушди шод йўл узра, шоҳ айлаб назар –  
Жонга қасд қилганлигин билмай хатар...

(Одил Иқром таржимаси)

Гоҳида Ғарбнинг даҳо шоирлари ҳам Шарқдаги устозларнинг ижодидан ўрганиб, руҳланиб, нодир асарлар ёзадилар. Данте “Илоҳий комедияси” да Санойининг “Сайрул-ибод алал-маод” (“Обиднинг охиратга сайри”) ва Ф.Атторнинг “Меърожнома” поэмасидан, Гёте “Ғарбу Шарқ девони”га кирган юзлаб шеърларини Фирдавсий, Анварий, Саъдий, Хофиздан, Қуръон қиссаларидан, А.С.Пушкин “Қуръонга тақлид”, “Пайғамбар” шеърларини оят ва ҳадислардан руҳланиб ёзганлар. Истеъдодли олим Зухриддин Исомиддинов “ЎзАС”да босилган “Бир зарра фаввораси” номли мақоласида Паоло Коэлонинг “Ал-кимёгар” романи сюжетини Жалололиддин Румийнинг “Маснавий”сидаги бир ҳикоятдан олиб, кенгайтирилганлигини ёзади. (Йигит тушида кўрган хазинани излайди...)

Зухриддин Исомиддинов “Парилар ва қароқчилар” мақоласида баъзи сохта олимлар, уялмай-нетмай, бировларнинг илмий тадқиқотларини бемалол кўчириб ёзишини, баъзилар бир китобдан бир парча, бошқасидан бир парча олиб, “цитаталар тўплами” қилиб, Илмий Кенгашига сира тап тортмай муҳокамага беришлари ҳақида ёзади, Алишер Навоийнинг кўчирмачиларни мазаммат қилган оташин байтларини келтиради. Баъзи замондошлари Навоий ғазалларидан кўчириб олиб, яна мақтаниб, ўзига кўрсатар эканлар. Бундай орсиз шоирлардан кўра қуёш нурида қийғос очиладиган сариқ, пушти, оқ беор гуллар ориятлироқдир. Устоз Жомий “Баҳористон”да бир киши турли шоирларнинг шеърларидан кўчириб, доно вазир Соҳиб Исмоил Аббадга кўрсатганини, вазир уни уялтирганини ёзади.

Камина Ўзбекистон Миллий университети, фалсафа факультетида ишлаётганимда Зухриддин айтган ҳодисаларга дуч келганман. Магистрлик дипломи олиш учун бир ёш олим “Маҳмуд Қошғарийнинг эстетик қарашлари”ни мавзу қилиб олган, мен унинг илмий раҳбари эдим. Бу ёш “олим” 5-6 ой давомида илмий ишининг 30 фоизини ёзди. Ҳимоя қилишга беш кун қолган. Мен унга адиб ва олим Фулом Каримийнинг М.Қошғарий ҳаёти ҳақида ёзган “Карвон” қиссасини бериб: “Шу асар ҳақида фикрларингизни кўшинг”, дедим. Магистрант нима қилди, денг? У “Карвон” қиссасини шарҳлаб ўтирмай, компьютерда тўлиқ кўчириб, илмий ишга кўшиб, ҳимояга топширди. Ҳимоя Кенгаши аъзолари унга “аъло” баҳо бермоқчи бўлдилар. Мен, унинг илмий раҳбари, бунга қаршилиқ қилдим. “Бу ишнинг 60 бети Фулом Каримийнинг “Карвон” қиссаси”,



дедим. Магистрант агар “аъло” баҳо олса, аспирантурага қабул қилинар эди. Менинг қаршилигим билан “аъло” баҳо ололмади, аспирантурага қабул қилинмади. Аслида, бу ёш “олим”га “2” баҳо қўйиш, курсда қолдириш керак эди. Лекин Абдулла Қодирий Худоёрхон тилидан айтганидай, бу йигитга “пусулмончилик” қилдилар.

Жаҳон мумтоз адабиёти тарихида диний, муқаддас китоблар ривоятлари ва қиссаларидан ёки у заминда ёзилган буюк асарлардан, умуман, нодир тарихий ва бадиий асарлардан ижодий таъсирланмаган адиб, шоир, бастакор, рассом йўқ, дейиш мумкин. Альбрехт Дюрер, Микеланжело Буанаротти, Леонардо да-Винчи, Санбро Ботичелли, Жотто, Тициан, Фидий, Праксител каби мусаввир ва ҳайкалтарошлар Афина, Рим, Венеция, Флоренция ва бошқа маданий пойтахтлардаги муҳташам ибодатхоналарнинг деворлари ва шифтларидаги безакларда, боғлардаги ҳайкаллар ва фаввораларда “Библия” (“Забур”, “Таврот”, “Инжил”) сюжетларидан таъсирланиб, нодир асарларини ижод қилдилар. Абдул-Мажд Санойи “Сайрул ибод ила-л-маод” (“Обиднинг охиратга сайри”), Ф.Аттор “Меържнома”, “Булбулнома”, “Илоҳийнома”, “Мантиқ ут-тайр”, Жомий “Юсуф ва Зулайҳо”, Навоий “Лисон ут-тайр” асарларида Қуръон ривоятларига, Гомер “Илиада” ва “Одиссея”да мавжуд мифлардан Жон Мильтон “Йўқолган жаннат”, Байрон “Қойин”, “Қиёмат” асарларида “Библия” ривоятларидан фойдаланганлар. Инглиз даҳоси Вильям Шекспир “Юлий Цезар”, “Антоний ва Клеопатра”, “Кориолан” асарларини ёзишда II аср муаллифи Плутархнинг “Қиёсий ҳаётномалар” китобидан тўлиқ фойдаланган. “Инжил”да келган, Исо Масих ҳаётига алоқадор қиёматгача ўлмай, доимо дунёда кезиб юрувчи одам ҳақида француз адиби Эжен Сю, рус адиби Вячеслав Иванов, аргентиналик модернист адиб Луис Борхес, ўзбек адиби Исажон Султон ёзган асарлари ҳам мутлақо бир-бирига ўхшамайди. Бу мавзу энг юксак бадиий савияда ёритилган асарлар Эжен Сюнинг тўрт жилдли “Агасфер” романи, Луис Борхеснинг “Улмайдиган одам” ҳикоясидир. Иккала ижодкор ҳам “Библия” ривояти сюжетидан фойдалангани ҳолда, жуда муҳим умуминсоний ва сирли муаммоларни ёритадилар. Эжен Сю романида халқаро езуитлар мафияси софдил, гўзал қалбли, олижаноб инсонларни алдаб, азоблаб, мол-мулкларини тортиб олишини, аммо илоҳий кучлар бу инсонларга ёрдамга келиши тасвирланади. Луис Борхес ҳикоясида ҳам “Инжил” нозил этилмаган, янада қадимги даврда яшаган Гомернинг миллион йиллардан сўнг инсонлар яна ақлидан айрилиб, ёввойиллашган келгуси ярим одамлар орасига тушиб қолиши аллегория, тимсол, фантазия бадиий суратда ёритилган. И.Султоннинг “Боқий дарбадар” романини ижобий маънода Ч.Айтматовнинг “Кассандра тамғаси” асарига қиёслаш мумкин. Унда Ер юзида глобаллашув, юксак технологиялар маънавий қашшоқликни келтиришга қарши бўлган сирли, илоҳий кучлар тасвирланади.

“Жаҳон адабиёти” журналида бир неча йил аввал атоқли итальян адиби Дино Буцаттининг туркум ҳикоялари Раҳимжон Отаули ва унинг ўғли таржимасида эълон қилинди. Ажойиб ҳикоялар. Таржима ҳам гўзал. Аммо бир йилдан сўнг бир ёш ўзбек ёзувчиси Дино Буцаттининг “Учаётган қиз” (ҳикояда бир бахтсиз қиз юз қаватли уйнинг юқори қаватидан ўзини ташлайди, уйда яшовчилар бунга бепарво қарайдилар) ҳикоясини “ЎзАС”да ўз номидан эълон қилди. Халқнинг маънавий етакчилари – ёзувчиларнинг бундай ўғрилиги эскичада ҳам, янгичада ҳам номақбул иш ҳисобланади.

Бадиий ижоддан кўчирмачилиқдан минг марта ёмон бир иллат борки, бу – тарихий, ижтимоий, фалсафий, диний, маънавий ҳақиқатларни билмасдан ёзиш ёки бундан ҳам ёмони – билиб туриб ғаразли мақсадлар билан бузиб ёзишдир. Гоҳида ҳатто даҳо мутафаккирларда ҳам шундай иллат учраб туради. IX-XII асрларда Рим папалари Византия ва Ғарбий Европа мамлакатларининг қиролларини, рицарлари ва дарвешларини Қуддуси Шарифни эгаллашни, Исо Масих қабрини мусулмонлар “асорати”дан қутқариш баҳонасида I, II, III, IV салиб урушлари ташкил этиб, Яқин Шарқдаги ер-мулкларни ва бошқа бойликларни талон-тарож қилганлар. Европа салибчиларининг бирлашган қўшинлари 1099 йилда Қуддуси Шарифни 40 кун қамал қилидилар. Сўнг улар шаҳарга бостириб кириб, очлик ва ташналиқдан ҳолсизланган яҳудийларни ҳам, мусулмонларни ҳам, насронийларни ҳам ўлдириб, уй-жойларини ва бойликларини эгаллаб олиши салибчиларнинг тарих китобларида ёзиб қолдирган. Шу тарихий ҳақиқатни яхши билан Эдгар По “Қуддус остонасида” ҳикоясида қамалда қолган яҳудий халқининг сабот-матонатини улуғлаб ёзади. Француз мутафаккири Вольтер эса “Муҳаммад” драмасида бу тарихий шахсни салбий, тубан шахс қилиб кўрсатган. Екатерина II бу драмани мукофотлаб, русчага таржима қилдириб, Суворов қўшинларини Туркияга қарши урушга руҳлантириш учун Москва, Петербург, Қозон тетрларида саҳнага қўйдирган. Франсуа Вольтер инглиз зодагонларидан мукофот олиш мақсадида француз халқининг миллий қаҳрамони Жанна д’Аркни масхаралаб ёзган поэмасини кўп тилларда нашр эттирди. Франциядан АҚШга бориб яшаётган

бир француз зодағони, Жанна д'Арк авлоди Вольтерга хат ёзиб, буюк мамасини ҳақорат қилгани учун дуэлга чақиради. Қария Вольтер қўрқиб, жавобида: “Бу асарни мен ёзмаганман”, дейди. Бу воқеалар Пушкин 10 жилдлигининг 7-жилдида айтилган, мактублар матни келтирилган. Истеъдодли ёш тадқиқотчи Алишер Маҳмудовнинг “Лессинг ижодида Шарқ маданияти талқини” китобида бу масалалар кенг ёритилган.

Камина ҳам “Вольтерга раддия” мақоламда Г.Э.Лессинг, И.Хердер, А.С.Пушкин асарлари Вольтернинг инсоний ожизликлари айтилган “Ажойиб кишилар ҳаёти” сериясидаги китоблар асосида жиддий эътирозларимни билдирганман. Данте ҳам ислом динида “Библия”даги деярли барча пайғамбарлар ҳурмат қилинишини



билмасдан, мусулмон пайғамбарини “дўзах”га жойлаштирган. А.Орипов ўзбекча таржимада шу ўринни қисқартириб тўғри қилган. Лессинг, Пушкин, Чернишевский ва бошқа ижодкорлар инсоният раҳнамолари қаторида ислом пайғамбарини улуғлаб ёзганлар. Тараққийпарвар ижодкорлар жаҳон халқларини Арасту, Форобий, Фирдавсий, Низомий, Жомий, Навоийлар каби тинч-тотувликка чақирishi зарур.

Хуллас, биз адабиётшунослар бундай ҳодисаларни баҳолаш учун жаҳон мумтоз адабиётининг Шарқу Ғарбдаги барча яхши асарларини сувдай билишимиз, назарий асосларни эса модернчи, қуроқ-ямоқчи, интертекстуалчилар, виртуалчилар, симулянтчилар, моделловчи, сўзбозлардан эмас, Эсхил, Софокл, Эврипид, Вергилий, Гораций, Овидийдан, Навоий, Бобур, Оғаҳий, Шекспирдан, Бальзак, Гюго, Стендаль ва уларнинг ижодини уқиб тадқиқ қилганлардан ўрганишимиз зарур.



## БУ БУСПОН САҲНИДА

### Исмоил Маҳмуд МАРҒИЛОНИЙ

1947 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Шуъла”, “Келажакка ишониб”, “Эътироф”, “Ишқ саодати”, “Гулзор қилур” шеърый китоблари чоп этилган. Айни вақтда, Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Жаҳон отин Увайсий номидаги ёшлар адабий тўғараги раҳбари.



## ИККИ ОЛАМДА АЗИЗДИР ЯХШИЛАР

\* \* \*

*Яхшидир ҳар дилда бўлса яхшиларга иқтидо,  
Яхшилик келгай кўнгилда бўлса шундай муддао.*

*Яхшиларга эргашиб топгай кўнгил ўз матлабин,  
Кўйса ким бу йўлга макдамким, билинг, жонга гизо.*

*Чекса бу йўлда риезат гар киши топгай фараҳ,  
Бу саодат риштасин тутгай, билинг, ақли расо.*

*Топди ким ёрдин ажр, топгай, билинг, нусратга йўл,  
Ким сўраб Ҳақдин паноҳни, бўлмайин юзи қаро.*

*Норасодан қилмагин, роҳи хатарда рост қил,  
Ким шафоат айлабон ожиз қулингни Роббано.*

*Икки оламда азиздир яхшилар ишқ ичраким,  
Ҳақ йўлида бўлса ким айлар ани ёр тўтиё,*

*Беиболар бирла Маҳмуд, топмадинг ҳаргиз шараф,  
Яхшиларга эргашиб топсанг ажабмаским ризо.*

\* \* \*

Ҳажрида қийналди жоним, бу кўнгил ёр истагай,  
Кўрмака, баским, жамолин бу кўнгил зор истагай.

Воҳки, ондин ўзга ёрни кўрмагай бу кўз мудом,  
Бергучи дардларга малҳам чин харидор истагай,

Айрилиқдин дард чекиб, воҳ, ол юзим бўлди сориг,  
Зору зорлик ичраким ҳам онча изҳор истагай.

Топмадим ишқ даштидан излаб сени, эй ёрки, бас,  
Бу кўнгил зоғу зағанлар ичра гулзор истагай.

Чарх комида азал битмиш бу тарзлик қисматим,  
Воҳки, бу тарзлик ичинда шавқу асрор истагай.

Эй кўнгил, Мажнуну Фарҳод талғатин боз айла ёд,  
Ҳар бири хилқат ароким, билки, гамхор истагай.

Ишқ касби ичра, Маҳмуд, мен букун куйдим дема,  
Ошиқ аҳли икки олам ичра дийдор истагай.

\* \* \*

Илмсизлик кишини охири эсдан жудо қилгай,  
Жудолик ичраким беҳол этиб қаддин дуто қилгай.

Дуто қадди била аъмолидан топмас фароғатлик,  
Фароғат топмагай ҳаргиз, ҳаётини адо қилгай.

Адолик ичраким ҳаргиз йўқотгай ул сиёқини,  
Сиёқини сиёҳ айлаб, ики дунё қаро қилгай.

Қаро айлаб ики дунёсини журми била гофил,  
Ки гофиллик била ўзни гуноҳга ошно қилгай.

Гуноҳга ошно қилгай ўзидек беҳабарларни,  
Хабар топмас аларни ҳам балога мубтало қилгай.

Балога мубтало қилгайки номус оридин айриб,  
Ки, номус-оридин айриб жаҳаннамга раво қилгай.

Жаҳаннам ваҳмидан қўрқиб турурман хавф ражо ичра,  
Иймонда айла Маҳмуд деб қулинг ҳамду сано қилгай.

\* \* \*

Этмагил кўнглимни ҳаргиз, эй фалак, жондин йироқ  
Жонима жон бўлгучи ул моҳитобондин йироқ.

Борлигим, мавжудлигим, бил, ёр туфайли чин эрур,  
Қилмагил бу қулни ҳаргиз туну кун ондин йироқ.

Ҳар нафас ёр ишқидида ургай юрак, билмас тиним,  
Неча бор урди дема, воҳ, ургани сондин йироқ.

Нотавонман, норасоман васли кўйинг ишқидида,  
Чорасиз ҳолимни англаб, қилма имкондин йироқ.

*Сен, қуёш юзли жамолин истагайким бу кўнгил,  
Бир шарорат аҳлидин деб қилма ризвондин йироқ.*

*Маҳмудо, ҳолимда роҳат топмадим деб чекма ғам,  
Ким топар бахтини, э воҳ, бўлса жонондин йироқ.*

\* \* \*

*Неча чоғларким нигорим дилда васли муддао,  
Ранж чекиб қилдим унинг уммидида мен илтижо.*

*Шарҳу ҳолимни баён айлай десам сирдош йўқ,  
Изламакни ихтиёр айлай десам йўқ раҳнамо.*

*Суврати одам ва лекин сийрати бежонман,  
Изласа топгай мени бу ҳолда ҳар ақли расо.*

*Дард аҳли лутфидин ҳеч бўлмади менга насиб,  
Шул сабабдин ҳар қадамда айладим беҳад хато.*

*Ҳажр аро қолди муаллақ еру осмон ичра дил,  
Ким бўлиб ёр олдида ўз ҳолидин мен юз қаро.*

*Қилмишимдан топмадим наф, таъма бўлди ҳар ишим,  
Ушбу феълмдин муҳаббат дардидин мен Мосуво.*

*Маҳмудо, бас, ноумидлар ичраким саф тортмагил,  
Ағниёдур икки дунё ганжни топган ишиқ аро.*

\* \* \*

*Қадрини айлар баланд ким айтса ҳар дам яхиши сўз,  
Белга қувват, кўзга нур, кўнгилга малҳам яхиши сўз.*

*Ҳуш каломдин одамийлик ҳикмати топгай камол,  
Ҳар қачон, ҳар ердаким этгай мукаррам яхиши сўз.*

*Ҳар кишининг равнақи, бас, матлаби бирла улуг,  
Икки оламда улуг этгайки ҳуррам яхиши сўз.*

*Этди махлуқдан азизким Ҳақ таоло бандасин,  
Алмисоқдин руҳига айлабки жам-жам яхиши сўз.*

*Яхиши сўз бирла тасарруф этгай оқил манзилин,  
Роҳи ростда мақдамин этгайки маҳкам яхиши сўз.*

*Бу улуг хислат билан одам азиз, олам азиз,  
Қадрини топгайки ҳар дам, топса одам яхиши сўз.*

*Эй Худо, бебахралардан этмагил Маҳмудни ҳам,  
Муддаийлар айтмасин Маҳмудда кам-кам яхиши сўз.*

**Марғилон**



## ЁДНОМА



### Абдугафур РАСУЛОВ

1937 йилда туғилган. Ўрта Осий Давлат университети ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор. Олимнинг “Истеъдод ва эътиқод”, “Бадиийлик – безавол янгилик”, “Бетакрор ўзлик”, “Танқид. Талқин. Баҳолаш” каби китоблари, шунингдек, “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” (хаммуаллифликда) дарсликлари чоп этилган. Олим Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Ёшлар мураббийи унвони билан тақдирланган.

## БОШҚАЛАРГА ЎХШАМАС ОЛИМ ЭДИ

Талъат Солиҳов ҳаёт бўлганида саксон ёшга тўларди. Вафот этганида эллик тўққиз ёшда эди. Унинг ҳаёти Тошкент Давлат университети билан боғлиқ: талаба бўлди, аспирантурада ўқиди; диссертация ҳимоя қилди, доцент унвонини олди; 1984 йилда Ўзбек филологияси факультетига деканлик қилди; 2-3 йил Афғонистонга меҳнат сафарига жўнатилди: Қобул университетида дарс берди.

Талъат рус тилини мукаммал билган, XIX-XX асрда нашр қилинган рус, Ғарбий Европа адабиёти намуналарини завқ билан ўқиган.

Мақтабни тугатгач, ҳеч иккиланмай ТошДУнинг филология факультетига ўқишга кирган. Талаба ўзлигини тўла намоён этиш учун муҳит – курсдошлари ҳиссаси катта бўлади. Унинг курсдошлари орасида Эркин Воҳидов, Анвар Исроилов, Ошиқ Эркин (Мадраҳимов), Анвар Эшонов, Туроб Акбархўжаев, Тамилла Қосимова, Матлуба Исмолова сингари ижодкорлар, Норбой Худойбергенов, Раҳматулла Иноғомов, Анвар Каримов каби тадқиқотчилар бор эди. Факультет ўқитувчилари орасида О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, Матёқуб Қўшжонов, Н.Малахов, А.Рустамий сингари янгича фикрлайдиганлари бор эди. “Новый мир”, “Иностранная литература” журналлари, А.Солженицин, А.Твардовский, Б.Пастернак, П.Қодиров, О.Ёқубов, Чингиз Айтматов, Гурам Панжикидзе, Ў.Сулаймонов, Н.Думбадзе, Е.Евтушенколар асарлари адабиёт ҳақидаги қарашларни ўзгартириб юбораёзганди. Рус тилини билган одам (афсуски, Ғарб, инглиз тилини билгувчилар ниҳоятда кам эди) ҳузур қиларди. Т.Солиҳов ашаддий китобхон эди. Пахта йиғим-терим мавсумида ҳамиша бирга бўлардик. Сал имкон топилса, Талъат китоб ўқирди.

Университетни тугатгач, аспирантурага кирди. О.Шарафиддиновнинг бешинчи шоғирди сифатида иш бошлади. Унга реализм билан боғлиқ номзодлик диссертация мавзусини беришди. Талъат нега бу мавзунини инкор этмади? XX асрнинг 60-йилларида чет элларда, Россиянинг ўзида социалистик реализмнинг истиқболсиз, шўро адабиётига зўрма-зўракилик билан сингдирилган сиёсий доктрина эканлиги ҳақида ёзила бошланган эди-ку?! Буни Талъат Солиҳов яхши биларди. Лекин суймаган мавзусини қабул қилди. Мавзу бўйича “Бу – эркин адабиёт” сингари сиёсий пишиқ, лекин келажаги йўқ соцреализм ҳақида мақолалар ёзди. Ҳақиқий Талъат Рустамович руҳ-руҳи билан тугаётган методга қарши эди. Бунинг исботи, домланинг талабаларига ўқиган маърузаси, амалий машгулотлари эди. У классицизм, сентиментализм, натурализм, романтизм,

реализм методидаги асар деб уқтирилган асарларни янгича, ижодий талқин қилди, баҳолашга интилди. Мен Талъат Солиҳовнинг натурализм ҳақидаги маърузасида қатнашганман. Ҳайлаб қарасам, шӯро адабий сиёсати методлар илдидаги ҳаракатни атайин соцреализмга – “инқилобий ҳаракат”, синфийликка йуналтирган экан. Эмиль Золя ҳақида маърузачи шундай фикрларни айтдики, у тамоман бошқача санъаткор экан. Талъат Солиҳов фикрича, Э.Золя ҳаёт, қаҳрамонларни тасвирлашда янгича тушунчаларни илгари сурган, ижодий принципини тасдиқлаб борган. Талъат Рустамович Ф.Кафка, А.Камю ижодини берилиб таҳлил қиларди. Унингча, Кафка ҳаётни тамоман бошқа ракурсадан тасвирлаган. Экзистенциализм методи унинг асарларида товланиб, турланиб туради. Кафка ижодига ҳамма ҳайрон бўлиб қаради: у кийинганлар ичида яланғоч, донолар ичра девонавор эди.



**Талъат Солиҳов**

Қирқ етти ёшида автоҳалокатда вафот этган Альбер Камюнинг “Сизиф ҳақида афсона”си бор. Унинг мазмуни оддий. Бош қаҳрамон эртадан кечгача оғир тошни пастдан юқорига суриб чиқади. Маррага етдим, деганида, тош яна пастга юмалайди. Бу адоқсиз, азобли юмушни ҳаммаша бажариш Сизиф тақдирига битилган. Ёзувчи фикрича, ҳаётнинг ўзи Сизифдай ижрочилар, бесамар меҳнатдан иборат. Сизиф тоифасидагилар ҳорғин, мунгкўз, бепарво, бенаво бўладилар.

Талъат Солиҳов фан номзоди, истеъдодли муаллим бўлиши билан бирга, ашаддий китобхон эди. Билганларини, маърузаларидаги фикрларини жамласа, бир неча жилдли китоб бўларди. У Афғонистонда икки китоб чоп эттирганини айтарди. Аммо уларни ўқиганларни кўрмадим.

Домлани бир кўрган одам эслаб қоларди. Ўрта бўй, оғриқроқ, серсоқол, узун соч ўстирган, катта кўзойнак тақадиган одам эди. Унинг кўзи бетакрор эди: мунг, фикр, руҳий ҳаракат, босиқлик қоришиб кетганди. Кўзойнаги синчиклаб кузатиш имконини бермасди. Ўйлашимча, ўқиган ҳар бир асари гени кўзларига жо бўлганди.

Талъат муаллим аудиторияда ўзлигини бемалол намоён этарди. Дарсида фикр, бадиийликка эътибор, қалблараро боғлиқлик етакчилик қиларди. Унинг ўтиб кетганига 20 йил бўляпти, аммо Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Султонмурод Олим, Олим Отахон, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Баҳром Рўзимухаммад, Абдували Қутбиддин, Улугбек Ҳамдам, Исажон Султон, Турсун Али, Гузал Бегим, Шермурод Субҳон сингарилар ўзларини унинг бевосита ёхуд билвосита шогирдлари, деб биладилар. Рауф Парфи Талъат Солиҳовнинг тўнғич шогирдларидан. Матбуотда улардан бир нечаси устози ҳақида хотира ёздилар.

Талъат Солиҳов рус гуруҳлари орасида ҳам юксак обрўга эга эди. Маъруза ўқиш,

бадий асар матнини билиш эмас. Маърузачи жаҳон адабиётшунослигидаги янгича қараш, тушунчаларни атрофлича билиши зарур. Америка, Япония, Хитой, Туркияда пайдо бўлаётган янгича қарашлар Ғарбий Европа, рус адабиётида шаклланаётган тушунчаларни бойитарди. Шубҳасиз, Талъат Солиҳов модерн адабиёт, янги оқим, методлардан бохабар эди. У М.Храпченко, А.Зверев, З.Фрейд, Н.Бахтин, Ю.Лотмон, М.Хайдеггер, В.Лакшин, Ю.Манн, Е.Гуренко, А.Гулыга, Ю.Борев сингарилар асарларидан бохабар эди. Бу асарлар даҳолар яратган асарларга тушадиган бадий калит вазифасини ўтади. В.Шекспир, В.Гёте, А.Данте, Шиллер, Г.Маркес, С.Есенин, А.Чехов, Э.Хемингуэй сингариларнинг асарлари Талъат Солиҳов ҳаётлигида таржима қилинди. Фозила Сулаймонова, Олимжон Жўраев, Муҳаммаджон Холбеков каби олимларнинг модернизм, унинг оқим, методлари ҳақидаги китобларини берилиб ўқийман. Талъатнинг билими, чет эл адабиёти ҳақидаги тушунчалари теран, кенг эди. Аммо у ўз қарашларини бадий-адабий тадқиқотларда тасвирламади.

1984 йилда филология факультети иккига ажралгач, Талъат Солиҳов Ўзбек филологияси факультетига декан бўлди. Олимлик ва раҳбарлик ҳамма вақт ҳам мос келмас экан. Тез орада деканликни топшириб Афғонистонга меҳнат сафарига кетди. Чет элда Қобул университети талабаларига дарс ўтди. Талъатнинг чет элдаги ҳаёти мураккаб-ликка бой бўлди. Касал бўлганини биров билиб, биров билмай қолди.


Одам боласи қувончдан осмонга учиб, ғамдан ерга кириб кетмайди. Талъат ўзига яраша шўх, улфатбоз эди. Аммо оғзидан чапанича сўз чиқмасди, зинҳор олифтаргарчилик қилмасди. Кўпинча Ўрда кўприги ёнгинасидаги чойхона-кафеда ўтиришни ёқтирардик. Не-не суҳбат, ҳазилларимизни Анҳор суви оқизи кетган. Хайрулла (Исма-тиллаев) баланд овозда гапирар, “қаҳ-қаҳ” отиб куларди. Муҳсинжон (Олимов) ҳангома сўзлашга уста эди: гоҳ Озод ака, гоҳ Лазиз ака, гоҳ Фулом Каримов ролини ижро этарди. Бошқалар қотиб-қотиб куларди-ю, Муҳсинжон табассум билан ҳаммага боқиб тураверарди. Талъат, кези келганда, сўз гулҳанига ўтин ташлаб кўярди.

Бир йили ёзда Иристой ака, Умарали ака, Ҳасанхўжа, Хайрулла, Талъат ва мен Сурхондарёга бордик. Сафардаги ҳангома, суҳбатлар ниҳоятда дилтортар бўларкан. Талъат кутилмаганда гапдон, серсуҳбат бўлиб қолди. Хуллас, хотиранинг борлигига беадад шукур. Иристой ака, Ҳасанхўжа, Хайрулла, Муҳсинжон, Талъат ўтиб кетишди.

Дўстдан айрилиш оғир бўларкан. Ғойиб ота қабристонига кириб бораяпмиз-у, Талъат тирик, деган фикр борлиғимни чулғаб олган.

Дўстим Талъатдан яхши ном, фидойи шогирдлар қолди.





## АДАБИЁТШУНОСЛИҚ

Малика ФАЗИЛОВА

### Усмон Азим драматургиясида аёл образи талқинлари

#### Аннотация

Мақола замонавий драматургиямизнинг етакчи вакилларидан бири Усмон Азим драмаларида аёл образи талқинлари таҳлилига бағишланган. Унда “Алпомишнинг қайтиши”, “Адибнинг умри”, “Улар одам эмас”, “Синфдош ёхуд куёвликка номзод”, “Тонг отган тарафларда” каби асарларидаги аёл образлари таҳлил этилади.

#### Аннотация

Статья посвящена анализу создания женских образов в творчестве ведущего узбекского драматурга Усмана Азима. В ней рассматриваются женские образы в таких произведениях как “Возвращение Алпамыша”, “Жизнь писателя”, “Они не люди!”, “Одноклассник или кандидат в женихи”, “Там, где восходят солнце” и т.д.

#### Annotation

This article dedicated on the interpretation of the analyses women’s images in the dramatic compositions of leading contemporary playwright Usman Azim. In article analysed women’s images of dramatic compositions such as “Return of Alpamish”, “Life of writer”, “They are not humans!”, “Classmate or a candidate for grooms”, “Where Sunrise” and others.

**Таянч сўзлар:** драматургия, образ, қаҳрамон, характер, сюжет, тимсол, жанр, персонаж, комедия, драма, прототип.

Аёл табиатнинг энг гўзал неъматидеги дегувчилар ҳақ. Дарҳақиқат, бирор бир бадиий ижод тури йўқки, у аёлни куйламаса, бирор бир ижодкор йўқки, у билан боғлиқ мавзунини четлаб ўтган бўлса. Ҳар нечук ўзбек адабиётида ижод қилган ва қилаётган ижодкорларнинг бари бу мавзуга қўл урган десак, адашмаймиз. Таниқли адиб Усмон Азим ижоди ҳам бундан мустасно эмас.

Ижодкорнинг нафис шеърлятида шаклланган бу муҳаббат, унинг сўнги даврда кетма-кет саҳна юзини кўраётган драматургиясида ҳам алоҳида меҳр билан куйланмоқда. Драматург ўз асарларида турфа характерли, бир-бирини такрорламайдиган, турли тоифадаги аёллар образини яратар экан, уларнинг ҳар бирига хос ички оламини кашф этади.

“Алпомишнинг қайтиши”даги Барчин, “Кундузсиз кечалар”даги Солиҳа, “Бир қадам йўлда”ги Беғам, “Адибнинг умри”даги Зарифа, “Тонг отган тарафларда”ги Тонгёруғ... Ушбу образларнинг асар сюжетида алоҳида ўрни, вазифаси бор. Шу ўринда ижодкорнинг дастлабки драматик асарларидан бири “Алпомишнинг қайтиши” ёдга келади. Севимли ёридан айрода, бошига оғир кунлар тушиб, аёллик шаъни хавф остида қолганда ҳам кўз ёшини бегоналарга кўрсатмаган, демакки, ожиз бўлиб кўринмасликка интилган, вафо ва садоқатни барча нарсадан устун қўйган, номусни

асраш ҳали вояга етмаган фарзанди гарданига тушганда, мардона шижоат билан гўдакки фарзандига йигитнинг мардига хос жасорат кўрсатиши учун куч бағишлай олган Барчиной ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Барчинойнинг ўғли Ёдгорга кичиклик чоғидан етти пуштини танитиб ва бу билан ўз бобокалонларига муносиб бўлиш руҳида тарбиялаши, ўз инсоний ғурурини баланд тутиши каби қатор ўринлар миллат шаънининг ифодаси сифатида асарда гўзал ечим топганки, аёл миллат шаъни учун масъул шахс сифатида тараннум этилган.

Айтиш лозимки, аёлни тасвирлаш драматургга энг нозик инсоний, шунингдек, ижтимоий дардларни ҳам ифода эта олиши учун имконият яратади. Хусусан, “Адибнинг умри” драмасидаги Ойбекнинг рафиқаси Зарифа образи орқали драматург аёл шахсияти талқинининг янги қирраларини кўрсатади. Ёдингизда бўлса, Зарифа Саидносированинг “Ойбегим менинг” номли хотиралар китоби асос бўлган ушбу драмада ҳаётнинг барча мураккаблиklarини ўзининг нозик елкаларида кўтара олган адибнинг садоқатли ёри – Зарифа образи жуда ёрқин чиққан. Зарифа Ойбегининг ҳар бир мушкулотига чора излаган, вафо ва садоқатни ўзи учун энг муқаддас бурч деб билган ўзбек аёли тимсоли. Драматург Зарифа образини яратар экан, қаҳрамони табиатига хос хислатларни саҳнама-саҳна намоён этишга алоҳида эътибор қаратади. “Зарифа ичкарига кириб қолиб, турмуш ташвишлари билан ўралашиб, сўзамолликда бир-бирига гап бермай, уззу-кун эшиги остонасида гаплашиб ўтирадиган аёллар сирасидан эмас. Унинг учун, асосийси, миллат тақдири, қисмати билан ёниб яшаган, халқига хизмат қилишдан ўзга дарди бўлмаган авлиёнамо, донишманд эрига ҳамдард, ҳамфикр бўлиш, унга ижод этиш учун шароит яратиш, шунингдек, энг асосийси, ўзи ҳам хатти-ҳаракати ила турмуш ўртоғига муносиб бўлиш, халқига хизмат қилиш. Балки шунинг учундир, у ўзлигини ҳам унутишга тайёр”.<sup>1</sup> Бу унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ўй фикрида, сўзларида намоён бўлади. Ойбекни олиб кетишганда Зарифа тилидан жаранлаган: “... Булар кимни хоҳласа йўқ қилиб юраверади? Ойбекни ҳам олиб кетишди!.. Ойбек қайтмаяпти!..” – деган сўзларидаги хавотир, ўзини, ўзликни унутиш, бунинг ҳадиғини суйган инсони қалбидан ҳайдашга интилиши ушбу образ табиатининг энг нозик, шу билан бирга, ўта кучли томонларидир. Асарда Зарифа образи ўзидаги кўркунви атрофдагиларга сездирмасликка интилган ва айнан шу ҳолати билан турмуш ўртоғини ҳам маънан қўллаб туришга куч топган аёл қиёфасида гавдалантирилган.

Драматургнинг муҳаббат ва шавқ билан яратган образлари қаторида “Бир қадам йўл” драмаси қаҳрамони Беғам ёдга келади. Ижодкор Беғам қиёфасида ўзбек аёлларига хос оилага садоқат, кексаларга ҳурмат, фарзандига муҳаббат ва қўйинчи, ўз нафратини ҳам сездирмай ичига ютиб яшашга маҳқум иродали аёл тимсолини мужассамлаштирган. Хуснда бетакрор, маънан юксак, севган кишисига рад жавобини беришга куч топа олиб, бокиралигини оёқ ости қилган киши билан ҳаёт суришга маҳқум бўлса-да, оила аталмиш муқаддас кўрғонга хиёнат қилмай яшаб келаётган бу аёл қисмати драмада ўз аксини топган. Драматург жанр талабларидан келиб чиқиб, ушбу образ ҳаётини лўнда қилиб, ўз тили билан таърифлаб беради. Атрофдагилар фақат ҳавас билан қарайдиган ушбу аёл қисмати орқали ижодкор бахт, баъзилар ўйлаганидек, бойликда эмаслигига урғу беради. Драматург жанр имкониятларидан жуда оқилона фойдаланади. Ўз қаҳрамони табиатидаги турли қирраларни аста-секин намоён этишга интилади. Бу, айниқса, қаҳрамоннинг бобо ва овсини билан суҳбатларида, шунингдек, турмуш ўртоғидан алоҳида яшашга изн сўраган лаҳзаларида жуда ўринли ифодаланган.

Усмон Азимнинг маҳорат билан яратган аёл образларидан яна бири одам савдоси мавзусидаги “Улар одам эмас!” драмаси қаҳрамони Мавжудадир. Ушбу образ тақдирида содир бўлган воқеалар асар сюжетини ҳаракатга келтиради. Унга кўра, анчадан бери кўришмаган, ўз тиллари билан айтганда, “отамлашишга” келган дугоналар содда ва самимийлиги сабаб ёвуз ниятли кишилар қармоғига илинишади. Улар чегардан олиб ўтилиб, сотиб юборилади. Номуси топталган Мавжудани фарзандини бир бора кўксига босиш умидигина ўзга юртларда фаҳш ишлар қурбони бўлиб яшашга ва бу қора кундан қочишга куч топишга ундайди. Мавжуда характерида содда, камтарин, кўнгли пок аёл образи гавдалантирилган. У оиласини, турмуш ўртоғини, фарзандини жонидан ортиқ яхши кўради, ўз бошига тушган мусибатга уларни шерик қилишни хоҳламайди. У Акбарни шу қадар қаттиқ севадики, бу кулфатдан кейин у билан ажрашиб, уни тўзонлардан сақлаб қолишга қарор қилади: “Яқинимга келманг, азиз одамим! Энди менга яқинлашишдан ҳазар қилинг... Мени иблислар дўзахда ёндирди! Тақдирим, орзу-умидларим, қувончу шодликларим қуйиб, кул бўлди! Шайтонлар кулларимга

<sup>1</sup> Раҳматуллаева Д. Нафис мажлислар. – Т.: “Санъат”. – 2009. 91-92-бетлар.

ҳам дунёнинг энг жирканч ифлосликларини қориштириб ташлашди!.. Сиз нималар бўлганини эшитманг! Менинг кўргуликларим сиздай яхши одамнинг эшитишига лойиқ эмас!”

Образдаги яна бир хусусиятни таъкидлаш жоиз. Мавжуда характерида ҳақиқий аёл, муштипар онага хос жиҳатлар яхши очилган. Ёмон ниятли кишилар кўлига тушиб қолганда ҳам у ўша кишилардаги инсоний туйғуларни қидиради, аёл, она сифатида улардан нажот излайди. У шунчалар самимийки, онани она тушунади, деб ўйлайди: *“Сиздан илтмос, мени кўйиб юборинг! Аёл кишисиз, тушунасиз, менинг болам бор!.. Олти ойлик!.. Менсиз қон бўлиб, йиғлаб ётгандир... Кўкракларим сутга тўлиб кетди! Боламнинг очликдан тамшаниб чирқираётгани қулоғимдан бир зум кетмайди! Девона бўлиб қолдим! Гўдагимнинг чинқириғи дунёни босди! Сиз эшитмаяпсизми? Нега эшитмайсиз? Нега одамнинг зорини эшитмайдиган бўлиб қолгансиз! Сиз ҳам Парвардигорнинг бандасисиз-ку!.. Опажон! Мени кўйиб юборинг!..”*

Бироқ Мавжуда адашади, унинг бўзлаб сўраган нажоти жавобсиз қолади.

Драматург ижодида ижобий аёллар образи билан бирга, характерида салбий жиҳатлар яққол акс этиб турган аёллар тимсоли ҳам учрайди. Хусусан, юқорида келтирганимиз “Улар одам эмас!” пьесасидаги Азиза образини олайлик. Воқеалар кечимида Мавжуда ва Нафисани беҳуш қилиб чегарадан нарига ўтказишгандан сўнг айнан шу Азизанинг уйига олиб келишган. Бу аёл уйдаги фоҳишахона орқали пул топувчи бир кимса. У ҳаддан зиёд қаҳри қаттиқ, шафқатсиз, пул топиш йўлида ўзининг барча инсонийлик, аёллик фазилатларини йўқотиб бўлган кимса образи. Бойлик унинг кўзларини шунчалар кўр, қулоқларини қар қилганки, у инсонлар дардини, нолаларини кўрмайдиган, эшитмайдиган бўлиб қолган.

Драматург ижодида яна бир бошқа тоифадаги аёллар образи ҳам мавжуд. Унга мисол тариқасида “Синфдош ёхуд куёвликка номзод” комедиясидаги Пўлатхон Темирова ва Тамиллахон образларини келтириш мумкин. Пўлатхон Темирова асар бош қаҳрамонларидан бири – Неъматулланинг собиқ хотини. Унинг қиёфасида муаллиф ишбилармон, чўрткесар, шаддод аёл образини яратган. Шу билан бирга, Пўлатхон образида эркакшодалик хусусияти ҳам мавжуд. Буни драматург образнинг ўз тилидан, яъни Неъматуллага қарата айтилган сўзлари орқали далиллайди: *“Ун марта талоқ қилдим бу одамни! Бу одам билан яшаб бўладими! Уч талоқ! Беш талоқ! Ун талоқ!..”* Ахир, талоқ қилиш аёлларга хос эмас-ку!

Сир эмаски, бугун глобаллашув жараёнида атрофимизда шундай аёллар кўпайиб бормоқда. Улар жамоат ишида ҳам, давлат ишларида ҳам, оилада ҳам масъулиятни ўз елкаларига олмоқдалар-ки, натижада, аёллик назокати, нафосати, латофати уларни тарк этмоқда. Ким билади, балки жадаллик етакчилик қилаётган, ҳаёт шиддат билан давом этаётган бугунги кунда бу ҳолатни ижобий баҳоловчилар ҳам йўқ эмасдир. Муаллиф томонидан “яллагилар” дея таърифланган ушбу кимсалар орқали бугунги кунда санъатни оддий рўзгор, пул топиш манбаига айлантган кишиларни фош қилиш нияти ҳам ётади. Санъатдек олий рутбанинг савиясига путур етказётганлар қисмати муаллифнинг эътиборини тортади. Айниқса, Тамиллахон Баракаева образида кадр-қиммат, аёллик ибоси, ҳаёсидан йироқлашганлик кўринади.

Муаллиф асар иштирокчиларини таништирув қисмида ёши ўттиз бешлардаги ушбу кўшикчи аёл персонажга характеристика бериш асносида санъаткор, деб айтишга бироз орланади, шунинг учун “яллагилар”, деб кўя қолади. Муаллиф бу каби персонажнинг прототиплари бугунги кунда ҳаётнинг ўзида мавжудлиги ва уларга хос хусусиятларни умумлаштириб, баъзан ошириб кўрсатиш орқали аёл шаънига номуносиб хатти-ҳаракатларга эътиборни қаратишга чоғланади.

Тамиллага хос хусусиятларнинг баъзи бирлари Пўлатхон шахсиятига ҳам хос. Бироқ Пўлатхон табиатан Тамилладан кўра ақллироқ, чўрткесар. Ишбилармонлик уни анча эркакшода қилиб қўйган. У дастлаб Неъматуллани “талоқ” қилиб кетади. Бироқ Давлат Замоновичнинг номини эшитиб, етиб келиб Неъматуллага ширин сўзлаб, ҳовлисига эгалик қилишни бошлайди. Кўринадики, ушбу образ фақат оқ ва қора ранглардан иборат эмас. Зиддиятларга тўла, мураккаб қиёфа. Шунинг учун ҳам, бадиий образ сифатида мукамалдир.

Адибнинг сўнги драматик асари “Тонг отган тарафларда”ги Тонгёруғ образи Усмон Азим драматургиясида яратилган комила аёллар образлари галереясини тўлдиради. Ушбу асарни муболағасиз Усмон Азим драматургиясининг квинт-эссенцияси, дейиш мумкин бўлса, айтиш жоиз Тонгёруғ образи ижодкор томонидан яратилган аёл образларининг чўққисидир. Исмининг ўзига қаранг: “Тонгёруғ”, демак, унинг эртанги кунига катта умид бор.

Тонгёруғ – турмуш ўртоғига садоқатли, қайнотаси қилган васиятга содиқ яшаб, элидан қолган ягона меросхўр, “на суюнчи, на таянчи бор”, “ҳавода-ку, бироқ қаноти

йўқдай” ўгли Ёлғиз Мерганни ёв кўзидан панада асраб катта қила олган, нафақат асраб, балки шу билан бирга, “ўн саккиз йил ёлғиз боши билан дунёга сир бермаган, қаршисидаги синоатлар билан “тикка гаплашган” ориятли, диёнатли, номусини барча нарсадан устун кўювчи шахс сифатида шаклланишига умрини бахшида эта олган ОНА образи. Тонгёруғ Тонгли улусининг яшаб қолиши, миллати барҳаётлиги учун жонини бахшида эта олган миллатпарвар, халқпарвар аёл. Фарзанди таъкидлагандек, ўзидан кўра бошқаларни кўпроқ ўйлайдиган одам. У ўлаётганда ҳам ҳалол бўлишга ундай оладиган, мард, бир сўзли фарзанд тарбиялай олган она. Билган Калнинг таърифича, фарзандининг жонини жабборга бериб бўлса-да, ўзга халққа озодлик, эрк бера олган фидокор инсон. Билган Калнинг галдаги таърифи бундан-да улуғ – “Тонгёруғ, осмонни кўтариб турган одам, энг улуғ одам!..”

Шу ўринда драматургнинг аёл образларини яратишдаги ижодий услуби эътиборли. “Алпомишнинг қайтиши” драмасида Ёдгор онаси томонидан унга такрор-такрор уқтирилган аждодлари номини санаш асносида душман шартини бажариб, ўн тўрт ботмонли камонни кўтариб, онасининг шаънини ҳимоя этса, Тонгёруғ фарзанди кучдан қолганда “эркакнинг қўлини Кўк танғри ўқ-ёй ушласин, деб яратган. Ўқ эркакнинг қўлини давоми... Қўлинг бутунлигини сездим болам”, дея кучдан қолган ўғлига тиргак, ишонч бўлади.

Юқоридагилардан Усмон Азим драматургиясида аёлга муносабат ўта юқори эканлиги, у табиатнинг нафақат энг гўзал номаси, шунингдек, шижоат ва жасоратда эркакдан кам эмаслиги яна бир бор тасдиқланади. Фикримизча, ўзбек аёлига хос бўлган бу каби нозик хислатларни илғамоқ учун шу миллат вакили бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бу ҳолат драматургнинг аёлни нафақат қадрлаш, балки шу билан бирга, унинг нозик елкалари узра жисмига номувофиқ ишларни юклаш бу миллатга хиёнат эканлигини кўрсатишдек пок ниятидан дарак беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Усмон Азим. Адибнинг умри. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
2. Усмон Азим. Улар одам эмас! (Қўлёзма). – Т.: 2010.
3. Раҳматуллаева Д. Нафис мажлислар. – Т.: Санъат, 2009.

Зокиржон РАҲИМОВ,  
Муборак ТАЛАБОЕВА

## Миллий детективнинг шаклланиш омиллари

**Аннотация:** Мақолада ўзбек адабиётининг, хусусан, халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ҳамда XX асрдаги айрим намуналари мисолида миллий детективнинг шаклланиш омиллари ўрганилган.

**Аннотация:** В статье на примере узбекской литературы, в частности, некоторых произведений устного народного творчества, классической литературы и произведений XX столетия исследуется вопрос принципов формирования детективной литературы.

**Annotation:** In article on example of uzbek literature, particularly compositions of oral national creation, classic literature and works of XX century investigated the question of principles in formation of the detective literature.

**Таянч сўзлар:** Миллий детектив, детективнавислик, жанр, саргузашт, жиноят, узқувар, жабрланувчи, адолат, махфий, милиция ходими, фош қилиш, бозор адабиёти, сўз масъулияти, энгил асарлар, халқ оғзаки ижоди, бадиият.

Адабиёт – кутлуғ маскан. Бу муқаддас даргоҳга қадам босган ҳар бир ижодкор кўнгили майлига қулоқ тутди, инсон аталмиш кўҳна мавжудотнинг руҳий оламини ўрганишга, хулосаларини бадиий ифодалашга ҳаракат қилади.

Детектив адабиётни баъзи адабиётшунослар фақат олди-қочди ҳаракатлардан иборат “ҳазми энгил” асарлар яратилувчи йўналиш, деб биладилар. Лекин бу фикр тўғри эмаслигини исботловчи бир қанча бебаҳо асарлар борки, улар детектив адабиёт намунаси бўлиш билан бирга, чуқур руҳий-фалсафий ғояларни ҳам тарғиб қилади. Жумладан, адабиётшунос ва ижодкорларнинг “Бозор адабиёти” ёхуд бадиий сўз масъулияти мавзусидаги давра суҳбатига Ўзбекистон халқ ёзувчиси О.Мухтор: “Саргузашт, детектив тушунчаси билан “енгил асарлар” деган баҳони ёнма-ён қўйиш ҳам ўринсиз. Ёзувчиларимиздан Х.Тўхтабоевнинг қатор асарлари, Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” ёки Саид Равшаннинг “Қиронча” асарини қизиқиб ўқийсан. “Уларни умри қисқа, тезда унутилиб кетади” деёлмайсан, айримлари ўн йил, йигирма йил, айримлари ярим асрдан буён яшаяпти. Уқувчига баҳрамандликдан ташқари, маънавий-руҳий озик ҳам бераяпти”,<sup>1</sup> дея қайд этган.

Ёзувчи ва адабиётшунос олим У.Ҳамдам билан “Адабиёт – муқаддас даргоҳ...” номли суҳбатда ижодкор “детектив адабиётнинг илк унсурлари халқ оғзаки ижодида” кўринишини таъкидлаб, “кейинги босқичда А.Қодирий фольклордаги детектив унсурларини ёзма адабиётга олиб кирди ва буюк “Уткан кунлар” асарини яратган”лигини эътироф этади.

Демак, детектив адабиёт кеча ёки бугун пайдо бўлган ҳодиса эмас. Тафаккур даражаси Фарбдан кам бўлмаган аждодларимиз яратган бадиий асарларда, яъни баъзи дoston ва эртақларда гуноҳкорларни қидириш, жазолаш жараёнлари билан боғлиқ ўзларининг илк қарашларини баён қилганлар. “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Равшан” дostonлари, “Уч оға-ини ботирлар” каби бир қанча эртақларда қаҳрамонларнинг ноҳақликлар, ёвузликларга қарши курашлари тасвирланади. “Алпомиш” дostonидаги детектив унсурлари мавжуд бўлган парчаларни таҳлил қилиб кўрайлик: “Алпомиш Қалмоқ эли шохининг зиндонидан қутилиб келгач, Қултой билан топшигандан сўнг “Қани, бобо, элда қандай гап бор?” – дейди. Қултой айтади: “Ултонтоз тўй бе-

<sup>1</sup> “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2007 йил, 2-сон.

риб, хотинингни олмоқчин бўлиб, ётир. Энди бориб ўлдирди берасан-да...” Шунда Ал-помиш: “Бобо, сиз мен бўлиб боринг, мен сиз бўлиб борайин, ким дўст, ким душман ўз кўзим билан кўрайин, бировнинг чориғига биров тойиб, ўлиб кетмасин”,<sup>2</sup> дейди. Бу маслаҳатдан сўнг иккаласи бир-бирининг кийимларини кийишиб, ҳеч кимнинг хаёлида йўқ бир ҳолатда тўйга кириб боришади.

Ҳақимбекнинг нияти изқуварлар режасини эсга солади. Изқувар тимсоли детективнинг асосий образи эканлиги ва режаси амалга ошгунча у жиноятчиға кўриниши мумкин эмаслиғига асосланиб, мазкур дostonда детектив унсurlари мавжудлиғига амин бўлдиқ. Айниқса, бу парчада детективнинг асосий мазмуни ҳақиқатни қидириш, деган қарашларга мос жумлаларни ҳам учратамиз. Яъни “бировнинг чориғига биров тойиб, ўлиб кетмаслиғи” ва адолат ўрнатилиши учун Алпомиш бировга ўзини танитмасдан, яширин тарзда ҳаракат қилади. Уйига Қултой қиёфасида қайтгач, юз берган ноҳақликлар, пароканда бўлган оиласини кўриб, тушкунликка тушади. Яъни далада бия боқаётган сингисини, ариқ бўйида туёқ тозалаб ўтирган онасини, мешда сув ташийётган отасини, золимларнинг кўлида хўрланаётган ёлғиз фарзанди Ёдгорни ва ноилложликдан Ултонтозга турмушга чиқаётган севиқли ёри Барчинойни кўргач, тезда уларни бағрига босгиси, ёрдам бергиси келади. Лекин шу каби вазиятларда ҳам у ўзидаги изқуварларга хос қатъият ва вазминликни кўрсатади. Ҳақиқатни юзага чиқариш учун махфий иш қилиши кераклигини эслайди.

Бундан минг йиллар аввал ҳам изқувар образи ва детектив элементлари мавжуд бўлган. Изланишларимиз давомида детектив элементлари ҳаттоки мумтоз адабиётимиз намуналарида ҳам учрашини кузатдик. Алишер Навоий “Хамса”си таркибидаги дostonларда ҳам детектив элементлари учрайди. “Хамса”нинг тўртинчи достони бўлмиш “Сабаъи сайёр”да ана шу унсurlардан ҳам фойдаланилганининг гувоҳи бўлдиқ. Бешинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг “Жобир, Суҳайл ва Меҳр ҳақидаги дostonи”да Жобир жиноятчи, Меҳр жабрланувчи, Суҳайл эса изқувар тимсолида гавдалантирилади. Жобир турли хийлалар билан одамларни асир этади, исми ҳам “жабрловчи, золим” деган маъноларни англатади. Албатта, Алишер Навоий детектив асар яратишни ўйламаган. Дунёда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслигини айтмоқчи бўлган.

Детектив асарларда ҳам кўплаб бадий асарлардаги каби учлик бўлади. Лекин бу учлик муҳаббат учбурчаги эмас, балки жиноятчи – жабрланувчи – изқувар, баъзи ҳолларда эса, жабрланувчи умуман иштирок этмайди ва изқувар – жиноятчи – полиция ходимлари тарзида ҳаракат олиб борилади. Жобир – Меҳр – Суҳайл учлиги биринчи турдаги ҳаракатга мисол бўлади. Чунки воқеалар Меҳрнинг яширинча асир олинганидан бошланади. Кўриниб турибдики, Меҳр жабрланувчига айланди. Суҳайл эса тақдир тақозоси билан адолат ўрнатувчи халоскорга, изқуварга айланди.

Одатда, изқувар сифатида ҳар хил инсонлар: ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларида ишловчилар, ёлланган детективлар, қариндошлар, дўстлар, жабрланувчининг танишлари, баъзан эса мутлақ нотаниш одамлар олинши мумкин. Навоий ўта зийраклик билан Суҳайлни ҳам қариндош, ҳам жабрланувчининг таниши, ҳам дўсти сифатида кўрсата олди. Демак, халқ оғзаки ижоди билан бир қаторда, мумтоз асарларимиз ҳам ўзбек миллий детективининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсоният яралибдики, яхшилик ва эзгулик билан муштарак ҳолда ёвузлик, жиноятчилик каби иллатлар ҳам мавжуд бўлган, лекин кейинги даврлардагидай тараққий этмаган. Кейинги босқичда оғзаки ижоддаги детектив унсurlарини А.Қодирий маҳорат билан ёзма ижодга олиб кирди, натижада ҳали-ҳануз олимларни лол қолдираётган улкан адабий ёдгорлик – “Ўткан кунлар” пайдо бўлди. Асарда Ҳомиднинг жиноятларини фош қилиш учун Отабекнинг ниҳоятда пухталиқ билан ҳаракат қилиши жаҳон детектив адабиётидаги изқуварларни ёдга солади.

Айнан мана шу асар билан кейинги детектив асар яратилгунга қадар орадан бир неча ўн йиллар ўтди.

А.Қодирийдан кейин 60-йилларгача бу йўналишда асар яратилмади. 60-йиллар бошида ўша жимгина димланиб турган вулқон портлади, яъни Искандар Қаландаровнинг “Шоҳидамас, баргида...” қиссаси пайдо бўлди. Бу асарнинг янги жанрдаги биринчи уринишларданлиги диққатга сазовор. Муаллиф ўз кўрган-кечирганларини, билган-эшитганларини қизиқарли ҳикоя қилади, китобхонларни милиция ходимларининг жасорати, ўз ишига садоқатию товламачилиқ, қаллоблиқ ва яна бир қанча оғир жиноятларни очишда қай тарзда иш олиб боришлари билан таништиради. Лекин асарни бадий жиҳатдан мукамал асар, деб бўлмайди.

70-йилларга келиб, “бу жанр олдидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис қилган”

<sup>2</sup> Алпомиш. – Т.: 1979. – 231-бет.

(Й.Солижонов) адиблардан бири Ўлмас Умарбековнинг шундай руҳдаги асарлари жанр тараққиётига қўшилган катта ҳисса бўлди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик эътироф этгандай, “Ўлмас Умарбековни замонавий ўзбек детектив адабиётининг асосчиларидан бири, деб аташ ҳам ўринли. Ўлмас аканинг Қўқон театри саҳнасида қўйилган биринчи саҳна асарлари – “Суд”, “Ёз ёмғири” қиссалари замонавий детектив тарзида ёзилган дастлабки асарлардан бири эди”.<sup>3</sup>

Дарҳақиқат, Ў.Умарбековнинг бу каби асарлари ўзбек адабиётида детектив жанрининг шаклланишида катта ҳисса бўлиб қўшилди. Адибнинг “Фотима ва Зухра” романида ҳам детектив унсурлар етакчилик қилган. Адиб жаҳон детектив адабиёти намуналари қаторига ўзбек детектив изқувар аёли образини олиб кирди. Чунки ўша вақтда жаҳон детектив адабиётида изқуварлар эркак жинсига мансуб бўларди. Изқуварлик, фош этиш детектив асарнинг биринчи хусусияти эканлигини ҳисобга олсак, Зухра ҳатто милиция офицерлари очишга қийналаётган жиноятларни фош этиб, бир нечасини жазолайди ҳам. Демак, у – изқувар. Изқувар аёл образини яратишда ёзувчи миллийлигимиз чегараларидан чиқмаган ҳолда улкан янгиликни амалга оширган. Кейинчалик бу жанр олдида масъулиятни ҳис қилган яна бир ёзувчи – Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари чинакам ўзбекона миллий детектив яратилганидан дарак берди. Бу асарда детектив адабиётга хос хусусиятларни тўлароқ кўришимиз мумкин, яъни Асадбекнинг ҳаёти ва унинг жиноят оламидаги фаолияти турли икир-чикирларигача ёритиб берилган. Ёзувчи жиноят олами ва ундаги содир этилган қабихликларни очиш йўлидаги машаққатларни ҳам тасвирлайди. Асадбек тимсолида муаллиф, ёвузликнинг асл башарасини кўрсатиш билан бирга, ана шу ёвуз иллатнинг пайдо бўлиши инсоннинг хоҳиш-истагидан ташқарида, қасддан ҳам рўй бериши мумкинлигини, бу иллатнинг чуқур ижтимоий-ахлоқий илдизлари мавжудлигини ёритиб берган. Асадбек ҳаёт йўлидаги жиноятларнинг фош этилиши жараёнида унинг бу йўлга кириш сабаблари ҳам очиб берилган.

Бу йўналишда О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад каби адиблар ҳам яхши асарлар яратдилар. Аммо бора-бора Й.Солижонов таъкидлаганидек: “... саргузашт, детектив деган ном остида чиқаётган “асарлар” жуда кўпайиб кетди. Бироқ учидан иккитаси бу жанр талабларига жавоб бера олмайди. Масъулиятли ёзувчилар ойлар, йиллар давомида бир асарни бекаму кўст яратса, “уста” ёзувчилар бундай асарларни потирлатиб ёзиб ташламоқдалар”. Сўнги вақтда пайдо бўлаётган детективнавислар аввал детектив жанр талабларини ўрганиб чиқиб, кейин ёзсалар, мақсадга мувофиқ бўларди ва юқоридаги каби эътирозларга дучор бўлмасди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабиётида детектив унсурлари қадимдан мавжуд, айниқса, XX асрда детективнамо асарлар яратилишида ижтимоий-сиёсий тузум тақиқлари туфайли унинг жанр тарихида шаклланишига жиддий тўсиқлар қўйилганлигига қарамасдан, илк тажриба сифатида диққатга сазовор асарлар пайдо бўлди ва ўзбек детектив адабиётида ҳам бадиий салмоғи баланд, шу билан бирга, бу йўналишдаги талабларга жавоб берувчи асарлар яратиш мумкинлиги ўз исботини топди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алпомиш. Шарқ. – Т.: 1998.
2. И.Қаландаров. Шоҳидамас, баргида... ЎЗадабийнашр – Т.: 1962.
3. Ў.Умарбеков. Танланган асарлар. 1-жилд. Шарқ. – Т.: 2002.
4. Т.Малик. Шайтанат. Шарқ. – Т.: 2006.
5. Т.Малик. Қиёмат қарз. Шарқ. – Т.: 2007.

<sup>3</sup> Ў.Умарбеков. Танланган асарлар. Шарқ. 1-жилд. – Т.: 2002. – 11-бет.



## МУЛОҲАЗА. МУҲОКАМА. МУНОЗАРА



### Нусратулло ЖУМАХҲҲА

*1953 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тахсил олган. Филология фанлари доктори. Олимнинг “Поэтик тасвирда пейзажнинг роли”, “Турди назми бадийати”, “Мунис газалиёти” каби илмий монографиялари ҳамда 500 дан ортиқ илмий-оммабон мақолалари эълон қилинган.*

## ХАЛҚ ТИЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ НАСР

Бундан бир неча йил муқаддам “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси замонавий ўзбек насри тили ҳақида махсус рукн очиб, йил давомида мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни ёритиб борди. Мунозара қизғин тус олиб, кўп фойдали фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Назаримизда, улар исзис ва фойдасиз кетмади. Газета танқид ва адабиётшунослик бўлимининг 2014 йилда яна адабиётда сўз қўллашдаги ютуқ ва нуқсонлар таҳлиliga бағишланган “Бадий сўз масъулияти” рукнини очиши шу соҳадаги муаммоларнинг нақадар долзарблиги ва тадқиқот, баҳс-мунозараларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Олдинги мунозараларда негадир ҳеч ким атоқли ёзувчи ва тадқиқотчи Пиримқул Қодировнинг “Халқ тили ва реалистик проза” номли монографиясини тилга олмади. Аслида, бу китоб ўз даврида ижод ва илм аҳли учун жуда фойдали қўлланма бўлган эди. Адабиёт ҳамма вақт халқ тили манбаидан фойдаланиб ривожланиб келган ва айни пайтда, халқ тилини ҳам тараққий эттиришга хизмат қилган. Биз матбуот саҳифаларида 2013 йили чоп этилган ҳикоялар мисолида замонавий наср ижодкорларининг халқ тилига муносабатлари ва уларнинг бу соҳадаги ютуқ-камчиликлари тўғрисида мулоҳаза юритмоқчимиз. Ўтган йили матбуотда катта-кичик кўплаб ҳикоялар эълон этилган. Уларнинг мазмун-мундарижаси, ғоявий-бадий хусусиятлари алоҳида йирик мавзу. Биз фақат бадий тил хусусиятларига тўхталамиз, холос.

Ҳикоялар тили билан қизиқар эканмиз, бошловчи ёзувчилар эмас, таниқли ёзувчилар бадий тилида ҳам қатор нуқсонлар учраб туришига жуда ажабландик. Жумладан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жоди” (“Тафаккур”, 2013, 1-сон) ҳикоясида шундай жумла учради: **“Етти йиллик урушда Франция бор-шудини бой берди”**. “Бор-шуд” – иборанинг хато шакли. Худди Имом Бухорий ҳадисларнинг нуқсонсиз, саҳиҳ нусхаларини топиб, танлаб жамлаганидай, ёзувчи ҳам халқ ибораларининг тўғри шаклларини аниқлаб ишлатиши лозим. Шу ўринда иборанинг “бор-будини” ёки “буд-шуди”ни каби тўғри вариантларини қўллаш мумкин эди. Яхшиси, ўзбекча қилиб “бор-йўғини” ёки “бор бисотини”, деса ҳам бўлаверарди.

Мана бу жумлаларда “шунинг учун” маъносидаги форсий “азбаройи” сўзи нотўғри ишлатилган: **“Азбаройи, қушга айланиб, учиб кетадигандек!.. Азбаройи, учкур отга айланиб, бутун Франция йўллари бўйлаб қуюн янглиғ еладигандек!.. Азбаройи, бутун мамлакат аҳолиси адоқсиз олқишлар билан унга пешвоз чиқишга ҳозирлик кўраётгандек!.. Азбаройи, унинг беш-олти жумлада баён этилган ғояси ҳозирок**



кучга кирадио Жозеф қилган ихтиро!.. кашфиёт!.. янгилик!.. мамлакатнинг барча шаҳар-қишлоқларида амалда қўллана бошлайди!” Ёзувчи, наинки ёзувчи, балки ҳар бир одам маъносини ўзи билмаган сўз-ибораларни ишлатса, шундай аҳвол келиб чиқиши тайин. Асли, “азбаройи” ўрнига оддийгина “гўёки” сўзини ишлатиш тўғри ва тушунарли бўларди.

Энди бу жумлага эътибор беринг: “...италиялик қардошлар ўзлари ғафлатда қолганидан тирсакларини тишлашади”. Тирсакни ҳам тишлаб бўладими? Халқ ҳайратда, ғафлатда қолиш, аттанг, дея афсусланиш маъносида “бармоқни тишлаш” иборасини ижод этган. Ушбу жумлада эса ёзувчи “хузур-бахузур” сўзини қандай маънода қўллаганлиги тушунарсиз. Тилимизда шундай сўз бормикин ўзи: **“Жозеф камерадошининг тақир бошидаги ёзувни ўқиб бераётгандек ундан кўз узмай, яна хузур-бахузур тилга кирди...”** Йўқ, луғатларимизда ҳам, халқ тилида ҳам бундай сўзни учратмадик. Мутахассиски тушунмаса, оддий мухлис қандай тушунсин бу сўзни? Назаримизда, ёзувчи адашиб бу сўзни “зўр-базўр” сўзи ўрнига ишлатиб юборган.

Улуғбек Ҳамдам ўзига хос бадиий тасвир услубига эга бўлган катта ёзувчи сифатида шаклланган. Бироқ ёзувчиликда бадиий тил соҳасидаги изланишлар умрбод давом этса керак. Чунки навбатдаги асарда қўлланаётган ҳар жумла ва сўз ўзига хос бир янги бадиий тажрибадир. Ана шу маънода У. Ҳамдамнинг баъзи бадиий тил изланишлари мулоҳаза уйғотади. Бу унинг кўпроқ форсий сўз ва жумла тузилишларини қўллашида кўзга ташланади. Сўзни нотўғри қўллаш унинг маъносини аниқ билмасликдан келиб чиқади. Унинг “Ватан ҳақида кўшиқ” (“ЎзАС”, 2013, 15 февраль) ҳикоясида шундай жумла келади: **“Раҳматли онасининг айтишича, у киши Иккинчи жаҳон урушида, қонли жангларнинг бирида оёғининг остига келиб тушган бомбадан чил-парчин бўлиб ҳалок бўлган экан”**. Бу гапдаги “чилпарчин” сўзини ёзувчи жуфт сўз деб ўйлаган ва уни чизиқча билан ёзган. Аслида, у қўшма сўз ва қўшиб ёзилади. “Чилпарчин бўлмоқ” – “қирқ парчага бўлиниб кетмоқ” маъносини англатади. Ҳозирда бу маъно мавҳумлашиб, кенгайиб, сўз “йўқ бўлмоқ” умумий маъносини касб этган. Жумлада икки марта қўлланган “бўлмоқ” феълининг бирини таҳрирда бартараф этиш ва умуман, гапни янада ихчамроқ тузиш мумкин эди.

Яна бир жумлада “мўру малахдек” ибораси нотўғри қўлланган: **“Бир йилдир дош бериб турган дарвозалар қулайди-да, ёғий ичкарига мўри малахдек бостириб киради...”** Мазкур иборадаги “мўр” – чумоли, “малах” эса – чигиртканинг форсчаси. “Мўр” сўзи охиридаги “-и” – форсий изофа. Ушбу изофа қаратқич-қаралмиш муносабатларини ифодалаш учун ишлатилади. Шундан келиб чиқилса, “мўри малах” деганда, “чигиртканинг чумолиси” деган ғалати маъно англашилади. Ҳолбуки, ёзувчи ундай демоқчи эмас. Демак, иборани бу шаклда қўллаш ўринсиз. Иборанинг аслига тўғри шакли “мўру малах”, яъни “чумолию чигиртка” ёки “чумоли ва чигиртка”ни англатади. Чумоли ва чигирткаларнинг мавсумий тўда бўлиб кўчиши манзарасидан яратилган ушбу халқ ибораси асрлар мобайнида бадиий ва тарихий-бадиий асарларимизда асарларнинг ёпирилиб келишига ўшатма тарзида турғун сўз бирикмаси шаклида қўлланиб келган. “Турғун сўз бирикмаси” терминининг маъноси шуки, бундай бирикмаларнинг шакли доимий турғун ҳолатда сақланади. Агар унинг шакли ёки бирор ҳарфи ўзгартирилса, маъноси ҳам ўзгаради ва ижодкор халқ назарда тутган анъанавий маънони ифодалаёлмайди. Ҳозирги ижодкорларимиз шуни инобатга олишлари лозим.

Бошқа бир жумлада “пойи пиёда” ибораси нотўғри қўлланган: **“Юртнинг қамал қилинган бўлагини пою пиёда узоқ айланди”**. “Пойи пиёда” ҳам изофали бирикма. “Пой” сўзидан кейинги “-и” изофаси ўрнига “-ю” юктамаси ёзилса, “яёв” эмас, балки “оёқ ва яёв” деган ноўхшов маъно чиқиб қолади. Шунинг учун бу турғун сўз бирикмасини ҳам аслидагидек қўллаган маъқул.

Шунингдек, У.Ҳамдам услубида икки жумла орасида ва бир жумла ўртасида “-ки” грамматик белгисини ўринсиз қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди: **“Айтинг, шу чоққача фармонни мен бердим, энди бир гал сиз беринг. Ки, бу фармонга ватанимизнинг, сизларнинг, ҳаммамизнинг тақдиримиз боғлиқ!”** Шу ўринда иккинчи гапнинг “-ки” билан бошланиши ҳозирги ўзбек адабий тили жумла тузилиши андозаларига хос эмас. Агар “-ки” олдинги гап охирига боғланса-ю, икки гап бирлаштирилса, жумла тўғри шаклга келади. Майли, бу жумла ҳикоя қаҳрамони тилидан айтилган, қаҳрамон ўтмишга мансуб, тил – тарихий ҳам, дейлик. Бироқ муаллиф нутқи ҳам шундай ҳолдан холи эмас: **“Бунга ортиқ чидаб туриш мумкин эмасди, ки майдон ёв жангчиларидан сачраган қону уларнинг жасадларига тўлиб бораётган эди”**. Ёзувчининг бундай жумлалар тузилиши ўзига хос услубий изланиш. Бундай жумлалар бадиий ўқишда яхши жараанглайди. Лекин ёзма насрий-бадиий услуб талабларига тўғри келмайди.

Баъзан тажрибали ёзувчиларимиз ҳам камдан-кам қўлланадиган сўз-ибораларни

қаламга оладилар ва услубий нуқсонларга йўл қўядилар. Уларни муҳаррирлар ҳам тузатишга ожизлик қиладилар. Аҳмад Аъзамнинг “Автобус” (“ЎзАС”, 2013, 11 январь) ҳикоясида шундай ҳоллар бор: **“Ҳаммага меҳрибон – одамнинг нишхурти бўлмайди”**. Аввало, жумлада бир сўз етмайди, шунинг учун мазмун яққол тушунарли эмас. Гўёки, жумланинг биринчи қисми: “Яратган ҳаммага меҳрибон” бўлиб, “яратган” сўзи тушиб қолгандек. Жумлада “нишхўрд” сўзи тўғри қўлланмаган. Халқ тилида чорва ва парранда (от, қорамол, қўй, товуқ) охуридан чиққан чиқиндига “нишхўрд” дейилади. “Нишхўрд” форсий сўз бўлиб, у “ниш” (игна, тикандек нозик ва ингичка нарса) ва “хўрд” (“хўрдан” – “емоқ” феълнинг ўтган замон ўзаги) ўзақларидан тузилган. Сўзнинг иккинчи қисми “хурт” эмас, “хўрд” шаклида ёзилади. Ҳозирги имло луғатларимизда сўзнинг тўғри шакли мавжуд. Агар чорвага меъеридан ортиқ беда берилса, у беданинг гули ва барглари ейди-да, поясини нишхўрд (исроф) қилиб қолдиради. Агар чорва ва паррандага меъеридан ортиқ ем (арпа, буғдой ёки бошқа нарса) берилса ҳам, у еб тўйганидан қолган нарса нишхўрдга чиқади. Қисқаси, ёзувчи “ҳамма одам тенг” демоқчи бўлган. Аммо, ифода ўрнига тушмаган. Оқибатда, “одамнинг чиқиндиси бўлмайди” деган дағал маъно чиқиб қолган.

Халқчил тилда ёзишга ҳаракат қилиш – адабиёт тилини жўнлаштириш ёки жонли сўзлашув тилида ёзиш, дегани эмас. Бадиий тил ҳам адабий тилга асосланади. Адабий тилнинг нафислик хусусиятларидан озиқлангани учун ҳам бадиий адабиёт нафис санъат турига айланган. Бой ва беқиёс адабий тилимизнинг нафис қатламларидан ифода танлаб ишлатмаслик, адабий тил меъёрларига бепасанд муносабат бугун ёзувчи ҳамда журналистларимиз услубида урф бўлиб бормоқда.

Эркин Усмоновнинг “Ваъда” сарлавҳали (“ЎзАС”, 2013, 19 июль) ҳикоясидаги мана бу жумлага эътибор беринг: **“...асфалт заводга пул ташлаб бериладиган бўлишди”**. 1956 йилда қабул қилинган имло қоидалари ҳануз бекор қилинмаган экан, кирилл ёзувидаги нашрларда юмшатиш ва айириш белгиларини қўлламастикка ким изн берган? “Асфальт заводга” иборасидан асфальтдан қурилган завод тушунилади. “Асфальт ишлаб чиқарадиган завод” тушунилиши учун албатта “завод” сўзидан кейин “-и” эгалик қўшимчаси қўлланиши шарт. Эгалик қўшимчасини ўз ўрнида қўлламастик фақат Э. Усмоновнинг эмас, умуман, ҳозирги саводхонликнинг, матбуоту нашриёт саноатининг типик услубий хатосига айланди. Тўғри, жонли сўзлашув тилида “асфальт завод” деб кетилaveraди, лекин ёзма нутқда, айниқса, матбуот ва нашриёт матнларида эгалик қўшимчасини ўрнига қўйиш адабий-бадиий тилнинг оддий талаби.

Ёзувчи Отаулнинг “Дийдор” (“ЎзАС”, 2013, 1 сентябрь) ҳикоясида қуйидаги жумла учради: **“Меҳмонхона ходимининг бош устига энгашган қўйи шивирлаб айтган бу гапи Абдулҳамиднинг уйқусини дафъатан ўчирди”**. Бунда уйқуга нисбатан “ўчирмоқ” феъли ноўрин қўлланган. Одам уйқу чоғида табиатан ўчади. Шунинг учун “ўчмоқ”ни унинг маънан зидди бўлган “уйғонмоқ” маъносида ишлатиш мантиқсиз. Бундай ҳолатга нисбатан “ўчмоқ” ёки “қочмоқ” феълларини қўллаш тўғри бўлади. Дарвоқе, шу ҳикоя давомида ёзувчи “уйқум қочиб” иборасини икки марта ишлатган. **“Ота астойдил афсуснадомат чекиб бошлади”**. “Чекиб бошлади” – жонли сўзлашув тили ифодаси. Ёзма бадиий наср, хусусан, муаллиф нутқида “чека бошлади” бўлади-да.

Таниқли ёзувчи Лукмон Бўрихоннинг бадиий тили ҳам ҳали анчагина ишловталаб кўринади. Унинг “Тумор” (“ЎзАС”, 2013, 29 ноябрь) ҳикоясидан олинган мана бу жумла шу қадар мураккаб тузилганки, уни бемалол саккизта тўлақонли гапга ажратиш мумкин: **“Ўша муҳорабадан ўзи омон қайтмаган (1), бутун мамлакат буюк ҳукмдорга мотам тутган (2), Дуйғу бегим эса эрининг қурбон бўлганига ишонмай не-не аслзодалар юборган шилқим совчиларни рад этиб, охир-оқибат саройдан бош олиб чиқиб кетган (3), мамлакат сарҳадларида кўним топиб, шу жойда момолардан мерос ўша муқаддас туморни кўксига маҳкам босганича эрини гирёна кутган (4), шу алфозда ўн икки йил, умрининг сўнгги нафасигача овлоқ адирларда саросар кезиниб йўл қараган (5), жони чиқар пайти ҳам эрининг номини оҳиста пичирлаб, чеҳраси алланечук нурланиб, бутун вужудидан хушбўй ҳидлар таралиб турган (6), ривоятларга кўра, қавму қариндошлар, оқсочу хизматкорлар марҳума малика кўксига маҳкам тутган ўша муқаддас туморни уч кун урина-уринан аранг бармоқлари орасидан ажратиб олишган ва эъзозу эҳтиром ила пойтахтга жўнатишган (7), ўша жажжигина табаррук тумор султон саройининг энг бебаҳо мулки, илоҳий муҳаббатнинг тимсоли сифатида йиллар, асрлар буйи кўз қорачигидек сақланган экан (8)”**. Ушбу қулочга сиғмас жумла 127 сўздан таркиб топган. Бунча сўзни саккизта гапга тенг тақсимлаганимизда ҳам, ҳар бир гап 15 сўздан иборат бўлар экан. Ўшанда ҳам жумлалар содда бўлмас экан. Эҳтимол, ёзувчи ўзига хос услубини намойиш этиш учун шундай улкан жумла тузгандир, дея тахмин қилиш мақсаддан йироқдир. Чунки бадиий асар услубидан мақсад – мазмунни мухлисга

мумкин қадар тушунарли ва таъсирчан шаклда етказишдир. Бадиий жумла қанчалик ихчам ва содда бўлса, асар шунчалик ўқишли ҳамда ўқишли бўлади. Хусусан, ҳикоя тили шундай жумлаларни тақозо этади. Бу биргина мисол Лукмон Бўрихоннинг услуги жуда оғир, ҳикоялари зерикарли, деган маънони англатмайди. Биз юқоридагидай мураккаб жумла тузишдан сақланган маъқул демоқчимиз, холос. Қолаверса, худди шу ҳикоянинг ўзида ҳар бири бор-йўғи учтагина сўздан тузилган жумлалар ҳам борки, уларни ўқиб ҳузур қиласан, киши: **“Аэропорт ҳамишагидек гавжум”, “Юз-кўзига табассум қалқди”, “Юраги завқ-шавқдан ҳаприқди”**. Назаримизда, ҳикоя мана шундай ихчам жумлалар асосига қурилса, мароқли ва ўқишли чиқади.

Ҳикояда **“жунунваш тебраниб турар”, “жундор бармоқлар”** каби нотабиий иборалар ҳам учрайди. “Жунунваш” – сифат. Бинобарин, инсон сифатининг ўзи тебраниб туролмайди. Шу сифатнинг эгаси бўлган шахс тебраниб туриши мумкин. Демак, у шахс “жунунваш” эмас – “мажнунваш” бўлади. Инсон бармоқлари тукли, сертук бўлиши мумкин, аммо “жундор” бўлиши эҳтимолдан йироқ. Умуман, “жундор” сифати инсон бармоқлари тасвири учун муносиб ифода эмас.

Ҳали етарли адабий таъриба қозонмаган, ёш қалам эгаларининг ҳам бадиий тили ишлов ва таҳрирга муҳтож. Оқилжон Ғафуровнинг “Аёл ори” ҳикояси (“ЎзАС”, 2013, 6 сентябрь) ҳали сиёҳи қуримай, лоақал бирров бўлса-да устидан ишланмай чоп этилганга ўхшайди. **“Наҳотки одамлар шу қадар риёкор, мунофиқ бўлиб кетишмаса, а?”** Бу жумлада “-ма” инкор қўшимчаси мутлақо ўринсиз, ортиқча ишлатилган. **“Қадимахон афсуснамо бош чайқаб кўйди”**. “Афсусланганнамо” деса, тўғри бўларди. **“Оқибатхон, ўпка қилгандек, қошларини аразсимон чимириб кўйди”**. “Аразлагансимон” деса, тўғри бўларди. **“Қуллуқ бўлсин бағи энди! – деди пичингнамо кесатиб”**. Ахир, “пичинг”нинг ўзи “кесатиқ” дегани-ку! “Пичингнамо” деган сохта сўзга нима дейсиз?

**“Қадимахоннинг устидан мисоли бир челақ муздек сув тўнкарилгандек бўлди”**. Бир челақ сувни ағдарш мумкин. Лекин бу маънода “тўнкарилмоқ” феълни ишлатиб бўлмайди. Буш идишни тўнқариб қўйиш мумкин. Осонгинаси, “устидан бир челақ муздек сув қўйилгандек бўлди” десак, олам гулистон-ку!

**“Маҳалла-кўйда хокисор феъл, ҳақир бир аёл эди”**. Бу жумлада “ҳақир” сўзи ўрнига тушмаган. Негаки, “ҳақир” – таҳқирланган, ҳақоратланган деган маъноларни англатади. Тўғри, ўтмишдаги баъзи мумтоз адибларимиз “фақир ва ҳақир” сифатини ўзларига нисбатан, маломатия дунёқаршидан келиб чиқиб ишлатганлар. Замонавий адабиётимизда эса, одатда, ёзувчи тасвираётган инсонларга нисбатан, агар у эркак бўлса – мўмин, аёл бўлса – мўмина сифати қўлланади. **“Қизлари билан баҳарҳол дўппи тикди...”** Бунда форсий “баҳарҳол” сўзи ўринли қўлланмаган. У ўзбек тилига “ҳар ҳолда” ёки “ҳар қалай” деб таржима қилинади. “Қизлари билан “ҳар ҳолда” ёки “ҳар қалай” дўппи тикди” десак, мазмунли гап чиқмайди. Бадиий асар ҳар бир сўз мақсад билан ишлатилишини тақозо этади. **“Бахтига ўғли Қутлуғмурод ўтли-шудли, укувли чиқди”**. Ушбу жумлада “ўтли-шудли” – сунъий сўздир. Унинг асли “будли-шудли”дир. Мазкур жуфт сўз форсча “буд” – “бор эди” ва “шуд” – бўлди ўзакларидан ясалган. Бу жуфт сўз халқ тилида ўзига тўқ, бой, бисотли оила ва шахсларга нисбатан қўлланади. “Будли-шудли” сўзи эпчил, уддабурон, тадбиркор, салоҳиятли кишиларни ифодалашга ҳам хизмат қилади. Юқоридаги жумлага ҳам айнан шу сўз қўл келади. **“Пастаккина уйларни бузиб, киройи иморат солди”**. “Киройи” сўзи “арзийдиган”, “яхшигина”, “иморат дегулик” маъноларини ифодалашга қаратилган. Лекин у ҳозирги китобхон учун ёрқин маънони англатмайди. Нега энди унинг ўрнига аниқ ва ёрқин маъноли “кўркам” сўзини ишлатиш мумкин эмас? **“Юзи шувут оилада келин бўлиб яшашдан иснод қиламан”**. Бу жумлада “иснод” сўзи ноўрин қўлланган. Одам иснодда қолиши, нолойиқ оила ёки одамлар, ўзининг ғайриахлоқий ёки ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари унга иснод келтириши мумкин, бироқ унинг ўзи иснод қилолмайди. Мазкур жумлада “иснод” сўзи ўрнида “ор” сўзи узукка кўз қўйгандек мос тушади. Келин нолойиқ оила муҳитида яшашдан ор қилади. Ҳикоя қаҳрамони: **“Бир тутамгина гавдасини ҳали у ёнга, ҳали бу ёнга ташлаб, беҳуд бўлаверади”**. Инсон гавдасига нисбатан “бир тутам” иборасини қўллаш ҳам муваффақиятли ифода эмас. Халқ “бир тутам” деганда, қўл билан тутганда, қафтга сиғадиган даражадаги кичик ўлчамни назарда тутаяди. Кичик гавдани А.Орипов “Ушоққина одамман, жуссам отамдан ҳада”, дея жуда қойилмақом ифодалаган эди. Дарвоқе, шу ҳикоя охирироғида ҳам: **“Бурун дуркун эдингиз, ушоққина бўп қопсиз...”** деган табиий ифодага дуч келамиз.

Гулруҳ Ёрматованинг “Тиниқ момо” (“ЎзАС”, 2013, 7 декабрь) ҳикоясида шундай жумла бор: **“Юрагида кучли бир ҳаққириш билан Маҳмуд полвон ҳовлиқиб ташқарига чиқди”**. Унда луғат бойлигимиздаги “ҳаққириш” сўзи хато шаклда қўлланган. Бу нуқсон фақат Г. Ёрматова эмас, бошқа ёзувчилар услугида ҳам кўзга ташланади.

Ҳар бир ёзувчи бундай сўзларни ўз билганича ишлатаверса, ўзгартираверса, миллий тилимизнинг тиниқлиги ва нафосати зарар кўради. Назаримизда, ёзувчиларимиз фақат тил истеъмолчиси эмас, балки унинг бойликларини бутун гўзаллиги билан асраб-авайлаб, янада сайқал топтириб наслардан-наслларга етказувчи мухофиз бўлишлари лозим. Юқоридаги жумла тузилиши жиҳатидан ҳам тўғри эмас. Жумланинг шу тузилишида маъно урғуси маҳмуд полвонга тушиб турибди. Агар бошқа киши эмас, айнан Маҳмуд полвон ташқарига чиқишига урғу берилганида эди, бу жумла тузилиши тўғри бўларди. Ҳолбуки, ундай эмас. Урғу Маҳмуд полвоннинг ҳолат ва равишига берилган. Демак, жумла бундай тузилса, тўғри бўларди: **“Маҳмуд полвон юрагида кучли бир ҳаприқиш билан ҳовлиқиб ташқарига чиқди”**.

**“Тиниқ момонинг кўнгли хотиржам тортиди”**. Бу жумладаги “кўнгли хотиржамлиги” ибораси ғалати машҳурга айланиб кетди. Бундай хато яқинда урф бўлди. Аслида, “хотиржамлик”нинг ўзи яхлит, алоҳида тушунча бўлиб, у илгари “кўнгли хотиржамлиги” шаклида ишлатилмаган. Албатта, инсонда хотиржамлик бўлса, унинг кўнгли ҳам тинч-осойишта, кўнгли тинч-осойишта бўлса, хотири ҳам жам бўлади. Бу икки тушунча бир-бирига яқин ва боғлиқ бўлса-да, лекин кўнглида хотира бўлмайди. Адабиётимизда “кўнгли паришонлиги”, “дилжамлик” тушунчалари бор. Шундай образлар мумтоз шоирларимиз томонидан қўлланган. Масалан, Мунида **“Кўнгул паришондур букун”**, **“Шоир шўридага дилжамълик қайдин етар”** каби мисралар бор. Шу билан бирга, хотиржамлик тушунчаси ва ибораси кўнглидан алоҳида ҳолатда қўлланган. Буни Навоийнинг бир шоҳбайти мисолида кўришимиз мумкин:

**Хотирни жам айлай десанг, аввал хавотир дафъин эт,  
Кимда хавотир бўлмаса, осуда хотир бўлғуси.**

Хотиржамлик ҳаётда энг улуғ неъматлардан биридир. Хотиржамлик бор экан, илҳом ҳам, ижод ҳам, илм ҳам ривожланади. Инсонда куч-ғайрат, ҳаракатларида хайр-барака бўлади. Хотиржамлик бўлмаса, одамга ҳеч нарса татимайди. Халқимиз дуонинг аввалида “тинчлик-хотиржамликни берсин”, дейди. Навоий ҳам хотирни жам айлаш учун аввал хавотирни даф қилиш лозим, кимда хавотир бўлмаса, унинг хотираси тинч-осойишта бўлади, дейди. Яна бир ғазалида Навоий:

**Букун аҳли жаҳондин хастахотирмен, жаҳондин ҳам,  
Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам, –**

дея фарёд чекади. Бу байт жону жаҳону аҳли жаҳон шоирнинг кўнглига озор берганлигини, бу озорлар унинг хотирасига ўрнашиб, хастахотир этганлигини англатади. Кўряпсизми, кўнгли билан хотира ўзаро чамбарчас боғлиқ. Лекин “хотиржамлик” алоҳида тушунча.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, замонавий прозаикларимиз яратаётган асарларининг бадиий тили устида етарли ишламаяптилар. Улар ўзларида бадиий сўз масъулиятини ҳис қилиш туйғусини такомиллаштиришлари лозим. Фақат машқ ва маҳорат эмас, балки масъулият ва маҳорат тушунчалари ҳам эгизак. Масъулиятни сезиш маҳорат сари етакловчи омиллардан биридир. Юқоридагидек ҳар бир сўз ва ибора устидаги таҳлилни ёзувчига ким ўргатади? Ҳар бир ёзувчига бир сўзшунос устоз бириктириш мумкинми? Йўқ, бу амалий ижодий жараён ҳар бир қаламкашнинг ўз ақлий салоҳияти, истаги, интилиши, меҳнатсеварлигига боғлиқ. Таҳлил этилганидек ҳоллар бор экан, демак, ёзувчиларимиз халқ тилини яхши билмайдилар, кўп ёзишлари мумкин-ку, бироқ кам ўқийдилар. Биз баён этган бадиий тил сабоқлари, узоққа бориб ўтирмайлик, XX аср маҳоратли ўзбек адиблари бадиий тажрибасида мавжуд. Улар мутолаага муҳтож. Ёзувчи қанчалик кўпроқ халқ орасида бўлиб, унинг тил бойликлари сир-синоати ва нафосатини ўзлаштира, камроқ ёзиб, кўпроқ ўқиса, шундагина унинг бадиий тили ва маҳорати сайқал топади.



## БИР ДАРАХТИ НОВДАЛАРИ

### **Жиянбой ИЗБОСКАНОВ**

1948 йилда тугилган. Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. Унинг ўндан ортиқ шеъррий китоблари чоп этилган. Ўзбекистон халқ шоири.



## СЕН ТОНГ ЯНГИЛ КЕЛРСАН

\* \* \*

Бир лаҳза мен ўзимни  
Олма дарахти деб соғиндим,  
Мевалари шигил, бир жаҳон.

Кўз ҳам келиб қолди шу лаҳза,  
Аямасдан кампирқуёшни  
Ялтирар осмон.

Эй кузги шамоллар  
Кутаман, мен жовдираб кўзим  
Сизларни йллаб.

Тебрatingлар,  
Меваларим тўкилсин энди:  
“Тўп-тўп, тўпиллаб!”

\* \* \*

Сентябрнинг кенг далалари  
Тугилган юрт, шошилар кўёи.  
Қандайин бахт, энтикиши бари –  
Танда жигар, умрга эҳтиёж.

Қўнғир кузнинг шамоли эсиб,  
Оралайди тўлгин боғларни.  
Сирли тилда мен-ла тиллашиб,  
Алгов-далгов этар жонларни.

Писқиб турмуш энди тутундай,  
Ҳайбатланар жаҳлим ҳам шунда.  
Эҳ, лирага сўзсиз, бутунлай  
Айланаман шу туришимда.

Сулув пайти япроқ-хатларнинг  
Шингирлаган сентябрим, сен.  
Умримдаги олтин пайтларнинг  
Билсам, зўр мазмуни экансен.

Тугилган юрт, кенг далаларинг  
Сентябрга бўлмоқчими тож?  
Қандайин бахт, энтикиши бари –  
Танда жисгар, умрга эҳтиёж.

\* \* \*

Кузги хаёл...  
О-ҳо, у қандай  
Алвон нурли ҳисларга тўла?!  
Саҳардаги сирли нурлардай  
Хаёл суриб ётар қуш йўли.

Тунги осмон нур сочар такрор,  
Шунда, анов шўх юлдузларнинг  
Ёниб, сачраб туришлари бор,  
Хуркак назаридай қушларнинг.

Кўз ололмай қараб ётарсан,  
Ишққа видо айтаётгандай.  
Хаёл уммониға ботарсан,  
Тебратиши унинг, о, қандай?!

Елнинг мени кузги шамоллар,  
Дил ғамига марҳабо айтинг.  
Ҳам хуш бўлинг, шугъали тонглар,  
Хуш бўл, менинг ширали пайтим.

\* \* \*

Олмаларга ўхшар ўйларим...  
Шира тўлиб, гарқ нишган чоғда,  
Сентябрда – ул тўкин богда  
Шамол силкиб, тўқади барин.

Тўкилади бирдайин бари,  
Ғарқ беланиб ширага, нурга.  
Қийқувлашиб гозлар ва турна –  
Қайтиб борар мавсум қушлари.

Куз. Жилдирар кўнги сойларим,  
Бутоқларда бир мева қолмас.  
Ё кўклайин, узишга бўлмас  
Олмаларга ўхшаш ўйларим.

\* \* \*

Сентябрнинг сўнги...  
Салқин шамоллар  
Кўнги торларини чертиб қочмайди.  
Очилмасдан туриб туманли тонглар  
Маржон томчиларин тиза бошлайди.

Ўзгарувчан учқунидай олмоснинг  
Йилтиллашиб турар қуёш нурлари.  
Кўкраги сўқирлар ўтганин ёзнинг  
Таниш манзара деб ўйлар йилдаги.

Бироқ фарқи бордир таний билганга,  
Асло йилдагидай эмас кўчалар.  
Ўзга дунёларни кездимми гангиб,  
Ерга япроқ эмас, соғинч тўшалар.

### Куз куйи (Триптих)

#### I

Умид – эртанги тонг.  
Куз ёмғири –  
Кузнинг раёи бу –  
Юпатгиси келиб кўнглим овлаган.

Сен тонг янглиғ келарсан.  
Шунда  
Ботар олдада қуёшнинг  
Бўзгилт шафағи –  
Кўзим ёши, кулги аралаш...

#### II

Сен келарсан... Сезимда  
Санглар пайдо бўлади.  
Интиқ кўкрак, кўзимда  
Чўллар пайдо бўлади.

Оҳ, овозинг! Мўлтиллаб  
Тингласам мен мўл тинглаб,  
Қувончим тўлқинланиб  
Кўллар пайдо бўлади.

Сен кетарсан – афсус, бул,  
Илож йўқ! “Қол!” десам бир.  
Қалбимнинг осмонида  
Селлар пайдо бўлади.


#### III

Тебранишлар ёқиб туриб,  
Не ташибеҳлар топмасам,  
Кўнглимни булоқ қилиб,  
Ким оқар, мен оқмасам?

Сенсиз пайтлар ўтар эди,  
Соғинч сийнам сўтар эди,  
Кўкрагимга нетар эди –  
Озор бўлиб ботмасанг?

Бул уммонда сузган сайин  
Шеър маржонин тизган шоир,  
Чиқмас эди биздан шоир,  
Бул азобга чатмасанг.

**Қорақалпоқ тилидан  
Музаффар АХМАД  
таржимаси**



## САНЪАТШУНОСЛИК

### Ҳамидулла АКБАРОВ

*1936 йилда тугилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Филология фанлари доктори, профессор. “Кино ва адабиёт”, “Кино санъати тарихи” каби 10 га яқин монография, ўқув қўлланма ва мингдан зиёд мақолалар муаллифи.*



## АДИБ ТАФАККУРИ, АКТЁР ТАЛҚИНИ

### (ёзувчи ва ижрочи ҳамкорлиги масалалари)

Ижрочилик санъати ҳамда ёзувчи фаолияти бир-бирига ўхшаш кўринади. Актёр ҳам, адиб ҳам қаҳрамонини, у истиқомат қиладиган медиамухитни тасаввур этади, персонажнинг ҳар бир дақиқадаги ҳаётини ҳамда унга жўр бўладиган жисмоний ҳаракатини “кузатиб боради”, ўйлари ҳамда талаффуз этаётган сўзлари бири иккинчисини ифодалашини ёхуд улар бир-бирига зид бўлиши сабабларини ифода этади. Ифода воситалари фарқ қилади: бири, ёзилган сўз билан, иккинчиси, айтиладиган сўз, руҳий ҳолат тақозоси билан қўлланиладиган хатти-ҳаракат, имо-ишора, ички кечинмаларни таърифлашга ёрдам берадиган лирик-психологик портретлар кўмагида бадий-эстетик вазифаларни бажаради. Ранг, мусиқа садоларини ифодалаш, мизансаҳнани қуриш, қаҳрамонни турли маконда ва замонда таърифлаш имкониятларидан фойдаланадиган, ҳатто қаҳрамоннинг ҳид сезиш қобилиятини ҳисобга оладиган адиб ягона куроли – бадий сўзни коммуникация ҳамда эстетик вазифаларни бажаришга қаратади. Бу курол – қудратли. Таъсир кучи бекиёс. Ғоянинг вербал ифодасини таъминлашда тақрибийлик эмас, муайянлик талаблари устун туради. Шу боис бастакор ёзаётган мусиқалари бадий сўз каби аниқ бўлишини, тарона муаллифининг фикри-зикри, ҳаяжони, эзгу ниятини аниқ ифодалайдиган ёзилган сўздек “нишонга тегишини” орзу қилади. Ёзувчи эса танлаган, оқ қоғозга нақл этган сўз, иборалар мусикадек тингловчига бевосита таъсир этишини, юракка дарҳол озик беришини орзу қилади. Актёр ўз фаолиятида адиб тасаввуридаги тасвирдан келиб чиқади. Лекин пьеса ёки сценарийнинг ўзгариб борадиган кўринишларидан ёхуд машхур китобдан илҳом оладиган актёр тасаввурида персонаж оригиналдан бирмунча фарқ қилиши мумкин. Бундай мулоҳазани китобхоннинг бадий тасаввури ҳақида ҳам айтиши мумкин. Ҳар бир муштарийнинг ўз Кумуши, Отабеги, Анвар ва Раъноси бор. Улар туб моҳияти билан Қодирий яратган персонажларга яқин бўлса-да, китобдагидан бирмунча фарқ қилиши мутолаа қиладиганларнинг ёши, эстетик тайёргарлиги, “персонажларга бўлган муносабати”, адабиёт маҳсулотини қабул қилиш психологиясига боғлиқ.

Актёр – муаллиф – режиссёр мулоқотида драматик ҳолатлар рўй беришининг

сабабларидан бири шундамикан? Ойдин Норбоева “Виждон амри билан” фильмида бош қахрамон – қишлоқда яшайдиган ўзбек аёли замонавий модага биноан тикилган оппоқ пальтода юриши кўркем кўринса-да, ўша давр қишлоқ ҳаётига зид, деб билган. Бундай тантанали, барчани диққатини тортадиган либос, адабий сценарийда, режиссёр экспликациясида қайд этилишига қарамай, актриса рози бўлмаган. Унинг тасаввуридаги ўзбек қизи архитектор бўлса-да, қишлоғида ўзгача кийимда юришини тасаввур этган.<sup>1</sup> Раҳим Пирмухамедов “Улуғбек юлдузи” фильмида ошпаз ролини ўйнаши дамларида сценарий матнига ўзгартириш киритишни таклиф этган. Режиссёр Латиф Файзиев: “Улуғбек ва Хўжа Аҳрор ўртасида баҳс кетаётган дамда сиз кадрга кириб келасиз-да, شوҳ ва олимга мурожаат этиб сўз айтасиз”, деб талаб этди. Мен эътироз билдирдим. Икки буюк алломани суҳбати, мунозарасига оддий ошпаз фавқуллода суқилиб киришини тасаввур этасизми, деб хайрон бўлдим. Билишимча, режиссёр шу йўл билан баҳсни бўлмоқчи, тугатмоқчи бўлган. Сценарийни ўқиганимда, бу вазиятни ўзгача тасаввур этган эдим. Режиссёрни кўндириш осон бўлмади.<sup>2</sup>

Кейинчалик ўзи ҳам сценарий ёзган ва уни режиссёр ҳамда бош роль ижроچиси сифатида экранга олиб чиқмоқчи бўлган<sup>3</sup> актёр кинода яратган деярли барча образларини адиб сифатида тўлдирган, сўнгра ижро этган. Зарур бўлганда сценарий муаллифлари эмас, кинематографик ижоддан йироқ бўлган ёзувчиларга мурожаат этиб матни тўлдирган, талқин йўллариини бойитган. Актёр ўша дамларни эслаб айрим тафсилотларни айтган эди: “Абулхайр образи “Абу Али ибн Сино” фильмининг бош қахрамонига қарши қўйилган эди. Бу зўраки табиб зўраки “дуо” ўқиб беморни даволамоқчи бўлиши, дард оғирлашуви, фожиага сабаб бўлишини кўрсатиш С.Улуғзоданинг сценарийсида айтиб ўтилган эди. Кинода, биласиз, воқеа тафсилотлари ҳамда уларга бўлган муносабатлар кўрсатилиши, эшиттирилиши талаб этилади. Бу эпизодда дуо қандай ўқилиши, уни матни мазмуни, жумлалар тузилиши, қандай “сеҳрли” сўзларга урғу берилиши таърифланмаган. Табиб қандай либосда бўлиши, ҳаракатида маъно бўлмаслиги, портретда сунъийлик, шубҳа аломатлари кўзга ташланишини кўрсатишим лозимлигини англадим, шу йўлда изланиш давом этди. Лекин ҳаракатимни тўлдирадиган, талаффузда жаранглаб турадиган, аслида эса бирорта маънога эга бўлмаган, бири иккинчиси билан боғланмайдиган сўзларни кўп изладим. Бир-икки сўз (масалан, “зарбулбул...”) топдим, холос. Шунда Ғафур Ғулумнинг Арпаоядаги уйига бордим. Дардимни айтдим. Биргалашиб тушуниб бўлмайдиган, лекин жарангдор сўзлар йиғиндисини араб алифбосига биноан қоғозга туширдик. Миннатдорчилик билдириб, ўша адабиёт, тил қонуниятларига мутлақо жавоб бермайдиган, лекин зўраки табибга таъриф берадиган дабдабали сўзлар, жимжимали жумлаларни ёдлашга киришдим. Эртасига, суратга олиш майдончасида гримдан олдин режиссёр К.Ёрматовга ёдаки айтиб берган тутуриқсиз сўзлар маъқул бўлди. Айтиш оҳанги кулги уйғотди. Режиссёр тўла эркинлик берди. Тасмани аямади. Бемор атрофида айланган ҳолда уни даволагандек бўлдим-да, менга – зўраки табибга аталган кўзичоқни етаклаганча хонадонни тарк этдим... Воқеани кулгили давомини эшитинг. Шу – “Абу Али ибн Сино” фильмининг Москвада рус тилига дубляж қилмоқчи бўлишганида, ҳалиги “матни” ҳеч тушуна олмай, унинг маъносини англай олмай менга телеграмма беришди. Воқеадан воқиф бўлган ҳамкасбларим ўша эпизоддаги бирорта сўзни ўзгартирмасдан, аниқроғи, уни таржима қила олмасдан айнан қолдиришдан бошқа илож топа олмадилар. Энди асарнинг ўзбек тилидаги нусхасида ҳам, рус тилидаги нусхасида ҳам менинг овозим, Ғафур ака билан топган, “ихтиро” қилган сўзлар янграб туради”.<sup>4</sup>

Ижодини театрда, сахна драматургиясини ўзлаштиришдан бошлаган бу актёр кинога келганида, аксарият ҳолда унинг ёнида катта адабиётда тажриба орттирган Собир Абдулла ва Уйғун, Иззат Султонов ва Виктор Шкловский, Мақсуд Шайхзода ва Лола Сайфулина бўлган. Абдулла Қодирийнинг “Утган кунлар” романини экранлаштириш даврида ёзувчидан психологик ҳолатларни ижро воситалари ила кўрсатишни ўрганган. “Насриддин саргузаштлари”, “Насриддин Бухорода” комедиялари сценарийлари ёзилиши, образлари устида ишлаши жараёнида фаол иштирок этган Р.Пирмухамедов бу фильмлардан кейин ёқимли юморга, ўткир сатираларга бой бўлган кино тасмаларида

<sup>1</sup> Актриса Ойдин Норбоева билан 1972 йил 24 февралда бўлган суҳбатдан. Суҳбат матни муаллифда сақланади.

<sup>2</sup> Актёр Раҳим Пирмухамедов билан бўлган суҳбатдан. Мазкур эпизод Раҳим аканинг таклифи билан қуйидагича суратга олинган ва фильмга киритилган. Икки тарихий шахс мунозарасини ошпаз фавқуллода пайдо бўлиши, лўкма ташлаши билан бузмайди. Фикрлар, ғазабнок чехралар тўкнашаётган дамларда пайдо бўлган кадр ортида ошпазнинг аксирини эшитилиб қолади, бахслашаётган эмас, бир дам сукут клакшини афзал кўрганлар ялт этиб шовкин келган томонга қарайдилар, шунда ошпаз узра сўрайди...

<sup>3</sup> Актёр Р.Пирмухамедов ёзган сценарий (“Қураш”) нинг бир нусхаси бизда сақланади.

<sup>4</sup> Раҳим Пирмухамедов билан бўлган суҳбатдан. Суҳбат матни муаллифда сақланади.



(“Фаргона қизи”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Икки дил достони”, “Улуғбек юлдузи” каби турли жанрларда яратилган асарларни эсланг) ҳажвий роллар устаси сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Ижро техникасини мутассил такомиллаштириб борган, роль танлашда ҳаммиша талабчан бўлган бу актёр яратмоқчи бўлган образи, аввало, адабий жиҳатдан пухта ёзилишини талаб этган. Бу хусусиятни, бундай талаб қўйилишини бир қатор бошқа актёрлар фаолиятида ҳам кўрамиз. Раҳим аканинг улардан фарқи шундаки, у сценарий муаллифи билангина эмас, умуман, катта адабиётга, унинг йирик вакиллари ижодига ҳаммиша меҳр қўйиб келган. Кузатиш, мутолаа қилиш билан чекланмаган. Катта кино хизматида бўлмаган, лекин назм ва наср сирларини ўзлаштирганлар билан узвий алоқада бўлишга интиланган. Яна бир хусусият – роль устида актёр сифатидагина эмас, маълум жиҳатдан адиб, қалам тебратиш қобилиятига эга бўлган шахс сифатида ҳам кунт билан ишлаган. Сценарийда ёзилган матнни айнан ўзлаштирмаган. Кино техникаси, айниқса, йирик плани, қахрамоннинг замир фикрларини ҳам ифода эта олишини назарда тутиб



ишлаган бу актёр талаффуз этиладиган сўз, ибора, жумлалар устида жиддий тер тўккан. У таҳрир қилган, ўзгартириш киритган роллар эпизодик кўринишга эга бўлганида ҳам томошабин ёдида қолганини “Алишер Навоий”даги ошпаз Абдулмалик, кинотеатрнинг поражўр назоратчиси (“Сен етим эмассан”) мисолида ҳам кўриш мумкин.<sup>5</sup>

Раҳим аканинг хонадонларида, томошабинлар ҳузуринида, студияда бирга бўлиб, баъзан қизгин суҳбат қуриб, баъзан кундалик ташвишлари билан танишиб, айниқса, жўшқин фаолиятнинг янги қирраларини кашф қилиб бир фикрга келардим: у кишида кинодаги ижодни адабиёт билан боғлаган санъаткор эволюцияси кўзга ташланар экан.

Актёр Пирмухамедов ролларни адабий жиҳатдан қиёмига етказиш билан бирга, ўзи ҳам сценарий ёзди. Адиблар унинг доимий суҳбатдоши, ҳамроҳи, вақти келганида, устози ҳам бўлди. Бу жараён унинг бадиий бисоти бойишига, тасаввурига эрк бериб виртуал тарзда мизансаҳналар, мизанкадрлар тузишга, кадрларни ўзаро улашга, хаёлидаги партнёр (шерик актёр) билан мулоқотда бўлишида муҳим роль ўйнади. Раҳим ака билан сўнгги учрашувлардан бирида тўшақда ётган ҳолда қуриган лабларини зўр-базўр қимирлатиб айтган сўзлари ҳали ҳам қулоғимда жаранглаб тургандек. “Баҳорни орзиқиб кутяпман. Соғайиб кетсам, ётган жойимда тайёрлаб қўйган ролларимни ўйнардим!? Қандай одим ташлайман, нигоҳимда қандай ҳолат акс этиши керак? Қаерда пауза бўлади-ю, унда қандай юк бўлади? Жумлада қайси сўзга урғу бераман? Сўзимни қандай ҳаракат билан тасдиқлаб тураман? Партнёрга қандай нигоҳ ташлайман? Мулоқот дамлари қандай ўтади? Шунчаки енгил гап биланми ёки кайфият ўзариб, вазият кескинлашиб борадимми

<sup>5</sup> Бир гал актёрдан “Сиз ҳам шаҳар кинотеатрига бориб фильмларни кўрасизми?” деб сўраганимда жавоб олган эдим: “Яқинда келиноийнгиз билан “Сен етим эмассан”ни кўришга борган эдик. Мени қахрамоним ёш боладан пора олиб томоша залига қўйиб юборганини кўрган бир томошабин шаънимга тегадиган гапларни айтди. Умр ҳамроҳим “Эртая кеч студияда, шаҳар кезиб юрасиз. Оқибат шуми, шаънингизга айтилган гапни эшитингизми? – деб мени койгандек бўлди. Аслида, ўша аччиқ сўзлар мени шаънимга эмас, поражўрчи шаънига айтилган эди” деб жавоб берилган эди.

– буларнинг барчасини кадрма-кадр ўйлаб қўйдим. Ўйлаган кадрларим суратга олинса, монтаж қилинса, қайта ёзилган сўз, атайлаб басталанган мусиқа билан бойитилса” – деб ширин ниятларини айтган эдилар.

Бу қайғули дамларни эслаганимда, кўзимда ёш айланади, уста санъаткорга меҳрим ортади. Айни ҳолда, ўша армонли кунларда ҳам актёр ҳаракат, кўзилгайдиган кўринишлар, қулоқ эшитадиган овоз воситалар билан эмас, адиб устахонасида ҳукм сурадиган илҳомбахш муҳитда мушоҳада қилганидан воқиф бўлганимдан мамнун бўламан. Актёр қайси ролларни назарда тутиб аста сўзлаганини, қайси актёрларни партнёр сифатида тасаввур этганини, ҳаёлидаги мизанкадрнинг мазмуни (эҳтимол, фалсафаси) нимада эканлигини айтмаган эдилар. Камина ҳам бетоб суҳбатдошини толиқтириб қўйишни истамай савол беришдан ўзини тийиб турган дамлар эди. Лекин камера олдида шиддатли дамларни бошидан кечирган актёр бу гал эҳтиросли сўз, кескин ҳаракат, ўткир нигоҳ билан эмас, майин оҳангда ижод қайнаган кунларни соғинганини, тўшаққа ипсиз боғланиб қолганидан ҳам ҳаёлан ўз қаҳрамонларини – ҳали гавдалантирмаган қаҳрамонларини тасаввур этиб, ҳозирча кўз илғамас кадрларда тасвирлашга уринганини адиб ижоди, унинг устахонасида ҳукм сурадиган муҳит билан қиёс қилдим. Актёр ижод этган муҳит ёзувчи ижод этадиган муҳитни айнан эслатди. Тафовут шундаки, адиб тасаввуридаги тасвирни, овозни, ҳатто ҳидни ўз психологиясидан, персонажларга бўлган муносабатидан келиб чиқиб қоғозда ифодалайди. Уни ўқиган субъект ўз психологиясидан, эстетик тайёргарлигидан, сўз ила таърифланган қаҳрамоннинг ўйлари, ниятлари, ички дунёсига бўлган муносабатидан келиб чиқиб тасаввурида тасвир яратади. Таъкидлаш жоиз: бу икки жараён – ёзиш жараёни ва шу аснода пайдо бўлган маҳсулотни қабул қилиш жараёни бир-биридан фарқ қилганидек, икки тасвир – китобдаги ва китобхон тасаввуридаги тасвир ҳам бири иккинчисидан фарқ қилиши мумкин. Актёр ўз тасаввуридаги тасвирни – ҳолатни, қаҳрамон нигоҳи ила таърифланган манзарани, руҳий кечинмаларни айнан гавдалантиради, бинобарин, томошабин, тингловчи ҳам мазкур кўринишни шаклланиб бўлган ҳолда кўради, айнан шу ҳолда қабул қилади. Фақат қаҳрамон тасаввуридан ўтган ва экранда кўрсатилган мажозий ифодалар бундан истисно.

Бўлиб ўтган ва сабоқ олса арзийдиган бир воқеа тафсилотларини Раҳим Пирмуҳамедов ва наср устаси Мирзакалон Исмоилий таърифида тинглаганман. Мавзуга алоқадор бир воқеанинг тафсилотларини – актёр Раҳим Пирмуҳамедов ҳамда адиб Мирзакалон Исмоилийдан эшитганман. Ҳикоянависнинг бири, афсус-надомат билан, иккинчиси, завқ-шавқ билан мушоҳада қилган, гоҳ ҳайратомуз бир ҳолатда, гоҳ гўё орзу қанотида парвоз қилаётган, ижод нашидасига тўлиб-тошган дамлардан баҳраманд бўлаётган шахс сифатида мулоҳаза қилган эди.

Томошабинлар билан бўладиган учрашувларда Раҳим акага кўп ҳамроҳ бўлганман. Бир гал Тошкент вилоятидаги қишлоқнинг таклифи билан йўлга тушдик. Актёрлар, режиссёрлар йиғилгунга қадар анча вақт ўтган, бунинг устига, киностудиянинг бизга ажратилган автобуси кечикиб келгани боис жазирама иссиқда барча толиққан, тамадди қилишни истаб қолган вақт эди. Шунда олдинги ўриндидан жой олган Раҳим ака халтачаларидан олма, тухум, бутерброд чиқаздилар-да “олинглар, олинглар!” деб ўзларини меҳмон қила бошладилар. Атрофга сукут тушди. Вазиятни юмшатмоқчи бўлиб ҳазил тариқасида савол бердим: “Нонуштангизни олиб юрасизми?” “Маҳаллада дув-дув гап” фильмидаги қаҳрамонингиз Арслон мечкайни эсладим, Раҳим ака”. Суҳбатдошим саволимни кутиб тургандек дарҳол жавоб бердилар:

– Озгина сабр қилинг. Бизни меҳмон қилишади. Сизнинг олдингизга бир коса, мени олдимга қаторлаштириб уч-тўрт коса овқат қўйишади. Кетидан сизга бир сих, менга тўрт-беш қўшалок кабоб беришади. Аслида, мен парҳез таомдаман. Икки бурда нон, ёнғоқми, майизми, бир тишлам гўштми олиб учрашувларга кетаман, – деб Раҳим ака бутербродга ишора қилдилар. Термосдан чой қуйдилар. Мени ҳам сийладилар. Қуйиб берган чойлари жуда хушбўй, тиниқ кўк рангда эканлигини мақтаган эдим, мезбон Хитойнинг “95” рақами билан чиқадиган кўк чойини мақтовини келтирдилар. “Узи мазали. Қон босимини пасайтиради. Фақат шу чойни истайману, кўп излайман. Уйдагилар топиб беришади. Барака топишсин. Улардан рози, миннатдорман. “Фарғона тонг отгунча” романини ёзган зўр ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг ўйларига борганимда ҳам шу кўк чой ҳақида гап кетган эди. Дарвоқе, сиз кўрсатув олиб борасиз, китоб ёзасиз – бўлиб ўтган воқеани айтиб берай, мендан кейин айтиб юрасиз. Роль кутиб, сценарий излаб, режиссёрлар билан даҳанаки жанг қилиб юрганимни билиб қўйинг. Бошқаларга ҳам маълум эдинг. Актёрнинг ҳаёти фақат байрамлардан, ижодий учрашувлардан, ўйин-кулгидан иборат эмас. Айниқса, ҳозирги режиссёрлардан ҳайронман. Актёр нималарга қодирлигини билмай “синаб кўришни” одат қилишган. Мени нега синашади?! Наби Ғаниев: “Мана бу роль сизники, тайёргарлигингизни кўраверинг”, дерди. Тамом. Комил ишонч билан ўзимни ҳам

тайёрлардим, ролга ажратилган матнни ҳам. Хунобим чиқиб, ўзим сценарий ёзишга киришдим. Ўзим бош ролни ўйнаб, ўзим режиссёрлик қилмоқчи бўлдим. Уйимизга яна бир келганингизда ўша сценарийни кўрсатаман. Бир нусхасини сизга совға қиламан. Эвазига ёзилган рисолагизни тезроқ чоп этиб, ҳаёда этарсиз (Ҳ.А.: шундай бўлди ҳам).

Сценарийни ҳали-ҳануз фильм қилолмайдим: рухсат беришмайди. Биласиз, рухсатни Москва беради. Кўпроқ бермайди. Ўзларини доимий авторлари бор. Ўшалар кўрсатма олиб, юртимизга оз фурсатга келиб сценарий “ясаб”, катта пул олиб кетишади. Мен хуржун кўтариб Москвага бормайман, ижозат сўрамайман. Илтимос ҳам қилмайман”, – деб Раҳим ака бироз сукут сақладилар. Ҳазабнок бир ҳолатни енгмоқ истаги бўлса керак, автобус ойнаси ортидан бирин-кетин ўтаётган манзарага қараб қолдилар. “Қаранг, мана бу боғу роғларни, ҳайқириб оқаётган зилол сув, сарвқомат теракларни. Биласизми, ҳамшиша баландликка интиладиган бу дарахт барглларини жуда-жуда аяб, аста ерга тўкади. Заминга тўшак солинишини истайди. Баҳор келиб, авжига чиқиб, кунлар кизиш арафасида ҳам сарғая бошлаган барглларини тўкмай юксакликдаги шох-шаббаларида, пастроқдаги янги ниш урган наваларида сақлаб туради. “Қор ёғса эди, заминни қопласа эди. Кўрпадек юмшоқ ерга барглларимни тўкар эдим”, деб кутиб туради. Деҳқонлар теракни ялтираб турадиган барглларига хавотирланиб назар ташлашларига сабаб шу. Эккан экинни совуқ уриб кетишидан хавфсирайдилар-да. Бундай ўлкани бир зум бўлса ҳам тарк этгим келмайди...”

Гапни Мирза акага (М.Исмоилийга яқинлари шундай мурожаат этишларини эшитган эдим) бурмоқчи бўлдим: Раҳим ака “Тоҳир ва Зуҳра” фильмига биринчи мақтов сўзларини Мирза ака айтганларини биласизми?

– Бу ёзувчини урушнинг дастлабки кунлари Шайхонтоҳурда студияда бир-икки кўрган эдим. У Н.Ғаниев режиссёрлик қилган “Биз енгамиз” фильми сценарийсини бир шерик автор билан бирга ёзганини биламан. Кейин кўринмай қолди. Фронтга жўнатилган, деб эшитдим. Жангу жадалдан омон қайтанидан хурсандман, – жавоб берди узоқ йўлда бироз толиққан ҳамроҳим. У беҳабар қолган воқеани тафсилотларини келтирмай айтиб бердим.

– Сиз қатнашган “Тоҳир ва Зуҳра”ни Мирза ака Берлинда 1945 йилда кўрганлар. Вайрон бўлган шаҳардаги шикаст етмаган бир кинотеатр биносида фильми кўриб, ҳайратга келиб, томошабинларга “Наби Ғанизода мени дўстим, Юлдузхонни ҳам биламан – Муҳиддин Қориёкубовнинг жияни, Собир Абдуллани ҳам – у менинг ҳамкасбим, юртимизни, унинг кўркама, қобилияти зўр кишиларини, билиб қўйинглар!” – деб хитоб қилган. Кўпчилик унинг юрти яратган асарни олқишлаган.

– Яхши айтдингиз. Эшитмаган эдим. Уч-тўрт йил бўлди уларига борган эдим. Шунда ҳам айтмабдилар-да. Буни қаранг-а, ёзувчи шундай воқеани кўрган, ўзи иштирок этган бўлса-да, таассуротини ёзмаса...

– Ёзганлар.

– Қаерда? Нега билмайман!

– Шахсий мактубда.

– Маҳбубаларига йўллаганларми ишқ дафтари саҳифаларини?!

– Йўқ. Ҳамкасб дўстларига – Собир Абдуллага.

– Олмадингизми ўша хатни? Сиз китоб ёзасиз-ку, кино ҳақида.

– Хонадонларига бордим. “Қозоғистон” кинотеатрининг рўпарасида, катта кўчанинг нариги бетида экан уйлари. Мирза ака Берлиндан хат йўллагани, уни мазмуни ҳақида сўзлаб бердилар. Шахсий архивларидан бироз изладилар. Кейин топиб бераман, деб мен билан уйдан чиқдилар. Йўлда бироз гаплашдик. Шунда “Тоҳир ва Зуҳра” сценарийсини ёзилиши жараёнини ёзиб беринг, деб илтимос қилдим. Кўндилар. Ваъдаларини бажардилар ҳам. Хотира саҳифаларининг бир нусхаси менда сақланади.

Сўхбатимиз шу ерга етиб келганида, бир томонда қовун полиз, иккинчи томонда бир ариқ сув оқаётган файзли шийпон ёнида автобус тўхтади. Шийпонга қишлоқ аҳли йиғилган. Автобусни ўраб олишди. Бизни, айниқса, машҳур ва барчага манзур актёр Раҳим акани оломон ичидан авайлаб ичкарига олиб кирдилар. Кичкинагина, илиқина бир хона шинам ясалган. Девоқларга плакатлар, шиорлар ёпиштирилган. Мева, асал, жийда, туршак, ширмойи нонга тўла стол атрофида фотиҳа ўқилди. Раҳим ака менга мурожаат қилиб: чойни сиз қўйинг, гап бор, деб қўйдилар. Аччиқина дамланган чойни жажжигина пиёлани тагида қўйиб бердим.

– Қайтаринг, – норози бўлиб пиёлани қайтариб бердилар. Қайтардим-да, дарҳол чойни ҳалиги пиёлага қўйиб бердим. Олмадилар:

– Чойингиз лой бўлди. Яна қайтаринг. Бироз сабр қилинг. Тинсин. Кейин қуясиз.

Шундай қилдим. Қайтариб, бироз сабр қилиб қўйдим. Яна олмадилар.

– Энди чой бўлди. Май бўлиши учун яна бир карра қайтаринг. Пиёлани баланд кўтариб қайтаринг! Чой кўпиради. Сўнгра чойнакнинг қопқоғини ёпиб қирқ-қирқ бешга-ча сананг-да, аста энгаштириб пиёлаларга май қўйинг!

Шундай қилдим. Раҳим ака чойни хўшлаб гапни қолган жойидан бошлаган эдилар хиз-

матдаги дастёрлар шўрвага лиқ тўла тўрт косани Раҳим аканинг олдиларига қўйдилар. Кетма-кет чамаси ўн сих кабоб, тўртта иссиқ кулча, тўрт хурмачада қатиқ ола келдилар. Камина ҳам четда қолмади: “Маҳаллада дув-дув гап”дагидек ярим коса шўрва, битта кабоб, яримта кулча, лекин катта сопол чойнақда чой келтирдилар. Бундай манзарани Раҳим ака, чамаси, кўп кўрганлар. Эътироз ҳам билдирмадилар. Ҳайрон ҳам бўлмадилар. Қаҳқаҳа уриб кулдилар, ёнларидаги бутербродни ёғли шўрва хушбўй, иштаҳани очадиган ҳид таратиб турган кабоблар ёнига қўйдилар-да, менга қараб:

– Ҳали нима деган эдим, кўрдингизми? Мечкай эмасман. Камовқатман, парҳездаман десам, ҳеч ким ишонмайди. Аксинча, ҳазиллашиб “Овқатдан кейин бироз тин олишингизни биламиз. Жой тайёрлаб қўйганмиз”, деб ҳалиги “Маҳаллада дув-дув гап”да мени анҳор бўйида елпиниб ётишимни, хуррак отиб ухлашимни эслатишади.

Хуллас, чой ичилди. Қўша-қўша косалар тўлалигича қолди. Кабоблар совуди. Биз анҳор бўйидаги кўрпача солинган супачага чойнак, пиёлани кўтариб бордик. Оқар сув салқини, саф тортган бақа теракларнинг ялтироқ барглари бир маромда тебраниб шитирлаши ли-



рик кайфият уйғотар, суҳбат мазмунини ҳам белгилагандек бўларди.

– Сизга маъқул бўлган ҳалиги кўк чойни Мирза акани уйларида ичиб ёқтириб қолганман. Ташрифимдан мақсад, мен қизиқиб ўқийдиган роман – “Фарғона тонг отгунча”ни ёзган ижодкорни кинога тортиш, сценарий ёздириб уни экранга олиб чиқиш эди. Аслида, режиссёрда ҳам, актёрда ҳам қалам тебратиш қобилияти бўлиши керак. Сиз биладиган Наби Ғанизода кинодан олдин адабиётга, рассомчиликка қизиққан. Ҳикоянавис, мусаввир бўлиб танилган ҳам. Пьесалар, ҳикоялар ёзган, расм чизган, ўша 20-йиллари модага кириб қолган ҳар хил йўналишларга қизиқиб уйини квадрат, куб, мураккаб чизиқлардан иборат расмлар, ҳатто полотнолар билан тўлдириб ташлаганида отаси Абдуғани отанинг ғазабига учраган, Масковга қочиб кетган. Ўша ёшлик чоғлари ҳам ёзишга, ҳам чизишга ўргангани кинодаги ижоди мазмунли, фойдали бўлишида омил бўлган, деб ўйлайман. Ўзи сценарий ёзган, ўзгаларнинг асарларини кинога мослаган. Сценарийларни ким ёзишидан қатъи назар, ҳаммиша тўлдириб борган. Шу боис Набижон билан бир сценарий ва фильм устида ишлаган ва катта роман ёзиб забардаст адиб сифатида танилган Мирзақалон Исмоилийни кинога қайта тортиш истаги мени ўша мўътабар хонадонга бошлаган эди. Тўғриси айтсам, ўзимни ҳам ниятим шундай адиб, яхши одам билан ишлаб дурустгина фильм қолдириш эди... Бажонидил қабул қилдилар. Эски кадрдонлардек кутиб олдилар. Кўришмаганимизга чорак аср бўлган эди.

Фотиҳа ўқилиб, бир пиёла чойдан кейин муддаони айтдим:

– Сценарий ёзиб беринг. Мавзу ўзингиздан. Мазмун, менга қолса, турли кўринишда, турли ёшда, ранг-баранг либосда пайдо бўладиган бир персонажнинг қилмишлари, саргузаштлари билан боғлиқ бўлса. Очиғини айтай: бу ролларни ўзим – бир ўзим

ўйнайман. Фильмнинг режиссёри ҳам ўзим бўламан, – деб таклифимни айтдим. Мирза ака ўйланиб қолдилар. Гапимни бўлмадилар. Совиб қолган чойни хўплаб ишонч билдирганим учун ташаккур айтдилар. Сўнгра китоб жавонидан романни “Фаргона тонг отгунча” китобининг биринчи нашрини қўлга олиб, саҳифаларини варақлаб:

– Актёрлик истеъдодингизга қойил қолиб келаман. Ўйлашимча, сиз режиссёрлик ҳам қила оласиз. Муаллифлик ҳам. Айниқса, мендек кинони билмайдиганлар сиздан кўп фойдаланади. Сиз тилга олган “Биз енгамиз” сценарийсини ҳам кино вакили Смирнова билан бирга ёзганмиз. Асаримиз фильмга замин бўлгандир. Лекин Наби Ғаниевнинг режиссёрлиги, Лутфихоним Саримсоқова, Лутфулла Назруллаев, Нурхон Эшмухамедовнинг актёрлик маҳорати билан бирга уларнинг таклифлари, тузатишлари бизга қўл келганини ҳамisha миннатдорчилик билан тилга оламан. Шундай экан, адабий асарга кинони назарда тутиб ўзгартиш киритишга қодир экансиз, мана бу романни фильмингизга асос қилиб олсангиз бўлмайдим, – деб “Фаргона тонг отгунча”ни менга узатдилар. Икки қўллаб олдим.

– Романингиз – меҳримни қозонган. Унга қайта-қайта мурожаат этаман. Лекин уни ўқиш учун ёзгансиз. Кўрсатиш, экранда ифодалаш учун эмас. Вақти келиб у кўпсериялик фильмга айланар. Сценарийни, фильмни Масков қабул қилиши (ёки қабул қилмаслиги) муаммо бўлиб туриши, ҳатто актёрларни танлаш, тасдиқлаш масаласи ўша ерга боғлиқ бўлиб қолгани ғайритабиий эмасми?! – деб гапни очигини айтдим-да, таклифимни яна бир бор такрорладим.

– Менга атаб, мени режиссёр ва бош роль ижрочиси деб билиб, киносценарий ёзинг. Мени иштироким зарур бўлса, айтинг. Шерик автор сифатида эмас, фильмнинг бўлажак режиссёри сифатида таклифларимни айтаман.

Икки чойнак чой ичилди. Йиғилган гаплар айтилди. Ташвиқотчилик фаолиятим бекор кетмади, шекилли, адабни рози қилдим. Сценарий ёзишга ундадим. Муддат аниқ белгиланмади. Иш жадал суратда олиб борилишига келишилди.

Адиб ваъдасининг устидан чиқди. “Девонаи ростгўй” деб аталган сценарийда бир актёр – Р.Пирмухамедов бир неча ролни ўйнаши назарда тутилди. Сценарийда хасталикнинг энгил кўринишини сезган бир кимса табибга нажот излаб боради. Табиб гиёҳларини бериб бетоб бўла бошлаган шахсга яна бир табибга (гоҳ Чиғатойдаги, гоҳ Самарқанд дарвозадаги в.х.) учрашишни маслаҳат беради. Бемор ҳар гал ўзини турлича тутиши, табибларнинг ролларини бир актёр (Р.Пирмухамедов) ўйнаши ҳисобга олиниб ёзилгани ўз-ўзидан маълум. Сценарий ўша давр эстетикаси, устун турган фикрлар, тушунлардан ҳисобга олиниб ёзилди. Айниқса, сценарий қаҳқаҳа дарғаси режиссёр сифатида экранда ифода этилиши ва барча марказий ролларни шу санъаткор ижро этиши назарда тутилиб ёзилди. Лекин ҳаёт зиддиятларини қарангки, асар битилишига сабабчи бўлган, ташаббускор санъаткор оғир бетоб бўлиб қолган кунлар эди.

Актёр ва адиб ўртасида ўзаро муносабатларнинг дастлабки палласидан воқиф бўлган, Раҳим Пирмухамедовнинг армонларини билган ҳолда Мирзакалон Исмоилийнинг ҳузурларига отланганимда, кўпчилик қатори мен ҳам ардоқлаган, мароқли сўхбатларидан баҳраманд бўлган актёр ижодий режаларга тўлиб-тошган дамда бандаликни бажо келтирган эди.

Мирза аканинг уйи Консерваториянинг эски биноси қаршисидаги кўпқаватли бинода эди. Бир неча бор йўқлаганимда эшик очик, мезбон юзида табассум, меҳрли нигоҳни кўриб кўнглим кўтарилган эди. Руҳан тўлқинланиб, маънавий озиқ олиб қайтган чоғларим бўлган. Ҳар бир масалага кенг қарашлари, кўрган, билган воқеаларидан чуқур хулоса қилиб сўзлашлари, ҳар кимдан бирор фазилат излаб, топиб мушоҳада қилишлари ёдда қолган. Мирза ака маданият соҳасини камситмаган, инкор этмаган ҳолда, ҳозирги тил билан айтганда, коммуникатив ва эстетик хизматини асрлар давомида бажариб келаётган адабиётнинг имкониятларини қайд этган эдилар:

– Раҳим Пирмухамедовни киностудия ҳовлисида бир-икки кўрган, лекин “саломалиқдан” нарига ўтмаган, фильмларда актёрнинг ранг-баранг ролларидан завқланиб юрардим. Кунлардан бир куни уйимизга ташриф буюрганларида шошиб қолдим. Қаерга ўтказишни билмай, қайта-қайта кўришиб, ташрифдан бошим осмонга етганини айтиб оилам билан таништириб бўлишим билан жиддий гапга ўтдилар. Актёр-да, бир ҳолатдан иккинчисига дарҳол ўтди-қўйди. Мен эса ҳажв устаси кулбамизга фавқулдда келиб ижод ва у билан боғлиқ ташкилий, ҳатто молиявий масалаларни кўтарганидан дарҳол ўзимга келолмадим, – деб мароқли дамларни эсладилар Мирзакалон Исмоилий. Савол бердим:

– Сиз билан музокара олиб боришга киностудиядан ваколат олганмидилар?

– Бу ҳақда ўзлари лом-лим демадилар. Мен ҳам сўрамадим. Менга буни қизиги йўқ эди. Муҳими, уйимга мен ҳурмат қиладиган санъаткор келиб, ишончини билдириб, мен ҳали ёзмаган сценарийни фильм қилмоқчи бўлгани.

– Демак, бир актёрни “бююртмаси”га биноан тўлиқ метражли фильмнинг адабий пойдеворини яратиб беришга рози бўлгансиз. Масалани молиявий томони ҳам анча мураккаб. Кўп “сценарийнавислар” студияга асар ёзиб беришни ваъда қилишади, “заявка” деган бир-икки варақдан иборат қоғозга асар мазмунини ёзиб беришади-да, катта пулни олиб кетишади. Кўпинча сценарий ҳам келмайди, пул ҳам қайтарилмайди. Сиз бўлса, ўзгача йўл тутибсиз. Ибротли иш қилибсиз-ку, студия буни қадрига етмапти. Сценарий ёзилган-у, фильм суратга олинмаётганидан хабардорман.

– Наби Ғаниев ижодини пухта ўрганибсиз. Ёзган асарингизни қўлёзма ҳолда ўқиб чиқдим. Набижон ҳам шундай қилган. Студия ҳатто мукофот берганида, “мен бунга муносиб иш қилмадим”, деганини биламан. Яна бир муҳим сабаб бор. Уйимизга келган меҳмон, актёр Р.Пирмухамедов таланти одам эди. У роль ижро этиб эмас, қаҳрамонлари ҳаёт тарзини қабул қилган киши сифатида намоён бўлган. Қаҳрамонлари каби қувонган, ташвишли кунларини бошидан кечирган, севган-севилган, ҳазил-мутойиба қилган. У, сиз айтгандек, бююртма бериб сўзлаётганидаёқ бўлажак сценарий қаҳрамонини кўраётгандек бўлдим. Ёзувчига шу керак-да. Қаҳрамонини кўриб турса, уни портретидан нусха олса, юриш-туришини кўриб, унинг йўллари ҳақида фикрлаш имкони бўлса... Бу жараён ёзиш, сюжет ривожини таъминлаш, тасвир яратиш, диалог қуриш ёхуд муаллиф сўзига урғу беришга ёрдам беради. Айниқса, мен ишонган актёр “бир неча ролни ўзим ўйнайман, режиссёрлик қиламан”, деганида ёзиладиган образлар бир-биридан фарқ қилиши билан бирга, бири иккинчисига ўхшаб туришини ҳам таъкидлашни тақозо этди. Сценарийни ўқиб кўринг. Сезарсиз бу ўхшашликларни, тафовутларни, бу сўзлардан кейин ҳали ҳеч ким ўқимаган. Раҳим Пирмухамедовдек истеъдод соҳиби орзу қилган сценарийни Мирза ака менга бердилар. Ўрнимдан туриб икки қўлим билан қабул қилдим. Ўқиб чиқиб ўзбек ва рус матбуотида, телевидениенинг икки тилдаги кўрсатувларида ижобий фикримни айтдим. Мирза ака эса ўша кун ичкюясини аввалгидек шижоат билан давом эттира олмади. Маънос кайфиятни енголмади:

– Сценарий битганида унинг ташаббускори, уни орзиқиб кутган шахс ўқий олмади. Армонда кетди. Меҳнатим зое кетганига ачинмайман. Раҳимжоннинг орзуси ушалмаганидан фиғоним осмонга кўтарилади... Чамамда, актёр ролларини яйраб ўйнади. Сценарий ёзишимда ундан ҳақиқатда нусха олгандим. Унинг ижросини кўриб тургандек, кулиб айтаётган, лекин чуқур маъноли сўзларини эшитгандек бўлган эдим.

– Бошқа бирор актёр бу ролларни ижро эта олармикин?! – сўрадим муаллифдан.

– Кўп ўйладим. Пирмухамедовни тенги йўқ эди. Наби Раҳим ўйнай олармикан, деб ўйлаб қоламан. Унга образлар талқини топширилса, сценарий ҳам ўзгариши, роллар таърифини ўзгача қилиш керакмикан...

Андишали адиб ва сермаҳсул, серташвиш актёр ҳамкорлиги биргина сценарий вужудга келиши билан яқунланди десак, самимий, ижодий муносабатларнинг қадрига етмаган бўлармиз. Зеро, мулоқот дамлари санъатнинг икки тури ўртасида ришталар пайдо бўлиши ва тобора мукаммаллашиб бориб бадиий маҳсулот бериши кўп кузатилган. Муайян шахсларнинг ўзаро алоқалари, баҳслардан ҳоли бўлмаган мулоқот дамлари, бири иккинчисидан ўрганиши самара берган. Икки санъаткор ўз соҳасини мукамал ўзлаштирган, бадиий тажриба орттирган ҳолда ўзаро мулоқотда бўлишга, ҳамкорликда ижод этишга эҳтиёж сезиши интеграцион жараённинг муайян кўринишларидан бири сифатида қабул қилиниши, илмий тадқиқотларда, очеркларда ёритилишини аудиовизуал маданият ривож топиши, биз қаламга олган синкретизмнинг янги – овозли тасвирга, мажозий ифодаларга, электрон монтаж кўмагида яратилаётган мураккаб композицияларга бой эстетик шакллари пайдо бўлаётган давр тақозо этмоқда. Бу каби талаблар даражасида ижод этиш фақат ижод жараёни билангина эмас, ташкилий, таълим, умумэстетик масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканлигини қалам соҳиблари биринчилар қатори сезиб бадиий, публицистик асарларида, портретлар яратишларида теран фикрларни билдирганлар.



## САНЪАТШУНОСЛИК

### Дилмурод ИСЛОМОВ

*1954 йилда тугилган. Тошкент Давлат маданият институтида таҳсил олган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Ҳозирда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳузуридаги академик лицейда доира санъатидан сабоқ бермоқда.*



## МУСИҚА САНЪАТИ МУАММОЛАРИ

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида мусиқа санъати ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки мусиқа санъати шахс ва жамият ҳаётида йўналтириш вазифаларини бажаради. Ижобий ва салбий таъсир кучига эга бўлган мусиқа санъати барча даврларда ҳам долзарб масала бўлиб келганлиги бежиз эмас. Шу сабабли мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқдаки, уларнинг асосий йўналишларини қуйидагилар ташкил қилади: 1) мумтоз муסיқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш; 2) бу меросни ёш авлодларга безавол етказиш; 3) иқтидорли ёш мусиқа санъати вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; 4) турли кўрик-танловлар, нуфузли мусиқа анжуманларини мунтазам ўтказиб борилаётгани ва бошқалар. Булар натижасида мусиқа санъатимизнинг миллий ўзанлар асосида ривожланиб бориш имкониятлари кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Истиқлол туфайли мусиқа санъатини чинакам даражада ривожлантириш имкониятлари пайдо бўлди. Бу имкониятларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- эркин мусиқа ижодқорлигининг мавжудлиги;
- замонавий воситаларнинг (мобил алоқа воситаси компьютер техникаси, турли хил овоз ёзиш ва кучайтириш воситалари, нусха кўчириш техникаларининг кириб келганлиги);
- истеъдодли ва иқтидорли ёшлар мусиқа санъатига эркин кириб келаётганлиги.

Кириб келаётган янгиликларни ёшларимиз тезда илғаб, уни тадбиқ этаётганлиги қувончли ҳол. Шу янгиликлар билан мусиқа санъатимизда бир қанча муаммоларнинг ҳам пайдо бўлаётгани сир эмас. Бизнинг назаримизда, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

**1. Фонограммадан меъёрсиз фойдаланиш.** Гап шундаки, мусиқа санъатимизнинг кўпгина ёш вакиллари байрамлар, тантаналар ва кечаларда мумтоз ҳамда жаҳон мусиқа санъати намуналаридан фонограмма воситасида меъёрсиз даражада фойдаланмоқдалар. Энг ачинарлиси – бунинг учун уялиш ёки муаллифлик ҳуқуқига

риоя қилмаслик одат тусини олмоқда. Баъзан эса фонограммадан таралаётган куйни ўз ижод намунаси сифатида тақдим қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Буларнинг барчаси бошқа муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда: мусиқа санъати этикасига риоя этмаслик; ёш мусиқа санъати вакиллари ахлоқида салбий иллат ва одатларнинг кўпайиб бораётганлиги; мусиқа ижроси усулларини етарли даражада эгаллай олмаслик; ижро маҳоратининг заифлашиб бориши ва ҳ.к.

Фонограмма айрим мураккаб ва иложсиз ҳолатларда бир-икки маротаба фойдаланишга мўлжалланган. Шу сабабли, тажрибали мусиқа ижрочилари имкон қадар фонограммадан фойдаланмасликка ҳаракат қилишади. Чунки фонограмма кўпинча малака ва маҳорат заволидир. Ашулада фонограммани тушуниш мумкин, аммо мусиқада фонограммани асло тушуниб бўлмайди. Доира, ноғора, таблак каби зарбли чолғулар ижрочилигида ҳам фонограммадан фойдаланиш одат тусига кираётганига, нима дейсиз?!

**2. Мусиқий билимнинг етишмаслиги.** Бу муаммога кўра, мусиқа назарияси, амалиёти ва усулларини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш сусайди. Бундай сусайишга техник имкониятларнинг кенгайиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда, албатта. Аммо бунга мазкур масала асосий сабаб бўлмаслиги керак. Ваҳоланки, умумтаълим ва болалар мусиқа мактаблари, ихтисослашган академик лицей ва коллежлар ҳамда олий таълим муассасаларида мусиқа таълими замонавий даражада ўқитилмоқда. Аммо мусиқа санъати соҳасида таълим олувчилар мусиқий билимларини бирламчи манбалар асосида ўрганиш ўрнига техник воситаларга мусиқаларни ёзиб олиб, эшитиш орқали



ўрганишга ружу қўйишмоқда. Натижада, бу қуйидаги муаммоларнинг келиб чиқишига асос бўлмоқда: мусиқий билимнинг заифлашуви; миллий мусиқий меросни етарли даражада ўзлаштирилмаслиги; жаҳон мусиқа санъати меросини пухта ўрганилмаслиги; мусиқий малака ва маҳоратнинг қутилган даражада такомиллашиб бормаслиги ва ҳ.к. Мусиқий билимнинг етишмаслиги ёш мусиқа санъати вакилларининг назарий, амалий ва услубий жиҳатдан ўртамиёна мутахассисларга айланиб қолишига олиб келмоқда. Бу, нафақат, мусиқа санъати ривожини учун, балки ижтимоий тараққиётда мусиқа санъатининг тутган ўрни учун ҳам зарарлидир.

**3. Мусиқа ижодкорлигининг заифлашуви.** Мазкур муаммога кўра, мусиқа бўйича оригинал асарлар яратиш оқсамоқда. Бугун жамиятимизда мусиқа санъати учун кис-



лород ҳисобланувчи ижод эркинлиги мавжуд. Аммо кейинги йилларда оригинал, кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлган мусиқа асарлари кам яратилмоқдаки, бу муаммолардан кўз юмиб бўлмаётгани қолди: жаҳон мусиқа намуналарини қисман ўзлаштириш; маъно-мазмунсиз ва ижро усуллари заиф мусиқий “асар”ларнинг кўпайиши; жамиятда мусиқа ижодкорлигининг турғунлашуви; “оммавий маданият”га дахлдор мазмунсиз мусиқа намуналарининг кириб келиши ва ҳ.к.

Мусиқа ижодкорлигининг сусайиши мазкур санъатда турғунликнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Унинг олдини олиш учун ёш авлод орасида профессионал мусиқа ижодкорларини вояга етказишимиз ва устоз санъаткорларнинг ижодини оммалаштиришимиз зарур бўлади. Бу ўринда оммалаштириш деганда, мусиқа ижодкорлигини ўзлаштириш, унинг тажрибаларини ўрганиш ва кенг омма орасида амалий тарғибот қилишни назарда тутиш лозимдир. Мазкур масалаларни оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш, дастлабки маҳорат мактабларини амалга ошириш, бу борада илмий ва халқона ёндашувларни уйғунлаштириш, мусиқа санъати оламига кириб келаётган ёшларни турли мусиқий санъат намуналари билан чуқур таништириш, устоз санъаткорлар тажрибаларини оммавий ўзлаштириш ва ушбу масалаларни замонавий воситалар асосида намоён этиш тақозо этилади.

Зеро, таъкидланган бу муаммоларни бартараф этиш долзарб масалалардан бўлиб турибди. Бунинг учун қуйидаги фикрларга диққат қилиш мақсадга мувофиқдир: устоз-шогирд анъаналарини янада ривожлантириш; фонограмма каби воситалардан мақсадли фойдаланиш маданиятини шакллантириш; мусиқий таълим талабларини оқилона кучайтириш; мусиқа ижодкорлигини маънавий ва моддий рағбатлантириб бориш.

Мусиқа санъати инсон ва жамият учун ижтимоий, руҳий, маънавий, маданий ва эстетик аҳамиятга эга. Шу сабабли унинг ривожига оид муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб бориш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу борада мусиқа санъати муаммоларини ўз вақтида жойларда, гуруҳларда мақсадли дастурлар, режалар ва ёндашувлар асосида иш олиб бориш керак. Асосий мақсад, мусиқа санъати муаммоларини илмий, назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиб олишга қаратилади. Акс ҳолда, мусиқа санъатида муаммоларнинг кўпайиб бориши табиий ҳол бўлиб қолиши эҳтимоли бор.



## УНУТИМАС МЕНИ БОҒИМ



### Ҳабиб САЪДУЛЛА

1942 йилда туғилган. Ўзбекистон халқ шоири.  
Шоирнинг “Баҳор билан суҳбат”, “Мулоқот”, “Яна остонангда”, “Боглар юртин боласимиз”, “Кўчамдан жонон ўтганда” сингари ўндан ортиқ китоблари нашр қилинган.  
Ҳабиб Саъдулла 2006 йилда вафот этган.

## ТИМЛАКЛАР БИР БҒАСИМ

### Наманган тонги

Тун кулранг этагин йигиштирмоқда  
Асрий чинорларнинг япроқларидан.  
Гул ҳиди омихта олма ҳидига,  
Тутар йўловчининг димоғларидан.

Айни пишиқчилик, сўритокларда  
Олтинранг ҳусайни кўрсатар жамол.  
Анвойи нашивати, сархил ноклардан  
Бутоқлар эшилмиш гўё мажнунтол.

Ўхшаши топилмас богкўча кўркин  
Гўё маъмур давр дастурхони бу.  
Богбон қалби каби сахий ва тўкин,  
Миришкор меҳнатин чин нишони бу.

Тамбалар олинар дарвозалардан,  
Таширф буюрмоқда, ахир, қутли тонг.  
Тонготар палласи богкўчаларда,  
Гулзорларда бесас ажиб бир оҳанг.

Чилвир сочин бошга чамбарак қилиб  
Ҳовли супуришар келинлар, қизлар.  
Улкан тандирларда олов ёқилиб,  
Новвой иссиқ нонни, хў, боя узган.

Самовар қопқоғи шарақлаб турар  
Исроил полвоннинг чойхонасида.  
Гузарлар қаймоғу қатиққа тўлар,  
Қишлоқлик дўстлардан туҳфа-насиба.

Ойнадай ярқирар кенг асфальт йўллар,  
Ҳа, махсус машина сув сепиб ўтган.  
Тонг билан Тошкентдан поезд ҳам келар,  
Тонг билан бошланар меҳмондўстлик ҳам.

Меҳрин қориштириб пок ҳавосига,  
Чиройига-чирой қўшар Наманган.  
Кўзгудир халқининг муддаосига,  
Катта тўйхонага ўшар Наманган.

Қатиқ-қаймоғини, нони, гулини,  
Меваси, шеърини қилиб дастурхон,  
Шаҳрим кўкси узра қўйиб қўлини  
Тонгни қаршилайди, кутади меҳмон.

### Ажсаб

Инсон тафаккури лол этар мени,  
Унинг измидадир табиат, олам.  
Қаранг, сўриб олиб илон захрини  
Ундан кашф этибди бир ноёб малҳам.

Инсон табиати лол этар мени,  
Илоннинг захридан топару дармон –  
Нечун, ништар санчиб заҳар тил билан  
Баъзан инсон ўрнин оларкан инсон?!

### Севгилим

Агар оддийгина бир аёл бўлсанг,  
Соҳибжамол бўлсанг, баркамол бўлсанг,  
Ширин мақол бўлсанг, лафзи ҳалол бўлсанг,  
Балки, оддийгина бир аёл бўлсанг,  
Шунча куймасмидим, доғингда?!

Эртакдаги пари, хур бўлсанг, балки,  
Лаъли лаб, тишлари дур бўлсанг, балки,  
Умримни ёритган нур бўлсанг, балки,  
Эртакдаги пари, хур бўлсанг, балки,  
Шунча куймасмидим, доғингда?!

Йўқ, на соҳибжамол ва на малаксан,  
Мени қуршаб олган чексиз фалаксан,  
Дарду доғинг билан менга кераксан,  
Дунёда боримдан бир хуш дараксан,  
Ҳаётим тотлидир хаёл богимда!

Жонимни йўлингга қўйиб, севмасам,  
Азобинг роҳатдай туйиб, севмасам,  
Ҳижронда жонимдан тўйиб, севмасам,  
Жонимни йўлингга қўйиб, севмасам,  
Шунча куймасмидим, доғингда?!

Бир умр васлингга абгорлигим ҳам,  
Гоҳи беҳуд, гоҳи ҳушёрлигим ҳам,  
Бойлик, давлатим ҳам, ночорлигим ҳам,  
Куйиб юрганымдан доғингда...  
Севгилим!

### Бу дунё

Уюм шагал узра ўлтириб олиб,  
Ҳаммага тош отган тантиқ боладай,  
Ўзингча дунёга ясаб бир қолип,  
Оламни жойламоқ бўлмагил атай.

Сенинг қолипингга тушмаса дунё,  
Гуноҳкор қилмагил, ахир, ҳаммани.  
Сенга нохушларни хушласа дунё,  
Ғаним деб билмагин, ахир, ҳаммани.

Не илож, тош отсанг ҳамма бепарво,  
Кулимсираб боқар бу корингга олам.  
Ким ҳам кўрар сенга ганимлик раво,  
Расо одам билан курашар одам.

### Ҳақиқат

Ҳақиқат биттадир,  
Ҳақиқат каттадир,  
Биз уни майдалаб юбордик чоғи.  
Сенинг ҳақиқатинг,  
Менинг ҳақиқатим,  
Бошқа ҳақиқатлар у ёғи...

Ҳақиқат яхлитдир,  
Бир ёмби тахлитдир.  
Уни бўлакларга бўлсак биродар,  
Тортишиб, бўлишиб,  
Ҳар ким ўз улушин  
Ола билармикин баробар?

Йўқ, йўқ, бу душвордир,  
Тирикликда кордир.  
Каттарогин олмоқ илинжи,  
Шу илинж, шу армон  
Йўлида ҳар инсон  
Йўқотиб юради орому тинчин.

Майдаланган нарса  
Бўлиб парча-парча,  
Йўқолиб кетмасми оқибат?!  
Ўзимиз майдалаб,  
Этурмиз сўнг талаб  
Катта ҳақиқатни ҳаммавақт.

Тирқираб кетса гар  
Майда ҳақиқатлар,  
Улкан ноҳақликка етмагай кучи.  
Юраклар бир бўлсин,  
Тилаклар бир бўлсин,  
Ҳақиқатни бутун сақламоқ учун.



## ГУЛҚАЙЧИ



### Анвар НАМОЗОВ

1970 йилда туғилган. СамДУнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Мен – кўринмас одам”, “Онаси ўлмаган йигит”, “Жумбоқ”, “Қиёфа ўғриси” номли китоблари нашр қилинган. Айни пайтда, “Янги китоб” матбаа корхонасида фаолият юритмоқда.

## ОТА, ҚАЕРДАСИЗ?

### Ҳажвия

Ички ишлар бўлимига кириб келган Жума ота биринчи дуч келган милиция ходимиغا мурожаат қилди:

– Улим, кампирим йўқолиб қолди, қачон топиб берасизлар?

Милиция ходимининг кулгиси қистади. У Жума отани бир чонога олиб кирди:

– Муродов, мана бу отахоннинг аризасини расмийлаштиринг.

– Ассалому алайкум, келинг, – деди лейтенант Муродов. – Аризангиз...

– Ҳурматли Муродип улим, – унинг гапини бўлди Жума ота. – Пойтахтга келувдик, кампирим йўқолиб қолса бўлама!

Чориев қоғозга энгашди:

– Ҳозир ёзиб олай. Хўш, қандай ҳолатда йўқолди? Исм-шарифингизни ҳам айтинг.

– Мен, Муродип улим, Чориев Жума бўламан. Бугун эрталаб йўлга чиқиб эдик. Пойтахтга эсон-омон келдик, Худога шукур. Кейин яна бир аптавузга чиқдик. Улимди йўқлаб келиб эдик-да! Аптавузда кўзим илиниб қопти. Кўзимни очсам, ёнимда ўтирган кампирим йўқ. Шопирдан сўрасам, “билмайман”, дейди. Тавба, садағанг кетай, аптавузингга мингандан кейин билишинг керак-ку, қандай одамсан сен?

– Қайси автобусга минувдингиз, ота?

– Яшил аптавуз эди. Ёнида анови, кир совунни риклом қилиб ёзиб қўйган. Бир артист аёл риклом қилади-ку ўша, тилвизирга ҳам чиқиб турадиган.

Муродов бошини қашлади:

– Яшил автобус, денг? Яшил автобус кўп бўлса!.. Сиз ухлаб қолувмидингиз?

– Ҳа... Кўп ухлаганим йўқ, шундай кўзим илинди. Аптавуз силкинганда кўзимни очсам, кампир йўқ-да! Менга айтмай, индамай тушиб кетган бўлса керак.

– Ҳм-м... Унда кампирингиз эмас, сиз йўқолиб қолибсиз-да, ота! – дея жилмайди Муродов. Кейин:

– Пойтахтдаги ўғлингиз шаҳарнинг қаерида яшайди? – деб сўради.

– Панжини сўраясанма? Аниқ адрисини билмайман... Кампир биледи-да! Менга айтиб эди, эслаб қолмаганман.

– Телефони борми?  
 – Ҳа, бор, аммо пилус билан бошланадиган тилпон нўмирини қаердан эслаб қолардим. Менга кампиримни топиб бер! Унинг ўзи улимди уйига олиб боради. Аммо лекин етмишдан ошган бўлсаям, топади кампирим, бало у!  
 – Ўғлингиз қаерда ишлайди, ота?  
 – Институтда ишлайди.  
 – Қайси институтда?  
 – Талабалар ўқийдиган институтда дарс беради. Ўзи кампиримга айтдим, “бунча шошасан, отпуссага чиқса, улингди ўзи болалари билан келади”, дедим. Қулоқ солмади-да! “Небараларимни соғиндим”, дейди. Нима, мен соғинмайманма? Менам соғинаман. “Бир ўзим бориб-келаман”, деб туриб олди. Кўзим қиймай, бирга келиб эдим-да, Муродип улим.  
 – Так, так, так, – деди лейтенант Муродов яна бошини қашлаб. – Кампирингизнинг исм-фамилияси?  
 – Норчучук! Фамилияси эса қоған, дейсанма?!  
 – Юз кўринишини айтинг.  
 – Юз кўринишима? Шу... бетини фақат ажин босиб, бужмайиб-буришиб кетган. Билагада ошқовоқдай нори бор. Оғзида биттаям тиши қолмаган, лекин тили бир қарич.  
 Лейтенант Муродов нима қиларини билмай, ўзининг ҳам юзи буришиб кетди. Бошлиқнинг хузурига кириб, Жума бобо ҳақида хабар қилди.

\* \* \*

Сабоҳат қайнонасини кучоқ очиб кутиб олди. Қайнотаси ҳам бирга келганини, аммо қаердадир ғойиб бўлганини эшитиб, ҳангу манг бўлди. Тезда эрига кўнғироқ қилди.  
 Ҳаял ўтмай, уйга Панжи кириб келди.  
 – Хуш кепсиз, эна? Тинчмисиз? Бардаммисиз? Нега бир оғиз айтмай келяпсизлар? Ўзим кутиб олардим.  
 Норчучук момо қўл силтади:  
 – Э, отанг қўймади. “Сурпирис қилиб борамиз”, деди. Мана энди ўзи сурпирис бўп йўқолиб қолди.  
 Панжи ишонқирамай сўради:  
 – Ростдан ҳам отам билан келувмидингиз, эна?  
 – Ҳа, астановага етгандан кейин, “Чол, келдик”, деб туртдим. Аптавуз юриб кетмасин, деб тезгина тушиб, анча ерга борғач, яхшилаб қарасам, отанг йўқ. Ё астановада йўқолган, ё аптавузда кетиб қоған.  
 – Бу нима деганингиз, эна? – қизишди Панжи. – Шаҳарга олиб келгандан кейин бундай қўлларида ушлаб юриш керак эди-да!  
 – А?.. Қишлоқда қўлини ушламаган шаҳарга кеп, қўлини ушлайманма? Қизиқ гапларни гапирасан. Сенлар у, ҳамманинг олдида падруска кип кетадиган.  
 – Уф, пойтахт катта бўлса, энди отамни қаердан излаймиз?  
 – Э, отангди бўри еб кетармиди? Топилади, кўрасан!  
 Сабоҳат сўради:  
 – Қайси автобусга минувдиларинг, эна?  
 – Яшил аптавузга! Лекин бўрноғи сафар дўмларингди ёнига тўхтаб эди, энди учта кўча нарида тушириб кетди. Ўзим ҳам адашиб қолиб, зўрға топдим, келин.  
 – Қўлларида телефон борми?  
 – Э, чол одам тилпонни тушунама?.. Менимча, у аптавузда ухлаб қоған-ов! Уйдаям қарис сериали бошлангандан ухлаб қоларди, кейин тугаганда уйғонарди. “Нима бўлди, айтиб бер”, деб бошимни қотириб, нервимга тегарди.  
 Панжи ошхонага ўтди, сўнг томоқ кириб, хотинини чақирган бўлди. Сабоҳат дик этиб ўрнидан турди-да, эрининг олдида шошилди.  
 – Бу... бу отам телефон рақамимизни билмаса керак-а?  
 Сабоҳат бош чайқади:  
 – Сўрадим. Энам минг марта айтибди, охиригача айтгунча бошидаги рақамлар эсидан чиқиб кетаверибди. Энам қоғозга ҳам ёзиб берибди. “Қайнотангиз қоғозни ҳам йўқотган”, дейди.  
 – Мен милицияга кетдим, Сабоҳат! Тўхта, отамнинг фамилияси нима эди?  
 Сабоҳат елка қисди. Панжи ўшқириб берди:  
 – Ҳеч балони билмайсан. Бор, энамдан сўра!  
 Норчучук мома ҳам “ҳеч бало”ни билмаскан.  
 – Шу ёшга кириб, отангизди памилясига ишим тушгани йўқ, – деган овози келди унинг. – Э, мунча хавотирланасизлар? Топилади шу чол! Йўқолса, шу пайтгача тузук-

қуруқ йўқоларди-да! Ундан кўра, боғчадан небараларимди опкелинглар. Уларға курт опеғанман.

Ошхонада у ёқдан-бу ёққа юраётган Панжи бу гапдан янада жиғибийрон бўлди. “Энам нега ўйламайди? – деди хуноб бўлиб, кўнгил – душман-да, дарров Панжининг ичини нохуш ўй тирмалаб ўтди. – Шошма, энам отамни атайин адаштириб юборган бўлса-я!..”

Кеч тушиб борар, Панжи эса милиция бўлинмасига нима деб мурожаат қилишни билмай, боши қотган эди. Бу орада Сабоҳат боғчага бориб, икки ўғлини олиб ҳам келди.

– Дада, бобом йўқойиб қоптиями? – деб сўради Фазлиддин кўзларини катта-катта очиб. – Каттала ҳам йўқоядими?

Панжи бу гапдан баттар асабийлашиб, онаси ўтирган хонага кирди:

– Эна, автобусдан тушган бекатингиз қайси томонда эди?

– Марўжний сотадиған астанопка эди. Шим кийган хотин апчарка кучуги билан туриб эди...

– Уч кўча нарида, дедингизми? Бу атрофда бекат кўп, қаердан топамиз? Айтинг-да, тузук...

– Бўлди, жағимди оғритиб юбординг, – тумтайди кампир. – Отанг керак бўлса, ўзинг топ.

\* \* \*

Майор Зайниддинов Жума отанинг узундан-узоқ гапини эринмай эшитди. Сўнг Муродовга ўхшаб бошини эмас, иягини қашлади. Шу аснода Жума отага тикилиб турди.

– Бу ерда ўйлаб ўтирғандан фойда йўқ, кампиримди топиш керак, – деди Жума ота чидай олмай.

Зайниддинов диққат бўлди:

– Пойтахтда қанча одам яшашини биласизми, ота? Яна қанча одам кириб-чиқади.

– Менинг кампирим ҳаммасидан ажралиб туради, Зайниддин улим.

– Кампирингиз аллақачон ўғлингизнинг уйида бўлса керак. Ким, дедингиз, Панжи-ми? Ўзи излаб қолар, а? Қайси туманда яшайди?

– Тошкентда, дедим-ку!

– Қайси туманида? Чилонзорми, Олмазорми, Мирободми?

– Сенам роса эзма экансан-да! Сўрайверасан, сўрайверасан. Сариқ домда яшайди, дедим-ку! Падйездини кўкка бўяб қўйган. Учинчи қаватида лампичкаси куйган эди, ҳозир алмаштирганма-йўқма, билмайман.

– Отахон, нега жаҳл қиласиз? Ўғлингиз ишлайдиган жойни аниқ билмасангиз! Уй келинингизнинг номига олинган экан! “Ўғлим паспиртини алмаштириб эди”, дедингиз. Келинингизнинг отини сўрасам, “ўртанча келин”, десангиз.

– Ҳа, мен келинди отини бошимга ураманма? Ўртанча келинди ўртанча, дейди-да! Сен менга кампиримди топиб бер, улимди ўзи топиб олаверади.

– Қандай топиб бераман? Тузилишини айтинг-да бундай! Фотороботини қилиб, запрос юборамиз.

– Работға юборасанма?

– Отахон, илтимос, бир зум халал бермай туринг, – Зайниддинов шундай деб ён томондаги турнақатор телефонлардан бирининг гўшагини кўтарди: – Алё, навбатчи Қўлдошев, эшитяпсанми, ҳамма ҳудудларга хабар юбор, етмиш ёшли кампир қишлоқдан келиб, йўқолиб қолган... Норчучук мома, дегин... Фамилиясини қаердан билламан?... А?... Сен етказавер, бор маълумот шу!.. Айтгандай, Қўлдошев, шаҳар транспорт бошқармасига ҳам...

– Зайниддин улим, – деди Жума ота ўрнидан туриб.

– Ҳа, уларга ҳам мурожаат қилишсин. Нима?... Навбатчиси ўтиради-ку, барибир! – Зайниддинов гўшакни қўйиб, Жума отага юзланди: – Гапиринг, ота, бирорта маълумот эсингизга тушдими?

Жума ота ён-атрофга қараб олди-да, секин сўради:

– Зайниддин улим, бу... ҳожатларинг қаерда? Заҳар танглик қип қолди.

Майор ўрнидан турди ва “юринг” ишорасини қилиб, Жума отани ортидан эргаштирганча хонадан чиқди. Отахон у ерда узоқ қолиб кетишини қаердан билсин! Зайниддинов навбатчига тайинлай, деса, чолга нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Кутиб тураверди. Ниҳоят, Жума ота чиқди. Кейин яқин орада чойхона бор-йўқлигини сўради.

– Чойхонани нима қиласиз? – қошини чимириб сўради Зайниддинов. – Яна йўқолиб қоласиз!

– Зерикиб кетдим, нос чакиб, оёқни чўзишга мундайроқ жой йўқ, – деди Жума ота. – Аттанг, Тойир журамди опекеабман-да, гурунглашиб ўтирардик... Кампирим топилмадими?

– Топилади, отахон, топилади.  
 – Сенинг хотининг йўқолмаган-да, тушунмайсан! Бу ерда қаққайиб тургунча, бориб қидирсанг бўлмайдими?  
 – Э, қизиқ одам экансиз, – деди Зайниддинов, сўнг қўли билан ташқарига ишора қилди. – Ҳозир чиқиб, тўғрига юрасиз, кейин чап томонга ўтсангиз, чойхона бор. Одамлар келиб, ўзлари ош қилишади. Бирорта чорпоёга чиқиб, ёнбошлаб дам олинг. Момо топилса, ўзим олдингизга олиб бораман.  
 – Тезроқ топ! – Жума ота шундай деб, ҳассасини дўқиллатганча кўчага чиқиб кетди. Зайниддинов унинг орқасидан қараб қоларкан, яна иягини қашлади. Бироз турди-да, ўзининг ҳам чапанлиги тутиб, “уккағар чол боплади”, деди ва хонасига йўл олди.

\* \* \*

Панжи милицияга муурожаат қилишдан кўра, бекатга боришни мўлжаллади. Аммо қайси бекатга боришни билмасди. Тўрт томонда тўртта бекат бор-да!

– Энамга отам керак эмас, – деди бўғилиб Панжи. – “Бу ернинг кампирлари ёмон, чолларни олиб қочиб кетади”, десам ҳам пинагини бузмайди. “Отангди кўрса, уларди ўзи қочиб кетади”, эмиш! “Отанг керак бўлса, ўзинг қидириб топ”, – дегани-чи!

Ғира-ширада икки кишининг шарпаси кўриниб, ҳассанинг дўқиллаётганини эшитган Панжи қувониб кетди. Ҳа, кимдир отасини бошлаб келяпти. Панжи ўша томонга югуриб борди:

– Ота, қаерларда юрибсиз?

Иккала шарпа тўхтади. Панжи уларга янада яқин келиб, юзларига разм солди:

– Ота, сизмисиз, мен – Панжиман.

– Э, бу менинг отам, – деди чолнинг ёнидаги йигит. – Ота, ўзингиз айтинг.

– Ҳа, ҳа, – жавоб берди чол, – менинг Панжи деган ўғлим йўқ.

Йигит минғирлади:

– Қоронғида дуч келгани ота деявераркан-да!

Панжи узр сўраб, улардан узоқлашди. Бекат томонга ошиқди. “Нега отамнинг фамилиясини билмайман? – деди ўзидан ёзғириб. – Наҳотки, эсимдан чиқиб кетган бўлса? Э, энам билмайди-ю, мен қаердан эслай? Охириги марта отамнинг фамилиясини ишга кираётганимда ёзган эдим. Шунга ҳам олти йил бўлибди. Шунга эсдан чиқибди. Э, баъзида еган овқатимни номи эсда қолмайдию... Ота, отажон, қаердасиз?”

Бекат ўриндинининг тагида кимдир узала тушиб ётган экан. Панжи яна югурди.

– Ота, ота...

Узала тушиб ётган одам қимирлаб қўйди:

– А? Ҳиқ... қуй, эллик грамм қуй...

Панжи қолган учала бекатниям кўриб чиқди, Жума ота йўқ эди. Бир-иккита йўловчидан сўради, улар елка қисишди.

“Энди милицияга бормасам бўлмайди, – ўйлади у. – Тўхта, аввал Ҳамроқулга телефон қилай, балки отам қишлоққа қайтиб боргандир...”

Укасига телефон қилди:

– Алё, Ҳамроқул, ассалом, яхшимисан? Отам...

– Ака, сизма? – деди Ҳамроқул. – Чол-кампир эсон-омон етиб боришдима? Э, булар тинч юрмайди-да, шунча...

Панжи ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди:

– Отам йўқолиб қолди, Ҳамроқул! Ҳеч қаерда йўқ.

– Нималар деяпсиз, ҳазиллашманг. Отам йўқоладиган одам эмас-ей!..

– Сен хотининг билан ҳиринг-ҳиринг қилгунча менга телефон қилиб қўйсанг ўлармидинг? Ўзим кутиб олардим-ку!

– Отам, “уларга айтма, овора қип қўямиз”, деди-да! Ёпирай, қаерга йўқолади? Отам... энам билан кетган эди-ку! Энам қаерда?

– Энам уйда, – ҳиқиллади Панжи, – отам йўқ!

– Ёпирай, аразлашиб қоптима улар? Мен минг марта айтдим, “ота, эна, шу ерда тинчгина ўтиринглар”, дедим. “Сен, тирранча, менга қаерда ўтиришди ўргатма”, деб отам ҳассасини кўтариб қувди. Йўқолишини билганимда таёқ еб бўлсаям олиб қолардим, ака! Мен қаердан билибман. Ўзи ҳаммасига сиз сабабчисиз! Шаҳарда қолиб, бало бормиди? Қишлоққа қайтиш керак эди. Тошкандда қолмаганингизда отам ҳам йўқолмасди.

Панжи жаҳл билан телефонини ўчирди. Кейин бирдан: “Ия, отамнинг фамилиясини сўрамабман-ку” – деган ўй миясига урилди. Қайтиб Ҳамроқулга кўнғирок қилмоқчи бўлдию, қўл силтади: “Шундоқ ҳам топаман”. Сўнг теварак-атрофга разм солди: “Милиция бўлинмаси қаерда эди?..”

Кўзи тушмади. Дуч келган йўловчи машинага қўл кўтариб, яқин орадаги мелисахонага элтиб қўйишни сўради.

- Хўш, нима гап? – сўради навбатчи милиция ходими.
- Бир кишини йўқотиб қўйдим, – ҳовлиқди Панжи. – Тез топишим керак.
- Навбатчи ариза ёзиш кераклигини айтди. Панжи шошганидан ғадир-будур қилиб ёзиб ташлади. Навбатчи қоғозга кўз югуртириб, ҳеч нимани тушунмади.
- Эҳе, врачларнинг рецептига ўхшаб қолибди-ку! – деди у. – Мана бу ерда нима дейилган? “Жума куни йўқолган”, деганмисиз?
- Йўқ, отамнинг исмини ёзганман. Йўқолган киши отам бўлади. Исми – Жума ота!
- Ўзингизнинг исм-шарифингиз?
- Жумаев Панжи... Тезлаштирайлик, командир, илтимос.
- Навбатчи телефон гўшагини кўтариб, кимлар биландир гаплашди. Бош ирғаб турди. Кейин чеҳраси ёришиб, “раҳмат”, деди-да, гўшакни қўйиб, Панжига юзланди:
- Тўртинчи бўлинмага борасиз. Бу ердан икки чақиримча келади. Стоматология шифонасининг ёнида.
- Панжи қийқириб юборди:
- Барака топинг, ака!
- Жума ота тўртинчи бўлинмада ҳам йўқ эди. Навбатчи кулимсираб деди:
- Ҳа, сизнинг отангизми? У киши чойхонада! Ҳамкасбларнинг ҳаммасини қўярда қўймай чақириб олди...
- Панжи чойхона томонга учди. Чойхонага етар-етмас, отасининг овози қулоғига чалинди:
- Кейин бойнағини жағидан шуйтиб ушладим-да, битта солдим. Ариққа думалаб тушди. Қўймичиға экки тепдим. “Сен, – дедим, – қишлоғимизди молини ўғирлайдиган бўлдингма?” – дедим. Мелисахонага ўзим обордим.
- Ота, – бақириб юборди Панжи. Шу ондаёқ ичи ёришиб кетди. “Чориев! – ўйлади у. – Отамнинг фамилияси Чориев эди!”
- Бир товоқ ош қўйилган чорпоядаги дастурхон атрофида милиция ходимларини оғзига қаратиб ўтирган Жума ота “ялт” этиб қаради. Ўғли билан кўришаркан, “мана шу ошди еб, кейин кетамиз”, деди. Кейин ҳамма ходимлар билан бирма-бир таништирди. Улар туришга рухсат сўрашганида эса қўймади:
- Яна ярим соат ўтирсаларинг, ҳеч нима қилмайди. Юртимиз тинч, Худоға шукур!
- Шу пайт Ҳамроқул сим қоқиб қолди:
- Ака, мен ҳамма қариндошларға айтиб чиқдим. Ҳозир йўлға чиғаяппиз. Эрталабғача бўлсаям топамиз отамни... Куляпсизма, тавба?
- Отам ёнимда, – деди Панжи. – Биз ош еяпмиз...